At the syntagmatic level, the semantic structure of a word is analyzed in its linear relationship with neighboring words in the stream. connected speech or text. In other words, semantic characteristics words are observed, described and studied on the basis of typical contexts of use. At the paradigmatic level, the word is studied in relation to other words in the vocabulary system of the language. So, the word can be considered in comparison with other words similar in meaning (work, n. - labor, n.; to refuse, v. – to reject v. - to decline, v.), opposite in meaning (busy, adj. - idle, adj.; to accept, v. - to reject, v.), having different stylistic usage (man, n. - chap, n. - bloke, n. - guy, n.) or on any other characteristics. Consequently, the main problems of the paradigmatic level of research are synonymy, antonymy, use in various functional styles of speech. Here the problems of homonymy (form identities with different content of words) should also be added.⁴

RESULTS AND DISCUSSION

The diachronic approach deals with change and development vocabulary in historical terms, over time. These two approaches are closely related and interdependent. Synchronous language state is the result of a long process of historical development. For example:

1) diachronically the words country, bacon and fellow are borrowings, but at the synchronic level they are considered as English, no different from other native words such as child, foot, stone;

2) words such as childhood, freedom, friendship were considered complex at one time, the suffixes -hood, -dom and -ship had the status of independent root morphemes. Thus, from a diachronic point of view, these words are complex, but in the course of the historical development of language and speech, they turned into derivatives;

3) at present (synchronously) the words to beg and beggar are related and correlate with each other as a simple and derived word, while noun. beggar is thought of as derived from the verb to beg. This correspondence seems to be the same as in the pair to sing - singer, to teach - teacher and etc. But from a

⁴ <https://monster-evo.ru/uz/studentu/metodika-obucheniya-angliiskomu-yazyku-deteido-shkolnogo-vozrasta-metodiki/>



diachronic point of view, it turns out that noun. beggar was borrowed from Old French and only later began to correlate with the shorter native verb to beg (as action and doer of action with suff. -er).⁵

Foreign language teaching methodology as a science has a history of more than 200 years. This is the period to observe different attitudes towards foreign language teaching methods possible. One such view belongs to academician L.V. Shcherba.⁶

According to him, despite the fact that the methodology of teaching any science is a science, is not considered a theoretical science. It solves practical problems, including foreign languages. The teaching methodology is not only based on the evidence of psychology, but also general and based on private linguistic research. A linguistic phenomenon. This is the methodology if it deals with the laws of origin and motion what to do to put into practice the necessary linguistic phenomenon based on the laws answers the question of whether. The most valuable of the methodological books also written by linguists.

Each science has its own set of concepts. Foreign language teaching to include the following among the basic concepts accepted in the methodology possible: education system, teaching method, teaching principle, teaching aid, methodical method. A foreign language teaching method is a practical way of teaching a foreign language. ensuring the achievement of general scientific, educational and developmental goals a set of teacher and student activities. The term method is “education it is used in the sense of “set of methods” and “direction of education”. The first in the theory of education, the process is used in the sense of methods, in the second sense it “can be found in works on the history of teaching methods. For example, translation method of teaching, correct method, cognitive-comparative method, traditional method, intensive method and others.

How to efficiently conduct vocabulary teaching has become an important research topic in college English teaching. Because the traditional vocabulary teaching mode always takes the teacher as the main teaching channel, listing the meaning and collocation of each word in isolation without the context of the article, and asks students to memorize mechanically. In order to solve these problems, Constructivism advocates student-centered and emphasizes that students are the active constructors of the meaning of knowledge.

CONCLUSION

⁵ Bottino R.M., Forcheri P., Molfino M.T. Technology Transfer in School: from Research to Innovation // British Journal of Educational Technology. 1998. № 29 (2). Pp. 163-172.

^{6/17} M.Xodjayev, M.Qahhorova “Chet til o;qitish metodikasi” – T: Fan va texnologiyalar, 2012.



Generally speaking, the meaning of word in context is no longer the dictionary meaning, but the dynamic context meaning which needs to be constructed on the basis of the interaction between subject and object. The other is the embodiment-activation schematic construction module, this model is based on the reflection schema and cognitive structure theory proposed by constructivist psychology, this mode can activate the knowledge and experience stored in the brain, and effectively guide students to organize a complete vocabulary network in vocabulary learning.

Through the analysis of the above teaching cases, it is not difficult to draw such a conclusion that the word parameter contextualized meaning construction module and the embodiment-activation schematic construction module are feasible in actual teaching cases. On the one hand, this model makes teachers and students notice the existence of parameter factors. In the construction of vocabulary semantics, learners can rely on multiple parameter factors to distinguish unknown word and complete the process of vocabulary learning. On the other hand, the establishment of schemas connects the same category with related word in English.

When students see a word, they can think of a series of characters, which not only enlarges the vocabulary, but also makes it difficult to forget. This teaching mode can make the teaching and learning of English vocabulary not monotonous and arduous. In addition to using schemas to construct semantic maps of vocabulary, teachers can also instruct students to use this strategy for English listening, oral teaching, etc. It has a wide range of use. In actual vocabulary teaching, students will improve their English reading ability due to the expansion of English vocabulary. Therefore, scientific learning strategies can expand English vocabulary when learning and memorizing English vocabulary. Thus, through deep understanding of the meaning connections between vocabularies, students can improve the ability of memorizing vocabularies. This kind of learning strategy of semantic representation is worth popularizing in daily foreign language teaching.

REFERENCES

1. Laufer, B., Paribakht. T. S. (1998). The relationship between passive and active vocabularies: effects of language learning context. *Language Learning*, 3, 368-369
2. Piaget, J. (1970). Piaget's theory. In: Mussen, P. H. (Ed.), *Carmichael's manual of child psychology*. New York: Wiley.
3. Wilkins, D. A. (1982). *Teaching Vocabulary*. London: Heinemann Educational Books.
4. Verschueren, J. (1999). *Understanding Pragmatics*. London: Oxford University Press.



5. M.Xodjayev, M.Qahhorova “Chet til o;qitish metodikasi” – T: Fan va texnologiyalar, 2012.
6. Aziza Vokhid Qizi Pirmatova COMPUTER-AIDED INSTRUCTION IN VOCABULARY TEACHING FOR SECONDARY SCHOOL LEARNERS // Academic research in educational sciences. 2021. №CSPI conference 2.
7. Toliboboyeva Shabnam., The category of emotiveness in literary works// Экономика и социум" апрель 2021№3(82) 2021
8. <https://tech.ed.gov/innovationclusters/>
9. <https://zamin.uz/uz/dunyo/65666-davlat-xizmatida-ustoz-shogird-instituti-xorijiyammlakatlar-tajribasi.html>
10. <https://uza.uz/oz/posts/chet-tillarni-o-qitish-takomillashmoqda-07-01-2016>
11. <https://monster-evo.ru/uz/studentu/metodika-obucheniya-angliiskomu-yazyku-deteidoshkolnogo-vozrasta-metodiki/>
12. www.tashxis.uz



BASKETBOL BILAN SHUG'ILLANUVCHI SPORTCHILARNI SAKROVCHANLIKNI RIVOJLANTIRISH USLUBIYATI

San'at Raximboyevich Kenjayev

UrDU Jismoniy madaniyat fakulteti o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

Bugungi zamonaviy basketbol, musobaqalashtirish faoliyatini tezlashtirish manbasi sifatida tavsiflanadi. Unda vaqtni tejash umumlashgan holda texnik uslublar kabi ayrim holatlari, tezlikda oldinga intilishning taktik o'zaro faoliyati, shaxsiy o'yin ta'sirini sonini ko'paytirish ifodalanadi. Sakrovchanlik harakatlarning hususiyatlaridan borat, ular o'zining asosida o'yinchilarning harakatlarning nozik yo'nalishlar bilan bog'liqligi to'pning uchish tezligi, hamda sakrovchanlik texnikasi asosiy o'rinni egallaydi.

Kalit so'zlar: jismoniy sifat, basketbol, musobaqa, sakrovchanlik, rivojlantirish, mashg'ulot.

ABSTRACT

Today's modern basketball is described as a source of accelerated competitive activity. It describes some aspects of saving time, such as general techniques, tactical interactions when accelerating forward, and increasing the number of individual game effects. As for the features of jumping movements, they are based on the fact that the speed of the ball, as well as the technique of jumping, play a key role in the correlation of players' movements with graceful directions.

Keywords: physical qualities, basketball, competition, jumping, development, training.

KIRISH

Bugungi zamonaviy basketbol, musobaqalashtirish faoliyatini tezlashtirish manbasi sifatida tavsiflanadi. Unda vaqtni tejash umumlashgan holda texnik uslublar kabi ayrim holatlari, tezlikda oldinga intilishning taktik o'zaro faoliyati, shaxsiy o'yin ta'sirini sonini ko'paytirish ifodalanadi.

Bularni barchasi o'yinchining jismoniy tayyorgarligini yuqori darajasida mujassamlanadi, uni asosida basketbolchini musobaqalashtirish jarayonidagi imkoniyatlari, o'yinchanlik atletlantirish yotadi. Jismoniy rivojlanish darajalariga zamonaviy talablar, o'yinchini mukammal texnik uslublarni bajarish imkoniyatlari va katta tezlikda faol o'zaro ta'sir taktikasi, kuchli pressing, matchni ohirgi soniyasigacha o'yinda

harakatchanlik tezlikni saqlashdan iborat. Bugungi davrda Basketboldan musoboqalar o'tkazishda ko'pgina o'ziga hos o'zgarishlar kiritildi, huddi shunday holat o'yin tizimi faoliyatida ham asosiy urg'u himoya ta'sirini aralashtirish va ayrim o'yinchilarni texnik imkoniyatlari, huddi shunday musoboqalashtirish davrlarini tizimlilikini ko'paytirish va ma'muriy o'yinlar sonini ko'paytirishga ta'lluqlidir. Zamonaviy basketbol qoidalariga asosan hujumga o'tish ta'sirini bajarish, to'pni oldingi zonaga o'tkazish vaqti qisqartirildi, bunday o'zgarishlar jamoadan, tezlik, o'yinchini shaxsiy imkoniyatiga hujum tizilmasini qabul qilish va bajarishni talab etadi. Mutaxassislarning tasdiqlashicha musoboqalashtirish faoliyatida natijalilik zaxirasidan biri basketbolchilarni maxsus jismoniy tayyorgarligini muvofiqlashtirish hisoblanib aynan: tezlik-kuchlanish qobiliyatlari, uni ko'rinishining asosi sakrovchanlik – deb tasdiqlaydilar.

O'rganilgan adabiyotlardan biz zamonaviy Basketbol holatiga hos o'yinchilarni o'yin jarayonini rivojlantirishga hos, Basketbol o'yinida keyingi yillar davomida bironta sakrashni amalga oshirish mumkinligiga yo'naltirilgan tavsiyalarni topmadik.

MUHOKAMA

Sport harakatlarini muvaffaqiyati, sportchilarni tashqi qurshab olgan manbalar bilan o'zaro faol holatda bir-biriga ta'siri asosida rivojlantiruvchi kuchini aniqlanishi, huddi shunday uni yo'nalishi va harakat tezligini rivojlanishi tushiniladi.

Turli-tuman sport harakatlarini dinamik (rivojlanishi) tahlili, bir qator tadqiqotchilar tomonidan xulosa chiqarishga imkoniyat yaratish qisqa vaqt ichida tashqi ta'sirni katta kichini ifodalash haqida L.P.Matveev "Yuqori kuchlanish mushaklar qisqarishi degan". Bunday qonuniyatni ifodalashga kun tartibi va mushaklarni ishiga tashqi sharoit ta'sirlari aniq sport harakatlarini bajarishida ifodalanganligi aniqlangan. Bunday sifatlarni ifodalanishi adabiyotlarda "Tezlik-kuchlanish sifatlari"- deb nomlanadi. Tezlik-kuchlanish imkoniyatlarini aniqlashda eng qulay tushuntirishni L.P.Matveev beradi. Uni ifodasida kuchlanish va tezlikni shunday munosabatlarning harakat tavsifini tushunadi, unda yetarli kuch oz vaqtda ifodalanish imkoniyatiga ega.

Sport tayyorgarlik yuzasidan yetakchi nazariyachilarning fikricha V.N.Platonovni ko'rsatishicha, ular tomonidan "tezlik-kuchlanish sifatlari" termini qo'llanilmaydi. Bunday sifatlarni u "portlash kuchi" deb uni qarshilikni yengish imkoniyatlari asosida mushaklarni yuqori tezlikda qisqarishi tushuniladi. V.N. Platonovning keyingi vaqtlardagi ishlarida bu sifatlarni tezlanish kuchlari deb-shunday aniqlik "Tezlanish kuchi -

bu yuqori qisqa vaqtda yuqori ko'rsatkichdagi kuchlanishga erishish uchun nerv-mushak tizimini yo'naltirish imkoniyati" deydi .

Tezlik-kuchlanish tayyorgarligi haqida, ko'pgina mualliflar birinchi navbatda A.Xina kabilar (bir qolganlardan tashqari) mushak qisqarishlarini teskari proportsional kuchini munosabatlarini bog'lovchi va tezligi degan holda bu kuch harakatda ifodalanadi: ya'ni tashqi qarshilik pasayishi bilan harakat tezligi o'sib boradi, ifodalanayotgan mushak kuchi yo'qoladi .

V.V.Boyko tezlik-kuchlanish ta'sirlarida ikkita kuchlilik komponentlarini ajratadi: 1.Kuchlilikni kuchlanish komponenti (dinamik kuch): harakat tezligi qancha ko'p bo'lsa, shuncha dinamik kuch ko'p bo'lib mushaklarni qisqarish tartibiga o'z o'rnini ajratadi.

2. Kuchlilikni tezlik komponenti: Kuchlilikni tezlik komponentini yuqori darajaga ko'tarishda eng zarur mexanizmlardan (ta'sir etuvchi omillardan) biri mushaklarni tezlik bilan qisqartiruvchi hususiyatlarini rivojlanishi, ikkinchisi-mushaklar ishini muvofiqlashtirishni yaxshilash hisoblanadi. Mushaklarni tezlik hususiyatlari ko'proq darajada mushak bezlarida tezlanish va past darajadagi munosabatlarini oldini aniqlash.

Koordinatsiyalash faktorlar orasida, portlash kuchini paydo bo'lishida zaruriy o'rin motor harakat neyronlarni faol mushaklari impulslari belgilanadi, ularni razryad ta'sir boshlanishida tomir urish kuchi, turli motor (harakat) impulslarini (tomir urushlarini) sinxronlash tushuniladi.

Yu.V.Verxotinskiyning yozishicha, tezlik va kuchlanish komponentlari (qismlari) nafaqat kesimga hos kesishishga bog'liq, mushak bezlarini almashish birligi bo'limida inperviyatsiya, ya'ni sig'imni kuchli sig'implashishiga, balkim miya po'sti ostidagi bo'limlarni harakatlantiruvchi holatlariga ham bog'liq.

NATIJA

Basketbolda, qonunga asosan, tezlik-kuchlanish imkoniyatlarini ko'rinishi sakrashda namoyon bo'ladi. Mushaklar faoliyatiga asosan sakrash faoliyati tezlik-kuchlanish mashqlar guruhiga kiradi, unda tizimli harakatlar mavjud bo'lib, itarishni asosiy bo'limida mushaklar kuchlanishi yuqori darajadagi kuchlanish tomon rivojlanadi, bu esa reaktiv-portlash mavjudligini ifodalaydi. Shu munosabat bilan Basketbolchilarda bunday tezlik-kuchlanish imkoniyatlarini ifodalanishi maqsadga muvofiq sakrovchanlik deyish mumkin.

Yu.V.Verxoshanskiy sakrovchanlik ma'nosida insonda itarish jarayonida hosil bo'ladigan u yoki bu kuchlanishga

yo'naltirilgan kuch darajasini rivojlantirish imkoniyatlarini nazarda tutadi.

L.D.Nazarenko sakrovchanlikka navbatdagi tushunchani beradi: bu yuqori darajadagi mushak va iroda kuchalarini konsentratsiyalash (uyg'unlashtirish) imkoniyatlari bo'lib ular juda kam vaqt bo'lishida yuqoriga va tomonlarga bo'lgan masofani bosib o'tishda ifodalanadi.

Yu.M.Portnovning fikricha munosiblikda, sakrovchanlikni ifodalanish hususiyatlari:

- sakarashni tezligi va o'z vaqtidaligi;
- joyidan yoki sakrashni bajarilishi, asosan yuqori yo'nalishda bo'lishi;
- kuchlanish kurashi sharoitida sakrashni ko'p marta takrorlash (seriyali (tizimli) sakrash);
- tayanchsiz holatda o'zining tanasini boshqarish;
- yerga qo'nish tezligi va keyingi harakatga tezlikda tayyorgarlik.

Ma'lumki, sakrovchanlikni sensitiv rivojlanish davri 11-14 va 17-18 yoshigacha mos keladi va bu davrda yuqori rivojlanish natijalariga erishiladi. Lekin, sakrovchanlikni keyingi davrlarda rivojlanishi to'xtatilib qo'yiladi yoki keyingi kech davrlarda yuqori darajada natijalarga erishib bo'lmaydi degan fikrga asos yo'q, aynan yuqori sport muvaffaqiyatlarida bunday holatni izohlab bo'lmaydi.

Sakrovchanlikni rivojlantirishga yo'naltirilgan sport mashqlantirish shunday fikrga undaydiki, ya'ni faqat sakrovchanlikka xos mashqlardan foydalanish faqat itarish tezligini oshirishga yordam beradi, balki kuchlanish va tezlik-kuchlanish holatiga hos mashqlardan foydalanish rivojlanish va tezlik hamda itarish kuchini rivojlantiradi.

Demak, bizningcha isbotlangan: mushaklar kuchini rivojlantirishda ko'pincha mushaklar kuchini suyaklar harakatchanligini rivojlantiruvchi mashqlar bilan kelishganligi va sakrovchanlikni tarbiyalash maqsadida susaytirish bilan olib borish kerakligini tasdiqlaydi.

Musobaqalashtirish sifat parametrlarining (doirasi) kuchlanish va tezlik-kuchlanish yo'nalishiga ta'siri masalasi ochiq qoladi, ular sakrovchanlikda erishilgan darajalarni saqlash va rivojlanishini ta'minlashga qaratilgan. Shunday qilib, sportchilarning eng zarur jismoniy sifatlaridan biri sakrovchanlik hisoblanadi, u o'yinchining turli o'yin vaziyatlarida yuqori sakrash imkoniyatlarini ifodalaydi (sakarashda to'p uloqtirish, shit oldida to'p egallash, tortishuvli uloqtirishlar, raqobatni uloqtirishni berkitish kabilar).

Umumiy sakrovchanlik aniqlanadi, uni asosida sakrashni bajarish imkoniyatlari tushuniladi (yuqoriga, uzunasiga) va maxsus sakrovchanlik-yuqori tezlikda itarish jarayonini

rivojlantirish imkoniyatlari tushuniladi. Sakrovchanlikni tarbiyalashda asosiy bo'lim sifatida itarish orqali tez yugurishni muvofiqlashtirish tushuniladi.

Sakrovchanlikni o'ziga xos hususiyatlari: portlovchi kuch, tezlik va harakat ritmi. Kuchlanishning kattaligi, yuqori qisqa vaqt ichida sakrashda itarishni bajarilishini rivojlantirish haddan tashqari katta bo'lishi kerak. Buni amalga oshirish faqat portlash tavsifida mumkin. Tezlik va kuchlanishning o'zaro bog'liqligi harakatlarning kuchini ifodalashda aniqlanadi. Qisqa va kuchli itarish uchun mushaklarni tezda qisqarishini amalga oshirish kerak, bu jarayon kuchli zo'riqishni talab etadi, shu bilan irodaviy kuchlarni yuqori darajadagi muvofiqlashtirishni talab etadi.

Demak, portlovchi kuch o'zida qisqa vaqt ichida katta hajmdagi imkoniyatlarni ifodalaydi.

Harakat tezligi sakrovchanlikni qismi sifatida nerv markazidagi yuqori darajadagi funktsional egiluvchanlikni ta'minlaydi va shunga asosan tezlikda uyg'onishni tormozlanish (to'xtalish) bilan to'htalishi kuzatiladi.

Demak mushaklarni qisqarishi va bo'shshishi amalga oshiriladi.

Bundan tashqari mushaklar faoliyatini mujassamlashtirish katta ahamiyatga ega-sinergeslar va antogonistlar (o'ziga qabul qiluvchi va qarama-qarshi turuvchilarni) to'g'ri tanlash mushakni chegaralangan faoliyatini va suyaklarni aniq faoliyatini yuzaga keltiradi. Sakrovchanlikni ma'lum darajada ifodalanishi uchun harakatlarni yuqori tezlikda bajarilishiga hos aniq kuchlanish katta ahamiyatga ega. Bunday moslik harakatlarni ritm tezligini ta'minlaydi.

Sakrovchanlikni rivojlanishi uchun asosiy omillardan biri jismoniy va muvofiqlashtirish sifatlarini ko'rinish darajalari hisoblanadi. Ma'lumki mashqlantirishni boshlang'ich bosqichlarida kuchlarni rivojlanish darajasi portlash kuchlarni ko'rsatkichlarni rivojlanishi uchun zarur manba hisoblanadi - bu sakrovchanlikni asosiy komponentlaridan (qismlaridan) biridir.

Tezlik, kuch, chidamlilikni o'ziga hos rivojlanishi, jismoniy mashqlar texnikasini egallashda ma'lum darajada ta'sir qiladi va sport muvoffaqiyatlarini aniqlovchi fundament sifatida xizmat qiladi.

XULOSA

Shulardan kelib chiqqan holda bu sifatlar doimo ma'lum harakatlar tizimida ifodalanadi. Bularni o'ziga hos spetsifik hususiyatlarni aniqlash zarur, uni aniq sport turiga mosligini tasdiqlash kerak.

Mutaxassislar Basketbolda sakrovchanlikni spetsifik hususiyatlarni navbatdagi holatda ajratib beradilar: - itarishni aniq joyini aniqlashdan sakrashni tezligi va o'z vaqtidaligi;



- sakrashni turli yugurish asosida bajarish, turli balandlikka vertikal yo'nalishda asosan bajarish;

- o'zining tanasini boshqara bilish va havoda to'pni olish uchun kurashda raqobatdoshga tegish jarayonida foydali harakatlarni hosil qilish;

- kuchlanish kurashi sharoitida bir qancha sakrashlarni amalga oshirish;

- yerga qo'nish aniqligi va keyingi o'yin harakatlarni to'xtamasdan bajarishga tayyorgarligi.

M.Yu.Skvortsov fikricha basketbolchining o'yin sifati nafaqat poldan kuchlanish bilan itarishishdan bog'liq, balkim, yuqoriga sakrashda qo'llarini yonlariga tegishli, birinchi navbatda balandlikdan bu o'yinchining o'zini texnik, taktik bilimi sifati va ulardan unumli foydalanishga bog'liqdir.

REFERENCES

1. Р.А.Акрамов «Ёш футболчиларни танлаб олиш ва тайёрлаш» Медицина нашриёти. 1989 й.
2. Ш.К.Павлов «Баскетбол» (дарслик) ЎзДЖТИ нашриёти 1990 й.
3. Ш.К.Павлов, Ф.А.Абдурахманов, И.Н.Шелягина «Баскетбол мутахасислиги талабаларининг ўқув-тадқиқот ишлари. Методик тавсиянома». ЎзДЖТИ нашриёти 1991 й.
4. М.П.Шестаков «Баскетбол Тактическая подготовка. Спорт. Академ. Пресс». Москва 2001 й.

ФИШИНГ ВА УНИНГ УСУЛЛАРИ

Умид Жўрабоевич Кенжаев

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
Университети Магистратураси тингловчиси, подполковник

Айдос Фархадович Жолдасов

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
Университети Магистратураси тингловчиси, подполковник

АННОТАЦИЯ

Мақолада тажовузкорлар томонидан керакли маълумотларга кириш ёки фойдаланувчининг шахсий компьютерини зарарлаш учун фишингдан фойдаланиш муаммоси ўрганилади. Фишинг муаммоларини ҳисобга олсак, маълумотларнинг йўқолишида нафақат тажовузкорнинг ўзи, балки фойдаланувчининг ўзи ҳам айбдор эканлигини эслатиб ўтмаслик мумкин эмас, чунки у маълумотни ҳимоя қилишнинг барча усуллариغا риоя қилмаган бўлиб чиқади. Шунингдек мақолада фишер томонидан амалга оширилаётган киберхужумлар таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: фишинг, киберхужум, фишинг усуллари, ахборот хавфсизлиги, интернет, кибермайдон.

ABSTRACT

The article explores the problem of phishing using hackers to gain access to the necessary information or damage the user's personal computer. Given the problems of phishing, it goes without saying that not only the attacker is to blame for the loss of data, but also the user, since it turns out that he did not follow all data protection methods. The article also analyzes cyber attacks carried out by phishers.

Keywords: phishing, cyberattack, phishing methods, information security, internet, cyberspace.

КИРИШ

Биринчи фишинг хужумлари ўтган асрнинг охирида пайдо бўлган ва ҳозирда, Google маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда 12,4 миллионга яқин фойдаланувчи фишинг қурбонига айланади.

Кредит карта маълумотларига кириш имконини берувчи AOL ҳисобларининг ўғирланиши тўлов

процессорлари ва уларнинг фойдаланувчилари ҳам заиф эканлигини кўрсатди. Маълум бўлган биринчи уриниш 2001 йил июнь ойида электрон e-gold тўлов тизимига қилинган ҳужум бўлса, иккинчиси 11 сентябрь ҳужумларидан кўп ўтмай содир бўлган эди.[1]

Бу биринчи уринишлар фақат тажриба, имкониятлар синови эди. 2004 йилда эса фишинг компаниялар учун энг катта хавфга айланди ва ўшандан бери у доимий равишда ривожланиб, ўз салоҳиятини ошириб келмоқда. [2]

Анъанавий фишинг усуллари аста-секин ўтмишга айланиб бораётган бўлса-да, бу турдаги фирибгарлик ҳали ҳам жисмоний шахслар ва компаниялар учун жиддий хавф туғдиради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Фишинг (фишинг, яъни инглиз тилидаги балиқ овлаш сўзидан олинган бўлиб) - Интернетдаги фирибгарликнинг бир тури, унинг мақсади фойдаланувчи идентификация маълумотларини (банк карталари, ҳисоблар учун логин ва пароллар) олишдир.

Кўпинча фишинг - бу таниқли брендлар, банклар, тўлов тизимлари, почта хизматлари, ижтимоий тармоқлар номидан хатлар ва билдиришномаларни оммавий юбориш. Бундай хатлар, қоида тариқасида, логотип, хабар ва ташқи томондан ҳақиқийдан фарқ қилмайдиган сайтга тўғридан-тўғри ҳаволани ўз ичига олади. Ҳаволани босиш орқали сиз "хизмат" веб-сайтига ўтишингиз ва турли баҳоналар билан тегишли шаклларга махфий маълумотларни киритишингиз керак. Натижада фирибгарлар фойдаланувчи ҳисоблари ва банк ҳисобларига кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Фишинг 1996 йилда Usenet тармоғида alt.online-service.America-Online янгиликлар гуруҳида яратилган. Фишерлар ҳақида биринчи эслатма AOL медиа компанияси билан боғлиқ бўлиб, фирибгарлар ўзларини AOL ходимлари сифатида кўрсатиб, тезкор хабар алмашиш дастурлари орқали фойдаланувчилар билан боғланишган ва компания ходимлари номидан ҳисоб паролларини сўрашган. Ҳисобга кириш ҳуқуқига эга бўлгач, у спам юбориш учун ишлатилган.

2000-йилларнинг бошида фишинг тўлов тизимларига тарқалди ва 2006 йилда MySpace ижтимоий тармоғи фойдаланувчилари фишинг ҳужумига учради, бунинг натижасида рўйхатга олиш маълумотлари ўғирланди.

Фишинг ҳужумлари ҳам жисмоний, ҳам алоҳида компанияларни нишонга олиши мумкин. Фирибгарлар томонидан жисмоний шахсларга уюштирилган

хужумларнинг мақсади, қоида тариқасида, банк хизматлари, тўлов тизимлари, турли провайдерлар, ижтимоий тармоқлар ёки почта хизматлари фойдаланувчиларининг логинлари, пароллари ва ҳисоб рақамларига кириш ҳуқуқига эга бўлишдир. Бундан ташқари, фишинг хужумининг мақсади курбоннинг компьютерига зарарли дастурларни ўрнатиш бўлиши мумкин.

Ҳамма фишерлар ўзлари кириш ҳуқуқига эга бўлган ҳисобларни пулга ўткази олмайдди. Ҳисоб-китобларни нақд қилиш амалий нуқтаи назардан қийин жараён дидир. Қолаверса, нақд пул берган шахсни қўлга олиш ва жиноий гуруҳни жавобгарликка тортиш осонроқ. Шунинг учун, махфий маълумотларни олган баъзи фишерлар уни бошқа фирибгарларга ҳисоб варақлардан пул олишнинг яхши ўрнатилган схемаларидан фойдаланган ҳолда сотишади.

Фишинг хужумлари компанияларга қаратилган ҳолларда, кибержиноятчиларнинг мақсади баъзи бир ходимнинг ҳисоб маълумотларини олиш ва кейин компанияга хужумни кенгайтиришдир.

Фишингнинг асосий усуллари қуйидагилардан иборат:

Ижтимоий муҳандислик усули. Машҳур компанияларнинг вакиллари сифатида ўзини тутган фишерлар кўпинча олувчиларга ҳар қандай сабабга кўра шахсий маълумотларни зудлик билан ўтказишлари ёки янгилашлари кераклиги ҳақида хабар беришади. Бундай талаб маълумотларнинг йўқолиши, тизимнинг бузилиши ёки бошқа сабабларга кўра юзага келади. Инсон ҳар доим у учун муҳим воқеаларга муносабат билдиради. Фишинг ташкилотчилари фойдаланувчини огоҳлантириб, унинг дарҳол реакциясини кўзғатишга ҳаракат қилади. Мисол учун, "ҳисобингизга киришни тиклаш учун ..." сарлавҳали электрон почта эътиборни жалб қилиш ва одамни батафсил маълумот олиш учун ҳаволага киришга мажбур қилиш учун ҳисобланади.

Алдаш билан фишинг усули. Бу фишинг хужумининг энг кенг тарқалган тури. Ушбу усул ёрдамида тузилган хабарлар билан фирибгарлар бир неча соат ичида миллионлаб электрон почта манзилларига спам юбориши мумкин. Бундай ҳолда, фишер ташкилот номидан сохта электрон почта хабарини юбориб, ҳаволага риоя қилишни ва ҳисоб маълумотларини текширишни сўрайди.

Шахсий маълумотларни ўғирлаш учун ҳақиқий сайт доменига имкон қадар ўхшаш доменда жойлаштирилган махсус фишинг сайтлари яратилади. Бунинг учун фишерлар кичик матбаа хатолари ёки субдоменилари бўлган URL манзилларидан фойдаланиши мумкин. Фишинг сайти шунга ўхшаш дизайнда яратилган ва унга кирган фойдаланувчида шубҳа уйғотмаслиги керак.

Шуни таъкидлаш керакки, алдамчи фишинг фишерлар ишининг энг анъанавий усули ва шу билан бирга хужумлар ташкилотчилари учун энг кам хавфсиз ҳисобланади, шунинг учун сўнги йилларда у аста-секин ўтмишга айланиб бормоқда.

“Гарпун фишинг” усули. "Гарпун" фишинг объектлари кенг фойдаланувчилар гуруҳлари эмас, балки аниқ одамлардир. Кўпинча, бу усул компаниянинг ҳимоясини енгиб ўтиш ва унга мақсадли хужум қилиш учун биринчи қадамдир. Бундай ҳолларда хужумчилар ижтимоий тармоқлар ва бошқа хизматлардан фойдаланган ҳолда ўз қурбонларини ўрганадилар ва шу тариқа хабарларни мослаштирадилар ва ишончлироқ ҳаракат қилишади.

"Кит овлаш" усули. Топ-менеджерлар ва бошқа муҳим шахсларнинг махфий маълумотларини овлаш "кит ови" деб аталади. Бундай ҳолда, фишерлар ҳисоб маълумотларини ўғирлаш учун тўғри вақт ва воситаларни топиш учун мақсадли қурбоннинг шахсий хусусиятларини аниқлашга кўп вақт сарфлашади.

Вирусларни юбориш усули. Шахс маълумотларни ўғирлашдан ташқари, фирибгарлар жисмоний шахсларга ёки шахслар гуруҳига зарар етказишни ҳам мақсад қилган. Фишинг электрон почтасидаги ҳавола босилганда, компьютерга зарарли вирусни юклаб олиш мумкин: кейлоггер, троян ёки жосуслик дастури.

Фарминг (деҳқончилик) усули. Бу фишингнинг янги тури. Ушбу усулдан фойдаланган ҳолда, фишерлар шахсий маълумотларни хат ва ҳавола орқали эмас, балки тўғридан-тўғри расмий веб-сайтда оладилар. Фармерлар DNS-сервердаги расмий сайтнинг рақамли манзилени сохта сайт манзилига ўзгартирадилар ва бунинг натижасида беҳабар фойдаланувчи сохта сайтга йўналтирилади. Бундай фишинг анъанавий фишингга қараганда хавфлироқдир, чунки алмаштиришни кўришнинг иложи йўқ. Ebay аукциони, PayPal тўлов тизими ва таниқли жаҳон банклари аллақачон бундай хужумлардан азият чекмоқда.

Вишинг усули. Вишинг - маълумот олиш учун телефон алоқасидан фойдаланадиган фишинг усулидир. Хабарнома хатида "муаммо пайдо бўлган"ни ҳал қилиш учун қайта қўнғироқ қилиш учун телефон рақами кўрсатилган бўлади. Кейин, суҳбат давомида оператор ёки жавоб бериш машинаси фойдаланувчидан муаммони ҳал қилиш учун идентификация маълумотларини номлашни сўрайди.

Барча киберхужумларнинг 91 фоизи фишинг электрон почта хабарлари бўлса, киберхужумларнинг 70 фоизи фишинг ва хакерлик комбинациясидан фойдаланади.[3]

Умуман фишинг ҳақида 2011-2012-йиллардан бери бутун дунёда жиддий гапирилмоқда, бу ахборот хавфсизлиги компанияларининг оммавий ҳисоботларида акс эттирилган. [4]

Фишингдан қандай ҳимояланиш керак ? Бу соҳадаги ишларнинг бошланганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

2004-йил 26-январда АҚШ Федерал Савдо Комиссияси фишингга гумон қилинган шахсга қарши биринчи судга мурожаат қилди. Калифорниялик ўсмир судланувчига AOL сайтига ўхшаш веб-саҳифа яратиш ва кредит карта маълумотларини ўғирлаш айби қўйилган. Бошқа давлатлар ҳам шунга эргашиб, фишерларни қидириб, ҳибсга олишни бошладилар. Компаниялар ҳам фишингга қарши курашда қатнашмоқда. 2005 йил 31 март куни Microsoft АҚШнинг Ғарбий округ судига "Жон Доу"ни пароллар ва махфий маълумотларни олишда айблаб, 117 та даъво киритди. 2005 йил март ойида Microsoft ва Австралия ҳукумати ўртасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини турли кибержиноятларга, жумладан, фишингга қарши курашишга ўргатиш бўйича ҳамкорлик бошланди.[5]

Фишинг усулини қўллаш орқали содир этилган жиноятларга жавобгарлик асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси (фирибгарлик) 2-қисми ва 169-моддаси (ўғирлик) 3-қисмларида белгилаб ўтилган. Бундан ташқари Жиноят кодексига ХХ¹ боби “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар”га бағишланган.[6]

Ушбу турдаги жиноятларга белгиланган жавобгарлик турларини хорижий давлатлар кодекслари мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, масалан Хитой Халқ Республикаси Жиноят кодексининг 287-моддасида “Компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда ўзга маблағларни пора бериш ёки мақсадсиз фойдаланиш учун фирибгарлик йўли билан талон-тарож қилиш ёхуд эгаллаб олганлик ҳаракатлари учун жавобгарлик белгиланган. Компьютер техникаларидан фойдаланиб содир этилган шу каби жиноятлар учун жавобгарликни ушбу кодекснинг 285 ва 286-моддаларида кўриш мумкин. [7]

Австралия Жиноят кодексининг 10.7 боби “Компьютер жиноятчилиги” деб номланиб, боб ўз ичига компьютер тизимида рухсатсиз кириш, ундан маълумотларни ўғирлаш, модификация қилиш, алоқани қасдан бузиш, маълумотларга зарар етказиш каби ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган. [8]

Россия Федерациясининг Жиноят кодекси 272-моддаси “Компьютер ахборотларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш” ва 273-моддаларида “Зарарли келтирувчи

компьютер дастурларини яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш”га жавобгарлик белгиланган. [9]

Бу каби жинойй ҳаракатлар (кибержиноят) учун жавобгарлик Германия ва Люксембург давлатлари қонунчилигида кўришимиз мумкин.[10]

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда бизнинг фикримизча, сўнгги пайтларда фуқароларнинг пластик карталари ҳисобларидан пул маблағлари ўғрилиқ ва фирибгарлик йўли билан, хусусан тадқиқот доирасида ўрганаётган фишинг усулида содир этиш кўпайганини кузатиш мумкин. Бинобарин мазкур жинойй хатти-ҳаракатлар ахборот технологиялари билан узвий боғлиқ бўлиб, бу қилмишни ХХ¹ бобда, яъни Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар қаторида қайд этилмаганлиги, балки бу қилмиш учун жавобгарлик Жинойт кодексимизнинг Х бобига, яъни “Ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш” номли бобига муружаат қилишга тўғри келмоқда.

Шу муносабат билан бу каби жинойтларни алоҳида бобда қайд этиш орқали тергов бўлинмаларини бу йўналишга эътиборини янада қаратган бўламиз, сабаби ҳозирда бизга маълумки бу каби жинойтларни тергов қилиш бўйича терговчи ва суриштирувчиларда Ахборот технологиялари соҳасида кўникмалар етарлича шакилланмаган, тергов ва суриштирув тармоқларида мазкур жинойтларни тергов қилиш бўлинмаларини ташкил этиш, уларни илғор хорижий тажрибалар асосида малакаларини ошириб бориш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб мутахассислар, биринчи навбатда, хизмат фойдаланувчиларига фишингни мустақил равишда таниб олишни ўрганишни маслаҳат беришади.

Ҳисоб қайдномасини ёки шунга ўхшаш ҳар қандай сўровни “тасдиқлаш” сўралган электрон хатга жавобан экспертлар фойдаланувчиларга унинг ҳақиқийлигини текшириш учун хабар юборилган компания билан боғланишни маслаҳат беради. Шунингдек, ҳар қандай гиперҳаволалар ўрнига ташкилотингизнинг URL манзилини манзиллар қаторига ўзингиз киритишингизни тавсия қилади.

Деярли барча ҳақиқий хизмат хабарларида фишерлар учун мавжуд бўлмаган баъзи маълумотлар мавжуд, масалан, исм ёки ҳисоб рақамининг охири рақамларини эслатиб ўтиш. Шу билан бирга, шахсий маълумотларга эга бўлмаган ҳар қандай хатлар шубҳа туғдириши керак.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, фишинг сайтлари қалқиб чиқувчи ойналар орқасида яшириниши мумкин. Улар мақсадли реклама бўлиши мумкин. Вақти-вақти билан

фойдаланувчи ўзининг электрон почта манзиллини "кириш" устунида кўради ва фақат пастки устунга паролни киритиш сўралади. Форумлар ва ижтимоий тармоқлардаги шарҳларда фишинг сайтига ҳаволани кўриш имконияти мавжуд. Ҳаволани сизга ҳисоби бузилган дўстингиз ёки танишингиз ҳам юбориши мумкин. Агар хат ёки ҳавола сизда шубҳа уйғоца, унга эргашмаслик яхшироқдир.

ХУЛОСА

Хулоса шуки, киберхужумлар узоқ вақтдан бери ҳаётимизнинг бир қисми бўлиб келган. Фирибгарликдан ҳимоя қилиш молиявий, электрон тижорат ва бошқа хизматларни ривожлантирувчи корпорациялар ва стартаплар учун глобал вазифадир. Аммо фойдаланувчилар тажовузкорнинг илгагига тушиб қолмаслик учун оддий қадамларни унутмасликлари керак.

REFERENCES

- 1.GP4.3 — Growth and Fraud — Case #3 — Phishing (англ.) (30 декабрь 2005). Дата обращения: 21 ноябрь 2008.
2. Kate Stoodley. In 2005, Organized Crime Will Back Phishers (англ.) (недоступная ссылка) (23 декабрь 2004). Дата обращения: 21 ноябрь 2008. Архивировано 31 января 2011 года.
- 3.<https://stealthmail.com/ru/statistics>;
- 4.https://www.cisco.com/c/dam/global/ru_ru/downloads/broch/ironport_targeted_phishing.pdf;
5. <https://topuch.ru/prezentaciya-na-temu-fishing/index.html>;
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 1994 йил 22 сентябрь
7. Хитой Халқ Республикаси Жиноят кодекси
8. Австралия Жиноят кодекси
9. Россия Федерацияси Жиноят кодекси
10. <https://ru.m/wikipedia.org>.

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ИНСОН АЛОҚАДОРЛИГИНИГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ғофур Бобоназарович Холмўминов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси
kholmuminovgofur@gmail.com.

Гуласал Бахрамовна Саминжонова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси

АННОТАТСИЯ

XXI аср алгоритмлаштириш, ахборотлаштириш ва тезкор ривожланиш асридир. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришнинг ривожланишини ахборотсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ахборот майдони жамият ҳаётига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ахборот инмонлар ўртасидаги алоқалар, сиёсий жараёнлар, жамиятни бошқариш, илмий тадқиқотларни, таълим-тарбия ишларини ташкил қилиш, тарғибот-ташвиқот ишларида устивор ғояга айланади.

Шу сабабдан инсонларнинг ахборот ва интернетдан тўғри ва оқилана фойдаланиш бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади.

Калит сўзлар: ахборот, технология, медиатизатсия, демократия, техника, мафкур, ғоя, ахборот уруши, онги, интернет, авторитет.

ABSTRACT

The 21st century is a century of algorithms, information and rapid development. At present, it is impossible to imagine the development of production without information. The information space has a significant impact on society. Therefore, information becomes a priority in the relations between faiths, political processes, community management, the organization of scientific research, education, advocacy.

For this reason, the philosophical and methodological analysis of the correct and rational use of information and the Internet by young people is very relevant today.

Keywords: information, technology, mediation, democracy, technology, ideology, idea, information warfare, consciousness, internet, authority.

КИРИШ

Бугун мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш ғоясининг асосий йўналишларидан бирини инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш ташкил этмоқда. Бундан кўриниб турибдики, “бугун биз яшаётган глобаллашув ва тобора кучайиб бораётган рақобат асрида фақат чуқур ислохотлар ва модернизатсия йўлидан тинимсиз ва қатъият билан ривожланиб бориш натижасида ўз олдимизга қўйган истиқболли мақсадларга – таракқий топган, фаровон яшаётган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга эриша оламиз”

Маълумки, XX асрда пайдо ахборот ҳақидаги қарашларнинг ривожланиши компьютерлаштириш, ахборотлаштириш, ахборотлашган жамият, инноватсион технологиялар каби концепсияларнинг шаклланишига олиб келди. Авваламбор, ахборотлаштириш соҳаси ҳамда автоматлаштириш усуллари ривожланиши ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари компьютерлашувига, шунингдек ахборотлаштириш жараёнларининг шиддат билан ривожланишига олиб келмоқда.

XXI аср дунё халқларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётда, шунингдек, табиатда юз бераётган глобал ўзгаришлар бугунги жамиятни "Ахборотлашган жамият" деб аташга асос бўлмоқда. Хўш ахборотлашган жамият нима? Бу саволга ўзбек тилида нашр этилган адабиётларда: "Ахборотлашган жамият - ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, энг аввало, ахборотни ишлаб чиқариш, унга "ишлов бериш", сақлаш ва жамият аъзоларига етказиш билан боғлиқ бўладиган жамият", "ахборотлашган жамият, ижтимоий-иқтисодий йўналишда меҳнат қилувчиларнинг, фан ва маданият вакиллари ахборот, айниқса, унинг олий шакли бўлмиш, дунёвий билимлар мажмуини шакллантириш, яратиш, сақлаш, қайта ишлаш ва халқаро бозорда сотишни амалга ошириш билан машғул бўлган жамиятдир", "Ахборотлашган жамият - кўпчилик ишловчиларнинг ахборот, айниқса, унинг олий шакли бўлмиш билимларни ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган жамиятдир".

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ахборотлашган жамиятни ижтимоий феномен тарзда тушунтириб бериш масалалари П.Дракер, Ж.Гелбрейт, Д.Белл, А.Тоффлер, М. Кастелс, У.Ростоу, П.Дракер,



Ж.Гелбрейт, Ф.Уебстер, И.Масуда каби олимларнинг асарларида муфассал баён килинган. «Ахборотлашган жамият» атамаси дастлаб Японияда вужудга келган. Япон файласуф олими Ю.Хаяши 1969 йилда Япония ҳукуматига "Япония ахборотлашган жамият бардамлиги сиёсатида чизгилар", 1971 йили "Ахборотлашган жамият режаси" каби тадқиқотларни тақдим этди. 1971 йилдан бошлаб мазкур тушунча илмий жамоатчилик томонидан кенг қўлланила бошлади. Демак, ахборотлашган жамият тушунчасини биринчи бўлиб фанга Токио технологик университетининг профессори Ю.Хаяши киритган. Унинг фикрича, моддий маҳсулот эмас, ахборотлашув маҳсулоти жамиятнинг шакллантирувчи ва ривожлантирувчи кучига айланади.

Жамиятни ахборотлаштириш жараёни бир-бири билан боғлиқ бўлган уч қисмдан таркиб топади: медиатизация (лот.медиатус - воситачи) - ахборот тўплаш, сақлаш ва тарқатиш воситаларини такомиллаштириш жараёни; компьютерлаштириш - ахборот излаш ва унга ишлов бериш воситаларини такомиллаштириш жараёни; интеллектуализация - ахборот яратиш ва уни идрок этиш қобилиятини ривожлантириш, яъни жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, шу жумладан, сунъий интеллектдан фойдаланиш жараёни. Умуман олганда, жамиятни ахборотлаштиришни замонавий ахборот-техника воситалари ёрдамида ижтимоий тузилма ва жараёнларни такомиллаштириш деб талқин қилиш лозим.

Ахборотлаштириш ижтимоий интеллектуализация жараёнлари билан уйғун ҳолда бўлиши керак. Зотан, бу шахс ва у яшаётган ахборот муҳитининг ижодий салоҳиятини ошириш имконини беради.

Ахборотлашган жамият олдинги жамиятлардан моддий омиллар билан эмас, балки маънавий омиллар - билим ва ахборот биринчи ўринда туриши билан тубдан фарқ қилади. Ахборот ва билим олиш, уларга ишлов бериш ҳамда уларни сақлаш ва етказиш жараёнида жамият аъзоларининг аксарияти банд бўлади. Яна шуни таъкидлаш мумкинки, "замонавий илмий тафаккур оламга муаммоли конструктив муносабат доирасида шаклланди ва ривожланмоқда". Ахборотлашган жамиятда ахборот тайёрлаш моддий ишлаб чиқаришни сиқиб чиқармайди, балки унинг негизида шаклланиб, бу соҳа ривожига туртки бўлади. БМТ Бош Ассамблеясининг 2006 йилдаги бутун жаҳон ахборот жамияти йили деб эълон қилиниши ҳам ҳозирги кунда жамият ахборотлашувининг аҳамияти ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Ҳозирги даврда дунёдаги барча давлатларнинг ахборотлашган жамият томон интилиши кузатишмоқда. Глобаллашув туфайли одамлар бир лаҳзада ўзини



қизиктирадиган ахборотни дарҳол олиш, унта эгалик қилиш имкониятига эга. Ушбу жараён мазмуни тўғрисида И.А.Каримов: "Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тизимли, шу қадар тезкорки, энди илгаридек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орада қолиб кетиши ҳеч гап эмас", - деган эди. Хулоса тарзида шуни айтиш мумкинки, ахборот арабча "хабар" сўзидан олинган бўлиб, "дарак", "маълумот", "овоза", деган маъноларни англатади. Билимлардаги трансформатсия жараёнининг механизми, диалектикага кўра билимлар тизимидаги трансформатсия жараёни ривожланишга олиб борадиган шундай диалектик инкорки, унда объект, тизим ўз асосларини сақлаган ҳолда сифат жиҳатдан ўзгаради, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш содир бўлади.

Шу тариқа бугунги кунда ахборот деганда бирор кимса, нарса ёки ҳодиса ҳақида дарак, маълумот бериш, билдириш, уни муайян воситалар орқали етказиш ёки овоза қилиш тушунилади. АКТни ривожлантириш ва унинг натижаларидан мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида унумли фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июн куни «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида» Фармони эълон қилинди.

Бундан кўзланган мақсад - мамлакатимизда АКТ учун халқаро стандартларга мувофиқ дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан сифатли ва рақобатдош дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш, АКТ маҳсулотлапри экспортини кенгайтириш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришни ташкил этишдан иборатдир. Оммавий ахборот воситалари энг асосий, қудратли ва таъсирчан мафкура воситасидир. Чунки оммавий ахборот воситалари омманинг ўзига хос тарбиячиси, муҳим тадбирларнинг ташкилотчиси, долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг таъсирчан қуроли бўлиб хизмат қилади.

Айнан оммавий ахборот воситалари орқали миллий кадриятларимиз ва умуминсоний кадриятлар, миллий ғоя ва демократик тамойиллар тарғибташвиқ қилинади. Оммавий ахборот воситалари доимо демократия ва сўз эркинлигининг ўзига хос ўлчови, кўрсаткичи бўлиб келган. Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари демократик тараққётни рағбатлантиради ва мустаҳкамлайди. Оммавий ахборот воситалари орқали миллий истиқлол ғоясини сингдиришнинг

яна бир муҳим жиҳати мавжуд. Бу жиҳат - ахборот террорига, мафкуравий таҳдидларга муносиб жавоб бериш, маънавий-мафкуравий жиҳатдан халқимизни тобе этишга интилишларнинг пайини кесиш ва ўзбекистон фуқароларида мафкуравий иммунитетни шакллантириш билан боғлиқ Оммавий ахборот воситаларининг таъсир кучини курсатадиган шундай бир гап бор "ҳар қандай пуч ғоя, уйдирма ҳафтасига уч мартадан турт йил давомида такрорланса - "ҳақиқат" тайёр булади, одамлар унга чиппачин ишонадилар". Охириги пайтларда информатсион ҳуружларнинг тез-тез уюштирилаётгани аслида урушга муносабатнинг узгарганлигидан, қуролнинг янги тури кашф қилинганидан дарак беради. Бу қурол - ахборотдир. Бундай қурол ёрдамида олиб бориладиган информатсион урушларда инсоннинг онги ва қалби нишонга олинади. Гарчи у дайди ўқ сингари инсонни жисмонан йўқ қила олмаса-да, унинг кўпорувчилик кучи, келтирадиган талофотлари ҳар қандай оммавий қирғин қуролиниқидан кам эмас. Чунки бу қурол ёрдамида онга берилган зарбалар кишини адаштиради, уни уз манфаатларига зид ҳаракат қилишга ундайди ва демақ инсонни бошқариш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш имконини беради. Аслида, ахборот мақсадга эришишнинг энг арзон воситаси ҳам саналади. Ҳақиқатан ҳам, информатсион ҳуружлар уюштириш учун у қадап кўп меҳнат, у қадап кўп ҳаракат, у қадап кўп ҳаражат талаб этилмайди. Гарчи бундай мафкуравий экспансия отишмалар ва қон тукишларни келтириб чиқармаса-да, миллий узликни англашни заифлаштириш эвазига таназзулга олиб келади. Замонавий ОАВ, телевидение, компьютер, Интернет, уяли телефон ва бошқа воситалар, инсонлар, айниқса, ёшларнинг миллийлиги, тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириб юбормоқда. Тараққий қилган мамлакатларнинг мазкур воситалар ёрдамида жаҳон халқлари онги, дунёқарашини ва турмуш тарзини бир қолипга солиш ҳамда унга ўзлари шакллантираётган «оммавий маданият»ни сингдириши бош стратегик сиёсатга айлантираётганлигида яққол намоён бўлмоқда. Интернет бугунги ахборот маконининг муҳим бўғинига айланди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳозирда интернетдан нафақат компьютер тармоғи, балки космик алоқа йўлдошлари, радиосигнал, кабел телевидениеси, телефон, уяли алоқа орқали ҳам фойдаланиш мумкин. Интернет кишилар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Бугунги кунда 2 миллиард ортиқроқ киши у ёки бу даражада ундан фойдаланиши ҳам мазкур фикрларнинг тўғрилигини тасдиқлайди. 50 миллионлик



аудиторияга эришиб, оммалашиб учун радиога 38 йил, телевидениега 13 йил, кабел телевидениега 10 йил керак бўлгани ҳолда, бу босқични интернет 5 йилда босиб ўтди. Интернет одамлар онги ва ҳиссиётларига, тафаккур тарзига, ҳуқуқ-атворларига таъсир кўрсатишда катта имкониятларга эга. Интернетнинг бугунги кундаги ривожига ғоявий таъсир ўтказишнинг миқёси ва кўламининг кескин даражада ўсишига олиб келди. Интернет бугунги ахборот маконининг муҳим бўлишига айланди. Интернет кишилар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бораётганини кўйидаги рақамлардан билиб олиш мумкин: 2000 йилдан 2012 йил охирига қадар дунёда интернетдан фойдаланувчилар сони 9,6 баробарга ошиб, 2,4 миллиард кишига эди, мобил алоқа абонентлари сони эса 13,4 баробарга ошиб, 6,7 миллиардни ташкил эди. Интернетдан фойдаланувчиларнинг 44,8 % (1,1 млрд. киши) Осиё, 21,6 % (519 млн. киши) Европа, 11,4 % (274 млн. киши) Шимолий Америка қитъаларига тўғри келади. Жаҳон веб-аудиториясининг 45 %ини 25 ёшгача бўлган шахслар ташкил этади. Мазкур ўсмирларнинг 68 % ҳар куни кимгадир СМС-хабар жўнатади, 51 % ижтимоий тармоқларга киради, 30 % электрон почтадан фойдаланади. Айни вақтда виртуал оламда 600 млн.га яқин интернет сайтлар мавжуд бўлиб, ҳар ойда ўртача 201,4 трлн. видеоролик кўриб чиқилади, ҳар куни 144 млрд. Электрон мактуб жўнатилади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ахборот маданиятини шакллантириш масаласи жамият ривожига билан бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли у мамлакат миқёсида ижтимоий аҳамиятга молик масаладир. Шу сабабли ахборотлашган жамият шаклланиши шароитида ахборотлаштириш жараёнининг барча соҳага оид жиҳатларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги пайтда миллат ва давлатнинг энг муҳим ресурсларидан бири инсонларнинг ақлий салоҳияти ва билим даражаси ҳисобланади. Ижтимоий тараққиёт, аввал тасаввур этиб келинганидек, юқори турмуш даражасига эришган ёки замонавий техника ишлаб чиқаришни йўлга қўйган мамлакатлар эмас, балки таълим ва тарбиянинг янада юқори даражасини таъминлашга эришган мамлакатлар

REFERENCES

1. Karimov I.A. Demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini shakllantirish- mamlakatimiz taraqqiyotining asosiy mezonidir. Tom -19.- T.:O‘zbekiston, 2011, - 114 bet

2. Shermuxamedova N. Sotsialno- filosofskie aspekty formirovaniya stilya nauchnogo i ego metodologicheskoe enachenie. Dis...d-ra filos.nauk. –T.200, - S.170
3. Yoqubova M. Axborot texnologiyalarining falsafiy asoslari./ Uslubiy qo‘llanma.- T.:Star Poligraf, 2008, -24 bet
4. Ismayilov, A. Z. Xolmo_minov, G_.B. (2020). O_zbekiston Respublikasida huquqiy davlat barpo etishning tarixiy-nazariy ildizlari. Proceedings of Global Technovation- An International Multidisciplinary Conference. Hosted from Samsun, Turkey 31 October 2020. 93-96 betlar.
5. Ziyadillaevich, I.A., & Bobonazarovich, G.K. (2020). THE ORIGIN OF THE STATE AND THE IMPLEMENTATION OF LEGAL STATEHOOD IDEAS ON THE TERRITORY OF UZBEKISTAN. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research, 6(10), 520-524.
6. Xolmo_minov G_. October 2020 Ta‘lim tizimida metodlar va innovatsion texnologiyalardan foydalanish samaradorligi. "Science and Education" Scientific Journal . 472-475 – betlar.
7. Hojiyev R.B., Xolmo`minov G.B., Sharipov M.L. (2020) Raising a harmoniously developed generation is a priority of democratic reforms in uzbekistan. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 5, Part II ISSN 2056-5852.
8. Xolmo_minov G. Buyuk faylasuflar qarashlarida “bilim” va “e’tiqod” tushunchalarining differentsiatsiyasi. Academic research in educational sciences volume 2 | issue 3 | 2021 issn: 2181-1385 scientific journal impact factor (sjif) 2021: 5.723 doi: 10.24411/2181-1385-2021-004



ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ МАЗМУНИ

А. Каримжонов

Педагогика фанлари номзоди.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти доценти.

Г. Каримова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси.

АННОТАЦИЯ

Мақолада таълимни ташкил этиш тамойиллари мазмуни тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: таълим, тамойил, ташкил этиш, мазмун, асос, омил.

КИРИШ

“Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг таълим сифатига эришиш йўналишини амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПФ-134-сонли Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича Миллий дастур”да таълим тизимининг барча босқичлари қаторида бошланғич таълимни сифатли амалга ошириш ва унинг замонавий талаблар асосидага самарадорлигига эришиш вазифаси қўйилган. Жумладан, бошланғич таълимда янги авлод дарсликлари ва ўқув ресурсларини яратиш ҳамда амалга киритиш алоҳида таъкидланган. Шу жиҳатдан бошланғич таълимда таълим жараёнини ташкил қилиш тамойиллари муаммосини тадқиқ этиш долзарб бўлиб турибди. Бу ўринда эътиборингизни ана шу масаланинг таълимни ташкил этиш тамойиллари *мазмуни* таҳлиliga тортамыз.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

“Тамойил” (лотинча “принцип”) атамаси “асос”, “омил” ва “биринчи” маъноларини англатади. Атама сифатида қуйидагиларни билдиради:

- 1) назария, таълимот ва фан кабиларнинг қонун-қоидаси;
- 2) киши оғишмай амал қиладиган қоида, нуқтаи назар, қараш ва маслак.

Шу жиҳатдан таълимни ташкил этиш тамойиллари мазмуни деганда бу *жараёнда амалга ошириладиган асослар ва негизлар назарда тутилади*. Бизнинг ёндашувимизга кўра, таълимни ташкил этишнинг энг муҳим тамойиллари асосларига таяниш

мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада бизнинг ёндашувимиз қуйидагича:

Мақсадлилиқ тамойили. Таълимни ташкил этишда мақсадлилиқ тамойили бирламчи ҳисобланади. Унга кўра, ташкил этиладиган таълим жараёни аниқ мақсадга йўналтирилиши керак. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунида ва таълимга оид бир қатор меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда таълимни ташкил этишда *инсонпарварлик* мақсади устувор қўйилган. Инсонпарварлик мақсадининг негизида таълим билан барча болаларни қамраб олиш ва уларни саводхон шахслар сифатида вояга етказиш мазмуни мавжуд.

Шу сабабли педагогик илмий-тадқиқотларда таълим жараёнини ташкил этишда мақсадлилиқ тамойилига алоҳида эътибор қаратилади. Чех педагог мутафаккири Ян Амос Коменский (XVII аср) “Буюк дидактика” асарида “Мақсадлилиқ – таълим жараёнини ташкил этишнинг пойдеворидир” – деб кўрсатган эди. Айнан мана шу ёндашувдан бошлаб, таълим жараёнини ташкил этишда мақсадлилиқ илмий характерда тушунила бошланди ва натижада бу тушунча тамойилга айланди. Таълимни ташкил этишнинг мақсадлилиқ тамойили қуйидагиларни қамраб олади:

- а) шахсга билим беришни ташкил этиш;
- б) жамиятни шахсни саводхон қилишга йўналтириш;
- в) шахснинг ўзлаштирганларини холис баҳолаш ва уни фаолиятга йўналтириш.

Шу сабабли таълим жараёнини ташкил этишнинг мақсадлилиқ тамойили таълимнинг самарадорлигини белгиловчи бош омил ҳисобланади. Мазкур тамойил илмий ва меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда тенг равишда таълимни ташкил этишни асосий талабларидан бири сифатида кўрсатилади. Буларнинг барчаси таълим жараёнини ташкил этишнинг мақсадлилиқ тамойилини бўлажак ўқитувчилар томонидан олий педагогик таълим жараёнида ўзлаштиришни тақозо этади.

Таълим бериш тамойили. Унга кўра, мақсадли ташкил этилган таълим жараёнида асосий эътибор шахсга таълим беришга йўналтирилади. Чунки бу тамойил негизида қуйидагилар қамраб олинганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз:

- а) шахсга энг керакли билимлар мажмуини бериш;
- б) шахснинг ижтимоий онгини билимлар воситасида шакллантириш ва ривожлантириш;
- в) шахснинг ўзлаштирган ўз билимларини амалий фойдалана олиш кўникмасини таркиб топтириш.

Эътибор берилса, таълим тамойили ана шу вазифалар ва омилларга таянган ҳолда таълим жараёнини амалга оширишда таянч ҳисобланади ва унинг самарадорлик кўламини белгилайди. Шу сабабли педагогик адабиётларда таълим тамойили “таълим олувчиларга билим бериш, уларда кўникма ҳамда малакаларни шакллантириш” деб таърифланган.

Таълим жараёнини ташкил этишнинг таълим бериш тамойили бўйича барча педагогик илмий тадқиқотлар ва амалий тажрибаларда ўзига хос ёндашувлар, тавсиялар ҳамда йўналтиришлар бериб ўтилган. Бундан мақсад таълим бериш тамойилининг мазмунини чуқур ўзлаштириш ва унга асосан таълим фаолиятида натижага эришишдир. Чунки таълим бериш тамойили негизида шахсни маданийлаштириш, уни ижтимоийлаштириш ва айнан таълим воситасида шахс иқтидорини рўёбга чиқариш мазмунлари мавжуд. Таълим жараёнини ташкил қилишда таълим бериш тамойилига қатъий асосланиш ва унинг мазмунини чуқур ўзлаштириш давлат таълим стандартлари ҳамда малака талабларида белгилаб қўйилган. Шу сабабли олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари таълим бериш тамойилининг мазмуни, асослари, мақсад-муддаолари ва талабларини чуқур ўзлаштириши тақозо этилади.

Тайёрлаш тамойили. Унга кўра, таълимни ташкил қилиш мақсади ва уни амалга ошириш бўйича таълим тамойилига асосан бу жараёнга махсус тайёргарлик кўриш амалга оширилади. Шу жиҳатдан таълимни ташкил этишга тайёрлаш тамойилининг негизлари қуйидагилардан иборат:

- а) таълимнинг илмий асосида ташкил этилиши;
- б) таълимнинг методологик асосларга эга бўлиши;
- в) таълимнинг амалий самарадорлик кўрсаткичлари белгиланиши.

Эътибор берилса, тайёрлаш тамойили таълим жараёнининг мақсади ва уни амалга ошириш тамойили учун йўналтирувчи асос вазифасини бажаради. Таълимни ташкил қилишни тайёрлаш тамойили кўп ҳолларда мавзуларни белгилаш, ўқув материалларини аниқлаш, уларни ўқитишнинг механизмларини ишлаб чиқиш ва таълим самарадорлигига эришиш кўрсаткичларини аниқлаштиришга асосланади. Бу тамойил бутун дунё мамлакатлари бошланғич таълим босқичида энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Чунки бошланғич таълимни ташкил қилишда амалга оширилган тайёргарлик жараёни мазкур босқичнинг мазмунини белгиловчи асослардан биридир. Мисол учун, мамлакатимизда ҳар янги ўқув йилидан олдин тайёрлаш тамойилига асосан бошланғич таълим дарсликлари, ўқув жиҳозлари, ўқитиш воситалари ва технологиялари бўйича

умуий ўрта таълим мактабларига Республика таълим маркази томонидан тавсия тақдим этиб борилади. Бунинг натижасида ҳар бир янги ўқув йилида бошланғич таълимнинг самарадорлигига эришиш имкониятига эга бўлинади. Шу сабабли олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг таълим жараёнини ташкил қилишнинг тайёрлаш тамойили бўйича кўникмасини юксак даражада шакллантириш тақозо этилади.

ХУЛОСА

Диққат қилинса, таълимни ташкил этиш тамойилларининг мақсадлилиқ, таълим бериш ва тайёрлаш каби энг муҳим тамойиллари мазкур жараённинг мазмунини белгилайди. Шу сабабли ушбу тамойиллар бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари томонидан аудитория машғулотида назарий ўзлаштирилиши ва ҳафталик амалиёт даврида улар синовдан ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Негаки, таълимни ташкил қилишнинг бу тамойиллари назарий ва амалий жиҳатдан уйғунлик хусусиятларига эга.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, олий педагогик таълим жараёнида “таълимни ташкил этиш тамойиллари” номли амалий тўғараклар фаолиятини йўлга қўйиш кутилган самарани беради. Бундай амалий тугураклар бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда ҳам муҳим аҳамиятга эга ва айни пайтда уларнинг касбий компетенцияларини мақсадли шакллантириш имкониятларини беради.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПФ-134-сонли “2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича Миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.// [www. ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)
2. Ҳасанбоев Ж. ва бошқ. Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Т.: “Фан ва технология”. 2009. -447 б.
3. Жабборова, О. М., Умарова, З. А. (2021). БОЛАЛАР ПЕДАГОГИКАСИ МАЗМУНИ ВА УНИ КЛАСТЕР УСУЛИДА ЎҚИТИШ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 59-62.
4. Мардонов, Ш. Қ., Жабборова, О. М (2021). БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕР УСУЛИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 142-145.
5. Жабборова, О. М. (2021). БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА КЛАСТЕР УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ



МЕХАНИЗМЛАРИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 63-67.

6. Жабборова, О. М., Умарова, З. А. (2021). БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШНИНГ КЛАСТЕР УСУЛИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 68-71.

7. Мардонов, Ш. Қ., Жабборова, О. М (2021). ОЛИЙ БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАРИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 119-121.

8. Жабборова, О. М. (2021). ЎҚИТИШНИНГ КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ФАНЛАРИНИ ТАНЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(6), 1095-1099.

9. Жабборова, О. М. (2021). БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ ЭЛЕКТРОН-МОДУЛЛИ УСУЛЛАРИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(5), 1294-1299.

10. Жабборова, О., Ташпулатова, Д. (2021). Бошланғич синф ўқитувчиларининг малака талаблари. Экономика i sotsium, 5(84).

11. Каримжонов, А., Жабборова, О. (2021). Ян Амос Коменскийнинг таълим-тарбияга оид қарашлари. Экономика i sotsium, 5(84).

12. Жабборова, О. М., Ахмедова, Н. Ш. (2021). Бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя асосида тарбиялаш омиллари. Экономика i sotsium, 4(83).

13. Jabborova, O. M. (2021). Systems for The Development of Primary Education in The Process of Higher Pedagogical Education. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(04), 449-453.

14. Jabborova, O. M., & Mardonov, Sh. Q. (2021). Ta'lim jarayoniga innovatsiyalarni tatbiq qilishning tashkiliy-pedagogik jihatlari. Xalq ta'limi jurnali, 2.

15. Жабборова, О. М. (2021). Мураккаб шароитларда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлаш. Экономика i sotsium, 4(83).

16. Жабборова, О. М. (2021). Бошланғич таълимда интеграциялаш масалалари. Academic research in educational sciences, 2(4), 702-706.

17. Жабборова, О. М., Бахтиёрова, С. Э. (2021). Бошланғич таълим йўналишида хорижий тилларни ўқитишнинг янгича ёндашувлар тизими. Academic research in educational sciences, 2(3), 1040-1045.

18. Жабборова, О. М., Ташпулатова, Д. М. (2021). Ўзбекистон янги мафкурасининг педагогик талқини. Academic research in educational sciences, 2(3), 584-589.

19. Жабборова, О. М., Ташпулатова, Д. М. (2021). Бошланғич синф ўқитувчиларига қўйиладиган талаблар. Academic research in educational sciences, 2(2).
20. Жабборова, О. М., Чимпулатова, Ч. Д. (2021). Бошланғич таълимда Тарбия фанининг кластер усулида ўқитилиши. Academic research in educational sciences, 2(1).
21. Жабборова, О. М., Умарова, З. А. (2021). “Тарбия” фанини кластер усулида ўқитишда педагогик конфликтларни бартараф этиш. Academic research in educational sciences, 2(1).
22. Jabborova, O.M., Umarova, Z. A. (2021). Pedagogical conflicts in primary school students-as an important social-pedagogical problem. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7(2), 516-523.



QO‘L TO‘PICHILARNI MASHG‘ULOT YUKLAMALARINI NAZORAT QILISH USHLUBLARI

Dilnoza Davronbekovna Egamberganova

Urganch davlat universiteti o‘qituvchi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada qo‘l to‘pichilarni mashq qilish davomida yuklamalarni nazorat qilishni pedagogik asoslash, tibbiy – biologik, biomexanik, bioximik psixologik va boshqa nazorat qilish haqida ma‘lumotlar keltirilgan.

Kalit so‘zlar: Yuklama, xajm, shiddat, mashg‘ulot, nazorat.

ABSTRACT

This article provides information on pedagogical use of pedagogical controls, medical and biomechanical, biotechnical, bioxological and other control during the exercise of handball players.

Keywords: Loading, size, violence, training, control.

KIRISH

Har qanday mamlakatning ertangi kuni, kelajak taraqqiyoti birinchi galda o‘z xalqining, yoshlarining jismoniy va ma‘naviy kamoloti bilan o‘lchanadi. Hozirda davlatlar o‘rtasidagi o‘zaro musobaqa, kuch-qudratini namoyon etish bellashuvi, asosan ikki yo‘nalishda- sport va jismoniy tarbiya hamda aql-zakovat, ya‘ni intellektual faoliyat sohasida ustuvor ahamiyat kasb etmoqda. Respublikamizda jismoniy tarbiya va sportga xukumatimiz tomonidan katta e‘tibor berilmoqda, bunga misol qilib qabul qilingan qaror va farmoyishlarni ko‘rsatib o‘tishimiz mumkin. Mamlakatimiz sportchilarini jahon arenalarida erishayotgan natijalari va muvoffaqiyatlari xukumatimiz e‘tiborini qozonish deyishimiz mumkin. Boshqa sport turlari singari qo‘l to‘pi sport turiga xam respublikamizda katta e‘tibor berilib, istiqbolli sport turlari qatoriga kiritilgan. Zamonaviy qo‘l to‘pichilarni tayyorlash – bu keng qirrali mashaqqatli mehnat talab qiluvchi va ma‘suliyatli ish bo‘lib, chuqur ilmiy izlanishlar olib borishni talab etadi. Shuningdek mashq qilish davomida yuklamalarni nazorat qilishni pedagogik asoslash, tibbiy – biologik, biomexanik, bioximik, psixologik va boshqa nazorat qilish zarur bo‘ladi.

Hozirgi kunda qo‘l to‘pichilarni mashg‘ulot davomida yuklamalarni nazorat qilish va boshqarishning pedagogik asoslari mavzusida bir qancha ilmiy maqolalar va ilmiy-tadqiqot ishlari

olib borilgan. Sportni shiddat bilan rivojlanishida ushbu mavzuda ilmiy ishlar yetarli emasligi mavzuni yanada kengroq ko'rib chiqishni talab etadi. Shunday ekan bularning hammasi qo'l to'pichilarni sport tayyorgarlik darajasini pasayishiga olib keladi va iqtisodiy xarajatlarni ko'paytirib, sportda yuqori natijalarga erishishni va qo'l to'pi mashg'ulot davomida yuklamalarni nazorat qilish va boshqarishni susayishiga olib keladi.

Mashg'ulot jarayonini boshqarishda mashg'ulot yuklamalarini nazorat qilish va tahlil etish katta ahamiyatga ega.

Mashg'ulot jarayonini boshqarish uchta bosqichni o'z ichiga oladi:

- boshqarish ob'ekti va ob'ekt shakllanadigan tashqi muhit to'g'risida axborot yig'ish;

- olingan ma'lumotlarni tahlil qilish;

- qaror qabul qilish va rejalashtirish.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Zamonaviy qo'l to'pi murabbiyi mashg'ulot yuklamasi darajasini muntazam tahlil qilib borishi va musobaqa faoliyati ko'rsatkichlari bilan uni taqqoslab turishi lozim. Shu orqali yuklamaning qanday turi sportchi texnikasini takomillashtirishga katta ta'sir ko'rsatadi, yuklama hajmi yetarlichami, har xil yuklama turlarining hajmi va yo'nalishi o'rtasidagi nisbat optimal qanchalik ekanligi aniqlanadi.

M.A. Godik (1980) tomonidan ishlab chiqilgan mashg'ulot yuklamalarining tasnifiga muvofiq yuklamalarni nazorat qilish hamda tahlil etish uchun quyidagi tavsiflarning son qiymatlarini aniqlash zarur:

- ixtisoslashganlik, ya'ni ushbu mashg'ulot vositasining musobaqa mashqi bilan o'xshashlik darajasi;

- u yoki bu harakat sifatini rivojlantirishga qaratilgan mashqlarning ta'sir etish yo'nalishi;

- mashg'ulot samarasi hajmiga ta'sir etuvchi koordinatsion murakkablik;

- mashqning sportchi organizmiga ta'sir etishining son darajasi sifatidagi hajmi.

Ushbu tavsiflarni sport kurashiga taalluqli holda ko'rib chiqamiz.

Yuklamaning ixtisoslashganligi. Qo'l to'pi mashg'ulotlarida bajariladigan hamma mashqlar qo'l to'pichining ixtisoslashgan maxsus mashqlari, texnika va taktikani takomillashtirish mashqlari, sherik bilan har - hil mashqlar, musobaqalardagi mahoratni takomillashtirish mashqlari hamda ixtisoslashmagan mashqlarga bo'linadi. Mashg'ulotni rejalashtirishda ixtisoslashgan va ixtisoslashmagan mashqlar

nisbatini hisobga olish zarur. Ko'p sonli ixtisoslashmagan mashqlarni rejalashtirish o'smir qo'l to'pichilarning har tomonlama tayyorgarligiga yordam beradi. Ixtisoslashgan mashqlar ulushi sportchining ko'p yillik mashg'ulotlari jarayonida asta-sekin oshib boradi.

Ixtisoslashgan va ixtisoslashmagan yuklamalar sonining murabbiy tomonidan doimo qayd qilib borilishi mashg'ulot jarayonini maqsadli tashkil etishga yordam beradi.

Yuklama yo'nalishi. Ma'lumki, sport kurashida musobaqa faoliyatining o'ziga xos xususiyati tezkorlik-kuch tayyorgarligi va maxsus chidamlilikka katta talablar qo'yishi bilan tavsiflanadi. Shuning uchun mashg'ulot yuklamalari qo'l to'pichining shu harakat sifatlarini tarbiyalashga qaratilishi lozim. Mashg'ulotlarda yuklamani to'rtta guruhga bo'lish qabul qilingan: anaerob-alaktat (tezkorlik-kuch); anaerob-glikolitik (tezkorlik chidamliligi); aralash; aerob (umumiy chidamlilik yuklamasi).

NATIJALAR

Mashg'ulot jarayonida turli yo'nalishdagi mashqlarni bajarish ketma-ketligini hisobga olib borish zarur. Mashg'ulotda mashqlarni quyidagi ketma-ketlikda bajarish oqilona yo'l hisoblanadi: (2-jadval)

- avval alaktat-anaerob (tezkor-kuch), so'ngra anaerob-gliko-litik mashqlar (tezkorlik chidamliligiga qaratilgan mashqlar);

- avval alaktat-anaerob, so'ngra aerob mashqlar (umumiy chidamlilikka qaratilgan mashqlar);

- avval anaerob-glikolitik (kichik hajmda), so'ngra aerob mashqlar.

Murabbiy amaliy faoliyatda mashg'ulot jarayoni yo'nalishini quyidagi tavsiflar: davomiylik va shiddat, mashqlar o'rtasidagi dam olish oraliqlari va xususiyati, takrorlashlar soni va bajarilayotgan mashqning koordinasion murakkabligi bo'yicha o'zi baholay olishi lozim.

Murabbiy, mashg'ulotlarda yuklamani qayd qilayotib, uni yuklamalar tasnifi bilan taqqoslashi zarur (2-jadval).

Mashqlar yo'nalishini yurak qisqarish sur'ati (YuQS) bo'yicha nazorat qilib borish mumkin. Maksimal shiddatda va kichik hajmda bajariladigan mashqlar, oddatda, tezkorlik-kuch sifatlarining rivojlanishiga ta'sir etadi.

Huddi shunday, lekin katta hajmdagi mashqlar yoki katta shiddat bilan 30-120 s. atrofida bajariladigan mashqlar tezkorlik chidamliligiga ta'sir ko'rsatadi. Ularni bajarish paytida YuQS 160-190 *zarb/daq* gacha etadi. Uzoq vaqt davom etadigan kam shiddatli mashqlar umumiy chidamlilikning takomillashishiga ta'sir etadi, YuQS- 130-160 *zarb/daq*.

Mashqlarni mashg'ulot yo'nalishi bo'yicha guruhlarga taqsimlashda yuklama tarkibining ahamiyati

Yuklama tarkibi				
Yuklama yo'nalishi	Mashqlar davomiyligi	Mashqlar shiddati	Dam olish vaqti	Takrorlashlar soni
Anaerob-alaktat (tezkorlik-kuch)	6 s. gacha	Maksimal	Mashqlar o'r-tasida 1-2 daq seriyalar orasida 3-5 daq.	Bitta seriyada 6-7 takrorlash, 5-6 seriya
Anaerob-Gliko litik (tezkorlik chidamliligi)	Bir martalik ishda 0,3-3 daq.	Submaksimal	-	-
	Takroriy ishda 0,3-2 daq.	Submaksimal yoki katta	3-10 daq	3-6
Aerob-anaerob (hara-kat sifat-larining hamma turi)	02 daq	Katta	Mashqlar o'r-tasida 0,2-0,5 daq., seriyalar orasida 3 daq gacha	Seriyada 2-4 takrorlash, 5-6 seriya
	05,-1,5 daq.	Katta	Mashqlar o'r-tasida 0,5-1,5 daq, seri-lar orasida 6 daq gacha	Bir martalik takroriy ish-da 10 va undan or-tiq 2-4 seriyada 5-6 takrorlash
	3-10 daq.	Katta	Cheklanmagan, to'liq tikla-nishgacha	2-6
	30 daq.	Sustdan maksimal gacha	-	-
Aerob (umumiy chidamlilik)	1-3 daq	sust	0,5-1,5 daq.	Takroriy ish-da 10 va undan or-tiq, 2-8 seriyada 5-8
	3-10 daq	sust	Cheklanmagan, kayfiyatiga qarab takro-riy ish	6-8
	30 daq. va ortiq	O'zgaruvchan ishda kichik-dan kattagacha	-	-
Anabolik (kuch va chi-damlilik)	1,5-2 daq.	Kattadan submaksimal gacha	1,5-2 daq.	5-6 mashqdan iborat seriya, 3-4 marta takrorlanadi
	oxirgi nafasgacha	Katta	3-4 daq.	4-6

Mashqlarning YuQS bo'yicha yo'nalishini qayd qilishda ularning ketma-ketligini hisobga olish lozim. Bu ketma-ketlik mashg'ulot boshidagi xuddi shu mashq bilan solishtirganda, uning

yakunida YuQS ning nisbatan 20-30%ga oshishiga imkon beradi. Birinchi holda yuklama umumiy chidamlilikning, ikkinchi holda tezkorlik chidamliligining rivojlanishiga ta'sir ko'rsatadi.

Yuklamaning koordinasion murakkabligi. Bu tavsif mashg'ulot yuklamalarini kamida ikkita: oddiy (raqib qarshiligsiz, kam tezlikda va h.k.) va murakkab (musobaqa sharoitlariga yaqinlashtirilgan holda) guruhlarga taqsimlashni nazarda tutadi. Mashg'ulotlarda oddiy va murakkab texnik harakatlarni nazorat qilib borish zarur.

Oddiy texnik harakatlarga dast ko'tarishlar, siltab ko'tarishlar, ushlab olishlar, ushlab olishlardan chiqib ketish, oddiy hujum harakatalari kiradi (HH, ya'ni hujum darhol usul tarkibidan boshlanadi).

Murakkab texnik harakatlarga murakkab hujum harakatlari (MHH, ya'ni taktik tayyorgarlik usullari bilan hujum harakatlari va usullar kombinasiyalarini qo'llab hujum qilish), himoyalaniqlar, qarshi harakatlar, harakatlar bog'lanishlari kiradi.

Qo'l to'pi bo'yicha bo'yicha yirik musobaqalarning tahlili shuni aniqlashga imkon beradiki, MHH ni tez-tez qo'llab turadigan qo'l to'pichilar katta muvaffaqiyatlarga erishar ekan. Demak, mashg'ulotlarda murakkab texnik harakatlarni rejalashtirish qo'l to'pichining jismoniy imkoniyatlarini oshirishga yordam beradi.

Yuklama hajmi. Yuklama hajmi deganda sportchi bajarayotgan mashqlarning uning organizmiga ta'sir etish darajasi (maksimal, katta, o'rta, kichik) tushuniladi. Yuklama hajmi, odatda, hajm va shiddat ko'rsatkichlari bilan aniqlanadi.

Qo'l to'pichilar mashg'ulotida yuklama hajmini nazorat qilayotib, quyidagilarni qayd etish zarur: mashg'ulot va musobaqa faoliyatiga sarflangan vaqt (soatlar, kunlar, haftalar, oylar), mashg'ulotlar soni (sikllar, bosqichlar, davrlar).

Mashg'ulotdagi yuklama hajmini aniqlash uchun mashqdan keyin YuQS ning o'rtacha hisobi topiladi, so'ngra jadvaldan shiddat qiymati topiladi, uni shu mashqni bajarish vaqtiga ko'paytiriladi. Yuklama hajmini mashg'ulotning ta'sir etish yo'nalishi bo'yicha qayd etish maqsadga muvofiqdir.

Mashg'ulot dasturini tuzuvchi murabbiy sportchi tomonidan bajarilgan ishlar to'g'risida aniq hamda ishonchli ma'lumotga ega bo'lishi lozim, murabbiy uning tayyorgarligidagi ijobiy hamda salbiy tomonlarni bila turib, mashg'ulot jarayonini maqsadga muvofiq holda amalga oshirishi mumkin.

Mashg'ulot yuklamasining kattaligini aniqlash uchun mashqdan keyin o'rtacha YuQS o'lchanadi, so'ngra jadvaldan shiddatning qiymati topilib, u mazkur mashqni bajarish uchun sarflangan vaqtga

ko'paytiriladi. Yuklama kattaligini, imkon bo'lsa, mashg'ulot ta'sirining yo'nalishi bo'yicha qayd etish kerak.

Misol tariqasida qo'l to'pichilarning mashg'ulotlaridan birining yuklamasi kattaligini aniqlaymiz (4-jadval)

Qo'l to'pichilar mashg'ulotini tahminiy tuzilishi

4-jadval

№	Mazmuni	Bajarish Vaqti	1 daqiqa YuQS	Shiddat ballarda	Shiddat zonalari
1.	Badan qizdirish mashqlari	15	132	4	I
2.	To'p uzatishlarni takomillashtirish	10	144	6	I
3.	Aldamchi harakatlarni takomillashtirish	10	156	8	II
4.	Hujumda tez yorib o'tishni takomillashtirish	5	174	14	II
5	Qarshi hujum harakatlarini takomillashtirish	10	138	5	I
6.	Ikki tamonlama o'quv o'yini	6	186	21	III
7.	Qo'l to'pichining tezkorlik qobiliyatini mustahkamlash uchun maxsus mashqlar	4	126	3	I

Shunday qilib, bizning mashg'ulotimizda umumiy ish muddati 60 daqiqani tashkil etadi. Har bir mashq uchun biz YuQS ning o'rtacha ko'rsatkichini va sarflanadigan vaqtni aniqlaymiz. Jadval asosida biz mashg'ulot shiddati ballini bilib olamiz. Masalan, badan qizdirish mashqlari YuQS 132 zarba bo'lgani holda 15 daq. davom etgan, bu 5-jadvalga ko'ra 4 ballga teng. Endi, formulaga asosan, yuklama kattaligini aniqlaymiz, bunda mashqni bajarish uchun sarflangan vaqt uning shiddati balliga ko'paytiriladi.

Qo'l to'pi mashg'ulot yuklamasi umumiy kattaligini aniqlash

5-jadval

№	Mazmuni	1 vaqti va shiddati ballarda	Yuklama yuklamasi kattaligi.
1	Badan qizdirish mashqlari	15x4	60
2.	To'p uzatishlarni takomillashtirish	10x6	60
3.	Aldamchi harakatlarni takomillashtirish	10x8	80

4.	Hujumda tez yorib o'tishni takomillashtirish	15x14	70
5.	Qarshi hujum harakatlarini takomillashtirish	10x5	50
6.	Ikki tamonlama o'quv o'yini	6x21	126
7.	Qo'l to'pichining tezkorlik qobiliyatini mustahkamlash uchun maxsus mashqlar	4x3	12
8.	Jami	-	458

Mazkur mashg'ulot yuklamasini sportchi organizmiga ta'sirning yo'nalishiga qarab ham aniqlash mumkin. Odatda, ishning shiddati vaqtini uch zonada hisoblash mumkin:

I - asosan aerob YuQS –140-150: II zona - aralash-aerob-anaerob YuQS – 156-180 va III zona – anaerob YuQS-186 va undan baland (6-jadval).

Shunday qilib, birinchi zonada bajarilgan ishning umumiy vaqti 39 daq. yoki umumiy vaqtning 65%ini, yuklama kattaligi esa 182 shartli birlikni tashkil etdi. Ikkinchi zonada ish vaqti 15 daq ga yoki umumiy vaqtning 25% ga, yuklama kattaligi esa 150 shartli birlikka teng bo'ldi. Uchinchi zonada sportchi 6 daq. yoki umumiy vaqtning 10% ida ish bajardi, yuklama kattaligi esa 126 shartli birlikni tashkil qildi.

Mashg'ulot yuklamalarini 3 zonaga taqsimlash

6-jadval

No	Mazmuni	Bajari-lish vaqti	1 daq. da YuQS	Mashg'ulot yuklamasi kattaligi	Bajari-layotgan ish zonasi
1.	Badan qizdirish mashqlari	15	132	60	Birinchi
2.	To'p uzatishlarni takomillashtirish	10	144	60	Birinchi
3.	Aldamchi harakatlarni takomillashtirish	10	156	80	Ikkinchi
4.	Hujumda tez yorib o'tishni takomillashtirish	5	174	70	Ikkinchi
5.	Qarshi hujum harakatlarini takomillashtirish	10	138	50	Birinchi
6.	Ikki tamonlama o'quv o'yini	6	186	126	Uchinchi
7.	Qo'l to'pichining tezkorlik qobiliyatini mustahkamlash uchun maxsus mashqlar	4	126	12	Birinchi

Mashg'ulot yuklamasini bunday tahlil qilish mikro-mezo, makrosiklda bajarilgan ish kattaligini aniqlashga imkon beradi.

Urganch Davlat universitetining qo‘l to‘pi bilan shug‘ullanuvchi sportchi qizlarda tadqiqotdan oldin yuklamalar shiddatini tasniflash

(Tadqiqot boshida)

№	Ismi, sharifi	Yu.K.S.						Mashg‘ulot jarayonidagi shiddat zonasi
		Mashgu lotdan oldin		Mashgu lot dan keyin		Tiklanish 40 daqiqa		
		10’’	1’	10’’	1’	10’’	1’	
1	Egamberganova Dilnoza	19	114	25	150	20	120	Ikkinchi
2	Ro‘zimatova Ozoda	19	114	28	168	22	132	Ikkinchi
3	Karimova Munira	18	108	27	162	22	132	Ikkinchi
4	Iskandarova Nazokat	17	102	25	150	20	120	Ikkinchi
5	Nazarova Go‘zal	20	120	27	162	23	138	Ikkinchi
6	Egamova Shoxida	20	120	28	168	23	138	Ikkinchi
7	Bekchanova Maqsuda	19	104	25	150	22	132	Ikkinchi
8	Sadullaeva Gulnoza	18	108	27	162	23	138	Ikkinchi
9	Raximova Umida	20	120	28	168	23	138	Ikkinchi
10	Aminova Saboxat	17	102	23	138	22	132	Ikkinchi

XULOSA

Xulosa va takliflar. Zamonaviy qo‘l to‘pi murabbiyi mashg‘ulot yuklamasi darajasini muntazam tahlil qilib borishi va musobaqa faoliyati ko‘rsatkichlari bilan uni taqqoslab turishi lozim. Shu orqali yuklamaning qanday turi sportchi texnikasini takomillashtirishga katta ta‘sir ko‘rsatadi, yuklama hajmi etarlichami, har xil yuklama turlarining hajmi va yo‘nalishi o‘rtasidagi nisbat optimal qanchalik ekanligi aniqlanadi.

Mashg‘ulot jarayonida turli yo‘nalishdagi mashqlarni bajarish ketma-ketligini hisobga olib borish zarur. Mashg‘ulotda mashqlarni quyidagi ketma-ketlikda bajarish oqilona yo‘l hisoblanadi:

- avval alaktat-anaerob (tezkor-kuch), so‘ngra anaerob-glikolitik mashqlar (tezkorlik chidamliligiga qaratilgan mashqlar);

- avval alaktat-anaerob, so‘ngra aerob mashqlar (umumiy chidamlilikka qaratilgan mashqlar);

Murabbiy amaliy faoliyatda mashg‘ulot jarayoni yo‘nalishini quyidagi tavsiflar: davomiylik va shiddat, mashqlar o‘rtasidagi dam olish oraliqlari va xususiyati, takrorlashlar soni va bajarilayotgan mashqning koordinasion murakkabligi bo‘yicha o‘zi baholay olishi lozim.



Murabbiy, mashg‘ulotlarda yuklamani qayd qilayotib, uni yuklamalar tasnifi bilan taqqoslashi zarur

Qo‘l to‘pi bo‘yicha yirik musobaqalarning tahlili shuni aniqlashga imkon beradiki, mahsus hujum harakatlarini tez-tez qo‘llab turadigan qo‘l to‘pichilar katta muvaffaqiyatlarga erishar ekan. Demak, mashg‘ulotlarda murakkab texnik harakatlarni rejalashtirish qo‘l to‘pichining jismoniy imkoniyatlarini oshirishga yordam beradi.

Urganch Davlat universitetining qo‘l to‘pi bilan shug‘ullanuvchi sportchi qizlarda tadqiqotdan keyin yuklamalar shiddatini tasniflash

8-jadval

	Ismi, sharifi	Yu.K.Ch.						Mashg‘ulot jarayonidagi shiddat zonasi
		Mashgu lotdan oldin		Mashgu lot dan keyin		Tiklanish 40 daqiqa		
		10”	1’	10”	1’	10”	1’	
1	Egamberganova Dilnoza	19	114	27	162	20	120	Ikkinchi
2	Ro‘zimatova Ozoda	19	114	31	186	22	132	Uchunchi
3	Karimova Munira	18	108	30	180	22	132	Uchunchi
4	Iskandarova Nazokat	17	102	27	162	20	120	Ikkinchi
5	Nazarova Go‘zal	20	120	29	174	23	138	Uchunchi
6	Egamova Shoxida	20	120	30	180	23	138	Uchunchi
7	Bekchanova Maqsuda	19	104	27	162	22	132	Ikkinchi
8	Sadullaeva Gulnoza	18	108	29	174	23	138	Uchunchi
9	Raximova Umida	20	120	30	180	23	138	Uchunchi
10	Aminova Saboxat	17	102	25	150	22	132	Ikkinchi

REFERENCES

1. Abduraxmanov F.A., Liviskiy A.N., Yaroskiy A.I., Pavlov Sh.K. «Podgotovka gandbolistov» Toshkent 1992 g. izd. UzGosIFK. Uchebnoe posobie
2. Akramov J.A.. «Obosnovaniya metodiki kontrolya i analiza biomexanicheskix xarakteristik broska po vorotam v gandbole» Avtoreferat. Dis na soiskanie kn. Moskva 1992 g. 23 s.
3. Ashmarin B.A. Teoriya i metodika pedagogicheskix issledovaniy v fizicheskom vospitanii: Posobie dlya studentov, aspirantov i prepodavateley IFK. - M.: Fizkultura i sport, 1978. – 223 s.

АХБОРОТЛАШГАН ДАВРДА ФИКРИЙ ҚАРАМЛИККА УНДОВЧИ АХБОРОТЛАР

Исмаил Саифназаров

Тошент давлат иқтисодиёт унвеситети Ижтимоий гуманитар фанлар
кафедраси профессори, ф.ф.д (Dsc)

profis48_48@mail.ru

Бахриддин Примов

Тошент давлат иқтисодиёт унвеситети Ижтимоий гуманитар фанлар
кафедраси

докторанти ф.ф.д. (PhD)

primov.baxriddin@bk.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ахборотлашган даврда фикрий қарамликка ундовчи ахборотлар моҳияти очиб берилган, унда биз яшаётган бугунги жамият тўла-тўқис ахборотлашиб улгурганлиги ва янада такомиллашаётганлиги таъкидланади. Ҳозирги замон билан ҳам нафас яшаётган инсонлар ўз ҳаётини янги ахборотсиз таъсавур эта олмайди. Шундай экан дунёнинг у ёки бу четидаги бўлаётган воқеа ва ҳодисалардан хабардорлик ҳисси ҳар қачонгидан ҳам юқори. Мақолада шу каби инсоният оламини фикрий қарамликка ундовчи ахборотлар тўлиб тошганлиги аниқ далиллар орқали изоҳланган.

Калит сўзлар: Ахборот, ахборот алмашиш, жаҳон ОАВ, ахборот таҳдидлари, ахборот қарамлиги, интернет ва виртуал олами.

ABSTRACT

This article reveals the essence of information, which encourages intellectual addiction in the information age, emphasizing that today's society in which we live is comprehensively informed and improving. Even today, people who breathe life cannot imagine their life without new information. Therefore, the feeling of awareness of events and developments in one part of the world or another is higher than ever. The article explains that the human world is full of information that encourages intellectual addiction.

Keywords: information, information exchange, global media, information threats, information dependence, Internet and virtual world

КИРИШ

Ахборот орқали инсонларда билим олиш соҳаси энг қадимдан мавжуд бўлиб, бу атроф-муҳитни ўрганишга олиб келган. Ибтидоий даврда ҳам шубҳасиз, ҳозирги даврда ҳам ахборотларга эга бўлиш эҳтиёж ва ҳаётий зарурат ҳисобланган. Жамиятдаги инсонлар учун ахборот – энг кучли таъсирга эга воситалардан биридир. Олинаётган ва тўпланаётган билимда ахборот олишнинг оддий усуллари ҳам шу қадар муҳим аҳамиятга эгаки, ҳеч ким унга ҳеч нарсани қарши қўя олмайди. Табиатан инсон шундай яралганки, кундалик ахборотни қабул қилмасдан, тушуниб тўғри хулоса чиқаришга ҳаракат қилмасдан яшай олмайди. Ахборот бошқариш, таъсир ўтказиш, яратиш кучига эга бўлиб, у одамларни бошқаради ва таъсир доирасида ушлайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ҳозирги кунда ахборот оқими назарияси илмий-методологик жиҳатдан ишланди. Бу назарияга Ж.Фон Нейман, Н.Виннер, К.Шенон каби олимлар томонидан асос солинган. Ахборот ва ахборотлаштиришнинг фалсафий-методологик масалаларини таҳлил этиш асосида В.Канке, А.Ракитов, В.Стёпин, В.Горохов, М.Розов сингари олимлар махсус илмий-назарий қарашларни ишлаб чиқишган. Жумладан, В.Канке “Ахборот ва ахборотлаштириш масалалари ўзининг рационал асосларига эга. Буни Лейбниц ва Декарт қарашларида кўришимиз мумкин. Шунинг учун ҳам Норберт Винер, “Агар менга фалсафа тарихида танлаш имконияти берилганида эди, мен Лейбницнинг қарашларини кибернетика учун асос қилиб олган бўлардим” [1], деган эди. Чунки, Лейбниц бир пайтнинг ўзида файласуф, физик, математик, техник, тилшунос ва мантиқшунос бўлган. А.Ракитов эса қуйидаги фикрларни таъкидлаган: “Компьютер инқилоблари фалсафий тафаккур тарзининг ўзгаришига олиб келди. Шунинг учун ҳам фалсафий-методологик масала сифатида ахборотлашган ёндашув каби кенг қамровли янги тушунча пайдо бўлди” [2] деб таъкитланади.

НАТИЖА ВА МУҲОКАМАЛАР

XXI аср бошига келиб ахборот алмашиш шу қадар тезлашдики, уни назорат этишнинг имкони қолмади. Шунинг учун ахборот тарқатувчилар ахборотларни кетма-кетликда усталик билан жойлаштираётгани, унга ишониш ёки ишонмасликнинг иложи йўқдек. Ўтган асрлар давомида ҳукмронликка эришиш турли қуролли тўқнашувларни келтириб чиқарган бўлса, ҳозирги даврда буларнинг

ҳаммасига ахборот орқали эришиш мақсад қилинган. Бунга ёрқин бир мисол сифатида, 2011 йилда “Араб баҳори” номи билан амалга оширилган ҳаракатларни келтиришимиз мумкин. Бу борада интернет маконидаги ижтимоий тармоқларнинг кучайиши бу жараёнларни янада тезлаштирди. Дунё халқлари ва миллатларининг минг асрлик қадриятларни ва маънавий-ахлоқий ҳаётини ўзгартиришга, издан чиқаришга бўлган интилишлардан билиш мумкин. Айниқса, ёшлар онгини эгаллашга бўлган уринишлар ва тарбиясини издан чиқаришга қаратилган тарғиботлардан ҳам билса бўлади.

Ахборотлар алмашуви ва жадаллашуви натижасида бугунги кунда глобаллашув жараёни ахборот глобал майдонида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Яъни, ахборотлаштириш глобаллашув жараёнлари билан узвий боғлиқ ҳолда кечмоқда. “Бугунги дунёда мислсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун курраи заминни қамраб олиш жараёни шиддат билан бормоқда. Масалан, Интернет тизими орқали ахборот алмашув, бинобарин, ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам тобора кенгаймоқда. Аслида ахборот соҳасидаги глобаллашув инсоният учун, дунёнинг барча ҳудудларидаги одамларнинг ўзаро мулоқоти учун, илм-фан ва маданий бойликларни ўзлаштириш учун улкан имкониятлар яратадиган жараёнaddir” [3]. Айтиш мумкинки, жамиятнинг глобал ахборотлашуви илмий-техник, иқтисодий ва социал тараққиётнинг ўзагини ташкил этади. “Ахборот асри” деб ном олган XXI асрда ахборот стратегик ресурс сифатида табиий бойликлар, энергия манбалари қаторидан жой олди. Бошқача айтганда, ахборот тараққиётнинг бош омилига айланди. Таассуфки, ахборотни тараққиёт қушандасига айлантираётган кучлар ҳам йўқ эмас. Ахборотлаштириш жараёнининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда ахборот соҳасидаги ютуқлардан ёмон ниятларда фойдаланиш хавфи ҳам туғилмоқда. Яъни, ахборотдан жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, давлатларнинг суверен тенглиги тамойилларига амал қилиш, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, инсон салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ички ишларга аралашмаслик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш каби мақсадларга зид равишда фойдаланилмоқда

Бундай чора-тадбирларга бизда ҳали ҳожат йўқ, лекин интернетдаги ёлғон хабарлар, компьютердаги хавфли ўйинлар, ёшларда реал борлиққа нофаол муносабатларни шакллантирмоқда. Энг хавфли томони шундаки, бундай ҳолатлар ёшларни миллий маданиятдан, халқимизнинг тарихий-маданий анъаналарини ўрганиш ва уларга меҳр қўйишдан чалғитиши мумкин. Биз интернетнинг

ижобий томонларини инкор этмоқчи эмасмиз, у, шубҳасиз, информациялар топишда, алоқалар ўрнатишда инсон имкониятларини кенгайтиради. Аммо, у шахсни реал ҳаётдан узоқлаштирмаслиги, балки, аксинча, унинг маънавий дунёсини, ўзлигини намоён этиб, янги муносабатларни барқарорлаштириб яшашга хизмат қилиши зарур.

Ушбу маконда у ўзига ёққан киши билан мулоқот қилади, истаган шахсни севиши ёки ундан нафратланиши мумкин. Реал ҳаёт ўз ҳиссиётларинг ва истакларингни эмас, балки ён-атрофингдаги кишиларнинг ҳолатини ҳисобга олишга мажбур қилади. Ҳатто интернетда «виртуал никоҳ»дан ўтиб «эр-хотин» бўлиб яшаш мумкин, чунки у реал оила қуришдан кўра «интернет оилага» тез кўникади. Чунки “интернет оилада” реал оилада дуч келадиган ташвишлар, мураккабликлар йўқ.

“Инсон мутлақо озоддир” ғоясининг амалий тарғиботчиси сифатида хизмат қилаётган “оммавий маданият” унсурларининг дунё бўйлаб кенг ёйилиши натижасида маънавий ва хусусий даражада инсон қуруқ истеъмолчига айланди – энди бахт моддий фаровонлик билан белгиланади. Яшашдан мақсад максимал даражада ҳаётдан лаззатланишдангина иборат бўлади. Бу ерда руҳий-маънавий қадриятларга, эзгулик, савоб, бировга беғараз ёрдам кўрсатиш каби олий тушунчаларга ўрин йўқ. Балки, бу мавзу тадқиқотчилари ифодалаганларидек, “инсонлар муносабатлари фойда ва зарар қонунлари асосида ишлайди. Хизмат кўрсатиш тизими кенг ривожланиб, кўнгил хушликнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган турлари юзага келади. Айниқса, аёлнинг инсон сифатида кадр-қиммати жуда тушиб кетади. ОАВда кўз-кўз қилинадиган гўзал хонимларга инсон сифатида эмас, балки маҳсулот сифатида қаралади [4].

Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланишни даъво этувчи турли ташкилотлар томонидан “чексиз эркинлик тимсоли” сифатида намоён қилинаётган, ҳатто, бир қатор давлат ҳукуматлари томонидан дастакланиб, қонун асосида тасдиқланаётган ахлоқий бузуқлик шаклларида бири – бир жинслилар никоҳи ҳисобланади. Бундай турдаги “никоҳ” қувватланиб, қонун доирасида маъқуллаган ҳукуматларга кўра, бир жинсли никоҳдаги кишилар анъанавий никоҳ орқали қурилган оилаларга тааллуқли ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкин. Улар қаторида, жумладан, фарзанд асраб олиш ва сунъий уруғлантиришни ўтказиш кабилар ҳам бор. Мамлакатда тузиладиган ҳам бир жинсли, ҳам анъанавий никоҳ шартномаларида “эр” ва “хотин” сўзлари ўрнига нейтрал “шартнома иштирокчилари” сўзлари ишлатилади [5].

Табиийки, бу типдаги “никоҳ” тарафдорлари фаолияти дунёнинг турли чеккаларида қораланиб, ғайриинсоний ишга қўл ураётганлари таъкидланаётган бўлсада, улар ўз хатти-ҳаракатларини ҳимоялаш мақсадида бир қатор (ривожланган) давлатлар ҳудудида “юридик мақом”га эга бўлиш йўлида “ташаббус” кўрсатиб келмоқдалар. Масалан, Рим католик черковининг собиқ етакчиси Бенедикт XVI томонидан сўзланган нутқда юқоридаги кимсалар “Худо тарафидан ато этилган инсоний хилқат асосини вайрон этувчилар” сифатида таърифланиб, “бир жинсли никоҳ” вакилларига қарши ўлароқ, 2012 йил анъанавий оила қадриятларини қўллаб-қувватлашга бағишланиши таъкидланишига қарамай, АҚШ, Франция, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларда уларнинг фаолияти қонуний кучга эга бўлиб бормоқда[6].

Жамият ижтимоий-иқтисодий, ахборот ва технология жиҳатдан қанчалик тараққий этмасин ҳар бир тарихий давр инсон маънавий-маърифий камолоти, ёшлар тарбияси борасида янгидан-янги, мураккаб масалаларни кўндаланг қўяверади.

Интернет эса виртуал воқеликни шакллантириб, ундан фойдаланувчиларда маданиятнинг янги кўриниши – кибермаданиятни қарор топтирмоқда. Виртуал воқелик ва кибермаданият, ўз навбатида, кишиларнинг феъл-атворини осонликча программалаштириш имконини беряпти.

Дунё олимлари ер юзи аҳолисини кўпчилиги ҳозирда бир-бири билан жонли муоқот қилишга қизикмай қўйишган деб ҳисоблашмоқда. Чунки, кундалик турмушда инсонлар телефон орқали сўзлашишни ҳол аҳвол сўрашни авфзал кўришмоқда. Замонавий ишлаб чиқарилаётган смартфонлар кўплаб функцияларга эга бўлиб, унда мусиқа эшитиши кўнгилочар нарсаларни томаша қилиши мумкин. Бу инсонлар руҳий ҳолатига таъсир ўтказиб “баъзан телефонга янги хабар келмаган бўса ҳам, кулоқ остида “SMS” хабари эшитилаверади. Тиббиёт ходимарининг айтишича, ҳар йили 4 миллионга яқин одам ушбу хасталикка дучор бўлади. Сўнги 5 йил ичида “бемор”лар сони 38 фоизга ошган.

Одамларни бир-биридан узоқлаштираётган ва телефон экранига миҳлаб қўяётган яна бир омил-смартфон эгалари сонинг кўпайишидир...

Тадқиқот натижаларига кўра, смартфон эгаларининг ярми ижтимоий тармоқлар ҳамда электрон почта орқали муоқат қилишни авфзал билишади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирги кунда айрим ғарб давлатларидан кириб келаётган, бизнинг миллий қадриятаримизга буткул ёт бўлган ахборотлар ва қарашлар ҳамда инсонлар онгини захарловчи маълумотлар-интернет

тармоғи орқали ёшарнинг онгига салбий таъсир кўрсатиши хавфи тобора ортмоқда” [7].

Ҳозирда биз ўта кескин ва мураккаб зиддиятларга эга бўлган ахборот асрида яшамоқдамиз. Замонавий технология ютуқлари билан уйғунлашган ахборотлар, бир томондан жаҳон халқларнинг иқтисодиётини глобал тармоққа боғлаб жамият тараққиётини ижтимоий, маданий-маърифий жиҳатдан масъулиятни англаган умумжамоага айланишга хизмат қилаётган бўлса, иккинчи томондан, бузғунчи ғояларнинг жаҳон майдонида ўзаро кескинликнинг кучайишига сабаб бўлмоқда.

Дарҳақиқат, интернет инглиз тилининг глобаллашувида кучли туртки берди. БМТ томонидан 5 тил - инглиз, француз, испан, рус ва хитой тиллари халқаро мулоқот тили сифатида тан олинган бўлса-да, инглиз тили охириги йилларда кенг тарқалмоқда. Ахборот соҳасидаги устуворликни таъминлайдиган бу омиллар инсон онгига кучли таъсир ўтказиш ва уни бошқариш имкониятларини кенгайтди. Хусусан, жаҳон медиа-холдингларининг эгалари воқеа-ҳодисаларни ёритишда урғуни ўзгартириш йўли билан ҳам томошабинда бу воқеликка нисбатан ўзлари истаган муносабатни шакллантириш қудратига эга.

Бундай қарашлар замирида қандай мафкурафий мақсадлар ётганини пайқаш қийин эмас. Кейинги вақтда бутун дунёнинг ғарб раҳнамолигида бирлашуви, келгусида ҳукумати битта бўлган ягона давлат ташкил топишини, пулга сиғиниш ва индивидуализм фаласафасини тарғиб этаётган қарашлар тизими вужудга келаётирки, улар дунё қиёфасини қай тарзда ўзгартириб юбориши мумкинлигини ҳеч ким тасаввур қила олмайди. Шунга қарамай, бундай қарашлар барча воситалар ёрдамида, хусусан, оммавий ахборот воситалари Интернет ва ҳатто Ғарб мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган кинофильм ҳамда видеофильмлар орқали зўр бериб тарғиб этилмоқда.

Дунё ОАВда ҳам бундай муаммолар сезиларли даражада ошган. Биз фақат уларнинг маълум бир жиҳатига эътибор қаратадиган бўлсак, бугун нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ жойларда ҳам замонавий рақамли ва кабел телевидение ёки махсус антенналар воситасида Ғарб ва бошқа мамлакатлар телеканаллари орқали бизнинг маънавий – ахлоқий қадриятларимизга зид фильмлар, беҳаё кўрсатувларни кўраётган ёшларимизда миллий ўзликимизга хос ғурур ва ватанпарварлик, мардлик туйғулари шаклланиши, давлатимиз ҳомийлик қилаётган илм-маърифатга, ота – оналаримиз ва динимиз бераётган тарбияга рағбати ошиши мумкинми?

Шунингдек, айна пайтда, “янги давр”нинг замонавий қиёфаси дея аталиб, баъзи гуруҳлар таъбирича, “инсоннинг тамомила ҳурлиги” намунаси сифатида намоён этилаётган “оммавий маданият” кўринишларидан бири – жинсни ўзгартириш ва танани турли суратлар билан “безаш” ҳисобланади. Аслида, эс-ҳуши тўқис одамнинг, энг камида, таажжубланишга мажбур қиладиган бу каби ҳолатлар, афсуски, айрим оммавий ахборот воситалари томонидан “жинсий озчилик тенг ҳуқуқлилиги” деб баҳоланиб, бундай кимсалар турли халқаро тадбирларнинг ғолибига ҳам айланмоқда.

Ҳозирда ОАВ ва интернетда тарқатилаётган жамият ва ёшлар маънавий-ахлоқий ҳаётига таъсир этувчи, инсонларни шахсий ва жамиятдаги муаммолардан чалғитувчи бир қанча сабаблар мавжудки, буларни таъкидлаш муҳим ҳисобланади. Булар:

- Ахлоқий бузуқлик (ҳаёсизлик, андишасизлик) бу (ОАВ ва интернетда) тарқалаётган жамиятдаги инсонлар ва ёшлар ҳиссий онгига салбий таъсир кўрсатувчи, ҳиссизликни тарғиб этувчи, маънавий-ахлоқий ҳаётни таназзулга учратувчи, яланғочлик ва андишасизликни, жинсий эркинлик ва бир никоҳлилиқни қўллаб-қувватловчи, жамият ва баъзи давлат қонунлари билан мустаҳкамланишига олиб келаётган иллат орқали намоён бўлмоқда.

- Фанатизм бу (ОАВ ва интернетда) тарқалаётган виртуал кампьютер ўйинларга, шоу бизнес вакилларининг юриш – туришига, кейинишга қизиқиш ва тақлид, ичкиликбозлик ва наркотик моддаларни қабул қилиш, диний ақидапарастлик оқими ғоялари таъсирига ва футбол ўйинларига муккасидан кетиш орқали намоён бўлмоқда.

- Ҳазил мутойиба (анекдот) бу одамлар ва ёшлар орасида урфга айланган, шунингдек, баъзи жамият вакилларини мазах қилиш ва улар камчиликлари устидан кулиш, ўзлаштирилган ва янгича жаргон сўзлар билан сўқиниш, ҳатто инсонларнинг нозик жинсий аъзоларини айтиб уят ва андишасизларча кулгуга олиш, жинсий муносабатга бошловчи сўзларни очиқдан – очиқ талқин этиш орқали намоён бўлмоқда[8].

Ёшларни ОАВ ва глобал ижтимоий тармоқлардаги ёт маънавий-ахлоқий оммавий маданият таҳдидларидан ҳимоялаш, фикрий қарамликдан асрашни тақозо этмоқда.

Биз интернетнинг ижобий томонларини инкор этмоқчи эмасмиз, у, шубҳасиз, ахборот олишда, алоқалар ўрнатишда инсон имкониятларини кенгайтиради. Лекин, интернетнинг энг хавфли салбий томони шундаки, бундай ҳолатлар ёшларни миллий маданиятдан, халқимизнинг тарихий-маданий анъаналарини

ўрганиш ва уларга меҳр қўйишдан чалғитиши мумкин. У шахсни реал ҳаётдан узоқлаштирмаслиги, балки, аксинча, унинг маънавий дунёсини, ўзлигини намоён этиб, янги муносабатларни барқарорлаштириб яшашга хизмат қилиши зарур. Албатта, халқимиз, жумладан, ёш авлод фан-техника, маданияти, адабиёт-у санъатининг илғор жиҳатларини инкор этмайди.

ХУЛОСА

Мухтасар қилиб шуни таъкидлаш жоизки, баркамол авлодни ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан вояга етказишда оила тарбия ўчоғи вазифасини бажаради. Жамият равнақи учун хизмат қилиш, фарзанд камолотини кўриш, оилада миллий кадриятларни сақлаш учун ҳар бир ота – она ўз бурчини адо этиши лозим. Шунинг учун ҳам ҳар бир халқнинг яшаш тарзи, ўтмиши, бугуни, эртаси ва келажаги билан боғлиқ бўлган урф – одат ва анъналари, аждодлар яратган моддий ва маънавий мероси, маънавияти-миллат равнақини таъминловчи асосий манбадир.

REFERENCES

1. Винер Н. Человек управляющий. СПб: Питер, 2001. -С.25.
2. Ракитов А.И. Философия компьютерной революции. –Москва: Политиздат, 1991. -С.334.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001, 23-бет.
4. www. ziyonet.uz / Азизбек Мақсудов “Ўзбек миллий-диний кадриятлари ва “оммавий маданият” ўртасидаги муносабат”
5. www. ziyonet.uz / Азизбек Мақсудов “Ўзбек миллий-диний кадриятлари ва “оммавий маданият” ўртасидаги муносабат”
6. www. ziyonet.uz / Азизбек Мақсудов “Ўзбек миллий-диний кадриятлари ва “оммавий маданият” ўртасидаги муносабат”
7. Мухаммад Амин Яхё “Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя” Ёрдамчи ўқув кўланма-Тошкент: Movarounnahr, 2016, 260-261бет.
8. Примов Б.А. “Ахборот оқими жадаллашувининг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсири” монография-Тошкент: “Lesson Press”МЧЖ нашриёти, 2022, 33-34 бет.

IMPROVING THE QUALITY OF THE LIFE STATUS OF INFANTS WITH UNILATERAL CONGENITAL CLEFT LIP AND PALATE

Gulnora Sadriddinovna Yadgarova

PhD of the Department of Surgical Dentistry, Bukhara State Medical Institute
farhodik2010@mail.ru

Firuza Avazovna Mirzaeva

Assistant of the Department of Surgical Dentistry, Bukhara State Medical Institute
feruzamirzaeva05@gmail.com

ABSTRACT

In the Republic of Uzbekistan today, the birth rate of children with congenital cleft lip and palate is higher than the national average. Violations of such vital functions as breathing, nutrition and speech, aesthetic defects associated with congenital cleft lip and palate, adversely affect the overall physical and intellectual development of the child. The feeling of inferiority, the reaction of others to speech cause such a child severe experiences, which, of course, is reflected in the formation of his psyche. These psychological layers, in turn, further exacerbate speech disorders. Speech defects not eliminated in childhood subsequently hinder the choice of profession; interfere with work and everyday life.

Keywords: life quality, improve, infants, lip, palate.

INTRODUCTION

The system of complex treatment of children with UCCLP provides for a multi-stage interdisciplinary interaction of specialists.

In this regard, the improvement of medical rehabilitation of children with congenital cleft lip and palate is still relevant and in demand. To provide qualified assistance to this group of complex patients, multi-stage surgical interventions and constant monitoring by an orthodontist, pediatrician, speech therapist and other specialists are required. Complete medical, psychological and social adaptation of the child depends on the anatomical, functional and cosmetic disorders, as well as the timeliness of the rehabilitation measures.

Purposeofthestudy: To assess the clinical characteristics and the need for additional rehabilitation measures during treatment in children with congenital cleft lip and palate.

Materials and methods: We use the frequency of occurrence of clinical cases and the characteristics of the upper and lower clefts of the Bukhara region in the multidisciplinary medical center of the kindergarten on the basis of the Bukhara State Institute. A comparative assessment of various forms of congenital cleft lip and palate was carried out. The recovery process occurs throughout the entire middle age, and in a number of individuals even at an older age, however, its rationality is distributed in accordance with the periods allocated in pediatrics for 7 periods.

1. prenatal period
2. neonatal period - from 0 to 1 month:
3. infancy - 1 month - 1 year
4. toddler age - 1 year - 3 years:
5. preschool period - 3 - 6 years:
6. the period of primary school age - 7-11 years:
7. the period of senior school age - 11 - 18 years:

After the birth of a child with CCLP, an accurate clinical and anatomical diagnosis is established, a plan for surgical and conservative treatment is determined. An in-depth examination is carried out by related specialists, congenital malformations of other organs and systems are detected, concomitant somatic and neurological diseases are diagnosed. Individual work is carried out with parents on teaching the peculiarities of nursing a sick child to ensure optimal development, rational feeding, and prevention of infectious diseases.

With a complete unilateral and bilateral cleft of the upper lip, alveolar process, soft and hard palate, an early preoperative orthopedic preparation of the patient is performed. In the presence of concomitant malformations, severe somatic diseases, diseases of the central nervous system, the terms of surgical treatment are delayed, but no later than 5-6 years, surgical rehabilitation should be completed so that the child goes to study at a regular school. The period of infancy - this period of rehabilitation is aimed at preparing and performing a cheilorhinoplasty operation, which is usually performed in children at 2.5 - 3 months of age.

With bilateral complete cleft of the upper lip, alveolar process, soft and hard palate, early preoperative orthopedic preparation of the patient continues in this age period. The goal of early preoperative orthopedic treatment is to eliminate the displacement of the maxillary fragments, protrusion of the median fragment, and prevent secondary displacement in the postoperative period.

Nursery period (from 1 year to 3 years).

The child is usually transferred from breastfeeding to regular feeding. This period of rehabilitation is aimed at preparing

and performing an uranoplasty operation, which is usually performed in children at the age of 2.5-3 years. Senior school age (from 11 to 18 years) During this period of hormonal changes in the body, a child who has undergone surgery in connection with CCLP must be physically and psychologically adapted to the social environment. Various concomitant diseases, disorders in various organs and systems, cicatricial changes in the soft tissues of the upper lip, nose, soft and hard palate during the period of rapid development of the body can manifest themselves. Children are additionally observed by the school doctor, are engaged in health groups, during the holidays they undergo rehabilitation activities in rehabilitation centers. Each child requires an individual approach to his problem throughout the entire period of rehabilitation. Full social adaptation of the patient can be ensured only if continuity and stages of treatment are observed. At the same time, each specialist should remember that the healthy and quality of life of patients with congenital cleft lip and palate directly depends on the timeliness and effectiveness of treatment.

RESULTS AND DISCUSSIONS

The study showed that group 1, after using the SN, were calmer and gained sufficient weight, in addition, during antrometric measurements of the parameters of the upper jaw, the indicators corresponded to those of healthy children.

In children of the 2nd group, the above changes were not detected. There is also a lag in the morphometric parameters of the teeth and dental arch. The study of the position of the mandible shows that in children of the 1st group, improvement was noted in 10% of cases, and in a short time it was possible to carry out surgical interventions, depending on the type of UCCLP. Based on a set of studies, for the first time, comparative analyzes of the condition and improvement of the life status in infants with congenital cleft lip and palate with the help of temporary silicone nipples and plates were carried out.

For the first time, a comparative analysis of the parameters of the upper dentoalveolar arch in newborns in the period before and after the use of the proposed obturator, its effect on the growth and development of the alveolar process was carried out.

As for the clinical forms of congenital clefts, it was revealed: congenital cleft palate (39.6+1.1%) and combined cleft of the upper lip of the alveolar process, hard and soft palate (34.27+1.15%), in total - 73 .87+1.06%. Congenital cleft lip was 26.13+1.06%. More often, congenital cleft lip and palate was in boys 54.30%. Concomitant diseases in children with congenital cleft lip and palate were characterized by a high incidence of ENT

diseases - 79.09%, acute respiratory infections, acute respiratory viral infections - 74.22%, respiratory system diseases - 40.22%, CNS pathology - 29.02%, diseases cardiovascular system (17.12%) and gastrointestinal tract - 11.7%.

CONCLUSION

The problem of rehabilitation of children with congenital cleft palate is multifaceted and complex. The ultimate goal of rehabilitation measures is to restore the function of the articulatory apparatus and the formation of correct speech in children. The main method of treating such children is the surgical elimination of the defect of the upper lip and palate - cheil and uranoplasty. However, in most cases, surgical treatment, restoring the integrity of the palatopharyngeal ring, does not always ensure its sufficient functioning, which causes difficulty in normal nutrition and various speech defects. The severity of this pathology in children, the unsatisfactory quality of life, the impossibility of full rehabilitation of patients with congenital cleft palate substantiates the high urgency of the problem of rehabilitation of children with congenital cleft lip and palate. It is obligatory to carry out individual work with parents on teaching the peculiarities of nursing a sick child to ensure optimal development, rational feeding, and prevention of infectious diseases. With complete unilateral and bilateral cleft of the upper lip, alveolar process, soft and hard palate, an early preoperative orthopedic preparation of the patient is performed

REFERENCES

1. Мамедов Ад.А. Алгоритм реабилитации детей с врожденной расщелиной верхней губы и неба / Ад.А.Мамедов // Врожденная и наследственная патология головы, лица и шеи у детей: актуальные вопросы комплексного лечения.-М.: МГМСУ, 2012. С. 151-155
2. Медведев М.В. Перинатальные исходы при врожденных пороках развития. // Ультразвуковая диагностика в акушерстве, гинекологии и педиатрии, - 2001. № 4. - С. 260-267.
3. Baskaran M, Packiaraj I, Arularasan SG, Divakar TK. Cleft rhinoplasty. - J Pharm Bioallied Sci. 2015 Aug;7(Suppl 2):S691-4.
4. Козин И.А. Эстетическая хирургия врожденных расщелин лица. – М., 1996.
5. Rahmatilloevna K. F. et al. Prevention of Major Dental Diseases in Preschool Children //Eurasian Medical Research Periodical. – 2022. – Т. 6. – С. 172-174.
6. Rahmatilloevna K. F. et al. Improving the Methods of Treatment and Prevention of Complications of Odontogenic

Diseases of the Jaws in Children //Eurasian Medical Research Periodical. – 2022. – Т. 6. – С. 168-171.

7. Rahmatilloeyvna K. F. et al. Comparative Characteristics of Surgical Methods for Fixing Bone Fragments of the Zygomatic Bone and Arch //Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences. – 2022. – Т. 6. – С. 46-48.

8. Kamalova F. R., Xamitova F. A., Safarova M. S. APPLICATION OF AUTHEMOTOMBOCYTE MASS IN SURGICAL DENTISTRY //湖南大学学报 (自然科学版). – 2021. – Т. 48. – №. 7.

9. Kamalova F. R., Safarova M. S. ARTIFICIAL FEEDING AND DENTAL HEALTH //湖南大学学报 (自然科学版). – 2021. – Т. 48. – №. 7.

10. Rahmatillaevna K. F., Umarovich S. S. Consequences Of Early Extraction of Deciduous Teeth in Children //Eurasian Medical Research Periodical. – 2021. – Т. 1. – №. 1. – С. 51-54.

11. Камалова Ф. Р. ПЕРВИЧНАЯ ПРОФИЛАКТИКА СТОМАТОЛОГИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ У ДЕТЕЙ СТРАДАЮЩИХ С САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ //Новый день в медицине. – 2020. – №. 2. – С. 383-386.

12. Rajabov A. A. INDICATIONS FOR THE DISEASE OF INFLAMMATORY DISEASES OF THE DENTAL SYSTEM IN CHILDREN WITH EXAMINED CEREBRAL PALSY //EUROPEAN JOURNAL OF MODERN MEDICINE AND PRACTICE. – 2022. – Т. 2. – №. 3. – С. 56-60.

13. Axtamovich R. A. Improvement of Treatment and Prevention of Fluorosis in Children of School Age //Middle European Scientific Bulletin. – 2022. – Т. 22. – С. 170-172.

14. Axtamovich R. A. Evaluation of the Results of Primary Cheiloplasty in Children with Congenital Bilateral Cleft Lip and Palate //Middle European Scientific Bulletin. – 2022. – Т. 22. – С. 173-177.

15. Раджабов А.А., Раджабов А.Б., Темирова Н.Р., Камалова Ш.М. Оценка результатов первичной хейлопластики у детей с врожденной двусторонней расщелиной верхней губы и нёба// Электронный научный журнал «Биология и интегративная медицина». - 2017. - № 5. - С. 36-46.

16. Yunusov A.S., Mamedov Ad.A., Gubeev R.I. The problem of reconstructive surgery of the external nose and intranasal structures in children who have previously undergone cheilouranoplasty // ENT practice. - 2014. - No. S. - S.

62.

17. KAMBAROVA S. A. Effect of Surgical Manipulation in Morphometric Growth of Maxillofacial Area at Children with Congenital Lip and Palate Splits At I and II Period of Childhood // Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. - Vol. 25. - Issue 4. – P. 1853 – 1858.

18. Kambarova Sh.A. IDENTIFICATION OF THE MORPHOMETRIC PARAMETERS OF THE CRANIO-FASCIAL REGION OF CHILDREN WITH CONGENITAL CLEFT AND PALATE REFLECTIONS USING A DEVELOPED RESEARCH MAP // CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND. – 2021. - Vol. 2. - Issue 3. – P. 286 – 290.

19. Kambarova Sh.A., Pulatova Sh.K. Revitalization of nonspecific immunity factors in patients with diffuse phlegmoine of the maxillo facial area using Bakteriofags // New day in medicine. - 2020. - P. 128 - 130.

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR SHAXSIYATIDA INSONPARVARLIK G‘OYALARI

Gulbaxar Nishanovna Tavaldiyeva

Toshkent kimyo-texnologiya institute dotsenti

gulbahor_tavaldiyeva@mail.ru

ANNOTATSIYA

Maqolada buyuk shoir va davlat arbobi Zahiriddin Muhammad Boburning dunyo sivilizatsiyasidagi o‘rni, shaxsiyatidagi o‘ziga xos xislatlar, hayotiy prinsiplari, xalqparvarlik amallari haqida fikr yuritiladi. Boburning insonparvarlik g‘oyalari uning Hindistondagi bunyodkorlik ishlari, mamlakatni gullab-yashnatishi, sharqona madaniyatni olib kirishidagi xizmatlari orqali ochib berilgan.

Kalit so‘zlar: Zahiriddin Muhammad Bobur, shaxs, Bobur shaxsiyati, insonparvarlik, g‘oya, temuriy, Hindiston, Sharq, sivilizatsiya.

ABSTRACT

The article discusses the role of the great poet and statesman Zahiriddin Muhammad Babur in world civilization, his personality, life principles and nationalist deeds. Babur’s humanitarian ideas were revealed through his creative work in India, his contribution to the prosperity of the country, and his contribution to the introduction of oriental culture.

Keywords: Zahiriddin Muhammad Babur, personality, Babur personality, humanity, idea, Timurid, India, East., civilization.

KIRISH

Sharq dunyo tarixida ilk Uyg‘onish davri - Musulmon Renessansi davrida bugungi O‘zbekiston zaminidan yetishib chiqqan buyuk mutafakkir ajdodlarimizning jahon ilm-fani va madaniyati, muqaddas islom dini rivojiga qo‘shgan bebaho hissasi dunyo ilmiy jamoatchiligi tomonidan tan olingan. O‘rta asrlarning ilk davrida ulug‘ ajdodlarimiz tomonidan tabiiy fanlar - matematika, astronomiya, fizika, kimyo, geodeziya, farmakologiya, tibbiyot bilan birga, tarix, geografiya, falsafa, madaniyat va san‘at, arxitektura sohalarida yaratilgan buyuk ilmiy g‘oya va kashfiyotlar jahon ilm-fani va sivilizatsiyasi rivojida keskin burilish yasadi. Hozirda butun ma‘rifatli dunyoni hayratga solib kelayotgan bu ilmiy meros butun insoniyatning ma‘naviy mulkiga aylangani shubhasizdir.

Ma'lumki, Sharq, xususan, Markaziy Osiyo mintaqasi IX-XII va XIV-XV asrlarda bamisoli po'rtanadek otilib chiqqan ikki qudratli ilmiy-madaniy yuksalish jahonning boshqa mintaqalaridagi Renessans jarayonlariga ijobiy ta'sir ko'rsatgan va Sharq Renessansi sifatida dunyo ilmiy jamoatchiligi tomonidan haqli ravishda tan olingan.

Dunyo ilm-fani rivojidadagi xizmatlari umume'tirof etilgan, Sharq olimlari orasida "algoritm", "algebra" kabi ilmiy atamalarda nomi abadiylashtirilgan Al-Xorazmiy; olamning tuzilishi, yerning o'lchovi haqidagi dastlabki ma'lumotlar, sayyoramizning sharsimon ko'rinishga ega ekani xususidagi dastlabki dalillarni bergan Ahmad Farg'oniy; dunyo ilm-fanida birinchilardan bo'lib dengizlar nazariyasi va yerning sharsimon globusini yaratish bo'yicha g'oyalar muallifi, yer radiusini hisobini bergan, vakuum holatini izohlab bergan, okean ortida qit'a mavjudligi haqidagi qarashni ilgari surgan, minerallar paydo bo'lish nazariyasini ishlab chiqqan, geodeziya faniga asos solgan Beruniy; o'zining "Tib qonunlari" deb atalgan bebaho fundamental asari bilan jahon tibbiyot fanlari taraqqiyotining asosiy yo'nalishlarini keyingi bir necha yuz yillar uchun oldindan belgilab bergan, dunyoda "Avitsenna" nomi bilan shuhrat qozongan Ibn Sino; universal bilimlar sohibi, X asrning qomusiy allomasi, "Sharq Aristoteli" nomi bilan mashhur bo'lgan Abu Nasr Forobiy; XV asrda astronomiya sohasida buyuk alloma sifatida shuhrat qozongan, birinchi yangi astronomik katalogni yaratgan va nomi haqli ravishda Kopernik, Jordano Bruno, Galiley kabi ulug' ilm-fan daholari qatorida turadigan Mirzo Ulug'bek; o'zining jahon ahamiyatiga molik gumanistik qarashlari bilan tanilgan A.Navoiy; Movarounnahr tamaddunini Sharqda tarqatgan buyuk shaxs, mashhur "Boburnoma" asari muallifi Zahiriddin Bobur; dunyo tarixidagi birinchi turkiy tillar lug'ati - "Devoni lug'atit-turk" kitobi muallifi Mahmud Koshg'ariy kabi allomalar hozirgi O'zbekiston zaminidan chiqqanligi bilan, ajdodimiz sifatida bizda faxr tuyg'usini uyg'otadi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Respublikamiz Prezidentining O'zbekistondagi Islom sivilizatsiyasi markazini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risidagi PQ- 3080-sonli Qarorida "Jahon ilm-fani tarixida o'chmas iz qoldirgan Muhammad Xorazmiy, Ahmad Farg'oniy, Abu Nasr Forobiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali Ibn Sino, Mahmud Zamahshariy, Mirzo Ulug'bek kabi mutafakkirlar merosining tarixiy va zamonaviy sivilizatsiya taraqqiyotidagi o'rni va ahamiyatini, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur, Kamoliddin Behzod, Mahmud Muzahhib singari mumtoz adabiyot va san'at namoyandalari ijodining



insonparvarlik mohiyatini chuqur ochib berish”, ajdodlarimizning boy ijodiy merosining asl, gumanistik mazmunini teran tahlil etishga qaratilgan ilmiy tadqiqotlar olib borish, jahon ahlini bir maqsad yo‘lida - jaholatga qarshi ma'rifat bilan kurashish yo‘lida birlashishga chorlaydigan turli anjumanlar, ma'rifiy tadbirlarni amalga oshirish kabi maqsadlar qo‘yilgan.

2021-yilda Smitson Osiyo milliy san'ati muzeyida tashkil etilgan «Boburiylar avlodlarining dunyo sivilizatsiyasi rivojidadagi o‘rni» mavzusidagi ilmiy-nazariy konferensiya ham o‘z davridagi barcha qiyinchilik va og‘ir sinovlarga qaramasdan, jahon ilm-fani ravnaqiga ulkan hissa qo‘shgan, o‘z burchiga, gumanizm va ma'rifat g‘oyalariga hamisha sodiq qolib, haqiqiy ma'naviy jasorat namunasini ko‘rsatgan ulug‘ bobomiz Zahiriddin Muhammad Bobur va uning avlodlarining jahon tamaddunidagi o‘rni haqidagi AQSH va O‘zbekistonlik olimlarning ilmiy izlanishlariga bag‘ishlangan.

Zahiriddin Muhammad Bobur - butun Osiyo tamadduniga ulkan ta'sir ko‘rsatgan buyuk shaxslardan biridir. U taqdir taqozosi bilan oldin Afg‘onistonni, keyinroq Hindistonni egallab, bu mamlakatlar tarixiy taraqqiyotida burilishlar yasadi.

Dunyo olim va adiblarining Boburshoh ijodiga munosabati, asosan, to‘rt yo‘nalishda kuzatiladi: Boburning podshoh sifatidagi siyosiy faoliyati (1), uning ijodi (2), “Boburnoma” asari va uni tarjima qilish (3) hamda Boburshohning shaxsi va jasorati xususida badiiy asarlar (4) yozish. Bobur ijodiga, xususan "Boburnoma"ga Rossiya va G‘arbiy yevropa olimlari - Veselovskiy, Ilminskiy, Erskin, Eduard Xolden, Elfiniston kabilar yuqori baho berishgan. Javoharla'l Neru "Hindistonning kashf etilishi" kitobida Bobur va boburiylarning Hindiston taraqqiyotidagi, jahon sivilizatsiyasidagi mavqeyini haqqoniy e'tirof etdi.

XVI asrdan boshlab turli tillarga - fors, golland, ingliz, fransuz, rus, turk, ispan, nemis tillariga bir necha marta tarjima qilingan "Boburnoma"ni butun dunyo o‘qidi, tanishdi. Bobur shaxsi, uning hayotdagi maqsadi, shoh va shoir sifatidagi faoliyati haqida jahon adabiyotida "Boburnoma" asosida o‘nlab badiiy asarlar yaratilgan. Bobur Mirzoning shaxsiyati va oliyjanob xislatlaridan kelib chiqib, Amerikada va yevropada bundan bir necha asrlar oldin Rashbruk Uilyamsning “O‘n oltinchi asr bunyodkori”, Haroyat Lambning “Bobur-yo‘lbars”, Anna Flora Stilning “Toj kiygan darvish” va u haqdagi yaratilgan boshqa asarlar butun dunyoda tan olingan. O‘zbek adabiyotida P.Qodirov, X.Sultonov, B.Boyqobilov Boburga bag‘ishlab roman, qissa va doston yaratdilar.

Maqolani yoritishda tasniflash, tahlil etish, qiyoslash, xulosalash usullaridan foydalanildi.

TAHLIL VA NATIJALAR

O‘zbekiston xalq yozuvchisi Pirimqul Qodirovning Bobur va uning avlodlari hayot yo‘liga bag‘ishlangan "Yulduzli tunlar" va "Avlodlar dovoni" romanlari bir necha dunyo tillarida chop etilgan. Yozuvchining tarixiy roman yaratish uchun aynan Bobur va boburiylar sulolasini tanlashining sababi haqidagi ingliz tilidagi kitobxonning savoliga yozuvchi shunday javob beradi: “Bobur Mirozodek va uning avlodlari, ayniqsa, Akbardek ulug‘ siymolar tarixda o‘zi juda kam, dunyo tarixida. Fransuz adibi Erenst Renan aytadiki, "mana shu uch kishi - Bobur Mirzo, Humoyun, Akbar tarixda hech betakror shaklda birining ishini biri juda yaxshi davom etkazib ketdilar", deydi. Haqiqatdan ham, ular Hindistonda katta mamlakatni obod qilib, yuksaltirib o‘tdilar. Shuning uchun, men ular haqida asar yozishga nafaqat O‘zbekiston, balki Sharq xalqlari uchun ham ibratli hodisa deb qaragan edim.”

XV-XVI asr o‘zbek adabiyoti, ma‘naviyati tarixida yorqin iz qoldirgan Zahiriddin Bobur umr yo‘lining o‘zi avlodlar uchun ibrat namunasi. Buyuk Amir Temurning avlodi - Bobur Mirzo bizning Turkiston, Turonning farzandidir. Hali o‘zbek xalqi shakllanib ulgurmagan paytda Bobur o‘zini turkiy xalqlar vakili hisoblagan. Temuriylar avlodi 150 yil Turkiston va Afg‘oniston atroflarida, 330 yil Hindistonda umr ko‘rdi. Bu davrning asosiy qismi Boburiylar nomi bilan bog‘liq.

Zahiriddin Muhammad Bobur qisqa umr ko‘rgan bo‘lsa-da, dunyo xaritasida o‘zining Andijondan to Hindistongacha bo‘lgan mashaqqatli hayot yo‘lining o‘chmas izini qoldirdi. Bobur yurgan yo‘llar juda ko‘p tarixiy voqyealar, fojealar, urushlarga shohid bo‘lgan yo‘llardir. Shu bilan birga, Bobur mehrini, muruvvatini, chin insoniy sifatini oxiri qo‘nim topgan Hindistonda namoyon qildi. Hindiston tarixida yangi davrga asos soldi, bu davr mamlakat tarixida porloq hayot, farovonlik va yuksalishga asoslangan davr bo‘lib qoldi. Boburshunos Xamid Sulaymon ta'kidlaganidek, Boburning Hindiston uchun keltirgan foydasi - bu zabt etilgan yerni talon-taroj qilmadi, balki bu yerdagi tarqoq, mayda feodal davlatlarni asta-sekin yagona, kuchli davlatga birlashtira borib, ichki feodal urushlar va diniy nizolarga chek qo‘yib, turli din va mazhabdagi kishilarni o‘zaro murosaga keltirgan.

“Bobur o‘z saltanatini mustahkamlash uchun keng miqyosda bunyodkorlik ishlarini ham olib bordi, saltanat iqtisodiy va madaniy hayotini jonlantirdi. Atrofiga olimu fozillar, shoiru musavvirlar, me'moru san'atkorlarni to‘plab, ularni maosh va uy-joy bilan ta'minladi. Bobur obodonchilikka alohida e'tibor berdi, savdo-sotiqni rivojlantirdi, shahar va qishloqlarga oqar suvlar keltirib, bog‘-rog‘lar yaratdi. Bobur hukmronligi davrida yaratilgan Agradagi Bog‘i Hasht Behisht, Xilvatxona, Zarafshon bog‘i, Orombog‘ (hindlar inglizlar kelgach bog‘ni saqlab qolish ma'nosida uni Rambog‘ deb o‘zgartirishgan),

Sekridagi Bog‘i Fath, Dibalpurdagi Nilufar bog‘i, Bog‘i Nazargohlar hozirda ham Hindistonning eng xushmanzara va obod maskanlaridan hisoblanadi”. [7; 11].

Bu haqda hind xalqining buyuk farzandi Javoharlar Neru shunday deydi: “Bobur kelishi bilan Hindiston yangi sulola hukmronligida qudratli salatanatga aylandi. Shu bois, Ovruponing hujum qilish xavfi yoki ehtimoli yo‘q darajaga tushib qoldi” [3; 61].

Bobur Hindistonda katta obodonchilik va qurilish ishlarini amalga oshirdi. Hovuzlar, bog‘lar, hammomlar, hashamatli imoratlar barpo etdi. Hindistonni bog‘u bo‘stonga aylantirishda, muhtasham shaharlar bunyod etishda Hind xalqining hunarmandlarini ishga soldi.

Bobur Hindistonda davlat ishlarini adolat bilan boshqardi. Bunda u yerdagi tarqoq viloyatlarni markazlashtirdi, g‘ayridinlik solig‘ini bekor qildi., vafot etgan erni tirik xotin bilan kuydirishni man' etdi, kiyinish madaniyatini takomillashtirdi, ijodkorlarni qo‘llab-quvvatladi, xalqning urf-odatlariga, qadriyatlariga hurmat bilan qaradi. Yutuqlarini keng tatbiq qildi, kamchiliklarni bartaraf etdi. Hind diyorini madaniy va so‘lim go‘shaga aylantirdi.

Bobur adolatsizlik va zulmni taqiqlagan, munofiqlik, ko‘zbo‘yamachilik va xiyonatni sezganda, uni keskin yo‘qotish tadbirini ko‘rgan. Bobur "yaxshilig" radifli g‘azalida o‘zining yashash prinsipini bayon etgan. Uning shaxsiyatidagi insoniylik g‘oyalari “*Bori elga yaxshilig‘ qilg‘ilki, mundin yaxshi yo‘q, Kim degaylar dahr aro qoldi falondin yaxshilig‘*” kabi she'riy misralaridan hamda “Boburnoma” voqyealaridan ko‘rinadi. Uning hayot yo‘li, eng murakkab vaziyatlarda ham shu tamoyilga sodiqligini ko‘rsatadi.

Bobur xarakteridagi olihimmatlik, adolat va kamtarlik kabi insoniy fazilatlarni Kobul yo‘lidagi mashaqqatli yurishlarida ko‘ramiz. U navkarlar bilan barobar qor tepib yo‘l ochadi, ular bilan birga kechani qor ostida o‘tkazadi. El chekkan mashaqqatni birga chekishni afzal biladi. Navkarlari sovuqda, qorda bo‘lib, u issiqda, istirohat va farog‘atda bo‘lishni o‘ziga or deb biladi.

"Boburnoma"ni qog‘ozga ko‘chirgan kotib Boburga haqida uning sakkiz fazilatini ko‘rsatib o‘tadi: "...Sekkiz sifati asil aning zotig‘a muttasil erdi: birisi bukim, najhati baland erdi; ikkimchisi, himmati arjumand erdi; uchumchisi, viloyat olmog‘; to‘rtumchisi, viloyat saxlamog‘; beshimchisi, ma'murlug‘; oltimchisi, rafohiyat niyati Tengri taolo bandalariga; yettimchisi, cherikni ko‘ngli(ni) qo‘lg‘a olmoq; sekkizimchisi, adolat qilmoq". Yani Boburda balandnasablik, himmat, jahongirlik, obodonchilik va farovonlikka e'tibor, adolatlilik va sipohigarlik fazilatlar xos edi.

Boburning insoniy fazilatlari uning ayollarga hurmati va mehribonligida ham ko‘rinadi. Bu xislat uning onasi Eson Davlatbegimga bo‘lgan hurmati, opasi Xonzoda Begimga favqulodda g‘amxo‘rligi, uning taqdiriga achinishlarida ko‘rinadi.

Bobur ko‘p xiyonatlar ko‘rdi. Fitnapardan ko‘ngliga ko‘p ozorlar yetdi. Ammo, bular uning tabiatidagi ezgu fazilatlarni yo‘qotolmadi. Aksincha, o‘zining ta’kidlashicha, ota - bobolarining an‘analariga amal qildi. Xalqning "yaxshilik qil suvga sol, baliq bilar, baliq bilmasa xoliq bilar" degan donolik bilan aytgan so‘zini umr yo‘lida dasturulamal deb bildi. Hayotiy tajribalaridan kelib chiqib, o‘zi ham shunga yaqin donishmandona xulosalarga keldi: "Har kimdin yaxshi qoida qolg‘on bo‘lsa, aning bila amal qilmoq kerak. Agar ota yamon ish qilg‘on bo‘lsa, yaxshi ish bila badal qilmoq kerak". [2; 169]. "Boburnoma"da buni isbotlovchi dalillar ko‘p. Xatto, uzi bilan taxt talashgan ukasi Jaxongir Mirzoga ham xiyonat va jabr qilmagan.

Ba‘zan Bobur o‘zining xatosini ochiq tan olib yozgan, xatolardan saboq chiqara olgan va ularlarni takrorlamaslikka harakat qilgan. Masalan, Andijonning ikkinchi marta qo‘lidan chiqishiga "bemulohaza hukm" chiqarganligini sabab qilib ko‘rsatadi. Bobur xarakteridagi bunday xatoni ochiq tan olish va undan to‘g‘ri xulosa chiqara olish kabi insoniylik sifatleri bugungi yoshlar uchun muhim ahamiyatga ega.

XULOSA

Bobur Vatan tuyg‘usi inson ko‘ngliga ravshanlik berib turuvchi noyob mo‘jizaigini, undan ayri tushgan inson taqdiri "xazon yaprogi yanglig" fojia ekanligini kechmish voqyealarini bayon qilish orqali ifodalashga erishgan. U hayot mazmuni haqida mulohaza yuritar ekan hikmatomuz xulosalarni bayon etadi. Donishmandlar kabi u ham "shuhrat bilan yodlanishni ikkinchi umr" deb hisoblaydi: "G‘arazkim, bu dunyoda kishidin ushmondog‘ nimalar qolur, har kim aqldin bahravar bo‘lsa, nega andog‘ harakatga iqtom qilg‘aykim, andin so‘ng yomon degaylar va har kishiga hushdin asar bo‘lsa, nega andog‘ amrga ehtimom qilmag‘aykim, qilg‘ondin so‘ng mustahsan degaylar. "Zikri nomero, hakimon umri soniy guftaand". [2; 168].

Bobur shoh sifatida ham ijodkor sifatida ham takrorlanmas shaxsdir. U o‘z faoliyati, hayot yo‘li bilan odamzodning sabr-toqatiga haykal qo‘ygan jasoratli insondir. Bobur yuksak insoniy g‘oyalari, amallari sabab vatandan yiroqda kechgan mashaqqatli qismatdan g‘olib keldi. Shoh sifatida buyuk imperiya tuzdi, ijodkor sifatida o‘zining nodir salohiyatini namoyish eta oldi va haqli ravishda dunyo sivilizatsiyasiga o‘z hissasini qo‘shdi.

REFERENCES

1. Azimjanova S. Zahiriddin Muhammad Bobur <http://e-tarix.uz/shaxslar/726-maqola.html>
2. Bobur. Boburnoma. Toshkent: 1989.
3. Джавахарлал Неру. Взгляд на мирную историю. Т.2. – М., 1975.
4. История стран Азии и Африки в средние века. – Челябинск, 2004
5. Uilyam Erskin. Bobur Hindistonda. – Т.: “Cho‘lpon” nashriyoti, 1995. - В. 112.
6. Qudratullaev X. Bobur buyukligining qirralari. “O‘zbekiston adabiyoti va san'ati”, 2010-yil 7-son
7. R.Shamsuddinov. Buyuk boburiylar saltanati va uning jahon tamaddunidagi o‘rni. “Vodiynoma”, 3/2017/ 11



TALABALARDA OG'ZAKI NUTQNI RIVOJLANTIRISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH TEXNOLOGIYALARI

Shabnam Jo'raboyevna Toliboboyeva

Chirchiq davlat pedagogika instituti o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqola talabalarda og'zaki nutqni rivojlantirish metodlarini va ularda nutqiy malakalarni rivojlantirish texnologiyalarini aks ettiradi.

Kalit so'zlar: nutqni rivojlantiruvchi o'yinlar, semantik assotsiatsiyalar, interfaol usullar, assotsiatsiyalash g'oyalari, kommunikativ yo'nalish

ABSTRACT

This article reflects the issues of students' speech development and the methods of active learning improvement.

Keywords: speech developing games, semantical associations, interactive methods, associational ideas, communicative directions

KIRISH

Ingliz tili mashg'ulotlarida og'zaki va yozma nutqni rivojlantirishda lug'at bilan ishlash juda muhim bo'lib, o'qituvchi talabalarga nutqiy muloqotga kirishib keta olishiga yordam beradigan dialogik nutq orqali ularga turtki bo'ladilar. Talabalarga so'zlarning tarjimasini tushuntiribgina qolmay, balki bu so'zlarni nutqlarida faol ishlatishga ham odatlantirib boradilar. Lug'at tilning qurilish materiali hisoblansa, grammatika gapda so'zlarning o'zgarishi va ularning bog'lanish usullarini belgilaydi. Bundan tashqari, grammatika tilning qurilish modelini belgilaydi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Talaba xorijiy tilning barcha grammatik aspektlarini qanchalik erta o'zlashtirsa, u nutqiy jihatdan tezroq rivojlanadi. Har qanday mashg'ulot davomida talaba tomonidan yo'l qo'yilgan xatolik o'qituvchi tarafidan tuzatib borilishi kerak. Xato o'z vaqtida tuzatilmay qoladigan hollarda u o'rganuvchining xotirasida aks etib, boshqa o'rganuvchilar ham uning izidan xato so'zlashiga olib keladi. Nutqni rivojlantiruvchi o'yinlar, o'z o'zini baholash (self-evaluation) va jamoaviy loyihalar (teamwork) orqali nutqdagi ancha xatolarni bartaraf etish mumkin.

Talabalarning nutqiy faolligi va ravonligini oshirishdek murakkab jarayonda innovatsion metodlar, interfaol usullar va axborot texnologiyalaridan foydalanish muhim o'rin tutadi. Hamkorlikda ishlash o'z natijasini darhol beradi, an'anaviy darslarga qaraganda o'quvchining faolligini ko'proq oshiradi. Hozirda "native speaker"lar, ya'ni ingliz tili ona tilisi bo'lgan insonlar bilan muloqot olib borish, ulardan darslar va master klasslar olish juda ham ommalashib ketdi. Til o'rganish yangi bosqichga ko'tarildi. Bundan tashqari turli ilova va dasturlar, o'yinlar, ularni darslarga tatbiq etish juda ham mahsuldor usul hisoblanadi. Har bir o'qituvchi o'ziga va o'rganuvchilar uchun eng mos keladigan usul va uslublarni tanlaydi. Masalan, film va qo'shiqlar bir guruhdagi o'quvchilar uchun ko'proq mos tushsa, "Kahoot" kabi o'yinlar boshqa guruh aksariyat talabalari uchun munosib mashg'ulotdir. Bunda o'quvchilarning potensialini o'z vaqtida payqashning ahamiyati katta.

Takrorlash texnikalarini ham ayniqsa og'zaki nutqni rivojlantirishda chetlab bo'lmaydi. Bu turli mavzulardagi debatlar, o'zaro savol-javoblar va ko'rgazmali materiallar orqali bo'lishi mumkin. Semantik assotsiatsiyalarni yaratishga qaratilgan o'quv va uslubiy metodlar assotsiatsiyalash g'oyalariga asoslangan bo'lib, ular insonning kognitiv faoliyatidagi aloqalarni ochib beradi. Birinchi navbatda, kommunikativ yo'nalishga nisbatan umumiy strategiyani o'z ichiga oladi, o'rganishning amaliy maqsadini tushunadi, ya'ni tilni ijtimoiy hodisa sifatida o'zlashtirish, og'zaki (tinglash va gapirish) va yozma shaklda (o'qish va yozish) muloqot vositasi bo'lib xizmat qiladi. Talaba har tomonlama rivojlanib, kerakli madaniyatga, yaxshi naslga ega bo'lishi va kasbiy faoliyat bilan shug'ullanishga tayyor bo'lishi kerak. O'qituvchi bilimli, ijtimoiy faol shaxsni tarbiyalashni ta'minlashi kerak va bu faqat o'quv jarayonining sifati yaxshilangan taqdirdagina mumkin bo'ladi. Har bir o'qituvchi maqsadlarni, o'quv tizimi va komplektlarga kiritilgan texnikani, o'quv materiallarining mazmunini bilishi, ta'lim, tarbiya va rivojlanish imkoniyatlaridan ijodiy foydalana olishi kerak.

NATIJALAR

Chet tilidagi nutq faoliyatini o'rgatish jarayonida material har doim ma'lum dozalarda o'zlashtiriladi. Har bir bunday dozaga ega bo'lish mahorat darajasiga yetkazilishi kerak. Bu darajaga erishish uchun materialni o'zlashtirishning ma'lum bosqichlaridan o'tish kerak. Materialning dozasini o'zlashtirish davrlari vaqti -vaqti bilan takrorlanar ekan, bosqichlar ham takrorlanadi. Har bir bosqich o'ziga xos maqsadga muvofiqligini hisobga olib, dars turlarini aniqlash mezonini nutq malakalarini shakllantirishning ushbu bosqichining maqsadi deb hisoblash mumkin.

Nutqning mazmuni, odatda o'qituvchi tomonidan yordamchi savol, rasm, keyin o'quvchining o'zi gapirib berish kerak bo'lgan o'zbekcha gap, tekst yoki boshqa biror usul orqali ifoda qilinishi mumkin.

O'quvchilar bunday holda odatda nima haqida gapirishni o'zlari hal etmaydilar. Bu yaxshigina til materiali zapasiga ega bo'lgan o'quvchini butunlay layoqatsiz kishi qilib qo'yadi, darsdan tashqari paytda biror kishi unga elementar savol bilan murojaat qilsa yoki undan oddiygina bir narsani tushuntirib berishni so'rsa, qanoatlanarli javob ololmaydi. Og'zaki nutqni o'qitishga bag'ishlangan darslarning maqsadga yetarli darajada yo'naltirilmaganligini ham aytib o'tish lozim.

MUHOKAMA

Grammatik jihatdan to'g'ri nutqni shakllantirish bo'yicha mashg'ulotlar ko'rgazmali materiallar yoki ko'rgazmasiz o'tkaziladigan ta'limiy o'yin xarakteriga ega. O'quvchi nutqidagi xatolarni do'stona, xushmuomalalik bilan tuzatish kerak. Hech vaqt bola nutqidagi xatoni takrorlash yaramaydi, yaxshisi grammatik shaklli to'g'ri bo'lgan so'zlarni, ta'limiy o'yinlarni takrorlash joizdir, o'qituvchi dars davomida yoki turli hil o'yinlar davomida bola nutqini kuzatib borishi va grammatik xatolarni tuzatishi shart.

XULOSA

O'qituvchi darsda nutqi yaxshi rivojlanmagan o'quvchilarga alohida e'tibor qaratishi kerak. Ayniqsa indamas, muloqot qilishni istamaydigan, o'zini tutib tura olmaydigan o'quvchilarga alohida yondashishi kerak.

Mashg'ulot vaqtida qo'l keladigan interfaol usullar va didaktik o'yinlarning ahamiyati katta bo'lib, ulardan to'g'ri foydalanish va muvaffaqiyatli tashkil etish o'quvchilarning ongli faoliyatining faollashuvi, bilimlarni puxta egallash vositasi sifatida muhim rol o'ynaydi.

REFERENCES

1. O'.Hoshimov. I.Yoqubov. Ingliz tili o'qitish metodikasi.- Toshkent-2003.
2. Jalolov J. Chet tili o'qitish metodikasi. – Toshkent., 2012: – 48-bet.
3. Ingliz tilini o'qitishning innovatsion usullari. <https://fayllar.org/ingliz-tilini-oqitishning-innovatsion-usullari.html>
4. O'qituvchi nutq madaniyati. <https://fayllar.org/oqituvchi-nutq-madaniyati.html>
5. Xorijiy filologiya jurnali. <http://samxorfil.uz/maqola/tillarga-ixtisoslashmagan-oliy-talim-muassasalarida-chet-tili-oqitishning-maqsadi>

6. Gazieva S. T. READING IS THE RECEPTIVE SIDE OF WRITING //Academic research in educational sciences. – 2021. – T. 2. – №. 5. – C. 1564-1570.
7. Gazieva S. T. Modern technology in learning foreign languages //Academic research in educational sciences. – 2020. – №. 3. – C. 1272-1275.



PODSHO ROSSIIYAGA QARSHI KO'TARILGAN JIZZAX QO'ZG'OLONI

Ahrorbek Ahmadjonov

Andijon davlat universiteti talabasi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Podsho Rossiyasining birinchi jahon urushi ketayotgan bir pillada Turkiston o'lkasi aholisining front orti xizmatlariga jalb qilishi haqida, hamda Podsho Rossiyasi zulmiga qarshi ko'tarilgan Jizzax qo'zg'oloni, uning sabablari, oqibatlari haqida ma'lumotlar berilgan.

Kalit so'z: "Uchinchi Rim", O'rta Osiyo, Rossiya, Jizzax, Samarqand, Kattaqo'rg'on, Damin kulol, qo'zg'olonlar, Ivanov, ozodlik

KIRISH

Agar O'zbekistonning uzoq o'tmishiga nazar solsak ham, yurtimiz uzoq qadimdan obod o'lkalardan bo'lganini ko'rishimiz mumkin. XIX asrga kelib esa O'rta Osiyo diyori taraqqiyot jihatdan ko'p sohalarda anchagina ortda qola boshladi. Bu esa O'sha davrda hokimiyatini mustahkamlab o'zi mustamlakalariga ega bo'lish maqsadida yurgan mamlakatlarga qo'l keldi. Ya'nikim Buyuk Britaniya va Rossiyaga, faqat Buyuk Britaniya Afg'oniston muammosi tufayli O'rta Osiyoni egallay olmadi. Podsho hukumati esa O'rta Osiyoni o'z mustamlakasiga aylantirdi.

Adabiyotlar sharhi

Rossiya" so'zi faqat 16-asrning oxirida, Moskvada "Uchinchi Rim" g'oyasi paydo bo'lgandan keyin qo'llanila boshlandi. Bu atama "Rus" so'zi bilan almashtirildi. Garchi u birinchi marta 10-asr oxirida paydo bo'lgan.

Rus xalqining birinchi familiyalari 13-asrda paydo bo'lgan. Bu imtiyozdan knyazlar va boyarlar foydalanishgan. Ularning ko'pchiligi otasining ismidan tuzilgan (shuning uchun, aytmoqchi, Ivanov, Petrov, Sidorov va boshqalar kabi familiyalarning ko'pchiligi. Ya'ni, Ivanov, Petrov, Sidorovning o'g'li). Ular dehqonlar orasida faqat 19-asrda paydo bo'lgan, ular ko'pincha dehqon shug'ullangan hunarmandchilikdan (masalan, Kuznetsov) yoki u yashagan qishloqdan shakllangan.

TADQIQOT METODOLOGIYASI VA EMPIRIK TAHLIK

Jizzax va uning atrofi aholisining chor mustamlakachilariga qarshi olib borgan milliy ozodlik harakati. O'rta Osiyo qo'zg'olonitng tarkibiy qismi.

Birinchi jahon urushida Rossiya Germaniya vaTurkiyaga qarshi kurashda mag'lubiyatga uchradi bu mag'lubiyatning sababi

Rossiya qo'mondonlaringing tajribasizligi va xarbiy bilimga ega emasligi tufayli Rossiya bu urushda mag'lubiyatga uchradi. Rus qo'mondonligi urush og'irligini mustamlakalar yelkasiga ortib, ularni ayovsiz ezish siyosatiga o'tdi. Imperator Nikolay II 1916-yil 25 iyunda "Imperiyadagi rus bo'lmagan erkak aholining harakatdagi armiya r-nida mudofaa inshootlari va harbiy aloqa yo'llari qurish uchun olib boriladigan ishlarga, shuningdek, davlat mudofaasi uchun zarur bo'lgan boshqa har qanday ishlarga jalb qilish haqida" farmon chiqardi. Unga ko'ra, Turkiston, Sibir va Kavkaz xalqlaridan 19 yoshdan 43 yoshgacha bo'lgan erkaklarni safarbar qilish ko'zlangan edi. Bu farmonning e'lon qilinishi aholi o'rtasida qonli voqealarning vujudga kelishiga sabab bo'ldi. 4 iyulda Xo'jand xalqi qo'zg'olon ko'tardi, ayni paytda, Samarqand, Jizzax va Kattaqo'rg'on tumanlarida ham g'alayonlar boshlandi. Farg'ona, Sirdaryo, Samarqand, Yettisuv, Zakaspiy viloyatlarida avj olgan g'alayonlar keskinlashib xalq qo'zg'oloniga aylandi. Ayniqsa Samarqand viloyatining Jizzax uyezdida bu voqealar uyushgan va oshkora tus oldi. J.q. aniq maqsadlar — Rossiyadan ajralib, mustaqil bo'lish maqsadi ostida, uyushgan tarzda olib borilgan edi.

NATIJALAR

Qo'zg'olon arafasida Jizzaxda ham butun o'lkadagi kabi zulm-zo'ravonlik, adolatsizlik cheksiz edi. Aholi, asosan, don, g'alla yetishtirish bilan mashg'ul edi. Mahalliy aholi yerlari tortib olinib, temir yo'l, o'rmon xo'jaligida band bo'lgan rus oilalariga berilgan, yaylovlar qisqartirilgan, o'rmonlar qattiq nazoratda bo'lib, hatto o'tin olishga ruxsat berilmasdi, sug'orish inshootlari ham ma'muriyat qo'lida bo'lib, yer, suv soliqlari tobora oshirilmoqda edi. Jizzax uyezdi boshlig'ining ma'lumotnomasida qayd etilishicha, "aholining iqtisodiy ahvoli shu darajada og'ir bo'lganki, ular qishdan bahorga chiqquncha, gadoylar darajasiga tushib qolgan, sadaqa bilan kun ko'rib, bir burda non u yoqda tursin, tariqqa ham zor bo'lgan". Ana shunday aqvarda kun kechirayotgan aholidan Birinchi jahon urushi yillarida Rossiyaga harbiy ehtiyojlar uchun juda ko'p mahsulot majburan tashib ketildi. Mardikorlikka olish haqidagi farmon e'lon qilingach (3 iyul), norozilik keskin g'alayonlarga aylandi. Ma'muriyat taqsimotiga ko'ra, Jizzax uyezdi 11 ming mardikor, butun Samarqand viloyati 38 ming mardikor berishi kerak edi. Busiz ham halokat yoqasiga kelib qolgan aholi orasidan 19 yoshdan 43 yoshgacha bo'lgan erkaklarni noma'lum muddatga, ayni q. x. ishlari qizigan mavsumda olib ketilishi minglab oilalarning boquvchisidan ayirib, halok etishi turgan ran edi. 5 iyul kuniyoq dastlabki g'alayonlar boshlandi. Aholi farmonni bekor etishni, ro'yxat tuzishni to'xtatishni talab eta

boshladi. Jizzax ahli boshqa shaharlardagi ahvoldan xabardor bo'lish uchun Toshkent va Samarqandga o'z vakillarini (Toshkentga jizzaxlik Nazir Hoji, Samarqandga bog'donlik Xudoyorqul Hoji) jo'natiladi. Nazir Hoji Toshkent aholisi qo'zg'olon ko'targanidan xabar topib, 12 iyul kuni Jizzaxga qaytadi. Shu kuni Jizzaxning eski shahar qismida to'plangan xaloyiq farmonga bo'ysunmaslikka, kurash boshlashga axd qiladi. Tuni bilan shahar aholisi bundan ogoh etiladi. Ertasi kuni — 13 iyulda erta tongda Jizzax axli qo'zg'aladi. Damin kulol boshchiligida bir necha ming kishidan iborat olomon mardikorlikka ro'yxat tuzgan ellikboshi Mirzayor Xudoyorni jazolaydi. Shu yerda qo'zg'olonchilar safi kengayib, Jizzaxni bosqinchilardan ozod qilib, mustaqil beklik tuzish rejasi ilgari suriladi. Nazir Hoji eshon Jizzax beki deb e'lon qilinadi. Eng oddiy qurollar — ketmon, kaltak, pichoq, to'qmoqlar bilan qurollangan xaloyiq Jizzaxning yangi shahar qismiga yo'l oladi. Bundan xabar topgan uyezd boshlig'i polkovnik Rukin o'z yordamchilari bilan g'alayonchilar qarshisidan chiqib, ularni aldab, tinchitmoqchi bo'ladi. Biroq, g'alayonchilar unga ishonmay, yonidagi sheriklari bilan qo'shib jazolaydilar, qurollarini tortib oladilar. Bu orada yetib kelgan polkovnik Afanasyev boshliq harbiy kuchlar ham qo'zg'olonchilarni qaytara olmadi. O'zaro to'qnashuvdan so'ng g'alayonchilar bir necha o'n kishini yo'qotib chekindilar va shaharning eski qismida g'alayonga tayyorgarlik boshlandi, atrof qishloqlarga choparlar yuborildi. Temirchilar qurolaslaha tayyorlashga kirishdilar. Toshkentdan Abdurahmon jevachining oldiga vakil kelib, "Siz Jizzaxda odamlarni kurashga boshlang, biz Toshkentdan temir yo'lni qirqamiz, rus askarlari kelolmaydi, hamma yoqni egallaymiz", deb ogohlantirgan.

XULOSA VA MUNOZARA

Davom etayotga urush barcha xalq aholisiga kuchli zarba bo'ldi chunki bu ayovsiz kurash soyasi O'rta Osiyo xalqlarini qamrab olayotgan edi. Bo'lib o'tayotgan qonli janglarga qaramasdan mustaqillik uchun barcha xalqlar Rossiya davlatiga hamkorlikda qarshi turishgan bu esa Osiyo xalqning naqadar bir biriga mehr oqibatlilikini anglatadi.

REFERENCES

1. Safarov N., Unutilmas kun [1916-yilgi Jizzax qo'zg'olonidan xotiralarim], T., Boku, 1932;
2. Haydarov X., Jizzax viloyati tarixi, T., 1996;
3. Ziyayeva D., Turkiston milliy ozodlik harakati, T., 2000;



4. Источник: <https://muegn.ru/uz/prezentacii/udivitelnye-fakty-o-rossii-interesnye-fakty-pro-rossiyu-samuyu-bolshuyu.html> © muegn.ru
5. Sobirov, J., & Yunusova, H. (2022). MA‘RIFATLI JAMIYAT YARATISHDA O‘ZBEK YOSHLARINING SALOHİYATI. Yosh Tadqiqotchi Jurnalı, 1(2), 11-14.



CAPSICUM ANNUUM O‘SIMLIGINI KASALLANTIRUVCHI VIRUSLAR VA ULARNING XUSUSIYATLARI

Aydinay Abdugapparovna Maxatova

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti, Aniq va tabiiy fanlarni
o‘qitish metodikasi (biologiya) yo‘nalishi 1-kurs magistranti
Aydinay9500@gmail.com

Voxid Baxromovich Fayziyev

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti kafedra mudiri, b.f.d dots.
fvaxid@mail.ru

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada *Capsicum annum* o‘simligi, uning biologik tavsniyi, o‘simliklarga yuqadigan viruslar va ular keltirib chiqaradigan kasalliklar, viruslarga qarshi kurash, kasallik keltirib chiqaradigan simptomlar haqida.

Kalit so‘zlar: Capsicum annum, viruslar, simptomlar, gibridlar, nav.

ABSTRACT

This article describes the Capsicum annum plant, its biological characteristics, viruses that infect plants and the diseases they cause, the fight against viruses, the symptoms that cause the disease.

Keywords: Capsicum annum, viruses, symptoms, hybrids, cultivar.

KIRISH

Qalampir tomatdoshlar (*Solanaceae*) oilasiga mansub bo‘lib, madaniy holda *Capsicum annum* L. turi ekiladi. Poyasi o‘tsimon, tik o‘sadi, bo‘yi 25-30 sm dan 80 sm gacha, shoxlanuvchan bo‘ladi. Barglari bandli mayda va ingichka, usti silliq yoki tukli, uzunchoq shaklda. Gullari ikki jinsli, mayda oq, sariq yoki och binafsha rangda bo‘lib, 9 ta tojbargi bor. Ekilgandan 80-90 kun o‘tgach, iyun-iyul oyida gullaydi va kuzgi sovuq tushguncha davom etadi.

Qalampirilar fakultativ o‘zidan changlanuvchi o‘simlik. Chunki 25% gacha mevalar chetdan changlanish evaziga hosil bo‘lishi mumkin. Chetdan changlanishda hasharotlar (chumolilar, tripslar va qisman asalarilar) changlatuvchi bo‘lib xizmat qiladi. Ayniqsa, achchiq va shirin qalampirilar bir-biridan uzoq ekilishi shart. Mevasi 2, 4, 6 kamerali, ko‘p urug‘li rezavor. Achchiq qalampir mevasi yirik emas, shakli cho‘ziq (shoxsimon,

xartumsimon, bigizsimon) bo'lib, po'sti yupqa etli. Pishgan mevalari qizil, sariq yoki to'q sariq rangda bo'ladi. Urug'lari och sariq, yassi-yumaloq, 1000 tasi 4-8 g. Urug'larining unuvchanligi 80%. Ildiz sistemasi yuza, asosiy qismi 20-30 sm chuqurlikda joylashgan [1].

ASOSIY QISM

Achchiq qalampirning biologik xususiyatlari. Achchiq qalampir issiqqa, namlikka va tuproqdagi oziq moddalarga nihoyatda talabchanligi bilan farq qiladi va o'sish davrining uzoq davom etishi bilan ajralib turadi. Qalampir yorug'sevar o'simlik. Yorug'likning yetishmasligi gulini to'kib yuborishiga, kam meva tugishiga va hosildorlikning keskin pasayishiga sabab bo'ladi. Tuproq harorati 13⁰C dan yuqori bo'lganda achchiq qalampirning urug'i una boshlaydi. Qalampir uchun kunduzgi harorat 25⁰C va tungisi 15-18⁰C bo'lganda optimal harorat hisoblanib, o'simlik yaxshi o'sib rivojlanadi. Harorat 13-15⁰C da urug' sekin una boshlaydi va nihollar 18-20 kunda paydo bo'ladi, 25⁰C haroratda nihollar 8-10 kunda unib chiqadi. Harorat 11-13⁰C bo'lganda o'simlik o'sishdan to'xtaydi va minus 0,5-1⁰C sovuqda nobud bo'ladi. Havo harorati 25-30⁰C bo'lganda o'simlik yaxshi o'sib rivojlanadi. Havo va tuproq namligi yetishmasa, harorat 35⁰C dan yuqori bo'lsa, rivojlanishiga salbiy ta'sir ko'rsatadi, natijada ko'p gullari to'kilib ketadi va hosildorligi kamayadi. Qalampir unumdor, chirindiga boy, mexanik tarkibi yengil bo'lgan tuproqlarda yaxshi o'sadi. Og'ir tuproqlarda o'simlik sekin o'sadi, undan tashqari, kun issiq bo'lganda u fuzarioz so'lish kasaliga chalinadi. Achchiq qalampir tuproq namiga talabchan o'simlik bo'lib, o'sish davrida sug'orishdan oldingi tuproq namligi dala nam sig'imiga nisbatan 75-80% dan kam bo'lmasligi kerak. Qalampir pomidorga nisbatan havoning nisbiy namligiga kamroq talabchan bo'lib, o'simlik 55-60% namlikda yaxshi o'sib, rivojlanadi. Nihollar paydo bo'lgandan keyin vegetatsiya boshida qalampir juda sekin o'sadi. Ko'chat to'liq shakllanishi va dalaga ekishga yaroqli bo'lishi uchun 55-60 kun talab qilinadi. Ochiq dalaga ekilgan ko'chat tuproq namligi yetarli bo'lsa, u yaxshi tutib qoladi. Lekin u uzoq muddat ko'karmay turadi. 1,5-2 haftadan so'ng, tuproqqa ishlov berilgandan keyin ko'chat sezilarli darajada ko'kara boshlaydi. 28-35 kundan keyin o'simlikni o'sishi juda tezlashadi. Achchiq qalampir naviga qarab nihollar yoppasiga paydo bo'lgandan 60-70 kundan keyin o'simlik gullaydi, 80-85 kundan keyin mevasi texnik yetiladi va 115-120 kundan keyin biologik yetiladi [1].

Bugungi kungacha qalampir o'simligini bir qancha viruslar kasallantirishi aniqlangan bo'lib, quyida ular haqida ma'lumotlar keltirilgan.

1. Tamaki mozaikasi - Qo'zg'atuvchisi-Tobacco mosaic virus. Qalampir o'simligida keng tarqalgan viruslardan biri bo'lib, u asosan keng dala va yopiq joylarda yuqadi (1-rasm). Tamaki mozaikasi virusi nafaqat *Capsicum annuum* o'simligida, balki boshqa o'simliklarda- tamakida, sabzavotlarda va boshqa madaniy o'simliklarda ham uchraydi. Boshqa o'simliklardan farqli o'laroq mozaika trips, shira va chirildoq orqali emas, balki, o'simlik shirasi orqali yuqadi. Virus asbob-uskunalar, hashorotlar va mexanik shikastlangan o'simliklar bilan ishlagan ishchilar orqali tarqaladi.

Kasallikning xarakterli belgilari- mozaika shaklida barg plastinkasida sariq-yashil dog'larning paydo bo'lishi. Infeksiyalangan shoxlari o'sishni to'xtaydi, gullar va barglar o'ralib qoladi, deformatsiyanadi va kichrayib qoladi Ochiq gullari ustida jigarrang chiziqlar paydo bo'ladi. Ikkinchi shtamm barg tomirlarining uzunligi bo'ylab to'qimalar nekrozini keltirib chiqaradi. Keyinroq poya - barglarida qora chiziqlar va nekroz paydo bo'ladi, mevalari yaxshi rivojlanmay o'sadi. Mozaik transpiratsiyani buzadi, bu esa o'simlikning haddan tashqari qizib ketishiga olib keladi va natijada hosildorlik pasayadi.

O'simlikning vegetatsiyasi davrida o'simlikdagi so'ruvchi hashorotlar yoki issiqxonalarda kasal o'simliklar bilan ishlagan ishchilar sog'lom o'simliklar bilan ishlasa yuqadi [3].

Virus o'simlik qoldiqlarida va hatto kiyim-kechaklarda bir necha oy, hattoki 50 yilgacham ham yashashi mumkin. Bundan tashqari, tamaki mozaikasi juda yuqori haroratga chidamli. Tamaki mahsulotlari – virusning keng tarqalgan manbai hisoblanadi, sababi chekuvchi insonlar kasal o'simliklarga to'g'ridan to'g'ri teginadi. Virus juda tez tarqaladi.

O'simliklarda viruslarni davolash usullari mavjud emas. Oldini olish uchun chidamli navlarni yaratish va o'simlikka Farmayod yoki Fitolavin biologik preparatlarni purkab turish lozim.

Shirin qalampirni mozaikaga chidamli navlari va duragaylari:

Марек F1 (Карисма F1), Фламинго F1, Ведрана F1, Геркулес F1, Маратос F1, Анталия F1, Любов F1, Клаудио F1, Джемини F1, Фелипе F1, Парадиз F1, Банкерс F1, Кубиста F1, Красное чудо, Алексей (Белозерка), Геракл, Желтый куб F1, Ведрана F1, Лотта F1, Аида F1, Магно F1, Салана F1.

Achchiq qalampirni mozaikaga chidamli navlari va duragaylari:

Bibo F1 (Impala F1), Ukrainskiy gor'kiy, Shakira F1, Xayfi F1, Xomera F1 [2].



1-rasm. Tamaki mozaikasi virusini achchiq va shirin qalampirda kechishi.

2.Qalampir bargining jingalaklanish virusi

Qo‘zg‘atuvchi — Bodring mozaikasi virusi (Cucumber mosaic virus)

Kasallik yoz oylarida juda havflidir, ayniqsa virus boshqa viruslar bilan qo‘shilganda havf ortib ketadi (2-rasm).

Kasallikning qalampir barglarida paydo bo‘lish simptomlari:

- Pakanalik;
- O‘simlikning rangi o‘zgarishi;
- Etuk o‘simliklardagi qabariq barglar;
- Mevalarning maydalashib ketishi;

Qalampir o‘simligining tashqi ko‘rinishining o‘zgarishi bilan bog‘liq bo‘lgan kasalliklarning bir necha turi bor:

Yashik yoki rivojlanayotgan shakli – o‘simlik yashil holatida so‘liydi va asta sekin quriydi.

- Pakanalik shakli- o‘simlik o‘sishda orqada qoladi, mevalari qiyshiq va kichkina bo‘lib qoladi.

- Jigarrang shaklda- barglar va poyalarning qismlari kurtaklash davrida quriydi, kasal to‘qimalar qorayadi va quriydi, kasallik poya bo‘ylab pastdan yuqoriga o‘tadi.

- Sariq shakl o‘simlikning tabiatida nomoyon bo‘ladi, uning barglari va kurtaklari sarg‘ayadi, deformatsiyalanadi, o‘sishi, gullari va meva shakllanishi to‘xtaydi.

Kasallikning rivojlanishi uchun qulay sharoitlar:

- Virus o‘simlikdan o‘simlikka shira orqali tarqaladi.
- O‘simliklarni parvarishlash vaqtida odamlar orqali (qo‘l,


oyoq) yuqishi mumkin.

Tarqalish o'chog'i:

Virus ikki yillik o'simliklarda saqlanadi. Bularga – selderey, petrushka va boshqalar kiradi.

Virusga qarshi kurash choralari- bu virusdan faqat profilaktik xarakterga ega bo'lib kasallikka chidamli bo'lgan gibrid va navlar yaratishdir yoki o'simlikning atrofidagi begona o'tlar bilan kurashishdir.

Qalampir bargaining jingalaklanish virusiga chidamli navlari va duragaylari: Marek F1, Vangard F1, Gerkules F1 navlari hisoblanadi.



2-rasm. Qalampir bargaining jingalaklanish virusi

3.Pomidorning dog'li so'lishi mozaik virusi (ToMMV)

Qo'zg'atuvchisi: Tomato spotted wilt mosaic virus(ToMMV).

Virusning tashuvchisi - g'arbiy gul tripsi hisoblanadi, ammo bu keng tarqalgan zararkunanda emas - kasallik ochiq va yopiq joylarda kam uchraydi.

Tamaki tripsi ham ushbu virusning tashuvchisi hisoblanadi, ammo u kamdan-kam hollarda ituzumdoshlar oilasida kam uchraydi.

Kasallikning simptomlari: O'sishning kechikishi va barglarning sarg'ayishi, Bu alomatlar o'simlikning moddalar almashinuvi bilan bog'lik kasalliklar simptomlariga o'xshash.

Barg plastinkalarida burishish va deformatsiyalanishi kuzatiladi. O‘simlikning yuqori qismidagi barglar va yon shoxlari bronza rangiga kirib qoladi, vaqt o‘tib ularda nekroz chiziqlari, nekroz yo‘li boshlanadi.

Shunga o‘xshash dog‘lar barglar va poyalarda paydo bo‘ladi. O‘simlikning yuqori qismi asta-sekin o‘ladi. Mevalarda engil xlorotik yoki nekrotik dog‘lar, mozaika paydo bo‘ladi- bu belgilarning barchasi diqqat bilan kuzatilgan holda aniqlanadi(3-rasm).

Tarqalish uchun qulay sharoitlar:

Yuqorida aytib o‘tilganidek, virus trips orqali tarqaladi. Infektsiyadan keyingi inkubatsiya davri +20 ° C da 4-5 kunga teng.

aylantirildi. Qolaversa, harbiy kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirishning o'ziga xos tizimiga ham asos solindi. Bu jarayonga ilg'or xorijiy davlatlarning tajribalari singdirilib kelinmoqda.

V.I.Xalzov va T.L.Jenatovalarning fikricha, "qadriyatlar tizimi" va "qadriyat munosabatlari" kabi tushunchalar tushunchalari Oliy harbiy ta'lim muassasalari kursantlarini ma'naviy-axloqiy tarbiyalash kategoriyasining eng muhim elementlari hisoblanadi.[1] Moddiyat nuqtai nazardan qaraganda, ma'naviyat shaxs ehtiyojlari uchun zarur bo'lgan ikki asosiy elementdan tashkil topgan: bilimga bo'lgan ideal ehtiyoj va yashashga bo'lgan ijtimoiy ehtiyoj.

I.V.Pavlov va I.I.Pavlovalar talabalarda axloqni shakllantirishga qaratilgan tarbiyaviy ishlar mazmunini quyidagilarga ajratishgan:

- 1) davlatning olib borayotgan siyosatiga nisbatan munosabati;
- 2) Vatanga, shuningdek boshqa davlatlar va xalqlarga bo'lgan munosabati;
- 3) mehnatga bo'lgan munosabati;
- 4) ijtimoiy mavqega va moddiy qadriyatlarga munosabati;
- 5) insonlarga nisbatan munosabati;
- 6) o'z-o'ziga bo'lgan munosabat.[2]

Yuqorida sanab o'tilganlarning har biri, inson rioya qilishi kerak bo'lgan, uning hayoti va xulq-atvorining asosini tashkil etadigan bir qator normalar, qoidalar va talablarni o'z ichiga oladi.

I.V.Pavlo va I.I.Pavlovalarning fikricha, talabalarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalashda ularning jamiyat normalariga mos keladigan ma'naviy-axloqiy tushunchalarini, mulohazalarini, his-tuyg'ulari va e'tiqodlarini, ko'nikmalari va xulq-atvor odatlarini rivojlantirishga qaratilgan bo'lishi lozim.[2]

Fikrimizcha, oliy ta'lim muassasalari kursantlarini ma'naviy-axloqiy tarbiyalash oliy ta'lim muassasasining yaxlit pedagogik jarayonida barcha o'quv fanlarini o'qitish jarayonida, auditoriyadan tashqari, ijtimoiy foydali mehnat ishlarida amalga oshiriladi.

Ma'lumki, qadriyatlarni tarbiyalab bo'lmaydi, ularga nisbatan munosabatni shakllantirish mumkin. Ma'naviy-axloqiy qadriyatlar tizimini shakllantirish shaxsiy fazilatlarining o'ziga xos tashqi ko'rsatichlariga ega bo'lib, ular orqali u o'zini boshqalar uchun ma'naviy va axloqiy shaxs sifatida namoyon qiladi.

Ma'naviy-axloqiy shaxs sifati – bu shaxsning qadriyatlarga barqaror iyerarxik munosabatlarning natijasidir. Ma'naviy-axloqiy qadriyatlar ko'lamidan foydalangan holda, kursant, o'z atrofidagi dunyoni tuzadi, hodisa ob'ektlarini ularning qiymati, ya'ni foydaliligi mezoniga ko'ra ochib beradi. O'tkazilgan so'rov natijalari shuni ko'rsatmoqdaki, harbiy oliy

o'quv yurtlari bo'lajak ofitserlarining asosiy qadriyatlari sifatida – oila, do'stlar va moddiy boylik chiqmoqda. Beshinchi o'rinda – xizmat karerasi. Ko'rib turganimizdek, umuminsoniy qadriyatlar, ya'ni hayot, sog'liq, moddiy farovonlik kabilar harbiy oliy o'quv yurtlari bo'lajak ofitserlarining asosiy qadriyatlari hisoblanadi.

Harbiy oliy o'quv yurtlari mutaxassislarini tayyorlashni takomillashtirish yo'llarini belgilab, kursantlarda shaxsning axloqiy sifatida intizomni shakllantirish jarayoni ustuvor yo'nalishlardan biri sifatida qaralishi lozim.

TAHLIL VA NATIJALAR

Muammoni tahlil qilar ekanmiz, harbiy oliy o'quv yurti kursantlarida intizomni shakllantirish jarayoniga bir qator zamonaviy ilmiy-pedagogik yondashuvlarni aniqlash imkonini beradi. A.Y.Xusainov bu yondashuvlar orasida shaxsiy, faoliyatli, qadriyatli, insonparvarlik va kompleksyondashuvlarni ajratib ko'rsatadi.[4]

Shaxsiy yondashuv – shaxsning yo'nalganligi, uning qadriyat yo'nalishlari, hayot rejalari, o'rnatilgan munosabatlar kabi shaxsiy fazilatlarga tayanishni anglatadi. Ushbu yondashuv o'quvchining shaxsiyatini, uning shaxsiy-sub'ektiv sifatini o'quv jarayonining asosiy tashkiliy qadriyati sifatida tan oladi. Fikrimizcha, shaxsiy-yo'naltirilgan yondashuv – ta'lim jarayonini insonparvarlashtirishga, uni yuksak axloqiy va ma'naviy tajribalar bilan to'ldirishga, adolat va hurmat tamoyillarini o'rnatishga, shaxsning salohiyatini maksimal darajada oshirishga, uni rivojlantirishni rag'batlantirishga qaratilgan bo'lishi lozim.

Faoliyatli yondashuv – kelajakda sub'ekt sifatida shakllangan va shaxs o'zidagi davom etayotgan o'zgarishlarni uning faoliyatidagi o'zgarishlar bilan bog'laydigan muayyan faoliyat doirasidagina shaxsiy rivojlanish imkoniyatini belgilaydi.

Umuman olganda, faoliyatli yondashuv – kursant hayotining umumiy hayot jarayonida – manfaatlarni yo'naltirish, hayot rejalari, qadriyat yo'nalishlari, ta'lim va tarbiyaning mazmunini anglash, sub'ekt sifatida shakllanishga qaratilgan shaxsiy tajriba orqali maqsadli ta'lim-tarbiya faoliyatini tashkil etish va boshqarishni anglatadi.

Qadriyatli yondashuv ob'ektiv voqelikni insonning o'z-o'ziga ishonchi natijasi sifatida, shaxsiyatni esa, o'z taqdirini o'zi belgilash va amalga oshirish imkoniyati doimiy ravishda paydo bo'ladigan noyob tizim sifatida ko'rib chiqadi. Aynan qadriyat yondashuvi shaxsning atrofdagilarga va o'ziga bo'lgan munosabatini belgilab beradi.

Ta'limning asosiy mexanizmi – o'quvchining har tomonlama rivojlanishi amalga oshiriladigan o'quv muassasasining ta'lim tizimi faoliyat ko'rsatishi hisoblanadi. Shunday ekan, kursantlar intizomini tarbiyalash jarayonida qadriyat yondashuvidan foydalanish ta'lim jarayonini axloqiy jihatlar bilan boyitishni o'z ichiga oladi.

Insonparvarlik yondashuvi – shaxsga insonparavar yondashuvda bo'lishni, uning huquq va erkinliklarini hurmat qilishni, amalga oshirilishi mumkin bo'lgan va asosli shakllangan talablarni belgilashni talab qiladi.

Kompleks yondashuv – tarbiyaviy o'zarobog'liqlikning maqsadi, vazifalari, mazmuni, usullar va shakllarining birligini nazarda tutadi.

Muxtasar qilib aytganda, Ushbu yondashuvdan foydalanganda asosiy e'tibor shaxsning individual fazilatlariga emas, balki yaxlit, bir butunshaxsni shakllantirishga qaratiladi.

REFERENCES

1. “O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari harbiy xizmatchilarining ma’naviy – ma’rifiy saviyasini oshirish tizimini tubdan takomillashtirish to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 3898 sonli Qarori
2. Хальзов В.И., Женатова Т.Л. О духовно-нравственном воспитании личности учащихся в условиях военно-учебного заведения // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России №3 (39), 2008. С.208-214
3. Павлов И.В., Павлова И.И. Духовно-нравственное воспитание курсантов // Психопедагогика в правоохранительных органах, 2009. № 1 (36). С. 34-36.
4. Хусаинов А.Я. Методологические подходы процесса воспитания дисциплинированности у курсантов военного вуза как нравственного качественного качества личности // Вестник ПГППУ. Серия №1. 2017. 147-151 стр.
5. Qodirova Feruza Mamurovna. (2022). OLIY HARBIY TA'LIM MUASSASALARI KURSANTLARINI MA'NAVIY—AXLOQIY TARBIYALASH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH. EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH, 2(2), 160–163. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6105905>
6. Қодирова Феруза Мамуровна. (2022, April 23). ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ. INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION, Canada. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6473815>
7. Qodirova , F. M. (2022). OLIY HARBIY TA'LIM MUASSASALARI KURSANTLARINI MA'NAVIY– AXLOQIY TARBIYALASH TUSHUNCHASI VA O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI. Academic Research in Educational Sciences, 3(4), 1159–1163. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-4-1159-1163>



ЮРТИМИЗДА ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИДА КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД ИЖОДИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Мирҳамид Мухамеджанович Сабиров
К. Беҳзод номидаги МРДИ,
“Миниатюра ва китоб графикаси кафедраси
профессори

АННОТАЦИЯ

Мақолада юртимиз тарихида миллий тасвирий санъатимиз ривожига катта аҳамиятга эга бўлган мусаввир К.Беҳзоднинг ҳаёти ва ижоди билан таништириш мақсад қилинад. Беҳзоднинг буюк мусаввир бўлиб етишишида маънавий устози А.Навоийнинг ўрни беқиёсдир. Мусаввир ўз даврининг йирик бадиий ва тарихий китобларни бетакрор суратлар билан безаб ўз даврида катта обрўга эга бўлди. Унинг ижоди серкирра бўлиб, бадиий китобларга чизилган кўплаб суратлар қатори тарихий асарларга чизилган суратларда йирик шахслар қиёфасини кўрамиз. К. Беҳзод шарқ тасвирий санъатида портрет жанрининг шаклланишига катта ҳисса қўшган мусаввир сифатида тарихда қолди. У ҳаёти давомида Ҳирот ва Табриз кутубхоналарини бошқариш баробарида кўплаб шогирдларни тарбиялади. Буюк мусаввир ижодига чуқур ҳурмат кўрсатиш сифатида Юртимизда бир қатор амалий ишлар амалга оширилди. Юртимиздаги ёш мусаввирлар унинг асарларини ижодий таҳлил қилиб, иш усулларини ўзлаштириб унга содиқ шогирд бўлиб етишиш баробарида унинг номини абадийлаштириш ишларига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Калит су’злар: Ҳирот, Бойсункур, мусаввир, хаттот, наққош, китобхона, мусаввир, аср нодири, мусаввирлар пешвоси, ижодкор, А.Навоий, Зафарнома, портрет, Тошкент, миниатюра, музей.

ABSTRACT

The article aims to acquaint with the life and work of the artist K. Behzod, who played an important role in the development of our national fine arts in the history of our country. The role of Behzod's spiritual teacher A.Navoi in his development as a great artist is incomparable. The artist gained a great reputation in his time, decorating the major art and history books of his time with unique paintings. His work is multifaceted, and we see the image of great personalities in paintings on historical works, as well as in many paintings in art books. K. Behzod went down in history as an artist who made a significant contribution to the formation of the portrait genre in oriental fine arts. Throughout his life, he managed many libraries as well as managing the libraries of Herat and Tabriz. As a deep respect for the work of the great artist, a number of practical works have been carried out in our country. Young artists of our country, along with creative analysis of his works, mastering the methods of work and becoming a loyal student, contribute to the perpetuation of his name.



Keywords: Herat, Boysunqur, artist, calligrapher, painter, library, artist, rarity of the century, leader of artists, creator, A.Navoi, Zafarnoma, portrait, Tashkent, miniature, museum.

КИРИШ

XV асрнинг иккинчи ярми XVI аср бошларида Ҳирот шаҳри Темурийлардан Султон Ҳусайн Байқаро ва буюк шоир Алишер Навоий даврида мамлакат маданий ҳаётида кўтарилиш даври бўлди. Улар орасида мусаввир Камоллидин Беҳзод номи алоҳида ўрин тутди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

XV-XVI асрларда Мовароннаҳр ва Хуросонда барча соҳаларда кўтарилиш даври бўлди. Бу ўлкаларда темурийлар Мирзо Улуғбек ва унинг отаси Шохрух Мирзолар мамлакатларни бошқарар эдилар. Ҳиротда Шохрух Мирзо ва унинг ўғли Бойсунқур Мирзолар қирқдан ортиқ китоб усталари ижод қилган сарой кутубхонасини ташкил қилдилар. Бу кутубхона ўз даврининг санъат академияси эди. Кейинчалик Ҳусайн Байқаро ва Алишер Навоий даврида Ҳирот кутубхона янада ривож топиб, Хуросоннинг маданий марказига айланди. Кутубхоназамонасининг йирик санъаткорлари Мирак наққош, хаттот Султон Али Машҳадий, Шох Музаффар, Камоллидин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳиб каби ўз даврининг етук шоир, хаттот, муқовасоз, наққош ва мусаввирлари ижод қилдилар. Кутубхонада таълим олган кўплаб ижод аҳли орасида асарлари бугунги кунгачан ўз қадрини йўқотмай келаётган мусаввир Камоллидин Беҳзод номи алоҳида ўрин тутди. К.Беҳзод ҳаёти ва ижоди йўлини таҳлил қилиб уни икки даврга бўлиш мумкин.

Биринчиси-, Ҳиротдаги болалик ва А Навоий кутубхонаси ва сарой кутубхонаси бошлиғи сифатида ишлаб, мусаввир сифатида ноёб қўлёмаларни ажойиб суратлар билан безаш, машҳур мусаввир сифатида танилиш даври дейиш мумкин.

Ҳирот даври: Беҳзод 1455 йилда хунарманд оиласида таваллуд топиб, эрта етим қолади. Ўз даврининг етук устаси сарой кутубхонаси бошлиғи Мирак Наққош Хуросоний қўлида тарбия олиб наққошлик хунарини ўрганади. Беҳзоднинг мусаввир сифатида шаклланиш даврида буюк шоир маърифатпарвар, ижод ва хунар ахлининг ҳомийси Алишер Навоий катта ўрин эгаллайди. Ёш мусаввир олдин шоирнинг шахсий кутубхонасида наққош мусаввир сифатида иш бошлаб кутубхона раиси даражасига кўтарилади. Тарихчи Хондамир маълумотларига кўра, Беҳзод 23 ёшида етук мусаввир бўлиб етишади. Беҳзоднинг ноёб қобилиятидан хабар топган Ҳусайн Байқаро А .Навоий розилигини олиб саройга таклиф қилади ва қисқа вақтдан сўнг сарой кутубхонасига бошлиқ этиб тайинлайди. К. Беҳзодни сарой кутубхонасининг бошлиғи этиб тайинлаган нишонда “...аср нодири, мусаввирлар пешвоси...” деб аталиши мусаввирнинг ноёб қобилият эгаси бўлганлигини билдиради. Беҳзод сарой кутубхонасига раҳбарлик қилиш билан бирга сермахсул ижод қилди. Унинг қўлёмма китоблар мавзусига чизган суратлари



ўзининг бетакдорлиги, мураккаб композиция қурилиши ва ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Бугунги кунгача унинг барча асарлари етиб келмаган бўлсада, унинг имзоси қўйилган тасвирлар дунёдаги турли мамлакатларнинг музей, давлат кутубхоналари ва шахсий коллекцияларда сақланмоқда. К.Бехзоднинг сермахсул шартли равишда ижодини уч қисмга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Биринчи қисм: адабий қўлёзмаларни беаган суратлари.

Жумладан: 1478 йили Шайх Саъдийнинг “Бўстон” қўлёзма китобига чизган (Лондондаги Честер Битти кутубхона.). Шайх Саъдийнинг яна бир “Бўстон” қўлёзма китобига ишланган 4та сурат (Қоҳира. Миср миллий кутубхонаси.).

Низомий “Хамса”си (1442 йили кўчирилган бўлиб, 1490 йилдан кейин суратлар билан безатилган). “Икки қабиланинг туялар устидаги жанги” (121-саҳифа), “Баҳромнинг Аждар билан жанги”, (161-с) “Искандарнинг шоҳ Доро билан жанги”(Лондон. Британия кутубхонаси. Add. 25900 шифри билан сақланади).

1480 йил хаттот Султон Али Машхадий томонидан кўчирилган Шайх Саъдийнинг “ Гулистон” қўлёзма китобига чизилган “Икки курашчи”, “Саъдий ва Қашқарлик йигит” номли суратлар, Атторнинг “Мантиқ ат-Тайр” асарига ишланган “Кўмиш маросими”, “Чўкаётган одам ва ўтинчилар”, “Шайх ва дехқон суҳбати” (Нью-Йорк. Метрополитен музейи).

Низомийнинг “Хамса” асарига ишланган “Султон Санжар ва кампир”, “Хусрав ва Ширин қасрда”, “Мажнун кабъа олдида”, “Сахродаги Мажнун йиртқишлар орасида”, “Махан ва девлар” суратлар (Лондон Британия кутубхонаси. шифри Add.25900).

Султон Ҳусайн учун кўчирилган Низомийнинг “Хамса”си Ҳирот қўлёзмаси. Қўлёзманинг охириги варағида Шох Жаҳонгир (1605-1627й.) қўли билан ёзилган 16 сурат Бехзод, 5 Мирокқа ва 1 сурат Абд ал Раззоқ тамонидан ишланганини ёзади. “Халиф Хорун хаммомда”, “Хусрав отаси ёнида”, “Фарходнинг ўлими”, “Хусравнинг ўлдирилиши”, “Лайли ва Мажнун мактабда”, “Мажнун сахрода”, “Лайли эрининг кўмиш маросими”, “Лайли ва Мажнуннинг учрашув вақтида хушидан кетиши”, “Баҳромнинг аждар билан жанги”, Чўмилаётган қизларни кузатаётган Искандар”, “Искандар ва зохид” (Британия кутубхонасида шифриOr.6810) суратлари сақланиб қолган.

Мусаввир ижодининг иккинчи қисми сифатида тарихий китобларга чизилган суратлари алоҳида эътиборга лойиқ.

Султон Ҳусайн Байқаро йирик тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг Амир Темур ҳаёти ва ҳарбий юришларига бағишлаб ёзган “Зафарнома” қўлёзма китобини безаш ишини Камолитдин Бехзодга топширади. Мусаввир қўлёзмага олтига кўшварақли (жами12та) суратлар чизади. Бу суратларнинг аҳамияти катта бўлиб улар, ҳаётий воқеаларга бағишланганлиги ва таркибида соҳибқирон Амир Темур тасвири мавжудлигидадир.

Бу қўлёзма аввал Султон Ҳусайн Байқаро кутубхонасида, кейин Бобурийлар Акбар шоҳ ва Жоҳонгиршоҳ хазинасида сақланди. Қўлёзманинг биринчи варағида шоҳ Жаҳонгирнинг



хати билан китоб суратларини К. Беҳзод чизгани ёзилган. (Бугунги кунда ўлчами 22X15см бўлган кўлёзма АҚШ.Балтимордаги Жон Хопкинс университети кутубхонасида сақланмоқда).

К.Беҳзод ижодининг учинчи қисми сифатида замондошларининг ҳаётий қиёфаларини чизиб, тарих саҳифаларига мухирлаганини айтиш мумкин Унинг портрет жанрида чизган суратлари сабаб Султон Ҳусайн Байқаро, Шайбонийхон, Шоир Хатифий каби тарихий шахсларнинг ҳаётий қиёфаларидан хабардормиз. Тарихчиларнинг ёзма маълумотларидан маълумки У ўзининг маънавий устози Алишер Наоийнинг бир неча кўринишлардаги суратларини чизган бўлсада, афсуски улар бизнинг кунгачан етиб келмаган ёки аниқлангани йўқ. Беҳзоднинг шогирди Маҳмуд Музаҳиб мўйқаламига мансуб асога суяниб турган Навоий портрети Беҳзод чизган суратдан нусха бўлиши мумкин деган тахминлар бор.

К.Беҳзод ўз суратларига “Суввараху ал-абд Беҳзод” (Аллохнинг қули Беҳзод чизди), ”Амал ал-абд Беҳзод”(Аллохнинг қули Беҳзод иши) ёки қисқа қилиб “Ал-абд Беҳзод” (Аллох қули Беҳзод) деб имзо қўйган. Беҳзод суратлари тириклик давридаёқ машҳур бўлиб, шогирдлари унга тақлид қилишарди шу сабаб унинг номи билан имзоланган баъзи суратларни қайсиниси унинг мўйқаламига тегишлигини аниқлаш қийин кечади. XVI асрда кечган мусаввир ҳаёти тўғрисида турли маълумотлар бўлиб, баъзилари бир бирига зид келади. 1506 й. Ҳусайн Байқаро вафотидан кейин Ҳирот Шайбонийхон томонидан босиб олинади. Баъзи маълумотларга кўра, 1507-1510 й. Беҳзод Шайбонийхон билан бирга Бухорога кўчиб келган. Лекин Бобур ёзишича, у бу вақтда Ҳиротда бўлган.

К.Беҳзод ҳаётининг иккинчи қисми Табризда кечган йиллардан иборат бўлиб, у Сафавийлар давлатининг асосчиси Исмоил I номи билан боғлиқ. 1510 йилда Ҳиротни босиб олган Исмоил I Беҳзод асарларининг муҳлиси бўлганлиги учун уни ўзи билан бирга Табризга олиб кетади. Бу вақтда Табриз саройида Султон Муҳаммад, Оға Мирок сингари кўплаб машҳур мусаввирлар ижод қилишларига қарамай шоҳ фармони билан сарой кутубхонасининг раиси этиб тайинланиши Беҳзоднинг машҳур бўлганлигини билдиради. Беҳзоднинг Табризда кечган ҳаёти ҳақида маълумотлар оз бўлсада у Исмоил I вафотидан кейин унинг ўғли Тахмасп шохлиги вақтида ҳам сарой кутубхонаси бошлиғи бўлиб ишлагани ва иззатда бўлгани маълум. Беҳзод 1535-(36)й оламдан ўтади. Унинг қабри ҳақида икки хил маълумотга эгамиз, бири Қози Аҳмаднинг “Хаттотлар ва мусаввирлар” тўғрисида трактатида Беҳзод қабри Ҳирот атрофидаги Кўхи — Мухтор тоғи атрофида, Дўст Муҳаммад ёзишича у Табризда шоир шайх Камол Хўжандий қабри ёнига дафн этилган.

ХУЛОСА

Бугунги кунда унинг асарлари дунёнинг турли музей, кутубхоналар ва шахсий коллекцияларнинг фаҳри ҳисобланади. Юртимизда темурийлар даври санъатининг йирик вакилининг номини ҳурматлаб абадийлаштириш мақсадида, кўплаб ҳайрли ишлар қилинди ва давом этмоқда. Жумладан, шаҳримиз кўчаларидан бири ва Миллий рассомлик ва дизайн институти Камолиддин Беҳзод



номи билан аталади. Талабалар учун К. Беҳзод номидаги стипендия ҳар йили энг иқтидорли талабаларга топширилади. Институт таркибидаги “Миниатюра ва китоб графикаси” кафедрасида таҳсил олувчи талабалар унинг асарларидан нусха олиш орқали ижодий услубини ўрганишга интиладилар. Республикамиз пойтахти Тошкент шахрининг марказида К.Беҳзод номидаги “Шарқ миниатюра санъати” музейи қурилиб, унинг ҳайкали ўрнатилди. Ҳар йили музей ходимлари томонидан К.Беҳзод ижодига бағишланган илмий анжуман ва миниатюра санъати йўналишида ижод қилаётган мусаввирлар кўргазмалари ҳар йили ташкил қилиниб келинмоқда. Республикамизда ижодкорлар учун яратилган қулай шароитлар миниатюра санъати йўналишида ижод қилувчи ва таҳсил олаётган ёш мусаввирларни янада кўп ва сифатли ижод қилишга буюк Беҳзодга содиқ меросхўр бўлишга ундайди.

REFERENCES

1. Н.Норкулов, И.Низомиддинов “Миниатюра тарихидан лавҳалар”. Т.: Ғ.Ғуллом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 й
2. Усмонов О, Мадрахимов А. “Қамолитдин Беҳзод”, Ижодий асарлар тўплами Т.:”Халқ мероси”. 2000й
3. Муқаддима Ашрафи. От Беҳзада до Риза йи Аббаси. Развитие миниатюры XVI — начала XVII века. — Тошкент, 2011.
4. Сабиров М.М. “Китобат санъати”. Ўқув қўлланма — Тошкент 2018 “Info Capital Group”.
5. Сабиров М.М. “Миниатюра композицияси”. Ўқув қўлланма Тошкент 2019 Lesson press.

MAKTAB O'QUVCHILARIDA JISMONIY RIVOJLANISHNI MONITORINGINI OLIB BORISH ORQALI MASHG'ULOTLARDA YUKLAMANI TAQSIMLASH

Zokir Abdullayev

Urganch davlat universiteti o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

O'sib kelayotgan odam organizmni to'g'ri tarbiyalash uchun organizmini o'sishi va rivojlanishi kabi muhim asosiy hususiyatlarini bilishi zarur. O'sish va rivojlanish barcha tirik organizmlar kabi, odam organizmiga ham xos hususiyatlardan biridir. Organizmning har tomonlama o'sish va rivojlanishi uning paydo bo'lgan vaqtdan boshlanadi. Bu ikki protsess murakkab jarayon hisoblanib, bir butun va bir-birigabog'langandir.

Kalit so'zlar. Jismoniy tayyorgarlik, jismoniy rivojlanish, jismoniy mashq, harakat, fiziologiya, kuch, tezkorlik, chaqqonlik, yuklama.

ABSTRACT

A growing person should know the basic features of the body, such as growth and development, in order to properly nurture the body. Growth and development is one of the characteristics of the human body like all living organisms. The whole process of growth and development of an organism begins at the time of its formation. These two processes are complex and interconnected.

Keywords: physical training, physical development, exercise, movement, physiology, strength, quickness, agility, loading.

KIRISH

O'zbekiston Respublikasining 2015-yil 4-sentyabrda yangi tahrirda qabul qilingan "Jismoniy tarbiya va sport to'g'risida" qonunida o'sib kelayotgan yosh avlodni salomatligini asrash va mustahkamlash, yosh avlodni har tomonlama rivojlangan inson qilib tarbiyalash ustuvor maqsad va vazifalardan biri hisoblanadi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2017-yil 3-iyundagi "Jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3031 sonli Qarori mamlakatimizning barcha xududlarida ommaviy sportning inson va oila hayotidagi muhim ahamiyati, uning jismoniy va ma'naviy sog'lomlikning asosi ekanini, yoshlarni zararli odatlardan asrash, ularga o'z qobiliyati va iste'dodlarini

ro'yobga chiqarish uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish masalalariga e'tibor yanada kuchaytirilgan, ular orasidan iqtidorli sportchilarni saralab olish, hamda maqsadli saralab olish masalalariga e'tibor yanada kuchaytirilgan [2].

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Jamiyatda sog'lom turmush tarzini shakllantirish, aholi salomatligini mustahkamlash, jismoniy sog'lom va ma'naviy boy yosh avlodni tarbiyalash, fuqarolarning jismoniy tarbiya va sport bilan muntazam jiddiy shug'ullanishlariga erishish bugungi kunning eng dolzarb masalalaridan hisoblanadi. Bizning yosh mustaqil davlatimiz bolalarning sog'lom, baquvvat kuchli va bilimli bo'lib o'sishi uchun barcha imkoniyatlarni yaratishga harakat qilmoqda. Ular vatanni sevish, uning uchun mehnat qilish, kerak bo'lsa uning uchun har bir ishga tayyor turish ruhida tarbiyalanmoqda. Hozirgi kunda davlatimizning diqqat - e'tibori o'sib kelayotgan yosh avlodga g'amxo'rlik qilishga qaratilgan. Shunga muvofiq bu yo'lda «Jismoniy tarbiya va sport to'g'risida» qonun qabul qilindi, «Sog'lom avlod uchun» ordeni va jamg'armasi ta'sis etildi. «O'zbekistonda bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasi tuzish to'g'risida»gi farmon jismoniy va ma'naviy sog'lom yosh avlodni voyaga yetkazish, yoshlar orasida sog'lom turmush tarzi va sportga intilishni kuchaytirib yubordi. Muhimi unda bolalar ommoviy sportini rivojlantirish ko'zda tutiladi. «Sog'lom avlod uchun» jurnali o'z oldiga ma'naviy va jismoniy barkamol avlodni tarbiyalashni, bu yo'lda davlat ahamiyatiga molik vazifani targ'ib qilib, uni amalga oshirishni, keng xalq ommasi bu ishga jalb qilish vazifasini qo'ydi. Bundan tashqari, jurnal milliy va umuminsoniy qadriyatlarni, o'tmish merosimizning eng yaxshi an'analarini, shuningdek endi shakllanib kelayotgan yangi udumlarni aholi barcha tabaqalariga yetkazishni o'z oldiga maqsad qilib qo'ydi. Hozirgi mamlakatimizda juda ko'p qiziqarli bolalar sport musobaqalari o'tkazilmoqda. Chunonchi, «Sog'lomjon - polvonjon», «Umid nihollari», «Barkamol avlod», «Universiada», «Yuguruvchilar kuni», «Ochiq ring», «Sakrovchilar kuni» bolalar va o'smirlar sport maktabining Respublika birinchiligi, o'quvchi - yoshlar spartakiadalari doimiy ravishda o'tkazilib turibdi. Bunday sport musobaqalari o'sib kelayotgan yosh avlodni sportga bo'lgan qiziqishini orttirib, jismonan chiniqishi va sog'lom voyaga yetishi uchun zamin yaratadi. Har qanday sport turi bilan shug'ullangan bola jismonan sog'lom bo'lib, u kelajakka sog'lom muhitini yaratishni asosiy me'zoni hisoblanadi. Yurtimizning shahar va qishloqlarida turli sport komplekslarining ochilishi har bir yosh avlodni barkamol rivojlanishiga qaratilgandir. Vatanimizning har bir sportchisi turli dunyo musobaqalarida faxrli o'rinlarni olib qaytishmoqdadir. Sportchilarimizning yuksak



yutuqlarga erishishi davlatimizning ularga bo'lgan e'tibori va yaratib berilgan imkoniyatlaridandir.

Mavzuning dolzarbligi

O'smir yoshdagi turli sport turi bilan shug'ullanuvchi bolalarning jismoniy rivojlanish ko'rsatkichlarini vaqti - vaqti bilan o'rganish va kuzatish orqali hamda hayot sharoitlarini o'zgarishiga qarab, ularni qanchalik darajada sog'lom ulg'ayayotganligi haqida ma'lumotga ega bo'lish imkoniyatini beradi. Jismoniy rivojlanganlik ko'rsatkichlari ichida o'quvchilarning bo'yi va tana og'irligi eng muxim ko'rsatkichlardan hisoblanadi. Shu sababli o'quvchilarni jismoniy rivojlanishni va o'rganish va ularga sport mashqlarini ta'sirini kuzatish muhim ahamiyatga ega.

Darsdan va sinfdan tashqari muntazam turli sport turi bilan shug'illanuvchi sportchi o'quvchilarning jismoniy rivojlanishi quydagicha bo'ldi. Kuzatishlarimizda qatnashgan kurash sport turi bilan shug'ullanayotgan 15 yoshli sportchi o'quvchilarning bo'y uzunligini o'rtacha ko'rsatkichi $163,5 \pm 1,17$ sm., ga teng bo'ldi. Voleybol sport turi bilan shug'ullanayotgan sportchi o'quvchilarning bo'y uzunligini o'rtacha ko'rsatkichi $162,5 \pm 1,19$ sm., ni tashkil qiladi. Shu yoshdagi yengil atletika sport turi bilan shug'ullanayotgan sportchi o'quvchilarning bo'y uzunligini o'rtacha ko'rsatkichi $159,70 \pm 1,66$ sm., ni tashkil qiladi. Kuzatishlarimizda qatnashgan kurash sport turi bilan shug'ullanayotgan 16 yoshli sportchi o'quvchilarning bo'y uzunligini o'rtacha ko'rsatkichi $160,00 \pm 2,03$ sm., ga teng bo'ldi. Voleybol sport turi bilan shug'ullanayotgan 17 yoshli sportchi o'quvchilarning bo'y uzunligini o'rtacha ko'rsatkichi $163,6 \pm 1,79$ sm., ni tashkil qiladi. Shu yoshdagi yengil atletika sport turi bilan shug'ullanayotgan sportchi o'quvchilarning bo'y uzunligini o'rtacha ko'rsatkichi $164,00 \pm 1,97$ sm., ni tashkil qiladi. Kuzatishlarimizda qatnashgan kurash sport turi bilan shug'ullanayotgan 17 yoshli sportchi o'quvchilarning bo'y uzunligini o'rtacha ko'rsatkichi $160,00 \pm 2,03$ sm., ga teng bo'ldi. Voleybol sport turi bilan shug'ullanayotgan sportchi o'quvchilarning bo'y uzunligini o'rtacha ko'rsatkichi $164,20 \pm 2,65$ sm., ni tashkil qiladi. Shu yoshdagi yengil atletika sport turi bilan shug'ullanayotgan sportchi o'quvchilarning bo'y uzunligini o'rtacha ko'rsatkichi $159,70 \pm 1,63$ sm., tashkil qiladi.



15, 16, 17- yoshli sportchi o'quvchilarning bo'y uzunligini o'rtacha ko'rsatkichlari(n 36) (sm)
1-jadval

Statistik ko'rsatkichlar	Yoshi	Kurash	Voleybol	Yengil atletika
$X \pm \sigma$	15	$163,5 \pm 1,17$	$162,5 \pm 1,19$	$159,70 \pm 1,66$
$X \pm \sigma$	16	$160,00 \pm 2,03$	$163,6 \pm 1,79$	$164,00 \pm 1,97$
$X \pm \sigma$	17	$160,00 \pm 2,03$	$164,20 \pm 2,65$	$159,70 \pm 1,63$

Sportchi o'quvchilarning tana og'irligi ko'rsatkichlari o'rtasida quydagi holatlar kuzatildi. 15 yoshdagi kurash sport turi bilan shug'ullanayotgan o'quvchilarning tana og'irligini o'rtacha ko'rsatkichi $53,9 \pm 0,99$ kg. ni tashkil qiladi. Voleybol sport turi bilan shug'ullanayotgan o'quvchilarning tana og'irligini o'rtacha ko'rsatkichi $53,5 \pm 1,84$ kg. ni tashkil qiladi. Yengil atletika sport turi bilan shug'ullanayotgan o'quvchilarning tana og'irligini o'rtacha ko'rsatkichi $53,2 \pm 1,82$ kg. ni tashkil qiladi. 16 yoshli yoshdagi o'quvchilarning tana og'irligi ko'rsatkichlari o'rtasida quydagi holatlar kuzatildi. kurash sport turi bilan shug'ullanayotgan o'quvchilarning tana og'irligini o'rtacha ko'rsatkichi $55,60 \pm 1,51$ kg. ni tashkil qiladi. Voleybol sport turi bilan shug'ullanayotgan qiz bolalarning tana og'irligini o'rtacha ko'rsatkichi $55,7 \pm 1,18$ kg. ni tashkil qiladi. Yengil atletika sport turi bilan shug'ullanayotgan o'quvchilarning tana og'irligini o'rtacha ko'rsatkichi $60,60 \pm 3,26$ kg. ni tashkil qiladi. 17 yoshli yoshdagi o'quvchilarning tana og'irligi ko'rsatkichlari o'rtasida quydagi holatlar kuzatildi. kurash sport turi bilan shug'ullanayotgan o'quvchilarning tana og'irligini o'rtacha ko'rsatkichi $54,20 \pm 2,65$ kg. ni tashkil qiladi. Voleybol sport turi bilan shug'ullanayotgan o'quvchilarning tana og'irligini o'rtacha ko'rsatkichi $57,7 \pm 2,37$ kg. ni tashkil qiladi. Yengil atletika sport turi bilan shug'ullanayotgan o'quvchilarning tana og'irligini o'rtacha ko'rsatkichi $57,8 \pm 2,94$ kg. ni tashkil qiladi.

15.16.17 yoshli sportchi o'quvchilarning tana og'irligini o'rtacha ko'rsatkichlari (n 36) (kg)
2-jadval

Statistik ko'rsatkichlar	Yoshi	Kurash	Voleybol	Yengil atletika
$X \pm \sigma$	15	$53,9 \pm 0,99$	$53,5 \pm 1,84$	$53,2 \pm 1,82$
$X \pm \sigma$	16	$55,60 \pm 1,51$	$55,7 \pm 1,18$	$60,60 \pm 3,26$
$X \pm \sigma$	17	$54,20 \pm 2,65$	$57,7 \pm 2,37$	$57,8 \pm 2,94$

Jismoniy rivojlanganlik ko'rsatkichlaridan biri panja dinamometriyasi hisoblanadi. 15 yoshli kurash sport turi bilan shug'ullanayotgan o'quvchilarning o'ng qo'l barmoqlarini

bukuvchi muskullarni maksimal qisqarish kuchining o'rtacha ko'rsatkichi $30,40 \pm 1,34$ va chap qo'l barmoqlarini bukuvchi muskullarni maksimal qisqarish kuchining o'rtacha ko'rsatkichi $30,60 \pm 1,60$ ni tashkil qildi. Voleybol sport turi bilan shug'illanayotgan o'quvchilarning o'ng qo'l barmoqlarini bukuvchi muskullarni maksimal qisqarish kuchining o'rtacha ko'rsatkichi $30,80 \pm 1,51$ va chap qo'l barmoqlarini bukuvchi muskullarni maksimal qisqarish kuchining o'rtacha ko'rsatkichi $28,00 \pm 1,97$ ni tashkil qildi. Yengil atletika sport turi bilan shug'illanayotgan o'quvchilarning o'ng qo'l barmoqlarini bukuvchi muskullarni maksimal qisqarish kuchining o'rtacha ko'rsatkichi $26,30 \pm 1,35$ va chap qo'l barmoqlarini bukuvchi muskullarni maksimal qisqarish kuchining o'rtacha ko'rsatkichi $25,70 \pm 1,55$ ni tashkil qildi. 16 yoshli kurash sport turi bilan shug'illanayotgan o'quvchilarning o'ng qo'l barmoqlarini bukuvchi muskullarni maksimal qisqarish kuchining o'rtacha ko'rsatkichi $31,20 \pm 0,89$ va chap qo'l barmoqlarini bukuvchi muskullarni 65 maksimal qisqarish kuchining o'rtacha ko'rsatkichi $28,70 \pm 1,35$ ni tashkil qildi. Voleybol sport turi bilan shug'illanayotgan o'quvchilarning o'ng qo'l barmoqlarini bukuvchi muskullarni maksimal qisqarish kuchining o'rtacha ko'rsatkichi $31,30 \pm 1,18$ va chap qo'l barmoqlarini bukuvchi muskullarni maksimal qisqarish kuchining o'rtacha ko'rsatkichi $29,90 \pm 1,14$ ni tashkil qildi. Yengil atletika sport turi bilan shug'illanayotgan o'quvchilarning o'ng qo'l barmoqlarini bukuvchi muskullarni maksimal qisqarish kuchining o'rtacha ko'rsatkichi $31,90 \pm 1,25$ va chap qo'l barmoqlarini bukuvchi muskullarni maksimal qisqarish kuchining o'rtacha ko'rsatkichi $29,65 \pm 0,27$ ni tashkil qildi. 17 yoshli kurash sport turi bilan shug'illanayotgan o'quvchilarning o'ng qo'l barmoqlarini bukuvchi muskullarni maksimal qisqarish kuchining o'rtacha ko'rsatkichi $30,80 \pm 4,53$ va chap qo'l barmoqlarini bukuvchi muskullarni maksimal qisqarish kuchining o'rtacha ko'rsatkichi $29,40 \pm 1,26$ ni tashkil qildi. Voleybol sport turi bilan shug'illanayotgan o'quvchilarning o'ng qo'l barmoqlarini bukuvchi muskullarni maksimal qisqarish kuchining o'rtacha ko'rsatkichi $38,80 \pm 1,58$ va chap qo'l barmoqlarini bukuvchi muskullarni maksimal qisqarish kuchining o'rtacha ko'rsatkichi $37,80 \pm 1,14$ ni tashkil qildi. Yengil atletika sport turi bilan shug'illanayotgan o'quvchilarning o'ng qo'l barmoqlarini bukuvchi muskullarni maksimal qisqarish kuchining o'rtacha ko'rsatkichi $32,00 \pm 1,80$ va chap qo'l barmoqlarini bukuvchi muskullarni maksimal qisqarish kuchining o'rtacha ko'rsatkichi $31,00 \pm 1,46$ ni tashkil qildi.

15-yoshli kurash sport turi bilan shug'ullanayotgan o'quvchilarning yurak urish chastotasini o'rtacha ko'rsatkichi $74,40 \pm 2,44$ zarba/min., ni tashkil qildi. Voleybol sport turi bilan



shug‘ullanayotgan o‘quvchilarda yurak urish chastotasini o‘rtacha ko‘rsatkichi $81,20 \pm 2,05$ zarba/min. ni, ga tengligi aniqlandi. Yengil atletika sport turi bilan shug‘ullanayotgan o‘quvchilarda yurak urish chastotasini o‘rtacha ko‘rsatkichi $90,00 \pm 3,36$ zarba/min. ni, ga tengligi aniqlandi.

15 yoshli sportchi o‘quvchilarning panja dinamometriyasini o‘rtacha ko‘rsatkichlari (n 36) (kg)

3-jadval

	Statistik ko‘rsatkichlar	O‘ng qo‘l	Chap qo‘l
Kurash	$X \pm \sigma$	$30,40 \pm 1,34$	$30,60 \pm 1,60$
	Statistik ko‘rsatkichlar	O‘ng qo‘l	Chap qo‘l
Voleybol	$X \pm \sigma$	$30,80 \pm 1,51$	$28,00 \pm 1,97$
	Statistik ko‘rsatkichlar	O‘ng qo‘l	Chap qo‘l
Yengil atletika	$X \pm \sigma$	$26,30 \pm 1,35$	$25,70 \pm 1,55$
	Statistik ko‘rsatkichlar	O‘ng qo‘l	Chap qo‘l

16 yoshli sportchi o‘quvchilarning panja dinamometriyasini o‘rtacha ko‘rsatkichlari (n 36) (kg)

4-jadval

	Statistik ko‘rsatkichlar	O‘ng qo‘l	Chap qo‘l
Kurash	$X \pm \sigma$	$31,20 \pm 0,89$	$28,70 \pm 1,35$
	Statistik ko‘rsatkichlar	O‘ng qo‘l	Chap qo‘l
Voleybol	$X \pm \sigma$	$31,30 \pm 1,18$	$29,90 \pm 1,14$
	Statistik ko‘rsatkichlar	O‘ng qo‘l	Chap qo‘l
Yengil atletika	$X \pm \sigma$	$31,90 \pm 1,25$	$29,65 \pm 0,27$
	Statistik ko‘rsatkichlar	O‘ng qo‘l	Chap qo‘l

17 yoshli sportchi o‘quvchilarning panja dinamometriyasini o‘rtacha ko‘rsatkichlari (n 36) (kg)

5-jadval

	Statistik ko‘rsatkichlar	O‘ng qo‘l	Chap qo‘l
Kurash	$X \pm \sigma$	$30,80 \pm 4,53$	$29,40 \pm 1,26$
	Statistik ko‘rsatkichlar	O‘ng qo‘l	Chap qo‘l
Voleybol	$X \pm \sigma$	$38,80 \pm 1,58$	$37,80 \pm 1,14$
	Statistik ko‘rsatkichlar	O‘ng qo‘l	Chap qo‘l
Yengil atletika	$X \pm \sigma$	$32,00 \pm 1,80$	$31,00 \pm 1,46$
	Statistik ko‘rsatkichlar	O‘ng qo‘l	Chap qo‘l

16 yoshli kurash sport turi bilan shug‘ullanayotgan

o'quvchilarning yurak urish chastotasini o'rtacha ko'rsatkichi $69,00 \pm 2,11$ zarba\min., ni tashkil qildi. Voleybolsport turi bilan shug'ullanayotgan o'quvchilarda yurak urish chastotasini o'rtachako'rsatkichi $77,20 \pm 1,55$ zarba\min. ni, ga tengligi aniqlandi. Yengil atletika sportturi bilan shug'ullanayotgan o'quvchilarda yurak urish chastotasini o'rtacha ko'rsatkichi $82,80 \pm 3,55$ zarba\min. ni, ga tengligi aniqlandi.

17 yoshli kurash sport turi bilan shug'ullanayotgan o'quvchilarning yurak urish chastotasini o'rtacha ko'rsatkichi $76,2 \pm 2,33$ zarba\min., ni tashkil qildi. Voleybol sport turi bilan shug'ullanayotgan o'quvchilarda yurak urish chastotasini o'rtacha ko'rsatkichi $78,30 \pm 3,46$ zarba\min. ni, ga tengligi aniqlandi. Yengil atletika sportturi bilan shug'ullanayotgan o'quvchilarda yurak urish chastotasini o'rtacha ko'rsatkichi $74,0 \pm 2,03$ zarba\min. ni, ga tengligi aniqlandi.

XULOSA

1. Mavzuga oid adabiyotlarda qayd etilgan ma'lumotlar tahlili shuni ko'rsatdiki o'quvchilarning jismoniy rivojlanishi va tayyorlanishining o'rtacha ko'rsatkichlari adabiyotlarda keltirilgan o'rtacha ko'rsatkichlariga mos keladi.

2. Maktabning sport bilan shug'ullanuvchi o'quvchilarning jismoniy rivojlanishini morfologik ko'rsatkichlari: bo'yi va tana og'irligining o'rtacha ko'rsatkichlari oradagi farq sportchi o'quvchilarda yosh davrlari ortgan sayin o'zgarib turadi.

3. Maktabning sport bilan shug'ullanuvchi o'quvchilarning jismoniy rivojlanishini morfologik va funktsional ko'rsatkichlarining o'rtachalari barcha yosh guruxlaridamuntazam sport bilan shug'illanmaydigan o'quvchilarga nisbatanijobiy yo'nalishdaligi, yoshlarning salomatligi va rivojlanishga sport bilan shug'ullanish samarali ta'sir ko'rsatishini biz tomonimizda olib borilgan monitoring isbotladi.

4. Maktab o'quvchilarning panja dinamometriyasining o'rtacha ko'rsatkichlari pedagogik kuzatish olib borilgan barcha sport turlarida yosh sportchilarning o'ng qo'l ko'rsatkichi, chap qo'l ko'rsatkichiga nisbat yaqqol ustunlik qilib, statistik sezilarli farq qildi.

5. Tadqiqot ishimizda olingan natijalar asosida biz kuzatgan guruxlarning o'quvchilari jismoniy sog'lom o'sib rivojlanayotganligini ko'rsatadi.

REFERENCES

1. Alyaviya O.T. va boshqalar “Normal fiziologiya” Toshkent.- “Yangi asr avlodi” nashryoti,- 2007y.
2. Qurbonov Sh. Qurbonov A “Jismoniy rivojlanishning fiziologik asoslari” Toshkent.-2003 y.
3. Xo‘jaev F. “O‘zbekistonda jismoniy tarbiya”. Toshkent.- “O‘qituvchi” nashryoti,- 1997 yil.
4. “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Toshkent.- Davlat ilmiy nashryoti,- 2005yil
5. Shmidta R. Tevsa G.«Fiziologiya cheloveka» - pod redaktsiey v 3-x tomox. Moskva.- «Mir»,- 2010



«СРАВНИТЕЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ДЛИННОМЕРНЫХ И КОРОТКОМЕРНЫХ ВАЛОВ, В ЦЕЛЯХ ОБОСНОВАНИЯ ЦЕЛЕСООБРАЗНОСТИ ИХ ЗАМЕЩЕНИЯ»

Асилбек Шухратжонович Мирзаумидов

PhD, доцент, Наманганский Инженерно-Технологический институт;

bek_mirzaumidov@mail.ru

Комила Шухрат кизи Акрамова

Студентка, Наманганский Инженерно-Технологический институт

akramovakamila06gmail.com

АННОТАЦИЯ

Валы классифицируются по назначению, по форме оси, по форме сечения. В данной статье, проведён сравнительный анализ двух валов, имеющих разные длины, их область применения, а также изучены все достоинства и недостатки как длинномерных, так и короткомерных валов.

Ключевые слова: Вал, длинномерный вал, короткомерный вал, стержень, изгибная жёсткость, прочность.

ABSTRACT

Shafts are classified according to their purpose, according to the shape of the axis, according to the shape of the section. In this article, a comparative analysis of two shafts having different lengths, their scope was carried out, and all the advantages and disadvantages of both long and short shafts were studied.

Keywords: Shaft, long shaft, short shaft, rod, bending stiffness, strength.

ВВЕДЕНИЕ

В любых изделиях машиностроения широко используются детали валов разного типа, разной длины. Они являются ведущими элементами станков различного назначения и технических систем.

Процесс изготовления валов не сложный, так как они не имеют сложной конструкции. Однако известно, что детали, типа - круглые стержни большой длины ($L \gg D$) трудно обрабатывать хоть в основном они и не имеют труднодоступных участков для обработки. Это связано с недостаточной жесткостью стержня, из-за этого при обработке могут возникнуть значительные деформации. Так

же есть серьезные проблемы, возникающие при закреплении заготовок в ходе их установки на станок.

ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

Для моделирования точности размеров вала в осевом и радиальном направлениях и определения оптимальных операционных размеров, рассмотрен технологический процесс механической обработки вала. При размерно-точностном анализе технологического процесса использовался метод теории графов, позволяющий анализировать технологический процесс как единое целое. Размерная схема технологического процесса, а график размерных связей технологического процесса вдоль оси вала. По графу размерных связей выявлены технологические размерные цепи и составлены исходные уравнения размерных цепей. Математическая модель позволяет, при изменении любой переменной, будь то конструкторский размер (A), технологический (S), или припуск (Z), мгновенно пересчитывать все 126 уравнений модели, тем самым производить размерно-точностной анализ с учетом изменившихся условий. Также при этом пересчитывается и изменяется 3D модель детали, что даёт возможность анализировать её в дальнейшем.

Валы длиной свыше 1,5 м можно отнести к длинным валам. Те из них, которые имеют отношение длины к диаметру более 10, можно отнести к не жёстким. К сожалению, нам известно, что с увеличением длины вала падает её прочность, их и называют длинномерными валами.

От их прочности и надёжности зависит работоспособность конструкции в целом, а из этого следует, что при эксплуатации детали типа вал должны соответствовать не только условиям прочности, но и жёсткости.

Многие конструкторы и технологи уделяют больше внимания маложёстким валам, которые служат для передачи крутящих моментов на достаточно большие расстояния конечно же в пределах конструкции, что является их главным преимуществом перед короткомерными валами. Снижение материалоёмкости данных деталей осуществляется в основном за счёт уменьшения поперечного сечения. Используются длинномерные валы в основном в транспортной и текстильной технике, в металлорежущих станках.

Длинный стержень имеет низкую устойчивость и малую изгибную жёсткость, что ведёт к серьёзным последствиям при их обработке и сборке, поэтому такие детали обычно являются нетехнологичными.

Зачастую под действием сил при вращении, длинномерные валы могут изгибаться даже от собственного

веса. Однако всем представителям машиностроения хорошо известно, что процесс повышения изгибной жёсткости деталей типа вал очень сложно.

В механизмах разъединителей также должны применяться по возможности короткомерные валы, работающие на кручение. К преимуществам таких деталей относится в первую очередь их показатель прочности. Использование короткомерных валов является более технологичным чем использование длинномерных.

ВЫВОДЫ

При данном анализе литературы по сравнению длинномерных и короткомерных валов, были выделены их преимущества и недостатки, которые имеют как научное, так и экспериментальное обоснование.

Сравнение длинномерных и короткомерных валов оказалось нецелесообразным, так как суть и назначение их использования разное. Целесообразным является устранение недостатков данных валов, а именно найти оптимальное решение по вопросу повышения изгибной жёсткости и повышения прочности валов.

REFERENCES

1. Нгуен Ван Хуан. Повышение изгибной жесткости длинномерных валов поверхностным пластическим деформированием.
2. Обработка длинных тонкостенных труб и нежестких валов наружным протягиванием/ Я.Н. Отений // Вестник машиностроения. – 2006. – № 6. – С. 65–67.
3. Зайдес С.А., Климова Л.Г. Управление технологическими остаточными напряжениями в мало жестких валах охватывающим деформированием // Вестник ИрГТУ. - 2006. - № 4 (28). - С 58 - 61.

РАЗВИТИЕ КУЛЬТУРЫ ОБЩЕНИЯ В СТУДЕНЧЕСКОЙ СРЕДЕ

Шухрат Бахирович Нуритдинов

Преподаватель Гулистанского государственного университета

shuhratnur@yandex.com

АННОТАЦИЯ

Целенаправленная, систематическая работа по воспитанию навыков и привычек культурного поведения начинается с приходом студентов в учебное заведение. Еще в школе закладываются основы аккуратности и опрятности, вежливости, точности, прививаются хорошие манеры, умение культурно вести себя, дома, на улице и в общественных местах. Развитие культуры общения студентов в психолого-педагогическом образовании способно повысить методологическую культуру учителя. Диалог обеспечивает концептуальную воспитательную и образовательную направленность деятельности учителя, профессионализм и формирование социальной активности личности. Педагогический диалог - особый тип педагогических отношений, построенный на принципах сотрудничества, сотворчества, взаимоуважения и взаимопонимания, специфическая форма общения, предполагающая не только информационную связь субъектов, но и их духовное единение, особая форма педагогического взаимодействия, направленного на решение проблемы. Цель исследования – на основе анализа психолого-педагогических исследований по проблеме разработать методические рекомендации по педагогическому общению студентов.

Ключевые слова: культура общения, педагогический диалог, высшая школа, педагогическое творчество, образовательный процесс, личность, студент.

ABSTRACT

Purposeful, systematic work on the education of skills and habits of cultural behavior begins with the arrival of students in an educational institution. Even at school, the foundations of neatness and neatness, politeness, accuracy are laid, good manners are instilled, the ability to behave culturally, at home, on the street and in public places. The development of a culture of communication of students in psychological and pedagogical education can increase the methodological culture of the teacher. The dialogue provides a conceptual educational and educational orientation of the teacher's

activities, professionalism and the formation of social activity of the individual. Pedagogical dialogue is a special type of pedagogical relations built on the principles of cooperation, co-creation, mutual respect and mutual understanding, a specific form of communication that involves not only the information connection of the subjects, but also their spiritual unity, a special form of pedagogical interaction aimed at solving the problem. The purpose of the study is to develop methodological recommendations for pedagogical communication of students based on the analysis of psychological and pedagogical studies on the problem.

Keywords: communication culture, dialogue teaching, high school, pedagogical creativity, the educational process, the identity of the student.

ВВЕДЕНИЕ

Целью современного образования является формирование и развитие качеств личности, необходимых ей и обществу для включения в социально значимую деятельность. Одним из компонентов развития личности в высшем профессиональном образовании является культура общения студента.

На сегодняшний день встречается повышенная конфликтность в обществе и мире в целом, увеличивается враждебность одних социальных групп, целых государств по отношению к другим: никто не хочет сходиться, отстаиваются эгоистические интересы, встречается неумелость, а порой и отсутствие желания выслушать то или иное мнение. Развитие культуры общения в студенческой среде - это воспитание уникального чело века, испытывающего интерес в постижении психолого-педагогических основ общения как целостной системы «пространственно-временного» бытия образовательного процесса на пересечении истории и современности. Это изучение того главного педагогического исследования, который завещали нам выдающиеся преподаватели прошлого и перечень нынешних явлений, новшества настоящего времени. Сила установки на разговор, определяющей развитие культуры связи, исходит из новшеств объективной реальности, способствующий наблюдать ее с позиции единства взглядов лиц, вступающих во взаимодействие и контакт.

Культура общения студентов в вузе может рассматриваться как важнейший созидательный ресурс высшего профессионального образования в деле интеллектуального развития личности. Развитие культуры общения обязывает студента высшего учебного заведения овладеть ею как универсальной характеристикой специалиста, позволяющей выполнить социальные ожидания общества и выйти

на высокий профессиональный и личностный уровень. Институт образования - это не только сфера обучения и воспитания подрастающего поколения, но и наиболее яркий индикатор духовно-нравственного и социального здоровья общества, благополучия культуры в целом. Утверждение гуманистических ценностей в образовании выдвигает на приоритетные позиции ценность самой личности, богатство ее духовного мира.

ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

Понятие – культура (от «cultūra» – «возделывать, обрабатывать»), как сложный феномен, не имеет однозначного толкования и предстает в виде совокупности материальных и духовных ценностей, «второй» природы, человеческого мира, результата и/или способа человеческой деятельности, системного качества общества и т.д.

В других определениях культуры подчеркивается двойственность культуры: с одной стороны, культура – мир социального опыта человека, накопленных им непреходящих материальных и духовных ценностей, с другой – качественная характеристика человеческой деятельности [3, 4, 6 и др.].

Понятие – общение – также отличается сложным и многосторонним пониманием. Один из подходов к общению, имеющий на сегодняшний день достаточно широкое распространение, был развит в трудах Г.М. Андреевой. В соответствии с этим подходом общение выступает как сложный процесс, включающий в себя передачу и обмен информацией, взаимодействие, взаимопонимание людей в сложившейся системе общественных отношений [1].

Культура и общение в своем развитии находятся в диалектическом единстве. Общение воспринимается как необходимое условие производства культурных ценностей, в т. ч. и человека, как способ бытия культуры. М.С. Каган замечает: «Межсубъектное взаимодействие – истинный продукт и «механизм» культуры» [6]. Постоянно взаимодействуя и интегрируясь друг с другом, понятия «общение» и «культура» образуют новое в содержательном и структурном плане понятие «культура общения». Базируясь на социально-философском подходе к субъектам культуры общения, можно выделить следующие уровни: человечество в целом; отдельное общество; социальная группа; конкретная личность.

В последнее десятилетие многие ученые активно разрабатывали проблемы **культуры общения** и ее формирования, предлагая практические рекомендации. Различные аспекты проблемы общения исследовали А.А. Бодалев [4], И.С. Кон [2], А.А.

Леонтьев [3], Н.Д. Творогова [7], А.Л. Свенцицкий [5] и др. Однако анализ научной литературы показал, что особенно актуальным является направленное формирование культуры общения в непедагогических вузах, так как в них недостаточно использованы возможности учебно- воспитательного процесса, отсутствуют единые требования к организации воспитательной работы и т.д. В литературе **проблеме общения** посвящены работы Б.Ф.Ломова, В.И.Лубовского, А.В.Мудрика, В.Н.Мясищева, В.Г.Петровой, Л.А.Петровской, широко освящена данная проблема и в зарубежной психологии - Р.А.Хинде, А.Кендом, С.Ландис, которые едины в понимании общения, как сложного многогранного явления, проявляющегося во многих сферах человеческой жизни.

Все ученые сходятся во мнении, что общение является одним из основных видов деятельности. Ими подчеркивается тот факт, что межличностное общение по основным своим характеристикам представляет собой специфический вид деятельности. И как всякая деятельность, общение направлено на удовлетворение потребности, а именно, коммуникативной.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 5 noyabrdagi "Sport tahlimi tizimini tubdan takomillashtirish orqali olimpiya va paralimpiya sport turlari bo'yicha sportchilar zaxirasini shakllantirish sifatini yanada oshirish chora-tadbirlari to'g'risida" PQ-5279-son Qarori hamda bu sohaga tegishli boshqa mehyoriy-huquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalarni amalga oshirish ushbu sohada ilmiy tadqiqot ishlarini olib borishni taqozo etadi. Qarorga muvofiq bolalar-o'smirlar sport maktablari va ixtisoslashtirilgan bolalar-o'smirlar sport maktablari faoliyatiga sportga keng jalb qilingan bolalar va o'smirlar, davlat buyurtmasiga asosan tayyorlangan unvonli va razryadli sportchilar, respublika va xalqaro sport musobaqalarida g'olib va sovrindor bo'lgan sportchilar, olimpiya va paralimpiya zaxiralari kollejariga qabul qilingan o'quvchilar soniga qarab baho berish, shuningdek, bolalar-o'smirlar sport maktablari, ixtisoslashtirilgan bolalar-o'smirlar sport maktablari, olimpiya va milliy sport turlariga ixtisoslashtirilgan davlat maktab-internatlari, olimpiya va paralimpiya zaxiralari kollejlari rahbarlarining sport bo'yicha o'rinbosarlari va trenerlari har yarim yilda kamida bir marta umumiy o'rta tahlim maktablariga bevosita tashrif buyurib, iqtidorli yoshlarni tegishli sport-tahlim muassasalariga jalb qilish bo'yicha selektsiya ishlarini amalga oshirish masalalari dolzarb vazifa etib belgilangan.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYASI

Jismoniy tarbiya va sportda yuqori natijalarga erishda sport menejmenti va sport tahlimi muassasalari infrastrukturasi ham muhim ahamiyat kasb etadi. Jumladan, muassasa rahbar xodimlarining taktik-boshqaruv mahorati, trener-o'qituvchilar kasb malakasi, ularni yuqori sport tayyorgarligi, yoshlarni jismoniy tarbiya va sportga jalb etishda yuksak pedagogik mahorat, sport bilan mutnazam shug'ullanish, aholi orasida sog'lom turmush tarzini keng targ'ib etish, aholining barcha qatlami, ayniqsa yosh avlodni sportga jalb qilish orqali ular salomatligini saqlash, mamlakatning iqtisodiy-ijtimoiy hayotini yanada yuksaltirish hozirgi kunning muhim masalalaridan biri bo'lib qolmoqda.

Tadqiqot materiali sifatida Farg'ona shahar 1-BO'SM faoliyatiga doir xujjatlari va ularning matematik statistik tahliliy ma'lumotlaridan foydalanildi.

MUHOKAMA

Farg'ona shahar 1 - sonli Bolalar va o'smirlar sport maktabida olimpiada sport turlari qatoriga kiritilgan jami 34 ta sport turidan 17tasi bo'yicha faoliyat olib boriladi. Ular quyidagi

jadval asosida keltirilgan: badiiy gimnastika, badminton, basketbol, boks, voleybol, dzyudo, yengil atletika, kamondan otish, karate WKF, stol tennisi, taekvando WTF, trompolin, futbol, chim ustida xokkey, erkin kurash, yunon rum kurashi, qilichbozlik kabi sport turlari olib boriladi.

NATIJALAR

Ushbu BO‘SMda faoliyat olib borayotgan jami 17 ta sport turi bo‘yicha jami Badiiy gimnastikada - 72 nafar, Badmintonda - 28 nafar, Basketbolda – 32 nafar, Boksdan – 54 nafar, Voleybolda – 16 nafar, Dzyudoda – 28 nafar, Yengil atletikada - 42 nafar, Kamondan otishda – 28 nafar, Karate WKFda – 10 nafar, Stol tennisida – 61 nafar, Taekvando WTFda – 96 nafar, Trompolinda – 45 nafar, Futbolda – 123 nafar, CHim ustida xokkeyda – 13 nafar, Erkin kurashda – 108 nafar, Yunon rum kurashida – 78 nafar, Qilichbozlikda – 23 nafar sportchilar shug‘ullanib kelmoqdalar. (1-jadval).


Farg‘ona shahar 1-sonli BO‘SM faoliyat olib boriladigan sport turlari

1-jadval

№	Sport turlari	SHug‘ullanuvchilar soni, shundan:		
		Jami	O‘g‘il	Qiz
1	Badiiy gimnastika	72	-	72
2	Badminton	28	15	13
3	Basketbol	32	16	16
4	Boks	54	50	4
5	Voleybol	16	15	1
6	Dzyudo	28	23	5
7	Engil atletika	42	30	12
8	Kamondan otish	28	11	17
9	Karate WKF	10	10	-
10	Stol tennisi	61	46	15
11	Taekvando WTF	96	79	17
12	Trompolin	45	41	4
13	Futbol	123	123	-
14	CHim ustida xokkey	13	13	-
15	Erkin kurash	108	107	1
16	Yunon rum kurashi	78	78	-
17	Qilichbozlik	23	18	5
	Umumiy jami:	857	675	182

Mazkur BO‘SMda eng ko‘p shug‘ullanib kelayotgan yosh sportchilar jins guruhlari hamda sport turlari bo‘yicha tahlil

qilinganda futbol sport turida 123 nafar o'g'il bolalar, sportning erkin kurash turida shug'ullanuvchilar soni 108 nafarni tashkil etib, undan faqat 1 nafarini qiz bolalar, yunon-rum kurashi bo'yicha faqat 78 nafar o'g'il bolalar, Taekvandoning WTF turi bo'yicha jami 96 nafar sportchilar jalb etilib, undan o'g'il bolalar soni 79 nafarni, qiz bolalar soni esa 17 nafarni, Boks sport turi bo'yicha esa jami 54 nafar sportchilar tayyorlanib, ularda 50 nafari o'g'il bolalar, 4 nafari qiz bolalarni, sportning Badiiy gimnastika turi bo'yicha jami 72 nafar qiz bolalar shug'ullanib kelmoqdalar. Ushbu sport turlari orasida eng kam sportga jalb etilgan o'g'il-qizlar asosan sportning Karatening WKF turi bo'yicha 10 nafar, CHim ustida xokkey turi bo'yicha jami 13 nafar, Voleybol sport turi bo'yicha jami 16 nafar sportchilar jalb etilgan. (1-diagramma).




1-rasm. Sport turlari bo'yicha shug'ullanuvchilar soni.

Mazkur BO'SMda eng ko'p shug'ullanib sonidan kelib chiqib sport turlari tahlil etilganda shartli ravishda, dastlabki **I-o'rinni** sportning futbol, erkin kurash, taekvando WTF, yunon rum kurashi, badiiy gimnastika turlari bo'yicha jami shug'ullanayotgan yosh sportchilar soni jami **477 nafarni**, **II-o'rinni** stol tennis, boks, trompolin, yengil atletika, basketbol sport turlari egallab, ularda jami shug'ullannayotgan sportchilar soni 262 nafarni, **III-o'rinda** esa badminton, dzyudo, kamondan otish, qilichbozlik, voleybol, chim ustida xokkey, karate WKF turlari bo'yicha 118 nafarni tashkil etdi. (2-jadval, 2-diagramma).

Sport turlari bo'yicha eng ko'p jalb etilgan shug'ullanuvchilar soni


2-jadval

SHug'ullanuvchilar soniga nisbatan egallagan o'rni	Sort turi	Soni	SHug'ullanuvchilar soniga nisbatan egallagan o'rni jami
I-o'rin	Futbol	123	477
	Erkin kurash	108	
	Taekvando WTF	96	
	Yunon rum kurashi	78	
	Badiiy gimnastika	72	
II-o'rin	Stol tennis	61	262
	Boks	54	
	Trompolin	45	
	Engil atletika	42	
	Basketbol	32	
III-o'rin	Badminton	28	118
	Dzyudo	28	
	Kamondan otish	28	
	Qilichbozlik	23	
	Voleybol	16	
	CHim ustida xokkey	13	
	Karate WKF	10	
	Jami		



2- diagramma. Sport turlari bo'yicha eng ko'p jalb etilgan shug'ullanuvchilar soni

Mazkur sport tahlimi muassasasi sektsiyalar bo'yicha o'quv guruhlar soni tahlili shuni ko'rsatdiki, boshlang'ich tayyorlov guruhlarida tashkil etilgan guruhlar soni **54 tani**, o'quv mashq guruhi **25 tani**, sport mahoratini oshirish guruhi atiga **1tani**, oliy sport mahorati guruhi esa mavjud emas. (3rasm).



3- diagramma. Sektsiyalar bo'yicha o'quv guruhlar soni

Farg'ona shahar 1-sonli BO'SM shug'ullanuvchilarning toifasiga ko'ra tahlil etilganda II, III va o'smirlar toifasi – 194 nafar, I toifa – 61 nafar, sport ustaligiga nomzodlar – 106 nafarni, sport ustalari – 2 nafarni tashkil etdi. Ushbu ko'rsatgichlarning barcha sport turlari bo'yicha tahlili 3-jadval va rasmda keltirilgan. (3-jadval, 4-5- diagramma).


Sport turlari bo'yicha shug'ullanuvchilarning toifasiga ko'ra soni

3-jadval


№	Sport turlari	Shug'ullanuvchilarning toifasi, shulardan:				
		II, III va o'smirlar toifasi	I toifa	SUN	SU	XTSU
1	Futbol	50	14	7		
2	Taekvando WTF	28	11	18	1	
3	Yunon rum kurashi	24		38	1	
4	Stol tennisi	21		2		
5	Boks	17	5			
6	Erkin kurash	17	20	19		

7	Badiiy gimnastika	12			
8	Engil atletika	12	1		
9	Basketbol	7			
10	Kamondan otish	6	3	8	
11	Qilichbozlik		7	1	
12	CHim ustida xokkey			13	
	Jami	194	61	106	2

4- diagramma. Sport turlari bo'yicha shug'ullanuvchilarning toifasiga ko'ra soni



5- diagramma. Sport toifalari bo'yicha shug'ullanuvchilar soni.



XULOSALAR

1. Ushbu sport tahlimi muassasasi monitoringi va tahlil natijalari shuni ko'rsatdiki, olimpiada sport turlari qatoriga

kiritilgan jami 34 ta sport turidan 17 ta turi bo'yicha faoliyat olib boriladi va unga jami **857 nafar** o'g'il-qizlar jalb etilgan, shundan o'g'il bolalar **78,8%ni**, qizlar esa atiga **21,2 %ni** tashkil etadi. Ayniqsa, sportning badminton, dzyudo, kamondan otish, qilichbozlik, voleybol, chim ustida xokkey, karate WKF turlari bo'yicha qamrov **13,8%ni** tashkil etadi.

2. Sport turlari va ularda shug'ullanuvchilar sportning futbol, erkin kurash, taekvando WTF, yunon rum kurashi, badiiy gimnastika turlari bo'yicha **477 nafarni** yoki **55,6%ni**, stol tennisi, boks, trampolin, yengil atletika, basketbol sport turlari bo'yicha **262 nafarni** yoki **30,6 %ni**, badminton, dzyudo, kamondan otish, qilichbozlik, voleybol, chim ustida xokkey, karate WKF turlari bo'yicha **118 nafarni** yoki **13,8%ni** tashkil etishi ma'lum bo'ldi.

3. SHug'ullanuvchilar toifasiga ko'ra tahlili jami **857 nafardan 363 nafari**, yahni **42,4 %i** ma'lum toifa turiga ega bo'lib, qolgan **494 nafar** yoki **57,6%i** hech qanday toifaga ega emasligi aniqlandi.

4. Sport maktablarida sportni olimpiada o'yinlariga kiritilgan sport turi bo'yicha muntazam faoliyatini tahminlashda birinchi navbatda kadrlar masalasiga doir muammolarni xal etish, ushbu muassasalarga yuqori malakali kadrlarni jalb etish yoki ularni malakasini oshirish va qayta tayyorlash tizimini tubdan isloh etish;

5. Sport tahlimi tizimini tubdan takomillashtirish orqali iqtidorli sportchilarni aniqlash, tanlash va saralash (selektsiya)ning yangi mexanizmlarini joriy qilish orqali tuman va shahar hamda mahallalar kesimida o'g'il-qizlar, ayniqsa qiz bolalarni jismoniy tarbiya va sportga keng jalb etish, bolalarni sportga bo'lgan qiziqishini oshirish, umumtahlim maktablarida sport to'garaklari, sport bo'yicha yetuk mutaxassislar ishtirokida mahorat saboqlari, g'olib va sovrindor sportchilar bilan jonli uchrashuvlar o'tkazish kabi sport tadbirlarni tashkil etish;

6. Sport muassasalari shug'ullanuvchilar orasida sport toifalari va ularning nufuzini oshirish maqsadida shahar-tuman musobaqalarini muntazam o'tkazish bo'yicha oldindan istiqbolli yo'l xaritasini ishlab chiqish, unda trener-o'qituvchilar faoliyatini yanada rahbatlantirish bo'yicha tizimli kompleks chora-tadbirlarni belgilash va ular monitoringini tahliliy va tanqidiy olib borish.

REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 5 noyabrdagi "Sport tahlimi tizimini tubdan takomillashtirish orqali olimpiya va paralimpiya sport turlari bo'yicha sportchilar zaxirasini shakllantirish sifatini yanada oshirish chora-tadbirlari to'g'risida" PQ-5279-son Qarori.

2. Алексеев С. В. Спортивный менеджмент. Регулирование организации и проведения физкультурных и спортивных мероприятий: учебник для студентов вузов / под. ред. П. В. Крашенинникова. - М.: ЮНИТИ-ДАНА: Закон и право, 2016. - 687 с.
3. Алексеев С.В. Спортивный маркетинг. Правовое регулирование: учебник для вузов/С.В. Алексеев; под ред. докт. юрид. наук, проф. П.В. Крашенинникова. М.: ЮНИТИ-ДАНА: Закон и право, 2015, 647 с.
4. Алтухов С.В. Актуальность сценарного менеджмента для международного олимпийского движения / Управленческие науки. 2017. Т. 7. № 1. С. 12-18.
5. Аристова Л.В. Система менеджмента качества как механизм обеспечения эффективной деятельности организаций сферы физической культуры и спорта / Л.В. Аристова. — М.: Ассоциация спортивного инжиниринга, 2013. — 439 с.
6. Починкин А.В. Менеджмент в сфере физической культуры и спорта: учебное пособие/ А.В. Починкин. - 4-е изд., доп и перераб. - М.: Спорт, 2017, 384 с.



ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ КУЛЬТУР И КОНТАКТ ЦЕННОСТЕЙ ПРИ ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ

Фатима Караматовна Файзиева

преподаватель, Гулистанский государственный университет

АННОТАЦИЯ

В статье особое внимание уделяется изучению конфликта ценностей в условиях взаимодействия культур. Оценочный знак ценности может меняться в зависимости от того, какой взгляд фиксирует ценность: взгляд изнутри или взгляд извне. В преподавании русского языка как иностранного необходимо учитывать коннотативную семантику лексики.

Ключевые слова: русский язык как иностранный, культурные ценности, конфликт ценностей, контакт культур.

ABSTRACT

In the article the special attention is paid to the research of values conflict in Russian language teaching. The estimated sign of evaluation can be changed depending on the point of view that the value fixes: the view from the inside or the view from the outside. The structure of views about the same event can not correspond in different cultural communities. Even having similar experience people of different cultures can differently perceive and evaluate the same facts that confirms the thesis about the existence of fundamental culture codes which manage its language and perception schemes. This work is deeply connected with such topical questions as formation of associative potential of words, national and cultural specificity of connotations, the means of its lexicographical representation, decoding of speaker's value system.

Keywords: Russian as a foreign language, cultural values, values conflict, culture contact.

ВВЕДЕНИЕ

Человек, живущий в контексте культуры, не может существовать вне системы оценок, ценностей, ценностных установок и ориентиров. Именно в континууме идей и оценок, ценностей и норм отображается в языке и культуре коллективная личность.

Ценностный аспект в межкультурной коммуникации связан с идеей относительности. Раскрывая суть теории

лингвистической относительности, Бенжамен Ли Уорф писал: «Мы расчленяем природу в направлении, подсказанном нашим родным языком. <...> Мир предстаёт перед нами как калейдоскопический поток впечатлений, который должен быть организован нашим сознанием, а это значит в основном языковой системой, хранящейся в нашем сознании» [9, 174]. Язык призывает нас что-то замечать, фиксировать в сознании в виде отдельного слова, а что-то не замечать, игнорировать как менее важное и ценное, выстраивая таким образом определённую иерархию явлений по степени их важности и ценности. В связи с этим образ единого мира, одного для всех живущих на земле, должен иметь различия в разных языковых отражениях.

ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

Диалог культур может выступать как примиряющий фактор, предупреждающий возникновение войн и конфликтов. Он может снимать напряженность, создавать обстановку доверия и взаимного уважения. Понятие диалога особенно актуально для современной культуры. Рубеж XX и XXI веков – это период глобальных инноваций и проектов во всех сферах жизни человеческого общества, в том числе и в культуре.

Проблемами диалога занимались древнегреческие философы – софисты, Сократ, Платон, Аристотель, философы эпохи эллинизма. Диалоговое пространство было ими создано на основе духовной культуры, основанное на признании плюрализма мнений, равноправия точек зрения, признании общечеловеческих принципов, свободы и ценности личности и общества в целом. В средние века диалог использовался преимущественно в нравственных целях.

Хотя диалог, как форма межчеловеческого общения существует с очень дальних времен, но по-настоящему проблемами диалогических отношений занялись немецкие философы И. Кант, И. Фихте, Ф. Шеллинг около 200 лет назад, когда они занимались проблемами субъекта и его познающих возможностей, субъективных и межсубъективных отношений. Далее, развивая идеи Фихте об инаковости и взаимообусловленности «я» и «другого» Л. Фейербах дает начало исследованию диалога начала XX века.

ОБСУЖДЕНИЕ И РЕЗУЛЬТАТЫ

Язык способен аккумулировать опыт и передавать культурные ценности от одного поколения к другому, что находит отражение в языковой картине мира –

зафиксированной в языке (в лексике и грамматике) специфичной для данного языкового коллектива особой схеме восприятия действительности, в которой выражаемые значения складываются в единую систему взглядов – своего рода коллективную философию. «Человек, как носитель культуры, не может воспринимать мир абсолютно объективно, поэтому язык, являясь инструментом оценивания», обладает возможностью фиксировать не только объективную картину мира, но и запечатлеть субъективное видение мира человеком [2,71]. Например, такие русские слова, как *доносчик*, *ябеда*, *фискал*, *стукач* и др., не только сообщают о том, что именно делают люди, получившие такую номинацию в языке, но и указывают на то, что данные действия оцениваются обществом отрицательно: «нехорошо передавать негативную информацию о ком-либо третьим лицам». Такая оценка далеко не универсальна.

Известно, что в некоторых культурах стран Западной Европы передавать информацию о каких-либо нарушениях в полицию и другие органы правопорядка считается правильным, полезным для общества, и оценивается положительно. В русской культуре исторически сложилось отрицательное отношение к доносите́льству, что и нашло отражение в лексической семантике слов этого ряда. Выявлению различий, которые связаны с существованием специфических для каждой культуры способов кодирования культурных феноменов, способствует межкультурное общение.

Приведём некоторые из «заповедей» русской наивно-языковой этики:

«нехорошо преследовать узкокорыстные интересы» (*домогаться, льстить, сулить*); «нехорошо вторгаться в частную жизнь других людей» (*подслушивать, подсматривать, любопытствовать*); «нехорошо унижать достоинство других людей» (*помыкать, насмехаться, глумиться*); «нехорошо забывать о своих чести и достоинстве» (*унижаться, пресмыкаться, угодничать*) [1,351].

Исходя из этих правил, можем декодировать ряд русских культурных ценностей. Некоторые из них (внутренний мир, человеческое достоинство, доброта, уважение к людям) представляются общими, в частности, с западноевропейской культурой, где так высоко ценится личное пространство (*privacy*). Важно выяснить ранжирование ценностей в разных культурах, степень их внутренней значимости, содержание в них специфического национально-культурного компонента, что особенно ярко проявляются при контакте культур.

Оценочный знак ценности может меняться в зависимости от того, какой взгляд фиксирует ценность: взгляд изнутри или взгляд извне. Рассмотрим несколько примеров. Преподавание русского языка как иностранного показывает, что студентами-иностранцами нередко отрицательно оцениваются герои некоторых русских народных сказок, например, Иванушка-дурачок, Емеля и другие персонажи, воспринимаемые русскими как положительные. Причина несовпадения оценок состоит в том, что в характере одних и тех же героев представители разных культур выделяют различные доминантные черты. Русские ценности *терпение, смирение, кротость, скромность* и др. нередко остаются вне поля зрения представителей западного типа ментальности, однако в славянском мире эти качества являются положительными (ср. восприятие фильма «Морозко» в разных странах).

В рамках русской культуры *русская прямота* и *откровенность* ценятся очень высоко. В толковых словарях *прямой* толкуется как ‘правдивый, откровенный, нелицемерный’ [СОШ]. Однако с позиций иной культуры эти качества далеко не всегда привлекательны. Основными задачами при описании значения слова считаем выявление дифференциальных семантических признаков, что обеспечивает диагностическую различительную силу толкований, и описание ассоциативных комплексов и коннотаций, актуализирующих «смысловые прибавки» к значению слова.

Национально-специфический культурный компонент в семантике слова особенно ярко обнаруживает себя именно при анализе ассоциативного ореола слов. Так, например, образ *болота* для русского человека связан с гниением, неприятным запахом, нечистой силой, застоем, косностью, что подтверждают примеры из Национального корпуса русского языка [НКРЯ]: ... *одна книжная мудрость, что смрадное болото; оно испаряется теориями и умозрениями, методами и системами, заражающими жизнь нравственным недугом – скукою; там ум как стоячая вода; из этого болота почерпается только мёртвая вода...* (И.А. Гончаров, Хорошо или дурно жить на свете, 1841); *Ведь я увёл науку в болото талмудической абстракции, оторвал её от практики* (Василий Гроссман, Жизнь и судьба, 1960); *Вон, какие люди были, а как скатились в болото оппозиции, как пошли не той дорожкой, то вон к чему и пришли!* (Ю.О. Домбровский, Факультет ненужных вещей, 1978); *Слово за слово – и всё, видимость спокойствия исчезает, и социальный базис, который хоть как-то скрепляет людей, превращается в бесформенную жижу – болото, в котором каждый тонет – или выплывает – как может* (Евгений Гусятинский, С кем

ты хочешь быть, 2011).

В Словаре В.И. Даля этот ассоциативный комплекс отражён лишь частично: *болото* – ‘не просыхающая грязь от родников или от натёка по рыхлой почве’: *В тихом болоте (омуте) черти водятся. Не ходи при болоте: чёрт уши обколотит* [3].

Словарь С.И. Ожегова и Н.Ю. Шведовой даёт толкование этого слова с учётом национально-культурного компонента: 1. Избыточно увлажнённый участок земли со стоячей водой и зыбкой поверхностью, заросший влаголюбивыми растениями. *Завязнуть в болоте*. 2. *Перен.* Общественная среда, находящаяся в состоянии застоя, косности. *Болото обывательщины*. 3. *Ед.* В старых народных представлениях: топь, трясина как место обитания нечистой силы. *Было бы болото, а черти найдутся* (посл.). *Иди ты в болото!* (грубое требование уйти). *Ну тебя в болото!* (прост) – выражение пренебрежения, нежелания видеть, считаться, иметь дело с кем-н. *Черти болотные* [СОШ].

Как видим, и данные словарей, и литературные примеры выявляют в русском слове *болото* исключительно негативные коннотации. Вместе с тем известно, что финский учёный Л. Хакулинен сравнивал финский язык с *болотом*, в котором, подобно попавшим в болото сучьям деревьев, веками сохраняются древние заимствования, т.е. болото для финнов не место тления и гниения, а своего рода хранилище, «хорошее» место, с которым можно сравнивать родной язык [6,128].

Таким образом, анализ этнокультурной семантики можно продолжить на примере зоонимов. Прямые значения русских слов *осёл* и *ишак* практически не различаются, но ассоциативный потенциал у них разный: если человека называют *ослом*, значит, считают, что он упрямый или глупый, но если человека называют *ишаком*, то предполагается, что он слишком много работает, причём труд этот подневольный. Такого рода дополнительная информация должна найти отражение в словарных толкованиях, поскольку она выводит на выявление национально-культурного компонента в значении языковых единиц. Словарные толкования названий животных нередко содержат научную информацию, не востребованную рядовым носителем языка и не способную дифференцировать в должной степени те или иные понятия. Сравним, например, словарные определения названий животных *лиса* и *волк*:

Лиса (лисица) – в первом значении ‘хищное млекопитающее семейства псовых с длинным пушистым хвостом, а также мех его’ [СОШ].

Волк – ‘хищное животное семейства псовых’ (здесь уже не говорится, что это млекопитающее) [СОШ].

Основываясь на этих дефинициях, мы можем ошибочно полагать, что волк отличается от лисы только отсутствием длинного пушистого хвоста. Однако наш опыт подсказывает нам, что это не так.

В русском языковом сознании *волк* обычно предстаёт как существо опасное, агрессивное, вечно голодное: *волчий оскал, волком смотреть, волком выть, волчий аппетит; злой как волк, голодный как волк; Волков бояться – в лес не ходить; С волками жить – по-волчьи выть* и т.п. Однако комплекс отрицательных характеристик не помешал волку стать официальным символом чемпионата мира по футболу 2018 года. В языке и культуре нет ничего однозначного. Волк в русской культуре воспринимается, кроме всего прочего, как свободолюбивое существо (*Как волка ни корми, а он всё равно в лес смотрит*), как животное, быстро передвигающееся (*Волка ноги кормят*), обладающее опытом и жизненной мудростью (*Старый морской волк*) и др. Возвращаясь к сравнению волка и лисы, заметим, что говорящие по-русски рядовые носители языка знают о *лисе* больше, чем представлено в словарях (‘хищное животное семейства псовых’). В речи актуализируются такие её признаки, как особенности внешнего облика (острая мордочка, нос своеобразной формы, цвет меха), ум, лукавство, хитрость: *лисья мордочка, лисье личико, лисий нос; лисий ум, лисья хитрость* и т.д.

ВЫВОДЫ

Коннотативная семантика – это целый комплекс «надстраивающихся» над лексической семантикой прагматических, символических, культурных, энциклопедических и других «созначений», актуализирующихся в особых, вторичных, поэтических, метафорических и других «непрямых» употреблении слов [8,289]. Исходя из этого, считаем, что лексикографическая интерпретация языкового образа мира в идеале должна также иметь национально-культурный отпечаток. Но зачастую феномены действительности получают в толковых словарях разных языков одну и ту же трактовку, поскольку традиционные толковые словари, как правило, ориентируются не на языковую картину мира, а на научную.

Как показывает практика, учёт «своего» и «чужого» в национально-культурной семантике – важный момент оптимизации обучения русскому языку как иностранному, на что неоднократно обращали внимание методисты [4, 69].

Представители разных культурно-языковых сообществ не всегда осознают несовпадение в структуре восприятия одних и тех же феноменов культуры, но различия в оценке заметны сразу и могут явиться источником коммуникативных неудач и межкультурных конфликтов. Именно поэтому несовпадение ценностных установок представителей разных языков и культур необходимо учитывать в процессе преподавания русского языка как иностранного [3].

Выявление этнокультурной специфики в способе познания мира разными народами помогает ответить на вопрос, каким образом человек смотрит на мир, как опознаёт его объекты и включает их в светлую зону сознания, подвергая их категоризации.

REFERENCES

1. Апресян Ю.Д. Избранные труды в 2-х тт. Т.1. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. М.: Языки русской культуры, 1995. 472 с.
2. Богданова Л.И. Культурные ценности: код культуры // Русский язык и культура в зеркале перевода. 2017. №1. С.70–78.
3. Гизатулина Ольга Ивановна. Формирование мотивации к изучению русского языка студентами Вузов // Academic research in educational sciences. 2022. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/formirovanie-motivatsii-k-izucheniyu-russkogo-yazyka-studentami-vuzov> (дата обращения: 11.06.2022).
4. Даль В. И. Толковый словарь живого великорусского языка: в 4-х тт. М.: Русский язык, 1999. Т. 1. 699 с.
5. Методика включённого обучения русскому языку как иностранному: коллективная монография / отв. ред. Йоханна Виймаранта, Л.Г. Громова. Тверь: Твер. гос. ун-т, 2018. 395 с.
6. НКРЯ – Национальный корпус русского языка [Электронный ресурс]. URL: <http://www.ruscorpora.ru> Дата обращения: 09.06.2022.
7. Сабитова З.К. Лингвокультурология. М.: Флинта: Наука, 2015. 528 с.
8. СОШ – Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка. М.: Азбуковник, 1999. 944с.
9. Толстой Н. И. Язык и народная культура. Очерки по славянской мифологии и этнолингвистике. М.: Индрик, 1995. 510с.
10. Уорф Б.Л. Наука и языкознание // Новое в лингвистике. Вып. I. М.: Изд. Иностранной литературы, 1960. С.169–182.
9. Tolstoy N. I. Language and folk culture. Essays on Slavic mythology and ethnolinguistics. M.: Indrik, 1995. 510s.
10. Wharf B.L. Science and linguistics // New in Linguistics. Issue I. M.: Ed. Foreign Literature, 1960. pp.169–182.

TURKISTON O'LKASIDAGI ISTIQLOLCHILIK HARAKATI TAFSILOTLARI SABABLARI VA OQIBATLARI

Noila Xasan qizi Ashirova

Chirchiq davlat pedagogika instituti talabasi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada XX asr boshlarida sovet askarlariga va sovet tuzumiga qarshi kurashgan Turkistondagi haqiqiy mujohid o'g'lonlar va ularning qo'llariga qurol olib toptalgan haq huquqlari, din-u diyonatlari uchun kurashganlari tasvirlanadi. Madaminbek va Shermuhammadbekning bosqinchi qizil askarlarga kurashish yo'lida ko'rsatgan jasoratlari, ularning bu mardliklarini hatto sovet xodimlari va askarlari ham e'tirof etganlari, ammo, harakatga bir yoqlama baho berilganligi, tarixiy hujjatlarga o'zgartirish kiritilganligi ularni istiqloqlar, mujohidlar emas "bosmachilar" deya nomunosib nom bilan ataganliklari haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: Qizil askarlarga qarshi istiqloqlilik kurashi, Farg'ona muvaqqat muhtor hukumati, Madaminbek Ahmadbek o'g'li va Shermuhammadbekning shaxsiyati, sovet askarlari bilan bo'lgan munozaralar, Amir al- muslimin.

KIRISH

Sovet davrida bolsheviklarga qarshi qurol ko'targan turkistonlik o'g'lonlarga "Bosmachi" laqabi qo'yilib, ularning faoliyatini o'rganish taqiqlangan edi. "Tarixni g'olib yozadi" degan tamoyilga asoslanib, sho'rolar davrida tarix biryoqlama yozilib, mag'lubiyatlar tarixi soxtalashtirildi. Biroq yaqin o'tmishda istiqloql uchun kurashgan sarkardalar, lashkarboshilar, askarlarni, go'yo oyni etak bilan berkitib bo'lmaydi, deb tarixdan o'chirib tashlab bo'lmaydi. Bugungi maqolamizda XX-asrning birinchi choragida sho'rolarga qarshi qurol olib, o'z xalqi ozodligi uchun kurashgan marg'ilonlik Madaminbek Qo'rboshi va Shermuhammadbeklar haqida ma'lumot beramiz.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Tarixiy manbalarda Turkiston o'lkasi xalqlarining sovetlar bosqiniga qarshi milliy ozodlik va istiqloqlilik harakatining boshlanish va uni davrlashtirish bo'yicha har xil fikr-xulosalar ilgari surildi. Jumladan, sovetlar tarixshunosligida o'lkamiz xalqlarining ozodlik va milliy mustaqillik uchun kurashi davrini ko'r-ko'rona grajdanlar urushi davri deb qaraldi, Rossiyadagi fuqarolar urushi davridan aynan ko'chirib olindi va

1918–1920-yillar bilan belgilandi. Holbuki, bu tarixiy haqiqatga mutlaqo to‘g‘ri kelmaydi. Bolsheviklar va so‘l eserlar musulmon aholining o‘lkani boshqarishdagi qonuniy huquqini inkor qilib, hokmimiyat to‘g‘risidagi masalani kelishib hal qilish imkoniyatini yo‘qqa chiqardi va shu bilan Turkiston siyosiy hayotida milliy va demokratik kuchlarning kelgusida muholifatga o‘tishini oldindan muqarrar qilib qo‘ydi. Har ikkala tomondan bu qirg‘inbarot jangda qancha kishi qatnashdi degan savolga manbalarda turlicha raqamlar keltiriladi. Jumladan, sovet tarixchilari asarlarida bu raqam 6 mingdan 60 minggacha deb tilga olinadi. “

Engliz olimi R.Frezer 1922-yil noyabrda Turkistonda 100 ming kishilik sovet askarlariga qarshi 60 ming istiqloqchi kurashgan deb yozadi. 1919-yil, 22-oktabrda istiqloq uchun kurash harakati kuchlarini tiklash va uni yanada mustahkamlash maqsadida Ergashtomda qo‘rboshilar qurultoyi chaqirildi. Madaminbek Farg‘ona vodiysida sovet hukumati organlariga muqobil bo‘lgan siyosiy boshqarish tizimini joriy etdi. «U bizning rahbarlikdagi kamchilik va xatolarimizdan mohirona foydalandi, unda o‘z «boshqarish apparati, o‘z tribunali, o‘z «genshtabi» bor edi, u qonunlar chiqardi», – deb ta‘kidlangan edi uning dushmanlaridan biri bo‘lgan Gromatovich. Madaminbek istiqloqchilar qo‘shiniga yagona, uyushgan harbiy qo‘shilma tusini berdi, uning askarlari orasida kuchli harbiy intizom bor edi. Madaminbek askarlari tinch aholini talovchilar va bosqinchilarni o‘zlari ushlab, qattiq jazoladilar. Madaminbek Skobolev shahridagi sobiq gimnaziya maktabi yon-boshidagi katta butxonaning maydonida istiqloqchi kuchlarni to‘playdi, baland minbarga chiqib xaloyiqqa qarata nutq so‘zlaydi. Toshkentga borib sovetlar vakillari bilan so‘zlashib, sulh haqida shartnoma tuz-ganligini, uning mazmunini eshittirish uchun xalqni bu joyga to‘plan-ganini aytadi. U xalqqa qarata shunday deb murojaat qiladi: «...Ey birodarlar! Ey xaloyiq! Bilingizlarki mulk ollohni mulkidur, isto-g‘onida olur, xohlaganig‘a berur. Ma‘lumlaringizdurki Nikolay taxtidan tushdi. O‘rnig‘a inqilob hukumati qurildi. Bu hukumatning millatlarga berg‘on salohiyati va huquqidan foydalanibsiz, hammamiz qurol boshig‘a soruldik, hammamiz bir yoqadan bosh chiqarduk, siz raiyatni yordami bilan, nafaqasi bilan, millatparvar ziyolilarimiz rahbarligi bilan bizlar maydonga chiqduk. Parvardigorimizni lutf va inoyati bilan jihodimizda muvaffaq bo‘lduk, allohga shukr, sizlarga tashakkur ey millat, alloh taolo ham-mangizdan, hammamizdan rozi bo‘lsin, omin. Ey birodarlar! Bizlar maqdurimizni xarjlab ruslar bilan ko‘p zamonlar muzokara qilduk. Bizni talablarimiz, da‘volarimiz, to‘kkan qonlarimiz, berg‘on qurbonlarimizni oqibatida ruslar ila oramizda bir ittifoq tuzildi. Ittifoqnomani matnlari shulardir: Turkistonda bugundan e‘tiboran milliy muxtoriyat davri bosh-lanib, hukumat ishlari ruslar va

musulmonlar o'rtasida mushtarak idora qilinadur. Mulkiy, askariy, moliyaviy, maorif, adliya, amniyat, sanoat, ziroat, tijorat va shularga o'xshagan davlat ishlari ikki tarafni ishtiroki bilan idora qilinadur. Ey musulmon birodarlar! Bizlar moddiy-ma'naviy kelturg'on yutuq bu qadar bo'ldi. Kelajakda ziyoda huquqlarimizga ega bo'li-shimiz biz musulmonlarni, biz Turkistonlik millatchilarimizni ittifo-qimiz va e'tiqodimizga bog'liqdur. Tavfiq olloh taolodandur. Birodarlar! Shundoq ittifoq qilindi. Iloha oqibat baxti obod...» “

Madaminbekning bu otashin nutqini yig'in ahli gurullab, mislsiz ko'tarinki ruh bilan: «Xudo xayringizni bersun Bek! Xudo ofatdan saqlasun, o'zi asrasun, Alloh murodingizni bersun!» degan xitob va ovozar bilan ma'qulladi. Ammo ayyorlik va makkorlikni kasb qilib olgan sovet hukumati Madaminbekni aldab tuzilgan bitim shartlarini bajarmaydi va u qog'ozda qolib ketdi. Buning asosiy aybdorlari V. Kuybishev va M.V.Frunzelar edi. V.Kuybishev ikki o'rtada tuzilgan bitim shartlarini qoralab bunday degan edi: «U (ya'ni bitim – mualliflar) shu hoida siyosiy sohada ham, harbiy sohada ham yomon oqibatlarga olib kelishi mumkin... Birinchi bandi bizni Farg'onada va hatto Turkistonda fuqarolar orasida olib borajak ishlarimizni cheklab qo'yadi va Sovet hokimiyatiga yot bo'lgan mezonlarga amal qilishga majbur etadi». Shu boisdan u bitim matnini qaytadan tuzishni talab qiladi. Shunday qilish kerakki, deydi V.Kuybishev: «Madaminni asta-sekin shashtidan tushirib, uni bir oddiy itoat etuvchi kishi darajasiga keltirib qo'yish», lozim. Ana shu g'oyadan kelib chiqib Farg'ona viloyat partiya qo'mitasi maxsus qaror qabul qildi. Mazkur qarorda quyidagi jummalarni o'qiyimiz: «Turkiston Kompartiyasi o'lka komitetidan va Turkfront Harbiy Inqilobiy Kengashidan Madamin bilan tuzilgan yarash bitimi matnining kirish qismi va 5-bandidan boshqa hammasini bekor qilish so'ralsin, chunki u viloyat komiteti va Harbiy Inqilobiy Kengashining ba'zi a'zolari fikricha, siyosiy jihatdan noto'g'ridir».

Madaminbekka qarashli bo'lgan vatanparvar kuchlar 2-Turkiston o'qchi diviziyasi tarkibiga kiritildi. Ammo oradan ko'p vaqt o'tmasdan ular tarqatib yuborildi. Chunki o'z ixtiyori bilan sovetlarga bo'yin ekkan vatanparvarlarga ishonchsizlik bildiriladi. Mening kelishuvimning eng muhim shartlari: armiyam men bilan bo'lishi va mensiz hech qaerga yuborilmasligi kerak. Agar mobodo Farg'ona chegarasiga hujum qilsa, men darhol o'z yigitlarim bilan vatanimni himoya qilishga kirishaman". Qo'rboshi taslim bo'lsa-da, bolsheviklar undan qo'rqishdi. 1920-yil 9-aprelda qizillar Madaminbekni o'ldirib, uni jismonan yo'q qildilar. Qo'rboshi taqdiri haqida tarixiy manbalarda qarama-qarshi ma'lumotlar keltirilgan. Xususan, sovet davri adabiyotida Madaminbek Shermuhammadbek buyrug'i bilan Xolxo'ja tomonidan "sotqin"

sifatida otib tashlanganligi qayd etilgan. Ingliz tarixchisi Glenda Freyzer o'zining "Bosmachilar" kitobida shunday yozadi: "Madaminbek Shermuhammadbek tinchlikparvarlik missiyasiga jo'natilgan. Shermuhammadbek 14-may kuni Madaminni ayg'oqchi sifatida otadi. Biroq, bu qarashlar hech qanday dalilga asoslanmagan.

Turk tarixchisi Ali Bodomchi o'zining ikki yillik "Qurboshilar" asarida yozilishicha, Madaminbek Xolxo'ja tomonidan o'ldirilmagan. Turk tarixchisi ham qurbonni Shermuhammadbek o'ldirganini rad etadi. Shermuhammadbek o'z xotiralarida Madaminbekning qotilligi haqida shunday yozadi: "Muhammad Aminbekning vafot etganini kech eshitdim", deb eslaydi Shermuhammadbek. Biz buni Karboboga qaytganimizdagina bildik. Jang paytida men uni ko'rmadim. Chunki biz hayot-mamot jangida edik. Xolxo'ja Muhammad Aminbekni qo'lga olib, Soib qori va Lutfullo Maxdunga topshiradi. Ular qo'rboshini o'ldirib, Buxoroga qochib ketishdi. Muhammad Aminbekni men yoki Xolxo'ja o'ldirgan degan fikr ruslar tomonidan bizga qarshi olib borilgan tashviqot edi".

XULOSALAR

Madaminbekni Shermuhammadbek o'ldirgan deya aytilgan fikrlar hech qanday dalillarga suyanmaydi. Turk tarixchisi Ali bodomchining yozishicha Madaminbekni ruslarga sotilgan Soib qori va Lutfullo mahdum amalga oshirgan. Ular Madaminbekni o'ldirib Buxoroga qochib ketishgan. Madaminbek Ahmadbek o'g'li nafaqat bolsheviklar balki har qanday dushman oldida bo'yin egishni istamagan Turkistonning mard o'g'loni yurt ozodligi va istiqloli uchun kurashib, qurbon bo'ldi. Qo'rboshining qabri hozirgi Qirg'ziston Respublikasi hududida, Oloy vohasidagi Shig'ay qishlog'idadir. Bu manzil XX asrning 20-yillaridan boshlab o'zbek, qirg'iz va boshqa turkiy xalqlarning ziyoratgohiga aylangan. Marmartoshda "Turing begim' gunohlarni yuvaylik, bosqinchini Ona yurtdan quvaylik!" degan she'riy bitik lotin imlosida o'zbek tilida o'yib yozilgan.

She'riy matn ostida qilichning rasmi aks etgan. Shermuhammadbek esa o'z yurtini qizil askarlardan ozod qilishda o'z hamrohlari bilan Madaminbekning yo'lini davom ettirib o'tdi. Istiqlolchi harakati 1920-1924-yillarda Buxoro va Xorazm respublikalarida ham avj oldi. Buxoroda Ibrohimbek, Mulla Abduqahhor, Davlatmandbek, Anvar posho, Jabborbek kabi qo'rboshi va yo'lboshchilar, Xorazmda Qurbon Mamed Sardor Junaidxon, Madrayimboy, Sa'dulla bola, Shokir bola, Mavlonbek kabilar.

REFERENCES

1. Rajabova. R O'zbekiston tarixi. 1917-1993 yillar
2. Rajabov Q. Haydarov .M Turkiston tarixi
3. Rajabov Q. Farg'ona vodiysida istiqloqlilik harakati:mohiyati va asosiy rivojlanish bosqichlari (1918-1924) T.f.n,ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya-T:1994,34 bet
4. R.Shamsiddinov .Sh.Karimov Vatan tarixi
5. M.Aliboyev "XX asr boshlarida milliy ozodlik jarayonlari(Farg'ona vodiysi misolida)" mavzusidagi bitiruv malakaviy ishi 2016 y.
6. O'zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida. "Sharq"nashriyoti: 195 bet.
7. O'zbekiston tarixi. T.,"O'AJBNT" Markazi, 2003
8. M .Hasaniy. "Turkiston bosqini" Toshkent-"Nur"-1992 yil
9. B.Eshov. "O'zbekiston davlatchiligi va boshqaruvi tarixi".



ТАЛАБАЛАРДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ-ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Лола Кузибаевна Наримбаева

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мақолада талабаларда интеллект ва ижодий қобилиятни ривожлантиришга қаратилган замонавий технологиялар келтирилган. Шунингдек, мактабгача педагогика ўқув модулини ўқитишда қўлланиш мумкин бўлган технологиялар асосида дарс ишланмалари баён этилган.

Калит сўзлар: технология, интеллект, шахс, қизиқиш, тизим, негиз, имиж, компетенция, тарихий маълумот, тарбия, тарбиячи, мотивация.

ABSTRACT

The article presents modern technologies aimed at developing students' intelligence and creative abilities. It also describes the development of lessons based on technologies that can be used in teaching preschool pedagogy module.

Keywords: technology, intellect, personality, interest, system, foundation, image, competence, historical information, education, educator, motivation.

КИРИШ

Талабаларда интеллектуал-ижодий қобилиятни ривожлантиришда замонавий таълим технологияларига бўлган эҳтиёж мавжудлиги асословчи тажриба-синовда ўз тасдиғини топди. Таълим технологиялар бўйича илмий-методик тавсияларни келтиришдан аввал унинг ўқув жараёнидаги инъикосига оид назарий маълумотларни келтириб ўтиш жоиз деб билдик. Замонавий технологиялар нафақат таълим мазмунини ривожлантириш, балки талабаларни интеллектуал-ижодий қобилиятини ривожлантиришда қўл келади.

Сўнгги йилларда олий таълим жараёнида ривожлантирувчи, муаммоли, ҳамкорликдаги, дастурли, блок-модулли, шахсга йўналтирилган, ўйинли ва ахборот технологиялар кенг қўллаб келинмоқда. Ҳар қандай таълим технологияси узлуксиз таълимнинг қайси бўғинида қўлланмасин, унинг марказида таълим олувчи шахси ва унинг қизиқишлари, эҳтиёжлари қўзда тутилиши керак. Шунингдек, интеллект ва ижодий қобилиятни ривожлантирувчи таълим технологиялари тизимлаштирилди. Ушбу технологияларнинг мақсади



талабаларда касбий салоҳият ва педагогик тайёргарликни шакллантириш, келажак фаолияти ҳақидаги тасаввурларни мустаҳкамлаш, ўз-ўзини ривожлантириш ҳамда шахсий сифатларини тарбиялашдан иборат.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Талабаларда ижодий қобилиятни ривожлантириш олий таълим жараёнидаги долзарб масала саналади. Талабаларни кутилмаган педагогик вазиятларда билим ва кўникмаларни қўллай олишга касбий ва кундалик масалаларни ҳал қилишга тайёрлаш олий таълим жаранидаги асосий вазифалардан биридир. Талабада педагогик вазиятларда энг мақбул усулни танлай олиш кўникмасини шакллантириш орқали унинг ижодий ривожланишига эришилади. “Ижодкорлик” ва “Ижодий қобилият” тушунчалари ўртасидаги муносабат, шунингдек талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш борасида қатор олимлар изланиш олиб борган. Қадимги юнон олимлари Платон, Аристотел, Августин ижодийлик тушунчасини тадқиқ этган. Шунингдек, Ж.Бруно, Б.Спиноза, И. Кант, С. Рубинштейн, Г. Уоллес ва бошқаларнинг асарларида ҳам ўз аксини топган.

Турли даврларнинг вакиллари ижодкорликни фалсафий категория сифатида ифодалаган. П.К. Энгелмеер “ижод назарияси”, Н.А.Бердяев “эркинлик фалсафаси” ва “яратилиш маъноси, А. Либьер “ижод фалсафаси” ва бошқалар.

Д. Б. Элкониннинг таъкидлашича, ижод ўзаро боғлиқ қобилиятларнинг бир бутун тизими элементларни: тасаввур, ассоциативлик, фантазия, хаёлпарастликни ўзида мужассамлаштирган қобилиятдир. Шахсий фаолиятнинг энг юқори шакли сифатида ижод узоқ тайёргарлик, донолик, ижтимоий интеллектнинг юқори даражада бўлишини тақозо қилади.

Швейцариялик психолог Ж.Пиаже интеллектнинг куйидаги рвиожланиш босқичларига ажратади:

1. Сенсомотор интеллекти (туғилишдан то 2 ёшгача).
2. Операциялардан илгариги тафаккур даври (2 ёшдан 7 ёшгача).
3. Конкрет (яққол) операциялар (ақлий ҳаракатлар) даври (7-8 ёшдан 11-12 ёшгача).
4. Формал (расмий) операциялар (ақлий ҳаракатларни амалга ошириш) даври [8].

Талабаларни ақлан зукко, креатив қобилиятли, изланувчан, мустақил мулоҳаза юритувчи малакали мутахассис сифатида тайёрлаш учун қулай педагогик-

психологик шарт-шароит ва имконият яратиш, махсус ташкил этилган, давр талабларига жавоб берувчи ўқув-тарбиявий жараёни олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Э.П.Торрансе ижодийлик мезонларини аниқлаган, унинг фикрича “биринчи мезон- ностандартлик ижодий қобилият ва оригиналлик билан ўхшаш бўлиб, ўзига хосликка нисбатан кенгроқ тушунчадир. Иккинчи мезон - англашганликдир. Бунда талаба томонидан муаммо ечимининг англашганлиги назарда тутилади” [3]. Маълумки психология фанида шахсда интеллектни аниқлашга қаратилган тестлар ўтказилади. Интеллектуал тест шахсдан конвергент тафаккурни талаб қилади, креатив эса дивергент тафаккурни талаб этади.

Ненси Кантор, Джон Килстром психология фанига академик интеллектдан ташқари ижтимоий интеллект тушунчасини киритган. Ижтимоий интеллект- бу шахснинг маълум ижтимоий вазиятларни тушуниб етиши ва уни енгиб ўтишидир [7:41-бет]. Талабаларда ҳам ижтимоий интеллектни ривожлантириш педагогик фаолиятини самарали ташкил этишига асос бўлади. Чунки педагог-тарбиячилар ота-оналар, турли ташкилот мутахасислари, энг муҳими тарбияланувчилар билан муносабатда бўлади. Ушбу жараёнда улардан ижтимоий интеллект тақозо этилади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Тажриба-синов даврида технологиялар негизда 1-2 босқич талабаларини касбий фаолиятга тайёрлаш бўйича бир неча вазифалар амалга оширилди:

- ўқув-тарбиявий фаолиятни ташкил этиш бўйича кўникмалар шакллантирилди;

- педагогик имиж ва педагогик маҳорат сифатлари ривожлантирилди;

- ижодий тўғараклар олиб борилди;

- “Мактабгача таълим лабораторияси”да амалий машғулот ва тажрибалар амалга оширилди.

Тадқиқотимиз жараёнида “Мактабгача педагогика” фани мавзулари асосида дарс машғулотларини олиб боришда қўлланадиган технологиялар амалиётга жорий этилди. Тажриба-синов дастурида 1 ва 2-босқич талабалари билан “Ўзбекистонда мактабгача педагогиканинг вужудга келиши”, “Мактабгача педагогиканинг асослари.”, “Мактабгача таълим ёшдаги болалар тарбияси”, “Мактабгача таълим ёшидаги болалар ривожланишига таъсир этувчи омиллар”



“Мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиш соҳалари”, “Касбий компетенция”, “Мураббийлик ва тарбиячилик касби ва унинг жамиятда тутган ўрни” Педагогик жараёни режалаштириш”, “Тарбиянинг ижтимоий ҳодиса ва педагогик жараён сифатида”, “Методик ишларга раҳбарлик қилиш” мавзулари танлаб олинди. Таълимий фаолиятда метод ва технологиялардан тизимли фойдаланиш, олдиндан белгиланган мақсадларга эришишни кафолатлайди.

1-босқич талабалари билан “Ўзбекистонда мактабгача таълимнинг вужудга келиши” мавзуси “Динамик ўзгаришлар” технологияси орқали олиб борилди.

Дарсинг мақсади: Талабаларни мамлакатимиздаги мактабгача таълимнинг юзага келиши тарихи ва тараққиёти борасидаги билим ва маълумотларни ўзлаштиради.

Керакли жиҳозлар: компьютер, проектор, тарқатма материаллар, маркер, ватман қоғоз, скоч.

1-қадам. Талабалар мавзу ва унинг мақсади билан таништирилади.

2-қадам. Талабаларга қуйидаги тарқатмалар берилди. Тарқатма асосида чизмани тўлдиради.

1917-йилгача Туркистон ўлкасида мактабгача таълим муассасалари бўлмаган. 1917- йилдаги жамиятдаги туб ижтимоий ўзгаришлар натижасида болалар боғчалари ва яслилар пайдо бўла бошлади. Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида турли вақтларда давлат томонидан алоҳида қурилган биноларда эмас, аксинча мослаштирилган биноларда мактабгача таълим муассасалари очилди. Тошкентда **биринчи** болалар боғчаси 1918-йилда “ эски шаҳар” даҳасида очилди. У ерда тўртта болалар боғчаси очилган. Биринчи боғча Шайхонтохур туманида очилган бўлиб мудираси А Хасанова, Маҳсума Қориева тарбиячиллик қилган. Кейинчалик у актриса бўлиб кетган. Унинг ўрнига Робиға Абдурашидова тарбиячи бўлиб ишлаган. **Иккинчи** болалар боғчаси “Хўжа” кўчасида очилган, бу боғчага Анвара Агушева мудирлик қилган. **Учинчи** болалар боғчаси “Кўкча” даҳасида “лангар” кўчасида очилган. **Тўртинчи** болалар боғчаси, “Беш-ёғоч” даҳасида очилган бўлиб, унга эркак ўқитувчи М.Қодирхонов мудирлик қилган.

Шу вақтнинг ўзида Тошкентнинг “Янги шаҳар” қисмида ҳам бир неча болалар боғчаси ишлай бошлади. 1919-йилда Самарқанд ва Фарғонада, 1920-йилда Хива ва Бухоро, 1926-йилда Андижонда ҳам мактабгача таълим муассасалари очилган. 1938-1939 йилларда Ўзбекистонда 13 та метод кабинет очилган бўлиб,

улар тарбиячиларга ёрдам тариқасида консултациялар олиб борилган. 1939-1940 йилларда вилоятларда ҳам метод кабинетлар иш юрита бошлашди.

3-қадам. Талабалар янги мавзу бўйича маълумотларни қуйида келтирилган чизма асосида ёритиб беришлари таклиф этилади. Вақт белгиланади (15-20 дақиқа). Қуйидаги чизма ҳар бир талабага тарқатилади.



4-қадам. Талабалар тўлдирилган чизмани жуфтликда таҳлил қилади.

5-қадам. Жуфтликлардан кичик гуруҳлар шакллантирилиб, барча маълумотлар умумлаштирилади.

6-қадам. Энг муҳим маълумотлар сараланади. Гуруҳнинг умумий хулосалари ватман қоғозда баён этилади.

7-қадам. Кичик гуруҳлар тақдироти ўтказилади ва ўқитувчи билан ҳамкорликда умумий хулоса чиқарилади.

8-қадам. Мактабгача таълим соҳасидаги ислохотларга оид видеолавҳа намойиш этилади.

9-қадам. Талабалар видеолавҳани таҳлил қилади ва ўз муносабатини билдиради.

10-қадам. Фаол талабалар рағбатлантирилади. **Уйга вазифа** “Мактабгача таълим бугун ва эртага ” мавзусида эссе ёзиш.

Юқорида келтирилган технологиялар талабаларда нафақат интеллектуал-ижодий қобилият балки касбий мотивацияни ҳам шакллантириш имкониятини беради.

ХУЛОСА

Интеллектуал қобилиятлар - бу шахснинг таъсирчанлиги, предметни идрок қилишининг кучлилиги ва

яхлитлиги, у тўғрисида кенг маълумотларга эга бўлишдир. Шуниндек, тафаккур ўзгарувчанлиги ва тезкорлиги (тез, хилма-хил, ўзига хос), мантиқий ва саводли мулоҳаза юритиш, тизимли ҳаракатлар, синтез-тахлил-синтез, ижодий ифодалай билиш, умумлаштириш ва хулосалаш, ўз фикрига эга бўлиш билан намоён бўлади. Талабаларда интеллектуал-ижодий қобилиятни ривожлантиришда таълимнинг амалий ва назарий шакллари инновацион дидактик методларни қўллаш орқали амалга оширилади натижада замонавий малакали шахсни шакллантиришга эришилади.

REFERENCES

1. Гогоберидзе А.Г., Солнцевой О.В. Дошкольная педагогика с основами методик воспитания и обучения. Учебник для вузов. 2-е изд. СПб.: Питер, 2016.-464 с.
2. Дошкольное образование. Практикум по дисциплинам профессионального учебного цикла: учеб. пособие для вузов/под. ред. О.М. Газиной, В.И. Яшиной. - 2-е изд., испр и доп. - М.: Издательство Юрайт, 2018.-111 с.
3. Ильин Е.П. Психология творчества критичности одаренности. Питер.: 2001-448 с
4. Козлова С.А., Куликова Т.А. Дошкольная педагогика: Учеб. пособие для студ. сред. пед. учеб. заведений. - 3-е изд., исправ. и доп. - М.: Издательский центр «Академия», 2001. - 416 с.
5. Қодирова Ф.Р., Қодирова Р.М. Мактабгача таълим концепцияси. Т.: Фан ва технология, 2011-101 б.
6. Қодирова Ф.Р., Гошпўлатова Ш.Қ, Қаюмова Н.М., Н.Аъзамова Мактабгача педагогика. Дарслик. Т.: Тафаккур нашриёти, 2019- 688 б.
7. Майер Д. Интуиция. Питер.: 2018- 256 с.
8. Пиаже Ж. Психология интеллекта. Питер.: 2003.-192 с

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЎЗЛАШТИРГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ ДИАГНОСТИКАСИ

Онахон Маннаповна Жабборова

Тошкет вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти (PhD)

Динорахон Турғунбой қизи Сапарбаева

Тошкет вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси

АННОТАЦИЯ

Мақолада бошланғич синф ўқувчиларининг ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш диагностикаси хусусиятлари тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: таълим, бошланғич, ўқувчи, ўзлаштириш, диагностика, билим, кўникма.

КИРИШ

Ўзбекистон халқ таълимини ривожлантириш бўйича Миллий дастурида бошланғич таълимни ривожлантириш ва унда ўқувчиларнинг сифатли таълим олишини таъминлаш вазифалари қўйилган [1]. Мазкур вазифаларнинг ижросини таъминлаш жараёнида бошланғич таълим муаммоларини илмий, назарий ва методологик жиҳатдан тадқиқ этиб бориш тақозо этилади. Тадқиқотларнинг хулосалари асосида бошланғич таълимни ривожлантиришнинг янги йўналишлари ва мезонлари белгиланади. Шу жиҳатдан бошланғич синф ўқувчиларининг ўзлаштирганлик даражасини *диагностика* қилиш масаласини илмий тадқиқ этиб бориш ва бу борада янгича ёндашувни ишлаб чиқиш долзарб бўлиб турибди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

“Диагностика” атамаси лотинча бўлиб, унинг маъноси “ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштиришлари ва тарбияланганлик даражасини ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил қилиш асосида хулосалар чиқариш, баҳолаш ва янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар бериш” демакдир [2]. Дикқат қилинса, диагностика масаласида қуйидагилар муҳим ўрин тутди:

- ўқувчиларнинг олган билимлари даражасини аниқлаш;
- ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини ўрганиш;
- мазкур йўналишлар бўйича олинган маълумотларни

таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш;

- келинган ҳулосалар асосида ўқувчиларнинг билим ва тарбияланганлик даражасини баҳолаш;

- баҳолашнинг натижалари асосида ўқувчиларнинг билим ва тарбияланганлик даражасини ривожлантиришга оид тавсияларни ишлаб чиқиш.

Шу сабабли диагностика атамаси аниқлаш, ўрганиш, ҳулоса чиқариш, баҳолаш ва тавсиялар бериш тушунчалари асосида Педагогика назарияси ва амалиётининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида намоён бўлади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг билимларини ва тарбия асосларини ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш диагностикаси нисбатан ўзига хос *хусусиятларга* эга бўлади. Бу хусусиятларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. *Диагностика жараёнига қонуниятлар асосида ёндашиш.* Унга кўра, бошланғич синф ўқувчиларининг билим ва тарбияланганлик даражасини диагностика қилишда педагогик ҳамда психологик қонуниятларга қатъий асосланилади. Эътибор беринг:

а) асосий педагогик қонуниятлар:

- бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ва ақлий имкониятларини ҳисобга олиш;

- бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқларини устувор билиш;

- бошланғич синф ўқувчиларининг психофизиологик ва жисмоний жиҳатдан ривожланиш жараёнида эканлигини ҳисобга олиш ва ҳ.к.

б) асосий психологик қонуниятлар:

- бошланғич синф ўқувчиларининг руҳий ҳолати ва вазиятларини яхши билиш;

- бошланғич синф ўқувчиларининг руҳий кўникма ва малакаларини аниқ тасаввур қилиш;

- бошланғич синф ўқувчиларининг руҳий ривожланиш жараёнида эканлигини ҳисобга олиш ва ҳ.к.

Мана шу педагогик ва психологик қонуниятларга асосан бошланғич синф ўқувчиларининг билим ва тарбияланганлик даражасини диагностика қилиш бу ишнинг ўзига хос хусусиятларидан бирини белгилайди.

2. *Аниқ диагностик жараённи амалга ошириш.* Унга кўра, бошланғич синф ўқувчиларининг ўзлаштирганлик даражасини синфлар кесимида аниқ амалга ошириш ва бунда муносиб тавсияларни ишлаб чиқиш назарда тутилади. Шу жиҳатдан бошланғич синф ўқувчилари бўйича амалга ошириладиган диагностика ишлари қуйидагилар бўйича маълумотларни тўплайди:

- а) ўқувчиларнинг билим даражасини аниқлаш;
- б) ўқувчиларнинг тарбияланганлик кўникмасини аниқлаш;
- в) ўқувчиларнинг ўзлаштирган билим ва тарбия асосларини амалиётда қўллай олиш малакасини аниқлаш.

Бунда ўқувчиларнинг *билим даражасини* аниқлаш янги Миллий дастуримизнинг дастурига биноан, уларнинг аниқ, табиий ва гуманитар фанлар асосларини ўзлаштириш бўйича билимларига эътибор берилади. Мисол учун, “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” ўқув фани бўйича бошланғич синф ўқувчиларининг билим ва тарбияланганлик даражасини диагностика қилишда уларнинг онги ва ахлоқда фикрлаш ҳамда ахлоқий муносабатларнинг таркиб топганлигига эътибор қаратилади. Натижада бу борадаги диагностика кўрсаткичлари бошланғич синфлар кесими шаклида маълумотнома тарзида тайёрланади. Бошланғич синф ўқувчиларининг *тарбияланганлик кўникмасини* диагностика қилишда уларнинг ижтимоийлашганлиги, ахлоқий фазилатларни ўзлаштиришга киришганлиги ва фаолиятда ахлоқий муносабатлар меъёрларига амал қилиши масалаларига диққат қаратилади. Натижада бошланғич синф ўқувчиларининг тарбияланганлик даражаси ва ҳолати тўғрисида синфлар кесимида маълумотнома шакллантирилади. Бошланғич синф ўқувчиларининг ўзлаштирган билим ва тарбия асосларини амалиётда қўллай олиш *малакасини* диагностика қилишда уларнинг мустақил фикрлаши, хатти-харакати ва ўзгаларга муносабатига асосий эътибор қаратилади. Бунинг натижасида ҳар бир ўқувчининг малака даражаси тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлинади ва бу маълумотлар умумлаштирилиб, синфлар кесимида тайёрланади.

Эътибор берилса, бошланғич синф ўқувчиларининг билим, кўникма ва малака даражаларини диагностика қилишда умумий ўрта таълим мактаблари ўрта ва юқори синф ўқувчиларига нисбатан ўзига хос ёндашувлар асосида ҳаракат қилинади. Бунда бошланғич синф ўқувчиларининг билим, тарбия асослари ва уларни амалиётда қўллай олиш кўникмаларининг ривожланиш жараёни эканлигига бирламчи қонуният сифатида таянилади.

3. *Диагностик даражасин ривожлантириш бўйича тавсиялар.* Унга кўра, бошланғич синф ўқувчиларининг билим, кўникма ва малака даражаларини диагностикаси натижасида олинган маълумотларга таянган ҳолда мазкур даражаларни ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади ҳамда бошланғич таълимни амалга оширувчи масъулларга тақдим этилади. Бундай тавсияларни ишлаб чиқиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- a) ўқувчиларнинг билим даражасини аниқ, табиий ва гуманитар фанлар асосларини тенг ривожлантириш бўйича назарий тавсиялар;
- б) ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини ривожлантириш бўйича амалий тавсиялар;
- в) ўқувчиларнинг ўз билимлари ва тарбияланганлик асослари кўникмаларини амалиётда қўллай олиш малкасини ривожлантириш бўйича методик тавсиялар.

Диққат қилинса, бошланғич синф ўқувчиларида ўтказилган диагностика ишларининг натижасида мана шундай ривожлантириш тавсиялари ишлаб чиқилиши тақозо этилади. Бу тавсиялар назарий, амалий ва методик йўналишларда алоҳида тайёрланади ҳамда улардан фойдаланиш механизмлари белгилаб берилди.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ўзлаштирганлик даражасини диагностика қилиш ишлари мактаб Педагогик кенгаши ёки таълим муассасаларини бошқарувчи органлар томонидан белгиланади ҳамда мазкур ишни амалга ошириувчи Ишчи гуруҳи тузилади. Ишчи гуруҳи аниқ режа асосида бошланғич синф ўқувчиларининг ўзлаштирганлик даражасини чораклик ва йиллик даврларига мос равишда диагностика қилиб боради. Диагностика натижалари бўйича ишлаб чиқилган Маълумотномани тегишли таълим муассасаларига ва уларнинг бошқарув органларига тақдим этади.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, бошланғич синф ўқувчиларининг ўзлаштирганлик даражасини диагностика қилиш гуруҳини тузишда илмий мутахассислар ва тажрибали ўқитувчиларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш кутилган самарани беради.

Олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларига бошланғич таълимда амалга ошириладиган диагностика асослари, назарий хусусиятлари, методологик омиллари ва амалий кўникмалар бўйича касбий компетенция бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун мутахассислик (педагогик) мажбурий фанларнинг модуллари диагностика ва унинг бошланғич синфларда амалга ошириладиган хусусиятлари тўғрисида билим, кўникма ҳамда малака бериш билан бойитилиши мақсадга мувофиқ бўлади [3].

ХУЛОСА

Шундай қилиб бошланғич синф ўқувчиларининг ўзлаштирганлик даражасини диагностика қилиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у педагогик таълимнинг кластер,

таҳлил ва амалиёт методларига қатъий асосланади. Диагностика натижасида ўқувчиларнинг билим, тарбия ва амалий фаолият бўйича кўникмаларини ривожлантириб бориш имкониятларига эга бўлинади. Шу сабабли диагностика масаласи Педагогик илмий тадқиқотчиликнинг асосий йўналишлардан бири эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

REFERENCES

1. 2022-2026 йилларда Халқ таълимини ривожлантириш бўйича Миллий дастур. // www.ziyonet.uz
2. Ҳасанбоев ва бошқ. Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Тошкент, 2009.
3. Жабборова О.М. Бошланғич таълимнинг янги назарий масалалари. – Тошкент. 2022



БОЛАЛАРНИ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРЛАШДА АТРОФ ОЛАМНИНГ ТАЪСИРИ

Тармиза Латиповна Хурвалиева

Педагогика фанлари (DSc) доктори, доцент Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Мактабгача таълим факультети

АННОТАЦИЯ

Мақолада мактабгача ёшдаги болаларни психик ривожланиш хусусиятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, мактаб таълимига тайёрлашда атроф оламнинг бола ривожланишига таъсири бўйича маълумотлар асосланган.

Калит сўзлар: психик, сезги, идрок, тафаккур, аффектив, комплекс, интеллект, шахс, қизиқиш, интеграция, тасаввур, метод, атроф олам, манипулятив.

ABSTRACT

The article analyzes the features of mental development of preschool children. It is also based on data on the impact of the environment on child development in preparation for school education.

Keywords: psychic, intuition, perception, thinking, affective, complex, intellect, personality, interest, integration, imagination, method, environment, manipulative.

КИРИШ

Жаҳон миқёсида мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал ва эмоционал жиҳатдан ривожлантириш, атроф олам билан таништириш жараёнини инсонпарварлаштиришнинг креатив моделлари амалиётга татбиқ этилган. ЮНЕСКОнинг 2015 йилдаги халқаро Конгрессида “мактабгача таълим тарбияланувчиларни комил инсон бўлиб ривожланишида муҳим роҳна ҳисобланиши, ижтимоийлашуви ва ўзгарувчан оламга мослашишига замин яратиши” белгиланган. Мактабгача таълим концепциясининг мақсади боланинг мактабда таълимига ҳар томонлама тайёрлаш, уларда умуминсоний қадриятлар (эзгулик, яхшилик, бағрикенглик)ни тарбиялашдан иборат. Бугунги кунда мактабгача таълим дастурлари ижтимоий мослашувчанлик характери билан суғорилган бўлиши талаб этилади.



АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Жаҳонда мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништириш ва уларда экологик тарбияни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараёни инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштириш, болаларнинг қизиқиш ва эҳтиёжлари, ёш хусусиятига мос имкониятларига йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнини шакллантиришга қаратилган илмий-педагогик тадқиқотлар манзилли олиб борилмоқда.

Болаларнинг табиат ва ундаги ўзгаришлар, атроф оламда учрайдиган нарсалар, воқеа-ҳодисалар хусусида оғзаки саволларга тўғри ёки қисман тўғри жавоб бериши муассасада методик ишларнинг тизимли йўлга қўйилганлиги, оилада таълимий муҳитнинг яратилганлик даражаси, тарбиячиларнинг касбий компетенциясига бевосита боғлиқлигини кўрсатади. Атроф олам ҳақидаги тасаввурларнинг бола ривожланиши ва мактабга комплекс тайёр бўлишидаги таъсири ва аҳамиятини қатор олимлар илмий асослаган.

Мактабгача ёшдаги болаларни таълим-тарбиясига оид юнон олими Демокрит қуйидаги фикрни билдиради “билиш жараёнини икки поғонадан иборат, яъни улар сезги ва тафаккур. Улар бир вақтда пайдо бўлади ва ривожланади. Шунинг учун болалар тафаккур орқали кўпроқ маълумотга эга бўлади. Тарбия инсонга уч нарсани бериши керак: яхши фикрлаш; яхши сўзлаш; яхши бажариш” [154; 27-б]. Олим ахлоқий тамойиллар инсонга туғилишидан берилмайди, балки тарбия натижаси эканлигини асослайди.

Швейцариялик психолог олим Эдуард Клапаред боланинг ҳар томонлама ривожланишида ўйиннинг аҳамияти катта эканлигини уқтиради. Ўйинларни қуйидаги турларга ажратади: болаларни индивидуал хусусиятини ривожлантирувчи ўйинлар; интеллектуал ўйинлар (билиш қобилиятини ривожлантирувчи); аффектив ўйинлар (ҳиссиётни ривожлантирувчи) [154; 27-б].

Д.Б.Эльконин ва В.В.Давидовларнинг таъкидлашича “мактабгача ёшдаги болалар назарий тушунчаларни тез тушуна оладилар, улар олдиндан ўзлаштирадиган маълумотларни амалда кўриб гувоҳи бўладилар. Чунки илк ёшдан болаларда предметли яъни буюм ва нарсалар билан шуғулланишни ёқтиради. Бу эса болада ақлий қобилиятни ривожланишига туртки беради” [154; 27-б]. Болалар нарса ва буюмлар билан танишиш орқали, уларнинг белги-хусусияти, вазифалари ва тузилишини ўзлаштиради. Буюм ва нарсаларни умумлаштириш кўникмасини бола дастлаб ҳаракат орқали ўзлаштиради, кейин эса сўз билан мустаҳкамлайди. Бола буюмлар ва уларнинг вазифаларини ўзлаштириб олгач, турли

вазиятларда улардан фойдаланишни ҳам билиб олади. Бола буюмлар ва фаолиятнинг ўзаро боғлиқлигини англай бошлайди. Яъни ҳаракат билан буюмларни ўзгаришини тушунади. Бундай манипулятив ҳаракатлар ҳар қандай ўйинчоқ ва буюмлар билан боланинг ўйнай олишини таъминлайди.

Рус олими В.М. Бехтерев педологик институт ташкил этди. Бу институтда болани турли йўналишларда ўрганилган: шифокор ва физиологлар бола ривожланишининг психофизиологик қонуниятларини; гигиенистлар организмнинг барча функцияларини тўғри ривожланиши ҳамда ёшга доир психик функцияларни ривожланиши; социолог ва юристлар боланинг жамиятдаги ҳуқ-атвор бузилишини сабабларини ўрганишларини кўрсатиб ўтган [156;16-18-б]. Бугунги кунда болаларни мактаб таълими муҳим бўлган бешта соҳа яъни, жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзини шаклланиши, ижтимоий-ҳиссий, билиш жараёни ва ижодий ривожланиш асосида тайёрланади.

Вальдорф педагогикасининг асосчиси Р.Штайнер инсонпарварлик тамойили хусусида шундай дейди: “Болаларнинг ҳаёти қизиқарли бўлиши эртаклар, кўшиқ, рақс ва сахналаштирилган намойишлар, қўл меҳнатининг турли шакли билан таъминланади. Катталар болани бошқармай ва босим ўтказмай, мазмунли ўйинлар учун шароит яратиши, кундалик ҳаётда кўтаринки ижобий ҳислар, кайфиятни ташкил этиши лозим” [196,197].

Болада қобилият ва иқтидор атроф оламни англаш негизида ривожланади. Бунда асосий тамойил болага ижобий муносабатда бўлиш, унинг ютуқларини баҳолашдан иборат. Вальдорф педагогикасида фарзанд тарбиясида оналарнинг фаол иштирок этиши марказий ўринда туради.

Б.Н.Водовозова болага илк ёшидан сенсор тарбия бериш методикаси ҳамда ақлий тарбия беришнинг “яқиндан узоққа, оддийдан мураккабга, нарса ва буюмлар ўртасидаги алоқадорлик, конкрет тушунчадан мавҳумгача” каби педагогик тамойилини асослайди [84].

Болаларда ақлий тарбия негизида маънавий-ахлоқий сифатлар ривожланади ҳамда фуқаролик тарбияси, жамиятда ўзини тутиш маданияти шаклланиб боради. Атроф оламнинг ўзига хослиги шундаки, у интеграцион ҳарактерга эга бўлиб, табиат ва жамият, тарихий-маданий, табиий-ижтимоий жиҳатдан ўзаро тизимли равишда болалар онгида акс этади.

6-7 ёшли болаларнинг психологик жиҳатдан мактаб таълимига тайёрлигини аниқлаш бунда болаларнинг психик жараён ва хусусиятларини, имкониятларини ҳисобга олган ҳолда таълимни рационал ташкил қилиш йўллари белгилаш

зарур. Олима таълимни ўзлаштириш қандай амалга оширилиши, диққат, идрок, хотира, тафаккур ва хаёл каби психик жараёнларни фаоллаштириш керак. Инсон ўзини анласа, атроф оламни ҳам англайди, қалб ва руҳият инсон танасидаги қоидалар бир хил кечади. Болаларнинг психик ривожланишида атроф оламга қизиқишнинг ўрни муҳимдир. Уларни бирор фаолиятга ундаш, ўйин фаолияти орқали амалий ҳаракатларни муваффақиятли бажаришга тайёрлаш тарбиячилардан методик компетенцияни талаб этади. Ўқув-тарбиявий фаолиятни ташкил этишда болалар фаолиятининг турли шаклидан ўринли фойдаланиш муҳим.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Мактабгача таълимда ўқитиш ва тарбиялаш воситаси сифатида болаларнинг ёш хусусиятларни инобатга олиш муҳимдир. Шу боисдан мактабгача таълимда индивидуал ва дифференциал ёндашувга катта аҳамият берилади. Мазкур ёндашувлар болаларнинг интеллектуал ривожланишида муҳим ҳисобланади. Бунда ўқув жараёни болаларнинг ички имкониятлари ва уларни рўёбга чиқаришга йўналтирилади.

Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлашда куйидаги тамойилларга таяниш муҳим:

- *таълим олиш мотивацияси*-таълим жараёнининг барча қисмини болаларнинг эҳтиёжи ва қизиқишларига кўра ташкил этиш;
- *олий жараёнларни ривожлантириш*- таълимни ташкил этишда болалардаги психик жараёнларнинг барчаси иштирок этиши талаб этилади, турли хил фаолиятда муаммоли вазиятларни муваффақиятли ҳал этиш ва ижодий фаол ҳаракатни таъминлаш;
- *маълумотларни қайта ишлаш*-болалар топшириқларни мустақил равишда бажаради, муаммо ечимини излаб, энг мақбул жавобларни танлайди ва аниқ хулоса чиқаради.

Тарбиячилар томонидан бола учун қулай педагогик шароит яратилиши лозим. Болани мажбурлаш эмас, унинг эҳтиёжи ва қизиқишларига эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Болалар эҳтиёжини қондириш орқали таълим жараёнида уларнинг фаол бўлишларига эришиш мумкин. Маълумки, атроф олам билан мулоқотда бўлиш, болаларга амалий тажрибаларни бажариш имконини беради.

ХУЛОСА

Атроф олам мактабгача таълим мазмунини алоҳида компоненти бўлиб, бу йўналишда болалар эгаллаши лозим



бўлган билим ва компетенциялар давлат талаблари мазмунида алоҳида акс эттирилган. Тарбияланувчиларнинг ўз шахсий имкониятларини намоён этишлари, билим олишга бўлган қизиқиши ва эҳтиёжини қондиришда ота-онанинг эътибори, катталарнинг шахсий намунаси, тарбиячининг билими ва маҳорати алоҳида ўрин эгаллайди. Болаларга самимий муносабат, таълимга замонавий ёндашув, хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларга кўра миллий таълим бериш усуллари қўллаш бугунги кунда педагог-тарбиячилар олдидаги энг муҳим асосий вазифадир. Педагогик жараёндан кутилаётган натижаларни кафолатлашга эришишда прогностик (ҳар бир тарбияланувчининг имкониятларини олдиндан билган ҳолда ўқув топшириқлар мураккаблик даражаларини белгилаш ва уларни тайёрлаш)-диагностик (жараёнда ўзини оқламаган метод ёки ёндашувларни таҳлил қилиш орқали мослашувчан вариантларини тайёрлаш ҳамда болалар ҳатти-ҳаракатларидаги салбий ҳолатларнинг сабабларини бевосита фаолиятда кузатиш) методлардан самарали фойдаланиш орқали интерфаол ўқув муҳитини яратиш керак. Болаларда ўз ҳатти-ҳаракатларини идора этишда ихтиёрий қобилиятнинг етарли эмаслигини инобатга олган ҳолда ҳар бир болага индивидуал ёндашиш, уларда билишга қизиқишни кучайтиришга йўналтирилган ўйин турларидан самарали фойдаланиш. Катта ва тайёрлов гуруҳ болаларида мустақиллик, ўз ҳатти-ҳаракатларини бошқариш, ўзини ўзи ташкил этиш кўникмаси мавжудлиги боис, уларда саводхонлик малакаларини шакллантиришда оила, мактаб ва бошқа ташкилотлар билан манзилли корпоратив ҳамкорликни кучайтириш.

REFERENCES

1. Водовозова Е.Н. Умственное и нравственное воспитание детей от первого проявления сознания до школьного возраста. М.: Либроком, 2012- 400 с.
2. Крайг.Г., Бокум Д. Психология развития-9-е изд.-СПб.: Питер.-2012.-940с.
3. Марцинковская ТД. Детская практическая психология: Учебник/ М.: Гардарики, 2003.-255.
4. Штайнер Р. «Воспитание ребенка. Пер.с нем-М.: «Парсифаль» 1993.- 35 с.
5. Хурвалиева Т. The Psychological Peculiarities of Preschool Children to Be Ready For School Education. International Journal of Progressive Sciences and Technologies Vol. 14 No.2 2019.P. 235-237
6. Эльконин Д.Б. Психология игры. -2-е изд.-М.:Гуманит.изд.центр Владос,1999.-360 с.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ РОЛИ

Эшматбой Тошпулатович Калконов
Чирчиқ давлат педагогика институти доценти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда охириги йилларда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётга мустақил қадам қўйишлари учун барча зарур шароитларни яратиш, таълим мазмунини модернизациялаш, таълим сифатини ошириш, таълимда инновацион технологияларни кенг жорий этишга йўналтирилган инновациялар яратиш ва амалиётга жорий этиш истиқболлари таҳлил қилинган, ҳамда инновацион таълимнинг таълим сифатини оширишдаги аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: таълим, тарбия, маънавият, инновация, модернизация, Олий таълим, таълим сифати, ҳаракатлар стратегияси, тараққиёт стратегияси, ижтимоий тараққиёт, замонавий билим, Янгиланиётган Ўзбекистон.

ABSTRACT

This article analyzes the prospects for educating the younger generation in Uzbekistan in recent years, creating all the necessary conditions for its independent life, modernizing the content of education, improving the quality of education, creating and introducing innovations in education, as well as innovative education. the importance of improving the quality of education.

Keywords: education, upbringing, spirituality, innovation, modernization, Higher education, quality of education, action strategy, development strategy, social development, modern knowledge, Renewed Uzbekistan.

КИРИШ

Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шarti ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, замон шиддат билан ривожланиб бораётган



ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғоя, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация бу – келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”. Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислохотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгариллашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

Шунингдек, бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири таълим мазмунини модернизациялаш, таълим сифатини ошириш, таълимда инновацион технологияларни кенг жорий этишга йўналтирилган кўплаб инновациялар яратилмоқда ва амалиётга жорий этилмоқда. Мазкур инновацияларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан таълим муассасасида амалга оширилаётган инновацион фаолиятнинг тўғри ташкил этилганлигига билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев аъмоли билан айтганда “Ҳозирги пайтда дунё миқёсида рақобат қандай кескин тус олиб бораётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Бу шиддатли рақобатга фақат замонавий илм-фан, юқори технологиялар ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш орқали муносиб жавоб бера оламиз”[1, 237].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Замонавий глобаллашув жараёнида ҳар қандай мамлакат тараққиётининг етакчи омилларидан бири таълим тизими ҳисобланади. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари босиб ўтган йўлга назар солсангиз, улар айнан таълимга асосий эътиборини қаратганига гувоҳ бўласиз. Оқилона стратегия, маркетинг, сифатли бошқарув сабаб олий таълимни бизнесга айлантирган ва топ рейтингларда етакчилик қилаётган олий таълим муассасалари бугун давлатга боқиманда эмас. Кўплар орзу қилган АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Хитой ва Жанубий Корея каби мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасалари айни пайтда нафақат ўзини ўзи тўлиқ молиялаштиради, балки мамлакатга ҳам даромад келтиради. Гарвард, Йель, Принстон, Кембриж, Оксфорд... Бу университетлар ўз номини “бренд”га айлантира олди.

Янги Ўзбекистон олий таълим тизимини юксак босқичга кўтариш йўлидан бормоқда. Сўнгги йилларда 36 та янги олий ўқув юрти ташкил этилиб, институт ва университетлар сони 126 тага етди. Тошкент вилоятида ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни қоплаш учун Чирчиқ шаҳрида Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика



институти ташкил этилди. Таълим тизимидаги креатив ёндашувлар ва инновация асосида аниқ фанлар чуқур ўқитиладиган Муҳаммад Хоразмий ва Мирзо Улуғбек номидаги махсус мактаблар ташкил этилди. Янгиликларни янада такомиллаштириш борасида ҳам кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017-2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинди.

Ҳозир Ўзбекистонда АҚШ, Буюк Британия, Россия, Италия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Сингапур ва бошқа етакчи олий ўқув юртларининг 30 дан ошиқ филиали фаолият кўрсатмоқда. Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этилмоқда. Бугунги замонавий глобаллашув шароитида олий таълим муассасалари фақатгина таълим хизматларини сотиш билан рақобатбардошликка эриша олмаслиги инкор этиб бўлмас ҳақиқат бўлиб қолмоқда.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Таълим тизимини тубдан ислох этиш одамларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг сиёсий ва фуқаролик, ижтимоий фаоллигини, ўз келажагига бўлган ишончини оширишнинг энг муҳим омили ва мустаҳкам асосига айланди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Энг муҳими шундаки, бизнинг янги авлодимиз, билимли, ўтмишнинг ҳар қандай иллатларидан озод бўлган ёшларимиз бугунги кунда мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, уни янгилаш ва ишончли тарзда раванқ топтиришнинг ҳал қилувчи ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда.

Бугунги кунда янги инновацион технологияларнинг жорий этилиши асосида дарс жараёнини ташкил этиш бўйича анчагина ишлар амалга оширилди. Жумладан, аксарият олий ўқув юртларининг дарс ўтиш хоналари техник ва эстетик жиҳатдан талаб даражасида тайёрланди, аудиториялар видеопроектор ҳамда компьютер техникаси билан таъминланиб, ахборот технологияларидан фойдаланиб дарс ўтишга мослаштирилди. Булар талабаларнинг сифатли ва самарали билим олишларида асосий техник воситалар бўлиб ҳисобланади. Шунинг билан бирга ҳозирда дарсларни инновацион технологиялар асосида



ташқил қилиш, ёш профессор-ўқитувчиларнинг методик маҳоратини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, технопарклар ташқил этилиб профессор-ўқитувчилар, илмий изланувчилар, докторантлар, магистратура ва бакалаврият талабаларини илмий ва инновацион фаолият олиб боришларига эриштирилмоқда. Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация маркази, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Ўқув-амалий тўқимачилик технопарки ҳамда Урганч давлат университети ҳузуридаги «Хоразм» инновацион технопаркининг фаолияти самарадорлиги янада оширилмоқда. Зеро, ҳозирги кунда таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш кучайиб бормоқда, бунинг сабаби, шу вақтгача анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологияларда эса, уларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ўзлари келтириб чиқаришга йўналтиради.

Профессор ўқитувчи эса бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Шу боисдан олий ўқув юртлари малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари – интерактив методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Бунда педагогик технология ва педагогик маҳоратга оид билим, тажриба ва интерактив методлар талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Олий таълимнинг ривожланишидаги асосий омил сифатида инновацияларни тасдиқлаш бизнинг давримизнинг муҳим хусусиятларидан биридир. Бунинг сабаби шундаки, инновацияларни идрок этиш қобилияти ва инновацион ривожланиш йўлини танлаш ижтимоий ўзгаришларнинг тобора кучайиб бораётган динамикаси ва тобора кучайиб бораётган рақобат шароитида олий мактабни омон қолиш ва ривожлантиришга имкон беради. Илмий ва педагогик фаолият мазмунини ўзгартирадиган инқирозли вазиятларни енгиб ўтган бундай олий таълим муассасалари замон талабига жавоб бериши мумкин. Олий таълим муассасасининг инновацияларга бўлган эҳтиёжи тобора жамиятнинг динамизмига барқарор реакциянинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган аниқ тенденция сифатида намоён бўлади.

Таълимдаги инновациялар - бу янги ўқув курслари, мутахассисликлар, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш



соҳалари (профиллари), янги таълим технологиялари кўринишидаги инновацион фаолият натижаларидир. Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритади, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдаланишга эришилади. Ўқитиш жараёнида талабаларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий методларнинг қўлланилиши уларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндошишга ундайди. Шунингдек бу уларда масъулиятни ҳис этишни, таҳлил қилиш, адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга, фанга, педагог шахсига, ўзи танланган касбига бўлган қизиқишларини кучайтиради.

Бундай натижага эришиш амалиётда ўқув жараёнида ахборот технологияларни қўллашни ҳам тақозо этади. Улар хилма-хилдир. Замонавий методлар, ўқитишнинг самарасини оширишга ёрдам берувчи технологик тренинглар талабаларда мантиқий, ақлий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантиришга, қобилиятларини ривожлантиришга, етук мутахассис касбий фазилатларини тарбиялашга ёрдам беради.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни қайд этиш зарурки сўнгги пайтларда мамлакатимизда олий таълим муассасаларининг инновацион фаолияти ривожланиш хусусиятларини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Шу билан бирга, республикадаги олий таълим муассасаларининг инновацион фаолиятини ҳар томонлама баҳолашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш муаммоси ҳали етарлича тўлиқ ақс этирилган эмас ва бу ўз навбатида чуқур тадқиқотларни талаб қилади. Бугунги кунда олий таълим муассасасининг инновацион фаолиятини, уни амалга оширишга тайёрлашни ва инновацион ривожланишни рағбатлантирувчи таълим фаолиятини баҳолаш учун методология зарур.

Турли замонавий ўқитиш усулларини ташкил этиш учун педагогнинг инновацион фаолиятини самарали амалга ошириш қатор шарт-шароитларга боғлиқ. Унга педагогнинг мулоқоти, талаба ва улар фикрларига нисбатан муносабати, турли ҳолатларда рационал вазиятнинг тан олинисини ўқитишга тайёрлиги инобатга олинисини лозим. Демак таълимнинг турли моделлари ва инновацион фаолият – ўз ичига янгиликни ташкил қилиш, қўллаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш кабиларда ўз ифодасини топади. Зеро, таълимнинг мақсади ва концепциясини шакллантириш ва



жорий этиш зарур самарадорликка эришишнинг муҳим омилидир.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Том 2. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018. – Б.88.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони.
3. Мирзиёев Ш.М. Илм-фан инновацион тараққиёт асоси // Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги” ПФ-5847 сон Фармони.
5. Қандов Б.М. (2020). Глобаллашув шароитида миллий ғоя ва кадриятлар уйғунлиги / Актуальные научные исследования в современном мире. – С. 150-154.
6. Қандов Б.М. (2021). Ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришнинг аҳамияти // Актуальные научные исследования в современном мире. – С. 102-106.
7. Kandov B.M. Ikramov R.A. (2021). The Role of Education and Upbringing in the Formation of a Harmonious Personality in the Process of Globalization /Journal of Ethics and Diversity in International Communication. – pp. 33-37.
8. Кандов Б.М. (2019) Особенности социального развития молодежи Узбекистана // «Актуальные научные исследования в современном мире». Сб. научных трудов - Переяслав-Хмельницкий, - Вып. 12, ч.4. –С. 111-114.
9. Kuyliev Tulkin (2022). Ensuring Regional Security is the Main Criterion of the Foreign Policy of Uzbekistan // European Journal of Life Safety and Stability. – pp. 93-97.
10. K.B Mirzaevich, K.E Toshpulatovich, A.Nodira (2019). Social and Philosophical Aspects of Globalization. International Journal of Recent Technology and Engineering.
11. Kandov Bakhodir Mirzayevich. Togayev Shavkat Hurrarovich. (2021) The role of education in the development of environmental consciousness of a person. ISJ Theoretical & Applied Science, 1129-1133.
12. Баҳодир Мирзаевич Қандов. (2021) THE IMPORTANCE OF FORMING AN ACTIVE CIVIC POSITION AMONG YOUNG PEOPLE.. Актуальные научные исследования в современном мире. - С. 102-106.



МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА ОИЛА ИЖТИМОЙ ОМИЛ СИФАТИДАГИ РОЛИ

Баҳриддин Асрорович Муқимов

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Жамиятнинг маънавий соғлом ва мустаҳкам пойдевори унинг барқарор тараққиётига замин яратиши шубҳасиз. Лекин афсуски бугунги кунда ана шундай мустаҳкам пойдевор яратишимизга тўсиқ бўлувчи омилар ҳам борки, уни ҳеч бир нарса билан тўсиб бўлмайди. Ана шундай хавфли омилардан бири глобаллашув ва унинг оқибатида юзага келадиган маънавий таҳдидлардир. Жамиятда рўй бераётган глобаллашув жараёнлари, глобаллашувнинг мафкурага ва маънавиятга таъсири масалалари мазкур мақолада илмий-назарий таҳлил этилган. Шунингдек мақолада оиланинг – мафкуравий тарбияни шакллантиришдаги муҳим ижтимоий институт эканлиги ёритилган.

Калит сўз: глобаллашув, ёшлар, таълим, тарбия, оила, маънавият, кадрият, таҳдид, миллий ғоя, мафкуравий иммунитет, маънавий таҳдидлар, мафкуравий тарбия, баркамол инсон, умуминсоний кадрият.

КИРИШ

Глобаллашув жараёни ҳозирги дунёнинг муҳим хусусиятидир. У мураккаб ва зиддиятли, айти пайтда объектив жараён эканлиги билан характерланади ҳамда ижтимоий ҳаёт соҳалари билан боғлиқ. “Янги Ўзбекистонни ўз ҳаётидан рози, бахтли инсонлар мамлакатига, ҳар томонлама ривожланган ижтимоий маконга айлантириш ушбу йўналишдаги ислохотларим изнинг асосий мақсадидир”[1]. Бу бир томондан, ижтимоий ҳаёт талаблари, глобал ютуқларга бўлган эҳтиёжи билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан глобаллашув турли халқлар, миллатлар ижтимоий ҳаёт соҳаларига турли хил таъсир кўрсатмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Жамиятда рўй бераётган глобаллашув жараёнлари, глобаллашувнинг мафкурага ва маънавиятга таъсири кўплаб сиёсатшунос, файласуф ва бошқа ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари, олимлар томонидан илмий-назарий таҳлил этилиб



келинаётганини тадқиқотимизни ўрганиш жараёнида гувоҳи бўлдик. Аввало айтиш жоизки, ушбу муаммо нафақат мамлакатимиз олимлари, балки халқаро миқёсда ҳам кенг ўрганилмоқда. Чунки муаммонинг илмий-назарий ечими дунё миқёсида миллатлар маданиятининг ранг-баранглигини, инсон ҳуқуқларини таъминлашда ва шунингдек ахлоқий муаммоларни бартараф этишда муҳим аҳамиятга эгадир. Жумладан “Глобаллашув”, унинг моҳияти, глобаллашувни маънавий мафкуравий таъсири масалаларида Гринин Л.Е. А.Очилдиев, А.Эркаев, С.Отамуродов, Ш.Қаҳҳарова, Баҳодир Зокир, М. Қуронов, А. Ғаниев, Ш.Пахрутдинов, И.Исламов, Ш.Рўзиев каби олим ва тадқиқотчиларнинг илмий ишларида муаммонинг турли хил жиҳатлари ўзига хос тарзда ўрганилганлиги аниқланди. Лекин шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, биз ўрганишга киришган “Глобаллашув шароитида маънавий-ахлоқий таҳдидларга қарши курашда оиланинг ўзига хос хусусиятлари” яхлит тарзда фалсафий таҳлил этилганлигини ўрганилган тадқиқотларда кўзга ташланмади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда бутун дунё халқларини ташвишга солган терроризм, диний экстремизм ва бошқа глобал хавф-хатарлар орасида яна бир кўзга ташланмас хавф, ёт ғояларнинг миллатга ва миллийликка таҳдиди ҳам пайдо бўлдики, ўтмиши бақувват, илдизлари чуқур, дунё ҳамжамиятида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган халқлар бу хавфнинг аянчли оқибатлар келтиришини дарҳол англаган ҳолда унга қарши тегишли чоралар кўрмоқда. Маънавий таҳдидларга қарши курашдаги асосий вазифа халқимизнинг онги ва қалбига миллий ғояни сингдириш орқали уларда мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш кераклиги ҳақида биз юқорида таъкидлаб ўтган эдик. Дарҳақиқат, бу вазифани амалга оширишда мафкуравий тарбиянинг ўрни катта. Мафкуравий тарбия эса жамиятда, авваламбор, оила, мактабгача болалар муасссалари, мактаблар, лицей-коллежлар, олий ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотларининг биргаликдаги фаолиятини тақазо қилади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мафкуравий тарбия таъсирида шакллантирилган мафкуравий иммунитет маънавий таҳдидларни олдини олишда ва ёшларни унинг таъсирида ҳимоя қилишда муҳим омил ҳисобланади. Айни вақтда маънавий таҳдидларга қарши курашда институционал асосда фаолиятни ташкил этиш самарали натижа бериши шубҳасиздир. Турли ижтимоий гуруҳлар, оила, маҳалла, миллий-маданий марказлар, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, халқнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга йўналтирилган таълим-тарбия

тизимининг қонуний ҳуқуқий асослари ва дастурлари; оммавий ахборот воситалари; умуман, жамият миллий ғоясини шакллантириш ва уни халқ ишонч эътиқодига айлантиришнинг маънавий-маърифий комплекси асосида олиб бориладиган мафкуравий тарбия орқали маънавий таҳдидларни бартараф этишда самарали натижага эришиш мумкин. Бу омилларнинг ҳар бири маънавий таҳдидларни олдини олишда, миллий ғояни кенг жамоатчилик онгига сингдиришда муҳим ўрин тутди.

2021 йилнинг 26 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 5040-сон Қарорининг бош мақсади ҳам асосан ёт ғояларнинг олдини олишга қаратилган бўлиб, унинг миллий кадриятларимизни, урф-одатларимизни сақлаш ва ёшларимизни унинг таъсиридан асраб-авайлашдаги аҳамияти беқиёсдир. Чунки янги аср бошидан оқ ёшларимиз онгига бегона турмуш тарзини тарғиб этиш орқали уларни миллийлигидан ўзлигидан бегоналаштирадиган ахборот хуружларига, бизга мутлақо ёт бўлган аксилмафкуравий тарғиботга қарши курашни ташкил қилиш ҳаётий эҳтиёжимизга айланиб бормоқда.

“Демократия” шиори остида кириб келаётган ғояларнинг маъзига эътибор қаратадиган бўлсак, ҳатто ота-она ва фарзандлар ўртасида шаклланган ўзаро меҳр-оқибатни четга суриб қўювчи “Ота-онанг кексайса нима қилипти, шунга ҳам бош қотириб ўтирасанми, ана, қариялар уйи бор, олиб бориб қўй. Яшайверади-да, – қабилдаги бизнинг кадриятларимизга мос келмаган маслаҳатларни учраши, уларни демократия, эркинлик сифатида қайд этилиши миллий маънавиятимизни парокандаликка олиб келувчи маънавий таҳдидларнинг бир кўринишидир”[2]. Бизда азалдан ота-онани ҳурмат қилиш, улар кексайганда ҳолидан хабар олиш энг катта савоб иш сифатида қаралиб келинган. Ота ўтирган томнинг устига чиқишни гуноҳ билиш, ота-она кексайганда етти қават кўрпачага ўтқазиб сийлаш каби одатларимиз халқимиз орасида фарз деб қаралиши ҳам бежиз эмас. Чунки фарзандига ўзи еб ўтирган овқатини бериб, бундан қорни ҳам кўнгли ҳам тўладиган, оғир машаққатларга дош бериб фарзандларининг эҳтиёжларини қондиришга ўзини фидо қилган ота-оналаримизни қанчалик ҳурматини жойига қўйсак ҳам камлик қилади.

“Оммавий маданият”нинг зарарли таъсири турли кўринишларда фуқароларимизнинг дунёқарашини эгаллашга интиломоқда. Бу ўзига хос манипуляция бўлиб, у дастлаб одамлар ўртасида меҳр-оқибат ришталарини узиб ташлайди. Кишиларни бир-

биридан узоқлаштиради, тўй-аза, яхши-ёмон кунлардаги одамларимизнинг елкадошлиги, бир-бирини қўллаб-қувватлаши, ҳамжиҳатлик қилиши бизни ўз йўриғига юрдиришга уринаётганларга ғайритабиий туюлади. Шунинг учун улар ғарбона демократияни ёшларимиз онгига глобал санъат, глобал маданият, глобал ҳаёт тарзида, жаҳонга кириб бориш йўли сифатида сингдиришга уринмоқда. Бунинг заминида эса бизнинг киномизни томоша қил, бизнинг роликларимизга қулоқ ос, бизнинг муסיқаларимизни эшит ва биздай яша, биз каби кийин, биздай ўйла ҳамда биз каби фикр қил, деган мақсадлар ётиши кўзга кўринмас, лекин миллатни ичидан емирувчи маънавий таҳдиддир.

Манипулятор ўз таъсирини бизнинг қадриятларимизни қадрсизлантириш ҳисобига эришишни мақсад қилган. Шунинг учун биз улар тиқиштираётган “эркинлик” билан бизнинг анънавий эркинлигимизнинг, улар тасаввуридаги “ҳуқуқ” билан бизнинг ҳаётимизга сингдирилган ҳуқуқнинг катта фарқи борлигини англашимиз учун юқоридаги фаслларда таъкидлаганимиздек, мафкуравий иммунитетни шакллантиришимиз керак бўлади.

Мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда ёшларимиз ўртасида маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш орқали уларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, ҳаётга онгли муносабат билан ёндашишига эришиш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш ва тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажоввузлардан ҳимоялашга институционал асосда фаолиятни такомиллаштириш зарурлиги йўлидаги энг самарали кадам дейиш мумкин.

Юқорида қайд этилган қарорда фуқароларимизда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, маънавий таҳдидларга қарши курашнинг долзарблигини яна бир бор ифода этади. Ушбу Қарорда ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масалаларининг тобора долзарб аҳамият касб этаётганлиги учун бир қатор вазифаларни амалга ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу вазифани амалга оширишда оила, маҳалла институтларини ролини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида оила инқирозининг таҳликали кўриниши кўзга ташланмоқда. Ажралишлар, номукамал оилалар, никоҳсиз туғилган

болалар, оиладан ташқарида яшовчи шахслар сони ва ҳоказолар тобора ортиб бормоқда. Фақат ўзини ўйлаш, худбинлик каби иллатлар оилаларни бузилиб кетишига таъсир кўрсатмоқда. Лекин Ўзбекистонда оила моҳият-эътибори билан ишончлилик, барқарорлик кафолати, халқ маънавий соғломлигининг мустаҳкам таянчи эканлигини намоён этмоқда. Бу биринчи навбатда, оиланинг анъанавий кучли мавқеи сақланганлиги, никоҳ ва оилага умрбод иттифоқ сифатида қарашнинг мажбурийлиги билан изоҳланади. Дарҳақиқат, оила – инсоннинг муқаддас уйи, энг асосий тарбия масканидир. Оила – мафкуравий тарбиянинг энг муҳим ижтимоий омилларидан биридир. Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайди ва урф-одатларимизни сақлайди, келажак авлоднинг қандай инсон бўлиб етишишини белгилайди. Миллий истиқлол ғоясини халқимизнинг онги ва қалбига сингдириш орқали уларда маънавий, мафкуравий иммунитетни шакллантирар эканмиз, у аввало оиладан бошланади. Айнан боболар ўғити, отанинг шахсий ибрати, онанинг меҳри орқали миллий ғоя авлоддан-авлодга, инсондан-инсонга ўтади, онг ва шуурда муҳрланиб боради. Ҳар томонлама иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий, ахлоқий, ғоявий-тарбиявий жиҳатдан соғлом бўлган оила негизидаги жамият ва мамлакат мустаҳкам бўлади. Оиладаги соғлом муҳит – соғлом мафкурани шакллантириш манбаидир.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавий таҳдидларга қарши курашда, болаларнинг маънавиятини юксалтиришда оилага алоҳида эътибор қаратилганлиги ҳам бежиз эмас. Жумладан, ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёслиги; Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиий эканлиги; оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этиши ҳақидаги фикрлар баён этилган[2, 52]. Дарҳақиқат, инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оилада шаклланади. Ўзбек оиласида бола онгида соғлом ғоя ва билимлар шаклланиши жараёнида оиланинг катталари – боболар, момолар, яқин қариндош-уруғлар ҳам бевосита иштирок этади. Айтиш мумкинки бир оилада уч авлод бир

бўлиб яшашади. Уч авлоднинг ҳаётий тажрибаси бир қозонда қайнайди. Агар бир одам мисол учун 70 ёшга кирса, у ўзидан етмиш йил олдинги тажрибаларни ҳам катта-кичикдан эшитиб юриб ўзлаштириб олади. Ана шу тажрибаларни катталар кичикларга ўргатадилар, анъаналар силсиласи узилиш билмай давом этаверади. Азалий удумга биноан, бола тарбиясида ота-онадан ҳам кўра бобо бувиларнинг таъсири кучлироқ бўлади. Улар оиладаги маънавий муҳитнинг бошқарувчилари ҳисобланади. Бундай тарбия анъанаси буюк аجدодларимиз тақдирида муҳим ўрин тутган. Масалан, Амир Темурнинг неваралари тарбияси билан уларнинг оналари эмас, улуғ боболари – бувилари шуғулланган. Хусусан, Шохруҳ Мирзо, Муҳаммад Султон Мирзо, Ҳалил Султон Мирзо, Улуғбек Мирзо сингари темурий шахзодалар Сароймулкихоним қўлида тарбия топган. Бир сўз билан айтганда ота-она ўз боласини ахлоқи ва ҳуқуқий маданияти учун жамият олдида жавобгардир.

Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 1 январь ҳолатидаги маълумотларига қараганда Ўзбекистон Республикасида 8 871 412 та оила мавжуд. Ҳар бир оила ўзига хос олам. Унинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъаналари, расм-русмлари, ахлоқий-маънавий қадриятлари бор. Зеро, оилада шахс инсон сифатида шаклланади, яшашни, меҳнат қилишни ўрганади, ҳар томонлама баркамол, иймон-этиқоди бутун инсонлар соғлом муҳитли оилаларда туғилиб вояга етадилар.

Маълумки, шарқ халқлари фарзанд тарбиясига ўта масъулият билан қараб келганлар ва уларни вояга етишида халқ анъаналарига қатъий риоя қилишган. Энг аввало меҳнат тарбиясига катта эътибор беришган. Оилада ҳеч бир фарзанд меҳнатсиз қолмаган, ота-она ўз фарзандларига касб сирларидан сабоқ берганлар, натижада болаларда меҳнатга ҳурмат ва малака пайдо бўла бошлаган. Ота-она, қариндош-уруғ ва умуман инсонлар меҳнатини қадрлаш кўникмаси аввало, оилада таркиб топган. Ёшлиқдан эл-юртга фойдаси тегадиган меҳнат фаолиятига йўналтириш ҳам мафкуравий аҳамиятга эгадир. Ота-оналар фарзандларининг мактабда, олий ўқув юртларида олаётган билимларига, касб танлаш маданияти, эҳтиёжи шаклланишига бефарқ қарашлари мумкин эмас. Болалар доим бирор фойдали иш билан банд бўлишини таъминлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Бирор иш билан банд бўлишга ўрганган ёшлар меҳнатсевар бўладилар, уларда жуда ёшлигиданоқ маълум меҳнат малакалари шаклланади. Бўш вақтларида, улар ўзлари севган иш билан шуғулланишга ўрганиб қоладилар. Бундай болаларнинг жиноят қилишга ёки ножўя ишлар билан шуғулланишга вақти ҳам бўлмайди.

Ота-оналар билиши, амал қилиши лозим бўлган яна бир муҳим масала фарзандларига бераётган тарбия давр руҳига, замон имконияти ва эҳтиёжларига, давлат белгилаган режалар тизимига қай даражада мос келишини яхши тасаввур этишдир. Ота-онанинг кўзи олдида ширин фарзандлари билан бир каторда, уларнинг жамият, миллат тараққиёти, давр эҳтиёжлари ва имконияти билан узвий боғланган келажаги ҳам турмоғи керак. Афсуски баъзи ота-оналар ўз фарзандларининг қизиқишларига, унинг тафаккурида рўй бераётган ўзгаришларга аҳамият беравермайдилар. Шунингдек, оила отанинг ўзини тутишни билмаслиги, ахлоқ-одоб бобида фарзандига ўртак бўлолмаслиги табиийки, фарзандларнинг маънавий оламининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Агарда, оилада фисқу фасод, ифво муҳити ҳукмрон бўлса, ҳеч шубҳасиз фарзанд тарбиясига ўзининг носоғлом таъсирини кўрсатмай қолмайди. “Оилавий тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун аввало ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар асосига қуриш айтиш муддао бўлур эди”[4].

Ота-оналар фарзанд тарбиясида асрлар давомида шаклланган анъаналарга, бу борадаги умуминсоний қадриятларга таянганида, давр руҳи ва эҳтиёжларини эътиборга олганида яхши натижаларга эришадилар. Бу ишнинг самараси кўпроқ тарбиянинг мақсади ва усулларига боғлиқ бўлади. Тарбиявий ишларнинг мазмуни, йўналиши, усуллари эса ўзгариб, янгиланиб, такомиллашиб туради. Бунга ҳар бир конкрет тарихий даврнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, мафкуравий, эҳтиёжлари ҳам таъсир этади.

Шу боис ақлан етук, руҳан тетик ва соғлом, эркин ва танқидий фикрловчи, айтиш пайтда, ижтимоий масъулиятни тўғри ҳис этадиган, муайян касб-ҳунарни эгаллаган баркамол авлодни тарбиялаш Ўзбекистонда янги жамият барпо этишнинг таркибий қисмига, асосий шарт-шароитига ва мақсадига айланди[3, 20].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда ёшларнинг ахлоқий жиҳатдан камол топишида оиладаги ўзаро ҳурмат, ҳушмуомалалик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби қадриятлар маънавий таҳдидларга қарши курашдаги муҳим омиллардан бири дейишимиз мумкин. “Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир”[2, 58]. Дарҳақиқат, оилада соғлом турмуш тарзининг қарор топиши оиланинг ижтимоий-иқтисодий

барқарорлиги, фаровонлигига эришиш, билимли, ақл-заковатли баркамол инсонни тарбиялашда муҳим роль ўйнайди. Бундай оилалар ахлоқсизлик, эътиқодсизлик, ақидапарастлик, хоинлик, гиёҳвандлик каби иллатларни олдини олишга, уларни пайдо бўлишига йўл қўймасликка ўз хиссаларини қўшадилар.

Умуман олганда оилада амалга ошириладиган тарбиянинг мазмунини фарзандларда ўз ота-онасидан, оиласи, аждодлари, туғилиб ўсган ўлкаси, ватани, миллати, халқи, тили, дини, анъаналаридан ғурурланиши ҳиссини уйғотишдан иборат. Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли уламоларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда ва тушунарли, жозибали шаклларда етказиб беришлари зарур.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон – тараққиёт стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2022.
2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. 52, 53-б.
3. Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият. – Тошкент: «Ijod dunyosi» нашриёти, 2002. 20-б.
4. Қандов Б.М. Глобаллашув жараёнида инсон ҳуқуқларининг ижтимоий фалсафий таҳлили. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)... дисс. автореферати. – Тошкент: 2020. – 47 б.
5. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. Т., Янги аср авлоди, 2008
6. Қаҳҳарова Ш. Глобал маънавият –глобаллашувнинг ғоявий асоси. Т.: Тафаккур, 2009.
7. Kuyliyev Tulkin (2022). Ensuring Regional Security is the Main Criterion of the Foreign Policy of Uzbekistan // European Journal of Life Safety and Stability. – pp. 93-97.
8. Kuyliyev T. (2020) The role of national heritage and values in formation of self-consciousness. / Theoretical & Applied Science. – pp. 753-757.
9. Tulkin Kuyliyev (2020) Духовное наследие как мировоззренческий фактор в развитии общества / Theoretical & Applied Science. – pp. 69-72.
10. Saparov B., Kuyliyev T. (2020) Spiritual heritage as a worldview factor in the development of society / ISJ Theoretical & Applied Science, – pp. 69-72.

БЕССОЗНАТЕЛЬНЫЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ РЕАКЦИИ КАК ПРОЯВЛЕНИЕ ЗАЩИТНЫХ МЕХАНИЗМОВ В ПСИХОЛОГИИ

Айгуль Тахировна Абдурахманова

Преподаватель Термезского государственного университета

АННОТАЦИЯ

4. Ҳайвонлар ва ҳашоратларни кузатиш орқали об-ҳавони олдиндан айтиш: Асаларилар барвақт озуқа қидириб кетса, ҳаво очиқ ва беғубор бўлади, агар учиб кетмай, инида ғувиллашиб турса, ёмғир ёғиши мумкин; чорва моллари далада кечки пайт иштаҳа билан ўт еса, сувни кам ичса ва кундузи мудраса ёмғирни кутиш мумкин; ит бошини олд оёқларининг орасига олиб, ғужанак бўлиб ётиб олса, совуқ бўлади; товуклар баландроқ жойга чиқиб патларини тозаласа, ёмғирни кутиш мумкин; қалдирғоч пастлаб, ер бағирлаб учса, ёмғир ёғиши мумкин, баландлаб учса – ҳаво очиқ ва қуруқ бўлади; қарғанинг қағиллаши–ҳаво айниши аломатидир; балиқ сув бетига сапчиб чиқаверса, ҳаво айнийди; қишда сичқон, чумоли ва қўнғизларнинг ер бетига чиқиши – ҳаво исишидан дарак беради.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, бозор иқтисодиёти шароитида деҳқончилик маданиятини юксалиши ва фермерлик ҳаракатининг ўсиши ҳар бир кишининг агрометеорологик билимларни ўрганишини тақозо этади. Ер юзида рўй бераётган аномал иқлим шароитида гидрометеорологик тадқиқотларга бўлган эътибор янада кучайиб бориши сабабли жамиятда иқлим ва об-ҳавони олдиндан билиш, оз бўлсада, тўпланган билимлар мажмуасини жамлаш, тажрибадан амалиётда фойдаланиш яхши натижа бериши мумкин.

REFERENCES

1. Абу Али ибн Сино. Тиббий рисоалар. Т., “Фан”, 1987.-352б.
2. Аҳмадалиев Ю. Этноэкологиянинг долзарб масалалари. Ф.: 1997.-34 б.
3. Баллиева Р. Каракалпакский этнос и традиционное природопользование. :Автореф. дис...доктора исторических. наук. –М.: МГУ. 2003. - 49 с
4. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Т.: “Ўқитувчи”, 1994.- 320б.
5. Мўминов О. Қизиқарли география. Т.: “Ўзбекистон”, 1978.-255 б.
6. Руднев В.В. Этнометеорология.//Сов. этнография.-М.: 1990. №4. -С. С. 42-54.
7. http://www.dissercat.com/catalog/istoricheskie_nauki/etnologiya/
8. <http://www.dissercat.com/news/rss>.



UZUMNING URUG'SIZ NAVLARI FENOLOGIK FAZALARINI TUP YUKLAMASIGA BOG'LIQLIGI

O'tkir Ollanazarovich Ochildiyev

Akademik Maxmud Mirzayev nomidagi bog'dorchilik, uzumchilik va vinochilik ilmiy-tadqiqot instituti uzumchilik va mikro-vinochilik bo'lim boshlig'i q.x.f.f.d.katta ilmiy xodim

Xikmatilla Abduxaxilovich Adilov

Toshkent davlat agrar universiteti, Mevachilik va uzumchilik kafedrasida dotsenti

Farid O'tkir o'g'li Mustafoyev

Toshkent davlat agrar universiteti, magistri

ANNOTATSIYA

Uzumning urug'siz navlari fenologik fazalarini o'tishining tup yuklamasiga bog'liqligini o'rganish bo'yicha tajribalarimiz shuni ko'rsatdiki, Kishmish irtishar navi tuplarining kurtak yuklamasi 80 dona miqdorida qoldirilganda kurtaklarning eng ko'p bo'rtishi 69,7% kuzatildi. Yuklama 120 kurtakka yetkazilganda ko'kargan kurtaklar miqdori 61,4% ga, yuklama 160 kurtakka yetkazilganda esa 60,5% ga tushganligi qayd etildi. Kurtaklarda novdalarning o'sib chiqishi bo'rtishga teskari proporsional holatni aks ettirdi.

Kalit so'zi: uzum, urug', nav, fenologik faza, yuklama, kurtak, muddat, novdalarning uzunligi, novdalarni tutishi, foyiz.

ABSTRACT

Our experiments to study the dependence of the passage of the phenological phases of seedless grape varieties on the load on the bushes showed that the greatest budding was observed in the bushes of the Kishmish Irtysh variety 69.7%, when the renal load was left in the amount of 80 pieces. It was noted that with a load of 120 packs, the number of bruised shoots drops by 61.4%, and with a load of 160 kidneys -by 60.5%. The growth of branches in the kidneys reflected a condition inversely proportional to the relief.

Keywords: grapes, seeds, varieties, phenological phase, loading, bud, term, length of branches, capture of branches, fault.

KIRISH

So'nggi yillarda dunyo qishloq xo'jaligining muhim tarmog'i bo'lgan uzumchilik sohasini rivojlantirishga qaratilgan ilmiy tadqiqotlar natijasida uzumning istiqbolli urug'siz navlarini chiqarish, ularning hosildorligi va sifatini oshirish, quritilgan mahsulot (mayiz) olish uchun eng yaxshi urug'siz navlarni tanlash, tok tupi yuklamasi, mineral o'g'itlar va o'sishni boshqaruvchi moddalarning eng maqbul miqdorlari ishlab

chiqilgan. Ushbu ishlanmalarni ma'lum joy tuproq-iqlim sharoitlari va qo'llanilayotgan nav xususiyatlaridan kelib chiqqan maqbullashtirish uzumchilik sohasining samaradorligini sezilarli oshirish imkonini beradi.

Urug'sizlik – madaniy sharoitda yuzaga kelgan mutatsiyadir (yovvoyi turlar orasida kuzatilmagan). Vegetativ yo'l bilan ko'paytirish orqali mazkur belgi yanada mustahkamlandi va shundan so'ng amaliyot va ishlab chiqarishda qo'llanila boshlandi. K.V.Smironovning ta'kidlashicha, uzumning urug'sizligi – urg'ochi gul degeneratsiyasining chegaraviy shaklidir. Genetik nuqtai nazardan, urug'lilik – dominant, urug'sizlik esa – retsessiv belgidir. Shu bois urug'siz uzum chiqarish seleksiyasi ancha murakkab va o'ziga xos xususiyatlarga ega. Urug'siz navlar miqdorining kamligini balki shu holat bilan tushuntirish mumkindir, yaqin kunlarga ularning soni qariyb 20 ta atrofida bo'lgan. Ular orasida dunyo bo'yicha Kishmish irtishar, Kishmish Sog'diana, Kishmish Botir va boshqalar juda keng tarqalgan. Keyingi yillarda mamlaktimizda va dunyoning ko'pgina davlatlarida urug'siz navlarga xo'raki uzum sifatida katta e'tibor berila boshlandi. Bunga bog'liq ravishda ularning nav majmuini kengaytirish va takomillashtirish borasida seleksiyada ko'pgina ishlar amalga oshirilib kelinmoqda.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Tajribalar X.Ch.Bo'riyev, N.Sh.Enileyev va boshqalar tomonidan ishlab chiqilgan «Mevali va rezavor mevali o'simliklar bilan tajribalar o'tkazishda hisoblar va fenologik kuzatuvlar metodikasi», (2014), M.A.Lazarevskiyning «Metodi botanicheskogo opisaniya i agrobiologicheskogo izucheniya sortov vinograda» (1946), N.N.Prostoserdovning «Izucheniye vinograda dlya opredeleniya yego ispol'zovaniya» (1963), V.F.Moiseychenkoning «Metodika ucheto v nablyudeniye v opitax s plodovimi i yagodnimi kul'turami» (1967) nomli uslubiy adabiyotlarida keltirilgan tavsiya va uslublar bo'yicha o'tkazilgan.

TADQIQOT NATIJALARI

Tok o'simligi bo'ylama qutblanishga kuchli moyil o'simlik hisoblanadi. Shu bois uning kurtak yuklamasini optimal holatda belgilash muhim ahamiyatga ega hisoblanadi. Negaki tok tupining umumiy potensial o'sish kuchi shu qoldirilgan kurtaklarga taqsimlanadi. Ushbu farazdan kelib chiqqan holda tajribada uzumning urug'siz navlari fenologik fazalarini o'tishining tup yuklamasiga bog'liqligini o'rgandik.

Olimlarning kuzatuvlari shuni ko'ratganki, tok tupi yuklamasi oshirilganda o'sib kelayotgan kurtaklarning bir qismida

2-3 barg shakllanadi va ularning sust rivojlanishi kuzatiladi. Mazkur holat tarjibadagi o'rganilgan navlarga o'rtacha va yuqori miqdorda yuklama berilganda yetarli darajada va ularga kamroq yuklama berilganda esa kuchsizroq darajada o'z ifodasini topadi.

Uzumning urug'siz navlari fenologik fazalarini o'tishining tup yuklamasiga bog'liqligini o'rganish bo'yicha tajribalarimiz shuni ko'rsatdiki, uzumning Kishmish irtishar navi tuplarining kurtak yuklamasi 80 dona miqdorida qoldirilganda kurtaklarning eng ko'p bo'rtishi – 69,7% kuzatildi. Yuklama 120 kurtakka yetkazilganda ko'kargan kurtaklar miqdori 61,4% ga, yuklama 160 kurtakka yetkazilganda esa 60,5% ga tushganligi qayd etildi. Kurtaklarda novdalarning o'sib chiqishi bo'rtishga teskari proporsional holatni aks ettirdi. Binobarin, novdalarning eng ko'p o'sib chiqishi tupning kurtak yuklamasi 160 bo'lganda qayd etildi va u 15,9% ni tashkil qildi. Eng kam novdalar – 9,1% tuplarning yuklamasi 80 kurtak bo'lganda kuzatildi. Yuklama 120 ta kurtak bo'lganda novdalarning o'sib chiqishi oraliq o'rinni egalladi va 12,3% ni tashkil qildi (1-jadval).

1-jadval

Tok tupidagi kurtaklarni bo'rtishi va novdalarning o'sishiga yuklamaning ta'siri, 2020-2021 yillar

Nav	Tupning kurtak yuklamasi, dona	Tupdagi kurtaklarning bo'rtishi, %	Kurtaklardan novdalarning o'sib chiqishi, %
Kishmish irtishar	80 (nazorat)	69,7 ± 1,77	9,1
	120	61,4 ± 1,22	12,3
	160	60,5 ± 1,26	15,9
Kishmish Sog'diana	80 (nazorat)	69,9 ± 1,22	8,9
	120	64,3 ± 0,83	13,8
	160	59,9 ± 1,07	16,9
Kishmish Botir	80 (nazorat)	68,7 ± 1,30	8,8
	120	65,6 ± 1,04	13,9
	160	60,1 ± 1,23	15,7

MUHOKAMA

Kishmish Sog'diana navida kurtaklarning o'sib chiqishini ko'zatishtish yuklama oshirilganda bo'rtishning susayishi tendensiyasi aniqlash imkonini berdi. Kuzatuvlar shuni ko'rsatdiki, Kishmish Sog'diana navida ham kurtaklar yuklamasi 80 dona qoldirilganda ularning eng ko'p– 69,9% bo'rtishi qayd etdi. Yuklama 120 kurtakka yetkazilganda ko'kargan kurtaklar miqdori 65,6% ga, yuklama 160 kurtakka yetkazilganda esa 60,1% ga tushganligi qayd etildi.

Kishmish Sog'diana navida ham kurtaklardan novdalarning



o'sib chiqishi yuklama 160 kurtak bo'lganda eng ko'p, ya'ni 16,9% ni tashkil qildi. Eng kam – 8,8% novdalar yuklama 80 kurtak bo'lganda o'sib chiqqanligi kuzatildi. Tup yuklamasi 120 ta kurtak bo'lganda ushbu navda novdalarning o'sib chiqish foizi oraliq o'rinni egalladi va 13,8% ni tashkil etdi.

Kishmish Botir navida ham tup yuklamasi oshirilgan sari bo'rtgan kurtaklar miqdorining 68,7 dan 60,1% gacha kamayib borishi va aksincha kurtaklardan novdalarning o'sib chiqish foizining 8,8 dan 15,7% gacha ortib borishi kuzatildi. Ushbu uchta navda olib borilgan kuzatuvlar shuni ko'rsatadiki, tuplarning kurtak yuklamasi oshirilgan sari ularda rivojlanuvchi kurtaklar foizi kamayib boradi.

Binobarin, Kishmish irtishar navida yuklama 80 kurtak bo'lganda gullashning tugashi 13/V sanada qayd etilgan bo'lsa, yuklama 50% ga oshirilganda ushbu faza 2 kunga, 100% oshirilganda esa 5 kunga kechikishi aniqlandi (2-jadval).

2-jadval

Tupning har xil yuklamasida shira harakati, kurtaklarning bo'rtishi va gullash fazalarining kechishi, 2020-2021 yillar

Fenofazalar	Kishmish irtishar			Kishmish Sog'diana			Kishmish Botir		
	tup yuklamasi								
	80	120	160	80	120	160	80	120	160
Shira harakati boshlanishi	28/ II	27/II	28/II	3/III	4/III	4/III	1/ III	2/ III	2/ III
tugashi	16/III	16/III	15/III	2/IV	2/IV	5/IV	18/III	19/III	20/III
Kurtaklarning bo'rta boshlashi	27/III	28/III	29/III	2/IV	3/IV	4/IV	28/III	28/III	2/IV
tugashi	22/IV	21/IV	24/IV	28/IV	29/V	30/IV	23/IV	24/IV	24/IV
Gullashning boshlanishi	5/V	6/V	7/V	10/IV	11/IV	11/IV	6/V	6/V	7/V
tugashi	14/V	16/V	17/V	20/V	20/V	22/V	15/V	16/V	17/V

Yuqoridagi jadval ma'lumotlari shuni ko'rsatadiki, tuplarning kurtak yuklamasi uzumning Kishmish Sog'diana navida ham Kishmish Botir navida ham shira harakatining boshlanishi, kurtaklarning bo'rtishi va gullash muddatlarining boshlanish muddatlari va ularning o'tish davomiyligiga sezilarli ta'sir ko'rsatmadi. Bunda tuplarning kurtak yuklamasi oshirilgan sari kuzatilgan fenofazalarning boshlanishi va davomiyligidagi tafovut 1-3 kundan oshmadi.

Ammo ta'kidlash joizki, tok tupidagi yuklama oshirilganda uzum boshlari g'ujumlarining texnik yetilishi kechikadi. Bu esa tuplarda uzumboshlari miqdori va tupning tabiiy potensial kuchi



bilan tushuntiriladi.

O'tkazgan tajribalarimiz shuni ko'rsatdiki, uzumning o'rganilgan urug'siz navlarida hosilning pishib yetilish muddati faqatgina kurtak yuklamasiga emas, balki novdaning kesilish uzunligiga ham bog'liq bo'lganligi qayd etildi. Bunda novdalar qanchalik uzun kesilsa, hosilning pishib yetilishi ham shuncha kechikkanligi kuzatildi. Binobarin, Kishmish irtishar navida tadqiqot yillarida hosilning eng tez yetilishi novdalar kalta va o'rtacha uzunlikda kesilgan variantlarda qayd etildi. novdalar uzun kesilganda hosilning pishib yetilishi avvalgi ikki variantga nisbatan 6-7 kunga kechikkanligi kuzatildi (3-jadval).

3- jadval

Uzum hosilini pishib yetilish muddatining novdani kesish uzunligiga bog'liqligi

Novdani kesish uzunligi	Kishmish irtishar			Kishmish Sog'diana			Kishmish Botir		
	2019	2020	2021	2019	2020	2021	2019	2020	2021
Kalta	5/VIII	2/VIII	5/VIII	2/IX	9/IX	9/IX	9/VIII	7/VIII	11/VIII
O'rtacha	5/VIII	3/VIII	5/VIII	3/IX	9/IX	9/IX	9/VIII	7/VIII	12/VIII
Uzun	11/VIII	9/VIII	11/VIII	9/IX	14/IX	14/IX	15/VIII	15/VIII	16/VIII

XULOSA

Jadval ma'lumotlari shuni ko'rsatadiki, uzumning urug'siz Kishmish Sog'diana va Kishmish Botir navlarida ham novdalar kalta va o'rtacha uzunlikda kesilganda hosilning pishib yetilishi deyarli bir xil muddatda va ayni vaqtda ertaroq yetilganligi qayd etildi. Novdalar uzun kesilganda hosilning pishishi avvalgi nav singari 5-7 kunga kechikkanligi qayd etildi.

REFERENCES

1. Арутюян А.С. “Удобрение виноградников” - М: Колис, 1965. 65с
2. Абдуллаев Г.Г., Установление оптимальных доз минеральных удобрений и нормы нагрузки кустов, в целях получения высоких устойчивых урожаев. Автореф. дисс... канд. с.-х. наук. – Кибрובобад, 1949. 99 с
3. Абесадзе Г.Е. Удобрение виноградников в Грузинской ССР. Автореф. дис. доктора с.-х. наук. – Табилиси, 1970. 53 с.
4. Смирнов К.В. Бессемянность винограда и селекция бессемянных сортов в Узбекистане: Автореф. дисс. док. с.-х. наук. – Ереван. – 1977. – С. 3-6.
5. Погосян К.С., Мелконян М.В. Фотосинтетическая активность листового аппарата винограда. // Всетник с.-х. наук. – 1970. – № 7. – С. 100-105.

ДУККАКЛИ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ УНУВЧАНЛИГИ ВА УНИШ КУЧИГА “ЕР МАЛҲАМИ” МИКРОБИОЛОГИК ПРЕПАРАТИНИНГ ТАЪСИРИ

Ойгул Одил қизи Расулова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти “Генетика ва эволюцион
биология” кафедраси ўқитувчиси

Жалолбек Сапарбоевич Досчанов

Хоразм Маъмун академияси “Табиий фанлар” бўлими катта илмий ходими,
биология фанлари фалсафа доктори

Марғуба Аминжон қизи Амирова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, Табиий фанлар
факултети талабаси

Нилуфар Ғайрат қизи Ғойипова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, Табиий фанлар
факултети талабаси

АННОТАЦИЯ

Ушбу тажрибада “Ер малҳами” микробиологик препаратини соянинг Орзу ва Барака, ясмиқнинг Олтин дон навига таъсири ўрганилди. Бунда назорат ўсимликларга нисбатан микробиологик препарат билан ишлов берилган ўсимликларда униш кучи ва унувчанлик кўрсаткичлари юқори бўлиши аниқланди. Препарат таъсири натижасида унувчанлик ва униш кучи соянинг Орзу навига нисбатан Барака навида юқорироқ кўрсаткич кайт этди. Ясмиқнинг Олтин дон навида эса унувчанлик 20 % га, униш кучи қиймати эса 522,2 га ортиши кузатилди.

Калит сўзлар: дуккакли экинлар, соя, ясмиқ, микробиологик препарат, унувчанлик, униш кучи.

ABSTRACT

In this experiment, the effect of the microbiological preparation “Yer malhami” on the shade Orzu and Baraka, lentils Oltin don navigation was studied. At the same time, it was found that plants treated with microbiological drugs have higher germination capacity and

germination rates than control plants. As a result of the drug's effect, forgetfulness and germination power were higher in Baraka than in Orzu. In the Oltin don variety of lentils, the yield increased by 20% and the germination value increased by 522.2.

Keywords: legumes, soybean, lentils, microbiological preparation, germination, germination power.

КИРИШ

Дуккакли экинлардан олинадиган маҳсулотлар таркибида оқсил, витамин ва минераллар миқдори нисбатан юқори бўлади. Ривожланган давлатларда, хусусан, Европа давлатларида дуккакли маҳсулотлари “камбағаллар гўшти”, “крахмалли озуқа” деган ибора билан таърифланади. Ҳозирги кунда нафақат очликка қарши кураш, балки семириш касаллиги келтириб чиқарувчи омилларга қарши курашда аҳоли саломатлигини оширишда бош биоактив компонент сифатида дуккакли ўсимликларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади [7,8].

Дуккакли экинлар орасида озук-овқат маҳсулоти сифатида соя ва ясмиқ ўсимликлари муҳим ўрин тутди. Ясмиқ (*Lens culinaris Medic.*) қимматли оқсилли озук-овқат экинлардан бири ҳисобланади. Уруғларидаги оқсил миқдори 26-31% ни ташкил қилади. Ясмиқ оқсили таркибида барча зарур аминокислоталар мавжуд. Бу экин таркибида лизин миқдори юқори ва оқсил таркибида 6,7–7,5 % ни ташкил қилади. Шунингдек треонин (3,1–3,8 %), валин (5,4–5,8 %), изолейцин (4,1–4,6 %), лейцин (6,5 7,4 %) ни ташкил қилади [4].

Соя хилма-хил мақсадларда ишлатилгани учун энг қимматли экинлар қаторига киради. Унинг дони таркибида 33-45 % гача оқсил, 15-25,5 % гача мой, 25-27% углеводлар, шунингдек, А, В, С, Д, Е витаминлар бор. Соя таркибида бир ваиктнинг узида ҳам оқсил, ҳам мой кўп бўлган ноёб ўсимликдир [9].

Кенг талаб қилинадиган дуккакли экинлар ҳосилдорлиги ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, саноатда экологик хавфсиз хом ашё билан таъминлаш ва қайта ишлаш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни барқарорлаштиришда ва халқ хўжалигида катта аҳамиятга эга [3]. Бунинг учун биринчи навбатда ўсимликларнинг уруғ сифат кўрсаткичларини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишида яхши сифатли уруғларни танлаш муҳим аҳамиятга эга. Юқори сифатли уруғлардан олинган ҳосил паст сифатли уруғлардан олинган ҳосилга нисбатан 18 % юқори бўлиши тажрибаларда аниқланган [1]. Уруғнинг униб чиқиш кучи уруғ сифатини аниқловчи

кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Уруғнинг униб чиқиш кучи ўсимликларнинг униб чиқишида муҳим аҳамиятга эга. Униб чиқиш кучи юқори бўлган уруғлар юқори қувватли уруғлар дейилади [2].

МЕТОДОЛОГИЯ

Тажрибамиздан мақсад Ер малҳами микробиологик препаратининг ўсимлик уруғ унувчанлигига ва уруғнинг униб чиқиш кучига таъсирини ўрганиш. Бунда ясмиқнинг Олтин дон нави, соянинг Орзу, Барака навлари ҳамда Ер малҳами микробиологик препаратидан фойдаланилди. Лаборатория шароитида уруғлар дастлаб маҳсус докага ўралиб, 2 соат давомида оқиб турган водопровод суви билан ювилди. Сўнгра, намуналар 0,5 % натрий гипохлорид (NaClO) эритмасида 10 дақиқа, стерил дистилланган сувда 2 марта 5 дақиқадан ушлаб турилди. Назорат уруғлар дистилланган сувда, тажриба ўсимликлари эса микробиологик ўғитларнинг эритмаларида ивитиб қўйилди. Ивитилган уруғлар пинцент ёрдамида Петри ликобчасида ҳосил қилинган нам шароитда 7 кун давомида униш тезлигини кузатиш учун 25-26°C хароратли сунъий иқлим камерасига 2 та қайтариқда қўйилди. 7-кун ўсимлик унувчанлиги ва уруғнинг униб чиқиш кучи аниқланди. Тажриба асосида олинган натижалар статистик таҳлили EXCEL 2016 да, ANOVA бўйича Stat View дастурида амалга оширилди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Дуккакли ўсимликларга микробиологик препаратларнинг таъсири натижасида улардаги хлорофилл а, хлорофилл б, умумий хлорофилл миқдори, каротиноид миқдорлари, қимматли-хўжалик белгиларининг ўзгариши ўрганилган [5,6].

Соя ва ясиқ ўсимлигига “Ер малҳами” микробиологик препарати таъсир эттирилганда улардаги униш кучи ўзгариши аниқланди (1-жадвал).

Соянинг Орзу навига “Ер малҳами” микробиологик препарати таъсир қилдирилганда назорат ўсимликларга нисбатан унувчанликда фарқ кузатилмади яъни 70 % ни ташкил қилди. Униш кучи кўрсаткичлари таҳлил қилинганда назорат ўсимликларга нисбатан микробиологик препаратлар билан ишлов берилган вариантларда 23,37 % га юқори бўлиши кузатилди.

Соянинг Барака навига “Ер малҳами” микробиологик препарати таъсир қилдирилганда назорат ўсимликларга нисбатан унувчанлик 10 % га юқори бўлди. Униш кучи кўрсаткичлари таҳлил қилинганда назорат ўсимликларга нисбатан микробиологик

препаратлар билан ишлов берилган вариантларда 30,53 % га юқори бўлиши кузатилди.

Ясмиқнинг Олтин дон навига “Ер малҳами” микробиологик препарати таъсир қилдирилганда назорат ўсимликларга нисбатан унувчанлик 20 % га юқори бўлди. Униш кучи кўрсаткичлари таҳлил қилинганда назорат ўсимликларга нисбатан микробиологик препаратлар билан ишлов берилган вариантларда униш кучи 522,2 га юқори бўлиши аниқланди.

1-жадвал.

Дуккакли ўсимликлари унувчанлиги ва уруғ униб чиқиш кучига “Ер малҳами” микробиологик препаратининг таъсири.

Вариантлар	Ўсимлик илдиз узунлиги	Ўсимлик ўсимтаси узунлиги	Ўсимликнинг умумий узунлиги (илдиз+ўсимта)	Ўсимлик уруғ унувчанлиги (% да)	Уруғнинг униб чиқиш кучи
Орзу (назорат)	15,23±2,09	1,21±0,09	16,32±2,11	70%	1142,4
Орзу (тажриба)	19,92±1,98	1,41±0,12	21,33±2,01	70%	1409,4
Барака (назорат)	17,25±1,87	1,09±0,11	18,34±1,98	80%	1467,2
Барака (тажриба)	20,04±1,98	1,24±0,23	21,28±2,21	90%	1915,2
Олтин дон (назорат)	5,91±0,98	6,21±0,74	12,13±1,69	60%	727,8
Олтин дон (тажриба)	7,87±0,92	8,13±0,88	16,00±1,79	80%	1280

ХУЛОСА

“Ер малҳами” микробиологик препарати дуккакли ўсимликлардан соя ва ясмиқ ўсимликларининг униш кучи ва унувчанлигига ижобий таъсири аниқланди. Препарат таъсири натижасида унувчанлик ва униш кучи соянинг Орзу навига нисбатан Барака навида юқорироқ кўрсаткич кайт этди. Ясмиқнинг Олтин дон навида эса униш кучи кўрсаткичи кескин ортиши кузатилди.

REFERENCES

1. Bishnoi, U.R. and Delouche, J.C. 1980. Relationship of vigour tests and seed lots cotton seedling establishment. Seed Science Tech. 8:341-345
2. Black, M. and Bewley, J. D. 2000. Seed Technology and its Biological Basis. Sheffield Academic press Ltd, sheffield
3. Kononenko S. I. Netradicionnye zernovye komponenty v racionah svinej //Politematicheskij setevoy jelektronnyj nauchnyj

zhurnal Kubanskogo gosudarstvennogo agrarnogo universiteta. Krasnodar: KubGAU. - 2012. – №79. – S. 402 – 414.

4. Задорин А.Д., Исаев А.П., Новиков В.М. Роль зер-нобобовых и крупяных культур в развитии устойчиво-го земледелия // Земледелие. – 2012. – № 5. – С. 7 – 9.

5. Маткаримов Ф.И., Бабоев С.К., Тохирбоева Д.У., Холлиев О.Э. Влияние биопрепаратов на урожайность бобовых культур // Academic Research in Educational Science, Vol. 1 No. 1, 2020, ISSN 2181-1385, p. 314-323

6. Маткаримов Ф.И., Бабоев С.К., Тохирбоева Д.У., Кулмаматова Д.Э. Влияние (действие) микробиологических препаратов на количество хлорофилла и каротиноидов у растение нута (*Cicer arietinum L.*) // Молодежная наука как фактор из ресурс инновационного развития. Сборник статей III Международной научно-практической конференции, состоявшейся 15 апреля 2021 г. в г. Петрозаводске “Новая наука” 2021 ст. 56-60

7. ФАО (Продовольственная и сельскохозяйственная организация Объединенных Наций Москва, 2017. Зернобобовые культуры. Кн. Стр 5.)

8. ФАО.Зернобобовые – питательные зерна устойчивого будущего. 2016. С-12.

9. Чирков В.Н. Донли экинлар.// “Ўқитувчи” Тошкент -1975. 234 б.

ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК НУТҚИ ҲАҚИДА

Фируза Равшановна Улмасова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

Илмий раҳбар: Қ.А.Мўйдинов, ф.ф.ф. д ,доц.в.б

АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳарбий ватанпарварлик нутқи ҳақида унинг ёшлар тарбияси борасидаги ўрни, нотиклик санъати унинг тарихи ва ҳозирги замонда тутган ўрни ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: риторика, нотиклик, ватанпарварлик, санъат, ҳарбий нутқи.

ABOUT MILITARY PATRIOTIC SPEECH

ABSTRACT

The article discusses the role of military patriotism in the education of young people, its history and the role of public speaking in modern times.

Keywords: rhetoric, rhetoric, patriotism, art, military speech.

КИРИШ

Нотиклик санъати муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга ва қудратга эга бўлган таълим ва тарбия воситаларидан биридир. Шунга кўра ҳам қадимдан - жамият тарихидан бошлаб нотиклик санъатига жиддий эътибор бериб келинган. Нотиклик санъати жамият тараққиётида турли даврларда турлича йўллар билан ривожланиб келган. У жамиятнинг қайси давр ва қайси босқичи бўлмасин ўша давр – ўша тузумнинг сиёсий-иқтисодий асослари ва маънавий эҳтиёжи билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланган. Бу тарихий ҳол.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

С.Иномхўжаев ўзининг «Нотиклик санъати асослари» китобида нотиклик санъатини муайян тур ва ички кўринишларга ажратиб, ҳар бирига алоҳида тўхталади. Масалан, олим сиёсий-ижтимоий нотиклик турининг 9та ички нутқий кўринишларини қайд этади. Ҳарбий ватанпарварлик нутқи ҳам сиёсий - ижтимоий нотикликнинг муайян бир кўриниши сифатида берилади.

Ҳарбий ватанпарварлик нутқи нотиклик санъатининг жуда қадимий кўринишларидан бири бўлиб, у аввало ўзининг жанговар руҳи билан, сиёсий кескинлиги билан, ватанпарварлик моҳияти ва табиати билан ҳамда халққа садоқат руҳида суғорилганлиги билан ўзига хосдир, мустақилдир.

Ҳарбий ватанпарварлик нутқи ҳақида гапирганда тарихан Искандар Зулқарнайн, Амур Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк саркардалар фаолиятига тўхталмасликнинг иложи йўқ. Чунки улар сўз санъатига, сўз кудратига жиддий эътибор бериб, ҳарбий ватанпарварлик нутқини юқори даражада намоёиш қила олганлар. Ҳарбий юришларда бутун кўшин олдида нутқ сўзлаб, жангчиларда ўзига ишонч уйғотганлар, уларга жанговар руҳ бера олганлар. Саркардаларнинг нутқи мантиқий изчиллиги, аниқлиги, таъсирчанлиги, теранлиги билан ажралиб турган. Бу нутқлар ғализликдан, такрорлардан, сўзларни ноўрин ишлатишдан ҳоли бўлган. Масалан, Амур Темурнинг нутқи ифодаларга бойлиги, теранлиги, қатъийлиги, аниқлиги ўзига бўлган ишончнинг юксаклиги билан ажралиб турган. Қиёсланг:

“Ўғилларим, миллатнинг роҳати, саодатини сақламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузукларни яхши ўқинг, асло унутманг ва тадбиқ этинг. Миллатнинг дардига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Адолат ва ийилик (яхшилиқ) қилмоқ дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин. Мен каби узун салтанат сурмоқ истасангиз қиличларингизни яхши ўйлаб чекингиз. Бир дафъа чекикдан сўнгра-да, уни усталик-ла қўллангиз”. Яна қиёсланг:

“...Мамлакат ва миллатнинг осойишталиги, кўшин салоҳиятининг мукамаллиги, раиятнинг хотиржамлиги борасида фойдали тадбирлар кўринг. Бинобарин, сизлар ҳам итоат ва эҳтиром борасида унга байъат билдириб, салтанатни бошқаришда, эл-юртнинг тинчлиги, мусулмонларнинг осойишталиги учун ҳамжиҳат бўлиб, кўмаклашиш лозим. Сизларнинг ҳамжиҳатлик ва иттифоқ билан қилган ишларингиз узоқ-яқиндаги дўст-душманларга кўриниб турсин. Токим ўзаро низоларга ўрин қолмагай, ҳеч ким салтанатга қарши исён кўтаришга ўзида жасорат топмагай. Билакс ўзаро низолар вужудга келгай, раият бошига ташвиш ва надоматлар ортиб, мамлакат ободонлиги барҳам топгай. Инчунун, менинг кўп йиллик саъй - ҳаракатларим зое кетгай...”

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Таъсирчан нутқи билан шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур машҳур бўлган. Унинг ҳаётида – жанговарлик санъатида бадиий сўзнинг таъсир кудратини



кўрсатиб берувчи қатор жонли далиллар бор. Тарихдан маълумки, Бобурнинг нутқий маҳорати лашкарлар орасида бошланган парокандаликни, тарқоқликни тўхтатган. Унинг ҳинд саркардаси Рано Санго билан бўладиган жанги олдидан(1527) кўшинлари орасида баъзи бир сабабларга кўра тарқоқлик бошланади. Бу аҳволни кўрган Бобур лашкарлари олдида нутқ сўзлайди: “ Ҳар кимки ҳаёт мажлисига кирибтур, оқибат ажал паймонасидин ичкусидир ва ҳар кишиким, тириклик манзилига кирибтур, охир дунё ғамхонасидин кечкусидур, ёмон от билан тирилгандин, яхши от билан ўлган яхшироқ. Тангри таоло бу навъ саодатни бизга насиб қилибтур ва мундоқ давлатни бизга қарийиб айлабтур. Ўлган шаҳид ва ўлдирғон ғозий, барча Тангрининг каломи билан онт ичмак керакким, ҳеч ким бу католдин юз ёндирур ҳаёл қилмай, то бадандин жони айрилмағунича, бу муҳориба ва муқотиладин айрилмағай...” Гулбаданбегимнинг маълумотига кўра, “бунга мажлисдагиларнинг ҳаммаси рози бўлишиб..., томиримизда бир томчи қонимиз қолгунча курашамиз, деб қасам ичадилар...”

Демак, ҳарбий ватанпарварлик нутқи санъат даражасига кўтарилган нутқ турларидан бўлиб, айниқса, ватанига садоқат руҳидаҲарбий ватанпарварлик нутқи сиёсий-ижтимоий нотикликнинг таркибига кирувчи бошқа нутқ кўринишларидан кескин фарқ қилади. Бу нутқ кўринишининг тарихи аслида Зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлмиш ”Авесто”га бориб тақалади. Унда ҳарбий юришлар, қабила йўлбошчиларининг ҳарбий ватанпарварлик нутқлари ҳақида маълумотлар берилган. Масалан, Кави Виштасп қабилаининг йўлбошчиси бўлиб, бир неча тарқоқ қабилаларни бир-бирига бирлаштириб, уларга бошчилик қилган. Қабилани бошқариш учун аввало дадил, эркин фикрловчи ва оммани ўзига ишонтира оладиган шахс бўлиши керак. Туроннинг Спитамен, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди ва бошқа мард баҳодирлари, саркардалари ҳам ўзларининг жасурлиги, мардонаворлиги билан бирга ҳарбий ватанпарварлик нутқини мукамал эгаллаганлар, амалда исботлаганлар. Уларнинг нутқларида доимо Она-юрт ҳимоясига тайёр эканликларини кўриб турган. Масалан, Хўжанд ҳокими саркарда Темур Малик ўз Она-Ватанини жонидан севган, иймони бутун, мард халқ фарзанди бўлиб, мўғуллар Моварауннаҳрга ҳужум қилган дастлабки онларидаёқ, у оташин нутқ сўзлайди: “**Ҳатто ожиз инсон ҳам бор кучи билан ташланса, ваҳшатли йулбарсни ҳам енгади. Наҳотки биз чекинишни ўйласак? Душманни саратон иссиғидан қочади, демаклик-нодонлик!...Жангга кирсак, ўқимиз нишонга тегишини, қиличимиз осмонда ярқирашини кўрсатинглар!**” Кўриниб турибдики, ҳарбий

ватанпарварлик нутқи жанговар курашга қаратилган, юқори ватанпарварлик ғояси билан йўғрилган, сиёсий характери ва ватани ҳамда ўз халқига садоқат руҳида суғорилганлиги билан характерланадиган, шахсий ботирлик, оммавий мардлик кўрсатишни талаб қиладиган нутқдир. Демак, бу нутқ кўриниши бошқа нутқ кўринишларидан ўзининг таъсирчанлиги, жанговар руҳ ва кўтаринки кайфиятдалиги, Ватанга садоқат руҳидалиги билан кескин фарқланиб туради.

Ҳарбий ватанпарварлик нутқида, асосан, ундов ва буйруқ гаплар фаол қўлланади. Мазкур нутқ кўринишида мураккаб, ишонтириш, ғалабага ундаш ва мажбур этиш каби ғоялар, чақириқлар етакчилик қилади.

REFERENCES

1. Амир Темур Тарағай васияти. «Ўзбегим» тўп. – Т., 1992 йил.
2. Аминов Б., Расулов Т. Ватан-юрақдаги жавоҳир. Тошкент. 1996. 46-б.
3. А. Арипова. Нотиқлик ва унинг лисоний- услубий воситалари. Т-2007.
4. Гулбаданбегим. Ҳумоюннома. – Т.: Ўзбегистон, 1959 йил,
5. С. Иномхўжаев. Нотиқлик санъати асослари. Тошкент, Ўқитувчи- 1982 й.



MAKTABGACHA KATTA YOSHDAGI BOLALAR FAOLLIGINI SHAKILLANTIRISHDA O'YINLARDAN FOYDALANISH YO'LLARI

Uldona Narziboyevna Ravshanova
Termiz davlat pedagogika instituti magistranti

ANNOTATSIYA

Katta maktabgacha yoshdagi bolalarni o'qitishda, o'yinlardan foydalanish o'yin maktabgacha yoshdagi bolalarni o'qitish vositasi sifatida qo'llanilishi keltirilgan.

Kalit so'zlar: harakatli o'yinlar, didaktik o'yinlar, faoliyat, harakat.

KIRISH

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 30-sentabrdagi PQ-3305-son "O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lim vazirligi faoliyatini tashkil etish o'g'risida"gi qarori hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 29-dekabrdagi PQ-2707-son "2017-2021-yillarda maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq mamlakatda o'tkazilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy islohotlarni, xorijiy mamlakatlar ilg'or tajribasi hamda ilm-fan yutuqlari va zamonaviy informatsion kommunikativ texnologiyalarni inobatga olgan holda maktabgacha ta'lim tizimida ma'nan mukammal va intellektual rivojlangan shaxsni tarbiyalashdir ta'lim-tarbiya jarayoniga pedagogik va zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etishdan iborat.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Bugungi kunda respublikamizda maktabgacha ta'lim sohasida me'yoriy huquqiy bazani tubdan takomillashtirish, ilg'or xorijiy tajribalar, ilmiy ishlanmalar va texnologiyalarni maktabgacha ta'lim tashkilotlari faoliyatiga integratsiya qilish, maktabgacha yoshdagi bolalarni erta rivojlantirish sohasidagi ilmiy, innovatsion-pedagogik faoliyatni qullab-quvvatlashga qaratilgan konseptual islohotlar amalga oshirilmoqda. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoevning Oliy majlisga so'zlagan Murojaatnomasida Maktabgacha ta'lim sohasida kelgusida olib boriladigan keng islohatlar xaqida tuxtalib o'tildi. "Birinchidan, bola dunyoga kelganidan boshlab, unda aynan maktabgacha bo'lgan yoshda aqliy faollik oshadi, axlokiy-estetik va jismoniy xislatlar shakllanadi. Shu bois xam, kelgusi yillarda maktabgacha ta'lim sohasini rivojlantirish borasidagi strategik maqsadimiz-ijtimoiy axvolidan qat'iy nazar, maktabgacha yoshidagi xar bir bolani

ushbu ta'lim yo'nalishi bilan to'liq; qamrab olish uchu zarur sharoitlarni yaratishdan iborat".

Maktabgacha yoshdagi bolalarning kelgusida maktab bilimini o'zlashtirishi, maktabga moslashuvining yengil o'tishi, bola shaxsida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan muammolarning oldini olish, qiyinchiliklarni bartaraf etishni amalga oshirishda bolalarning maktabgacha ta'lim tashkilotiga jalb etilganligi, ta'limga qamralganligi aloxida ahamiyatga egadir. Maktabgacha yoshdagi bolalarda harakatning o'sishiga o'yinning ta'siri haqida gap borganda avvalo shuni aytish kerakki, birinchidan, o'yinni tashkil qilishning o'ziyoq mazkur yoshdagi bolaning harakatini o'stirish va takomillashtirish uchun eng qulay shart-sharoit yaratadi. Ikkinchidan, o'yinning bola harakatiga ta'sir etishining sababi va xususiyati shundagi, harakatning murakkab ko'nikmalarini sub'ekt aynan o'yin paytida emas, balki bevosita mashg'ulot orqali o'zlashtiradi. Uchinchidan, o'yinning keyinchalik takomillashuvi barcha jarayonlar uchun eng qulay shart-sharoitlarni vujudga keltiradi. SHu boisdan o'yin faoliyati xatti-harakatni amalga oshirish vositasidan bolaning faolligini ta'minlovchi mustaqil maqsadga aylanadi. Negaki, u (o'yin) sub'ekt (jonot) onginging dastlabki ob'ekti darajasiga o'sib o'tadi. Maktabgacha yoshdagi bola muayyan xususiyatga ega bo'lgan rolni tanlaydi, shu bilan birga u yoki bu personajga xos qat'iy yurish-turishni ongli ravishda ijro etishga intiladi. SHunday ekan, o'yin mazkur bola uchun eng zarur faoliyatga aylana boradi va yangi shakldagi harakatlarni, takomillashtirish, ularni anglagan holda esga tushirish ehtimoli yaqqol voqelikka aylana boshlaydi. Mazkur harakatlarni egallash bolada jismoniy mashqlarni ongli ravishda bajarish imkoniyatini vujudga keltiradi (A.V.Zaporojets).

Bolaning o'yinlar shart-sharoitidan kelib chiquvchi ongil maqsadi harakatlarni bajarish kezida o'z ifodasini topadi va uning o'z oldiga qo'ygan maqsadi esda olib qolish va esga tushirish jarayonlariga aylanadi. Bolaning laboratoriya sharoitiga nisbatan o'yinlarda ko'proq so'zlarni eslab qolish va esga tushirish imkoniyatiga ega bo'ladilar, bu esa ixtiyoriy xotira xususiyatini chuqurroq ochishga yordam beradi. Tajribada yig'ilgan ma'lumotlarni tahlil qilish quyidagicha xulosa chiqarish imkonini beradi: a) o'yinda bola tomonidan ma'lum rol tanlash va uni ijro etish jarayoni bir talay axborotlarni eslab qolishni talab qiladi; b) shu boisdan personajning nutq boyligini egallash, xatti-harakatini takrorlashdan iborat ongli maqsad bolada olinroq paydo bo'ladi va oson amalga oshadi.

O'yin faqat bilish jarayonlarini takomillashtirib qolmay, bolaning xulq-atvoriga ham jobiy ta'sir ko'rsatadi. Maktabgacha yoshdagi bolalarda o'z xulqini boshqarish ko'nikmalarini tarkib toptirishga bog'liq psixologik muammoni o'rgangan Z.V.Manuylenkoning fikricha,

biror maqsadga yo'naltirilgan mashg'ulotga nisbatan o'yinda xulq ko'nikmalarini oldindan va osonroq egallash mumkin. Ayniqsa, bu omil maktabgacha yoshdagi bolalarda yosh davrining xususiyati sifatida o'zining ifodasini topadi. Katta maktabgacha yoshdagi bolalarda o'z xulqini o'zi boshqarish ko'nikmasi o'yin faoliyatida ham, boshqa sharoitlarda qariyb baravarlashadi. Ba'zan ular ayrim vaziyatlarda, masalan, musobaqa paytida o'yindagiga qaraganda yuqoriroq ko'rsatkichga ham erishishlari ham mumkin. Yuqoridagi mulohazalar asosida umuman aytganda, o'yin va o'yin faoliyati bolada o'z xulqini boshqarish ko'nikmalarini shakllantirish uchun muhim ahamiyat kasb etadi.

Bolaning aqliy o'sishi to'g'risida fikr yuritilganda, shuni aytish ham kerakki, narsalarni yangi nom bilan atashda yoki yangicha nomlash holatidan kelib chiqib, sub'ekt o'yin paytida faol harakat qilishga urinadi. Chunki u moddiy narsalarga asoslangan harakat rejasidan tasavvur qilinayotgan, fikr yuritilayotgan jismlar mohiyatini aks ettiruvchi harakat rejasiga o'tadi. Bola jismlarning moddiy shaklidan birdaniga hayoliy ko'rinishiga o'tishida unga tayanch nuqtasi bo'lishi kerak, vaholanki shunday tayanch nuqtasi vazifasini o'tuvchi narsalarning aksariyatidan o'yinga bevosita ob'ekt sifatida foydalaniladi. o'yin faoliyatida mazkur jismlar qandaydir alomatlarni aks ettiruvchi sifatida emas, balki ana shu tayanch narsalar to'g'risida fikrlash uchun xizmat qiladi, shuningdek, tayanch nuqtasi harakatning yaqqol narsa bilan bog'liq jihatini aks ettiradi. Yuqorida aytilganidek, narsa bilan o'yin harakatlarining takomillashuvi harakat shakli, xususiyati bosqichi kabilarni qisqartirish va umumlashtirish hisobiga amalga oshiriladi. o'yin harakatlarining qisqarishi va umumlashuvi ularning aqliy ko'rinishdagi mantiqan izchil, yig'iq shaklga o'tishning asosini tashkil qiladi.

Maktabgacha yoshdagi bolalar qiziqishi, iqtidori, individual ruhiy va jismoniy xususiyatlari, madaniy ehtiyojlarini hisobga olgan holda, bolada ma'naviy me'yorlarni shakllanishi, hayotiy va ijtimoiy tajriba egallanishini ko'zda tutgan har tomonlama rivojlantirishga qaratilgan yaxlit jarayon hisoblanadi. o'yin ijtimoiy faoliyat sifatida jamiyatda muayyan vazifalarni bajaradi - boshqa tarbiya vositalari qatorida to'plangan ijtimoiy tajribani bir avloddan ikkinchi avlodga o'tkazilishini, bola shaxsining rivojlanishini ta'minlaydi. O'yinning ijtimoiy tabiati shundan iboratki, u faqat muayyan ijtimoiy sharoitda voqe bo'la oladi. Jamiyatning katta a'zolari bolalarning yashashi va o'sishi uchun zarur moddiy sharoit yaratish asnosida o'yinlarning rivojlanishi uchun ham ob'ektiv imkoniyatlar yaratadilar.

Sog'lom avlod - sog'lom yurt demakdir. Sog'lom avlodni tarbiyalash vazifasi esa birinchi navbatda maktabgacha tarbiya muassasalari zimmasidadir. Maktabgacha tarbiyani

insonparvarlashtirish uni yangilash jarayonining asosi hisoblanadi. Bolalarni o'rab turgan muhit o'zgarib bormoqda. Oddiy, sodda o'yinlar o'rniga kompyuter o'yinlari kirib keldi. Bolani aqliy, estetik rivojlantirish ustuvorlik kasb etmoqda. *O'yin - bu o'sib borayotgan bola tanasiga bo'lgan ehtiyoj hisoblanadi. O'yinda bolaning jismoniy kuchi rivojlanadi, qo'li qattiqroq, tanasi, aniqrog'i ko'zi moslashuvchan bo'ladi, aql-zakovati, topqirligi va tashabbusi rivojlanadi* », deb yozgan taniqli sovet o'qituvchisi N.K. Krupskaya. Shuningdek, u taassurotlarni, o'yindagi tasavvurlarni, bolalarning hayotga kirib borishini, o'yinlarni haqiqat bilan, hayot bilan bog'lash imkoniyatlarini kengaytirish imkoniyatlariga ishora qildi. Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun o'yin yetakchi faoliyat hisoblanadi u juda muhim ahamiyatga ega: ular uchun o'yin - bu o'rganish, ular uchun o'ynash - bu mehnat, ular uchun o'yin - bu ta'limning jiddiy shakli. Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun o'yin bu atrofdagi dunyoni o'rganish usulidir. Maktabgacha yoshdagi bolalarda o'ynashga bo'lgan ehtiyoj va o'ynash istagi muayyan ta'lim muammolarini hal qilish uchun ishlatilishi kerak. O'yin, agar u yaxlit pedagogik jarayonga kiritilgan bo'lsa, ta'lim vositasi bo'ladi. O'yinni olib borish, o'yinda bolalar hayotini tashkil etish, bolaning shaxsini rivojlantirishning barcha jihatlariga ta'sir qiladi: his-tuyg'ular, ong, iroda va umuman o'zini tutish. O'yinda bola yangi bilim, ko'nikma va ko'nikmalarni egallaydi. Idrok, diqqat, xotira, taffakur fikrlash, ijodiy qobiliyatlarni rivojlantirishga hissa qo'shadigan o'yinlar umuman maktabgacha yoshdagi bolaning aqliy rivojlanishiga qaratilgan. Shunday qilib, o'yin bolalar xayoli tomonidan yaratilgan narsa emas, aksincha bolalar xayolining o'zi o'yin jarayonida yuzaga kelib rivojlanadigan narsadir. Bolalarning o'yin faoliyatlarida xar xil xayoliy va afsonaviy obrazlarni yaratishlaridan shunday xulosa chiqarish mumkin: bolalarning tashqi muxitdagi narsa va xodisalarni aks ettirish jarayonlari passiv jarayon emas, balki faol xamda ijodiy yaratuvchan, uzgartiruvchan jarayondir. Bolalar o'yin faoliyatlarining yana bir ajoyib xususiyati shundan iboratki, o'yin jarayonida bolaning qiladigan xatti-xarakatlari va bajaradigan rollari ko'pincha umumiylik xarakteriga ega bo'ladi. Buni shunday tushunish kerakki, bola o'zining turli-tuman o'yinlarida faqat o'ziga tanish bo'lgan yolg'iz bir shofyorning, vrachning, militsionerning, tarbiyachining, uchuvchining xatti-xarakatlarigina emas, balki umuman shofyorlarning, vrachlarning, tarbiyachilarning xamda uchuvchilarning xatti-xarakatlarini aks ettiradi. Albatta, turmush tajribalari va faoliyatlari doirasi juda cheklangan kichik yoshdagi bolalar(ba'zan kichik gurux bolalari xam) uzlarining o'yinlarida konkret odamlarni va ularning xarakatlarini aks ettiradilar. (Masalan, oyisini, adasini, akasini, tarbiyachisini va shu kabi). O'rta, katta bog'cha yoshidagi bolalarning o'yinlarida esa bunday obrazlar umumiylik

xarakteriga ega bo'la boshlaydi. o'yin ijtimoiy faoliyat sifatida jamiyatda muayyan vazifalarni bajaradi - boshqa tarbiya vositalari qatorida to'plangan ijtimoiy tajribani bir avloddan ikkinchi avlodga o'tkazilishini, bola shaxsining rivojlanishini ta'minlaydi. O'yinning ijtimoiy tabiati shundan iboratki, u faqat muayyan ijtimoiy sharoitda voqe bo'la oladi. Jamiyatning katta a'zolari bolalarning yashashi va o'sishi uchun zarur moddiy sharoit yaratish asnosida o'yinlarning rivojlanishi uchun ham ob'ektiv imkoniyatlar yaratadilar.

Yuqoridagi mulohazalar asosida shuni aytilish mumkinki, katta kishilar hayoti va faoliyatining o'rnini bosuvchi ashyolar ularning harakatini umumlashgan holda ifodalashning moddiy tayanchi hisoblanadi. SHunday ekan, o'yin faoliyatida bola harakatining rivojlanishi o'yin mazmuniga ko'proq bog'liqdir. CHunki bolaning xatti-harkati qanchalik ihsam va umumlashgan bo'lsa, u kattalarning faoliyati mazmunini aks ettirishdan shunchalik yiroqlashadi. Binobarin, u odamlarning narsalarga va bir-biriga munosabatini amalda bajarishga o'tadi va shuning uchun narsalar bilan harakat qilishda kattalarning ijtimoiy munosabatlarini to'g'ri ifodalashga intiladi.

Har qanday o'yinning va o'yin faoliyatining markazida bola katta kishilarning faoliyati va o'zaro munosabatini, muomalasini o'ziga xos tarzda aks ettirishi, takrorlashi imkoniyati turadi. SHunga ko'ra o'yin ijtimoiy ahamiyat kasb etib, bola insoniyat tomonidan asrlar davomida yarailgan qimmatli bilimlar, amaliy ko'nikmalar, malakalar va odatlarni o'rganishga imkon yaratadi, oqibatda uni shaxslararo muloqotning mohiyatiga olib kiradi.

SHunday qilib, psixolog adabiyotlar tahliliga tayanib maktabgacha yoshdagi bolalarning o'ziga xos xususiyatlari qatoriga quyidagilarni kiritish mumkin:

- 1) bola odamlarning faoliyati, ularning predmetlarga munosabati va o'zaro muomalasiga qiziqadi;
- 2) bolalar rolli o'yinda atrofdagi voqelikning eng tashqi ifodali, jo'shqin xis-tuyg'uli jihatlarini aks ettiradilar;
- 3) rolli o'yinda bola kattalar bilan bir xil sharoitda, yagona zaminda yashayotganini his etgan holda o'z istagini amaliyotga tadbiiq qiladi;
- 4) kattalar hayoti va faoliyatiga kirish bolaning tasavvuri timsollari tariqasida namoyon bo'lsa ham, umuman uning chinakam shaxsiy hayotida o'chmas iz qoldiradi.

XULOSA

Bolalar faolyatini to'g'ri tashkil etishda o'yinning roli beqiyosdir. Biz bolaning faolyat jarayonini o'yinsiz tasavvur



qilishimiz qiyin. Chunki, o'yin orqali bola faqat jismoniy tomondan emas, balki psixologik tomondan ham rivojlanadi. O'yin orqali bola olamni, undagi narsa hodisalarni, ularga xos xususiyatlarni o'rganibgina qolmay, balki nutq so'zlashga, mustaqil fikrlashga xayol qilishga, ijod qilishga, muomala madaniyatiga o'rganadi. Ko'pchilik psixologlar hamda pedagoglar o'yinning psixologik masalalari bilan bevosita shug'ullanib, o'yinlarning bolani psixik kamol toptirishdagi ahamiyatiga alohida to'xtalib o'tganlar. Ma'lumki, o'yin bola uchun voqelikni aks ettirishdir. Bu voqelik bolani qurshab turgan voqelikdan ancha qiziqarlidir. o'yinning qiziqarliligi uni anglab etishning osonligidadir. Faolyatlarni olib boorish jarayonida o'yinlardan samarali foydalansa faolyat jarayonda katta yutuqlarga erishib boriladi. Maktabgacha ta'lim tashkiloti tarbiyalanuvchilari uchun rollarini bajaradigan vaziyatlarni yaratish, o'z-o'zini bilishga yo'naltirilgan rivojlantiruvchi o'yinlardan iborat maxsus, innovatsion dastur asosida tadqiqotlar olib borilib, bolalarning faolligi munosabatlar xaqida tasavvurlarni shakllanishini kuzatiladi, yuqori samaraga erishish imkoniyatini berishi bo'yicha tadqiqiy ishlar olib boriladi.

REFERENCES

1. Sabitova, T., & Karomatov, A. (2022). TAJOHULI ORIF SAN'ATI. *Academic research in educational sciences*, 3(2), 765-769.
2. Sabitova, T., & Anisbekova, D. (2022). ALISHER NAVOIYNING" SABAI SAYYOR" DOSTONIDAGI OLTINCHI HIKOYA TAHLILI. *Academic research in educational sciences*, 3(4), 596-602.
3. Sabitova, T. (2021). THE ROLE OF WORKS OF ORAL FOLK ART IN ENHANCING THE SPIRITUALITY OF YOUTH. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(9), 77-88.
4. Shokirjonov, M., Eshonqulov, O. K., & Ibrohimov, F. (2022). JAMOAT TRANSPORTLARIDAN FOYDALANISH MADANIYATI YOHUD FAROSAT HAM BIR RIZQ. *Conferencea*, 322-325.
5. Ibrohimov, F. (2022). YANGI O 'ZBEKISTON YOSHLARINING MA'NAVIY VA AXLOQIY QARASHLARI XUSUSIDA. *Conferencea*, 326-329.
6. F. A. Ibrohimov, & I. Sh. Fayziyev (2021). SHAXS MA'NAVIY-RUHIY BEGONALASHUVINING SHAKLLARI. *Scientific progress*, 1 (5), 591-599.

“ЭЛЕКТРОН ПЕДАГОГИКА”НИНГ НАЗАРИЙ АСПЕКТЛАРИ

Севинч Элёр қизи Бахтиёрова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси

АННОТАЦИЯ

Мақолада янги фан “Электрон педагогика”нинг ўзига хос назарий аспекти таҳлил этилган ва тавсиялар берилган.

Калит сўз: электрон, педагогика, инновация, назария, аспект, таълим, тарбия, амалиёт.

THEORETICAL ASPECTS OF ELECTRONIC PEDAGOGY

ABSTRACT

The article analyzes the specific theoretical aspects of the new discipline "Electronic pedagogy" and makes recommendations.

Keywords: electronics, pedagogy, innovation, theory, aspect, education, upbringing, practice.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси “2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича Миллий дастури”да барча фанлардан янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ва инновацион фан соҳаларини ривожлантириш вазифалари қўйилган [1]. Шу жиҳатдан “Электрон педагогика” Умумий педагогиканинг янги таркибий қисми ва инновацион асосларга таянган ҳамда шаклланиб келаётган янги фан тармоғи сифатида кейинги пайтларда педагог олимларнинг эътиборини торта бошлади. Педагогиканинг янги мазкур йўналиши бўйича янги авлод адабиётлари яратиш долзарб бўлиб турибди. Бу ўринда эътиборингизни ана шу фаннинг энг муҳим назарий аспекти таҳлиliga тортаман.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

1. *Таълим бериш хусусияти.* “Электрон педагогика”нинг бошқа педагогик фанлар қаторида асосий негизини шахсга таълим бериш ташкил этади. Айни пайтда, мазкур фаннинг таълим бериш вазифаси ўзига хос хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради. Бунда аввало мазкур фан ахборот-коммуникацион



воситаларнинг энг муҳимлари бўлган компьютер, ТВ, радио каби ўқув-техник жиҳозларга таяниши билан ўзига хос хусусиятга эга. Айни пайтда, фаннинг таълим бериш вазифаси ана шу воситалари асосида амалга оширилиши билан педагогик туркумдаги бошқа фанлардан фарқланиб туради. Шу жиҳатдан “Электрон педагогика” фани таълим беришда куйидаги хусусиятларга эгаллиги билан диққатни тортади:

а) билим беришда энг асосий маълумотлар ва хабарларга асосланади, кези билан бу хабарлар ва маълумотларни такомиллаштириб бориш имконияти мавжуд;

б) таълим маълумотларини янги тадқиқотлар, ихтиролар ва кашфиётлар хулосалари асосида мунтазам текшириб боради;

в) таълим беришнинг вақти ва муддати чекланганлиги билан муҳим хусусиятга эгаллиги намоён бўлади, бунда вақт ва муддат омилидан таълим олувчининг унумли фойдаланиши тақозо этилади [2].

Эътибор берилса, мазкур фаннинг таълим бериш вазифаси бутунлай янги хусусиятларга эгаллиги билан муҳим аҳамиятга эга.

2. *Тарбия беришдаги хусусияти.* “Электрон педагогика” фани шахсга тарбия беришдан ўзига хусусиятларга эгаллиги билан кўзга ташланади. Ахборот ва технологияларнинг ривожланиши жараёнида таркиб топаётган мазкур педагогик фан шахс тарбиясига нисбатан мутлақо янгича ёндашувларга асосланиши билан эътиборга молик. Шу жиҳатдан ушбу фаннинг тарбия бериш хусусиятларида куйидагиларга асосланилади:

а) шахснинг тарбияси тарбияга оид махсус тузилган топшириқлар воситасида амалга оширилади, бунда топшириқ олувчи уни бажариш жараёнида ахлоқий фазилатларни, тарбиявий муносабатларни ва хатти-харакат кўникмаларини ўзлаштиради;

б) тарбияда шахсни фаоллаштирувчи вазифанинг устувор билиниши, бунда тарбия олувчи шахс турли топшириқлар, тестлар ва мустақил таълим воситалари асосида мунтазам фаоллаштириб борилади, унинг фаоллигига кўра тарбияланганлик даражаси баҳоланади;

в) тарбиявий тадбирларнинг мунтазам янгиланиб бориши, бунда ахборот-коммуникацион воситалар имкониятлари асосида тарбия тадбирлари изчил равишда янги эҳтиёжлар, заруриятлар ва талаблар асосида тезкор равишда янгиланиб боради, асосий эътибор тарбиявий тадбирларнинг ўз вақтида ва тезкор равишда таъсир кучига эга бўлишига қаратилади.

Диққат қилинса, бу инновацион фан тарбия бериш масаласида ҳам бутунлай янги асосларга таянади ва аста-секин унинг бу борадаги объекти аниқлашиб бормоқда.

3. *Ўзлаштириш амалиёти.* “Электрон педагогика” шахсга, умуман таълим олувчиларга таълим ва тарбия бериш масаласида инновацион ёндашувга эга эканлиги туфайли мазкур масалалар бўйича ўзлаштириш амалиётига ҳам асосий эътиборни қаратади. Шу жиҳатдан ушбу фаннинг ўзлаштириш амалиёти хусусиятларини қуйидагилар муҳим ўрин тутди:

а) таълим олувчининг таълим ва тарбия соҳасида кўникма ҳосил қилганлик даражаси;

б) шахснинг (кўп ҳолларда педагогнинг) “Электрон педагогика” нинг таълим-тарбия назарияси асосларини билиш даражаси;

в) шахснинг “Электрон педагогика” асосида таълим ва тарбиянинг кутилган самарадорлигига эришганлик даражаси.

ХУЛОСА

Мана шу мезонлар асосида таълим олувчиларнинг ушбу фан бўйича ўзлаштирганлик даражаси баҳоланади ва уларнинг ўзлаштириш даражасини ривожлантириш йўналишлари бегиланади.

Эътибор берилса, “Электрон педагогика”нинг назарий аспекти Умумий педагогика асосларига таянса-да, лекин мазмун жиҳатидан ўзининг ёндашувлари ва хусусиятларига эгадир. Шу жиҳатдан таълим, тарбия ва ўзлаштирганлик амалиёти масалаларига мазкур инновацион фаннинг объекти илмий-тадқиқотлар, амалий кузатишлар ва тажрибалар асосида ривожланиб бораётганлигини эслатиб ўтиш жоиз [3].

Шундай қилиб бугунги кунда олий педагогик таълим жараёнида инновацион фан “Электрон педагогика”нинг назарий масалаларини тадқиқ этиш, бу борадаги янгича ёндашувларни тизимлаштириш ва тавсиялар мажмуини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси “2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича Миллий дастури”. // www.ziyonet.uz
2. Сборник материалов для электронных учебных литературы. –Москва, 2007
Юртимизнинг ўз мустақиллигига эришиши бу тарихий ютуғ бўлиб битилиши билан бирга, мамлакатимиз тарихини замонлар оша сайқалланиб, ўз аҳамиятини сақлашга хизмат қилган кўплаб аجدодларимиз илмий мероси, миллий маданиятимиз тамаддунини ўрганишга, у борада холисона сўз юритишга юксак имкониятлар яратилганлигини гувоҳи бўлдек.

Ҳар бир даврнинг ўзига хос ижтимоий муҳити ва “Жамият барқарорлигининг муҳим устувор томонларини белгилаб берувчи тузум”лар шаклланиб борганлигини тарихий манбалардан кузатишимиз мумкин.

Минтақалар барқарорлиги эса Дин ва ахлоқ, санъат ва адабиёт ўз замирида фарсафий-ирфоний илмларни шаклланиб боришлиги рад этиб бўлмас ҳақиқатдир. Зеро, Дин ва санъат ҳеч бир замон ва маконни ҳам, ҳеч бир минтақа ва миллатни ҳам ажратмайди. Дин ва санъатнинг миллат танламаслиги бу инсоният тарихидаги “Буюк кашфиёт” демақдир. Ушбу “кашфиёт”ни мазмун-моҳиятида шаклланган тасаввуфий-ирфоний қарашларни тафаккур орқали мушоҳада қилиш бу ҳикмат илми-фалсафанинг вазифаси.

Фалсафий-ирфоний қарашлар орқали миллий маънавиятимиз ва унинг бунёдкорлари учун муҳим вазифаларни белгилаб беради. Қонунан тартибга солиш ва маълум меъёрларни жорий қилиш соҳалардаги фаолиятни назорат қилишга ургатса, эътиқод орқали ҳалоллик, поклик, виждон ва бирқанча диншунослик “категория”лар орқали инсонларни тўғри йўлга бошлашга ундайди. Ҳар иккала томондан қаралса ҳам, илм ва у орқали кучли жамиятни бунёд этиш мумкин. Буларни тизимли асосда шакллантириш эса фалсафий-ирфоний қарашлар орқали йўлга қуйиш мумкин. Бу эса миллатлар ва минтақалар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни, кенгбағирлилик ва дўстлик руҳини сайқалланишига замин ҳозирлашлиги табиий жараёндир.

Тарихда шундай машхур зотлар ўтганки, тазкира ва тарих арбоблари улар ҳақида сўз очганларида: “Бу зот таъриф ва тавсифга муҳтож эмас, бу ерда номлари табаррукона келтирилди”, деб қўя қоладилар.

Фалсафий мушоҳада орқали маълум бир ўзгаришларни тафаккур тарзида анализ-сентиз қилиб, қисман хулоса қилиш мумкин, аммо бу фақатгина рационал ёндашувни тақоза этади. Бугунги глобаллашув даврида керак бўлса рационал қарашларнинг бир ўзи билан чегараланишлик бу бирёқлама қарашни тақозо этади. Шунинг учун рационал ёндашувларни янада мукамалроқ аҳамият касб этишлиги учун иррационал ёндашувларни ҳам кенг миқёсда жонлантириш керак. Бунда фалсафа илимининг хайрихоҳлиги ўз-ўзидан ирфон илми ва унинг намояндаларига мурожаат қилади. Шундагина фалсафий-ирфоний қарашлар маълум маънода янгича тафаккур тазини шакллантиришга дастак бўлиб хизмат қилади. Бунда тасаввуф-ирфон илми вакиллари ва уларнинг илмий меросларини қиёсий таҳлил қилиш алоҳида ўрин эгаллайди.

Ислом дини ва унинг раҳнамолари (Исломдаги мазҳаблар ва уларнинг бирлиги, тасаввуф ва тариқат вакиллари Л.Ахатов) томонидан баён этилган манбалар ҳам муҳим. Биргина Ирфон илми – **тасаввуф** (التصوف) – руҳий қувват, руҳий тарбия вакиллари илмий мерослари оладиган бўлсак, уларнинг Ислом ва инсон ўртасидаги ажралмас робитани шакллантирган муҳтарам зотлар саналади. Ирфон илми – орифлар зикри, сўфийлар мақомоти, маърифатпарварлар мероси тарзида гавдаланувчи иррационал (илоҳий-ғайб Л.Ахатов) илмини татбиқ этади. Бу эса фалсафий билиш моҳиятини тақозо этади.

Тасаввуф (التصوف) – тахлия, яъни холи бўлмоқ, қалбни бўшатмоқ ва яхши, **махталган ахлоқдир**, дейдилар. Иккинчидан, тасаввуфни тасфия, яъни **руҳни азёр – бегонадан тозалашдир**, деб айтадилар. Учинчидан, тасаввуф хузуъ, яъни **нафсни жиловлаш**, хоксорлик ва жонсипорлик намунасини кўрсатишдир дейдилар.

Тасаввуф аҳлини кимлигини билишни истаган инсон энг аввало Ислом ва инсон омили ҳақида мукамал манбаларга суянмасдан туриб (ўз – ўзича мухтасар) хулосалар чиқаришлиги “Беодоб даъвогар”ликдан ўзга нарса эмас.

Шундай экан, ўзининг панднома асарлари орқали ахлоқ илмини сайқалланиши ва тасаввуф маърифатини шаклланишига “Қуввати рух” – руҳий қувват (Л.Ахатов) бағишлаган, пири тариқат деб ном олган, Шайх Нуриддин Абдурахмон Жомий илмий меросини ўрганиш ҳар бир замон ва маконга хос тадқиқот объекти бўлиб қолажак.

Жомий ҳаёт йўли жамиятнинг турли жабҳаларига боғлаб бунёд этган янги – янги кашфиётларию, яратган нодир асарлари билан илмий, маънавий, маданий, адабий жабҳалари, бир сўз билан айтганда, маърифат бунёдкорларидандир. Бундай дастурни эса биз Жомийнинг бир неча асарлари, хусусан “Нафоҳот ул-унс” асарисиз баҳо беришдан йироқмиз.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмоннинг зиммасига фарздир”, – дедилар”.

Аҳмад ва Ибн Можа ривоят қилган.

ХУЛОСА

Бундан кўриниб турибтики, илм олиш ва уни ҳаётга тадбиқ қилиб бориш ҳаммамизга шарт экан. Зеро, Аллоҳ таоло Исро сурасининг 70-оятда куйдагича марҳамат қилади:

“Батаҳқиқ, Биз Бану Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик ва уларни қуриқлигу денгизда (улов-ла) кўтардик ҳамда уларни пок нарсалардан ризқлантирдик ва уларни Ўзимиз яратган кўп нарсалардан мутлақо афзал қилиб қўйдик”

Инсон ҳамма жонзотлар ичида энг мукаммали ҳисобланади. Бундай шарафга эга бўлган инсон албатта илм ва маърифатни мукаммал ўрганиб боришлиги лозим. Бундай жараённи эса арслар оша ўз аҳамиятини мустаҳкамлаб келаётган мутафаккирлар илмий мероси орқали амалга ошади.

Халқимизнинг бутун ўтмиш тарихи ва маданий-маънавий, илмий меросидек унинг ажралмас бўлаги бўлган Ирфон-тасаввуфни том маънода кенг, мукаммал ва холисона таҳлил қилиш асосан мустақилликка эришганимиздан сўнг бошланди.

REFERENCES

1. Бобур З.М.Мубайян ва насрий баёни (Рисолаи волидийа назмий таржимаси ва шарҳи). – Т: “Sharq”, 2014.
2. *اوزبکستان س س س ر فنلار اکادیمیاسی علیشیر نوایی نامیادگی ادبیات موزی علیشیر نوایی الک 1968- بیت 1 دیوان اوزبکستان س*س*س*ر*قن" نشریاتی تاشکینت*
3. Васлий Самарқандий Имом Аъзам ҳаёти ҳақида қимматли сўзлар, Ал=калому=л=афам фий маноқиб=л=имоми=л=аъзам. – Т: “Мажнунтол”, 1991.

4. Ҳусайн Воиз Кошифий Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати (Форс – тожик тилидан Комилов Н. таржимаси). – Т: А.Қодирӣ, 1994.
5. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Мукамал саодат йўли. – Т: “Hilol–Nashr”, 2014.
6. Madalimov, T., Akhatov, L., Xaytmetov, R., & Ibrohimov, F. (2020). A Symbol of Tolerance and Friendship in Jamiy's Work "Bahoriston". *International Journal of Current Science Research and Review*, 1(1), 29-32.
7. Madalimov, T., Khaytmetov, R., & Akhatov, L. (2020). THE PROBLEM OF TOLERANCE IN ORIENTAL PHILOSOPHY. *JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*, 6(7), 130-133.
8. Madalimov, T., Khaytmetov, R., & Akhatov, L. (2020). the PROBLEM of HUMAN PSYCHOLOGICAL CRISES in the VIEWS of EMIL DURKHEIM. *НАУКА ОБРАЗОВАНИЕ И КУЛЬТУРА*, 50(6), 50-57.
9. Xaytmetov, R., Akhatov, L., & Madalimov, T. (2020). Капитализм ва инсон психологияси. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, 2(1), 53-61.
10. Xaytmetov, R., Madalimov, T., & Akhatov, L. (2020). The spiritual connection of Sufism and Tolerance in the works of Jami. *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications*, 1(2), 1-4.
11. Akhatov, Lutfillo, Timur Madalimov, and Raimberdi Xaytmetov. "The Spiritual Connection of Sufism and Tolerance in the Works of Jami." *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications* 2 (2020): 1-4. Web. Apr. 2020.
12. Akhatov, Lutfullo, Timur Madalimov, Raimberdi Xaytmetov, and Farxod Ibrohimov. "A Symbol of Tolerance and Friendship in Jamiy's Work "Bahoriston"." *International Journal of Current Science Research and Review* 3 (2020): 29-32. Web. Apr. 2020.
13. Khaytmetov, R., T. Madalimov, and L. Akhatov. "The Problem of Human Psychological Crises in the Views of Emil Durkheim." *Наука, образование и культура* 6.50 (2020): 50-57. Web.
14. Khaytmetov, R., T. Madalimov, and L. Akhatov. "The Problem of Tolerance in Oriental Philosophy." *Multidisciplinary Peer Reviewed Journal* 6.7 (2020): 130-133. Web.



THE COMPETENCE APPROACH IN TEACHING RUSSIAN AS FOREIGN IN FERGHANA STATE UNIVERSITY

U. M. Yulbarsova

Lecturer, Ferghana State University

ABSTRACT

The article deals with the peculiarities of competence approach in education, and also examines the application of this approach in teaching Russian as a foreign language.

Keywords: competency approach, grammar-transferable method, conscious-practical method, communicative method, modular system.

Today, the competence approach in education is opposed to the ZUNOVSKY and qualification approach to determining goals, results and, accordingly, standards of higher professional education. It involves the development of a quality assurance system for the training of future specialists that meets the needs of the modern world labor market.

It should be noted that the competence approach is opposed to "knowledge" in the sense of transferring ready-made knowledge to students in the form of information, information.

The units of the competence approach are competence and competence. Competence is a set of professional and personal qualities that ensure the effective implementation of competencies.

The use of a competence-based approach in the course of training specialists leads to the formation of a certain set of key competencies among trainees, the implementation of which will allow them (trainees) to successfully socialize. Unlike the term "qualification", competencies include, in addition to specific professional knowledge and skills that characterize qualifications, qualities such as initiative, willingness to cooperate, ability to work in a group, communication skills, the ability to learn, evaluate, think logically, select and use information. From the standpoint of the competence approach, the level of education is determined by the ability to solve problematic problems of varying complexity on the basis of existing knowledge, and more significant and effective for successful professional activity are not scattered knowledge, but generalized skills, manifested in the willingness to solve life and professional problems, the ability to communicate in a foreign language, training in information technology, etc.



Competence can be defined as a set of abilities to realize one's potential (knowledge, skills, experience) for successful creative activity, taking into account the understanding of the problem, the presentation of the predicted results, the disclosure of the causes that complicate the activity, the proposal of means to eliminate these causes, the implementation of necessary actions and evaluation of the predicted results. In this interpretation of competence, it is not the awareness of students that is put forward in the first place, but the ability to solve problems.

The introduction of a competence-based approach to the educational process requires serious changes in the content of education, in the implementation of the educational process, and in the practice of the teacher.

The use of a competence-based approach in teaching Russian as a foreign language contributes to the formation of professional skills necessary for a future specialist, provided for by qualification characteristics. The main purpose of the training is to teach students the Russian language as a real means of communication between specialists from different countries and at the same time representatives of different linguistic and cultural communities. Within the framework of this approach, the task of mastering language as a means of communication in real life situations becomes urgent.

Until recently, two main methods were used in the process of teaching foreign languages — translation-grammatical and direct. In search of a new method, many of our methodologists and teachers again turn to the principles of "straightforwardness", at the same time striving to base the teaching on the data of modern structural linguistics. Along with this, there is a desire to implement a consciously practical method in teaching a foreign language. A distinctive feature of this method is the practical assimilation by students of lexical, grammatical and phonetic features of foreign language speech based on their conscious understanding. Foreign language and speech practice is considered to be the decisive factor of learning, but it is based on language theory. The latter should be given no more than 15-20% of the study time. The presence of consciousness with this method ensures the fastest, easiest and most durable assimilation of a foreign language, and speech practice contributes to the development of foreign language thinking among students. Since language is closely connected with thinking, practical language proficiency is impossible without the ability to think in it, therefore thinking in a foreign language is considered as the main foreign language-speech ability, which is always brought up or developed by students in the process of learning a foreign language.

Today, the first place among the methods of teaching Russian as a foreign language belongs to the communicative



method (the name was proposed by E.I. Passov). Its purpose is to develop students' skills to solve communicative tasks by means of a foreign language, to communicate freely with its native speakers. Thus, the language is learned during natural communication, the organizer and participant of which is the teacher. At the same time, the student performs the role of the subject of this communication and must constantly act.

This area of methodological research is developing under the significant influence of communicative linguistics and its qualities such as communicativeness, consistency, functionality are considered as the main properties of the studied language.

Russian Russian teaching as a foreign language from the point of view of the competence approach, we can talk about the need to move from the translation-grammatical and conscious-practical methods of teaching Russian as a foreign language to the communicative method of language acquisition.

At the Fergana State University, the competence approach in teaching Russian as a foreign language is implemented in a modular learning system, while the module is understood as a unit of discipline content.

The content of training, based on the principles of modularity, creates conditions for cyclical management of the educational process and, ultimately, for achieving the goals put forward.

Russian Russian as a Foreign language has been compiled by the university teachers on the basis of the state educational standard, on the basis of which a new textbook is being developed by the teacher of the Russian Language Methodology Department.

The manual does not have an after-school development, which will make its structure flexible and give the teacher the opportunity to choose certain topics taking into account the needs, personal characteristics and interests of a specific contingent of students.

Modular teaching of Russian as a foreign language to students provides flexibility of content, adaptation to individual needs of the individual and the level of her training through the organization of educational and cognitive activities according to an individual curriculum. Thus, it becomes possible to plan and implement an individual educational trajectory. Nonlinear trajectories in the organization of the educational process are a necessary element of the student-centered learning model.

The implementation of a competence-based approach in teaching Russian as a foreign language at a university contributes to the achievement of its main goal - the training of a qualified

specialist of the appropriate level and profile, competitive in the labor market, fluent in his profession and oriented in related fields of activity, capable of effective work in the specialty at the level of world standards, ready for continuous professional growth, social and professional mobility.

REFERENCES

1. Гиздулин, Э. Ф. (2021). Стратегии обучения как важное условие для развития автономного обучения. In *Педагогика и психология в современном мире: теоретические и практические исследования* (pp. 48-51).
2. Verbitsky A. Contextual learning in a competence approach // Higher education in Russia. - 2006. - No. 11. - pp. 39-463. Гиздулин, Э., & Акбаров, О. (2021). Видовые особенности лирики Е. Евтушенко. *Общество и инновации*, 2(10/S), 47-51.
4. Gizdulin, E. (2022). THE MOTIVES OF EASTERN MYSTICISM IN THE WORKS OF RUSSIAN WRITERS OF THE XIX CENTURY. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(5), 731-736.
5. Ivanova E. O. Competence-based approach in relation to knowledge-oriented and culturological // Online magazine "Eidos". - 2007. - September 30. URL: <http://www.eidos.ru/journal/2007/0930-23.htm>
6. Larionova O. Competence - the basis of contextual learning // Higher education in Russia. - 2005. - No. 10. - pp. 118-122.
7. Nalitkina O.V. Competence approach as the basis of a new paradigm of education // Proceedings of the A.I. Herzen Russian State Pedagogical University. - 2009. - Issue 88. - pp.170-174.

ЃЎЗА ГЕНОТИПЛАРИНИНГ СУВ ТАНҚИСЛИГИГА ЧИДАМЛИГИНИ БАҲОЛАШ

А. Х. Мақамов, М. М. Холмурадова, Н. Н. Хусенов, У. А. Бойқобилов
Геномика ва биоинформатика маркази

Ж. С. Шавкиев

Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти

АННОТАЦИЯ

Мақолада сув билан оптимал таъминланганлик (назорат) ва сув танқислиги (тажриба) шароитларида етиштирилган ўрта толали (*G. hirsutum* L.) ўза навларида ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича сув танқислигига таъсирчанлик, бардошлилик, бардошлилик индекси, ўртача маҳсулдорлик, маҳсулдорлик индекси, маҳсулдорлик стабиллик индекси каби кўрсаткичларнинг таҳлил натижалари келтирилган. Ѓзанинг Saenr pena 85, C – 417, SAD-35-11 ва Наманган-77 генотипларида сув танқислигига таъсирчанлик индекси паст бўлса, бардошлилик индексининг эса юқори эканлиги аниқланган.

Калит сўзлар: *Gossypium hirsutum* L., сув танқислиги, ҳосилдорлик, индекс, корреляция, ўза.

ABSTRACT

In this article, we evaluated yield traits in upland cotton (*G. hirsutum* L.) grown under control and water deficiency. We analyzed stress tolerance index (STI), stress susceptibility index (SSI), tolerance index (TOL), mean production (MP), yield index (YI), yield stability index (YSI) of cotton. The susceptibility index to water deficiency were identified low in cotton genotypes Saenr pena 85, C - 417, SAD-35-11 and Namangan-77 while the tolerance index was found to be high.

Keywords: *Gossypium hirsutum* L., water deficit, yield, index, correlation, cotton.

КИРИШ

Дунёда кузатилаётган глобал иқлим ўзгаришлари биосферада ҳаво ҳароратининг ошишини, ёз ойларида нисбий намликнинг кескин пасайишидан вужудга келадиган иссиқ шамоллар эса атмосфера ва тупроқ қурғоқчилигини келтириб чиқармоқда. Сув муаммоси жиддий бўлган ҳозирги даврда сув тежамкор агротехнологияларни яратиш ва жорий қилиш, жумладан, тупроқ ва атмосфера қурғоқчилигига

чидамли ҳамда сувдан самарали фойдаланиш коэффиценти юқори бўлган ғўза навларини яратиш дунё пахтачилигининг энг долзарб вазифалари сифатида қаралмоқда.

Ғўза ўсимлиги дунёнинг кўплаб минтақаларида етиштириладиган қимматли техник экин ҳисобланади. Ғўза ривожланган ва ривожланаётган дунё мамлакатларида ҳам етиштириладиган саноат экини ҳисобланади [1].

Ўрта толали *G. hirsutum* L. турига мансуб навлар 77 га яқин мамлакатларда асосий дала экини сифатида экилиб, 32,0 миллион гектарга яқин майдонни эгаллайди ва турли иқлим шароитида етиштирилади. Бутун жаҳон бўйлаб пахта савдоси йилига тахминан 20,0 миллиард АҚШ долларини ташкил этади [2].

Пахтачилик соҳасида толани тозалаш ва қайта ишлаш заводлари, тўқимачилик саноати ва бошқалар миллионлаб одамларнинг асосий бандлик манбаи бўлиб, Ўзбекистон, Австралия, Греция, Ҳиндистон, Хитой ва Покистон каби кўплаб мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулотида салмоқли улушни ташкил этади [3]. Ўзбекистон пахта ишлаб чиқариш бўйича дунёда 5-ўринда ва пахта хомашёси экспорти бўйича 4-ўринда туради, шунинг учун у дунёда пахта етиштирувчи йирик давлатлар қаторига киради. Мамлакат пахта майдонларининг қарийб 93 фоизиди ўрта толали ғўза навлари экилади [4].

Бошқа давлатлар сингари Ўзбекистон ҳам суғориш суви етишмаслиги сабабли жиддий қурғоқчилик муаммоларига дучор бўлмоқда.

Ғўзада ҳосил пасайишининг асосий муаммоси-суғориш сувининг етишмаслиги билан боғлиқ бўлганлиги сабабли сув танқислигига бардош бера оладиган навларни яратиш долзарб ҳисобланади.

Ҳозирда глобал миқёсда кечаётган иқлим ўзгаришлари яқин келажакда сув танқислиги муаммосини янада кучайтириши мумкин. Глобал иқлим ўзгариши яқин келажакда ҳам давом этишини ҳисобга олсак, сув танқислиги бутун дунё бўйлаб экин етиштириш йўлидаги жиддий тўсиқларга айланиб бормоқда [5]. Бу вазиятда сув тақчиллигига чидамли навларни ривожлантириш зарурати ортади [6,7].

Бизга маълумки, *сув таъминоти* – кишлоқ хўжалигида барча ўсимлик турларининг ўсиш–ривожланиши ва ўз навбатида, юқори ҳосил олишни кафолатловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шунингдек, ҳозирги вақтда дунё миқёсида табиий иқлим шароитининг кескин ўзгариши, дунё аҳоли сонининг ортиши билан боғлиқ ҳолатда озиқ–овқат маҳсулотларига бўлган талаб–эҳтиёж даражаси ортиши

натижасида қишлоқ хўжалигида сув ресурсларига бўлган талаб даражасининг ҳам ортиб бориши кузатилмоқда [8].

Қурғоқчиликка чидамлик – бу умумий ҳолатда ўсимликларнинг турли хил тизимларига таъсир кўрсатувчи кўплаб омилларга боғлиқ бўлган, мураккаб тавсифга эга агрономик хоссаларидан бири ҳисобланади [9].

Сув танқислиги (етишмовчилиги) – ўсимликларнинг ўсиш–ривожланиши ва ўз навбатида, ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади. Ўсимлик илдизи орқали сўриб олинувчи ер ости сувлари захираларининг камайиши ва шунингдек, сувни сўриб олишга нисбатан кўп миқдорда қувват сарфланиши бевосита суғорма деҳқончиликда пахта ҳосилдорлигига катта таъсир кўрсатади. Шу сабабли, ўсимликнинг қурғоқчиликка чидамлик хоссасини ўрганиш, бошқа кўплаб қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш соҳалари каби пахтачилик соҳаси учун асосий диққат–эътибор қаратилувчи масалалардан бири ҳисобланади [10].

Дунёда генетик-селекционер олимлар томонидан кўплаб ғўза навлари яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилган. Бу навлар юқори ва сифатли ҳосил бериш хусусиятига эга. Сув танқислиги муаммосини йилдан-йилга кучайиб бораётганини инобатга олган ҳолда, мавжуд ўрта толали ғўза навлари ва тизмаларининг сув танқислигига чидамлик хусусиятларини аниқлаш ва улар асосида янги нав ва селекцион ашёлар яратиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Стрессга таъсирчанглик кўрсаткичи (SSI) Maurer ва Fischer томонидан киритилган бўлиб, у ҳозирда турли хил стрессларга қарши генотипларни скрининг қилиш учун фойдалинилади [11]. Fernandes қурғоқчилик шароитида ҳосилдорлик потенциали юқори бўлган навларни тан олишда жуда фойдали бўлган стрессга бардошлилик кўрсаткичи (STI) таклиф этди [12].

Бардошлилик индекси кўрсаткичи (TOL) нормал ва стресс шароитида ҳосилнинг фарқини кўрсатади, ўртача маҳсулдорлик кўрсаткичи (MP) эса нормал (Y_p) ва стресс (Y_s) шароитида ҳосилнинг ўртача қийматини билдиради [13].

Maurer ва Fischer (1978) стрессга таъсирчанглик кўрсаткичи орқали сув танқислигига мойил генотипларни аниқлаш мумкин эканлигини ва Rosielli va Hamblin [14] тажрибаларида пастроқ стрессга таъсирчанлик кўрсаткичига эга генотиплар нормал ва сув танқислиги шароитларида ҳосилдорлик кўрсаткичи бир-бирига яқин ва қурғоқчиликка чидамли бўлган. Бир қанча тадқиқотлар шуни кўрсатдики, чидамлик индексларининг афзаллиги, сув чекланган шароитларда

барқарор маҳсулдорликка эга генотипларни аниқлаш имконини беради [15].

Ушбу тадқиқотнинг мақсади ғўза УАК-популяциясининг ота-она генотипларида қурғоқчиликка чидамлик кўрсаткичларини баҳолаш ва чидамлик генотипларни аниқлашдан иборат.

ТАДҚИКОТ ОБЪЕКТИ

Тадқиқот объекти сифатида ғўзанинг *G. hirsutum L.* турига мансуб Наманган-77 (1), КК-1796 (2), КК-1795 (3), 1000 (4), С-9006 (5), КК – 1086 (6), Catamarca 811 (8), С-9008 (9), L-N1 (10), Л-141 (11), Napicala-19 (12), 0-30 (13), С-4769 (14), L-45 (14), Занги-Ота (15), Saenr pena 85 (16), С-2025 (17), КК-602 (18), SAD-35-11 (19) ва С – 417 (20) нав ва нав намуналаридан фойдаланилган.

ТАДҚИКОТ ЎТКАЗИШ ШАРОИТЛАРИ

Илмий иш, Геномика ва биоинфарматика марказининг Тошкент вилояти, Қибрай туманида жойлашган махсус уруғчилик хўжалиги тажриба дала майдонида 2021 йилда олиб борилди. Бу ер Тошкент шаҳридан 0,5 км шимолий-шарқда, 41°20 шимолий кенликда, 69°18 шарқий узунликдаги, Чирчиқ дарёсининг юқори трассасида, денгиздан 398 метр баландликда жойлашган. Тажриба даласининг ери – гумуси кам, типик бўз тупроқ, механик таркибга кўра тупроқ ўртача қумоқли. Ер рельефи бир оз нишабли, шўрланмаган, табиий равишда оқпалак (вертициллез) вилт билан кучли зарарланмаган.

Тажриба майдонларидаги агротехник тадбирлар Геномика ва биоинфарматика марказининг тажриба хўжалигида қабул қилинган тартибда олиб борилди: кузда ер майдонлари ғўзапоядан тозаланиб, 35-40 см чуқурликда шудгор қилинди. Баҳорда ҳавонинг ва ердаги тупроқ ҳароратининг мўътадил бўлиши билан тупроқдаги намликни сақлаб қолиш ва ўсиб келаётган бегона ўтларни йўқ қилиш мақсадида бороналаш тадбирлари ўтказилди.

Тажриба ва назорат вариантларидаги чигитлари сув режими бўйича фарқланадиган 2 та фонга, яъни сув билан оптимал таъминланганлик 1-2-1 суғориш схемасида сарфланган жами сув 4800-5000 м³/га ни, ўсимликларнинг гуллаш-ҳосил тўплаш даврида тупроқ намлиги чекланган дала нам сифимига нисбатан оптимал сув режимида 65-70% ни ташкил этган бўлса, сув танқислиги фонига 0-1-0 суғориш схемасида сарфланган жами сув 1000-1200 м³/га ни, ўсимликларнинг гуллаш-ҳосил тўплаш даврида тупроқ намлиги чекланган дала нам сифимига нисбатан сув танқислиги режимида 50-55% ни ташкил этган.

Моделлаштирилган қурғоқчилик 0-1-0 суғориш схемаси ўсимликларнинг вегетация даврида, яъни гуллашда суғориш сонини камайтириш ва гуллашдан кейин суғориш ўтказилмагани ҳисобига пайдо қилинди. Агротехник тадбирлар ҳар иккала фонда бир хил ва тажриба базасида қабул қилинган умумий тарзда олиб борилди.

ТАДҚИҚОТ УСЛУБЛАРИ

Вўза нав ва тизмаларни сув танқилигига чидамлигини баҳолаш қўйидаги тенгламалар ёрдамида аниқланди.

Стрессга бардошлилик кўрсаткичи (STI) = $(Y_s * Y_p) / \bar{Y}_p^2$

Стрессга таъсирчанглик кўрсаткичи (SSI) = $1 - (Y_s / Y_p) / (1 - (\bar{Y}_s / \bar{Y}_p))$

Бардошлилик индекси кўрсаткичи (TOL) = $Y_p - Y_s$

Ўртача маҳсулдорлик кўрсаткичи (MP) = $(Y_s + Y_p) / 2$

Маҳсулдорлик индекси кўрсаткичи (YI) = Y_s / \bar{Y}_s

Маҳсулдорлик стабиллик индекси кўрсаткичи (YSI) = Y_s / Y_p

Бу ерда Y_p – сув билан оптимал таъминланганлик шароитида генотипнинг ўсимлик маҳсулдорлиги, Y_s - сув билан кам таъминланганлик шароитида генотипнинг ўсимлик маҳсулдорлиги, \bar{Y}_p - сув билан оптимал таъминланганлик шароитида генотипларнинг ўсимликларининг ўртача маҳсулдорлиги, \bar{Y}_s - сув билан кам таъминланганлик шароитида генотипларнинг ўсимликларининг ўртача маҳсулдорлиги.

Сув санқислигига чидамлилик кўрсаткичларининг бошланғич таҳлиллари Microsoft® Office EXCEL 2016 дастурида бажарилди. Дисперсион анализ Statgraphics 18 (ANOVA, T-Test) ва кластер анализ NCSS 2022 (K-means klastering) программаларида қилинди.

НАТИЖАЛАР ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ

Вўза УАК популяциясининг ота-она генотипларини ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича сув билан оптимал таъминланганлик шароитида энг паст кўрсаткичлар 0-30 ва L-45 ғўза нав намуналарида (мос равишда $35,78 \pm 0,28$ г ва $38,13 \pm 0,29$ г) бўлса, сув танқислиги шароитида эса КК-1795 ғўза намунасида $13,17 \pm 0,14$ г да аниқланди. Saenr репа 85 ғўза намунасида назорат ва тажриба фонларида энг юқори кўрсаткичларда (мос равишда $94,91 \pm 1,34$ г ва $91,2 \pm 2,57$ г) бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

Турли сув режимда шароитларида ғўза УАК популяциясининг ота –она генотипларининг ўсимлик маҳсулдорлиги кўрсаткичлари

	Ўсимлик маҳсулдорлиги		Фарқ
	Оптималь ME±SE	Сув танқислиги ME±SE	
Namangan-77	67,14±1,86	65,09±3,05	2,05
KK-1796	73,69±4,12	31,11±3,07	42,58
KK-1795	55,45±5,62	13,17±0,14	42,28
1000	65,26±1,3	27,11±1,96	38,15
C-9006	78,96±6,79	37,34±3,48	41,62
KK – 1086	65,22±3,34	30,39±3,32	34,83
Catamarca 811	79,14±5,04	22,32±0,34	56,82
C-9008	57,25±0,56	44,11±6,67	13,14
L-N1	86,64±4,94	20,92±1,37	65,72
141	47,99±3,09	28,75±5,44	19,24
Hapicala 19	61,18±0,91	51,29±0,52	9,89
0-30	35,78±0,28	35,5±1,29	0,28
C-4769	46,05±0,85	39,29±2,46	6,76
L-45	38,13±0,29	33,01±1,92	5,12
Zangi-Ota	65,9±8,70	61,53±4,85	4,37
Saenr pena 85	94,91±1,34	91,2±2,57	3,71
C-2025	71,34±8,04	57,04±1,08	14,3
KK-602	66,56±1,22	48,37±4,58	18,19
SAD-35-11	61,34±1,45	59,99±0,32	1,35
C – 417	75,39±0,24	71,83±5,40	3,56

УАК-популяцияси ота–она генотипларининг курғоқчиликка чидамлик хусусиятини баҳолашда стрессга бардошлилик кўрсаткичи (STI) ўрганилганда, тадқиқ қилинган ғўза нав намуналари орасида энг паст кўрсаткичга эга KK-1795 (0.17) намунасида аниқланган бўлса, энг юқори кўрсаткич Saenr pena 85 (2.07) ва C – 417 (1.30) намуналарида аниқланди. Бир қанча тадқиқотчилар тажрибаларига кўра, стрессга бардошлилик кўрсаткичи қанчалик юқори кўрсаткичда бўлиши генотипни сув танқислигига шунчалик юқори даражада чидамли эканлигини англатади. Мазкур кўрсаткич бўйича Наманган 77, Zangi-Ota, Saenr pena 85, C-2025 ва C – 417 ғўза намуналари юқори қийматларни намоеён этиб, бошқа генотипларга нисбатан сув тақчилигига чидамли эканлиги маълум бўлди. Бир қатор олимлар курғоқчиликка чидамли генотипларни танлашда стрессга бардошлилик индекси кўрсаткичидан фойдаланишган ва бу кўрсаткичнинг юқори бўлиши генотипларнинг стрессга чидамлилигини белгилашини айтиб ўтишган [16].

Стрессга таъсирчанглик кўрсаткичи (SSI) ғўза нав намуналари ичида энг паст кўрсаткичларга эга Наманган-77



(0.09), 0-30 (0.02), Saenr pena 85 (0.12), SAD-35-11 (0.07) ва С-417 (0.14) ғўза нав намуналарида бўлса, энг юқори кўрсаткичлар КК-1796 (1.76), КК-1795 (2.33), 1000 (1.78), С-9006 (1.61), КК – 1086 (1.63), Catamarca 811 (2.19), L-N1 (2.31) ва 141 (1.220) ғўза нав намуналарида бўлди. Тадқиқотчилар баёнотида кўра, агарда ўсимликнинг стрессга таъсирчанглик кўрсаткичи $SSI \geq 1$ бўлса, ўсимликнинг сув танқислигига мойил эканлиги исботланган [15]. Ушбу кўрсаткич бўйича, КК-1796, КК-1795, 1000, С-9006, КК – 1086, Catamarca 811, L-N1 ва Л-141 ғўза генотиплари сув тақчилигига бошқа генотиплар орасида чидамсиз эканлиги маълум бўлди.

Бардошлилик индекси кўрсаткичи (TOL) бу сув билан оптимал таъминланганлик шароитидаги ўсимлик маҳсулдорлиги сув танқислигидаги маҳсулдорлиги фарқланиши билан асосланади [14]. Бунда генотиплар орасида энг юқори кўрсаткичлар Catamarca 811 (56.82) ва L-N1 (65.71) ғўза нав намуналарида бўлса, энг кичик кўрсаткич 0-30 намунасида (0.28) бўлди. Тажрибадан бардошлилик индекси кўрсаткичи КК-1796, КК-1795, 1000, С-9006, КК – 1086, Catamarca 811 ва L-N1 ғўза нав намуналарида юқори эканлиги аниқланди. – Бунда, ўсимлик маҳсулдорлиги оптимал шароитга нисбатан сув танқислиги шароитида кескин камайган.

Ўртача маҳсулдорлик кўрсаткичи (MP) - сув билан оптимал таъминланганлик ва сув танқислиги шароитларидаги ўсимлик маҳсулдорлигининг ўртача кўрсаткичи бўлиб, бунда энг яхши кўрсаткич Saenr pena 85 (93,06 г) генотида аниқланди. Наманган 77, Zangi-Ota, Saenr pena 85, С-2025, КК-602, SAD-35-11 ва С – 417 генотиплари ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича яхши бошланғич селекция учун донорлар бўлади. А. В. S. Hossain ва бошқалар ўсимликнинг ўртача маҳсулдорлигини сув билан оптимал таъминланганлик ва сув танқислиги шароитларидаги ўсимлик маҳсулдорлик кўрсаткичларини қўшилган ҳолдаги ўртача йиғиндиси деб таъкидлаб ўтган. Маҳсулдорлик индекси кўрсаткичи (YI) Наманган 77 (1.50), Zangi-Ota (1.42), Saenr pena 85 (2,10) ва С – 417 (1,65) ғўза нав намуналарида энг юқори кўрсаткичларда аниқланди. Маҳсулдорлик индекси кўрсаткичи энг паст даражада эса КК-1795 (0,30) ва L-N1 (0,48) ғўза нав намуналарида бўлди.

Маҳсулдорлик стабиллик индекси кўрсаткичи (YSI) ўсимлик маҳсулдорлиги сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислиги шароитида барқарорлик даражасини аниқлайди. Бунда, энг юқори кўрсаткичлар Наманган 77 (0.97), 0-30 (0.99), Zangi-Ota (0.93), Saenr pena 85 (0.96), SAD-35-11 (0.98) ва С – 417 (0,95) ғўза нав намуналарида бўлди. КК-1795 (0,24) Catamarca 811 (0,28)

ва L-N1 (0,24) ғўза нав намуналарида энг паст даражада бўлди.


2-жадвал

Ғўза нав намуналарида сув танқилигига чидамлигини баҳолаш.

Ғўза генотиплари	(STI)	(SSI)	(TOL)	(MP)	(YI)	(YSI)
1 Namangan-77	1,05	0,09	2,05	66,12	1,50	0,97
2 KK-1796	0,55	1,76	42,59	52,40	0,72	0,42
3 KK-1795	0,17	2,33	42,28	34,31	0,30	0,24
4 1000	0,42	1,78	38,15	46,18	0,62	0,42
5 C-9006	0,71	1,61	41,62	58,15	0,86	0,47
6 KK – 1086	0,47	1,63	34,83	47,80	0,70	0,47
7 Catamarca 811	0,42	2,19	56,82	50,73	0,51	0,28
8 C-9008	0,60	0,70	13,15	50,68	1,01	0,77
9 L-N1	0,43	2,31	65,71	53,78	0,48	0,24
10 141	0,33	1,22	19,24	38,37	0,66	0,60
11 Napicala 19	0,75	0,49	9,89	56,23	1,18	0,84
12 0-30	0,30	0,02	0,28	35,64	0,82	0,99
13 C-4769	0,43	0,45	6,76	42,67	0,90	0,85
14 L-45	0,30	0,41	5,12	35,57	0,76	0,87
15 Zangi-Ota	0,97	0,20	4,37	63,72	1,42	0,93
16 Saenr pena 85	2,07	0,12	3,71	93,06	2,10	0,96
17 C-2025	0,97	0,61	14,30	64,19	1,31	0,80
18 KK-602	0,77	0,83	18,19	57,47	1,11	0,73
19 SAD-35-11	0,88	0,07	1,35	60,67	1,38	0,98
20 C – 417	1,30	0,14	3,56	73,61	1,65	0,95

Таъриба натижасига кўра, Наманган 77, 0-30, Zangi-Ota, Saenr pena 85, SAD-35-11 ва C – 417 ғўза нав намуналарида сув танқичлиги шароитида маҳсулдорлигини бошқа ғўза нав намуналарига нисбатан анча турғунроқ эканлиги маълум бўлди. Баъзи олимларнинг фикрига кўра ўсимлик маҳсулдорлигини стабиллик индекси кўрсаткичи яъни сув билан оптимал таъминланганлик шароитидагига нисбатан сув танқислигида камайиш даражаси қурғоқчиликка чидамли генотипларни аниқлашга имкон беради [12;15]

Ғўза генотипларининг сув танқислигига чидамлилик кўрсаткичларини кластер таҳлили генотипларни 2-қутбга бўлди. Улар 3 та гуруҳни ташкил этди. Сув танқислигига чидамлилигининг умумий кўрсаткичлари асосида 1-гуруҳни чидамли Saenr pena 85, C – 417, SAD-35-11 ва Namangan-77 генотиплар ташкил этса, 2-гуруҳга сув танқислигига ўртача чидамли бўлган KK-1796, 1000, C-9006, KK – 1086, C-9008, 141, Napicala 19, 0-30, C-4769, L-45, Zangi-Ota, C-2025 ва KK-602 генотиплар мансуб бўлди. 3-гуруҳни KK-1795, Catamarca 811 ва L-N1 генотиплари ташкил этиб, сув танқислигига чидамсиз эканлиги аниқланди.



Расм 1. Ғўзанинг генотипларини сув танқислигига чидамлилик кўрсаткичларининг кластер таҳлили.

ХУЛОСА

Ғўза генотипларини турли суғориш режими шароитида ўсимлик маҳсулдорлик белгисининг қурғоқчиликка чидамлилик кўрсаткичлари ва уларнинг кластер таҳлиллари натижасига кўра, сув танқислигига Наманган 77, Saenr pena 85, SAD-35-11 ва С – 417 ғўза нав намуналари чидамли, КК-1795, Catamarca 811 ва L-N1 ғўза нав намуналари эса ўта чидамсиз эканлиги ҳамда бошқа ғўза нав намуналарини эса ўртача чидамли эканлиги аниқланди.

REFERENCES

1. Worldbank.org POLICY DIALOGUE ON AGRICULTURE MODERNIZATION IN UZBEKISTAN Cotton-Textile Clusters in Uzbekistan: Status and Outlook. 2020. 4.
2. United States Department of Agriculture Foreign Agricultural Service Cotton: World Markets and Trade. 2022
3. <http://www.trendingtopmost.com/worlds-popular-list-top-10/2017-2018-2019-2020-2021/agriculture/largest-cotton-producing-countries-world-best-quality-highest>.
4. <https://kun.uz/en/news/2021/03/04/uzbekistan-named-sixth-largest-cotton-producer-in-the-world>.
5. Le H. H.N. 1996. Climate changes. drought and desertification. J. Arid Environ. 34. 133-185.

6. Longenberger P.S. Smith C.W. Thaxton P.S and McMichael B.L. 2006. Development of a screening method for drought tolerance in cotton seedlings. *Crop Sci.* 46: 2104-2110.
7. Shavkiev J, Nabiev S, Khamdullaev Sh, Usmanov R, Chorshanbiev N (2019b). Physiologic-biochemical and yield traits parameters of cotton varieties under different water irrigated regimes. *Bull. Agrarian Sci. Uzbekistan* 78(4(2)): 157- 162.
8. Taheri S. Saba J. Shekari F and Abdullah T.L. 2011. Effects of drought stress condition on the yield of spring wheat (*Triticum aestivum* L.) lines. *African. J. Biotechnol.* 10: 18339-18348.
9. Cushman J.C. and Bohnert H.J. 2000. Genomic approaches to plant stress tolerance. *Plant Biology.* 3: 117-124.
10. Howard D.D. Gwathney C.O. Lessman G.M. and Roberts R.K. 2001. Fertilizer additive rate and plant growth regulator effects on cotton. *J. Cotton Sci.* 5:42-52.
11. Fischer R.A. and Maurer R. 1978. Drought resistance in spring wheat cultivars. I. Grain yield responses. *Aust. J. Agric. Res.* 29: 897–912.
12. Fernandez G.C.J. 1993. Effective selection criteria for assessing plant stress tolerance. In: *Adaptation of food crops to temperature and water stress.* C.G. Kuo (ed.). AVRDC. Shanhua. Taiwan: 257–270.
13. John M. Clarke, Thomas N. McCaig (1982). Evaluation of Techniques for Screening for Drought Resistance in Wheat. *Crop science.* 22(3). 503-506
14. Rosielle, A.A. and Hamblin, J. (1981) Theoretical aspects of selection for yield in stress and nonstress environments. *Crop Science*, 21, 943-946.
15. Gavuzzi P. Rizza F. Palumbo M. Campalino RG. Ricciardi GL. Borghi B (1997). Evaluation of field and laboratory predictors of drought and heat tolerance in winter cereals. *Can J Plant Sci.* 77: 523-531.
16. Shavkiev J, Hamdullaev SH, Nabiev S, Usmanov R, Bozorov T, Erjigitov D (2019a). Water sensitivity and tolerance indices upon productivity in upland cotton and other economic valuable traits. *Bull. Gulistan State Uni.* 2: 64-68.

HOSILANING FIZIKA, GEOMETRIYA VA BOSHQA FANLARGA TADBIQLARI

D. J. Risbekova, M. M. Miryusupova, M. Sh. Saydullayeva

Chirchiq davlat pedagogika instituti magistrleri

$y = f(x)$ funksiyaning x_0 nuqtadagi hosilasi deb, $f(x)$ funksiyaning x_0 nuqtadagi Δy orttirmasini argument orttirmasi Δx ga nisbatining Δx nolga intilgandagi limitiga aytiladi va u, $y', y'(x_0), f'(x_0), \frac{dy}{dx}$ lardan biri bilan belgilanadi.

Hosilaning ta'rifiga ko'ra, funksiyaning ixtiyoriy x nuqtadagi hosilasini topish uchun quyidagi algoritmni ko'rsatish mumkin.

1) x ga Δx ortirma beriladi, u holda $y = f(x)$ funksiya ham Δy ortirma oladi va

$$y + \Delta y = f(x + \Delta x)$$

bo'ladi;

2) Funksiyaning Δy orttirmasi topiladi;

$$\Delta y = f(x + \Delta x) - f(x);$$

3) Funksiya orttirmasining argument orttirmasiga nisbati topiladi;

$$\frac{\Delta y}{\Delta x} = \frac{f(x + \Delta x) - f(x)}{\Delta x};$$

4) Bu nisbatning Δx nolga intilgandagi limiti topiladi;

$$\lim_{\Delta x \rightarrow 0} \frac{\Delta y}{\Delta x} = f'(x)$$

Berilgan $f(x)$ funksiyaning $f'(x)$ hosilasini topish amaliga funksiyani differensiallash deyiladi.

$f'(x_0)$ ga funksiya hosilasining x_0 nuqtadagi qiymati deyiladi.

$y = f(x)$ egri chiziqning $M_0(x_0; y_0)$ nuqtasiga o'tkazilgan urinmaning k burchak koeffisienti $y = f(x)$ funksiya hosilasining $x = x_0$ nuqtadagi qiymatiga teng. Ya'ni, $k = f'(x_0)$.

$y = f(x)$ egri chiziqning $M_0(x_0; y_0)$ nuqtasiga o'tkazilgan urinmaning tenglamasi

$$y - y_0 = f'(x_0)(x - x_0)$$

formula yordamida tuziladi. Bu yerda $y_0 = f(x_0)$.


Nuqta Ox o'qi bo'yicha harakat qilib, vaqtning t paytida $x = f(t)$ koordinataga ega bo'lsin, u holda vaqtning t paytida

$$V = \lim_{\Delta t \rightarrow 0} \frac{\Delta x}{\Delta t} = \frac{dx}{dt}, \quad a = \lim_{\Delta t \rightarrow 0} \frac{\Delta v}{\Delta t} = \frac{d^2x}{dt^2}.$$

bo'ladi.

Har qanday funksiyaning hosilasini hosilani hisoblash algoritmi bo'yicha aniqlash har doim ham oson emas va ancha murakkab hisoblashlarni talab etadi. Shu sababli amalda $y = f(x)$ funksiyaning hosilasi quyidagi qoidalarni qo'llash yordamida topiladi.

Bu yerda f va g lar x nuqtada hosilaga ega bo'lgan funksiyalardir. Egri chiziqning $M_0(x_0; y_0)$ nuqtasiga o'tkazilgan normal tenglamasi $y - y_0 = -\frac{1}{k}(x - x_0)$ dan iborat bo'ladi (1-chizma).



1-chizma

$TA = y_0 \cdot \text{ctg}\varphi$, $AN = y_0 \cdot \text{tg}\varphi$ kesmalar mos ravishda urinma osti va normal osti deyiladi. Ularning uzunliklari urinma va normal uzunliklari deyiladi.

Agar $y = f(x)$ funksiyaning hosilasi $f'(x)$ o'z navbatida hosilaga ega bo'lgan funksiya bo'lsa, u holda uning hosilasi ikkinchi tartibli hosila deyiladi va $f''(x)$ deb belgilanadi.

Agar $f''(x)$ ikkinchi tartibli hosila yana hosilaga ega bo'lgan funksiya bo'lsa, u holda uning hosilasi uchunchi tartibli hosila deyiladi va $f'''(x)$ kabi yoziladi.

Xuddi shunday to'rtinchi, beshinchi va xakazo n -tartibli hosilalarga ta'rif berish mumkin.

Mavzuga doir yechimlari bilan berilgan topshiriqlardan namunalari:

1. $y = x^3$ funksiyaning $x = 1$ nuqtadagi hosilasi topilsin.

Yechish: 1) x argumentga Δx orttirma beramiz. U holda y funksiya Δy orttirma oladi. $y + \Delta y = (x + \Delta x)^3 = x^3 + 3x^2 \cdot \Delta x + 3x \cdot (\Delta x)^2 + (\Delta x)^3$;

2) Δy ni topamiz:

$$\Delta y = (x + \Delta x)^3 - x^3 = x^3 + 3x^2 \cdot \Delta x + 3x \cdot (\Delta x)^2 + (\Delta x)^3 - x^3$$

$$=$$

$$= [3x^2 + 3x\Delta x + (\Delta x)^2] \cdot \Delta x;$$

3) $\frac{\Delta y}{\Delta x}$ ni topamiz:

$$\frac{\Delta y}{\Delta x} = \frac{[3x^2 + 3x\Delta x + (\Delta x)^2] \cdot \Delta x}{\Delta x} = 3x^2 + 3x \cdot \Delta x + (\Delta x)^2;$$

4) $\lim_{\Delta x \rightarrow 0} \frac{\Delta y}{\Delta x}$ ni topamiz: Agar bu limit mavjud bo'lsa, u holda y berilgan funksiyaning hosilasidan iborat bo'ladi.

$$y' = \lim_{\Delta x \rightarrow 0} \frac{\Delta y}{\Delta x} = \lim_{\Delta x \rightarrow 0} [3x^2 + 3x \cdot \Delta x + (\Delta x)^2] = 3x^2.$$

$$y'(1) = 3 \cdot 1^2 = 3.$$

2. $y = 2x^2 - 2$ parabolaning absissasi $x_0 = -2$ bo'lgan nuqtasiga o'tkazilgan urinmaning tenglamasi tuzilsin.

Yechish: Parabolaga tegishli bo'lgan va absissasi $x_0 = -2$ bo'lgan nuqtaning ordinatasini topamiz:

$$y_0 = y(x_0) = y(-2) = 2 \cdot (-2)^2 - 2 = 2 \cdot 4 - 2 = 6.$$

$y = f(x)$ egri chiziqning $M_0(x_0; y_0)$ nuqtasiga o'tkazilgan urinma tenglamasi $y - y_0 = y'(x_0)(x - x_0)$ dan iborat bo'lgani uchun dastlab y' ni so'ngra $y'(x_0) = y'(2)$ ni topamiz.

$$y' = (2x^2 - 2)' = (2x^2)' - (2)' = 4x - 0 = 4x;$$

$$y'(-2) = 4 \cdot (-2) = -8.$$

Demak urinma tenglamasi

$$y - y_0 = y'(x_0)(x - x_0), \quad y - 6 = -8(x + 2), \quad y = -8x - 10 \text{ dan iborat.}$$

3. $y = x^2 - \cos x + 2$ funksiyaning hosilasi topilsin.

Yechish: Funktsiyalar yig'indisining hosilasini topish formulasidan foydalanamiz:

$$y' = (x^2 - \cos x + 2)' = (x^2)' - (\cos x)' + (2)' = 2x + \sin x + 0 = 2x + \sin x.$$

4. To'g'ri chiziqli harakat qonuni

$$S = 4t^3 - t^2 + 1 \text{ (m)}$$

formula bilan berilgan. Bu harakatning $t = 4$ bo'lgan paytdagi tezlanishi topilsin.

Yechish: Harakatning t paytdagi tezligi:

$$v(t) = s'(t) = (4t^3 - t^2 + 1)' = (12t^2 - 2t) \frac{m}{c},$$

t paytdagi tezlanishi esa

$$a(t) = v'(t) = (12t^2 - 2t)' = (24t - 2) \frac{m}{c^2};$$

$$\text{ga teng bo'lib undan } a(4) = 24 \cdot 4 - 2 = 96 - 2 = 94 \frac{m}{c^2},$$

4. Quyidagi masalalarda egri chizilarga o'tkazilgan urinmalarning tenglamalari yozilsin va egri chiziqlar hamda urinmalar yasalsin.

1) $y = \frac{x^3}{3}$ egri chiziqqa $x = -1$ nuqtada;

2) $y^2 = x^3$ egri chiziqqa $x_1 = 0$ va $x_2 = 1$ nuqtalarga;

3) $y = \frac{8}{4+x^2}$ lokonga (zulfga) $x = 2$ nuqtada;

4) $y = \sin x$ sinusoidaga $x = \pi$ nuqtada.

Javob: 1) $y = x + \frac{2}{3}$; 2) $y = 0$ va $y = \pm \frac{1}{2}(3x - 1)$;

3) $y = -\frac{x}{2} + 2$; 4) $y = -x + \pi$.

5. $xy = 4$ giperbolaga $x_1 = 1$ va $x_2 = -4$ nuqtalarda o'tkazilgan urinmalarning tenglamalari yozilsin va urinmalar orasidagi burchak topilsin. Egri chiziq va urinmalar yasalsin.

Javob: $y = -4x + 8$, $y = -\frac{1}{4}x - 2$; $\varphi = \arctg \frac{15}{8}$.

6. $y = x^2 + 4x$ parabolaga qaysi nuqtada o'tkazilgan urinma Ox o'qqa parallel bo'ladi?

Javob: $(-2; -4)$.

7. Jism $x(t) = \frac{t^3}{3} - 2t^2 + 3t$ qonuniga asosan Ox to'g'ri chiziq bo'yicha harakat qiladi. Harakat tezligi va tezlanishi aniqlansin.

Javob: $\frac{dx}{dt} = t^2 - 4t + 3$; $\frac{d^2x}{dt^2} = 2t - 4$.

8. Qandaydir kimyoviy reaksiya natijasida hosil qilinadigan jism miqdori x bilan t vaqt orasidagi bog'lanish $x = A(1 - e^{-kt})$ tenglama bilan ifodalanadi. Reaksiya tezligi aniqlansin.

Javob: kAe^{-kt} .

9. Jism qo'zg'almas o'q atrofida

$$\varphi(t) = 3t^2 - 4t + 2 \text{ (rad).}$$

qonun bo'yicha aylanadi. Jismning $t = 4c$. dagi burchak tezligi va burchak tezlanishi topilsin.

Javob: $w(4) = \varphi'(4) = 20$; $a(t) = w'(t) = 6$.

10. Nuqta $S(t) = 2t^3 + t - 1$ qonun bo'yicha to'g'ri chizikli harakat qilmoqda. Nuqtaning t paytdagi tezligi va tezlanishini toping.

Javob: $v(t) = 6t^2 + 1$; $a(t) = 12t$.

11. Jismning T temperaturasi t vaqtga bog'liq holda $T(t) = 0.5t^2 - 2t$ qonun bo'yicha o'zgaradi. Vaqtning $t = 5(c)$ paytida bu jism qanday tezlik bilan isiydi?

Жавоб: $v(5) = 3$.

REFERENCES

1. Азларов Т.А., Мансуров Х. Математик анализ. Тошкент 2000 й.
2. Агальцева Н.А Долгосрочные прогнозы стока малых рек // Тр. САНИГМИ. - 2001. – вып.163(244), стр. 113-122.
3. Агальцева Н.А Долгосрочный прогноз притока в Нурекское водохранилище на реке Вахш // САНИГМИ,- 1996. Вып. 149 (230),стр. 101-108.
4. Агальцева Н.А., Василина Л.Ю. Долгосрочный прогноз притока воды в Чарвакское водохранилище // Тр. САНИГМИ. - 1992. - Вып. 145, стр. 52-58
5. Мягков С.В. Метод долгосрочного прогноза стока реки Амударьи в створах п.Керки и п.Дарганата с учетом хозяйственной деятельности // Руководящий документ. Методические указания. РН 68.02.07:2001. - Ташкент: САНИГМИ. - 2001г.,стр. 15.
6. Шерматов Е. Динамическая модель климатических показателей Средней Азии. Современное состояние подземных вод: проблемы и их решения. Материалы Международно-практической конференции, посвящённой 100-летию со дня рождения Н.А. Кенесарина Ташкент, 2008, стр.89-91.
7. Шерматов Е. и др. Один из подходов к вопросу прогноза объема стока реки Амударьи в зависимости от изменчивости солнечной активности //Материалы республиканской научно-практической конференции, посвященной «Проблемы улучшения обеспеченности, качества водных ресурсов и мелиорации орошаемых земель республики Узбекистан» - Ташкент, 2013 –стр. 217-224.
8. A Zh Seitov, BR Khanimkulov. [Mathematical models and criteria for water distribution quality in large main irrigation canals](#). Academic research in educational sciences. Uzbekistan. Ares.uz. Vol. 1. №2, 2020. ISSN 2181-1385. Pp.405-415. (№5, web of science IF=5.723)
9. А. Ж. Сейтов, Б. Р. Ханимкулов, М. Гаипов, О. Хамидуллаева, Н. К. Мурадов. Численные алгоритмы решения задач оптимального управления объектами каршинского магистрального канала. academic research in educational sciences volume 2 | ISSUE 3 | 2021 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723 DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00519. pp. 1145-1153. (№5, web of science IF=5.723)

БАҲОРИСТОН АСАРИДА ДЎСТЛИК ТИМСОЛИ ВА ИНСОН ФАЗИЛАТЛАРИ

Лутфилло Ахатов

Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Бугунги тараққиётнинг муҳим омилларидан бири бу инсон капитали саналади. Инсон омилининг жамиятдаги ўрни доимо ўзгариб боради, баъзан тубанлашиб борса баъзан юксалиб боради. Бундай омиллар мутафаккирлар илмий меросларида ифодаланиб туради. Шайх Абдурахмон Жомий асарларидаги образ-омиллар шулар жумласидан. Инсоний фазилатлардан бири бу – дўстлик. Дўстлик ҳақида доим мавзу-ҳикоялар яратилган ва давом этажак.

Калит сўз: Дўстлик, инсон омили, “Комил инсон” ғояси, Жомий, Баҳористон, ошиқ, меҳр.

“Баҳористон” асарини мазмун – моҳияти бу “Инсон омили”га қаратилган панднома асар эканлигини инобатга оладиган бўлсак, унинг бугунги кундаги (нафақат бугунги кундаги, балки, келажакда ҳам) ўз аҳамиятини таҳлил қилмасдан туриб, баркамол авлод (мукамалроқ талқинда “Комил инсон” ғояси)ни шакиллантириб боришлик “елкансиз қайиқ”қа ўхшайди гўё. Зеро, мақсад аниқ, манзил олисми, демакки, биз ўз олдимизга қўйган ўша олис манзилдаги мақсадимизга эришмоқлигимиз учун “Баҳористон” ва бунга ўхшаш панднома асарларни таҳлил қилишга ҳар доим ихтиёжга муҳтожлик сезамиз.

Панднома асарларни таҳлил қилмасак, асл мазмун ва моҳиятини нималар ташкил қилишлигини билмасак биз ўз мақсадимизга (баркамол авлодни тарбиялаш) эришишимиз мушкул албатта. Мисол учун: асардаги ҳар бир равзаларни кўздан кечирар эканмиз, ундаги биргина “Дўстлик” иборасини оладиган бўлсак, “Баҳористон” асари 1 – равза “Дарвишлар ҳақида ҳикоят” бобидан:

Абдулҳасан Қушанжи айтган эди:

–Дунёда бир нарса эвазига ёки бирор нарса ғаразига дўстлик қилган кишидан кўра хунукроқ нарса йўқ.

Дўст ҳажридан Ошиқ кутар адолат,

Ё васл эшигида тутар бир ҳолат.

Дўстликдан ўзга бир мақсади бўлса,

Оламда борми ҳеч бундан разолат.

Дўстлик тушунчаси бу нафис туйғу ва манфаатсиз (манфаат фақат Аллоҳ ризоси учун бўлиши керак) мақсад устига қурилиши керак бўлган бирлик рамзи саналади. Юқоридаги мисраларни таҳлил қиладиган бўлсак:

Дўст ҳажридан Ошиқ кутар адолат, бунда *Ошиқ* – деб *Аллоҳ*ни назарда тутганлигини кўрамиз. Дўст бўлишлик бу шунчаки ошно – оғайни бўлиб, ёхуд кўшни бўлиб яшашлик эмас, балки, тенгликни мустаҳкам тутиб, *Аллоҳ (Ошиқ)*га етишиш *ҳажрида адолат*ни унутмаслик лозим.

Ё васл эшигида тутар бир ҳолат, бу мисрада ҳам *Дўст*нинг ўз *Ошиғи (Аллоҳ) васлига* эришмоқлик учун асл *ҳолати* (дўстлик моҳияти)ни доимо ёдда тутиб, ўзини *У (Аллоҳ)*нинг наздида камтар – хоксор, ожиз ҳисоблаб, Унинг барча синовларига мардона туришлиги лозимлиги баён этилган.

Дўстликдан ўзга бир мақсади бўлса, бу иборани таҳлилидан эса *Дўст* бўлиш учун ўз *Ошиғидан* қандайдир бошқа бир (ғараз) *мақсади*да манфаатдорлик кўзланган бўлса, *Оламда борми ҳеч бундан разолат*, яъни, *Дунё (Олам)*да бундан *разолат* (қабихлик) – вайронкорлик *борми*, деб баён этмоқда.

Дўстлик ҳақида сўз кетганда Мавлоно Жомийнинг “Баҳористон” асаридаги кўплаб боб – равзалари дўстлик, адолат, тенглик, фаровон жамият ҳақида баён этилганлигини кўрамиз. Дўстлик ҳақидаги яна бир мисрани таҳлил қилсак, Жомийнинг “Баҳористон” асаридаги 1 – равза “Дарвишлар ҳақида ҳикоят” бобидан:

Шиблининг бошига девоналик тушди, уни жиннихонага элтиб қўйишди.
Сўнг бир неча киши уни кўргани боришди.

– Кимсизлар? – деб сўради жинни улардан.

– Биз сенинг дўстларингмиз, – дейишди.

У қўлига тош олиб ҳамла қилди. Ҳаммалари қочиб кетишди.

– Қайтинглар, эй даъвогарлар, – деди у, – дўст дўстдан қочмайди ва унинг жафо тошидан сақланишга шошмайди.

Чин дўст ул – дўстлиги ошаверса гар,

Дўстидан ёмонлик кўрганида ҳам.

Бошига минг жафо тоши ёғилса,

Меҳр уйи у тошдан бўлур мустаҳкам

Маълумки Шайх Шибли ўз даврининг тариқат пешволари қаторида фаолият олиб борган. Мансур Ҳалложни осигна ҳукм қилган уламолар, у (Шибли)ни жиннихона – шифохонага элтиб қўйган деб айтилади баъзи манбаларда. Ушбу мисраларни шиблига таҳлид қилиб баён этилиши эса дўстларнинг ўзаро бир –

бирига, яхши ва ёмон кунларда ҳам ёрдам қўлини ўзатиш кераклиги ҳақида боради. Мисрадаги *Чин дўст ул – дўстлиги ошаверса гар*, деб айтилишидаги маъно дўстнинг *Чин дўст* бўлишлиги бу унинг ҳар доим (машаққатларда ҳам) ёнида туришлиги лозимлиги, *дўстлиги ошаверса гар* – дўстлиги мустаҳкамланишилиги бу *Дўстидан ёмонлик кўрганида ҳам*, дўст билан ҳамнафас бўлиб туриш, яхши ва ёмон кунларида ҳам тиргак бўлишлиги, *Бошига минг жафо тоши ёгилса*, яъни, дўстининг бошига тушган *жафо тоши* (машаққатлар)да ҳам дўстини тарк этмаслиги лозим. Зеро, *Мехр уйи у тошдан бўлур мустаҳкам*, яъни дўстининг *Бошига минг жафо тоши ёгилса*, демакки, бундай *жафо тошидан* ҳимояланиш йўллари излаб топиши, унга қарши маърифатни шакиллантириш йўллари бунёд этишлигини кашф этиб боради.

“Баҳористон” асаридаги биргина “Дўстлик ҳақида”ги мисрасини таҳлил қилганимизда қанчалик маъно ва мазмун мужассамлашганлигини кўрдик. Демакки, биз баркамол авлодни вояга етказишни мақсад қилдекми, унинг тарбияси ва таълимига дахилдорлик ҳисси билан яшашимиз шарт. Бугунги таҳликали шиддат билан ўтиб бораётган бир даврда “Баҳористон”га ўхшаш панднома асарларни кўпроқ таҳлил қилиб, унинг замонавий аҳамиятини, яъни, бугунги кундаги мавқийи ҳақида ўз муносабатимизни баён қилган ҳолда, ёшларимиз тарбиясига кўпроқ вақт сарфлашлигимиз лозим.

Дўстликнинг ҳам ўзига хос меъёрий ришталари борки, у ришта фақатгина дўстларга хос боғлов вазифасини ўтайди. Инсонлар жамиятдаги ижтимоий жараёнларга баъзан дўстлик ва “таниш” – қариндошликни ҳам бир биридан фарқламай қоладилар. Инсон “Одам” бўлиб дунёга келдими, демакки, “Одам”ийликка хос яшамоғлиги лозим. Зеро, “Одам” Аллоҳ томонидан (барча махлуқотлар ичида) азиз ва муқаррам қилиб яратилган зотдир. Шундай экан, борликни ихтиёр этган Зот унинг бошқарувини ҳам Ўз зиммасига олганлиги унутмаслик керак.

Бундай дўстлик ўзининг масъулиятлилиги билан бошқа “Таниш – билиш, ошна - оғайни”гарчиликлардан фарқланиб туради. Аслида инсоният яратилибтики, ўзаро, бир – бирининг “аъзо” – бўлакларидан иборатдир. Буни биз Саъдийнинг “Гулистон”ида ҳам ўз ифодасини топганлигини кўришимиз мумкин:

Бани одам аъзои якдигаранд,
Ки дар офариниш зи як гавҳаранд.
Чу узве ба дард оварад рўзгор,
Дигар узвҳоро намонад қарор.

Мазмуни: «Одам болалари ибтидода бир гавҳардан бино бўлганлари туфайли яхлит бир вужуд кабидирлар. Бинобарин, замон унинг бир аъзосига жароҳат етказса, бошқа аъзолари ҳам ўз тинчини йўқотади».

Биз бу мисраларни бироз бошқачароқ, тушунарлироқ мазмунда шарҳлашни лозим топдик:

Бани одам аъзои якдигаранд, яъни, **Бани одам** – инсонлар(нинг) ҳаммаси, **аъзои якдигаранд** – (ўзаро) бир – бирларининг аъзолари ҳисобланадилар. Маълумки, инсон танасининг бирон бир аъзоси (жойи)га озор етса, бутун вужуд унинг оғриғидан азият чекади. Шунинг учун инсоният тарихига назар соладиган бўлсак, улар (инсонлар)нинг тили, ирқи, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар ҳамкорлик (бугунги кундаги инвестиция масаласидаги ҳамкорлик)да ўзаро бирлашадилар ва жамиятнинг ижтимоий тараққиётига муносиб ўрин тутадилар. Бирлашиш ва ҳамкорлик ҳақида сўз кетганда, Ислом дининг муқаддас Китоби бўлмиш Қуръони каримда ҳам бу борада ояти карима мавжудлигини алоҳида таъкидламоғимиз лозим.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

“Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинг. Гуноҳ ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилманг” (Моида сураси 2 – оят)

Бундан кўришиб турибтики, яхшилик йўлида қўйилган қадам учун ҳамиша ҳамкорлик қилиш ва аксинча, ёмонлик йўлидаги ҳамкорликка ҳаргиз бирлашмаслик лозимлигини алоҳида инобатга олмоғимиз лозимдир.

Ўзи мантиқан, инсонлар бир – бирларининг аъзолари ҳисобланар экан, ўзига раво кўрмаган нарсалар албатта бошқаларга ҳам раво кўрмаслиги лозим.

Ки дар офариниш зи як гавҳаранд – яра(ти)лишда ҳам (тарихан) ягона (бир) гавҳар – наслдан шакилланганлар. Фикр юритадиган бўлсак, инсон бир гавҳар – наслдан яратилгани бу буюк бир ҳақиқатки, худди ака ва укаларнинг бир қориндан талашиб ичққанлари учун ўзаро иноқ ва бир – бирларига меҳрубон бўлишлари каби, **Бани одам** – инсонлар(нинг) ҳаммаси ўзаро тинчликда, иноқ яшашлари лозимлиги кераклиги лозим.

Чу узве ба дард оварад рўзгор, яъни ҳаёт (давоми)даги маълум бир жабҳасида бирон аъзо (инсон)га мабодо оғриқ (азоб – азият) тегадиган бўлса, **Дигар узвҳоро намонад қарор** – бошқа (аъзо – инсон)лар ундан холи (оғриқсиз) қолмас, деб соддароқ қилиб, шарҳласак мақсадга мувофиқдир. Зеро, инсонларнинг яшаш шароитга, у(инсон)нинг имкониятига қараб, тоқатидан ташқари бўлмаган нарсаларга йўналтирилганлигини унутмаслик лозим.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда марҳамат қилади:

“Аллоҳ ҳеч бир жонга имкониятидан ташқари нарса юклагмас” (Бақара сураси 286 – оят)

Демак, ҳар бир инсон чин дўст учун муҳтожлигида Ундан келадиган масъулият (машаққат) вақтида ҳам сабр билан қабул қилиши керак. Ва доим ҳамнафас бўлиши лозим. Бунга ушбу ояти Карим ҳам далилдир!

REFERENCES

1. Абдурахмон Жомӣ (муҳаррир Мубашшир Акбарзод) “Баҳористон”. – Душанбе: “Адиб”, 2014.
2. Ш.Шомухамедов таржимаси асосида. 1971 *الرحمن جامي - غافور غولام - تاشكند سانى* عبد
3. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Олам ва одам Дин ва илм. – Тошкент: “Hilol - nashr”, 2021.
4. Шарқ ренессанси даври алломалари ва мутафаккирларининг илмий-фалсафий мероси. (А.Маврулов ва бошқа...) – Т.: “Sino-standart”, 2017.
5. Madalimov, T., Akhatov, L., Haytmetov, R., & Ibrohimov, F. (2020). A Symbol of Tolerance and Friendship in Jamiy's Work "Bahoriston". *International Journal of Current Science Research and Review*, 1(1), 29-32.
6. Madalimov, T., Khaytmetov, R., & Akhatov, L. (2020). THE PROBLEM OF TOLERANCE IN ORIENTAL PHILOSOPHY. *JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*, 6(7), 130-133.
7. Madalimov, T., Khaytmetov, R., & Akhatov, L. (2020). the PROBLEM of HUMAN PSYCHOLOGICAL CRISES in the VIEWS of EMIL DURKHEIM. *НАУКА ОБРАЗОВАНИЕ И КУЛЬТУРА*, 50(6), 50-57.
8. Haytmetov, R., Akhatov, L., & Madalimov, T. (2020). Капитализм ва инсон психологияси. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, 2(1), 53-61.
9. Haytmetov, R., Madalimov, T., & Akhatov, L. (2020). The spiritual connection of Sufism and Tolerance in the works of Jami. *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications*, 1(2), 1-4.
10. Akhatov, Lutfullo, Timur Madalimov, and Raimberdi Haytmetov. "The Spiritual Connection of Sufism and Tolerance in the Works of Jami." *International Journal of Multidisciplinary Research and Publications* 2 (2020): 1-4. Web. Apr. 2020.
11. Akhatov, Lutfullo, Timur Madalimov, Raimberdi Haytmetov, and Farxod Ibrohimov. "A Symbol of Tolerance and Friendship in Jamiy's Work "Bahoriston". *International Journal of Current Science Research and Review* 3 (2020): 29-32. Web. Apr. 2020.

12. Khaytmetov, R., T. Madalimov, and L. Akhatov. "The Problem of Human Psychological Crises in the Views of Emil Durkheim." *Наука, образование и культура* 6.50 (2020): 50-57. Web.

13. Khaytmetov, R., T. Madalimov, and L. Akhatov. "The Problem of Tolerance in Oriental Philosophy." *Multidisciplinary Peer Reviewed Journal* 6.7 (2020): 130-133. Web.

14. Хайтметов, Раимберди, Тимур Мадалимов, and Лутфулло Ахатов. "Капитализм ва инсон психологияси." *Педагогика ва психологияда инновациялар* 2 (2020): 53-61. Web. Apr. 2020.



VICIA FABAL. O‘SIMLIGINING BIOLOGIK XUSUSIYATLARI VA XALQ XO‘JALIGIDAGI AHAMIYATI

Saodat Saidmurodovna Qodirova

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti magistri

Nozigul Panjiyevna Xodjayeva

Toshkent davlat agrar universiteti magistri

Baxtiyor Xushbaqovich Amanov

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti

amanov.81@bk.ru

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada adabiyotlar tahlil natijalari keltirilgan bo‘lib, *Vicia faba* L. turi urug‘ tarkibida 32-40% oqsil, 56-60% uglevod, 2,5% shakar, 2% ga yaqin yog‘, askorbin kislota (vitamin C), karotin (provitamin A) va ko‘p miqdorda mineral tuzlar, asosan kaliy, kaltsiy, fosfor, magniy, oltingugurt hamda temir elementlari uchraydi. Bugungi kunda oziq-ovqat xavfsizligini ta‘minlash maqsadida loviya o‘simligini moslashtirish, genetik, fiziologik xususiyatlari bo‘yicha tadqiqotlar olib borish natijasida irsiy jihatdan boyatilgan duragaylar olish, serhosil hamda tashqi muhitning stress omillariga chidamli yangi tizma va navlarni yaratish ustuvor yo‘nalishlardan biri hisoblanadi.

Kalit so‘zlar: dukkak, loviya, oqsil, vitamin, genetik, fiziologik, patogen, bakteriya, populyatsiya, nav.

KIRISH

Mamlakatimizda ikkinchi ekin sifatida vegetatsiya davri qisqa dukkakli don ekinlari ekish bo‘yicha keng qamrovli ishlar olib borilmoqda. Jumladan, 2020 yil dekabr oyida O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2021 yil uchun parlamentga qilgan Murojaatnomasining eng muhim qismini qishloq xo‘jaligini modernizatsiya qilish, raqamlashtirish, yerlarning unumdorligini oshirish, zamonaviy qishloq xo‘jaligi texnologiyalarini joriy etish va qishloq xo‘jaligiga investitsiyalarni ko‘paytirish masalalariga bag‘ishlandi. Xususan, Prezident qishloq xo‘jaligida hosildorlik va samaradorlikni keskin oshirish kambag‘allikni qisqartirish va qishloq aholisi daromadlarini

ko'paytirishning eng tez natija beradigan omil ekanligiga e'tibor qaratdi[1].

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Dukkakli o'simliklar orasida ozuqabop oqsillarga boyligi va sifatli yem-xashak mahsuloti hisoblangan *Vicia faba* o'simligi alohida ahamiyatga ega. Bu o'simlikning vatani O'rta yer dengizidir. Miloddan avvalgi ming yillardan buyon Falastinda ekilgan. Qadimgi Misrda *Vicia faba* muqaddas o'simlik hisoblangan, qadimgi Yunonistonda juda hurmatga sazovor bo'lgan. Qovurilgan loviya kukuni yalpiz va sarimsoq bilan birga Bolgariya, Makedoniya, Ukraina, Ruminiya va Moldaviya davlatlarining oshxonalarida asosiy mahsulot va ikkinchi taomlar uchun qadimiy ziravor sifatida ishlatiladi [2-25].

Hozirgi vaqtda madaniy navlari ko'plab mamlakatlarda o'stiriladi. Jumladan, Yevropa va Afrikaning O'rta yer dengizi sohillarida, AQSh, Hindiston va Rossiyaning deyarli barcha hududlarida yetishtiriladi. Bu o'simlik turi mamlakatimiz sharoitiga moslashtirish va yetishtirish ustida ilmiy tadqiqotlar olib borilmoqda [9].

Dukkakdoshlar oilasiga mansub yasmiq, no'xat, loviya, marjumak kabi o'simliklar tarkibida uchrovchi eng kerakli moddalar bo'lganligi uchun ozuqaviy qiymati yuqori hisoblanadi. Jumladan, *Vicia faba* L.turi ko'p yetishtiriladigan dukkakli don bo'lib, urug' tarkibida 32-40% oqsil, 56-60% uglevod, 2,5% shakar, 2% ga yaqin yog', askorbin kislota (vitamin C), karotin (provitamin A) va ko'p miqdorda mineral tuzlar, asosan kaliy, kaltsiy, fosfor, magniy, oltingugurt hamda temir elementlari mavjud[2]. Chorva mollari uchun ozuqabop, tuproq mahsuldorligini oshiruvchi ekinlarni ekishga katta e'tibor berilmoqda. Oziq-ovqat tarkibida oqsil miqdorini oshirish va ekin ekiladigan maydonlarning melorativ holatini yaxshilab azot bilan boyitishda dukkakli ekinlarni ekish talab etiladi[3].

Dunyo bo'yicha dukkakli o'simliklarning 17 turkumiga mansub 60 dan ortiq turi ma'lum. *Vicia faba* L.o'simligi ekiladigan maydon 2,55 mln. gektar maydonni egalladi va umumiy ishlab chiqarish 119 000 tonnani tashkil etadi. Iste'moli esa 420 ming tonnadan iborat [10].

Dukkakli ekinlar ildizida tugunak bakteriyalari to'playdi. Tugunak bakteriyalari azot saqlovchi bakteriyalarning eng ko'p o'rganilgan guruhlaridan biridir. [6].

Hozirgi kunda bir qator donli va dukkakli ekinlar shular jumlasidan yasmiq, loviya, no'xat, marjumak, bug'doy, arpa, suli, makkajo'xori kabi ozuqaviy jihatidan yuqori o'rinlarda sanaladigan o'simliklar

mamlakatimiz hududida ekib o'stirilmoqda. Chunki bu o'simlik tarkibida foydali oqsillar va aminokislotalar nihoyatda ko'p[5].

Vicia faba L. o'simligi dukkakldoshlar oilasiga mansub bir yillik o't o'simlik hisoblanib, loviya (*ordo Fabales Nakai*), dukkaklilar oilasi (*Fabaceae*), vetch tizzasi (*tribus Vicieae* Bronn.), jinsi *Faba* Medik jinsiga tegishli bo'lib, ular ikki tur bilan ifodalanadi: Pliniy loviya (*Fabaceae Plinina* Trabut.) va ot loviya (*Fabaceae Bona* Medik.) (*Vulture Vicia faba* L., *Faba vulgaris* Moench., *Faba sativa* Bernh.). Pliniy loviya namunalari amaliy ahamiyatga ega emas. Ular Jazoirda yovvoyi holda o'sadi. Dunyoda yetishtiriladigan barcha navlar bir turga - o't loviyalariga mansubdir[8].

Vicia faba L. turining tashqi tuzilishiga keladigan bo'lsak poyasi to'g'ri, yog'ochsimon, ichi bo'sh yoki yumaloq, ba'zan poyasi shoxlangan, balandligi 60-150 sm va undan yuqori shakllari mavjud. Tashqi muhit omillaridan biri bo'lgan yog'ingarchilikning miqdori poya va shoxlarining o'zgarishiga sabab bo'ladi. Qurg'oqchilik paytida novdalar soni sezilarli darajada kamayadi. O'simlik buta shakliga ega. Qayta o'sish jarayoni asosan ildiz bo'yinbog'idan yangi kurtaklar paydo bo'lishi, ya'ni shoxlanish tufayli sodir bo'ladi.

Vicia faba L. o'simligining ildiz tizimi 1,5-2,0 m chuqurlikka kirib boradi, buning natijasida mikroelementlar yer osti gorizontlaridan haydaladigan qatlamga o'tadi: fosfor, kaliy va boshqalar, havo va suv rejimi, fizik xususiyatlari, tuproq tuzilishi yaxshilanadi. Dukkaklilar, shuningdek, begona o'tlarni soya qiladi va cho'ktiradi, bu patogenlar va zararkunandalar populyatsiyasini kamaytiradi, bu esa qo'llaniladigan fungitsidlar va pestitsidlar dozasini kamaytiradi. Ildizlarda tugunak bakteriyalar koloniyalari hosil bo'lib, tuproqni azot bilan boyitadi [6].

Loviya barglari murakkab, 1-3 juft bargchalari bor. Gullari yirik, 2-12 bo'lakcha bo'lib, kalta shoxchalar shaklida yig'ilgan, oq rangli, qanotlarida qora baxmal dog'li va dog'siz, xushbo'y, barg qo'ltig'ida joylashgan to'pgullarda yig'ilgan. Oq, binafsha, jigarrang yoki qizil gulli vakillari mavjud.

Gullashi erta boshlanadi: unib chiqqandan keyin taxminan bir oy o'tgach, nam yozda-kuzgi sovuqlargacha davom etadi. O'simlik 2-3 hafta davomida iqlim sharoitiga qarab gullaydi, gullash davri nam va sovuq havoda uzaytiriladi va qurg'oqchilikda qisqaradi. U asosan meva beradigan pastki shohlaridan gullashni boshlaydi. Gullarining ochilish vaqti ob-havoga, ba'zan esa gulning yoshiga bog'liq. Yashil kurtak bosqichidan gulining ochilishiga ikki kun vaqt o'tadi. Ochiq holatda gul 1-2 kun turadi, keyin yopiladi va so'na boshlaydi. Gullari asal shiraga boy. Asalarilarga ko'p nektar beradi, ayniqsa bulutli va issiq havoda. Bu o'simlik ekilgan maydonlar hisobiga ko'plab sifatli asal olish mumkin. Fasolning biologik o'ziga xosligi gullarning

hosil bo'lgan mevalarga qaraganda sezilarli darajada ko'proq rivojlanishidir.

Ba'zi mualliflar loviyalarni o'z-o'zini changlatuvchilar deb tasniflaydilar, boshqalari esa ularni asosan asalarilar va arilar tomonidan changlanadigan fakultativ chatishtirishlar deb hisoblashadi [5.7].



1-rasm. *Vicia faba* L. o'simligi.

Loviya mevasi xilma-xilligiga qarab o'zgarib turadi. Yassidan tekisgacha, uzunligi 4,0-3,5 sm gacha, tor va juda keng, jigarrang. Tuzilishi bo'yicha loviya qanotlarining ichki qismida pergament qatlami bo'lgan shakar loviya (loviya go'shtli, pergamentsiz) va qobiqqa bo'linadi. Yosh fasolning qanotlari yashil, silliq, qalin, yumshoq go'shtli, pergament qatlamisiz. Yetuk bo'lganda, ular to'q jigarrang bo'ladi. Loviya pishib yetilgach, o'rim yig'imga tayyor yuzasi teriga o'xshaydi, jigarrang yoki qora rangga aylanadi[9, 10].

XULOSA

Adabiyotlar tahlili shuni ko'rsatdiki, *Vicia faba* L. turi urug'i tarkibida urug' tarkibida 32-40% oqsil, 56-60% uglevod,

2,5% shakar, 2% ga yaqin yog‘, askorbin kislotasi (vitamin C), karotin (provitamin A) va ko‘p miqdorda mineral tuzlar, asosan kaliy, kaltsiy, fosfor, magniy, oltinugurt hamda temir elementlari uchraydi. Shu bilan birga bugungi kunda oziq-ovqat xavfsizligini ta‘minlash maqsadida loviya o‘simligini moslashtirish, genetik, fiziologik xususiyatlari bo‘yicha tadqiqotlar olib borish natijasida irsiy jihatdan boyitilgan duragaylar olish, serhosil hamda tashqi muhitning stress omillariga chidamli yangi tizma va navlarni yaratish ustuvor yo‘nalishlardan biri hisoblanadi.

REFERENCES

1. Sh.M. Mirziyoyevning 2020-yil 29-dekabrda Oliy Majlisdagi Murojaatnomasi. <https://www.google.com/search>.
2. Badina G.V. Dukkakli ekinlarni yetishtirish va ob-havo / G.V. Badin. - L: Gidrometeoizdat, 1974. - 244 b.
4. Badina G.V. Dukkakli ekinlarni yetishtirish va ob-havo / G.V. Badin. - L.: Gidrometeoizdat, 1974. - 244 b.
5. Fasol dietasi [Elektron resurs] // A dan Z gacha vazn yo‘qotish uchun dietalar. - M., [201-]. - Kirish rejimi: www.zolotoy-kuvshin.ru/dieti/1322-bobovaia-dieta.
6. Fasol // O‘rmonetsiklopediyasi: 2 jildda / ch. ed. Vorobieva G.I. - M., 1985.-T. 2.-C. 563.
7. Bondar G.V. Dukkakli ekinlar / G.V. Bondar, G.T. Lavrinenko. - M.: Kolos, 1977. - 256 p.
8. Buntova E.A. Dukkakli urug‘larning bakteriyalanishining o‘simlik unumdorligiga va yuvilgan chernozemning biologik faolligiga ta‘siri. // Dissertatsiya konspekti. dis. . qand. s.-x. Fanlar: 06.01.09 / E.A. Buntov. - Novosibirsk, 2002. - 19 p.
9. Bezuglova E.V. G‘arbiy Sibirning janubiy o‘rmon-dashtlari sharoitida loviya yig‘ishni o‘rganish natijalari / E.V. Bezuglova, N.G. Kazydub // Nauch. jurnali [Elektron resurs] // Qishloq xo‘jaligi fanlari. - M., 2014. - Kirish rejimi: <http://www.science-education.ru/118-14302>.
10. M.A. Vishnyakova // Dukkakli vadonli ekinlar. - 2012. - 3-son -S. 25-29.
11. Муротов, О. О. Ў., Тувганбаева, Ж. Қ. Қ., Аманов, Б. Х., & Турсунова, Н. М. (2022). ДУККАКДОШЛАР ОИЛАСИГА МАНСУБ FAGOPYRUM ESCULENTUM, PHASEOLUS VULGARIS L. НАМУНАЛАРИДА УРУФ УНУВЧАНЛИГИ. *Academic research in educational sciences*, 3(2), 566-571.
12. Турсунова, Н. М., Аманов, Б. Х., & Уткирович Закиров, Д. PHASEOLUS VULGARIS L. ТУРИГА МАНСУБ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ НАМУНАЛАРНИ ДУРАГАЙЛАШ ВА

БОШЛАНГИЧ МАНБАЛАРИНИ ЛАБОРАТОРИЯ ШАРОИТИДА
УНУВЧАНЛИГИ АНИҚЛАШ.

13. Umirova, L. F., & Amanov, B. X. (2022). MOSH (PHASEOLUS AUREUS) O‘SIMLIKLARINING BIOLOGIK XUSUSIYATLARI. *Academic research in educational sciences*, 3(1), 447-454.

14. Aygerim Azimbay Qizi Asilbekova, & Hasan Aliqulovich Mo‘Minov (2022). YASMIQ O‘SIMLIGI BO‘YICHA OLIV BORILGAN TADQIQOTLAR TAHLILI. *Academic research in educational sciences*, 3 (1), 1039-1047. doi: 10.24412/2181-1385-2022-1-1039-1047.

15. Эшмуродова, А. А., & Бўронов, А. Қ. Ў. (2022). ТРИТИКАЛЕ МОРФОЛОГИЯСИ ВА УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ. *Academic research in educational sciences*, 3(2), 496-501.

16. Бабоев, С. К., Холлиев, О. Э. Ў., Буронов, А. К., Маткаримов, Ф. И., & Бузуруков, С. С. (2021). ЯСМИҚНИНГ МАЙДА УРУҒЛИ ХАЛҚАРО ЭЛИТА КЎЧАТЗОРИ ЎСИМЛИКЛАРИДА ҲОСИЛДОРЛИК БЕЛГИЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Academic research in educational sciences*, 2(2).

17. Baboev, S., Muminjanov, N., Turakulov, K., Buronov, A., Mamatkulov, I., Kos, E., ... & Morgounov, A. (2021). Diversity and sustainability of wheat landraces grown in Uzbekistan. *Agronomy for Sustainable Development*, 41(3), 1-13.

18. Baboev, S. K., Buranov, A. K., Vozorov, T. A., Adylov, B. S., Morgunov, A. I., & Muminzhonov, K. (2017). Biological and agronomical assessment of wheat landraces cultivated in mountain areas of Uzbekistan. *Sel'skokhozyaistvennaya Biologiya*, 52(3), 553-560.

19. Бўронов, А. Қ. Ў. (2022).

ЮМШОҚБУҒДОЙНИНГ МАҲАЛЛИЙ НАВЛАРИНИНГ ЛИАДИНОҚСИЛЛАРИ ЁРДАМИДА ПОЛИМОРФИЗМИНИ АНИҚЛАШ. *Academic research in educational sciences*, 3(1), 401-407.

20. Бабоев, С. К., Холлиев, О. Э. Ў., Буронов, А. К., Маткаримов, Ф. И., & Бузуруков, С. С. (2021). ЯСМИҚНИНГ МАЙДА УРУҒЛИ ХАЛҚАРО ЭЛИТА КЎЧАТЗОРИ ЎСИМЛИКЛАРИДА ҲОСИЛДОРЛИК БЕЛГИЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Academic research in educational sciences*, 2(2).

21. Буронов, А. Қ. Ў., Зияев, З. М., Холлиев, О. Э. Ў., & Файзуллаев, А. З. Ў. (2021). КУЗГИ ВА ДУВАРАК БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ ЮҚОРИ АВЛОД ЛИНИЯЛАРИДА МИҚДОРИЙ ВА СИФАТ БЕЛГИЛАРИ БЎЙИЧА КЛАСТЕР ТАҲЛИЛИ. *Academic research in educational sciences*, 2(6), 1481-1488.

22. Farrux Nutfillo O‘G‘Li Raimov, Akmal Qalandar O‘G‘Li Bo‘Ronov, Baxtiyor Xushbakovich Amanov TRITIKALENING XALQ XO‘JALIGIDAGI AHAMIYATI // Academic research in educational sciences. 2022. №3.
24. Kalandarovic, B. A., &Kimsanbaevic, B. S. (2018). Polymorphizm of gliadin proteins among wheat landraces of Uzbekistan. *Europeansciencereview*, 2(11-12), 15-17.
25. Shahnoza Xurshid Qizi Mirzarahimova, Baxtiyar Xushboqovich Amanov, & Hasan Aliqulovich Muminov (2022). ISSIQXONA SHAROITIDA O‘STIRILGAN NO‘XAT O‘SIMLIGINING QIMMATLI XO‘JALIK BELGILARINI QIYOSIY TAQQOSLASH. Academic research in educational sciences, 3 (1), 466-470.doi: 10.24412/2181-1385-2022-1-466-470.



ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН ТИЗИМИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Иброҳим Шухратович Файзиев

Чирчик давлат педагогика институти Гуманитар фанлар факультети
Факултетлараро ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Бу мақолада ҳар бир фан ўз соҳасининг қонуни ва қонуниятларини қашф этиш ва тадқиқ қилишни ўзининг вазифаси деб билади. Бола мустақил ҳолда илмий билим тизимини англаши учун, у бу тизимни ўзлаштириши керак. Шунинг учун ҳам, таълимда инсон тажрибаси ақс эттирилган уқув қўлланмаси, дарслик алоҳида ўрин тутаяди.

Қалит сўзлар: Объектив қарама-қаршилик, субъектив зиддиятлар, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Жалолоддин ад-Давоний, ҳулоса.

КИРИШ

Боланинг ривожланиш даражаси, билим, билиш ва қуникмаларининг қолати ҳамда ҳаётнинг ортиб боровчи талаблари ўртасидаги зиддиятлардир. Бу зиддиятлар узлуксиз таълим, ўқитишни тезлаштириш, меҳнат, жисмоний, ахлоқий тарбиялар орқали бартараф этилади. Жамият ҳаётининг мураккаблашиши, болалар эгаллаши зарур бўлган ахборотлар, билим ва қуникмалар сифати ва ҳажмига бўлган талабнинг доимий ортиб бориши, ўрганиш керак бўлган фанлар, ўқув, меҳнат, жисмоний ва бошқа фаолиятлар сонининг ортиб бориши бир мунча қийинчиликларни юзага келтиради. Вақтнинг этишмаслиги натижасида муқаррар равишда ақлий, жисмоний ва рухий зуриқишлар юзага келаяди. Педагогик жараённинг ички қаракатланувчи қучи, бу англаш, меҳнат, амалиёт, ижтимоий фойдали меҳнат билан боғлиқ талаблар ва уларни амалга оширувчи аниқ имкониятлар ўртасидаги зиддиятлардан иборат. Бу қарама-қаршилик — умумий мақсадга олиб боровчи йўл (тартиб), илгари сурилган талаб ривожга замин, негиз бўлади. Демак, ўқитувчи ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоасини, унинг ҳар бир аъзосини яхши ўрганиши ва қелгусида истиқболларни лойиҳалаш маҳоратига эга бўлиши керак.



АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бу айрим ижодий жараён билан педагогик жараённинг оммавий ахборот хусусиятига эгаллиги ўртасидаги:

— бола фаоллиги билан ҳаётдаги ижтимоий-педагогик шароитлар ўртасидаги;
— инсоннинг шаклланишида ижтимоий-гуманитар фанлар мавқеининг ошиб бориши билан педагогик жараённинг техник хусусият касб этиши Уртасидаги зиддиятлардир.

Бу зиддиятларни бартараф этиш учун педагогик жараён самарадорлигини тулих таъминлаш, асосий мазмунли қисмларнинг фаолияти сифатини ошириш зарур. Яъни:

— болалар меҳнатини, тарбияловчи жамоа, турли ижтимоий ташкилотлар фаолиятини ошириш;
— таълим сифатини ошириш;
— ўқитувчи фаолияти педагогик жараённинг асосий қисми бўлишига эришиш;
— ижтимоий фойдали ишлаб чиқариш ва меҳнат тарбиянинг асоси бўлишига эришиш;
— ўқишдан ташқари (синфдан, мактабдан ташқари) ижодий фаолиятларни юксалтириш орқали эришилади.

Абу Наср Форобий (873—910) «Идеал жамоа ҳақида», «Бахт-саодатга эришув тўғрисида» асарларида инсон онги, ақли, сезиш аъзолари тўғрисида оламни ҳар томонлама ўрганиш, уз ақли ёрдамида узини ўраб олган мавжудотнинг моҳиятини тушуниш қобилиятига эгаллигини айтади. У «Бахт-саодатга эришув тўғрисида» асарида таълим-тарбия инсон шахсини камол топтиришнинг йўл-йўриқлари, илм-маърифатга эришувнинг усуллари, ижтимоий муаммоларни ечиш масалалари хусусида фикр билдирди. Форобий, ўрта аср Яқин ва ўрта Шарқда илғор педагогик таълимотларнинг асосчиларидан бири сифатида, уз асарларида дидактика, таълим-тарбиянинг психологик асосларини, ахлоқ, эстетиканинг муҳим назарий масалаларини уз фалсафасининг ажралмас қисми тарзида таҳлил этади. Инсон билимининг ривожига илм-фанни ҳал этувчи омил деб билади, ташқи оламни ўрганиш, табиат сирларини билишда табиий билимларнинг моҳиятини алоҳида қайд қилади. Форобийнинг таъкидлашича, инсонни тарбиялаш икки усул ёрдамида олиб борилиши мумкин. Тарбияланувчи ихтиёрий равишда зарурий, ақлий ва ахлоқий ҳислатларни билимли бўлишга, тўғрилиқни, ҳақиқатни севишга, жасур дустларга садоқатли бўлиш каби фазилатларни эгаллашга интилиши керак. Демак, Форобий педагогик масалаларни ва узвийликда бўлган психологик, физиологик муаммоларни

фалсафанинг мухим кисми сифатида таллин этади. Форобий уз асарларида билишнинг икки боскичи — хиссий билиш ва аъий билиш хакида фикр билдириб, лиссий билишнинг даражалари, келиб чиниши, ривожланиши хакида фикр билдиради, билимларнинг келиб чиқиши хакида шундай дейди:

«Инсон билимларни ақл ва сезиш аъзолари оркали қўлга киритади... Сезилувчи образлар хис этиш оркали, аклий образлар эса сезилувчи образлар оркали билинади».

Форобийнинг таълимотича, инсоннинг беш сезги аъзоси беш турли вазифани бажаришга мувофиъашган бўлиб, улар ташки мухитдан олинган хабарларни бир ягона марказга олиб келади ва бу биринчи марказда барча хабарлар образлар умумлашади. Одам аъзоларининг маркази бўлган юрак тана ва унинг аъзоларини кон билан таъминлайди, кон юрак оркали бутун аъзоларга таркалади. Иккинчи марказ — мия кон билан тирик бўлганлиги сабабли, юракка бўйсунди, лекин шу билан бирга, у бутун аъзоларга рахбарлик килади, уз буйрушга бўйсундиради, уларни маълум муътадилликда ушлаб туради. Форобийнинг фикрича, биринчидан, инсондаги рухий жараёнлар билан физиологик-анатомик жараёнлар рухий аъзо билан борлик, иккинчидан, юрак инсоннинг биологик хаётини, мия эса, рухий-маънавий хаётини бошқариб туради. Форобий уз асарларида сезгилар ва ақли билиш, фикрлаш каби жараёнларга жуда катта эътибор беради ва улар хакида бошқа рухий жараёнлар, масалан, хотира, тасаввур, диккат, хис-туйғу, ирода, кобилият, малака каби шахсий хислатларни билиш жараёни билан боғлиқ холда суз юритади. Инсонга хос бўлган ва унинг маънавий юксалишида мухим ахамият касб этувчи тафаккур ва нутқшг ривожланиши таълим-тарбиянинг асосини ташкил этувчи мухим жараёндр. Форобийнинг фикрича, инсонни тарбиялаш ва унга таълим бериш узвий бирликда олиб каралади, аммо улар уз хусусиятларига кура бир-биридан Фарк килади. «Бахт-саодатга эришув хакида» номли рисоласида билимларни ўрганиш тартиби бирма-бир санаб утилади: билиш зарур бўлган илм, бу — олам асослари хакидаги илмдир. Уни ўрганиш, табиий илмларни, табиий жисмлар тузилишини, шаклини, осмон хакидаги илмларни ўрганиш лозим. Ундан сунг, умуман, жонли табиат — усимлик ва хайвонлар хакидаги илм ўрганилади. Форобий инсон фаолиятини бахолаш учун қўлланиладиган ахлокий мезонлар — яхшилиқ ва ёмонлик ўртасидаги тафовутлар хакида фикр юритар экан, уларни инсоннинг рухий холати ва тарбия натижасида вужудга келадиган маълум маънавий хислатлари билан боуликлигини айтади. Форобий «Бахт — саодатга эришув хакида» номли рисоласида таълим-тарбиянинг вазифа ва методларига оид

фикрлар баён этар экан, таълим факат суз ва ўрганиш билангина булишини, тарбия эса, амалий иш, тажриба билан амалга оширилишини айтади. Демак, Форобий таълим бериш ва тарбия беришни бир-биридан Фарк килади. Таълим суз билан, бир нарсани уктириш, ўргатиш билан амалга оширилади, ёшлар назарий билимларни шу таълим ёрдамида эгаллайдилар. Тарбия эса, амалий фаолиятда намоён бўлади. У маълум иш-харакат, касб-хунар, одоб оркали сингдирилади. Таълим-тарбия жараёнида назарий билим билан амалий каракат — одат, малака, фаолият бирлашиб боради, етуклик шу бирлашув даражасига караб юзага келади. Форобийнинг таъбирича, тарбия беришда, ёшларни назарий билимларга, фалсафий илмларга ўргатиш, улар аклини барча фанларнинг асослари билан бойитиш керак. Тарбиялашда эса, ёшларга маънавий-ахлокий коидалар, хулк — одоб меъёрлари, амалий санъат, яъни турли хунар ўргатилади, улар онгига фаолият тартибларини сингдириш асосий мақсад килиб қўйилади. Таълим ҳам, тарбия ҳам ёшларнинг хақиқий инсон бўлиб етишуви учун ниҳоятда зарурдир. Форобий таълим-тарбия беришнинг методлари устида тухтаб, шундай ёзади: «Амалий фазилатлар ва амалий санъатлар (касб-хунар) ва уларни бажаришга одатлантириш масаласига келганда, бу одат икки турли йўл билан қосил қилинади: биринчи йўл — канотбахш сузлар, чорловчи, илломлатувчи сузлар ёрдамида одат қосил қилинади, малакалар вужудга келтирилади. Одамдаги пйрат, касб-интилиш ҳаракатга айланттирилади. Иккинчи йул (усул) — мажбур этиш йулидир. Аммо улардан қайси бирики, назарий билимларни ўрганишга астойдил киришса ҳамда фазилати яхши булиб, касбларни ва жузъий санъатларни эгаллашга интилиши булса, бундай ёшларни мажбур этмаслик керак, мақсад уларни фазилат эгаси қилиш ва касб-хунар ахилларига айланттиришдир». Форобий уз асарларида тарбиянинг барча турлари, инсон етуклигининг барча томон ва белгилари тутрисида, яъни жисмоний, акдий, ахлокий ва эстетик тарбия тутрисида ҳам фикр юритади. Масалан, Форобий билимдон, маърифатли, етук одамнинг образини тасвирлар экан, бундай дейди:

«Хар кимки илм-хикматини ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, соғ-саломатлиги яхши булсин, яхши ахлоқ ва одобли булсин, барча қонун-қоидаларни билсин, билимдон ва нотик булсин, илмли ва доно қишиларни ҳурмат қилсин, илм ва аҳди илмдан мол- дунёсини аямасин, барча реал, моддий нарсалар туррисида билимга эга бўлсин». Бу фикрлардан Форобийнинг таълим-тарбияда ёшларни муқаммал инсон қилиб тарбиялашда, аклий тарбиялашда акли тарбияга алоҳида эътибор берганлиги қуриниб турибди, унинг эътиқодича,



билим, маърифат, албатга, яхши ахлоқ билан безатмоғи лозим акс холда, кутилган максадга эришилмайди, бола етук бўлиб етишмайди. Дарахтнинг етуклиги унинг меваси билан бўлганидек, инсоннинг барча хислатлари ҳам ахлоқ билан яқунланади. Форобийнинг ижодида таълим-тарбиянинг умумий методологик масалалари, ўқитувчи ва ўқувчининг узаро муносабати, ўқувчига ижтимоий мухит орқали таъсир курсатиш йўллари, ўқувчининг хислатлари каби масалалар билан бирга, методик масалалар ҳам уз ифодасини топган.

Абу Али ибн Сино (910—1037) таълим-тарбия, мантиқ, ақл-тафаккур, аниқ фанларнинг бола тарбиясида тутган урни, уларни ўқитиш усуллари хақидаги таълимотларини «Тиб илмлари конуни», «Нажот китоби», «Инсоф китоби», «Донишманд» асарларида ҳам баён этган. «Тиб конунлари» асарида инсон танасини бошқариб турувчи табиий конуниятларни, инсон танаси билан мухит, табиатнинг узвий бирлиги, рухий жараёнларнинг танага таъсири, асаб ва танадаги касалликларнинг пайдо булиши ва уларни тузатиш йўллари баён этди. Ибн Сино уз асарида инсон тарбияси, унинг турли шакллари, вазифалари ва максадларини ёритишга ҳам эътибор берди. Инсон ёш жихатдан усиб бориши билан таълим-тарбия вазифаси ҳам ўзгариб боришини таъкидлади. Ибн Сино «Тиб конунлари» асарида ёш болаларни турилганидан бошлаб оёкка тургунча маълум тартибда тарбиялаб бориш лозимлигини айтади. Макгабда болаларни қандай ўқитиш ва нималарга ўқитиш хақида, унинг усуллари устида ҳам муҳим фикрларни оли суради. У болаларни битта-битта, алоҳида ўқитишдан кура жамоа тартибида ўқитишни афзал деб билади ва унинг устунлиги хақида ёзади: «ўқувчилар ўқиш ва тарбия давомида илмга чанкоклик сезадилар. Уз билимлари билан ғурурланадилар, бир-бирларининг билимларига хавас қиладилар. Ғурур ва узига эътибор тарбияланувчиларни бир-бирларидан орқада қолмасликка ундайди. Ўқувчилар бирга бўлганда, доим бир-бирлари билан гаплашадилар ва бу билан уз хотиралари ва нутқларини ривожлантирадилар». Ибн Синонинг ўқитиришича, жамоа тартибида ўқитишнинг яна бир ижтимоий фойдаси шундаки: ўқувчилар бир-бирлари билан дуст бўладилар, бир-бирларини хурмат қила бошлайдилар, ўзаро фикр алмашадилар, мусобақалашадилар, вазифа ва ҳуҷудари хақида мулоҳаза юритадилар. Булар ҳаммаси намунали ҳулқ ва ахлоқ қоидаларини шакллантиришга ёрдам беради. Айрим бола тилни ўрганади, айримлари шоир бўлиб етишади ёки нотиклик санъатини эгаллайди. Илмларнинг турли соҳаларидан қимдир тилни ўрганиш, қимдир бошқа илмни ўрганишга қиришганидан сунг, баъзиларининг тиббий фанни, баъзиларининг геометрия илмини танлагани маълум бўлади.



Демак, ўқитувчи болаларга таълим беришга киришишдан аввал, ўқучининг хулк-атворини ўрганиш ва билимларини текшириб куриши керак бўлади. Аввало, у ўқувчининг нимага эътибор беришини текшириб куриши, сунгра унга хунар ёки илм турини тавсия этиш керак. Ибн Синонинг уз кузатишларида ўқувчининг шахсий хислатларига, рухиятига эътибор беради. У ўқувчининг акдий хусусиятлари, рухиятига, меҳнатсеварлиги, билими, иродасига асосланган холда таълимтарбия ишини олиб бориш кераклигини айтади. Аллома «Тиб илмлари конуни» асарида бола катта булган чопща жисмоний тарбияга аламият бериш зарурлигини айтади. Унинг уктиришича, одамнинг йигитлик, етуклик ёшида ҳамда улғайган ёшида соғлик-саломатлигини саклаш учун зарур бўлган жисмоний машулот билан шутулланиши керак. Жисмоний машулот инсон руhini хам тетиклаштиради. Аммо жисмоний машулотлар ортикча бўлмаслиги керак. Акс холда баданнинг тезда чарчаб қолишига олиб келади. Жисмоний машулотларни бутунлай ташлаб юбориш эса, баданнинг қариб, тезда ишдан чиқишига сабаб бўлади. Ибн Сино уз асарида акл ва аклий тарбиянинг табиий ва психологик асосларини аниқдашга қаракат қилади. Унинг фикрича, хаёт, хаётий қувват уч Шаклда: Усимлик, хайвонот ва инсон шаклида намоён булади Инсонда хар уч хаётий қувват ва инсонгагина хос бўлган аклий қувват мавжуддир. Инсонда ташки Мухит таъсирсиз аклий жараёнларнинг узи хам турли рухий, хиссий туйғуларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, инсон ёшлик чорларини эслар экан, унда хурсандлик қайфияти қўзғалади. Олимнинг таъкидлашича, мантик, яъни туғри фикр юритиш аклдан туғри фойдаланиш, хатолардан сакланиш коидасини ўргатади, маълум билимлардан номаълум билимларга утиш йулини курсатади. Ибн Сино боланинг илм-фан ёки хунар эгаллашга интилиши, ўқитувчининг унга билим, хунар ўргатиши зарурлигини уктиради. Илм-фанга интилиш инсоннинг энг олий маънавий харакатларидандир. Чунки илм одамни маънавий юксакликка кугаради, жамият раванкининг асосий омили бўлиб хизмат қилади.

Мирзо Улуғбек (1394—1449) узининг педагогик фаолиятида талабаларнинг эркин ва хар томонлама камол топишига эътибор берди. У ўқитувчилардан хам машулотларни юкори савияда ўтказишни, талабаларнинг хар бир дарсада бирор янгиликни билиб олишларига ахамият беришни талаб этди. Олимнинг фикрича, ёшлар олган билимларининг ахамиятини, бу билимлардан мақсад нима эканини аниқ англаб, билимларини такомиллаштириб боришлари, уларни хаётга татбиқ этиш йўллари билишлари, жамият ва халқ фаровонлиги йўлида зарур хунарларни эгаллаб олишлари керак. Шу боис Улуғбек

билимларни нафақат китоблардан, балки бевосита хаётнинг узидан ҳам олишни тавсия этади. Улуғбек мактаб ва мадрасаларда берилган назарий билимларни амалиётга татбиқ этиш мақсадида мударрислар — ўқитувчилардан ўқувчилардан билан расадхонада амалий машғулотлар ўтказишни талаб этди, бунга узи раҳбарлик қилди. У ўқувчининг эркин ва ҳар томонлама ривожланишига бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиб, ўқитувчиларни етукликка, фаол, билимдон ва чуқур савияли инсонларни шакллантиришга даъват этди. Улуғбекнинг фикрича, ўқувчи ҳаётида дарслик муҳим ўринда туради. Шунга қара, у ҳар бир фан бўйича яратиладиган дарсликда воқеа, ҳодиса ёритилишидан катъий назар, унда ҳаётий ҳақиқат, асосий фикр, мақсад уз ифодасини топиши кераклигини таъкидлади. У дарслик содда, тили раво, мантаний изчилликда, ўқимишли бўлишини талаб этади. Аммо дарслик қанчалик яхши бўлмасин, таълимда ўқитувчи асосий ўринда туриши, уз педагогик маҳорати, яхши инсоний фазилатлари билан ўқувчиларга намуна бўлиши керак. Ўқувчилар билимнинг аҳамиятини, билим эгаллашдан мақсад нима эканлигини, ўрганган билимларини ҳаётга татбиқ этиш йўллари билишлари, халқ ва жамият фаровонлиги учун зарур ҳунарларни эгаллашлари лозим. Жалолиддин ад-Давоний (1427—1502) «Ахлоки Жалолий» асарида бола тарбияси ҳақида фикр билдиради. Унинг фикрича, бола дастлабки вақтда шакли бир хил нарсаларни бир-биридан ажрата олмайди. Лекин у ўғайган сари мураккаб нарсаларнинг фарқига боради. Секин-аста ушиб, умумий тушунчаларни идрок қилади. Ёшлиқда боланинг зехни уткир бўлиб, нарсани ва ҳодисаларни тез қабул қилиш қобилиятига эга бўлади. Бола қалби тоза тахтага ўхшайди, унга ҳар қандай тасвирни осонликча қизиш мумкин. Давоний илм-фан болаларни тарбиялашда, уларни гузал ҳули қилиб Устиришда, софдил, меҳр-шафқатли, инсонпарвар, қамтар бўлиб етишувига ёрдам беришини айтади. Унинг фикрича, билим одамларга тутри йўл курсатади. Донолик инсоннинг аълий билими билан қамбарчас ботик. Донолик умумий ахлокий тушунча бўлиб, унга:

- зукколик;
- фаҳм тезлиги;
- зехн уткирлиги;
- тез идрок қилиш қобилияти;
- хотира қабилар қиради.

Ушбу ақлий малақалар инсондан муҳим масалаларга эътибор беришни, масалан:

- масаланинг моҳиятини чуқур англаб олишни.



— Ўзлаштирилган билим билан воқеа ва ходисаларни хотирада саклаб қолишни талаб қилади. Ақлий камолот ёшлиқдан бошланади ва илм-фан сирларини эгаллашда намоён бўлади.

Давоний шижоатни ёшлар эгаллаши зарур бўлган хислатлардан бири деб ҳисоблайди ва унинг таркибига қуйидагиларни киритади:

- камтарликни;
- меҳр-шафкатлилиқни;
- вазминликни;
- чидамлилиқни;
- хушфёъллиқни;
- рухан тетикликни.

Давоний бу ахлоқий қоидаларни шижоатлилиқнинг муҳим хусусияти деб билади. Лекин, унинг таъкидлашича, шижоатқорликда меъёрга, муътадилликка амал қилиш ва унинг инсон ақлий фаолияти билан борлиқлигига эътибор бериш керак. Зеро, «Шижоат ақл фармойиши билан амалга ошганда ва максуди ижобий шижоатни йўлга қиритиш бўлгандагина хақиқий бўлади». Инсон фақат ақл билан ва зарурат туфайли шижоатқорлик қурсатиши мумкин.

ХУЛОСА

Дарс самарадорлигини оширишда инновацион усуллардан фойдаланиш, ўқувчилар маҳоратини ошириш, аввало уларнинг махсус касбий салоҳиятига боғлиқ. Ўтиладиган мавзу соатини инобатга олган ҳолда, улар билимини ошириш муаммосини ҳам ҳар хил йўللار билан ҳал қилиши зарур. Тўплам тушунчаси юзасидан педагоглар ўзларига йетарлича зарур нарсалар юзасидан тез вақт ичида яхши натижага еришишлари мумкин. Ўқувчилар ўтказилаётган машғулотлардан, ўзи қилаётган ишдан қониқиш ҳосил қилиши ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир.

REFERENCES

1. Интернет сакифаларидаги материаллар.
2. У. Маҳкамов, Н. Тилабоева, Ш. Тилабоева. «Педагогик маҳорат» Олий уқув юртлири учун уқув қулланма. Тошкент 2003й.
3. И.Турсунов, У.Нишоналиев. «Педагогика қурси» 1997 й. «Уқитувчи» нашриёти.
4. А.Зуннунов, Н.Хатамов, Н.Хайруллаев, Д.Шодиев, «Урта Осиё педагогик фикр тараккиётидан лавқалар», 2001 й. «Фан» нашриёти.



5. О.Хасанбоева, Ж.Хасанбоев Х.Хамидов. «Педагогика тарихи» 2000 й., «Укитувчи» нашриёти.
6. И.А.Каримов «Баркамол авлод - Узбекистон тараккиётининг пойдевори». Т.: Шарк, 1997 й.
7. Узбекистон Республикасининг «Таълим туррисида»ги крнуни. Маърифат, 1997 й., 30 сентябр.
8. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» («Баркамол авлод _Узбекистон тараккиётининг пойдевори» Китоби).-Т.: Шар;, 1997 й.
9. Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Умумий Урта таълимнинг давлат стандартларини тасдикдаш ту-рисида»ги қарори. Маърифат, 1999 й., 16 август.



АҚШ ТАЪЛИМИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Рахмонали Бозорбой ўғли Турсунов

ЎзМУ мустақил изланувчиси

rahmonali504@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада АҚШ олий таълим тизимини ташкил қилишнинг ўзига хос жиҳатлари, бизнинг таълим тизимимизга ўхшаш ва фарқли томонлари ўрганилган. Айрим хусусиятларни бизнинг таълим тизимимизга ҳам киритишнинг самарали томонлари очиб берилган.

Калит сўзлар: таълим тизими, академик эркинлик, синергетик ҳамкорлик, хусусий агентликлар, имтихонсиз қабул, индивидуал ўқув режа, илмий маслаҳатчи, фан ва ишлаб чиқариш.

ABSTRACT

The article explores the specifics of the organization of the U.S. higher education system, similarities and differences to our education system. The benefits of incorporating certain features into our education system have also been revealed.

Keywords: education system, academic freedom, synergetic cooperation, private agencies, exam-free admission, individual curriculum, scientific adviser, science and production.

КИРИШ

“Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат.[1] Таълим жамият тараққиётини белгиловчи асосий омил экан, давлат уни муносиб ташкил этиш ва бошқариш масаласига ҳам мос ва хос эътибор бериши лозим.

“Таълим тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, маънавий- маърифий мухитни замон талабига мослаш, ўқитувчи касбининг, нуфузини ошириш, янги давр педагогларини тарбиялаш, педагогика фанини ривожлантириш, инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини таълимга жорий

этишга катта эътибор қаратиш масалаларига жиддий ёндашиш зарурлигини кўрсатмоқда.[2]

Ривожланган давлатлар нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки аввало шу иқтисодий юксалишига сабаб бўлган таълимий ривожланиш тарихига ҳам эга албатта. Хусусан, АҚШ таълим тизими ва уни бошқариш масалалари ҳам жаҳоннинг бошқа аксарият мамлакатларидан кескин фарқланади. Масалан бу ерда таълимда кредит-модул тизимининг ўзига хос мураккаб тизими амал қилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

АҚШда турли тарихий ва иқтисодий сабабларга кўра, тақсимланган таълим бошқаруви давлат бошқаруви университетларнинг ўзини ўзи бошқариши ва таълим мазмуни ва сифати устидан ижтимоий профессионал назорат билан бирлаштирилган. Шу муносабат билан, бир қарашда, бу эрда ягона таълим тизими умуман мавжуд эмас, чунки ҳар бир университет ва ҳар бир мутахассислик ўзига хос қабул қоидаларидан, ўз малака талабларидан ва кўпинча ўқув ютуқларини ўлчаш тизимидан фойдаланади.

Бу ерда Олий таълим муассасаси ўзининг билимларни баҳолаш мезонлари, ўқиш муддати ва ўзига хос таълим ҳужжатлари шаклини ихтиёрий ўзи белгилайди. Албатта, мамлакат бўйича талаблар ва қоидаларнинг бундай номувофиқлиги турли хил параллелликларни вужудга келтиради.

Кўшма Штатлардаги таълим тизимидаги ягона давлат органи - Таълим Департаменти бўлиб, унинг асосий вазифалари таълим ва назорат соҳасидаги АҚШ давлат сиёсатини шакллантиришдадир. Шу билан бирга, Олий ўқув юртларида таҳсил олаётганларга моддий ёрдам кўрсатиш билан ҳам шуғулланади.[3]

Айрим университетларнинг илтимоси ва таклифига биноан улар индивидуал таълим дастурлари бўйича кадрлар тайёрлаш ҳажми, мазмуни ва сифатини ва уларнинг миллий аккредитациясини, шунингдек, ушбу дастурларнинг битирувчилари малакасининг касбий тан олиншини кўриб чиқадилар ва баҳолайдилар, турли ҳисоботларни нашр этишни ташкил қиладилар. ва бюллетенлар, кўплаб конференциялар ва семинарлар ўтказишади. Ушбу касб-хунар жамиятлари ва жамоат органларининг фаолияти муайян соҳаларда мутахассислар тайёрлашда ҳам, ўқув жараёнини ташкил этишда ҳам миллий ёндашувларни ривожлантиришга ёрдам беради. Америка коллежлари ва университетлари ассоциацияси ва Америка университет профессорлари уюшмаси Америка

таълим тизимининг шаклланишига алоҳида таъсир кўрсатди. Айнан 1940 йилда улар томонидан имзоланган “Академик эркинлик ва фаолият юритиш тамойиллари баёни” бугунги кунда ҳам ўқув жараёни ва меҳнатни ташкил этиш асосларини белгилайди.[4]

Айтиш мумкинки, жамоат ва касбий жамиятлар фаолияти ва ташқи кўринишда мустақил фаолият кўрсатаётган таълим муассасаларини ягона таълим тизимига бирлаштирувчи органлар ва бу АҚШ таълим тизимининг асосий хусусияти ҳисобланади. Университетнинг кенг автономияси, университетлар фаолиятини ягона маъмурий-методик бошқарувнинг йўқлиги алоҳида университетларнинг таълим ташаббусларига тўсқинлик қилмайди ва профессионал жамиятлар ва жамоат профессионал органларнинг фаолияти фойдали таълим ташаббусларини аниқлаш, кўпайтириш имконини беради. Бу тажрибадан бизнинг мамлакатимизда ҳам фойдаланиш ижобий самара беради, деб ўйлайман.

Кўшма Штатлардаги аксарият университетлар таълим дастурларининг аксарият қисмига талабаларни кириш имтиҳонларисиз, қоида тариқасида, мустақил тест натижалари билан тасдиқланган олдинги таълим босқичларида олинган натижалар асосида қабул қилади.

Айни кунда бизнинг мамлакат таълим тизимида ҳам шу хориж тажрибасидан унумли фойдаланишга ўтиш режаси қилинмоқда.

АҚШ университетларининг кўпчилигига барча тоифадаги талабаларни муддатидан олдин (ўқиш даври бошланишидан олдинги бутун ўқув йили давомида) қабул қилишни амалга ошириш имконини берди.

Шундай қилиб, биринчи курс учун абитуриентлар хужжатлари қабул қилинади ва дастлабки рўйхатга олиш ўрта мактабда ўқишнинг охириги йилида, магистратурага кирувчилар учун эса хужжатлар қабул қилинади ва дастлабки рўйхатга олиш олий ўқув юртида ўқишнинг охириги йилида амалга оширилади. Яъни иккала ҳолатда ҳам қабул ўқиш тугашидан олдин амалга оширилади. Абитуриентлар ота-оналарига олийгоҳ кампусини кўздан кечириш, ҳатто бир неча кун давомида Талабалар турар жойида яшаб кўриш имкониятлари ҳам берилади.

Бошқа баъзи давлатлардан фарқли тарзда Америка университетларида ватандошларни ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги қарор уларнинг таълим учун тўлаш қобилиятига боғлиқ, яъни, кириш имконияти тўлов мавжуд бўлганда таъминланади ва бунинг учун тўлов бевосита абитуриентларнинг академик кўрсаткичларига боғлиқ эмас.

Ўқишни кўчириш бошқа университетларда таҳсил олган талабалар учун ҳар қандай университетда ўқиш масаласи бўйича қарор индивидуал асосда ва фақат улар ўқишни давом эттиришни истаганлар билан боғлиқ аккредитациядан ўтган дастурларда ўқиган бўлиши шарти билан қабул қилинади. Ўтиш даврида улар, қоида тариқасида, ўтган барча фанларни “қониқарли” (“С”) балл билан қайта кредитлашади. Инглиз тили она тили бўлмаган университетга кираётган чет эллик талабалар, белгиланган ҳужжатларга қўшимча равишда, суҳбатда имтиҳон натижаларини топширишлари керак.[5]

Америка университетларида таълим харажатларини ҳисоблаш, ўқитувчилар штатини ва уларнинг иш ҳақини аниқлаш учун фойдаланилади.

Қўшма Штатлардаги олий техник таълим муассасаларида, айниқса, юқори курсларда ўқув жараёни жуда индивидуаллаштирилган. Индивидуаллаштириш даражасини ҳатто АҚШ университетларида руслар учун талабалар гуруҳи ва талабалар оқими каби таниш бўлган тушунчалар ва маъмурий бирликлар ҳамда кўплаб университетларда индивидуаллаштиришнинг ташқи белгиси қўлланилиши билан баҳоланиши мумкин.

Аудиторияларда парталар бирон бир жойда полга бириктирилмаган, шунинг учун ўқувчилар улар билан хонада ҳаракат қилишлари ва ўзлари учун энг қулай жойларни эгаллашлари мумкин.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Деярли барча юқори курс талабалари (Жуниор ва Сениор) индивидуал ўқув режалари бўйича ўқийдилар, стандарт (яъни бутун мамлакат учун қабул қилинган) ўқув дастурлари умуман йўқ ва ҳар бир университетда қабул қилинган мутахассисликлар бўйича ўқув дастурлари фақат таълимнинг умумий режасини белгилайди. Кўпроқ ёки камроқ тафсилотларда улар фақат табиий фанлар ва асосий муҳандислик курсларини белгилайди, махсус, гуманитар ва умумий таълим курсларининг муҳим қисми танлов асосида ўрганилади.

Шунга қарамай, касбий тайёргарликнинг қатъий ўзаги мавжуд бўлиб, у тегишли компетенциялар, билимлар ва кўникмаларни етарлича батафсил тавсифлайди, уларнинг ҳар бири қайси даражада - кириш, ўрта ёки юқори даражада ўзлаштирилиши кераклигини кўрсатади.

Интизомни ўзлаштириш учун “Кириш жойида назорат” (олдинги шартлар) кўпинча талабанинг уни ўрганишга тайёр эмаслиги сабабли вақт ва пул сарфини истисно қилиш учун

қўлланилади. Шу сабабли, университетларда ўқув жараёнини режалаштиришда “кредитлар” дан фойдаланишда муносиб кўникма шаклланган.

Турли касбий жамиятлар ва ассоциациялар индивидуал муҳандислик таълим дастурлари ҳажми ва мазмунини ва ушбу дастурларнинг битирувчилари учун малака талабларини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Айнан шу ижтимоий ва профессионал органларнинг таъсири остида ва мумкин бўлган меҳнат бозори ва таълим хизматлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир университетда қабул қилинган мутахассисликларнинг ўқув дастурлари шакллантирилади. Талабаларнинг индивидуал режалари деярли бир хил омиллар таъсирида, лекин ҳар бир алоҳида талабанинг хоҳиш ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, унинг салоҳияти, кейинги ишга жойлашиш имкониятлари, мартаба истиқболларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, имкониятлар, илмий ва унинг раҳбарининг ишлаб чиқариш тажрибаси ва ўрнатилган муносабатлари асосида шакллантирилади. Аккредитация органларининг, хусусан, муҳандислик таълим дастурларини аккредитация қилувчи асосий давлат профессионал органи бўлган Муҳандислик ва технология бўйича аккредитация Кенгаши фаолияти муҳандислик таълими ўқув режаларининг тузилиши ва мазмунига катта таъсир кўрсатади.[6].

Талабаларга таълим ва тарбия беришда Талабалар илмий раҳбарлари институти асосий рол ўйнайди. Айнан илмий раҳбар (“маслаҳатчи”) талабага ўзининг индивидуал ўқув режасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ёрдам беради, талабанинг ижодий ишига раҳбарлик қилади, у билан фанлараро курс ва лаборатория ишларини олиб боради; битирув ишининг тайёрланишини назорат қилади ва уни ишга жойлаштириш билан шуғулланади. Идеал ҳолда, талаба университетда ўқиш бошланишидан олдин ҳам ўз раҳбарини танлаши ва у билан биргаликда унинг таълим йўналишини аниқлаши керак. Дарҳақиқат, баъзи талабалар университетга ҳали бундай масъулиятли қадамга етарлича тайёр эмаслар, шунинг учун танлов бўлади. Битирувчи мутахассислик ва шунга кўра, битирувчи бўлим ва илмий раҳбар бир икки йилга кечиктирилиши мумкин. Шунинг учун, энг ёмон ҳолатда, талаба учинчи йил ўз раҳбари билан учрашади.

Дарҳақиқат, илмий маслаҳатчи танлаш талабанинг танлаган кенг ихтисослиги доирасидаги тор ихтисослигини белгилайди, битирувчи кафедранинг профили билан белгиланади, шу билан бирга талаба маъмурий йўналиш бўйича тузилган бирон бир гуруҳга эмас, балки бевосита танланган мутахассисликка

Masalan, maktab o'quvchilariga termometr bilan ishlashni o'rgatishda o'qituvchi termometrni qanday ushlab turish kerakligini yoki unga qanday munosabatda bo'lishni (rangli suyuqlik bilan ustun ko'z darajasida bo'lishi kerak), haroratni qanday aniqlashni tushuntiradi. Bunday holda, tushuntirish termometrni bir stakan iliq va sovuq suvga botirish bilan birga keladi. Kelajakda maktab o'quvchilari termometrning prefabrik modellari (suyuqlik ustunini taqlid qiluvchi harakatlanuvchi ipli kartondan tayyorlangan termometr shkalasi) bilan ishlaydi. Bu erda haroratni o'lchashni taqlid qilish variantlari har xil bo'lishi mumkin: o'qituvchi u yoki bu haroratni o'rnatadi, talabalar uni nomlaydilar, o'qituvchining ko'rsatmasi bo'yicha

Termometrning ma'lum bir haroratini o'rnatadilar va hokazo. Shundan so'ng, o'quvchilar, o'qituvchining nazoratida, haqiqiy termometr (suv, ko'cha, tibbiy) yordamida haroratni aniqlashadi. Ko'nikma kuzatish kundaliklari topshirig'i bo'yicha havo haroratini muntazam o'lchash jarayonida shakllanadi.

Murakkab ko'nikmalar dastlab maktab o'quvchilari tomonidan eslatma, grafik diagramma yoki chizmalar shaklida bajarilishi mumkin bo'lgan ko'rsatmalarga muvofiq amalga oshiriladi. Masalan, **Modda tuzilishini** o'rganishda sinfda "**Menga modda turlari haqida aytib bering**" diagrammasini osib qo'yish foydali bo'ladi, bu yerda kimyoviy elementlar jadvali hamda atom tuzilishi haqidagi ramziy chizmalar orqali tushuntirish mumkin.

Bunday sxema nafaqat kimyoviy elementlarni xarakterlash, balki ularni o'rganish qobiliyatini shakllantirishga yo'l beradi.

Xulosa qilib aytganda, yuqorida keltirilgan metod va usullar orqali maktab molekulyar fizika kursini o'qitishda o'quvchilarda tanqidiy fikrlashni o'stirishga erishish mumkin.

REFERENCES

1. Теория и технология преподавания интегрированного курса «окружающий мир» 2-е ... Авторы: Анатолий Миронов Москва. Юрайт. 2019 год.

2. omayazulu, Maddury. Evidence for Superconductivity above 260 K in Lanthanum Superhydride at Megabar Pressures : [англ.] / Maddury Somayazulu, Muhtar Ahart, Ajay K. Mishra ... [et al.] // Physical Review Letters. — 2019. — Vol. 122, no. 2 (14 January). — Art. 027001. — doi:10.1103/PhysRevLett.122.027001
3. Собрание научных трудов. Т. 8: Теория сверхтекучести бозе- и ферми-систем, 1946—1992. // Ред. Н. М. Плакида, А. Д. Суханов. — М.: Наука, 2007. ISBN 978-5-02-035723-5.
4. “Xalqaro tadqiqotlarda o`quvchilarning o`qish savodxonligini baholash”.
5. Т. “Sharq” 2019. - 4- 9- betlar.



BOSHLANG'ICH TA'LIMDA MILLIY O'QUV DASTURINI AMALIYOTGA JORIY ETISHNING DIDAKTIK ASOSLARI XUSUSUDA

M. I. Djumayev

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti professori

J. B. Jonsaitova

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada boshlang'ich sinflarda matematikadan milliy o'quv dasturini amaliyotga joriy etishning ilmiy-metodik asoslari haqida mulohazalar hamda Respublika ta'lim inspeksiyasi tomonidan milliy o'quv dasturi loyihasi muhokamasi haqida so'z yurutamiz.

Kalit so'zlar: Mulohaza, texnologiya, maqsad vazifa, o'quv dasturi, ta'lim standarti, boshlang'ich ta'lim, matematika, bilim va ko'nikma.

ABSTRACT

In this article, we discuss the scientific and methodological foundations for the implementation of the national curriculum in mathematics in primary school, as well as the discussion of the draft national curriculum by the Republican Inspectorate of Education.

Keywords: feedback, technology, goals, curriculum, educational standards, primary education, mathematics, knowledge and skills.

KIRISH

Boshlang'ich ta'limda integratsiyalashgan ta'limni amalga oshirishda milliy o'quv dasturining mazifalarini amalga oshirishda matematika fanining inson hayotida tutgan o'rnini va uni o'qitishdagi turli yondashuvlar dolzarbligi yaqqol sezilib qolmoqda.

Matematika fani asoslarini yaratishga ulkan hissa qo'shgan Muhammad al-Xorazmiy, Ahmad al-Farg'oniy, Abu Rayxon Beruniy va Mirzo Ulug'bek kabi buyuk allomalarimizga munosib yosh avlodni tarbiyalash, zamonaviy bilimlarni o'quvchilarga yetkazish hamda mamlakatimiz yoshlarini matematika go'zalliklaridan bahramand bo'lishlariga sharoit yaratib berish – barcha uchun ham qarz, ham farz hisoblanadi.

Matematika olamni bilishning asosi bo'lib, tevarak-atrofdagi kechayotgan voqea va hodisalarning o'ziga xos qonuniyatlarini ochib berishda hamda ishlab chiqarish, fan-texnika va texnologiyalarning rivojlanishida muhim ahamiyatga ega.

Ma'lumki, matematika fani inson aqlini charxlaydi, diqqatini rivojlantiradi, ko'zlangan maqsadga erishish uchun qat'iyat va irodani tarbiyalaydi, algoritmik tarzda tartib-intizomlilikka o'rgatadi va eng muhimi mulohaza yuritishga chorlaydi hamda tafakkurni kengaytiradi. Muhtaram Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev ta'kidlaganidek, "Matematika hamma fanlarga asos. Bu fanni yaxshi bilgan bola aqli, keng tafakkurli bo'lib o'sadi, istalgan sohada muvaffaqiyatli ishlab ketadi" [1].

Mamlakatimizda matematika 2020-yildagi ilm-fanni rivojlantirishning ustuvor yunalishlaridan biri sifatida belgilandi hamda matematika ilm-fani va ta'limi rivojlantirishini yangi sifat bosqichiga olib chiqishga qaratilgan qator tizimli ishlar amalga oshirilmogda. [2].

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 29- apreldagi PF-5712-sonli Farmoni asosida qabul qilingan "O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi", 2019- yil 9- iyuldagi "Matematika ta'limi va fanlarini yanada rivojlantirishni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining V.I.Romanovskiy nomidagi matematika instituti faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4387- sonli Qarori, 2020- yil 7- maydagi "Matematika sohasidagi ta'lim sifatini oshirish va ilmiy-tadqiqotlarni rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ- 4708-sonli Qarori, 2020- yil 24- yanvardagi Oliy Majlisga Murojaatnomasida matematika fani va ta'limini har tomonlama takomillashtirish va rivojlantirish yuzasidan qator salmoqli vazifalar belgilangan.

Xususan, mazkur dasturdan o'rin olgan "Matematika ta'limini rivojlantirish konsepsiyasi" yuqoridagi matematika ta'limini har tomonlama takomillashtirish hamda yangi sifat bosqichiga olib chiqish yuzasidan belgilangan vazifalar ijrosini ta'minlash maqsadida ishlab chiqilgan.

Matematika olamni, dunyoni bilishning asosi bo'lib, tevarak- atrofimizdagi voqea va hodisalarning o'ziga xos qonuniyatlarini ochib berishda juda katta ahamiyatga egaki, matematik bilimlarsiz ishlab chiqarish va fanning rivojlanishini tasavvur qilib bo'lmaydi. Shuning uchun ham *matematik madaniyat* — umuminsoniy madaniyatning tarkibiy qismi hisoblanadi.

Matematika fanini o'qitishdan ko'zlangan zamonaviy maqsad va vazifalar quyidagilardan iborat:



□ o'quvchilarda kundalik faoliyatda qo'llash, fanlarni o'rganish va ta'lim olishni davom ettirish uchun zarur bo'lgan matematik bilim va ko'nikmalar tizimini shakllantirish va rivojlantirish;

□ jadal taraqqiy etayotgan jamiyatda muvaffaqiyatli faoliyat yurita oladigan, aniq va ravshan, tanqidiy hamda mantiqiy fikrlay oladigan shaxsni shakllantirish;

milliy, ma'naviy va madaniy merosni qadrlash, tabiiy-moddiy resurslardan oqilona foydalanish va asrab-avaylash, matematik madaniyatni umumbashariy madaniyatning tarkibiy qismi sifatida tarbiyalashdan iborat.

Mamlakatimizning dunyo hamjamiyatiga integratsiyalashuvi, fan- texnika va texnologiyalarning rivojlanishi yosh avlodning o'zgaruvchan dunyoda raqobatbardosh bo'lishi fanlarni mukammal egallashni taqozo etadi, bu esa ta'lim tizimiga, jumladan, matematikani o'rgatish bo'yicha ham xalqaro tajriba va andozalarni joriy etish orqali ta'minlanadi.

Bundan ta'lim bo'yicha qator xalqaro tashkilotlarning tadqiqotlari ham dalolat bermoqda. Shu o'rinda, Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti (OECD)ning 15 yoshli o'quvchilarning ona tili, matematika va tabiiy fanlar bo'yicha savodxonlik darajasini baholashga qaratilgan PISA - o'quvchilar yutuqlarini baholash xalqaro dasturi tadqiqotlari natijalari e'tiborga molik.

Bundan tashqari, ta'limiy yutuqlarni baholash xalqaro uyushmasi (IEA) tomonidan tashkil etilgan TIMSS - matematika va tabiiy fanlar ta'lim sifatining xalqaro monitoringi dasturini ham keltirish mumkin. Ushbu tadqiqot o'quvchilarning turli davlatlarda matematika va tabiiy fanlardan bilim darajasi va sifatini solishtirishga hamda milliy ta'lim tizimidagi farqlarni aniqlashga ko'maklashadi.

Tadqiqotlar natijalariga asoslangan holda matematika fanini o'qitishga xalqaro baholash dasturlarining mazmuni, baholash me'zonlari va mexanizmlari mahalliy sharoitdan kelib chiqqan holda joriy etilishi maqsadga muvofiq bo'ladi [5].

STEAM (S – science - tabiiy fanlar T – technology - texnologiya, E – engineering - muhandislik, A – art - san'at, M – mathematics - matematika) ta'lim texnologiyasi aniq fanlar blok-modulida o'quvchilarning egallagan bilim, ko'nikma va malakalarini kundalik hayot bilan bog'liqligini ko'rsatishda dars va sinfdan tashqari mashg'ulotlarda o'quv tadqiqotlarini o'tkazish, tajribalarni bajarish, loyihalashtirishga yo'naltirilgan ijodkorligini tarbiyalash, yangiliklar yaratishga bo'lgan qiziqishlarini rivojlantirishga qaratilgan. Bu texnologiyani amalga oshirishda o'quvchilar tomonidan turli texnik qurilmalarni yasash uchun loyihalar yaratish, loyiha asosida qurilmaning maketini yaratish va uni amaliyotda ishlatib ko'rish, kamchiliklarini topish hamda uni bartaraf etish kabi vazifalar bajariladi.



Matematik ta'limga kompetensiyaviy yondashuv kasbiy, shaxsiy va jamiyatdagi kundalik hayotda uchraydigan holatlarda samarali harakat qilishga imkon beradigan turli ko'rinishdagi malakalarni o'quvchilar tomonidan egallashni nazarda tutadi. Shunday qilib, kompetensiyaviy yondashuvda matematik ta'limning asosini amaliy, tadbqiqiy yo'nalishlarini kuchaytirishga qaratiladi.

O'quvchilarda tayanch kompetensiyalarini shakllantirish, kichik o'quv tadqiqotlarni bajarish orqali umumta'lim fanlarini o'rganishga qiziqishni kuchaytirish maqsadida fan o'quv dasturlariga amaliy mashq va tatbiq hamda loyiha ishi kiritildi. Bu holat nafaqat muayyan o'quv fani bo'yicha o'zlashtirish sifatini yaxshilaydi, balki fanlararo va fanning kundalik turmush bilan bog'lanish imkoniyatlarini ochadi va ta'lim samaradorligini oshiradi.

Matematika darslarini tashkil qilishda nazariyadan ko'ra ko'proq amaliyotga e'tibor berish hamda o'quvchilarga tayyor o'quv materiallarini berishga asoslangan yondashuvdan ma'lum darajada voz kechish talab qilinadi. Matematika darslarida ko'proq keys, tadqiqot, loyiha, kichik o'quv kashfiyotlari kabi interaktiv metodlardan foydalanish tavsiya etiladi. O'quvchilarda kichik tadqiqotchilik ko'nikmalarini shakllantirishda kuzatish, tajriba, o'lchashlar, analiz (tahlil) va sintez, induksiya va deduksiya, taqqoslash va analogiya kabi ilmiy izlanish metodlaridan o'rnida foydalanish talab etiladi. O'quvchilarda bilim va ko'nikmalarni shunchaki shakllantirib qolmasdan, ularni hayotiy vaziyatlarda qo'llay olish kompetensiyalarini ham tarkib toptirish muhim ahamiyat kasb etadi [6].

Bu o'rinda loyiha ishlarining o'rni e'tiborga molik. O'quvchilar bir o'quv yilida o'zlari qiziqqan fani yoki ta'lim sohasidan faqat bitta loyiha ishini bajarishlari tavsiya etiladi. Loyiha ishi mavzulari o'qituvchilar tomonidan bitta yoki bir necha o'quv fanlari doirasida muammoli vaziyat yoki keys sifatida tanlanadi. Loyiha ishi mavzusi ustida o'quvchilar alohida-alohida yoki qiziqishlariga qarab 3-4 kishilik guruh bo'lib ishlashlari ham mumkin. Loyiha ishi o'quv yili oxirida o'tkaziladigan himoya bilan tugaydi. Himoyani bitta yoki bir necha o'quv fanlari doirasida konferensiya tarzida o'tkazilishi mumkin. Loyiha ishi mavzusi ustida o'quvchilarning individual yoki guruhiy ishi quyidagi o'quv faoliyatlarni o'z ichiga olishi mumkin: o'z izlanish faoliyatlarini rejalashtirish, vazifalarni o'zaro taqsimlab olish, oldilariga o'quv maqsadlarini qo'yish, kerakli ma'lumotlarni izlab topish, mavzuga doir muammoli vaziyat yechimlarini qidirish, ulardan eng maqbulini tanlash va uni asoslash, zarur hollarda so'rovlar yoki tajribalar o'tkazish, loyiha ishi natijalari bo'yicha hisobot tayyorlash, o'z faoliyatlarini tahlil qilish va baholash, loyiha ishi himoyasi uchun taqdimot tayyorlash va uni himoya qilish. O'quvchilar loyiha ishi muammosi bo'yicha

izlanishlarini odatda darsdan tashqari mustaqil mashg'ulotlarda olib borishadi. **Matematika ta'limining amaldagi holati va mavjud muammolar** o'quvchilarga bilim berishning zamonaviy pedagogik innovatsion uslublarini joriy etish O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyoti keyingi 10 yil ichida dunyoning taraqqiy etgan mamlakatlar qatoriga kirishi, ya'ni 2030-yilga kelib iqtisodiyotning fan va texnika yo'nalishi bo'yicha jahonda yetakchi davlatlardan biriga aylanishiga zamin yaratishda muhim shartlardan biridir.

O'zbekiston Respublikasining barcha ta'lim maktablari uchun majburiy bo'lgan Davlat ta'lim standartlari talablarida berilgan tayanch ta'lim mazmuni bajarish, o'quv dasturiga zamon talablaridan kelib chiqib, fundamental, nazariy yoki eksperimental fan sifatida yondashish, fanning falsafiy va metodologik jihatdan yangilanishini, ta'lim mazmuni va o'qitish uslubiga nisbatan takomillashtirilgan, samarali boshqaruv usullarini ishlab chiqishni taqozo etadi.

Matematika ta'lim tizimining oxirgi yillardagi vaziyati tahlili quyidagi dolzarb muammolar bilan aniqlanadi:

Matematika fanining jamiyatdagi o'рни yetarlicha baholanmaganligi; Fan bo'yicha DTS talablarining yuqori belgilanganligi va o'quv dasturi yuklamasining oshib ketganligi;

Darsliklarda fan mazmunining «quruqligi», hayotdan ajralib va eskirib borayotganligi;

Fanni o'rganishga o'quvchilar qiziqishining sustligi;

Malakali matematika o'qituvchilarining kamligi;

Matematika fanining o'quv metodik ta'minoti (o'qituvchi kitobi, multimedia ilovalar, didaktik materiallar va boshqa) yetarli darajada ishlab chiqilmaganligi;

O'quvchilarning yosh, psixologik xususiyatlarini inobatga olgan holda, fan bo'limlari va mavzularining o'qitish ketma-ketligi hamda murakkablik darajasida vujudga kelgan nomutanosibliklarning mavjudligi;

Matematika o'qitish metodlarining eskirganligi;

Umumta'lim fanlari bo'yicha fanlararo bog'lanish va amaliy yondashuvlarga e'tibor qaratilmaganligi;

Mavjud oliy ta'lim muassasalarida matematika fani yo'nalishida tayyorlanayotgan pedagog kadrlarning bilim va ko'nikmalari sifati bugungi kun talablariga mos kelmayotganligi.

Matematika ta'limining ahamiyati uning fan-texnika taraqqiyotida, axborot-kommunikatsion texnologiyalarning ishlab chiqarish sohalarida va kundalik hayotda tutgan o'рни bilan

belgilanadi. Iqtisodiy talablarni bajarish uchun bunyodkor va ijodkor kadrlarni tayyorlash bilan bir qatorda, bu yutuqlardan iste'molchi sifatida foydalanuvchilarga ham sifatli ta'lim berilishi lozim.

Fan texnikaning keskin rivojlanishi, olamning globallashuvi hamda axborot-kommunikatsion texnologiyalarning taraqqiy etishi insonlarning dunyo-qarashini, muvaffaqiyatga erishish usullarini, inson salohiyati, qobiliyati hamda yaratuvchanlik faoliyati jamiyatning asosiy kapitali bo'lib xizmat qiladi. Bu holatda jamiyatdagi har bir o'quvchi shaxsining jamiyatda raqobatbardosh bo'lib shakllanishi, o'zgaruvchan ijtimoiy-iqtisodiy muhitga moslashuvchan, faol, ijtimoiy yetuk salohiyatli, yuqori darajadagi bilim egasi, ruhan va qalban chiniqqan komil insonni shakllantirish davlatimiz oldidagi vazifalardan biridir.

Matematika fanini o'qitishning asosiy maqsadi:

O'quvchilarda kundalik faoliyatda qo'llash, fanlarni o'rganish va ta'lim olishni davom ettirish uchun zarur bo'lgan matematik bilim va ko'nikmalar tizimini shakllantirish va rivojlantirish;

jadal taraqqiy etayotgan jamiyatda muvaffaqiyatli faoliyat yurita oladigan, aniq va ravshan, tanqidiy hamda mantiqiy fikrlay oladigan shaxsni shakllantirish;

milliy, ma'naviy va madaniy merosni qadrlash, tabiiy-moddiy resurslardan oqilona foydalanish va asrab-avaylash, matematik madaniyatni umumbashariy madaniyatning tarkibiy qismi sifatida tarbiyalash;

o'quvchilarning kuzatuvlar orqali amaliy faoliyatlarini bog'lagan holda loyihalashtirishga yo'naltirilgan ijodkorligini tarbiyalash, kreativ, tanqidiy fikrlash va mantiqiy tahlil, qiziquvchanlik, muammolarni hal qilish, yangiliklar yaratishga bo'lgan ko'nikmalarini namoyon qilish va rivojlantirishdan iborat.

Matematika fanini o'qitishning asosiy vazifalari:

o'quvchilar tomonidan matematik tushunchalar, xossalalar, shakllar, usullar va algoritmlar haqidagi bilim, ko'nikmalar egallanishini ta'minlash; inson kamoloti va jamiyat taraqqiyotida matematikaning ahamiyatini

anglash, ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlar, kundalik hayotda matematik bilim va ko'nikmalarni muvaffaqiyatli qo'llashga o'rgatish;

o'quvchilarning individual xususiyatlarini rivojlantirgan holda, mustaqil ta'lim olish ko'nikmalarini shakllantirish;

fanlar integratsiyasini inobatga olgan holda o'quvchilarda, milliy va umuminsoniy qadriyatlarni, ijodkorlik (kreativlik) ni shakllantirish hamda ongli ravishda kasb tanlashga yo'naltirish;

hozirda matematika fanini nazariylashtirgan holda o'qitishga, o'quvchilarga tayyor o'quv materiallarini berishga



asoslangan yondashishdan ma'lum darajada voz kechib, o'quvchining kundalik hayotida matematik bilimlarni tatbiq eta olish salohiyatini shakllantirish va uni rivojlantirishga erishish, o'quvchilarning mustaqil fikrlash ko'nikmalarini namoyon qilish va faollashtirish.

Matematika ta'limini rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari yuqoridagi tahlillardan kelib chiqib, xalq ta'limi tizimida matematika fanini o'qitishni rivojlantirishning asosiy yo'nalishlari quyidagilardan iborat bo'lishi maqsadga muvofiq:

matematika fani davlat ta'lim standarti talablarining avvalo kelajakdagi zamonaviy davlat va jamiyat ehtiyojlaridan kelib chiqib, XXI asr ko'nikmalariga mos ta'lim sifati va kadrlar tayyorlashga qo'yiladigan xalqaro talablarga muvofiqligini ta'minlash;

maktabgacha, umumiy o'rta, o'rta maxsus va kasb-hunar, oliy ta'lim muassasalari hamda ilmiy-uslubiy tadqiqot tuzilmalari o'rtasidagi yaqin hamkorlikni, uzluksizlikni va uzviylikni ta'minlovchi yaxlit tizimni shakllantirish;

umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalarida matematika fanlarini o'qitish sifatini oshirish, hududlarda matematika faniga ixtisoslashtirilgan maktablar tizimini tashkil qilish va faoliyatini rivojlantirish;

matematika fani bo'yicha kadrlarni, xususan qishloq joylardagi maktablarning kadrlarini tayyorlash va qayta tayyorlash tizimini rivojlantirish;

matematika fani bo'yicha darsliklar va o'quv qo'llanmalarni takomillashtirish; iqtidorli yoshlarni aniqlash hamda ularning matematika fani bo'yicha mahalliy va xalqaro fan olimpiadalarida muvaffaqiyatli ishtirok etishini hamda sovrinli o'rinlarni egallashini ta'minlash;

matematika fani mazmunini sifat jihatidan yangilash, shuningdek o'qitish metodikasini takomillashtirish, ta'lim tarbiya jarayonini individuallashtirish tamoyillarini bosqichma-bosqich tadbiq etish;

matematika fanining mazmunini takomillashtirish, optimallashtirish va uni boshqa umumta'lim fanlari bilan o'zaro integratsiyasini kuchaytirish;

o'quvchilarda o'zlashtirgan bilim va ko'nikmalarini hayotiy vaziyatlarda qo'llash, matematik savodxonlik, tanqidiy, kreativ va ijodkorlik kompetentsiyalarini shakllantirish;

matematikani o'qitish jarayoni samaradorligini va natijaviylikni ta'minlashda zamonaviy raqamli texnologiyalar va innovatsion yondashuvlarni joriy etish;

o'quvchilar yutuqlarini baholashning ilg'or xoriji tajribalari va bu boradagi xalqaro tadqiqotlar natijalariga tayanib, yangi baholash tizimini yaratish hamda u asosida matematika fanini



bilish darajasini baholash bo'yicha milliy sertifikatlash tizimini joriy qilish;

matematika fanini o'qitishning yangi sifat bosqichiga ko'tarish, jumladan zamonaviy axborot va kommunikatsiya texnologiyalaridan, elektron darslik hamda zamonaviy laboratoriya jihozlaridan foydalangan holda o'quv jarayonini tashkil etishning yangi ilmiy yo'nalishlari va tamoyillarini tadbiq etish;

ta'lim va tarbiyani uyg'un olib borish, o'quvchilarni nafaqat bilimli, balki ma'naviy, ahloqiy yetuk shaxs sifatida shakllantirish;

matematika darslarida sog'lom ijodiy muhitni yaratish, ta'lim va tarbiya jarayoniga ilg'or innovatsion zamonaviy texnologiyalarni joriy etish orqali o'qitish sifatini yangi bosqichga ko'tarish, o'quvchilar dunyoqarashini, tafakkuri, mantiqiy mustaqil fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirish;

matematika o'qitishda sinfdan va maktabdan tashqari tashkil etiladigan to'garaklar, fakultativ va ellektiv kurslar mazmunini tubdan yangilash;

matematika fanini o'qitishning ilmiy metodik ta'minotini rivojlantirish; xalqaro fan olimpiadalarida golib bo'lgan yoshlar va ularning murabbiy

ustozlari mehnatini ragbatlantirish tizimini takomillashtirib borish;

ta'lim jarayoniga raqamli texnologiyalar va zamonaviy usullarni joriy

etish orqali innovatsion infratuzilmani shakllantirish;

matematika fani yo'nalishida o'quvchilarning egallagan bilim, ko'nikma

va malakalarini kundalik hayot bilan bog'liqligini ko'rsatishda dars va sinfdan tashqari mashg'ulotlarda o'quv tadqiqotlarini o'tkazish, loyihalashtirishga yo'naltirilgan ijodkorligini tarbiyalash, yangiliklar yaratishga bo'lgan qiziqishlarini rivojlantirish.

Matematika fanining o'quv-metodik ta'minotini rivojlantirish Matematika fanining ilmiy metodik ta'minotini rivojlantirish bo'yicha quyidagi tadbirlar amalga oshiriladi:

ilg'or xorijiy tajribalar, xalqaro standartlar va milliy an'analar

uyg'unligida matematika fani bo'yicha milliy dastur ishlab chiqish; matematika fani bo'yicha umumiy o'rta ta'lim muassasalari

bitiruvchilarining yangi, kelajak faoliyatlarida zarur bo'ladigan zamonaviy ehtiyojlardan kelib chiqib, bilim, ko'nikma va kompetensiyalariga qo'yiladigan talablarini ishlab chiqish;

umumiy o'rta ta'limning tayanch o'quv rejasida belgilangan matematika fani o'quv yuklamasining minimal hajmi hamda ularning sinflar bo'yicha taqsimoti yuzasidan takliflar tayyorlash;

tayanch o'quv rejaga muvofiq matematika fanining sinflar va mavzular bo'yicha hajmi, mazmuni, o'rganish ketma-ketligi va

shakllantiriladigan kompetensiyalari asosida o'quv dasturlarini ishlab chiqish;

matematika fani bo'yicha sinflar kesimida o'quv-metodik majmualarning (darslik, ish daftari, o'qituvchi uchun metodik qo'llanma, multimediali ilovalar) yangi avlodini bosqichma-bosqich ishlab chiqish va ta'lim jarayoniga joriy qilish;

matematika fanining mazmuni, o'ziga xos xususiyatlari, davlat ta'lim standartlarida belgilangan bilim, shakllantiriladigan ko'nikma va kompetensiyalardan kelib chiqqan holda yangi baholash tizimini ishlab chiqish.

Matematika fani bo'yicha yangi o'quv-metodik majmualar quyidagi tamoyillar asosida yaratish belgilanadi:

o'quv-metodik majmualarning ta'lim sohasidagi davlat siyosatining asosiy tamoyillari asosida yaratilganligi;

o'quvchilarning yoshi, psixofiziologik xususiyatlari, bilim darajasi, qiziqishlari, layoqatlari hisobga olinganligi;

o'quvchilarda vatanparvarlik va milliy g'urur hissini shakllantirishga qaratilganligi;

o'quvchilarning mantiqiy fikrlashi va amaliy ko'nikmalarini shakllantirishga yo'naltirilgan xalqaro baholash dasturlari (PISA, TIMSS) talablariga mos keladigan amaliy topshiriqlarning majmualarga singdirilganligi;

matematika fanidan muqobil darsliklar tizimining yo'lga qo'yilganligi; o'quv-metodik majmualarning zamonaviy didaktik, ilmiy-metodik,

pedagogik-psixologik, estetik va gigiyenik talablarga mos ravishda ishlab chiqilganligi.

Matematika fanini o'qitishga raqamli texnologiyalarni joriy etish matematika ta'limi jarayoniga raqamli texnologiyalarni joriy etish bo'yicha quyidagi tadbirlar amalga oshiriladi:

zamonaviy raqamli texnologiyalar va ta'lim texnologiyalarining

mustahkam integratsiyasini ta'minlash;

ta'lim jarayonlarini raqamli texnologiyalar asosida individuallashtirish;

barcha ta'lim muassasalarini tezkor va barqaror internet tarmog'iga ulash;

ta'lim muassasalarini raqamli texnologiyalar, electron, multimediali resurslar va tegishli dasturiy ta'minotlar bilan ta'minlash;

o'quvchilarning muqtaqil bilim olishlariga imkon beruvchi ta'lim platformalarini yaratish va ularga matematika fani bo'yicha electron kutubxona, darslarning o'quv-uslubiy ta'minoti bilan bog'liq bo'lgan barcha electron resurslarni, video darslarni, multimediali interaktiv animatsion ilovalarni joylash;

televideniye orqali berib borilayotgan "Onlayn maktab",



“Kasbiy rivojlantirish” kurslarining matematikaga oid mashg’ulotlarining to’liq versiyasini yaratish va platformaga joylab borish;

maktabda o’tilgan dars va mashg’ulotlarning oflayn versiyalarini tayyorlash va platformaga qo’yib borish, onlayn konfrensiyalarni o’tkazish imkoniyatlarini yaratish hamda matematikadan sinfdan va maktabdan tashqari turli masofaviy ta’lim dasturlari va matematika fanini chuqurroq o’rganishga qaratilgan ellektiv kurslarini tashkil etish; **Konsepsiyani amalga oshirishdan kutilayotgan natijalar** konsepsiya doirasida belgilangan vazifalarni bajarish orqali quyidagi ko’rsatkichlarga erishish nazarda tutiladi:

Rivojlangan davlatlar qatoridan o’rin olish uchun bilimli, tajribali va zamonaviy fikrlaydigan yuksak salohiyatli, raqobatbardosh, kompetent kadrlarni tayyorlanadi;

Konsepsiya umumiy o’rta ta’limning davlat ta’lim standartlarida belgilangan talablar uchun asos bo’ladi;

Konsepsiyada belgilangan maqsad va vazifalarni amaliyotga keng joriy etish o’quvchi-yoshlarning intellektual rivojlanishiga samarali ta’sir etadi;

Matematika fanlarini o’qitish bosqichlari, o’quv fani bo’yicha ta’lim mazmuni va o’quvchilarning bilim, ko’nikma va kompetensiyalariga qo’yiladigan talablar me’yorlari aniqlashtiriladi;

STEAM ta’limini joriy etish orqali o’quvchilarining fanlar integratsiyasi asosida savodxonlik darajasini oshiradi;

ta’lim jarayonida elektron resurslar salmog’ini bosqichma-bosqich oshirib borish, elektron o’quv adabiyotlari va majmualarni yaratish hamda ularni yagona axborot ta’lim platformasiga joylashtirish tizimi yaratiladi;

tayanch o’quv rejaga muvofiq matematika fanlarining sinflar va mavzular bo’yicha hajmi, yangilangan mazmuni, o’rganish ketma-ketligi va shakllantiriladigan bilim, ko’nikma va kompetensiyalar asosida o’quv dasturlarini ishlab chiqiladi;

matematika fanlarining mazmuni, o’ziga xos xususiyatlari, davlat ta’lim standartlari talablaridan kelib chiqqan holda yangi baholash tizimini ishlab chiqiladi hamda u asosida matematika fanini bilish darajasini baholash bo’yicha milliy sertifikatlash tizimini joriy qilinadi; o’quvchilarning matematik savodxonligi, mantiqiy fikrlashi va amaliy ko’nikmalarini rivojlantirishga yo’naltirilgan xalqaro baholash dasturlari (PISA, TIMSS) talablariga mos keladigan amaliy topshiriqlar bazasini yaratiladi va mamlakatimiz o’quvchilarining mazkur xalqaro baholash dasturlariga muosib qatnashishi ta’minlanadi;

matematika fanlari bo’yicha sinflar kesimida o’quv-metodik majmualarni (darslik, o’qituvchi uchun metodik

qo'llanma, elektron darsliklar) yangi avlodini ishlab chiqiladi va ta'lim jarayoniga joriy etladi;

matematika fanini o'qitishda zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qo'llash bo'yicha innovatsion metodikalar yaratiladi;

STEAM zamon talablari asosida xalqaro miqyosida o'quvchilarga ta'lim-tarbiya berishda umumta'lim fanlari bo'yicha fanlararo bog'lanish va amaliy yondashuvga e'tibor qaratiladi;

o'quvchilarni o'quv loyiha va o'quv-tadqiqotchilik rivojlantiriladi;

umumiy o'rta ta'lim fanlari bilan o'zaro integratsiyasi orqali o'quvchilar kasb-hunarga yo'naltirish ishlarini tashkil etiladi;

matematika fani o'qituvchilarining fan bo'yichha bilim, ko'nikma va

mahoratini uzluksiz yangilab borish maqsadida, o'qituvchining shaxsiy va kasbiy axborot maydoni yaratiladi hamda malaka oshirish tizimi zamonaviy raqamli texnologiyalar asosida tubdan yangilanadi;

ta'lim jarayoniga raqamli texnologiyalarni joriy etilib, yagona virtual muhit - axborot ta'lim platformasi ishga tushiriladi, va unga matematika fani bo'yicha electron kutubxona, darslarning o'quv-uslubiy ta'minoti bilan bog'liq bo'lgan barcha electron resurslarni, video darslarni, virtual laboratoriya, multimediali interaktiv animatsion ilovalar joylanadi;

Maktablar zamonaviy o'quv sinflari va laboratoriyalari, yangi turdagi o'quv mebellari, jihozlari va asbob-uskunalari, ko'rgazmali qurollar, kompyuter texnikasi va boshqa o'qitishning texnik vositalari bilan jihozlanadi hamda "Zamonaviy maktab" davlat dasturi doirasida umumiy o'rta ta'lim maktablari bosqichma-bosqich SMART sinflari, STEAM mashg'ulotlarini o'tkazishga mo'ljallangan o'quv sinflari va ustaxonalari tarmog'i joriy etiladi.

Tayanch kompetensiyalarni matematika fani orqali o'quvchilarda rivojlantirish bo'yicha tavsiyalar.

Umumiy o'rta ta'lim tizimida o'quvchilarda fanga oid kompetensiyalar bilan birgalikda tayanch kompetensiyalar shakllantirilishi belgilab berilgan. Aniq fanlar bloki yo'nalishidagi fanlar orqali o'quvchilarda tayanch kompetensiyalarni shakllantirish ular o'zlashtirgan bilimlari asosida egallagan ko'nikma va malakalarini turli vaziyatlarda qo'llay olishga qaratilishi maqsadga muvofiq. Jumladan, kommunikativ kompetensiyalarni shakllantirishda davlat tili, xorijiy tillarni o'zlashtirishda mustaqil, ijodiy fikrlash, yozma va og'zaki ravon bayon etish, to'g'ri talaffuz qilish, izohlab berish hamda erkin muloqot qilishga o'rgatish zarur. Xususan, matematika fanining o'z ilmiy tili, o'z tushunchalari, belgi va timsollari ham mavjud bo'lib, bu tilda

muloqot qilish - kommunikativ kompetensiyalarni shakllantirish omili sifatida qaralishi lozim bo'ladi.

XULOSA

Fanlarni o'qitishda axborot bilan ishlash kompetensiyasini samarali rivojlantirish imkoniyatlarini kengaytiruvchi zamonaviy axborot-telekommunikatsiya vositalaridan muntazam foydalanish zarur. Bunda o'quvchilarni darslik va turli o'quv manbalari bilan ishlash, matematika faniga oid axborotlarni turli manbalardan izlash, tahlil qilish va axborot xavfsizligiga rioya qilgan holda axborot vositalari bilan ishlash ko'nikmalarini shakllantirishda turli amaliy dasturiy paket va ta'minotlardan, mobil qurilma (telefon, planshet va boshqa gadjetlar) lardan foydalanish tavsiya etiladi.

O'z-o'zini rivojlantirish kompetensiyasini shakllantirishda umuminsoniy qadriyatlar asosiga qurilgan fazilatlarga ega bo'lish, Vatanni sevish, jamiyat va tabiat haqidagi bilimlarga ega bo'lish, yangiliklarga intilish va o'zlashtirgan nazariy bilimlari asosida mustaqil qaror qabul qilishga, jamiyatda ro'y berayotgan progressiv va innovatsion o'zgarishlarga xabardor va daxldor bo'lish, doimo zamonaviy bilim va ko'nikmalarni egallashga intilish, hamda ulardan kundalik hayotda foydalana olishga o'rgatish zarur. Shu o'rinda matematika fanini puxta o'rganish orqali o'quvchilar tartib-intizomga o'rqnadilar, har bir muammoga matematik masala sifatida qarab, uni yechishda qat'iyatli bo'ladilar.

Ijtimoiy-emotsional va fuqarolik kompetensiyasini shakllantirishda fuqarolik burch, ijtimoiy va siyosiy rivojlanish, favqulodda vaziyatlar, ekologik muammolar haqida bilimlarga ega bo'lish hamda badiiy va san'at asarlarini tushunish hamda ularni asrashda tashkilotchilik xislatlarini rivojlantirishdan iborat. Shuningdek, matematika ularni haqgo'y, nohaqlikka befarq bo'lmaslik va vatanga sadoqatli bo'lish ruhida tarbiyalaydi. Matematika fanini puxta o'rgatish orqali o'quvchilarni jamiyatning faol fuqarosi sifatida rivojlantirib borishga zamin yaratiladi.

REFERENCES

1. Matematika sohasidagi ta'lim sifatini oshirish va ilmiy-tadqiqotlarni rivojlantirish chora tabirlari to'g'risida. Uzbekiston Respublikasi rezidentining PQ-4708-son 07.05.2020 Qarori.
2. Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах. к Указу Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947



2. Дрига, В. И. Развитие профессиональной карьеры современного педагога в условиях креативного образования / В. И. Дрига // Стандарты и мониторинг в образовании.— 2012.— № 4.— С. 48–51
3. Djumaev M. Mathematical regularity and development of creative thinking of students. Deutsche internationale Zeitschrift für zeitgenössische Wissenschaft /German International Journal of Modern Science. Edition: № 28/2022 (February) – 28th Passed in press in February 2022 №28 2022. 26-28 st.
4. Dzhumaev Mamanazar Irgashevich, professor at the Tashkent State University named after Nizami. Tashkent city (Uzbekistan). Use of Computer Software in Education of Students in Primary School and Preschool. www.biogenericpublishers.com. 28.09.2021 Angilya.
5. Djumaev M. Realizatsiya professionalnoy kompetensii pedagogov kak sredstvo metodiko-matematicheskoy podgotovki v kolledjakh. Yamalo.Rossiya. 12.12.2021.g. Jurnal. «PROFESSIONALNOE OBRAZOVANIE ARKTICHESKIX REGIONOV» № 4, DEKABR, 2021. 7-8 st.
6. Фридман Л.М. Как научиться решать задачи. Москва.: Просвещение 2005. 132 ст.
7. Петерсон Л.Г. Моделирование как средство формирования представлений о понятии функции в 4-6 классах средней школы. Дис. на соиск. уч. степ. канд. пед. наук. -М., 1984. -201с.



FIZIKA O‘QITISHNING ZAMONAVIY METODLARI

Adizjon Alijonovich Isroilov

Chirchiq davlat pedagogika instituti o‘qtuvchisi

isroilov.adiz@gmail.com

Izzatbek Shavkat o‘g‘li Egamberganov

Chirchiq davlat pedagogika instituti o‘qtuvchisi

iegamberganov91@gmail.com

ANNOTATSIYA

Maqolada Chirchiq davlat pedagogika institutining birinchi yilida fizika asosiy kursini “noan’anaviy” o‘qitish, xususan, muammoli topshiriqlar va tajribalar bilan boyitilgan interfaol usulda o‘qitish natijalari taqdim etilgan.

Kalit so‘zlar: fizika, optika, maxanika, interaktiv o‘qitish jarayoni, muammoli vaziyat

ABSTRACT

The paper presents results of “non-traditional” teaching of the basic course of Physics in the first year of study at Chirchik State Pedagogical Institute, specifically teaching via interactive method enriched with problem tasks and experiments.

Keywords: physics, optics, mechanics, interactive teaching process, problem tasks.

KIRISH

Ta’lim tizimiga shiddat bilan kirib kelayotgan innovatsiyalar, pedagogik texnologiyalar, interfaol metodlarning ta’lim beruvchi tomonidan o‘zlashtirilib va qo‘lanilib borilishi, o‘qituvchining o‘z ustida tinimsiz izlanishini talab qiladi. O‘qituvchi dars jarayonida o‘z o‘quvchilarini fanga ijodkorlik nuqtai nazari bilan qarashlarini tashkil qilishi, ularda izlanuvchanlik xusuiyatlarini shakllantirishi va albatta, zamonaviy pedagogik texnologiyalar va metodlardan foydalangan holda darsni tashkil etishi kerak bo‘ladi.

Ta’lim jarayonida interaktiv metodlar, innovatsion texnologiyalar, pedagogik va axborot texnologiyalarini o‘quv jarayonida qo‘llashga bo‘lgan qiziqish, e’tibor kundan-kunga kuchayib bormoqsa, bunday bo‘lishning sabablaridan biri, shu vaqtgacha an’anaviy ta’limda o‘quvchilarni faqat tayyor bilimlarni egallashga o‘rgatilgan

bo'lsa, zamonaviy texnologiyalar ularni egallayotgan bilimlarini o'zlari izlab topishlariga, mustaqil o'rganib, tahlil qilishlariga, hatto xulosalarini ham o'zlari keltirib chiqarishlariga o'rgatadi. Shuning uchun endi bilim oluvchiga ta'lim berish jarayonida yangi zamonaviy metod va texnologiyalarni qo'llash va ularning samaradorligini oshirish muhim sanaladi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Ushbu maqolada keltirilgan dars o'tish metodlari talabalar tomonidan malakaviy amaliyot paytida maktab o'quvchilarida tajriba sinov tariqasida o'tib berildi. Tajriba sinov jarayonida qoniqarli natija bergan metodlarni quyida keltiramiz.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

To'rt pog'ona metodi

Tushuntirish

Nima qilish kerakligini ko'rsatib berish

Ko'rsatilgan tarzda qaytarish

Mashq

To'rt pog'ona metodi bo'yicha BOSIM VA BOSIM KUCHI mavzusi o'tilishi

Tushuntirish

Ma'lumki, qattiq jismlar o'z hajmlarining va shakllarining o'zgarishiga qarshilik ko'rsatadi, ular elastiklik xususiyatiga ega. Suyuqlik va gazlar qattiq jismlardan shaklga ega emasligi bilan, ular o'z la ri solingan idishning shaklini olishlari bilan farq qiladilar. (Bundan, albatta, vaznsizlik holatida bo'lgan suyuqliklar mustasnodir. Chunki vaznsizlik holatidagi suyuqlik sirt tarangligi tufayli shar shaklini oladi. Shuningdek, zichliklari bir xil bo'lgan bir suyuqlik ikkinchi suyuqlik ichiga kiritilganda shar shaklidagi hajmni egallaydi. Suyuqlik va gazlarning molekullari harakatchan bo'ladi, shuning uchun ular *oquvchanlik* xossasiga ega. Suyuqlik va gazlarning hajm elastikligi katta bo'lgan sababli, tashqi, siquvchi kuchlarning ta'siri to'xtatilgandan so'ng ular o'zlarining boshlang'ich holatlariga qaytadi. Suyuqlik o'zi tegib turgan qattiq jism sirtiga ma'lum kuch bilan ta'sir qilishi kundalik tajribalardan ma'lum. Bu kuch suyuqlikning *bosim kuchi* deb ataladi. Bir biriga bevosita tegib turgan jismlar orasidagi o'zaro ta'sir kuchlari – elastiklik kuchlari jismlarning deformatsiyalanishidan yuzaga keladi. Suyuqliklar hajm o'zgarishiga nisbatan elastiklikka molik bo'lgani uchun suyuqlikning siqilishida elastiklik kuchlari paydo bo'ladi. Bu

kuchlar suyuqlikning bosim kuchidir .Suyuqlik qancha ko'p siqilsa bosim kuchi ham shuncha katta bo'ladi.

Jism sirtining birlik yuziga perpendikulyar ravishda ta'sir qiluvchi kuchga son jihatidan teng bo'lgan fizik kattalikka bosim deyiladi.

$$P = \frac{F}{S}$$

SI da bosim birligi qilib bir nyuton kuchning bir kvadrat metr yuzaga ko'rsatadigan bosimi qabul qilingan. Bu birlik paskal (Pa) deb ataladi.

$$1\text{Pa} = 1 \frac{\text{N}}{\text{m}^2}$$

Nima qilish kerakligini ko'rsatib berish

Bosimning quyidagi birliklaridan ham foydalaniladi:

1GPa (gigapaskal)= 10^9 Pa 1MPa(megapaskal)= 10^6 Pa
1KPa(kilopaskal)= 10^3

1mPa(millipaskal)= 10^{-3} Pa 1mkPa (mikropaskal)= 10^{-6} Pa

Ko'pincha bosimning sistemaga kirmagan birliklari :*millimetr simob ustuni* (mm.sim.ust), *fizik atmosfera* (atm) va *texnik atmosfera* (at.) lardan foydalaniladi.

Ko'rsatilgan tarzda qaytarish

Millimetr simob ustuni deb ,balandiligi 1 mm bo'lgan simob ustunining tekis gorizontal sirtiga ko'rsatadigan bosimiga aytiladi.

$$1 \text{ mm.sim.ust}=133.3 \text{ Pa}$$

Fizik atmosfera deb,havo ustunining Yerning gorizontal sirtiga ko'rsatadigan bosimiga aytiladi.Bosimning fizik atmosfera bosimi (atm) birligi normaatmosfera ,ya'ni 760.mm.sim.ust. bosimiga teng bo'lib, Pa da quyidagicha bo'ladi:

$$1 \text{ atm}=760 \text{ mm.sim.ust}=101325 \text{ Pa}$$

Texnik atmosfera deb, 1Kg kuchning 1 m^2 yuzaga perpendikular ravishda ko'rsatgan bosimiga aytiladi. Bosimning texnik atmosfera (at.) birligini Pa va mm.sim.ust. da quyidagicha ifodalaymiz :

$$1 \text{ at.} = 1 \frac{\text{kG}}{\text{sm}^2} = 98000 \text{ Pa} = 736.5 \text{ mm.sim.ust}$$

Mashq O'quvchilar o'zlari mustaqil ravishda bosimning o'rgangan birliklarda asosiy birliklariga o'tishadi .

Mashq. 1. Quyidagilarni asosiy birlikka o'ting

$$15 \text{ mPa} = \dots \quad 30 \text{ bar} = \dots \quad 25 \text{ MPa} = \dots$$

2. Quyidagilarni mPa (millipaskal) ga o'ting

$$980 \text{ mm. suv. ustuni} = \dots \quad 60 \text{ bar} = \dots \quad 100000 \text{ Pa} = \dots$$

BINGO metodi

“ *Bingo* “ o'yini – bu o'yin lotoreya o'yiniga o'xshash bo'lib , o'quvchilarni xoirasini mustahkamlashga , yodda saqlash qobiliyatini rivojlantirishga yordam beradi. Bu o'yin orqali o'quvchilar mavzuga doir formulalar , birliklar va asbob nomlarini tez eslab qoladi . Bunda o'quvchilarga o'qituvchi tomonidan oldindan tayyorlab qo'yilgan kartochkalar tarqatiladi . Kartochka katakchaklarga bo'lingan va ularda fizik formulalar yoki birliklar yozilgan bo'ladi . Ularning nomlari o'qituvchi tomonidan aytiladi , o'quvchilar esa to'g'risini topib ustuni eks bilan uradi . Vertikal , gorizonta , diogonaliga to'g'ri topsa BINGO deydi va o'quvchiga rag'bat beriladi .

Bizga ma'lumki , o'quvchilar birliklar oldidagi old qo'shimchalarni o'rganishga qiynaladi . Biz bu muammoni Bingo o'yini orqali hal qilmoqchimiz .

Masalan , 7- sinf . Mavzu : Fizik kattaliklar va ularni o'lchash.

10^{-6}	10^{-3}	10^{-2}
10^{-9}	10^3	10^6
10^{-12}	10^2	10

O'qituvchi beradigan savollar :

- Mikri Gekto
- Milli Kilo
- Dekka

O'quvchilarni fizika faniga qiziqtirish uchun har bir fizik qonun va atamani hayotiy misollar orqali ifodalashi mumkin.

“Mexanik energiyaning saqlanish qonuni “ mavzusini hamda o‘tilgan mavzularni mustahkamlash maqsadida “Bingo “ o‘yinini qo‘llaymiz.

1. Berilgan fizik kattaliklarning birliklarini toping .

- Ish ; kuch ; tezlik ; massa ; vaqt ; tezlanish ; energiya ; masofa ; zichlik.

N^*	kg/m^3	s
m		
m/s^2	J	m
kg	N	m/s

2. Berilgan fizik kattaliklarni formulasini toping.

- h_{max} balandlikdan qo‘yib yuborilgan jismni yerga urilish tezligi ($v_0 = 0$) bo‘lsa ;
- Ish ;
- Jism impulsi;
- Kinetik energiya ;
- Potensial energiya ;
- Yo‘l ;

$v_{max} = \sqrt{2gh_{max}}$	$A = F * S \cos \alpha$	$P = mv$
$\frac{mv^2}{2}$	mgh	$S = v * t$
$W_k + W_p$	$\sqrt{\frac{2h}{g}}$	$\frac{kx^2}{2}$

“Bingo “ o‘yinini mustahkamlash va takrorlash darslarida foydalanilsa yuqori samara beradi.

XULOSA

Yuqoridagi kabi metodlarning ta‘lim jarayonida qo‘llanishi ta‘lim samaradorligini yanda oshiradi.Bingo metodi o‘quvchilarning bilim olish va ogan bilim va ko‘nikmalarini mustaxkamlash, formulalar , kattaliklar, kattaliklarning birliklarini eslab qolishga juda katta yordam beradi.To‘rt pog‘ona metodi bo‘yicha dars o‘tilganda o‘quvchilar umumiy berilgan bilimni yaxshi o‘zlashtirishadi va uzoq vaqt daida xotiralarida

saqlanib qoladi. SHu tufayli bu metod orqali dars o'tish juda samarali hisoblanadi.

REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 29-apreldagi "O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5712-sonli farmoni.
2. Eshchanov B.Kh., Arzikulov Z.K., Using Information Technology in the Teaching of Atomic Physics and maths in Higher Educational Institutions International Journal Of Scientific & Technology Research Volume 9, Issue 02, February 2020. – pp. 6319- 6323. Aviable to: <http://www.ijstr.org/final-print/feb2020/Using-Information-Technology-In-The-Teaching-Of-Atomic-Physics-and-maths-In-Higher-Educational-Institutions.pdf>
3. Isroilov, A. A. (2021). FIZIKA FANIDAN MUSTAQIL TA'LIM OLIHDA ELEKTIRON DASTURIY TANIMOTLARNING O'RNI. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(4), 769-775 4. Isroilov, A. A. (2021). FIZIKA FANIDAN MUSTAQIL TA'LIM OLIHDA WEB-SAHIFALARDAN FOYDALANISH. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(5), 555-559

ПОЛИТИКА ЦАРИЗМА В СФЕРЕ ДУХОВНОСТИ В ТУРКЕСТАНСКОМ КРАЕ

З. Х. Насирова

ЧГПИТО, преподаватель кафедры дошкольного образования

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается вопрос политики царского правительства в сферах духовности и просвещения. В статье использованы не только литература но и сборники материалов.

Ключевые слова: духовность, джадид, культура, религия, просвещение, население

ВВЕДЕНИЕ

Как известно после захвата Российской империей Туркестанского края политика в отношении ислама выстраивалось поэтапным образом. Первый генерал-губернатор фон Кауфман выбрал путь последовательного игнорирования ислама, то есть «ни гонений, ни покровительства». Это не означало, что религиозный вопрос в Туркестане был пущен на самотёк и выпадал из поля зрения русской власти. Генерал-майор М.Г. Черняев был противником игнорирования и считал, то в будущем это ни к чему хорошему это не приведёт. После Андижанского восстания 1989 г. Генерал Духовский представил Николаю II доклад, в котором ставилась задача беспощадной борьбы с исламом во всей империи [1]. Известный туркестанский миссионер и востоковед Остроумов считал, что русская администрация должна была выработать планы по отношению к местной религии. Добиться этого попытались через систему образования [2].

МЕТОДОЛОГИЯ

В начале XX в. в Туркестане существовала мусульманская система образования. Народное образования представляло собой два направления: медресе и русские школы. В медресе образование основывалась на заучивании, и давали знание подходящие мусульманского направления. В высшей школе тоже наблюдалось господство религиозной схоластики. Наряду с этим шёл процесс реформирования традиционной школы джадидами. Они стали открывать новометодные школы, в которых наряду с религиозными науками стали обучать знаниями по медицине, химии, физики, истории и т.д. Джадиды

Туркестана боролись против абсолютизма, они были сторонниками обучения молодёжи за рубежом. Лидерами движения были Бехбуди, Абдулла Авланий, Мунаввар Кары. Просветители искали пути выхода из регресса общества через просвещение и науку. Бехбуди утверждал, что "Права берётся, а не даётся!". При этом население Туркестана страдало от пустого представления о прогрессе и развитии. Вместе с прогрессом и развитием в жизнь населения проникала европейская культура [3]. Правительство России для полного осуществления своих планов пыталось сблизить русскую и местную системы образования, создавая русско-туземные школы [4]. Туркестанские джадиды утверждали, что реформа народного образования жизненно необходимо так как, многие местные учебные заведения начали пустовать.

Валиди был глубоко убежден, что на протяжении последних сорока лет передовая культура, достижения прогресса не доходили до народов Туркестана, а то, что вошло в их жизнь, было нацелено на разрушения фундаментальных основ образа жизни, сознания культуры быта народов Туркестанского края [5]. Представители туркестанской интеллигенции связывали прогресс своего народа не только с просвещением, но и с коренными изменениями его политического положения, с обретением независимости. В 1916 г. в целях повышения и укрепления патриотических настроений среди коренного населения Военное Министерство приняло решение установить на два года издание "Туркестанской туземной газеты" на тюркском языке.

ОБСУЖДЕНИЕ

Условия Туркестана считались настолько своеобразными, что рассматривать его мусульманское население под углом зрения представлялось весьма рискованным. Накануне I мировой войны вопрос об умонастроениях населения Туркестана стояло остро, потому что Турция на I мировой войне был противником России. Правительство начал подозревать туркестанское население в сочувствии Турции. По мнению одного из очевидцев, подавлением восстания царское правительство отвело в сторону опасность, но не уничтожило ее окончательно, а национально-освободительные идеи после этого сделались более навязчивыми, чем раньше [6].

Политика игнорирования неизбежно сближала духовенство с массой простых людей и ставила его во главе всякого рода скрытых и явных антиправительственных движений. Если бы в большинстве случаев привлекали бы к государственным чинам из местного населения ситуация выглядела бы иначе. Колониальное

отношение к населению Туркестанского края особенно в годы войны в России привело к масштабному восстанию в Туркестане.

ВЫВОД

Хотя были попытки когда, царское правительство призывало туркестанских мусульман проникнуться русской гражданственностью. Царская администрация Туркестанского края только в 1915г. стала делать некоторые шаги по пересмотру отношения в особенности учёта религии, понимая какими, опасностями грозит возможный взрыв недовольства коренного населения, особенно в условиях войны.

REFERENCES

1. Ислам в Туркестане. Доклад Туркестанского генерал-губернатора С.М. Духовского 1899г. Мусульманский мир и Царская Россия. Сборник материалов. М. 2006 г.
2. Файзрахманов Л.М. Остроумов-миссионер и востоковед. История. 2008г.
3. Алимова Д. Махмдходжа Бехбуди. Т. 1998 г.
4. Остроумов Н. образования туземцев в Туркестанском крае.
5. Абдурахмонов М.А. Поиск истоков историко-духовного наследия Туркестана. Т. 2000г.
6. Чариев З. Усиление колониальной политики и национального гнета и их последствия в Туркестане в начале XX века. Т. 1999 г.



GALOGENLAR BIRIKMALARINING IJTIMOY HAYOTDAGI AHAMIYATI

Asadulla Izzatullayevich Ochilov

Toshkent davlat agrar universiteti Termiz filiali o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

Maqolada sanoat va ijtimoiy hayotning boshqa sohalarida keng qo'llaniladigan galogenli birikmalar, ularning kimyoviy xossalari, ularni yaxshi o'rganish borasida istiqbolli masalalar muhokama qilingan. Bu sohaga e'tiborni kuchaytirish qator iqtisodiy imkoniyatlarni yaratishi mumkinligi ochib berilgan.

Kalit so'zlar: Galogen, biokimyo, nanotexnologiya elementlari, Ftor, xlor, brom, yod, astat, galogenlanish, xlrlash, bromlash, yodlash.

ABSTRACT

The article discusses halogen compounds, which are widely used in industry and other spheres of social life, their chemical properties, and promising issues for their better study. It has been revealed that increasing the focus on this area could create a number of economic opportunities.

Keywords: Halogen, biochemistry, elements of nanotechnology, Fluorine, chlorine, bromine, iodine, astatine, halogenation, chlorination, bromination, iodization.

KIRISH

Bugungi kunda mamlakatlar taraqqiyoti nafaqat o'z tabiiy resurslari miqdori bilan, qolaversa tabiiy resurslarga qayta ishlov berish sanoati rivoji va bunga qodir bilimli kadrlar darajasi bilan ham belgilanadi. O'zbekiston Respublikasi kimyo sanoati keng rivojlangan mamlakatlar qatoridan o'rin olgan. Agar bizda oziq-ovqat, to'qimachilik, teri ishlab chiqarish, kimyoviy o'g'itlar, sintetik yuvish vositalari, neft, metallurgiya, gazni qayta ishlash sanoatlarining barchasi kimyoviy sanoat bilan bog'liq. Kimyoviy moddalar ishlab chiqarish va ularni sanoat miqyosida turli sohalarga yetkazib berish qanchalik muhimligini his etish mumkin. Yuqoridagilarga yana bir juda muhim sohani qo'shish mumkin. Bu soha dori-darmonlar va ular asosidagi yordamchi moddalarni ishlab chiqarish va sanoat maqsadlari uchun foydalanishdir. Dori-darmonlar ishlab chiqarishni zamonaviy talablar darajasida tashkil etish va amalga oshirish uchun kimyo fanini chuqur egallagan yosh mutaxassislar kerak bo'ladi. Ular



- Mahkum, shuningdek boshqa shaxslar yangi jinoyat sodir etishining oldini olish.

O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining 43-moddasida jazo tizimi mustahkamlangan bo'lib unda ozodlikni cheklash jazosi ham o'rin olgan. Biz quyida ushbu jazoning qo'llanilish shartlari, muddatlari va qanday shaxslar doirasiga qo'llash mumkin emasligini muhokama qilamiz.

Ozodlikni cheklash jazosi jinoyat to'g'risidagi qonunchilikka nisbatan yangi kiritilgan jazo choralariidan biri hisoblanadi. Ushbu jazo turi O'zbekiston Respublikasining 2015-yil 10-avgustdagi O'RQ-389-sonli qonuni bilan Jinoyat kodeksiga kiritilgan.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Jinoyat kodeksiga mazkur jazo turi o'z tabiatiga ko'ra ozodlikdan mahrum qilish jazosiga muqobil jazo sifatida kiritilgan. U mahkumni jamiyatdan ajratmagan holda tarbiyalash vazifasini bajaradi. O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining 48¹-moddasiga ko'ra ozodlikni cheklash sud tomonidan mahkumga nisbatan yashash joyini u yoki bu sabab bilan tark etishni butunlay taqiqlashdan yoki sutkaning muayyan vaqtida yashash joyidan chiqishni cheklashdan iborat. Bunda yashash joyi deganda, mahkumning doimiy yashash joyidagi uylar, ko'p qavatli uylardagi kvartiralar, boshqa imoratlardagi yashash uchun mo'ljallangan xonalar va boshqa turar joylar tushunilishi lozim (Uy-joy kodeksi 10-moddasi). Sud hukmining qaror qismida: ozodlikni cheklash tariqasidagi jazo, yashash joyini butunlay tark etishni taqiqlashdan yoki sutkaning muayyan vaqtida yashash joyidan chiqishni cheklashning mazmuni aniq ko'rsatilishi lozim. Ozodlikni cheklash bir oydan besh yilgacha muddatga, voyaga yetmaganlarga esa olti oydan ikki yilgacha tayinlanadi hamda mahkumning yashash joyidagi ichki ishlar organining jazolarni ijro etish inspeksiyasi yoki sud tomonidan belgilangan boshqa organ nazorati ostida o'taladi. Ozodlikni cheklash, uni mahkumning yashash joyida o'tash shartlari sodir etilgan qilmishning xususiyati va sud chiqargan qarorni ijro etishdan bo'yin tovlashning oldini olish hisobga olingan holda sud tomonidan belgilanadi. Ozodlikdan cheklash jazosi Jinoyat kodeksining Maxsus qismining ijtimoiy xavfi katta bo'lmagan va uncha og'ir bo'lmagan jinoyatlarni qamrab olgan moddalari sanksiyasida belgilab qo'yilganligini ko'rishimiz mumkin. Misol uchun JK 109-moddasi 2-qismi(qasddan badanga yengil shikast yetkazish) sanksiyasida 1 yilgacha ozodlikni cheklash, JK 124-moddasining (bolani almashtirib qo'yish) sanksiyasida 3 yildan 5 yilgacha ozodlikni cheklash jazosi nazarda tutilgan. Xuddi shunday jazo jinoyat kodeksining boshqa ko'plab moddalari sanksiyasida ham nazarda tutilgan.

Qo'llanilayotgan taqiqning (cheklashning) xususiyatlarini hisobga olgan holda, sud mahkumning zimmasiga quyidagi qo'shimcha taqiqlarni (cheklashlarni) yuklashi mumkin:

- muayyan joylarga bormaslik;
- ommaviy va boshqa tadbirlar o'tkazishda ishtirok etmaslik;
- muayyan faoliyat bilan shug'ullanmaslik;
- muayyan buyumlarga ega bo'lmaslik yoki ularni o'zida saqlamaslik;
- transport vositasini boshqarmaslik;
- mahkumlarni nazorat qiluvchi organing roziligisiz

yashash joyini, ish va (yoki) o'qish joyini o'zgartirmaslik, tegishli ma'muriy hududdan tashqariga chiqmaslik;

- muayyan shaxslar bilan aloqa o‘rnatmaslik;
- aloqa vositalaridan, shu jumladan Internetdan foydalanmaslik;
- alkogolli ichimliklar iste‘mol qilmaslik.

Bularning hammasi jazoning maqsadlariga samarali erishish uchun qo‘llaniladigan choralar hisoblanadi. Sud ozodlikni cheklashga hukm qilingan shaxsning zimmasiga o‘zi yetkazgan moddiy va ma‘naviy zararining o‘rnini qoplash, ishga yoki o‘qishga joylashish majburiyatlarini, shuningdek uning tuzalishiga ko‘maklashuvchi boshqa majburiyatlarni yuklashi mumkin. Ushbu majburiyatlarni yuklash asosi sud hukmining tavsif qismida ko‘rsatilishi lozim. Agar ozodlikni cheklashga hukm qilingan shaxs jazoni o‘tash davrida o‘zining jinoiy qilmishlarini anglab yetgan, tuzalish yo‘liga qat‘iy o‘tgan, yetkazilgan moddiy va ma‘naviy zararining o‘rnini qoplagan bo‘lsa, sud mahkumga nisbatan ilgari tayinlangan taqiqlarni (cheklashlarni) to‘liq yoki qisman bekor qilishi mumkin. Jinoyat-ijroiya kodeksining 44³-moddasi beshinchi qismiga muvofiq mahkumni unga yuklatilgan majburiyat (taqiq)lardan to‘liq yoki qisman ozod etish jazoni ijro etish idoralari taqdimnomasiga binoan sud tomonidan JPK 541-moddasida belgilangan tartibda amalga oshiriladi¹.

Mahkum ozodlikni cheklash tariqasidagi jazoni o‘tashdan qasddan bo‘yin tovlagan, shuningdek sud tomonidan o‘z zimmasiga yuklangan majburiyatlarni bajarmagan taqdirda, sud ozodlikni cheklash jazosining o‘talmay qolgan muddatini boshqa turdagi jazo bilan almashtirishi mumkin. Ozodlikni cheklash tariqasidagi jazoni o‘tash tartibi va shartlari mahkum tomonidan buzilganligi uchun jazolarni ijro etish inspeksiyasi unga nisbatan ogohlantirish tarzidagi intizomiy jazo chorasini qo‘llaydi.

Mahkum ozodlikni cheklash tariqasidagi jazoni o‘tashdan qasddan bo‘yin tovlagan, shuningdek sud tomonidan o‘z zimmasiga yuklatilgan majburiyatlarni bajarmagan taqdirda, jazolarni ijro etish inspeksiyasi sudga mahkum uchun ozodlikni cheklashning o‘talmagan muddatini jazoning boshqa turiga almashtirish haqida taqdimnoma kiritadi².

Jazoni o‘tashdan bo‘yin tovlash vaqti o‘talgan jazo muddatiga qo‘shib hisoblanmaydi. Qasddan bo‘yin tovlash deganda o‘zboshimchalik bilan, ya‘ni, uzrli sabablarsiz yashah joyini tark etish, yashah joyidan chiqish vaqtini buzish, shuningdek boshqa qo‘shimcha taqiqlarni kamida ikki marotaba buzish tushunilishi lozim³.

Ozodlikni cheklash jazosi quyidagilarga tayinlanmaydi:

- Harbiy xizmatchilar;
- Chet el fuqarolari;

• O`zbekiston Respublikasida doimiy yashash joyiga ega bo`lmagan shaxslarga.


Ozodlikni cheklash jazosi jinoiy jazolarni liberallashtirishi munosabati bilan jinoyat kodeksiga penalizatsiya qilingan jazo turi hisoblanadi. Penalizatsiya tushunchasi muayyan jazoni qonunchilikning jazo tizimiga kiritish hisoblanadi. Ozodlikni cheklash jazosining bugungi kunda sudlar tomonidan keng qo`llanilayotganligi albatta ijobiy hisoblanadi. Shaxsni jamiyatdan ajratmagan holda axloqan tuzatish qaysidir ma`noda jinoyat sodir etganlarga berilgan yengillik hisoblanadi. Chunki ozodlikni cheklash ozodlikdan mahrum qilishdan ko`ra ancha yengil jazo chorasi hisoblanadi.

¹Qarang O`zbekiston Respublikasi Oliy Sudi Plenumining 2006-yil 3-fevraldagi” Sudlar tomonidan jinoyat uchun jazo tayinlash amaliyoti to`g`risi”gi 1-son qarori 25⁴-bandi, 2-xatboshi

² O`zbekiston Respublikasi Jinoyat- ijroiya kodeksi. 44⁴-moddasi.

³ O`zbekiston Respublikasi Jinoyat- ijroiya kodeksi. 112-moddasi.

Quyida havola etilayotgan sud statistikasida biz ushbu jazo turning yildan yilga ko`proq qo`llanilayotganligini ko`rishimiz mumkin.



XULOSA

Maqola yakunida men Rim satirik shoiri Yuvenalning quyidagi so`zlarini keltirmoqchiman “Aybdor uchun birinchi jazo

o`z vijdoni oldida o`zini oqlay olmasligidir”. Darhaqiqat jazolar turlicha bo`lishi mumkin ammo vijdon oldida javobgarlik masalasi ham juda og`irdir. Shu sababli har bir shaxs jazoga sazovor bo`lgan qilmishni sodir etishdan o`zini tiyishi lozim.

REFERENCES

- 1.O`zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksi.”Adolat”.Toshkent – 2021
2. O`zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksi.”Adolat”.Toshkent – 2021
3. O`zbekiston Respublikasi Jinoyat-ijroiya kodeksi.”Adolat”.Toshkent – 2021
4. O`zbekiston Respublikasi Oliy Sudi Plenumining 2006-yil 3-fevraldagi” Sudlar tomonidan jinoyat uchun jazo tayinlash amaliyoti to`g`risi”gi 1-son qarori
- 5.M.X.Rustamboyev. “O`zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksiga sharhlar”.Umumiy qism. 1-kitob Toshkent. Yuridik adabiyotlar publish. 2021.
- 6.M.Z.Muqimova. SamDU. “Jinoyat huquqi (Umumiy qism) Uslubiy qo`llanma.Samarqand – 2021



QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIKNING MADANIY TARG'IBOTDA TUTGAN O'RNI

Chaman Murodulla qizi Jonuzoqova

Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat O'zbek tili va adabiyoti universiteti stajor
tadqiqotchisi

ANNOTATSIYA

Maqolada qiyosiy adabiyotshunoslikning nazariy asoslari qisqacha yoritilib, uning madaniy targ'ibotdagi o'rnini hamda bugungi kunda adabiy aloqa masalalarini chuqur o'rganishning nechog'li dolzarbligi, buning hozirgi adabiy jarayondagi ko'plab badiiy-estetik hodisalarni anglashning muhim shartlaridan biri ekanligi asoslab berilgan.

Kalit so'zlar: adabiy aloqa, qiyosiy tahlil, tarixiy-tipologik qiyoslash, tarixiy-genetik qiyoslash, kontakt-genetik aloqalar, tipologik o'xshashlik

KIRISH

Mustaqillik yillarida ko'plab sohalar qatori xorijiy mamlakatlar tili, madaniyati va adabiyotini o'rganishga ham qiziqish ortdi. Shiddat bilan kechayotgan keng miqyosdagi xalqaro aloqalar jahon xalqlari madaniyati va san'atini yanada chuqurroq bilish, umuminsoniy qadriyatlardan bahramand bo'lish uchun qulay zamin yaratmoqda.

Jahon xalqlari madaniy va ma'naviy boyliklari bilan tanishish o'z navbatida milliy merosimizni munosib baholash imkonini beradi. Bu borada adabiyotlarni qiyoslab o'rganish, ayniqsa, muhim ahamiyat kasb etadi.

ADABIYOTLAR SHARHI

Ma'lumki, tabiat va jamiyatda, asosan, takrorlanuvchi, bir-biriga o'xshash yoki o'z tabiati, tuzilishi, mohiyati bilan bir-biriga zid bo'lgan narsa, hodisalar qiyoslash ob'ekti bo'lib xizmat qiladi. Bu hol adabiyotshunoslik fani, xususan, qiyosiy adabiyotshunoslik uchun ham badiiy-estetik metod bo'lib qolmoqda. Adabiyotlar o'rtasidagi aloqalar, avvalo, tarixiy hodisa sanaladi. Akademik N.I.Konrad aloqalarning bir butun adabiy jarayondagi ko'lami, roli, shuningdek, ayrim xalqlarning adabiyotlari tarixidagi mohiyati turli davrlarda va har xil tarixiy sharoitlarda turlicha ekanligini ta'kidlagan edi. Aloqalarning adabiy jarayondagi turli shakl va ko'rinishlarini o'rganish esa milliy adabiyot tabiatini belgilash uchun zarur holat sanaladi.

Ma'lumki, sharqning g'arb yoki g'arbning sharq madaniyati va adabiyotiga murojaat etishi o'zida sharq-g'arb ma'naviy sintezini mujassam etgan madaniy jarayonning tarkib topishiga sabab bo'lgan. Bunday sintez dunyoning barcha xalqlari madaniyatiga xos xususiyat sanaladi. Madaniy-adabiy aloqalardagi o'ziga xos an'analar, so'nggi yillarda O'zbekistonda kuzatilayotgan xalqaro aloqalardagi faollik qiyosiy adabiyotshunoslik- ka, xususan, o'zaro aloqalar hamda ta'sir naza- riyasi, amaliyoti masalalariga jiddiy e'tibor qaratishni taqozo etmoqda. Shu o'rinda qiyosiy adabiyotshunoslikning predmeti, maqsad va vazifalari haqida mutaxassislar tomonidan turli nuqtai nazarlar o'rta- ga tashlanganligiga e'tibor qaratish lozim bo'ladi. Jumladan, A.N.Veselovskiy adabiyotshunoslikka oid tadqiqotlarning maqsadi qiyoslashda va muqoyasani imkon qadar ko'proq faktlarga tatbiq qilishda deb hisoblab, turli davrlarda va xalqlarda yaratilgan epik ijod namunalarini syujet o'xshashliklari asosida tahlil qiladi. V.Jirmunskiy esa insoniyat ijtimoiy-tarixiy taraqqiyotidan kelib chiqib, tarixiy-adabiy jarayonning birligi haqidagi konsepsiyani ilgari suradi. U qiyosiy o'rganishning to'rtta muhim masalasi va ularga mos ravishdagi adabiy aloqa shakllariga tasnif beradi:

1. Har qanday mukammal qiyosiy-tarixiy tahlilning asosini tashkil etuvchi adabiy hodisalarni oddiy qiyoslash shakli (V.Jirmunskiy ushbu masalani tilshunoslikdagi sinxron tahlilga qiyos qiladi).

2. Genetik jihatdan aloqada bo'lmagan o'xshashliklarni jamiyat taraqqiyotining o'xshash sharoitlari orqali izohlashga xizmat qiluvchi tarixiy-tipologik qiyoslash shakli.

3. O'xshash jihatlarning genetik qardoshlik mahsuli deb qarashga asoslangan tarixiy-genetik qiyoslash shakli.

4. Xalqlarning tarixiy jihatdan yaqinligi va ijtimoiy rivojlanish shart- sharoitlaridan kelib chiqib, genetik aloqalarni adabiy hodisalar o'rtasidagi madaniy aloqalar, ta'sir hamda o'zlashtirmalar asosida belgilovchi muqoyasa shakli.

TADQIQOT METODOLOGIYASI VA EMPIRIK TAHLIL

A.Dima o'zining «Qiyosiy adabiyotshunoslik ta- moyillari» nomli risolasida g'arbiy Yevropa hayotidagi «qadimiy» va «yangi» adabiyot vakil- lari o'rtasida 1683-1719 yillari bo'lib o'tgan bahs va tortishuvlarni qiyosiy tipologik uslub- dan foydalanishga «urinish» deb juda to'g'ri baholaydi. To'g'ri, «qadimiy» va «yangi» adabiyot vakillari o'rtasidagi bahs ilmiy komparati- vizm rivojida muhim bosqich bo'lgan emas. Shunday bo'lsa-da, bu yerda qiyosiy tipologik uslubdan foydalanishning ishonchli namunasini ko'ramiz. Chunki muxolif tomonlar vakillarining bir qan- cha asarlarida har ikkala



davrning ba'zi bir umumiy jihatlari aniqlanadi.

Lekin XIX asrga kelib g'arb adabiyotshunosligida qiyoslash uslubidan deyarli foydalanilmadi. Bu hodisani adabiyotdagi metodlar almashinuvi bilan izohlash mumkin. Bunda Sorbonna universitetining taniqli professori Abel Fransua Vilmanning qiyoslash uslubining kelajagi haqidagi skeptik ruhdagi fikrlari ham o'z ta'sirini ko'rsatgan. Uning fikricha, tadqiqotchi oradagi o'ziga xoslikni ko'rsatish uchun keraksiz ikir-chikirlarga berilib ketishi, shu bilan birga, o'xshashliklarni qayd etish istagida xususiyatlarni noto'g'ri talqin qilishi mumkin. A.F.Vilmanning mazkur xulosasi badiiy jarayonni qiyoslab o'rganish usuli faqat bir tomonlama talqin qilinishi natijasida kelib chiqqan. Chunki qiyoslash usuliga mayda bayonchilik va hatto syujet, obraz, peyzaj tasvirini to'g'ri-dan-to'g'ri ko'chirib olish yoki o'ta «o'xshab qolish» xavf solishi mumkin.

Bizningcha, nafaqat modernistik, balki realistik va boshqa yo'nalishlardagi ijod namunalarining o'zbek adabiyoti mazmun-mundariyasi hamda ifoda yo'siniga ko'rsatgan, ko'rsatayotgan ta'sirini o'rganish o'zbek qiyosiy adabiyotshunosligining asosiy masalalaridan biri hisoblanadi. Lekin har qanday adabiy ta'sir ko'rinishi to'g'ridan-to'g'ri taqlid bo'lmay, o'z milliy adabiyoti an'analari hamda yozuvchi ijodi o'ziga xosliklariga asoslangan va qisman transformatsiyalashgan hodisa hisoblanadi. Shuning uchun qiyosiy adabiyotshunoslikda ta'sir natijasidagi o'xshashlikkina emas, oradagi farq va o'ziga xoslik ham muhimdir.

Tarjimani ham adabiy aloqaning bir shakli deb qarar ekanmiz, uni avvalo badiiy-estetik tafakkur rivojiga ko'rsatgan va ko'rsatishi mumkin bo'lgan ta'siri nuqtai nazaridan baholashimiz lozim bo'ladi. Bunda tarjima sifatining asliyatga moslik darajasi ham muhim ahamiyatga ega. Shu ma'noda so'nggi 10-15 yil davomida o'zbek tarjimonlari tomonidan amalga oshirilgan tarjimalar alohida o'rganishni taqozo etadi. Bu bizga boshqa (qiyoslanayotgan) adabiyotnigina emas, o'z adabiyotimizni ham yaxshiroq anglashga, uning nozik jihatlari ilmiy-estetik tahlil qilishga yordam beradi.

XULOSA VA MUNOZARA

Ma'lumki, jahon xalqlari o'rtasida tarixan siyosiy, iqtisodiy va madaniy sohalarda aloqalar, ijobiy o'zlashtirishlar mavjuddir. Shuning uchun ham bu jarayonni tahlil qilish hech qachon dolzarbligini yo'qotmaydi, balki mamlakatlar o'rtasida iqtisodiy, madaniy sohalarda integratsiya avj olayotgan XXI asrda yanada muhim hisoblanadi. Qiyosiy adabiyotshunoslikda esa to'g'ridan-to'g'ri yoki kontakt aloqalar milliy adabiyotlar yoki ma'lum bir davr adabiy jarayoniga ko'rsatadigan real ta'siri jihatidan



markaziy o'rin egallaydi.

Umuman, qiyosiy adabiyotshunoslik, jahon adabiy jarayonini tahlil etish bilan birga, milliy adabiyotlarning xalqaro miqyosdagi mavqeini mustahkamlash, ular o'rtasidagi umumiy va farqli jihatlarni aniqlash hamda madaniyatlararo muloqot asoslarini belgilashga xizmat qilishi bilan dolzarb soha hisoblanadi.

REFERENCES

1. 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi. : T., 2017
2. Veselovskiy A.N. To'plam asarlar V.8. IN 1. - Sankt-Peterburg, 2011 yil.
3. Jirmunskiy V.M. Slavyan xalqlarining epik ijodi va dostonni qiyosiy o'rganish muammolari. -M.: 2012 yil.
4. Dima A. Qiyosiy adabiyot tamoyillari. - M.: Taraqqiyot, 2017 yil.
5. Dyurishin D. Adabiyotni qiyosiy o'rganish nazariyasi. - M.: Taraqqiyot, 2019 yil.
6. Bushmin A.S. Adabiyot fani. - M.: Sovremennik, 2010.



XX ASR BOSHLARIDA XORAZM ADABIY MUHITI VA BADIY IJOD QIRRALARINI TALABALARGA TA'LIM TEXNOLOGIYALARI VOSITASIDA O'RGATISH ("HAFT SHUARO" MISOLIDA)

Iroda Adambayevna Xajiyeva

Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU Urganch filiali dotsenti

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada muallif XX asr boshlarida Xorazm adabiy muhiti va uning o'ziga xos xususiyatlari to'g'risida fikr yuritadi. Xorazm adabiy muhitining o'zbek adabiyoti rivojida o'rni tahlil etiladi. Bu muhitning homiysi sifatida madaniyat va san'atning rivojiga munosib hissa qo'shgan Feruzning o'rni alohida ko'rsatib o'tiladi. Shuningdek, Munis, Ogahiy kabi ustoz shoirlarning samarali mehnati ta'kidlanadi. O'z navbatida Xorazm adabiy muhitida ijod qilgan shoirlar ijod qilgan janrlari jihatidan guruhlariga ajratiladi. Shuningdek, XX asr Xorazm adabiy muhitida bayozlar va tazkiralarning o'rni va ahamiyati tahliliy bayon etiladi. Bayozlar ham tuzilishiga ko'ra tasnif etiladi. Ma'lum bir davr shoirlarining hayoti va ijodi to'g'risida ma'lumot beruvchi tazkiralari va ularning o'zaro farqli jihatlari to'g'risida maqolada atroflicha ma'lumot beriladi. Tazkiralari, bayozlari, majmualari to'g'risida ilmiy-nazariy ma'lumotlar keltiriladi. "Haft shuaro" majmuasini vujudga keltirgan muhit yetarli darajada ochib beriladi. Mavzuni talabalarga tushuntirishda noan'anaviy "Debat" usuli, "Kahoot" mobil ilovasi hamda ta'limning didaktik vositalaridan foydalanish maqsadga muvofiqligi ta'kidlanadi. Talabalarga yetkaziladigan ma'lumotlar elektron taqdimot ko'rinishida tayyorlanishi lozimligi ko'rsatiladi.

Kalit so'zlar: adabiy muhit, shoir, janr, ijod, "Debat", elektron taqdimot, tahlil, madaniyat, san'at

ABSTRACT

In this article, the author discusses the literary environment of Khorezm in the early twentieth century and its peculiarities. The role of the Khorezm literary environment in the development of Uzbek literature is analyzed. The role of Feruz as a patron of this environment, who made a worthy contribution to the development of culture and art, is highlighted. The fruitful work of master poets such as Munis, Ogahi is also emphasized. In turn, the poets who created in the literary environment of Khorezm are divided into groups in terms of genres. Also, the role and significance of bayoz and tazkira in the Khorezm literary environment of the XX century are analyzed. Bayozes are also

classified according to their structure. The article provides detailed information about the life and work of poets of a certain period and their differences. Scientific and theoretical information about tazkiras, bayozs, complexes is given. The circumstances that created the Haft Shuaro complex is sufficiently revealed. In explaining the topic to students, it is advisable to use the non-traditional methods such as "Debate", mobile application "Kahoot" and didactic tools of education. It is indicated that the information provided to students should be prepared in the form of an electronic presentation.

Keywords: literary environment, poet, genre, creativity, "Debate", electronic presentation, analysis, culture, art.

KIRISH

Xorazm adabiy muhiti o'zbek adabiyotining ajralmas bir qismini tashkil etadi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoyev ta'kidlaganidek, "Jo'shqin Amudaryodan suv ichib, muqaddas va tabarruk Xorazm tuprog'ida unib-o'sgan, xalqimiz tarixida o'chmas iz qoldirgan Abu Rayhon Beruniy, Muhammad Muso Xorazmiy, Mahmud Zamaxshariy, Najmiddin Kubro, Pahlavon Mahmud, Nosiriddin Rabg'uziy, Sulaymon Boqirg'oniy, Sakkokiy, Munis, Feruz, Ogahiy, Bayoniy va boshqa ko'plab allomalar, shoir va mutafakkirlarning nomlari jahon sivilizatsiyasi tarixiga haqli ravishda oltin harflar bilan bitilgan". [1]

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Adabiy muhit va uni shakllantiruvchi jarayonlar to'g'risida E.E. Bertels, A.Qahhor, V.Abdullayev, N.Mallayev, A.Hayitmetov, M.Hamidova, A. Abdug'afurov, B.Valixo'jayev, G.Ismoilova, N.Jumaxo'ja, I.Adizovalar tomonidan ilmiy-tadqiqot ishlari olib borilgan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining asarlari, ajdodlarimiz merosi, olimlarimizning ilmiy ishlari XX asr boshlarida Xorazm adabiy muhiti va badiiy ijod qirralarini talabalarga ta'lim texnologiyalari vositasida o'rgatishdagi fikrlarimiz bayon etiladigan maqolaning metodologik asosini tashkil etadi.

Maqolada ma'lumotlar qiyosiy-tahlil metodi asosida yoritildi.

Ta'lim muassasalarida talabalarga Xorazm adabiy muhiti va badiiy ijod qirralarini tushuntirishda pedagogik usul va vositalardan foydalanish va samaradorlikka erishish.

MUHOKAMA

Talabalarga ushbu mavzuni noan`anaviy pedagogik texnologiyalar yordamida tushuntirish maqsadga muvofiqdir. Dastlab “Debat” usulida Xorazm adabiy muhiti to`g`risida ulardagi mavjud bilim va tushunchalarni aniqlab olish lozim. Mavzuni dastlab ma`ruza shaklida elektron slaydlardan foydalangan holda bayon etamiz.

Xorazm adabiy muhitining yuqori cho`qqiga chiqqan davrining mohiyatini belgilashda XIX asrni tayanch zamin sifatida e`tirof etish joiz. Chunki yuqorida nazarda tutilayotgan davr adabiy muhitining asoschisi va tashkilotchisi Shermuhammad Munis (1778-1829) bo`lgan edi. Ogahiy bu muhitga yanada keng qamrov va mazmun bag`ishladi, Feruz esa unga homiylik qildi. Feruzning bu sohadagi tashabbuskorligi yaqin vaqtlargacha xolis e`tirof etilmagan bo`lsa ham, adabiyotimiz jonkuyari, atoqli adib Abdulla Qahhor 1962 yildayoq bu xususda haq gapni aytgan edi: “Feruz mashhur lirik shoir, musiqashunos, kompozitor, yaxshi tarjimon, Umarxon singari o`z zamonasining shoirlarini o`rdasiga yiqqan, 1873 yilda bosmaxona sotib olib, Xorazmda birinchi kitob bostirgan odam. Shu odamni yuz yildan keyin qora kursiga o`tqazib, sovet qonuni bilan sud qilishdan nima murod hosil bo`ladi? Ko`p xotin olish yolg`iz Feruzning aybi emas, balki butun feodal jamiyatning illatidir. O`sha jamiyatda ko`p xotin olish gunoh hisoblangan emas”. [2]

Feruz nomi bilan bog`liq XX asr boshidagi (birinchi choragidagi) adabiy muhit qator o`ziga xosliklarga ega. Unda, bir tomondan, ko`p asrlik adabiy an`analar davom etib, ustuvorlik qilayotgan bo`lsa, ikkinchi tomondan, zamonaviy yangicha qarashlar, ma`rifatparvarlik g`oyalari tobora kengayib borayotgan edi. Badiiy ijodda she`riyat salmoqli o`ringa ega bo`lib, uning mazmunini ishqiy-axloqiy motivlar tashkil etardi. Shu bilan birga, adabiy jarayondagi jonlanish an`anaviy mavzularning yanada boyishida, janrlarning shakliy rang-baranglashuvi, umuman, badiiy ijod ijtimoiy-estetik ahamiyatining oshishida ko`rinadi.

Tabiiyki, adabiy muhitning harakatlantiruvchi kuchi ijodkorlardir. Bu jihatdan Feruz muhitining uyushganlik xarakterini alohida ta`kidlash kerak. Muhimi shundaki, bu muhitdagi ellikka yaqin ijodkorlar turli ijtimoiy toifa, kasb va millatga mansubligidan qat`i nazar muayyan darajada badiiy iqtidorga ega bo`lishgan, turli janrlarda asarlar yaratishgan. Ularni shartli ravishda quyidagicha guruhlarga ajratish mumkin, bu tasnif elektron taqdimot asosida namoyish etiladi:

1. Feruz shajarasiga mansub ijodkorlar (Murodiy, Komyob, Farrux, Sultoniy, Sodiq, Sa`diy, Oqil, Bayoniy va boshqalar);

2. Feruz tomonidan bevosita saroy xizmatiga jalb etilgan ijodkorlar (Tabibiy, Komil, Doiy, Devoniy, Mirzo, Habibiy, Xodim va boshqalar);

3. Rasmiy ravishda saroy xizmatida boʻlmas-da, Feruz nazarida boʻlgan va adabiy muhitda sezilarli iz qoldirgan ijodkorlar (Avaz, Niyoziy, Mutrib, Faqiriy, Soʻfi va boshqalar).

XX asr boshidagi Xorazm adabiy muhitining asosiy xususiyatlari davrdagi ijtimoiy-siyosiy oʻzgarishlar, milliy uygʻonish tuygʻusining kuchayishi, badiiy ijodda anʼana va yangilanishning uygʻunlashuvi kabi omillar bilan bogʻliqdir. Bu xususiyatlarni asosan quyidagilarda koʻramiz:

a) adabiy muhit boy va tarixan uzoq adabiy tajribalarga suyangan holda ularning yangi asrdagi davomi sifatida shakllandi va oʻzbek mumtoz adabiyotining soʻngi, yangi davr adabiyotining esa boshlanish bosqichi boʻldi;

b) adabiy muhit vakillarining aksariyati bevosita, bir qismi esa saroy bilan bilvosita bogʻlangan boʻlsa ham, Feruz shoh sifatida ularning umumiy homiysi va muhit tashkilotchisi, shoir sifatida ijodkor hamkori edi;

v) ijodkorlarning asosiy adabiy mahsuli boʻlgan lirik sheʼriyatdan tashqari, qator epik, tarjima va tarixiy asarlarning yaratilgani adabiy muhit xususiyatlaridan biridir. Bu borada Tabibiy dostonlari, Otaniyoz Niyoziy, Mirzo tarjimalari, Bayoniyning “Shajarai xorazmshohiy”, “Xorazm tarixi”, Komyobning “Tavorix ul-xavonin”, “Muntaxab ul-voqeot” tarixiy asarlari va boshqalarni koʻrsatish mumkin;

g) adabiy muhitga xos jihatlardan yana biri lirik janrlar rang-barangligi. Bu sohada yigirmaga yaqin janr va shakllarda ijod etgan ustoz Ogahiy anʼanasi davom ettirildi va shoirlarning ayrimlari oʻn toʻrtta janrda ijod etishdi. Tabiiyki, bular orasida gʻazal va muxammaslar asosiy oʻrin tutadi;

d) adabiy muhit namoyandalarining ijodiy takomilida Navoiy, Fuzuliy, Munis va Ogahiy dahosidan bahramandlik, shuningdek, zullisonaynlik anʼanasi ham muhim omil boʻldi. Ustozlarga izdoshlik asosan ijodiylik kasb etdi, oʻzbek va fors tillarida ijod qilish esa har bir shoirga xos xususiyat edi;

e) muhim jihatlardan yana biri shundaki, shoirlar ijodi koʻp qirrali edi. Ular adabiy ijoddan tashqari, xattot, musiqashunos, tarjimon, tarixnavis ham boʻlganlari bois bu ijod qorishiq xarakterda edi;

j) adabiy muhitning oʻziga xosligini ifodalovchi asosiy xususiyatlardan biri - badiiy asarlarning kitobat – devon, bayoz, tazkira, majmua shakliga keltirilishi va targʻib qilinishida namoyon boʻladi. Xususan, tazkiralarda oʻsha davr ijodkorlari, jumladan, “Haft shuaro”ga kirgan shahzoda shoirlar biografiyasi va ijodiy faoliyati haqida qimmatli maʼlumotlar mavjud.

Umuman, bu xususiyatlar madaniyat va sanʼat sohasidagi rivojlanishga, adabiy jarayonning qizgʻin xarakter kasb etishiga, ijodkorlar faolligining oshishiga, adabiy janrlar, xususan,

she`riyatning mavzu va g`oyaviy ko`lamdorligiga, an`anaviylikning yangicha shakl va mazmun bilan boyishiga hamda kitobat ishlarining keng yo`lga qo`yilishiga imkon yaratdi. Zero, bu davrda Feruz saroyida va undan tashqarida yashab ijod etgan shoirlar tomonidan ko`plab asarlar yaratilgani, deyarli har shoirning bir yoxud ikkitadan devon tuzgani ularni ommaga yetkazish, targ`ib qilish, kitobxonlikni kengaytirishni taqozo qilardi. Natijada, shaxsan Feruz tashabbusi va homiyligi bilan badiiy va adabiy-tarixiy asarlarni qo`lyozmadan tashqari, bosma usulda ko`paytirish maqsadida XIX asrning saksoninchi yillaridan boshlab litografiyadan foydalanish joriy etildi.

Darhaqiqat, toshbosmaning yo`lga qo`yilishi adabiy muhitdagi jonlanishning kuchayishiga, ijodkorlar rag`batini oshirishga va kitob holdagi manbalar sonining tez ko`payishiga imkon berdi. Turli bayoz, majmua, tazkiralar tuzishning nisbatan tezlashuvida ushbu omillar sezilarli rol o`ynadi. Ammo bu hol qo`lyozma amaliyotini butunlay siqib chiqarolmadi. Bu sohada Mulla Boltaniyoz, Mulla Karimbergan, Mulla Qurboniyoz, Muhammad Panoh Xudaybergan, Matyoqub va Muhammad Yusuf hamda boshqa devonlar va kotiblarning xizmatlari katta bo`ldi.

Xorazm adabiy muhitida muhim o`rin egallagan bayozlar Sharq adabiyotiga xos bayozchilik an`anasining asosiy xususiyatlarini aks ettirish bilan birga, muayyan o`ziga xoslikka ham ega. Bu hol bayozlarning janriy va mavzu jihatdan tabaqalashuvi hamda zullisonaynligida ko`rinadi. Jumladan, Feruz davrida tuzilgan "Bayozi majmuai ash`or" va "Bayozi ash`or" turli lirik janrlardagi she`rlardan tuzilgan bo`lib, ishq mavzusini tarannum etsa, "Bayozi musaddasot", "Bayozi muxammasot"lar faqat musammat shakllari, "Bayozi ruboiyot" esa birgina ruboiy janri namunalaridan iborat bo`lib, ham ishqiy, ham ijtimoiy-falsafiy mavzularga bag`ishlangan.

Shuningdek, bir va bir necha shoirlar asarlaridan bayoz tuzish ham keng tarqalib, bulardan ikkinchisi salmoqlidir. Binobarin, "bayozlar erkin ravishda tuzilib, turli davr shoirlarining rang-barang she`rlarini o`zida mujassamlashtirgan to`plam sifatida ular tarkibida ba`zan mashhur shoirlarning devonlarida ham mavjud ayrim she`rlarning uchrashi" [3] bayozchilikka xos tipologik xususiyat bo`lgani holda, ayrim Xorazm bayozlari tuzuvchi xohishi asosida, ko`pincha, Feruz topshirig`i bilan tuzilgan.

Tabiiyki, ularda "Bayoz tuzishga farmon bergan shaxs va tuzuvchining shoir haqidagi sub`ektiv tushuncha hamda tuyg`ulari bayoz tarkibidagi

she`rlarning g`oyaviy mazmuni orqali ifodalanadi". [4] Feruz farmoniga muvofiq, shoirlar g`azallari asosidagi ashulalardan ham maxsus bayozlar tuzilgani Xorazm bayozchiligining yana bir xususiyatidir. [5]

Xorazm adabiy kitobatchiligi silsilasida majmualar ham muayyan mavqega ega bo'lib, mumtoz ijodiy merosning ancha qismini o'zida mujassam etadi. Ularning tuzilishi tuzuvchining maqsadiga, dunyoqarashi va shaxsiy mayliga hamda mavjud an'analarga rioya qilishiga bog'liq bo'lib, majmualar bayozlardan farqli o'laroq, maxsus tanlangan she'rlar asosida mavzu va g'oya yo'nalishiga ko'ra bunyod etiladi. Chunonchi, "Haft shuaro" majmuasidagi she'rlarda ishqiy-ma'rifiy mavzu, "Yug'urum" (1923) majmuasidagi she'rlarda esa inqilobiy mavzu yetakchidir. Shu bilan birga, ularda shoirlar ijodi xususidagi ayrim ma'lumotlar ham uchraydi. Mulla Bekjon tomonidan nashr etilgan "Yug'urum" majmuasining bu jihatini adabiyotshunos A.Abdug'afurov alohida ta'kidlab yozgan edi:

"Mulla Bekjon" to'plamidagi boshqa asarlar qatorida, ularning (Bayoniy, Mutrib, Safo Mug'anniy she'rlari - I.X) har biriga kichik-kichik izohlar beradi, qachon yozilgani va qaysi manbadan olib chop etilayotganligini aniq ko'rsatadiki, bu davr adabiy jarayonini hamda konkret ijodkor merosini o'rganishda, uning g'oyaviy-badiiy evolyusiyasini belgilashda muhim ahamiyat kasb etadi".[6]

Ikkinchidan, majmualarda she'r mualliflari to'g'risida, garchi qisqa bo'lsa-da, biografik ma'lumotlar uchraydi. Shu jihatdan aksariyat majmualar o'zida asosan badiiy asarlarni jamlagani sababli bayozga, qisman shoirlar haqidagi muxtasar ma'lumotlarni aks ettirgani bois tazkiraga xos xususiyatlarga ham ega bo'ladi. Shuningdek, majmualar har bir shoirning faqat saylanma she'rlaridan ham tuzilishi mumkin, bayozlarda esa, odatda, she'riy parchalar cheklanmaydi, ularni qat'iy davrlashtirish tamoyiliga hamisha amal qilinmaydi.

Xorazm adabiy muhiti xususidagi qimmatli ma'lumotlarning muayyan qismi tazkiralarda mujassam bo'lib, u Sharq mumtoz adabiyotshunosligida salmoqli o'ringa egadir.

Tazkira, odatda, muayyan tarixiy davrga mansub adabiy-tanqidiy qarashlarni, bir yoxud turli davrlar shoirlar hayoti va ijodini yorituvchi an'anaviy janr sifatida o'zbek adabiyotshunosligida ham mavjud edi.

Tom ma'noda o'zbek tilidagi ilk tazkira Navoiyning "Majolis un-nafois"idan boshlangan tazkirachilik mezonlari tamoyillari keyingi davrlar uchun asosiy yo'l-yo'riq bo'ldi. Bu asarda tazkirada ikki qirra – matn (she'riy parchalar) va ijodkor hayoti hamda asarlari haqidagi ma'lumotlar talqini mavjudligi tazkiraning tub xususiyati ekanini ko'rsatdi va Xorazm tazkirachiligi uchun ham ilhom va rag'bat manbai bo'ldi.

To'g'ri, Xorazmda XX asrgacha mumtoz tazkirachilik namunalari yaratilmadi. Ammo bu hol adabiy muhitning qusuri emas, balki o'ziga xosligi bo'lib, asosiy diqqat original badiiy

asarlar, adabiy-tarixiy solnomalar, shuningdek, tarjima asarlari yaratishga qaratilgani bilan izohlanadi. Shunday bo'lsa-da, XX asrgacha yozilgan qator asarlarda tazkiraga xos ayrim unsurlar – muayyan davr adabiy muhiti, shoirlar hayoti va ijodiga oid muxtasar ma'lumotlar uchraydi. Bu jihatdan Munis (1778-1829) va Ogahiy (1809-1874) asarlari xarakterli bo'lib, ularda XVIII-XIX asrlar adabiy hayotiga doir qimmatli faktlar muayyan munosabat bilan bayon etiladi. Buni adabiyotshunos B.Valixojayev alohida ta'kidlab, shunday yozgan edi: “Munis Xorazmiyning bu asarida (“Firdavs ul-iqbol”- I. X) Xorazm diyorida tarixiy, madaniy, adabiy muhit, uning ayrim namoyandalari haqida qimmatli ma'lumotlar keltirilgan. Xuddi shu manba tufayli adabiyot tarixi uchun Mavlono Vafo, Pahlavonquli Ravnaq, Muzaffarxo'ja Kiromiyga o'xshash qalamkashlar kashf etildi”. [7] Shuningdek, Ogahiy o'zining “Riyoziy ud-davla”, “Gulshani davlat”, “Shohidi iqbol” va boshqa tarixiy asarlarida ham o'tmishda yashagan yoxud o'ziga zamondosh bo'lgan ijodkorlar haqida muhim faktlarni qayd etadi. Jumladan, u “Riyoziy ud-davla” asarida mashhur donishmand shoir va kurashchi Pahlavon Mahmud (1247-1326) fazilatlarini lo'nda va aniq ta'riflaydi:

“Firdavsbahr shahri Xivaqda qudvat ul - avliyo, murshid ul – atqiyoy maxsus boroghi mulki vadud hazrati Pahlavon Mahmud quddisa sirruhu”. [8]

Bundan tashqari, bu asarida Ogahiy o'z ahvoli ruhiyati, adabiy laqabi va olimu shoirlar bilan muloqoti xususida ham ma'lumotlar berib, jumladan, uning hasbi hol yo'nalishidagi sakkiz misra masnaviysini keltiradi. “Gulshani davlat” asarida esa Xivadagi adabiy jarayon va uning vakillari Muhammad Nazar, Pahlavon Niyozboy va Xolis haqida ma'lumotlar beradi. [9]

Yuqorida qayd etilgan adabiy qarashlar Xorazm tazkirachiligi uchun g'oyaviy asos bo'lib xizmat qildi va bu tazkirachilik tobora takomillashib, kitobxonlik hamda badiiy asarlarga qiziqish zahirida shakllandi. Zero “shunday asarlar to'plamlari ilk tazkiralar edi”. [10] Demak, mumtoz tazkiralarning tub asosi to'plam (majmua) bo'lib, bora-bora ular adabiy-tanqidiy, hatto, nazariy qarashlar bilan boyib, takomillashib borgan. Shu sababli tazkirada majmuaga xos adabiy parchalarning bo'lishi janr talabiga xilof emas, balki uning xususiyatlaridan biridir. O'rta asrlardan, xususan, XIX asrdan yirik madaniy–adabiy markazlardan biriga aylangan Xiva shahrida badiiy asarlar yaratish, to'plamlar tuzish, mutolaa qilish va targ'ib etish ishlari kuchayib, o'sha asrning oxiridan XX asrning boshlarigacha bo'lgan Feruz davrida esa yanada keng qamrovlik kasb etdi. Zero, mumtoz tazkirachilikning xuddi shu davrda yuzaga kelishi va qisqa vaqtda turli xarakterdagi tazkiralarning tuzilishi ham ana shu omillar bilan dalillanadi. To'g'ri, bu davrda Qo'qon va Buxoro adabiy muhitlarida ham

qator tazkiralari maydonga keldi (Fazliy, Pirmastiy tazkiralari). Ularning Xorazm tazkirachiligining namunalari boʻlgan Ahmadjon Tabibiy tazkiralari bilan mushtarak va farqli jihatlari (til, uslub, hajm, ifoda shakllari va boshqalar) haqida adabiyotshunoslikda muayyan fikrlar aytilgan. [11-20]

Adabiyotshunos B.Valixoʻjayev tazkiralarni vaqt omili nuqtai nazaridan ikki guruhga ajratadi: 1) tarixiy-zamonaviy (salaflar va zamondoshlar); 2) zamondoshlar haqidagi tazkiralalar.[7] Bularning har biriga xos jihatlarni batafsil tahlil etadi. Olim Oʻrta Osiyoda X asrdan boshlangan tazkirachilik tarixini yoritarkan, XX asr boshida oʻzbek tilida yaratilgan tazkiralari, jumladan, Xorazm tazkirachiligiga (Tabibiy qalamiga mansub) ham muxtasar toʻxtab oʻtadi hamda zamondoshlar haqidagi tazkiralari sifatida ayrim jihatlarni taʼkidlaydi.

Xarakterli tomoni shundaki, Xorazm anʼanaviy tazkiralari adabiy parchalarning janriy mansubligi jihatidan ichki tabaqalanishga ham ega boʻlib, u quyidagicha tasniflash mumkin:

1) faqat gʻazal janridagi asarlarga yozilgan payravlardan tuzilgan (Tabibiyning birinchi tazkirasini);

2) musammata shakllari – muxammas va musaddaslardan tashkil topgan (Tabibiyning ikkinchi tazkirasini);

Bu tazkiralarning yana bir oʻziga xosligi shundaki, birinchisida payrav uchun bir shoir – Feruz gʻazallari, ikkinchisida esa Feruz va Ogahiy gʻazallari asos-matn qilib tanlangan.

3) aralash janrlardan – gʻazal, masnaviy, toʻrtlik (Laffasiy tazkirasini)dan tuzilgan.

Albatta, tazkiralarda keltirilgan bu asarlarga munosabat bilan birga, shoirlar hayoti va faoliyatiga oid maʼlumotlar ham bayon etilgan. Koʻrinadiki, tazkiralarda adabiy parcha (sheʼriy matn) hamda shoir hayoti va ijodini baholash tipologik hodisadir. Ammo ayrim majmualarda muayyan adabiy qarashlarning mavjudligi (garchi batafsil boʻlmasa ham) ularni tazkiraga yaqinlashtiradi. Shuni hisobga olib, atoqli adabiyotshunos A.Hayitmetov Shayx Ahmad Taroziyning “Funun ul-balogʻa”si oʻzbek tilidagi adabiyotning nazariy masalalari boʻyicha ilk mukammal qoʻllanma boʻlishi bilan birga, sheʼriy tazkira xarakteridagi bir asar ham ekanini taʼkidlagan edi.[12] Bunda olim asardagi birgina Lutfiy tarjimai holiga oid tazkiraga xos maʼlumotlarni nazarda tutgan. Shu qarashga asoslanib, biz “Haft shuaro”ni shartli ravishda tazkira-majmua deb atadik. Chunki unda sheʼriy asarlardan tashqari, ikki shoir – Sultoniy va Farrux haqida nasriy maʼlumotlar ham berilgan. Zero “Haft shuaro”

o'zida asosan majmua, qisman tazkira xususiyatlari sintezlashtirilgan adabiy manbadir.

Tazkiralarning uchinchi guruhiga mansubi - shoh saroyida o'n yil davomida shoirlar nazoratchisi bo'lgan Bobojon Tarroh Azizov – Xodimning “Xorazm navozandalari” asari. [13] Unda Feruz davri adabiy muhiti va uning shoirlari hayoti hamda ijodi haqida boy ma'lumotlar bayon etiladi. Esdaliklar shaklidagi bu asar muallifi undagi fakt va lavhalarning bevosita guvohidir. Asar mazmuni uni tazkira deyishga to'la asos beradi, chunki “esdalik daftari ma'nosidagi tazkira adabiy-tanqidiy qarashlarni ifoda etuvchi janrlardan biri bo'lib, unda adabiyot tarixi yoki konkret davrning shoirlari hayoti va ijodi to'g'risidagi qiziqarli ma'lumotlar keltiriladi”. [14]

Tazkirada muallif “o'ttiz bir nafar shoirning ahvoloti” yuzasidan o'n uch savolga javob yozgan.

Xorazm tarixiga oid XX asr solnomalarida ham tazkiraga xos adabiy ma'lumot va lavhalar hamda ayrim she'r va shoir haqidagi fikrlar uchraydi. Bu jihatdan Bayoniyning “Shajarai xorazmshohiy” asari xarakterlidir. Shu sababli adabiyotshunos G.Ismoilova uni Tabibiyning “Majmuat ush- shuaro”si qatorida tazkira deb ataydi va “ular bo'yicha ko'plab ijodkorlar nomlari bilan tanishishga muayassar bo'lamiz” deyish bilan cheklanadi. [15-19]

Adabiyotshunoslar N.Jumaxo'ja va I.Adizova esa “Shajarai Xorazmshohiy”ning keng qamrovli tarixiy-adabiy ahamiyatini alohida ta'kidlab, quyidagi asosli xulosaga kelishadi: “uning tazkira tipidagi adabiy manbalardan farqi va afzalligi shundaki, u adabiy muhit manzaralari, jarayonlarini, mafkuraviy hayotni tirikligicha, harakatda, ijtimoiy-siyosiy voqealar bilan munosabatda tasvirlaydi”. [16-18]

Bu jihatdan Xorazm adabiy manbalarining katta qismi qo'lyozmalar ekanligi xarakterli faktdir. Bu haqda mashhur olim E.E. Bertelsning fikri alohida ahamiyat kasb etadi: “o'qilgan qo'lyozmalar soni qancha ko'p bo'lsa, tuman shunchalik tarqalib, masala oydinlashib boradi. Tadqiqotchining qo'lidan yuzlab, minglab qo'lyozmalar o'tsa, ilgari amalga oshirib bo'lmaydigandek tuyulgan masala oddiylashadi va oydinlashadi”. [17] Ana shu yuzlab qo'lyozmalardan biri bo'lgan “Haft shuaro” tazkira majmuasining monografik tadqiqi Feruz davri adabiy muhitining hozirgacha kam o'rganilgan jihatlarini “oydinlashtirish”ga imkon berishi bilan qimmatlidir.

XULOSA

Umuman, majmua va tazkiralari "saroy adabiyoti" bahonasi bilan adabiyotshunoslikda yaqin vaqtlargacha mavjud ayrim noto'g'ri, bir tomonlama qarashlarni tuzatishga, badiiy asarlarning ijodkorlarini ijtimoiy mavqei nuqtai nazardan talqin etishning xatoligini oydinlashtirishga, qator shoirlar to'g'risidagi tasavvurlarni kengaytirish va boyitishga, pirovardida adabiy muhitni yaxlit holda chuqurroq o'rganish va yangi ilmiy tafakkur asosida haqqoniy baholashga imkon beradi. Texnika yo'nalishi talabalariga ushbu mavzuni kengroq va batafsil o'rgatishda elektron doska, motorli ekran, proyektor, kompyuter, didaktik vositalar ("Haft shuaro" majmuasining qo'limizda mavjud toshbosma parchalari, kitoblar va h.k.) dan foydalanamiz. Dars yakunida talabalarning bilimni tekshirish maqsadida "Kahoot" mobil ilovasi orqali mavzuga test topshiriqlarini bajartirish dars samaradorligini oshiradi.

REFERENCES

1. Mirziyoyev Sh. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. T. "O'zbekiston" 2017. 241-bet.
2. Qahhor A. Yoshlar bilan suhbat. –T.: Yosh gvardiya, 1968. B.102-103.
3. Sobraniye Vostochnyx rukopisey AN Uz. T II. Tashkent. 1954. -S. 11.
4. Hamidova M. Qo'lyozma bayozlar – adabiy manba. T., 1981 -B.124.
5. Rahimov D., Matrasul Sh. Ko'rsatilgan asar.1991. T.: Adabiyot va san`at,- B. 88.
6. Abdug'afurov A. "Yug'urmiya" –o'zbekcha inqilobiy she'rlar to'plami // O'zbek tili va adabiyoti.T., 1988. №5 -B.3-10.
7. Valixo'jayev B. O'zbek adabiyotshunosligi tarixi. X-XIX asrlar. –T.: O'zbekiston, 1993-B.118.
8. Ogahiy. Riyozud davla. O'zFA Sharqshunoslik instituti fondi Inv. № 5364 II-B.374-a.
9. Ogahiy. Gulshani davlat. O'zFA Sharqshunoslik instituti fondi Inv. №7572 -B 101-102.
10. Mallayev N. XV asr tazkiralarning tarixiy-adabiy ahamiyati // O'zbek adabiyoti masalalari. To'plam. T.: 1959. – B.255.
11. Karang: Valixo'jayev.B. Ko'rsatilgan asar -B.175-176. Matkarimova S. Tazkirachilik an`anasi: mushtaraklik va o'ziga xoslik // Badiiy tafakkur va adabiy jarayon. To'plam. UrDU.2004.-B 43-46.
12. Hayitmetov. A. Adabiyotdan turkiyda birinchi nazariy qo'llanma // O'zbek tili va adabiyoti.T., 2002.№ 1. -B.72.

13. Xodim. Xorazm navozandalari. – T.: Adabiyot va san`at, 1994. 96-b.
14. Valixo‘jayev B., Xolmatov.Sh. O‘zbek adabiy tanqidi tarixi. 1-qism. Samarqand., 1983-B 13.
15. Ismoilova G. Feruz davri Xorazm adabiy muhiti. Fil. Fan.nomz. dissert. T.: Fan, 1995- B. 25.
16. Jumaxo‘ja N, Adizova I. So‘zdin baqoliroq yodgor yo‘qdir.-T.: O‘zbekiston, 1995- B. 148.
17. Бертельс. Е.Э. Вопросы методики критических изданий классических памятников литературы народов Ближнего и Среднего Востока// Материалы Всесоюзной конференции востоковедов в Ташкенте. – Т.: Изд.АН.УзР, 1957-С.237-238.
18. Iroda X., Feruza A., Khurshida K., & Umida B. (2020). The importance of spiritual values in the upbringing of the harmoniously developed person in teaching and learning process. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(5), 1496–1499.
19. Xajiyeva.I Sultoniy ijodiyotini pedagogik texnologiyalar asosida o‘rgatish (“Haft shuaro” majmuasi asosida). *Jamiyat va innovatsiyalar*. 02 (2022) / ISSN 2181-1415.
20. Xajiyeva.I.A. Texnika yo‘nalishidagi talabalarga inson va insonparvarlik g‘oyasini tushuntirishda pedagogik texnologiyalarning o‘rni. *Muallim*.№4. 2022. 5-9-b.



ИНСОН КАМОЛОТИДА АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИ АҲАМИЯТИ

Н. М. Кошанова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Педагогика фанлари фалсафа доктори (PhD)

koshanovanilufar512@gmail.com

А. Алимухамедова

“Ижтимоий иш” йўналиши талабаси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Марказий Осиёлик қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг илм-фанга қўшган салмоқли ҳиссаси, унинг илмий ёндашувларига маҳаллий ва хорижий олимларнинг берган баҳоси, ҳамда комил инсон тарбиясидаги алломанинг педагогик қарашлари таҳлил қилинган ва ўрганилган.

Калит сўзлар: уйғониш даври, илмий-маърифий фаолият, педагогик ғоя, танқидий таҳлил, ўқитиш усуллари, ахлоқ категориялари, инсон камолоти, меҳнат тарбияси.

ABSTRACT

This article analyzes and studies the significant contribution of the Central Asian encyclopedist Abu Rayhan Beruni to science, the assessment of his scientific approaches by local and foreign scholars, as well as the pedagogical views of the scholar in the education of the perfect man.

Keywords: awakening period, scientific-educational activity, pedagogical idea, critical analysis, teaching methods, moral categories, human maturity, labor education.

КИРИШ

Ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида баркамол авлодни тарбиялаш масаласи етакчи масала бўлиб, ҳар бир даврда ўзига хос ёндашувлар ва тенденциялар ҳукмрон бўлган. Аммо минг йиллар ўтган бўлсада, аждодларимиз томонидан илгари сурилган педагогик қарашлар шу даражада қимматлики, улар ҳозирги шиддаткор, XXI аср учун ҳам аҳамиятлидир. Ушбу илмий мерос намуналарини ўрганиш, аждодларимизнинг самарали ва илғор ғояларини



педагогика соҳасидаги аҳамиятини таҳлил қилиш ҳар бир миллат фарзандининг бурчи ҳисобланади.

Марказий Осиё тупроғида дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган олиму мутафаккирлар, буёк саркардалар, ислом билимдонлари дунёга келган. Шарк реннесанси даврига сабабчи бўлган, дунё тан олган қомусий олимларимиздан Ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Умар Хайём, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби бобокалонларимиз илму фаннинг турли соҳаларида самарали меҳнат қилиб бизгача улкан илмий меросни қолдирганлар. Мамлакатимизда аждодларимиз хотирасини қайта тиклаш ва абадийлаштириш, уларнинг бой меросини чуқур ўрганиш ва ўсиб келаётган ёш авлодни муносиб ворис сифатида тарбиялаш масаласига давлат сиёсати даражасида қаралмоқда. Шу жумладан, президентимиз Ш.Мирзиёев 3- реннесанс даврига мос авлод тарбияси масаласини етакчи масала сифатида қўтариб чиқдилар ва шу мақсаддан келиб чиқиб, мамлакатимизда таълим-тарбия масаласида шиддатли ва самарали ислохотлар амалга оширилмоқда. Учинчи ренессанс - мамлакатимизда илм-фан тараққиётининг, иқтисодиёт ва жамиятнинг, халққа хизмат қилиш ва кишиларни рози қилишдай эзгу ният билан амалга оширилаётган барча ютуқлар – кишиларимиз ва ёшларимиз ақлу заковатининг, иқтидор ва истеъдод қувватининг ёрқин тантанаси бўлиши кўзда тутилмоқда. Биз ҳақли равишда фахр ва ғурур билан тилга оладиган бобокалонимиз орасида Абу Райҳон Беруний қолдирган илмий мерос билан қанча ғурурлансак арзийди. У биринчи шарқшунос олим сифатида жаҳон илм-фан вакиллари томонидан ўз даврининг энг буюк ақл-заковати сифатида эътироф этилган. Берунийнинг илм денгизи нақадар кенг эканлигини унинг қомусий олим сифатида яратган асарлари орқали ҳам билиб олиш мумкун.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТАДАЛОГИЯСИ

Беруний илмий меросини тизимли ўрганиш, асарларини европа тилларига таржима қилиш, шарҳлаш асосан XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Беруний номи дунёда Птолемей, Леонардо да Винчи, Коперник, Ломоносов ва бошқа олимларнинг номлари билан бир қаторда тилга олинади. Маҳаллий шарқшунос олимларимиздан **М.Исҳоқов** алломанинг минералогия соҳасига қўшган ҳиссаси борасида илмий изланишлар олиб борган[4]. **Д.Тожиёв** эса унинг илмий ҳаёти ва изланишларини тизимли ўрганган [5].

Таниқли америкалик тарихчи **Ж. Сартон** XI асрнинг биринчи ярмини жаҳон фани тарихида ҳақли равишда

“Беруний даври” деб аташ лозимлигини эътироф қилиб, мутафаккирнинг илмий қарашларига юксак баҳо беради. **Ж. Рено, Б. Бонкомпagni, М. Фиорини, Э. Видеманн, Г. Зутер, К. Шой, С. Х. Наср** каби олимлар Беруний илмий меросининг турли жиҳатларини ўрганганлар. Рус олимларидан **А.А. Семенов, И. Ю. Крачковский, А.М. Беленицкий, В.В. Бартолд** кабилар ҳам ўз илмий асрларини яратишда қомусий олим илмий таҳлилларига таянган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Собиқ СССР даврида, 1948-йилда Абу Райхон Беруний вафотининг 900 йиллиги муносабати билан дунёнинг кўплаб давлатларида анжуманлар, учрашувлар ўтказилди. 1972-йилда Тошкент шаҳрида Беруний таваллудининг 998 йиллиги муносабати билан илмий семинар ташкил қилиниб бунда Берунийнинг педагогик ғояларини аниқлаш ва тизимлаштириш, илмий-маърифий фаолиятини ёритиб бериш етакчи масала сифатида қаралди. У бир вақтнинг ўзида астраном, астролог, математик, биолог, географ, ўлкашунос, ўсимликшунос, маъданшунос, тарихчи, манбашунос, диншунос, адабиётшунос, файласуф, социолог, мантиқшунос, илоҳиётчи ва шоир бўлган. Шунга асосланиб Берунийга нисбатан унинг **“шуғулланган соҳасини санашдан кўра шуғулланмаган соҳасини санаш осонроқдир,-деб таъриф беришган [5;85]**. Манбаларда таъкидланишича, олим 160 га яқин асар ёзган бўлиб, 40 дан ортиқ қўлёзма кўринишидаги китоблари етиб келган. Беруний илм йўлини ўрганган шарқшунослар, Беруний асарларини қуйидагича тақсимланади: астраномияга оид-70 та; математикага оид- 20 та; география, геодезияга оид- 4 та; картографияга оид-4 та; иқлим ва об-ҳвога оид-3 та; минералогияга оид-3 та; фалсафага оид - 4 та; физикага оид - 1 та; доришуносликга оид - 2 та; тарих ва этнографияга оид - 15 та; адабиётга оид асарлари 28 тадир. Берунийнинг астраномия, математика, геодезия, физика, фалсафа, тарих, минералогия соҳаларидаги асарлари шарқ ва ғарб олимлари томонидан ўрганилган. Берунийнинг асосий фаолият соҳаси астраномия ва унга алоқадор геометрия ва тригонометрия эди. Абу Райхон ўз даврининг реакцион руҳонийлар қаршилигига қарамасдан самарали ижод қилган. Беруний эришган ажойиб натижалар, у яшаган даврдаги таълим кўриниши ва шаклларида бевосита қизиқиш уйғотиши табиий. Беруний даври таҳликали, кескин ижтимоий тўқнашувлар, ўзаро урушлар даври бўлган. У яшаган X-XI асрлардаги таълим тизимини таҳлил қиладиган бўлсак, мусулмон руҳонийлари бошчилигидаги мактаблар икки турга бўлинган:

- бошланғич мактаб;
- олий мактаб- мадраса.

Pedagogning kreativlik potentsiali uning umumiy xususiyati sifatida aks etadi. U ijodiy faoliyatning dastlabki sharti va natijasi sanaladi. Mazkur sifat shaxsning o'z-o'zini namoyon qilish layoqatiga egalikni va tayyorlikni ifodalaydi. Qolaversa, kreativ potentsial negizida har bir mutaxassisning shaxsiy qobiliyatlari, tabiiy va ijtimoiy quvvati yaxlit holda namoyon bo'ladi. Kreativ potentsial bilish jarayoniga yo'naltirilgan ijodkorlik bilan chambarchas bog'liq. Pedagogning kreativ potentsiali an'anaviy tafakkur yuritishdan farqli ravishda quyidagilarda namoyon bo'ladi:

- tafakkurning tezkorligi va egiluvchanligi;
- yangi g'oyalarni yaratish qobiliyati;
- bir qolipda fikrlamaslik;
- o'ziga xoslik;
- tashabbuskorlik;
- noaniqlikka toqat qilish;
- zakovatli bo'lish

Pedagog kreativlik potentsialiga ega bo'lishi uchun kasbiy faoliyatida quyidagilarga e'tiborini qaratishi zarur:

- kasbiy faoliyatiga ijodiy yondashish;
- yangi-yangi g'oyalarni yaratishda faollik ko'rsatish;
- ilg'or pedagogik yutuq va tajribalarni mustaqil o'rganish;

- hamkasblar bilan pedagogik yutuqlar xususida fikr almashish

Har bir pedagogning o'zini o'zi rivojlantirishi va o'zini o'zi namoyon eta olishi bevosita uning kreativlik qobiliyatiga egaligi bilan bog'liq. Odatda pedagoglarning kreativlik qobiliyatiga ega bo'lishlari pedagogik muammolarni hal qilishga intilish, ilmiy-tadqiqot ishlari yoki ilmiy loyihalarni amalga oshirish va o'zaro ijodiy hamkorlikka erishishlari orqali ta'minlanadi. Pedagog o'z- o'zidan ijodkor bo'lib qolmaydi. Uning ijodkorlik qobiliyati ma'lum vaqt ichida izchil o'qib-o'rganish, o'z ustida ishlash orqali shakllantiriladi va u asta-sekin takomillashib, rivojlanib boradi. Har qanday mutaxassisda bo'lgani kabi bo'lajak pedagoglarning kreativlik qobiliyatiga ega bo'lishlari uchun talabalik yillarida poydevor qo'yiladi va kasbiy faoliyatni tashkil etishda izchil rivojlantirib boriladi. Bunda pedagogning o'zini o'zi ijodiy faoliyatga yo'naltirishi va bu faoliyatni samarali tashkil eta olishi muhim ahamiyatga ega. Pedagog ijodiy faoliyatni tashkil etishda muammoli masalalarni yechish, muammoli vaziyatlarni tahlil qilish, shuningdek, pedagogik xarakterdagi ijod mahsulotlarini yaratishga alohida e'tibor qaratishi zarur. Muammoli masala va vaziyatlarni hal qilar ekan, pedagogning masala yechimini topishga ijodiy yondashishi unda hissiy-irodaviy sifatlarning rivojlanishiga yordam beradi. Pedagog o'z oldiga muammoli masalalarni qo'yish orqali mavjud bilimlari va hayotiy tajribalariga zid bo'lgan dalillar bilan to'qnash keladi. Buning natijasida o'z ustida ishlash, mustaqil o'qib o'rganishga nisbatan ehtiyoj sezadi. Pedagog o'zida quyidagi kreativlik malakalarini namoyon eta oladi:

- bajariladigan vazifaning mohiyati va ahamiyatini belgilay bilish;
- masalaning qo'yilishini tahlil qila olish;
- masalani hal qilish rejasini tuzish;
- masalani hal qilishda samarali metodlar (analiz, sintez, induksiya, deduksiya, taqqoslash va b.)larni qo'llash;
- masalani hal qilish usullarini tanlay olish;
- qabul qilingan qarorning to'g'riligini asoslash va qayta tekshirish;
- masalani hal qilishda kichik tadqiqot (izlanish)ni olib borish;
- masalani hal qilish sharoiti, jarayonning borishi va masala yechimi yakunlarini umumlashtirishga oid dalillarni rasmiylashtirish

Ilmiy-tadqiqot ishlari, ilmiy yoki ijodiy loyihalarni amalga oshirish ham pedagogning kreativlik potensialini rivojlantiradi. Natijada pedagog:

- ijodiy fikrlashga odatlanadi;
- ilmiy-tadqiqot faoliyatini olib borish ko'nikmalarini puxta o'zlashtiradi;

pedagogika yoki mutaxassislik fani yutuqlari, ilg'or tajribalardan foydalanish imkoniyatlarini mustaqil tahlil qiladi;

pedagogik jamoa tomonidan olib borilayotgan ilmiy tadqiqot va ijodiy loyihalarni bajarishda faol ishlarni olib borishlari kerak bo'ladi.

REFERENCES

1. Achilov Nurbek Norboy o'g'li (2020). The use and importance of the three-dimensional features of the auto cad program in drawing projects in public schools. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8 (3) Part II, 189-192.
2. Achilov Nurbek Norboy o'g'li (2020). Pedagogical and psychological fundamentals of formation of space imagination and creative ability in students. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8 (4), Part II, 38-40.
3. Mokhir, K., Nurbek, A., Quadrat, B., Elbek, K., & Boburmirzo, K. (2020). SOME METHODS OF FINDING ANGLE IN THE SCIENCES OF DRAWING AND DRAWINGMEMETRY. *JOURNAL OF PHYSICS AND MATHEMATICS*, 4(1), 47-52.
4. Kukiev, B., O'g'li, A. N. N. & Shaydulloyevich, B. Q. (2019). Technology for creating images in autocad. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 7 (12), 49-54.
5. Achilov, N. N. (2020). Maktablarda chizmachilik darslarini o'qitish metodlari va ularni tashkil qilish prinsiplari. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (3), 280-286.
6. Achilov, N. N. (2020). O'yinli texnologiyalardan foydalanib chizmachilik darslarida o'quvchilar ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish va dars samaradorligini oshirish metodikasi. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (3), 49-60.
7. Achilov, N. N., Baxriyev, I. S., & Mahmudov, M. J. (2020). MUHANDISLIK GRAFIKASIDA MULTIMEDIYANING TUTGAN O'RNI. *Academic Research in Educational Sciences*, 1(4), 639-646.
8. Achilov N.N. Develop students' spatial imagination by making simple cuts in drawing. *Муғаллим ҳам ўзлуксиз билимлендириў илимийметодикалык журнали №2 2020 ISSN 2181-7138*
9. Norboy o'g'li, A. N., & Shaydulloyevich, B. Q. Ko'kiyev Boburmirzo Baxodir o'g'li & Jumayev Isroil Omandovlat o'g'li (2020). Methods of developing creative abilities in children. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(10), 151-153.



10. Achilov, N. N. (2020). METHODS OF INCREASING THE EFFECTIVENESS OF THE LESSON USING VISUAL AIDS IN THE TEACHING OF DRAWING SCIENCE. Экономика и социум, (11), 35-39.
11. Achilov N.N. (2021). THE USE OF SIMPLE CLIPPINGS TO FORM A SPATIAL IMAGE. Экономика и социум, 10(89), 1308-1313.
12. Moxir, X., Nurbek, A., Qudrat, B., Elbek, X. J., & Boburmirzo, K. K. (2020). Chizmachilik va chizmageometriya fanlarida burchak topishning bazi usullari. Физика математика фанлари журналы, 4(1), 47-52.

TABIY FIZIOLOGIK UYQUNING BOLA ORGANIZMIGA IJOBIY TA'SIRI

Damira Turdibekovna Atabayeva

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti o'qituvchisi
atabayeva1982@mail.ru

Oygul Davron qizi Rimboyeva

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti talabasi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada kun tartibidagi tabiiy fiziologik uyquning bola organizmiga ijobiy ta'siri to'g'risida yozilgan bo'lib, biologik ritmning ikkinchi vaqti tunda organizmdan ajralib chiqadigan garmonlar va ularning organizm faoliyatiga ko'rsatadigan ta'siri to'g'risida fikr yuritiladi.

Kalit so'zlar: uyqu, ritm, garmon, melotonin, epifiz, serotonin, immunitet, nerv sistema, kun tartibi, gigiena, fiziologiya, to'qima, hujayra.

ABSTRACT

This article discusses the positive effects of natural physiological sleep on the child's body, and discusses the hormones released by the body at night during the second phase of the biological rhythm and their effect on the body's functioning.

Keywords: sleep, rhythm, hormones, melatonin, pineal gland, serotonin, immunity, nervous system, agenda, hygiene, physiology, tissue, cell.

KIRISH

Hozirgi vaqtda hammamiz yaxshi bilamizki, fan texnika juda rivojlanayotgan bir davr hisoblanadi. Shuningdek ijtimoiy tarmoq juda katta tezlik bilan rivojlanayotgan bu davrda yosh bolalarda fiziologik uyqu bilan bog'liq bo'lgan juda ko'p muammolarni keltirib chiqarmoqda. Avvalombor, yosh bolalarning uyqu fiziologiyasini normada bo'lmasligi, ularda uyqu bilan bog'liq bo'lgan turli ruhiy kasalliklarning kelib chiqishiga sabab bo'lmoqda.

Bolalarning jizzaki, asabiy bo'lib qolishiga ota-onlarning bolaga e'tiborining kamligi, bolada kun tartibining yo'qligi, ya'ni bola belgilangan tartibga ega emasligi hisoblanadi.

Har bir yosh davrida bolaning belgilangan uyqu miqdori mavjud bo'lib, shu miqdorga tayangan holda organizm faoliyat

yuritadi. Organizmdagi barcha fiziologik jarayonlarning normada bo'lishida uyqu muhim ahamiyatga ega. Ayniqsa, ko'rish, eshitish, yurak qon – tomir tizimi, nerv tizimi, tayanch – harakatlanish tizimining faoliyatida uyquning ahamiyati juda kattaligi isbot talab etmaydi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYASI

Uyqu - har bir insonning zaruriy ehtiyoji bo'lgan organizmda davriy yuz beradigan fiziologik holat hisoblanadi. Uyqu vaqtida organizmning barcha fiziologik jarayonlari tormozlanish holatiga o'tadi. Inson hayotining taxminan uchdan bir qismi uyqu jarayonida o'tadi. Shunday bo'lsada uyqu holatining endogen mexanizmlari to'liq o'rganilmagan [4]. Fiziologik uyqu kattalar va bolalar organizmi normal ish faoliyatida muhim jarayondir. Ayniqsa, bolalarda asosiy fiziologik jarayonlar- uyqu va uyg'ovlik o'z vaqtida almashinib turishi katta ahamiyatga ega. Bolaning har kuni ma'lum bir soat uxlashi va uyg'onishi bolaning nerv sistemasiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Odam o'rta hisobda bir sutkada 8 soat uxlaydi. 4-5 kun uxlamasdan yurishi mumkin, lekin keyinchalik odam organizmi toliqadi, yurayotgan vaqtida ham uxlab qolishi mumkin. Bir necha kun uxlamaslik ba'zan nerv, ruhiy kasalliklarini keltirib chiqaradi. Uyqu vaqtida miyaning shartli reflekslari tormozlanadi, yurak qisqarishlari soni kamayadi, nafas olish siyraklashadi. Shuningdek, muskullar bo'shashadi, qovoqni yumuvchi muskulllar, ko'z qorachig'i, to'g'ri ichak muskulllarining tonusi ortadi. Chaqaloqlarda 16-18 soat, kichik maktab yoshidagi bolalar 13-14 soat, 7 yoshdagi bolalar 11,5 -12 soat, 12 yoshdagi bolalar esa 10 soat, 13- yoshdagi bolalar 9,5 soat va 17-18 yoshdagi o'smirlar 8-8,5 soat uxlashi kerak. Odam ko'pincha bir maromdagi alla, soatning chiqillashi, shivirlayotgan suv va shivirlab oqayotgan yomg'ir ovozi ta'sirida mudrab uxlab qoladi [12].

Bolalar uyqusining asosiy qismini tez uyqu tashkil qiladi. Bu davrda bola uyqusida jilmayishi, oyoq-qo'llarini harakatlantirishi mumkin. Bola ulg'aygani sari uyquning sekin davri ko'payib, bola tinchroq uxlay boshlaydi. Uyquning buzilishi barcha bolalarning uchdan bir qismida kuzatiladi [4]. Besh yoshgacha bo'lgan bolalarning taxminan 25% i uyqu bilan bog'liq muammolarga duch keladi [5]. Uyqu va uyg'onish ritmlari tana harorati bilan bog'liq, ya'ni ertalab tana haroratining ko'tarilishi hushyorlikka to'g'ri keladi, asosiy tana haroratining eng pastki nuqtasida, ertalabki soat 4:00 atrofida uyquchan bo'ladi [4].





1-rasm. Bolaning uyqu holati

Yosh bolalar hayotining ko'p qismi uyquda o'tadi. Uyqu rivojlanayotgan nerv sistemasi va organizm uchun muhim hisoblanadi. Uch oygacha bo'lgan chaqaloqlar uyqusida quyidagi jarayonlar:

- ❖ suyaklar shakllanishida muhim rol o'ynaydigan somatotropin garmoni ishlab chiqariladi;
- ❖ immunitetni kuchaytiradigan T- limfositlar faollashadi;
- ❖ to'qimalarda metabolizm jarayoni kuchayadi;
- ❖ hujayralar yangilanadi;
- ❖ asab sistemasi bo'shashadi.

Bolalarda ham uyqu kattalarniki kabi ikki xil bo'lishi mumkin:

1. **Sekin uyqu davri:** miya nafaol, tana bo'shashgan, nafas olish bir tekis, organizm to'liq dam oladi.

2. **Tez uyqu davri:** yurak urishi va nafas olish tezlashadi, ko'zlar va qo'l oyoqlar harakatlanadi, tush ko'radi.

O'sish garmoni gipofizning oldingi bo'lagidan ajralib chiqish darajasi uyqu vaqtida ko'tariladi [6-7]. Uyqu vaqtida melatonin gormoni ham ishlab chiqariladi. Melatonin gormoni epifiz bezidan ishlab chiqariladi. Tungi vaqtlarda melatonin ishlab chiqarilishi 70% ga ko'payadi. Melatonin antioksidant hisoblanib, organizmni stressga qarshi reaksiyani kuchaytiradi. Melatonin uyqu va bedorlik ritmini nazorat qiladi. Melotoninni boshqarish uyqu kechishini kamaytiradi, umumiy uyqu vaqtini oshiradi, uyqu sifatini yaxshilaydi. Bolalarda o'sish gormoni chuqur uyqu soatlarida ishlab chiqariladi [8-9]. Kortizol sirkadiyalik ritmini paydo qiladi. Kortizolning darajasi fiziologik uyquning o'rtasida ko'payadi. Ertalabki uyqu vaqtida kortizol miqdori ortadi [10-11].

OLINGAN NATIJALAR VA ULARNING TAHLILI

Bolalarda sog‘lom turmush tarzining asosi bo‘lgan kun tartibining asosiy elementi normal fiziologik uyquga bolalarning amal qilish darajasini aniqlash maqsadida Qibray tumaniga qarshli 28 – umumiy o‘rta ta‘lim maktabining boshlang‘ich sinf (1-sinf) o‘quvchilarida kuzatishlar olib borildi. O‘quvchilardan anketa so‘rovnoma olindi va to‘laqonli uyquga amal qilish darajasi o‘rganildi va natijalar taxlil qilindi (1-jadval).

1-jadval

Toshkent viloyati Qibray tumaniga qarshli 28- umumiy o‘rta ta‘lim maktabida olib borilgan tajriba natijalar tahlili

Maktab raqami	Sinf	Jami o‘quvchilar soni	Uyquga amal qiladigan o‘quvchilar soni	Uyquga amal qilmaydigan o‘quvchilar soni
28	1 “A”	30	8	22
	1 “B”	28	9	11
Jami		58	17	33

Demak, olingan natijalar tahliliga ko‘ra tajribada qatnashgan 58 nafar boshlang‘ich sinf o‘quvchilaridan 17 nafari belgilangan uyqu normasiga amal qiladi, ya‘ni me‘yorida uxlaydi. Bu o‘quvchilar darslarda faol qatnashadi va besh bahoga o‘qishadi, 33 nafar o‘quvchilar bir me‘yorda, belgilangan vaqtda uxlashmaydi bu esa o‘qish jarayoniga salbiy ta‘sir ko‘rsatadi.

XULOSA

Bolalarning tabiiy fiziologik uyqu me‘yoriga amal qilish darajasini aniqlash maqsadida o‘tkazilgan anketa so‘rovnomasida qatnashgan jami 58 nafari birinchi sinf o‘quvchilardan 17 nafari kundalik uyqu normasiga amal qilishi aniqlandi bu 29% ni tashkil etadi. 71% birinchi sinf o‘quvchilari uyqu normasiga amal qilmasligi aniqlandi. Uyquning o‘z vaqtida belgilangan normada bo‘lmasligi, bolaning o‘shish, rivojlanishiga, xotiraning susayishiga, fanlardan o‘zlashtirish ko‘rsatkichining pasayishiga, jismoniy xarakterning susayishiga, bosh miya yarim sharlar fiziologiyasining normada bo‘lmasligiga olib keladi. Uyquning buzilishi, aynan bosh miya yarim sharlar faoliyatiga salbiy ta‘sir ko‘rsatgani uchun, muntazam uyqusizlik, yoki kam uxlash, tungi uyqu bilan kunduzgi uyquning almashib qolishi yosh bola organizmda, nafaqat yosh bolalarda katta yoshlilarda ham turli xil ruhiy psixik kasalliklarning kelib chiqishiga sabab bo‘ladi.

REFERENCES

1. Almatov K. T., Karimova G. M. Oliy asab faoliyati fiziologiyasi. Toshkent 2012 yil,
2. Atabayeva D. T., Fayziyev V.B. O'quvchilarning sog'lom o'sishi va rivojlanishida uyquning ahamiyatini o'rganish. Toshkent 2020 - yil. Biologiya va ekologiya jurnali.
3. Е. Б. Бабиский, А.А. Зубков, Г. И. Косицкий , Б. И. Ходоров. Одам физиологияси. 1972 й
4. Edery I. Circadian rhythms . *Physiol Genomics*. 2000; 3(2): 59-74;
5. Van Cauter E., Kerkhofs M., Caufriez A., Van Onderbergen A., Thorner MO, Copinschi G, Quantitative growth hormone secretion in normal person assessment: repetition and dependence on sleep and time of day . *Clinical Journal of Endocrinology and Metabolism*. 1992; 74 [6] : 1441.
6. Pietowsky R, Meyrer R, Kern W, Born J, Fehm HL Daily sleep cortisol, luteinizing hormone, and growth hormone in humans effect on secretion. *Journal of Clinical Endocrinology and Metabolism*. 1994 year; 78 (3): 683-687. Doi: 10.121 / jc.78.3.683
7. Weibel L, Follenius M, Spiegel K, Gronfier C, Brandenberger G, Growth hormone secretion in evening workers, *Chronobiology International*. 1997; 14 (1): 49-60 .doi 10.3109 / 074205654665166651641.
8. Wehr TA, Aeschbach D, Duncan WC, Jr. The time a person spends in vinegar Evidence for biological morning and evening in the computing system *Physiology magazine*. 2001; 535 (3): 937 - 951 doi 10.1111 / j.1469-7793.2001.t01-1-00937.Sx.
9. Scheer FAJL, Hilton MF, Mantzoros CS, Shea SA Circadian Fault negative metabolic and cardiovascular effects of adaptation. *America*.
10. Aeschbach D, Lockyer BJ, Dijk D.J, et al. Daytime sleep use of transdermal melatonin delivery for improvement. *Clinical pharmacology and therapy*. 2009; 86 (4): 378-382 .doi: 10.1038 / clpt.2009.109.
11. Sharkey K.M, Fogg L.F, Eastman C.I. Stimulated night shift Effects of melatonin on daytime sleep after work. *Sleep Research Journal*.
12. Sodiqov. Q, Aripova S. X, G. A. Shakhmurova . Yosh fiziologiyasi va gigiyena. Toshkent 2009 yil. 99-100 b.

IX-X АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ АҲЛОҚИЙ ТАРБИЯ ҲАҚИДАГИ ҒОЯЛАРИ (АЛ-ФОРОБИЙ АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)

Ж. С. Рамагов

Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири

Миршод Нўмонович Ҳасанов

Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси мустақил тадқиқотчиси
mirshodhasanov02@gmail.com

Л. А. Валиев

Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси таянч докторанти
valiyev133@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада IX-X асрларда Ўрта Осиё мутафаккирларининг ахлоқий тарбия ҳақидаги ғоялари илгари сурилган. Форобийнинг ҳаёти илмий-фалсафий қарашларида инсон ақл-заковатини бирламчи ўринга қўйганлиги, алломанинг инсонни анатомик, физиологик ва психологик хусусиятлари ҳақидаги қарашлари, шунингдек, унинг маданий ва ижтимоий фаолиятининг биологик асосларини ўз ичига олади. Форобий инсон, унинг дунё тарққиётининг энг мукамал ва етук яқуни сифада этирофи, унинг асарларида инсонга тарбия ва таълим бериш зарурлиги каби масалалар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Форобий, инсон ақл-заковати, таълим-тарбия, билиш, методология фалсафа, диалектика, софистика, риторика, поэтика, мантик, дунёқараш.

КИРИШ

Дунё миқёсидаги пандемия сабаб кўплаб ижтимоий муаммолар вужудга келдики, бундай ҳолатдан чиқишнинг ягона йўли фақат билим ва юксак тажриба эканлиги кўриниб қолди. Шу боисдан ҳам фалсафий антропология илмининг асосчиларидан ҳисобланган буюк файласуф, муаллим ас-соний “Иккинчи муаллим” мақомига

сазovor бўлган Абу Наср Форобийнинг фалсафий қарашларида инсон ақл-заковатини бирламчи ўринга қўйганлиги, қолаверса, аллома жаҳон цивилизациясининг ривожланиш тарихи инсониятнинг табиат билан уйғун ҳолда яшаб қолишга бўлган оқилона муносабати, моддий ва маданий бойликларни онг-ақл воситасида яратишга бўлган интилишида эканлигига алоҳида урғу берган.

Абу Наср Форобийнинг инсоннинг анатомик, физиологик ва психологик хусусиятлари ҳақидаги қарашлари, унинг маданий ва ижтимоий фаолиятининг биологик асосларини ўз ичига олади. Инсон маънавий-ахлоқий камолотининг муҳим белгиси, нафақат ўтмиш ва келажак билан боғлиқликни идрок этиш ва тушуниш, балки ҳозирги инсоннинг ранг-баранглиги ва теранлиги билан ўлчанадиган руҳий муносабатлардан иборатдир. Ана шу илк Уйғониш даврининг қомусий олими, антик юнон фалсафасини қайтадан жонлантирган, янги фалсафий назария ва хулосалар билан бойитган, Шарқ мусулмон фалсафасини яратган даҳо Абу Наср Форобийнинг қарашлари асосида инсон, унинг яратувчилик фаолияти ётади. Инсон Аллоҳ томонидан яратилган барча жонзотларнинг гултожиси, сабаби унинг ҳатти-ҳаракати бошқа мавжудотларга ато этилмаган сифатда – ақлда деб кўрсатади. Шу боисдан ҳам «ислом оламининг мутафаккирлари асарларини, уларнинг бутун жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш, теран англаш ва кенг оммалаштириш» долзарб аҳамиятга эга [1].

Абу Наср Форобийнинг фалсафий мероси бугунги кунда бутун дунё олимлари томонидан чуқур ўрганилмоқда. Мустақиллик йилларида аждодларимизнинг бой маънавий-фалсафий меросини тадқиқ қилишга муносиб даражада эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонининг “Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш” деб номланган бешинчи устувор вазифасидаги 73-мақсадда, айнан, “Буюк аждодларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш” кўзда тутилган. Мазкур вазифа аждодларимизнинг бой маънавий меросини илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ қилиш ҳамда ўсиб келаётган ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишни назарда тутди[2].

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Абу Наср Форобий – ўрта аср шарқининг машхур мутафаккири, қадимги юнон фалсафасининг Шарқдаги энг йирик давомчиси ва тарғиботчисидир. Абу Наср Форобий Сирдарё бўйидаги Ўтрор (Фороб) шаҳрида 873 йилда туркий қабилалардан бўлган ҳарбий хизматчи оиласида туғилиб, Шош (Тошкент), Бухоро шаҳарларида ўқиди, Кейинроқ ўз маълумотини ошириш учун араб халифалигининг маданий маркази бўлган Бағдодга келди. Бағдодда бу даврда мусулмон дунёсининг турли ўлкаларидан, хусусан, Марказий Осиёдан келган кўп илм аҳллари тўпланган эди. У ерга бора туриб Форобий Эрон шаҳарлари – Исфаҳон, Ҳамадон, Райда ва бошқа жойларда бўлди. Форобий Бағдодда ал-Мутаддил (829-902), ал-Муқтафий (902-908), ал-Муқтадир (908-932) халифаликлари даврида яшади. [3].

Абу Наср Форобий турли соҳаларга оид илмий асарлар қолдирди. ўз даврининг файласуфи, мусиқачиси, шоири, қомусий олими сифатида шуҳрат қозонди. Аллома “Ақл ҳақидаги рисола” “Фалсафадан олдин нимани ўрганиш керак”, “Фалсафа манбалари”, “Масалалар манбалари” каби 160 дан ортиқ рисолалар ёзган.

“Форобий” унинг тахаллуси бўлиб, тўлиқ номи Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон – жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган Марказий осийлик машхур файласуф, қомусий олимдир. Ўрта асрнинг бир қанча илмий ютуқлари, умуман, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тараққийпарвар ижтимоий-фалсафий тафаккур ривожини унинг номи билан боғлиқ. Форобий ўз замонаси илмларининг барча соҳасини мукамал билганлиги ва бу илмлар ривожига катта ҳисса қўшганлиги, юнон фалсафасини шарҳлаб, дунёга кенг танитганлиги туфайли Шарқ мамлакатларида унинг номи улуғланиб, “Ал-Муаллим ас-соний” – “Иккинчи муаллим” (Аристотелдан кейин), “Шарқ Арастуси” деб юритилган.

Тахминан 941 йилдан бошлаб, Форобий Дамашқда яшаган. Шаҳар чеккасидаги боғда қоровул бўлиб, камтарона кун кечириб, илм билан шуғулланган. Сўнгги йиллар у Ҳалаб (Алеппо) ҳокими Сайфуддавла Ҳамдамид (943-967) илтифотига сазовор бўлди. Тадқиқотлар унинг Ҳалабдаги ҳаётини энг самарали ҳисоблайдилар. Чунки бу ҳоким ҳурфикрлиги, илм-фанга эътибор берганлиги билан ажралиб турган. У Форобийни саройга таклиф этади, лекин Форобий бунга кўнмайди, оддий ҳаёт кечиришни афзал кўради. Форобий 949-950 йилларда Мисрда, сўнг Дамашқда яшаб, 950 йилда вафот этган ва “Боб ас-сағир” қабристонига дафн қилинган[4].

Форобий ўрта аср даври табиий-илмий ва ижтимоий билимларининг қарийб барча соҳаларида 160 дан ортиқ асар



яратган. У турли билимларнинг назарий томонлари, фалсафий мазмуни билан кўпроқ қизиққанлиги учун унинг асарларини 2 гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) юнон файласуфлари, табиатшуносларининг илмий меросини изоҳлаш, тарғиб қилиш ва ўрганишга бағишланган асарлар;
- 2) фаннинг турли соҳаларига оид мавзулардаги асарлар.

Форобий қадимги юнон мутафаккирлари – Платон, Аристотель, Эвклид, Птоломей, Порфирийларнинг асарларига шарҳлар ёзган. Айниқса, Аристотель асарлари (“Метафизика”, “Этика”, “Риторика”, “Софистика”) ва бошқаларни батафсил изоҳлаб, қийин жойларини тушунтириб бера олган, камчиликларини кўрсатган, айти вақтда, бу асарларнинг умумий мазмунини очиб берувчи махсус асарлар ёзган. Форобий шарҳлари Ўрта ва Яқин Шарқ илғор мутафаккирларининг дунёқарашини шакллантиришда, уларни Аристотель ғоялари руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Абу Али ибн Сино Форобий шарҳларини ўқиб, Аристотель асарларини тушунганлигини алоҳида таъкидлайди. Форобийнинг шарҳ ёзиш фаолияти фақат Шарқнигина эмас, ўрта аср Европасини ҳам юнон илми билан таништиришда катта роль ўйнади. Бу фаолият унинг илмий тафаккури тараққиётининг биринчи босқичини ташкил этади. Бу босқич, Форобий учун ўзига хос мактаб хизматини ўтаган ва янги мавзуларда тадқиқотлар олиб боришга замин ҳозирлаган.

Форобийнинг бундай асарларини мазмунига қараб, қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- 1) фалсафанинг умумий масалаларига, яъни, билимнинг умумий хусусиятлари, қонуниятлари ва турли категорияларига бағишланган асарлар;
- 2) инсон билиш фаолиятининг фалсафий томонларига бағишланган, яъни, билишнинг шакллари, босқичлари, усуллари ҳақидаги асарлар;
- 3) фалсафа ва табиий фанларнинг фан сифатидаги мазмуни, тематикаси ҳақидаги асарлар;
- 4) модданинг миқдори, фазовий ва ҳажмий муносабатларини ўрганишга бағишланган, яъни, математика фанлари – арифметика, геометрия, астрономия ва мусиқага оид асарлар;
- 5) модда хоссалари ва турларини, ноорганик табиатнинг, ҳайвонлар ва инсон организмнинг хусусиятларини ўрганувчи, яъни, табиий фанлар – физика, кимё, оптика, тиббиёт, биологияга бағишланган асарлар;
- 6) тилшунослик, шеърят, нотиклик санъати, хаттотликка оид асарлар;
- 7) ижтимоий-сиёсий ҳаёт, давлатни бошқариш масалаларига, ахлоқ, тарбияга бағишланган, яъни, ҳуқуқшунослик, этика, педагогикага доир асарлар.

Алқисса, Форобийнинг илмий мероси, умуман, ўрта аср Шарқнинг маданий-маънавий ҳаётига, табиий-илмий, ижтимоий-сиёсий масалаларига доир жуда бой маълумотлар беради [5].

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мутафаккир ўз асарларини ўша даврда Шарқ мамлакатларида илмий-адабий тил ҳисобланган араб тилида ёзади. Форобий, шунингдек, араб ва форс тилларида фалсафий мазмундаги шеърлар ҳам битган. Форобий асарлари XII-XIII асрлардаёқ, лотин, қадимики яхудий, форс тилларига, кейинчалик бошқа тилларга ҳам таржима қилиниб, дунё бўйлаб кенг тарқалган. Сўнгги асрларда кўчирилган нусхалари кўп мамлакатларнинг кутубхона ва муассасаларида сақланади. Тошкентдаги Шарқшунослик институтида қадимки Шарқ файласуфлари асарларидан жами 107 рисола ни ўз ичига олган (жумладан, Форобийнинг 16 арабча рисола си) “Ҳақимлар рисола лари тўплами” (“Мажмуат расоил ал-ҳукамо”, Қўлёзмалар фонди, 2385-ин.) бор. Бу ноёб қўлёзма Форобий асарларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Тўпламдаги Форобий рисола лари 1975 йили қисман ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этилди.

Форобий ақлли инсон ҳақида гапириб бундай ёзади:”Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этишга, зўр истеъдодга эга, ёмон ишлардан ўзини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил дейдилар. Ёмон ишларни ўйлаб топиш учун зеҳн-идроққа эга бўлганларни ақлли деб бўлмади, уларни айёр, алдоқчи деган номлар билан атамоқ лозим”. Форобий дунёқарашининг шаклланишига асосан Шарқнинг қадимки илғор маданияти анъаналари, араб халифалигига қарши халқ ҳаракатлари, ўрта аср табиий-илмий тафаккур ютуқлари, Юнонистоннинг фалсафий мероси таъсир кўрсатди. Форобий, авваламбор, Аристотель таълимотини тиклаш, асослаш ва илғор томонларини сўнгги илмий ютуқлар асосида ривожлантиришга ҳаракат қилиб, Шарқ аристотелизм оқимини вужудга келтирди. Бу оқимнинг услуби, муҳим масалалари ва категорияларини ишлаб чиқди.

Форобий ўз давридаёқ буюк олим сифатида машҳур бўлганлигининг эътирофи шундаки, Шарқ халқларида у ҳақда турли ҳикоя, ривоятлар вужудга келган. Ўрта аср олимларидан ибн Халликон, ибн ал-Кифтий, ибн Аби Усабиъа, Байҳақийлар ўз асарларида Форобий ижодини ўрганиб, унинг ғояларини ривожлантирганлар. Хусусан, Ибн Рушд Форобий асарларини ўрганибгина қолмай, уларга шарҳлар ҳам ёзди. Тараққийпарвар инсоният Форобий ижодига ҳурмат билан



қараб, унинг меросини чуқур ўрганмоқда. Европа олимларидан Б. М. Штрэншейдер, Карра де Во, Т. У. Буур, Р. Хаммонд, Р. де Эрланже, Ф. Детерици, Г. Фармер, Н. Ришар, Г. Лей, Шарқ олимларидан Нафисий, Умар Фаррух, Туркер, М. Махди ва бошқалар Форобий меросини тадқиқ этишга муайян ҳисса қўшдилар. Кейинги йилларда унинг ижоди ва таълимотига бағишланган бир қанча тадқиқотлар, асарлар юзага келди.

Яқин ва Ўрта Шарқда «Иккинчи муаллим» деб ном қозонган Марказий осийлик машҳур олим Абу Наср Форобийнинг мантиқ илмига қўшган ҳиссаси ҳам бекиёсдир. Форобий ҳали ҳеч бир мутафаккир уддалай олмаган вазифани, яъни, Арастунинг ва умуман, қадимги грек мантиғини кенг тингловчилар ўрганиши учун энг оддий, тушунарли восита ва услубларини ишлаб чиқишга муваффақ бўлган. Мантиқ тарихчиларининг таъкидлашича, Форобий бу тавсиялари билан Арастунинг мантиғига ўзгача файз киритиб, унинг китобхонлар орасидаги мавқеини янада кўтарилишига эришди. Форобийнинг мантиққа оид асарлари жумласига «Исагувчи» (кириш), «Мақулот» (Категория), «Ибора» (Хукм), «Қиёс» (Силлогизм), «Биринчи аналитика», «Бурхон» (Исботлаш-иккинчи аналитика), «Джадал» (Мунозара «Диалектика»), «Сафсата» (Софистик раддия), «Хитоба» (Риторика), «Шеър» (Поэтика), «Мантиқ илмига кириш», «Ақл ҳақида» «Силлогизм» ва «Шартли ҳукмлар» каби китобларини киритишимиз мумкин. Форобий ўзининг асарларида мантиқ илми, унинг предмети, тузилиши, вазифалари, фикрлаш жараёнининг босқич ва шакллари, мантиқий қонун-қоидалари, усул ҳамда амаллари ҳақида кенг маълумотлар берган. Жумладан, мантиқ фанининг предмети ва тушунчасининг этимологияси ҳақида гап кетганда, Форобий қадимги грек мутафаккирларига мурожаат қилади. Унинг фикрича, греклар мантиқни уч маънода:

- фикрни тил орқали ифодаловчи инсон нутқи сифатида;
- инсон интеллекти ёрдамида забт этилувчи объектларга йўл кўрсатувчи сўз сифатида;
- оламни билиш учун инсонга инъом этилган ички руҳий куч сифатида тушунишган.

Мазкур таърифларни тўлдирган ҳолда, Форобий мантиққа «муайян қонун-қоидалар асосида инсоннинг фикрлаш интеллектини йўналтирувчи ва такомиллаштирувчи фан» деб таъриф беради. Ушбу таърифни янада аниқлаштиради, Форобий асарларида мантиқ фанларнинг фани сифатида тафаккурнинг қонун-қоидаларини ўрганувчи бош фан, ҳатто санъат деб баҳоланади. Фақат тафаккур қонунларигина бизга чин ҳақиқатни очиб бера олади. Форобийнинг таъкидлашича,

уларсиз фикримиз қачон чин, қачон ёлғонлигини ёки қачон хатога йўл қўйганлигимизни била олмаймиз. Қолаверса, ҳақиқат заминиди ётган қарама-қаршилиқлар ва уларнинг ечимларини топа олмаймиз. Форобийнинг асарларида тушунча, ҳукм ва хулоса каби тафаккур шакллари жуда кенг, қамровли ва батафсил изоҳланади. Айниқса, силлогизм, унинг пайдо бўлиш асослари, фигура ва модуслари кўп ўрганилган. Форобийнинг таърифлашича, тушунча – универсал табиатга эга, ҳиссий идрок қилинувчи нарсалар ҳақида билим берувчи категория. Бундан ташқари, Форобийнинг мантиқ тизимида тушунчани шакллантиришнинг усул ва амаллари, турлари ҳамда уларнинг ўртасидаги муносабат масалалари ҳам кенг ўрин олган [6].

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Форобий инсонни дунё тарққиётининг энг мукамал ва этук якуни деб билади. Шунга кўра, у ўз асарларида инсонга тарбия ва таълим бериш зарурлигини айтади ва бунда таълим-тарбия усулларида кутилган мақсад асосий ўринни эгаллашини қайд қилади. Файласуф таълим-тарбия табиат ҳодисаларидан фойдаланиш ва бу йўлда бошқа кишилар билан тўғри муносабатда бўлиб, жамиятнинг ички тартиб қоидаларини тўғри ўрганиб, унинг талабларига жавоб бера оладиган инсонни камол топтириш зарурлигини таъкидлайди. Форобий инсоннинг маънавий ҳаётида, асосан, унинг икки томонига: ақли-онгига ва ахлоқига (хулқ-атворида) эътибор беради. Шунинг учун таълим-тарбия, унинг фикрича, инсонни ақлий томондан ҳам, ахлоқий томондан ҳам етук ва мукамал киши қилиб етиштиришга қаратилмоғи лозим. Демак, таълим-тарбиянинг бирдан бир вазифаси- жамият талабларига тўла-тўқис жавоб бера оладиган ва уни бир бутунликда, тинчликда, фаровонликда сақлаб туриш учун хизмат қиладиган идеал инсонни тайёрлашдир. Алломанинг “Идеал шаҳар аҳоли илмининг фикрлари” ҳамда “Бахт-саодатга эришув ҳақида” номли рисоаларида бу фикрлар янада аниқ-равшан ифодаланган.

Олимнинг ўқтиришича, кимки энг гўзал ва фойдали кашф этиш фазилатига эга бўлса, кашф этган нарсаси чиндан ҳам ўзининг ва бошқаларнинг истагига мувофиқ бўлса, у хайрли ва нафли бўлади. Олим таълим фақат сўз ва ўрганиш билан, тарбия эса, амалий иш, тажриба билан амалга оширилишини айтади ва тарбияни ҳар бир халқ, миллатнинг амалий малакаларидан иборат бўлган иш-ҳаракат, касб-ҳунарга ўрганишдан иборат, деб ҳисоблайди. Демак, Форобий таълим ва тарбия беришни бир-биридан фарқ қилади. Тарбия эса амалий фаолиятида намоён бўлади, ёшларга у маълум иш-ҳаракат, касб-ҳунар, одоб орқали



сингдирилади. Таълим-тарбия жараёнида назарий билим билан амалий ҳаракат-одат, малака, фаолият бирлашиб боради, етуклик шу бирлашувнинг даражасига қараб юзага келади. Форобий таълим-тарбия жараёнида тарбияланувчи ёки таълим олувчи шахсга яқка ҳолда ёндашувни унинг табиий руҳий ва жисмоний хислатларини назарга олиш зарурлигини таъкидлайди. У бу ҳақда шундай ёзади: “Бу барча табиий хислатларни, уларни олий камолотга етказиш ёки шу камолотга яқин бўлган даражага кўтаришга хизмат қилувчи восита ёрдамида тарбиялашга муҳтождир. Инсонлар турли илм, ҳунар, фаолиятига мойиллиги ва қобилиятлиги билан табиатан фарқ қиладилар, тенг табиий хислатларга эга бўлган одамлар эса, ўз тарбияси (малакалари) билан тафовут қилади. Тарбияси жиҳатдан тенг бўлганлар эса, бу тарбия натижаларининг турличалиги билан бир-бирларидан фарқ қиладилар. Тарбия жараёни, Форобийнинг фикрича, тажрибали педагог, ўқитувчи томонидан ташкил этилиши, бошқарилиб турилиши ва маълум мақсадларга йўналтирилиши лозим, чунки, “ҳар бир одам ҳам бахтини ва нарса ҳодисаларини ўзича била олмайди. Унга бунинг учун ўқитувчи лозим”. Форобий таълим-тарбия бериш усуллари ҳақида шундай ёзади: “Амалий фазилатлар ва амалий санъатлар (касб ҳунар ва уларни бажаришга одатлантириш масаласига келганда, бу одат икки турли йўл билан ҳосил қилинади: биринчи йўл - қаноатбахш сўзлар, чорловчи, илҳомлаштирувчи сўзлар ёрдамида одат ҳосил қилинади ва малакалар вужудга келтирилади, одамдаги ғайрат, касб интилиш ҳаракатга айлантдирилади). Иккинчи йўл - (ёки иккинчи усул)- мажбур этиш йўлидир. Бу усул гапга кўнмовчи, қайсар шахарликлар ва бошқа саҳрои халқларига нисбатан ишлатилади. Чунки, улар ўз истакларича, сўз билан ғайратга кирадиганлардан эмасдир. Аммо улардан қайси бирики, назарий билимларни ўрганишга астойидил киришса ҳамда фаолияти яхши бўлиб, касб-ҳунарларини ва жузъий санъатларини эгаллашга интилиши бўлса, бундай одамларни мажбур этмаслик лозим, чунки мақсад уларни фазилат эгаси қилиш, касб-ҳунар аҳилларга айлантдиришдир” [7].

Тарбия бериш усули, Форобийнинг фикрича, икки турли бўлади “Аввалги усул-санъатни ўз рағбатлари билан ўрганувчиларга ишлатиладиган усул. Иккинчи усул эса, мажбурий равишда тарбияланувчиларни тарбиялаш учун ишлатиладиган усул. Болалар устида турган одам эса муаллим бўлиб, у болаларга тарбия беришда турли тарбия усулларида фойдаланади”. Форобий билимдон, маърифатли, етук одамларнинг образини тасвирлаб экан, шундайдай дейди: “Ҳар кимки илм-ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, соғлиги ҳақида



қайғурсин, яхши ахлоқ ва одобли бўлсин, сўзнинг удасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақланадиган бўлсин, барча қонун-қоидаларни билсин, билимдон ва нотик бўлсин, илмли ва доно кишиларни ҳурмат қилсин, илм ва ахилли илмдан мол-дунёни аямасин, барча мавжуд, моддий нарсалар тўғрисида билимга эга бўлсин”

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Бу фикрлардан Форобийнинг таълим-тарбияда, ёшларни мукамал инсон қилиб тарбиялашда, хусусан, ақлий- ахлоқий тарбияга алоҳида эътибор берганлиги кўриниб турибди. Унинг эътиқодича, билим ва маърифатсиз кутилган мақсадга эришилмайди ва бола ҳам етук бўлиб етишмайди. Олим дарахтнинг етуклиги унинг меваси билан бўлганидек, инсоннинг барча хислатлари ҳам таълим-тарбия билан яқунланишини айтади. Умуман, Форобий ўз давридаги ёшларнинг таълим олишлари билим эгаллашлари, ҳунар ўрганишлари, фаолият кўрсатишлари, меҳнат қилишлари зарурлиги хусусида фикрлар билдирган. Бу фикрлар ҳозирда ҳам таълим-тарбияда ғоят муҳимдир.

Инсон фаолиятининг адолатга яқинлиги ёки узоқлиги унинг ақл-заковатига, таълим-тарбиясига, яшаган жамиятига боғлиқлиги, бунда жамиятда адолат асосий мезон сифатида қаралиб, Бир сўз билан айтганда, Форобийнинг инсон жамоаси тўғрисидаги таълимотининг асосини - кишиларнинг онгли ҳаракати, хулқ-одатлари, табиий-майиллари, истак ва малакалари, фаолиятлари ва турмуш даражаларини ўрганиш масалалари ташкил этади. Форобийнинг бахтли инсон ва фуқаролик жамияти хусусидаги фикрларига яқун ясаб, шуни айтиш лозимки, Унинг ғояларида инсон бахтлиги бевосита жамият тараққиётига, жамият равнақига узвий боғлиқ эканлиги яққол акс эттирилганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Таклифлар:1. Форобий ижодини инсон муаммоси чуқур таҳлил этилганини инобатга олиб, бугунги таҳликали даврда инсон кадр-қимматига эътиборни янада ошириш мақсадида БМТ Бош Ассамблеясининг кейинги сессияларида Ўзбекистонда “Форобий ижодида инсон ҳамда унинг фалсафий антропологияси” мавзусида БМТ шафъелигида халқаро конференция ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

2.Бугунги глобаллашув жараёнида Форобий маънавий меросидан келиб чиқиб, ёшлар тарбиясида ахлоқнинг роли, Шарқона жамоавийликни тарбиялаш бўйича ОТМ ларда “Мураббийлик соати” учун “Форобийнинг антропологик қарашлари” мавзусидан кенг фойдаланиш.



3. Янги Ўзбекистонда маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширалаётган кенг кўламли ислохатлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида ёшлар орасида “Ёш Форобийшунос” кўрик танловлари, тўғараклар, дебат клублар, давра суҳбатлари ташкил этиш

REFERENCES

1. Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – Б.35. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 5 июлдаги янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” ги Қонуни Тошкент ш., 2021 йил 5 июль, ЎРҚ-699-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли Фармони Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.
3. Хайруллаев М. Шарқ Ренессанси ва Форобий. -Фан ва турмуш”, Тошкет. 1975, 239 –б
4. Абу Наср Форобий. Рисолалар. – Тошкент, “Фан”, 1975.
5. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент, Абдулла кодирий номидаги “Халқ мероси” нашриёти, 1993.
6. Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт, саодат ва камолот ҳақида . – Тошкент, “Ёзувчи”, 2001.

SOME RABBIT BREEDS IN THE FERGANA VALLEY AND THEIR IMPORTANCE

Ahunova Ohistahon Hokimjon kizi
Researcher of Fergana State University

ABSTRACT

The work aimed at developing the socio-economic sphere requires that all agricultural products have quality indicators that meet the requirements of the world market. At present, reforms are being carried out in all spheres and a number of measures are being taken to ensure food security in the country. The introduction of new effective mechanisms and methods in this regard is the basis of the agrarian policy of the republic to make the country one of the most developed countries in terms of production and consumption of agricultural products per capita.

Keywords: rabbit, livestock, calorie, farmer, breed, chinchilla, dietary, microclimate, cluster.

INTRODUCTION

In addition to meat, eggs and fish products, rabbit meat is especially important in animal husbandry. Although the rabbit's body is small, its products are very useful for humans. Rabbit meat is good for health and differs from other meats by its taste and dietary properties. Fresh frozen rabbit meat can be used in all seasons. Industrial rabbit breeding is widely used in the world, and it is fed on a complete ration in special cages and indoors with optimal microclimate conditions. Given the biological properties of rabbit meat, softness and low content of fat and cholesterol, it is recommended for all segments of the population, as well as for people suffering from various diseases (allergies, hypertension, gastrointestinal, gastric, gallbladder, liver) It is recommended to do the goods. Rabbit meat is also quickly digested by the human body under the influence of gastric juices. It is also useful for heavy workers, pilots, divers, athletes, workers in hazardous industries, and people living in polluted areas. Rabbit meat is especially useful for people who need a complete protein - preschoolers, adolescents, nursing mothers, the elderly.

INTRODUCTION

It has the ability to reduce the amount of saturated fats in human food. Rabbit oil is used to treat wounds, itching and allergies. It is also used to make cosmetics and medicines. The

protein content is higher than that of mutton, beef and pork, and rabbit meat, which is rich in vitamins and minerals, is superior to almost all types of meat. Because rabbit meat contains very little cholesterol, rabbit meat is especially useful for children, the elderly and overweight people, because it is low in calories 100 g. rabbit meat has only 168 kcal, lamb meat 319 kcal, beef - 274-335 and pork - 389 kcal. Rabbit meat can be cooked much more than broiler chicken and turkey. Fresh meat is white-pink in color and has a dry, crunchy drying crust. The smell of the meat is peculiar, slightly sour, the consistency is elastic, the pit quickly flattens when pressed with a finger. In the light industry, rabbit fur is used to make various products, hats, sheep's wool, and blood from sweaters, scarves, headphones, and soybean meal.

From the intestines of rabbits are made wire-strings for musical instruments. The leather is used to make men's underwear, belts, gloves for children under 12, telpak, coats, jackets, bags, cardboard and more. The best glue for wood products is made from rabbit droppings (ears, tail internal organs). Rabbit agro-firms receive 100 tons of organic fertilizer (manure) from 500 rabbits, which is a good fertilizer for horticulture and vegetables. Rabbits are used as biological objects in medical and veterinary schools and research institutes. Depending on the direction of production, rabbits are divided into two groups: meat and skin. In the meat sector, rabbits are slaughtered at 60-70 days of age, and in the meat and skin section at 3-4 months of age. Each mother rabbit can give birth 6–7 times a year. This means 80-90 kg of meat and 30-40 pieces of quality leather. In addition to meat and skin, rabbits also produce down. Rabbit fur is not inferior to sheep wool in fineness, firmness and heat transfer. You can make a lot of hats from 1 kg of rabbit fur. Because rabbit fur is light, beautiful and inexpensive, it is used to make children's winter clothes, headphones, collars and shoes.

INTRODUCTION

According to the cultivation of the product, rabbits are divided into breeds of beef, meat and fur. It is also divided into medium, long and short tivit groups depending on the growth of fur. Currently, more than 60 breeds of rabbits are bred in our country. The most common breeds in the valley are chinchillas, gray giant, butterfly and hypuls.

Shinshilla. The exact origin of the chinchilla is unknown. The fur is so named because of its resemblance to a South American rodent. The chinchilla was imported from Germany to Russia in 1927 and then to Uzbekistan, where it was divided into large and small. Later, small chinchillas became widespread. The body is tall, bony, the head is medium in size,

the ears are straight, the average body weight is 5 kg, the breast circumference is 38 cm, and it gives birth to 8-9 children at a time. Maternal instinct is well developed. Chinchilla is adapted to different climatic zones, has a high viability. The average body weight is 5 kg, body weight is 62-70 cm, chest circumference is 38 cm. It is distinguished by an energetic body and a thick layer of wool. The fleece on the body is silver and silvery-blue, with curved black lines on the spine and flanks. The feathers on the abdomen and inside of the legs are mostly white, with a slightly darker texture. When the fur on the waist and hips is blown, the bottom is blue, the upper part is a layer of feathers and down, and then white rings appear, and the tip of the fur is black. The rabbit's eyes have a border, a black spot on the top of the ears and tail, and a light-colored eyebrow on the back of the head. Due to its rapid maturation and adaptability to different climatic zones, it is possible to meet many representatives of this breed in Uzbekistan.

Chinchillas are rabbits that specialize in meat and skinning.

Before calving, she makes a small bed and a large nest made of feathers that have been removed from the abdomen and hips.

The nest he has prepared keeps his offspring in a cage that has been taken out in the cold at 30oC. This is achieved not in the first time, but in the second and subsequent childhood, of course.

Gray is a great color. A large rabbit that specializes in meat and skin. Its body is 51-65 cm long, almost rounded, with a strong body.

Chest thickness 37-39 cm. The waist is straight and wide. The legs are strong, short, slender. Live weight reaches 5-8 kg. There are 4 colors of wool: yellowish gray, light gray, dark gray and black. The female hatches quickly and gives birth to up to 10 babies at a time.

Butterfly breed. He belongs to a large group of rabbits that specializes in meat and skinning. The rabbit is so named because the spots on its beak look like a butterfly that has landed on a white spot with its wings outstretched. It was created in 1887 in England. The body is white with symmetrical black spots on both sides of the body. Some of the spots on the body are brown or gray. It is bred mainly in Uzbekistan, CIS and European countries. She weighs an average of 4.3 kg, has a body of 35 cm and a chest circumference of 36 cm. The butterfly breeds an average of 8 babies at a time. Sersut and takes good care of their children. Rabbits in this group or direction have thick, thick fur and short wool fibers. Coarse wool fibers are twice as short and thinner than those of the above-mentioned rabbit breeds.

Most of the fur is pure white, with spots on some parts of the body. According to the color of the spots, it is divided into black, blue, yellow and gray butterflies. Among them, black and blue butterflies are recognized as the most beautiful because of the sharp differences in the color of the spots on the fur. The body is strong, the limbs are well developed, the waist is elongated, slightly arched, the pelvis is wide, muscular, the bones are strong. The glossy fur is of medium thickness, the hairs are short and dense to the touch. There is a dark unbroken border around the eyes. These borders must be autonomous, not attached to the spots on the nose, face and ears of the original rabbit. The color of the eyes should match the color of the border, and the spots on both faces should be symmetrical. From the base of the ears to the tip of the tail, a broad (up to 3 cm wide) continuous, grainy dark line runs across the waist. Spots in the groin area should not be connected to the line passing over the spine.

There should be black spots around the nipples on the female's nipples. Without these spots, the rabbit will not be considered a true breed. The nails and the bottom of the tail are colorless. The topography of the colors in the body of a rabbit belonging to the butterfly breed can be easily transferred to newly created breeds and combined with other colors (yellow, gray).

The female rabbit is strong and gives birth to an average of 8 offspring each time. It will be milky enough. Adult rabbits weigh 4.5 to 4.8 kg. When mixed with another breed, the quality of the fur deteriorates. This is especially true when mixed with a gray giant or a Soviet chinchilla. The fur of the breed is indistinct, sometimes with dull spots, and the pattern is ugly. As a result, the skin becomes unsuitable for making women's and children's clothes.

Hypuls rabbits are a breed of rabbits bred for meat in Fergana region and surrounding areas. Adult rabbits weigh 4-5 kg. Gives up to 2-2.5 kg of meat. Gives birth up to 8 times a year, up to 8-16 children per child. Gestation period lasts 28-30 days. Babies close their eyes during breastfeeding. They breastfeed for a month. It matures quickly, the males reach maturity at 3-4 months and are ready for slaughter. They are fed up to 200 grams of food a day. This breed was brought to Uzbekistan from France.

INTRODUCTION

In conclusion, rabbits are very useful and important animals. Rabbit meat contains very little cholesterol. Rabbit meat is especially useful for children, the elderly and overweight people. The vitamins and iron, phosphorus, cobalt, manganese, fluoride and potassium in rabbit meat cannot be compared with any other meat. The leather is used

to make men's underwear, belts, gloves for children under 12, telpak, coats, jackets, bags, cardboard and more.

REFERENCES

1. Богородская Л. А., Леонова В. П. Совершенствование технологии содержания кроликов на промышленной основе. – М., 1978. – 48 с.
2. Бондаренко С. П. Содержание кроликов пуховых пород. – АСТ-Сталкер, 2003. – 219 с.
3. Хабибулов М. А. Гигиена в промышленном кролиководстве. – М.: Россельхозиздат, 1989. – 176 с.



YANGI O‘ZBEKISTONDA YANGICHA TA’LIM TIZIMI VA YANGICHA YONDASHUVLAR

Mexribon Rayimovna Askarova

Dilnoza Bakturdiyevna Saidova

Chirchiq davlat pedagogika instituti o‘qituvchilari

ANNOTATSIYA

Chirchiq davlat pedagogika instituti boshchiligida 2022 yil 13-28 aprel kunlari TVXTB hamkorligida Biologiya fani bo'yicha 11-sinf o'quvchilari o'rtasida o'tkazilgan ko'p bosqichli fan olimpiadasi hamda olimpiada natijalari hamda PTIK doirasida olib borilayotgan ishlar bo'yicha ma'lumotlar keltirilgan.

Kalit so'zlar: Olimpiada, maktab ta'limi, ta'lim sifati, oliy ta'lim, xalq ta'limi, "Pedagogik ta'lim klasteri".

ABSTRACT

On the results of the multi-stage Olympiad in biology and the results of the Olympiad and the work carried out within the framework of the PTIK, held on April 13-28, 2022, together with regional department of public education under the leadership of the Chirchik State Pedagogical Institute Data from the institute are given

Keywords: Olympiada, school education, quality of education, higher education, public education, "Pedagogical education cluster"

KIRISH

Bugungi kunda Yangi O'zbekistonning barcha sohalarida ulkan o'zgarishlar amalga oshirilmoqda. Shu qatorda ijtimoiy sohaning asosi hisoblangan ta'lim tizimida ham bir qator yuksalishlar kuzatilmoqda. Amalga oshirilayotgan islohotlarning avvalo maktab ta'limi va tarbiya sohasidan boshlanishi globallashuv jarayonida bolalar tarbiyasida eng asosiy bo'g'in hisoblangan maktab ta'lim tizimining jamiyatimiz hayotidagi o'rni va ahamiyati beqiyosligini nazarda tutadi. Maktab ta'limini tubdan yaxshilash va ta'lim sifatini oshirish, o'quvchilarga munosib sharoit yaratish borasidagi islohotlar jadal davom etmoqda.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Ta'lim sohasida amalga oshirilayotgan islohotlarning asosiy qismini, albatta, oliy ta'lim tizimidagi islohotlar tashkil etadi.

Xususan, O‘zbekiston Respublikasi oliy ta‘lim tizimini 2030 - yilgacha rivojlantirish Konsepsiyasi mazkur sohadagi yangi islohotlar uchun debocha vazifasini bajarib beradi. Bundan tashqari konsepsiya mazmuni mamlakatimiz oliy ta‘lim tizimini isloh qilishning ustuvor yo‘nalishlarini aks ettiradi. Unda oliy o‘quv yurtlarida qamrov darajasini kengaytirish hamda ta‘lim sifatini oshirish, raqamli texnologiyalar va ta‘lim platformalarini joriy etish, yoshlarni ilmiy faoliyatga jalb qilish, innovatsion tuzilmalarni shakllantirish hamda boshqa ko‘plab aniq yo‘nalishlar belgilab berilgan. Bularning barchasi ta‘lim jarayonini yangi sifat bosqichiga ko‘tarish uchun xizmat qiladi. Ta‘lim tizimidagi eng muhim yangiliklardan biri oliygohlar va ta‘lim tizimining quyi bo‘g‘inlari o‘rtasidagi uzviylikni, uzluksizlik va integratsiyani kuchaytirish bo‘yicha pedagogik ta‘lim innovatsion klasterini ishlab chiqilishi bugungi kunda o‘zining ijobiy natijasini bermoqda. Ilmiy adabiyotlar asosida klaster tushunchasiga quyidagicha ta‘rif berish mumkin: “Pedagogik ta‘lim klasteri” muayyan geografik hududning raqobatbardosh pedagog kadrlarga bo‘lgan ehtiyojlarini qondirish maqsadida bir-biri bilan uzviy aloqadagi teng huquqli alohida sub’ektlarning, texnologiyalarning va inson resurslarining integratsiyalashuvini kuchaytiruvchi mexanizm [2].

Ta‘lim majmuasini tashkil qiluvchi bo‘g‘inlar o‘rtasida mavjud tabiiy aloqani manfaatdorlik va samaradorlik nuqtai nazardan, ma‘lum hududning ijtimoiy-iqtisodiy ahvoli va ehtiyojlaridan kelib chiqqan holda ta‘minlash tobora zaruratga aylanib bormoqda [3].

Yuqoridagi vazifalar ijrosini ta‘milash maqsadida Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti bir qator loyihalarni amalga oshirib kelmoqda.

Jumladan: O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 - yil 12 -avgustdagi “Kimyo va biologiya yo‘nalishlarida uzluksiz ta‘lim sifatini va ilm-fan natijadorligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-4805-son qarori ijrosini ta‘minlashga qaratilgan O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirining 2021-yil 8-sentabrdagi 383-sonli buyrug‘i ijrosini ta‘minlash maqsadida joriy 2021-2022-yildan boshlab kimyo va biologiya yo‘nalishlarida kadrlar tayyorlayotgan barcha oliy ta‘lim muassasalari umumta‘lim maktablari bitiruvchi sinflar o‘quvchilari o‘rtasida ko‘p bosqichli (tuman, shahar-viloyat-oliy ta‘lim muassasasi) kimyo va biologiya fani bo‘yicha olimpiada o‘tkazish va 1-, 2-, 3-o‘rinlarni egallagan o‘quvchilarni oliy ta‘lim muassasasining mablag‘lari hisobidan imtihonsiz o‘qishga qabul qilish belgilangan [1].

Olimpiada O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirining 2021-yil 8-sentabrdagi 383-sonli buyrug‘i ilovasi bilan tasdiqlangan nizom talablari asosida tashkil etildi hamda



o'tkazildi. Olimpiada tashkiliy qo'mitasi hamda hakamlar hay'ati sifatida TVCHDPI Tabiiy fanlar fakulteti Biologiya hamda Genetika va evolyutsion biologiya kafedralarining tajribali professor-o'qituvchilari, jumladan b.f.d., dots. V.B.Fayziyev, b.f.d., prof. v.b. B.X.Amanov, b.f.n., dots. L.N.Egamberdiyeva, b.f.f.d., dots. N.A. Mirzayeva, b.f.f.d., dots. X.A.Mo'minov, dots. A.Q.Bo'ronov, katta o'qituvchilar D.U.ZAKIROV hamda X.S.Nurmetov, o'qituvchilar M.Asqarova, D.B.Saidova, Z.Sh.Sobirova, I.A.Allanazarova, tayanch doktorant N.M.Tursunova hamda D.N.Qarshiboyeva kabi kafedra magistrantlari jalb etildi. Olimpiadaning har bir bosqichi nizom talablari asosida beshta savoldan iborat bo'lgan birinchi tur, yozma ish (har bir savolga 10 balldan, jami 50 ball) hamda o'quvchilarda amaliy ko'nikmalarning shakllanganlik darajasini aniqlashqa qaratilgan ikkinchi, ya'ni amaliy ish bajarishdan iborat bo'lgan (bitta amaliy (yoki laboratoriya) 50 ball) ikkita turda o'tkazildi. Olimpiadaning birinchi ya'ni yozma ish bosqichiga uch soat, amaliy ish bajarish bosqichiga esa 2 soat vaqt berildi. Kuzatishlar shuni ko'rsatdiki olimpiada bosqichlari davomida o'quvchilar laboratoriya mashg'ulotlarini bajarishda, genetika fanidan masala va mashqlar yechishda hamda biotexnologiya bobiga yuzasidan berilgan savollarga javob berishda bilim saviyasida bir qator bo'shliqlar borligi aniqlandi.

Olimpiadaga Toshkent viloyatining barcha tumanlaridan jami 63 nafar o'quvchilar qatnashib, o'zaro kuch sinashdi, bosqichlar uchun zarur bo'lgan savol va topshiriqlar fakultetning tajribali professor-o'qituvchilari tomonidan tillar (o'zbek va rus) kesimida tuzildi hamda ekspertizadan o'tkazilib foydalanildi. Jarayonning shaffofligini ta'minlash maqsadida shu kunning o'zida o'quvchilar ishlari tashkiliy qo'mita tomonidan shifrlanib hakamlar hay'atiga taqdim etildi, tekshirilgandan so'ng ikkita tur baholari umumlashtirilib, yuqori ball olgan o'quvchilar aniqlandi hamda bu bo'yicha qaydnomalar hamda zarur hujjatlar rasmiylashtirildi.

2022 yil 28 aprel kuni viloyatdan 10 nafar saralab olingan o'quvchilar so'nggi **institut** bosqichida o'zaro bahslashishdi. Olimpiadaning so'nggi bosqichida saralab olingan 3 nafar o'quvchi PQ-4805 qarori ijrosi asosida TVCHDPI ga talabalikka tavsiya qilindi.

XULOSA

Xulosa o'rnida aytish joizki, ayni paytda pedagogik ta'lim innovasion klasteri doirasida olib borilayotgan bunday islohotlar muhtaram Prezidentimiz qarorlarida belgilangan vazifalar ijrosini ta'minlashga, pedagogik ta'lim bo'g'inlari o'rtasida aloqadorlik, bog'liqlik va hamkorlik aloqalarini yaxshilashga, o'quvchilarni oliy ta'lim muassasalariga

bo‘lgan qamrovini oshirishga o‘zining kamtarona hissasini qo‘shadi deb o‘ylaymiz.

Bugungi kunda amalga oshirilayotgan islohotlar ta‘lim tizimini takomillashtirishga, ziyoli ijtimoiy qatlam darajasini orttirishga, o‘quvchilarni oliy ta‘limga bo‘lgan qamrovini oshirishga, yosh avlodga berilayotgan imkoniyatlardan to‘laqonli foydalanish uchun xizmat qiladi.

REFERENCES

1. O‘zbekiston respublikasi prezidentining 2020 yil 12 avgustdagi kimyo va biologiya yo‘nalishlarida uzluksiz ta‘lim sifatini va ilm-fan natijadorligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risidagi PQ-4805-sonli qarori.
2. Raximov A.K, Saidova.D.B, Rasulova.O.O. “Maktab laboratoriya” tajriba maydonchasi – pedagogik ta‘limda innovatsion klaster loyihasini joriy etish. Academic Research in Educational Sciences.2021.№1. Chirchiq. 59-66 b.
3. Raximov A.K., Nurmetov X.S., Saidova D.B. Uzluksiz ta‘lim tizimida pedagogik ta‘lim innovatsion klasterining roli. Academic Research in Educational Sciences. 2020.№1. Chirchiq. 48-53 b.



6-СИНФ ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ФАНЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

Дилмурод Аъзамжон ўғли Алижанов

Наманган давлат университети физика кафедраси ўқитувчиси
dilmurod0413@gmail.com

Иброхимжон Обиджонович Захидов

Наманган давлат университети физика ўқитиш методикаси кафедраси доценти,
п.ф.н.
zaxidov65@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада фанлараро алоқаларнинг аҳамияти баён этилган бўлиб, 6-синф физика фанини фанлараро алоқадорлик асосида ўқитиш йўллари фанларнинг мавзулари мисолида кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: ўқитиш, ўқув жараёни, ўқув фанлари, фанлараро алоқалар, алоқаларни амалга ошириш, дарс самарадорлиги.

КИРИШ

Юртимизда умумтаълим мактабларида ўқувчиларга физикани фанлараро ўқитишда замонавий таълим технологияларидан, компьютер дастурий таъминотларидан фойдаланиш, хорижий тажрибалар асосида физикани фанлараро интерфаол ўқитишни ташкил этиш, ўқувчиларга физикага оид компетенцияларни ривожлантиришнинг янгидан янги усуллари яратилмоқда. Натижада, умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг ижодкорлик, илмий билиш фаолиятларини ривожлантиришга йўналтирилган замонавий таълим технологияларини фанлараро ўқитиш методлари асосида такомиллаштиришда илмий тадқиқот ишларини амалга оширишнинг педагогик-дидактик имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда. Шундай бўлсада, ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказишда умумтаълим фанларини (физика, математика, биология ва бошқалар) олтинчи ва ундан олдинги синфларда ўқитилган фанларидан ўрганган билимларининг узвийлигига эътибор бир оз камайиб, ҳар бир фан ўз вазифалари билан таълимни амалга оширишга киришади. Оқибатда кўпчилик ўқувчилар юқори синфларга ўтган сари айрим фанларнигина биладиган ёки қизиқадиган ҳолатга келади.

Бунинг олдини олишда фанлараро алоқаларни кучайтириш ва уларнинг узвийлигини таъминлаш зарур.

МЕТОДОЛОГИЯ

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

ўқувчиларга физик билимларни компютер ва ахборот технологияларини қўллаш орқали тажрибалар ва ҳодисанинг ўзгаришини кузатиш, кўрганларини таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш йўллари кўрсатиб бериш;

физика курсининг бошқа фанлар билан алоқадорликда таълим-тарбия тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқувчиларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантиришда таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини фанлараро алоқалар асосида ривожлантириш;

физикани ўқитишда дарс самарадорлигига таъсир этадиган интерфаол методларни қўллаш орқали фанлараро алоқаларни ривожлантириш, ўқитиш воситаларини такомиллаштириш бўйича услубий қўлланма тайёрлаш ва амалиётга тадбиқ қилиш;

машғулотларда ўқувчилар томонидан бевосита идрок қилинишини таъминловчи шарт-шароитларни кўрсатиб бериш. Физика ўқитиш орқали ўқувчиларда илмий фикрлашни ривожлантириш, энергия тежамкорлигига ўргатиш йўллари ва унинг ўқитиш методикасини фанлараро алоқадорлик асосида такомиллаштириш ва бошқалар [1-6].

Мамлакатимизда фанлараро алоқалар бўйича изланишлар шарқ “уйғориш даври” VIII–XII ва XIV- XVI асрларга тўғри келади. Бу даврда яшаб илмий изланишлар олиб борган Мусо аль-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, каби қомусий олимларни мисол келтириш мумкин. Улар томонидан фанлараро алоқалар ва фанларни интеграцияси бўйича назарий, методологик фалсафий, педагогик, психологик ва методик асослари ишлаб чиқилган [7].

Абу Райхон Беруний инсоннинг олами англаши, борлиқ ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишида фалакиёт, фалсафа, тарих, хандаса каби фанларнинг ўрни ва фанлараро алоқаларнинг аҳамияти тўғрисида ўз асарларида маълумотлар келтириб ўтган [8].

Мирзо Улуғбек расадхонаси битказилганда, унга кимни мударрис қилиб сайланади? -деб берилган саволга у, ҳар томонлама билимга эга бўлган киши - деб жавоб берган [9]. Юқорилардан келиб чиқиб, Ўрта Осиёда азалдан ҳар томонлама, бир неча

фанлараро билимга эга ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган.

Чех олими, файласуф-инсонпарвар, педагог ва ёзувчи Ян Амос Коменский (1592-1670) ўзининг “Буюк дидактика” асарида: “Ҳеч бир кишига бошқа фанлардан чегараланган алоҳида фан асосида таълим бериш мумкин эмас” – деб таъкидлайди [10].

Унинг фикрига кўра ўқув фанлари ўртасида алоқаларни шакллантириш орқали билимларни ўзлаштириш, малака ва кўнилмалар мустаҳкамлаш юқори даражага кўтарилади, бир неча фанлардан эгаллаган билим, кўникма ва малакаларни, бошқа бир фанни ўзлаштиришда қўллаш орқали такрорлашга сарфланадиган вақтни тежаш имконини беради. Бундан ташқари фанлараро алоқаларни амалга ошириш ўқувчилар билимини тизимлаштиришга ва оламнинг илмий манзарасини тўлиқ тасаввур қилишга ёрдам беради.

Инглиз файласуфи-материалист, билишнинг эмперик назарияси асосчиси Джон Локк (1632-1704) “Тарбия ҳақида фикрлар” номли асарида ўқувчилар билмини тизимлаштириш ва умумлаштиришда фанлараро алоқалардан фойдаланиш “Ҳақиқатни топиш методи” деган ғояни игари сурган [11].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Фанлараро боғланиш - ҳодисаси кўп ўлчамли бўлиб, таълим жараёнининг мазмуни, усуллари, ташкил этиш шакллари билан чегараланмайди. Фанлараро алоқалар ўқувчиларнинг ўқув - билиш фаолиятига ва ўқитувчиларнинг ўқитиш жараёнини қамраб олади. У ўқувчи шахсиятига қаратилган бўлиб, унинг диалектик тафаккурини, илмий дунёқарашини, илмий билиш кўникмасини шакллантиради, ўқувчининг таълимий эҳтиёжларини қондиришга ва қобилиятни ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қилади.

Фанлараро алоқаларни амалга ошириш - бу тасодифий мисол ва фактлардан фойдаланиш эмас, турли ўқув фанлардан ўзлаштирилган билимларни бирлаштиришни таъминловчи ўқитувчининг мақсадли йўналтирилган фаолияти ҳисобланади.

6-синфда физика дарслиги бобларини қуйидагича фанлардан мавзулараро боғланишларни амалга ошириш дарс самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатади деб ҳисоблаймиз:

Кириш				
Табиатшунослик (синф) Кириш. Атрофимиздаги олам (1) Атррофимиздаги олам (2) Йил фасллари (2) Касблар ҳақида (2) Инсон ва табиат (2) Сув - ҳаёт манбайи (2) Табиатшунослик нимани ўрганади? (3)	География (синф) Шамол (5) Ҳавонинг намлиги ва ёғинлар (5) Термин ва тушунчаларнинг изоҳли луғати (5)	Математика (синф) Узунлик ва унинг бирлиги: сантиметр (1) Вақт тасаввурлари (1) Сигим ўлчов бирлиги: литр (1) Узунлик birlikлари: дециметр, метр (1) Берилган узунликдаги кесмани яшаш (1) Миллиметр (2) Юз ўлчов birlikлари (3) Юзаларни таққослаш (3) Вақт ўлчови birlikлари (3) Вақт ўлчов birlikлари орасидаги муносабат (3) Узунлик ўлчов birlikлари (3) Узунлик ўлчов birlikлари орасидаги муносабат (3) Шкалалар ва сонлар нури Соннинг квадрати, куб ва даражаси (5) Қисмларга доир масалалар ўнли касрлар (5)	Тарбия. Тарих (синф) Кун тартиби (3) Ишлаб чиқариш (5) Ишлаб чиқариш техникасининг пайдо бўлиши (5) Транспорт воситаларининг ихтиро этилиши (5) Алоқа воситаларининг ихтиро этилиши (5) Уруғчилик жамияти (6) Қадимги Юнонистон олимлари ва мутафак-кирлари (6)	Технологик таълим (синф) Ўлчаш ва режалаш асбоблари (5)
Модда тузилиши ҳақида дастлабки маълумотлар				
Табиатшунослик (синф) Табиатдаги жисм ва моддалар (2) Сувнинг хусусиятлари (3) Табиатда ҳаво (3) Табиатда сувнинг айланиши (3)		Математика (синф) Масса ўлчов бирлиги: килограмм (1) Масса ўлчов birlikлари (3) Масса ўлчов birlikлари орасидаги муносабат (3) Масса birlikлари орасидаги муносабатлар (4) Куб (4) Юз ўлчов birlikлари (4) Ҳажм ўлчов birlikлари (4) Масштаб (6)		
Механик ҳодисалар ҳақида дастлабки маълумотлар				

Табиатшунослик.Биология (синф)	География (синф)	Математика (синф)	Тарих (синф)	Технологик таълим (синф)
<p>Вақт ўлчов бирликлари (2) Об-ҳаво(2) Ижтимоий фойдали меҳнат (2) Қишги меҳнат (2) Баҳорги меҳнат (2) Об-ҳавонинг белгилари (3) Ўсимликларнинг минерал озикланиши. Илдиз босими. Ўғитлар (6)</p>	<p>Атмосферанинг тузилиши (5) Ҳаво ҳарорати ва босими (5) Азимут ва масофани ўлчаш (5) Жой баландлиги (5) Масштаб (5) Атмосфера (6)</p>	<p>Вақт бирликлари: соат, минут. Вақт, масофа ва тезликни топишга оид содда масалалар (2) Графиклар (4) Сонли ва ҳарfli ифодалар (5) Математик масала ва тенгламалар (5) Ифодаларни соддалаштириш (5) Қисмларга доир масалалар (5) Геометрик мазмундаги матнли масалалар (5) Ҳаракатга доир масалалар (5) Икки жисм ҳаракатига доир масалалар(5) Бажарилган ишга доир масалала (5) Тўғри тўртбурчакнинг юзи (5) Мураккаб шаклларнинг юзи (5) Юз ўлчов бирликлари (5) Юзни чамалаб такрибий ҳисоблаш Фоишлар (5) Мусбат ва манфий сонлар. Бутун сонлар ҳақида тушунча (6) Координата тўғри чизиғи. Мусбат ва манфий сонларни</p>	<p>Уруғчилик жамияти (6)</p>	<p>Қисмлардаги куч- ҳаракатнинг узатилиши (5) Деталларни парчинлаш ёрдамида бириктириш (5) Эговларнинг тузилиши ва турлари (5) Жилвир қоғозлар тузилиши ва турлари (5)</p>

		сон ўқида тасвирлаш (6) Тенгламарни ечиш (6)		
Жисмларнинг мувозанати. Оддий механизмлар				
Математика (синф) Тўғри бурчак. Тўғримас бурчак (2) Бурчак градуси (3) Бурчак симметрияси (3) Бурчаклар(5) Параллел ва перпендикуляр тўғри чизиклар (5) Содда геометрик шакллар (5) Тенгламарни ечиш (6)		Технологик таълим (синф) Сувда ҳаракатланадиган транспорт яшаш (Катамаран) (4) Қизил елканли кема яшаш (4) Учувчи моделини яшаш (4) Юк машинаси моделини яшаш (4) Автомобил моделини яшаш (4) Машинанинг асосий қисмлари (5)		
Иссиқлик ходисалари ҳақида дастлабки маълумотлар				
Табиатшунослик (синф) Ёқилғи сифатида фойдаланиладиган қазилмалар (3) Об-ҳавонинг белгилари (3) Юлдузлар. Қуёш (4)	География (синф) Ҳаво ҳарорати ва босими (5)	Математика (синф) Шкалалар (4) Мусбат ва манфий сонлар. Бутун сонлар ҳақида тушунча (6) Тенгламарни ечиш (6)	Тарбия. Тарих (синф) Уруғчилик жамияти (6)	Технологик таълим (синф) Деталларни пайвандлаш ёрдамида бириктириш (5)
Электр ходисалари ҳақида дастлабки маълумотлар				
Биология (синф) Экологик омиллар (5)	Математика (синф) Оилада тежамкорлик ва математика (5)	Тарбия. Тарих (синф) Табиат неъматларини тэжаш (1) Тежамкорлик (3)	Технологик таълим (синф) 3-боб. Электротехника ишлари (5) 4-боб. Электротехника ишлари (6)	

Ёруғлик ходисалари ҳақида дастлабки маълумотлар		
<p>Табиатшунослик (синф)</p> <p>Қуёш. Ой (1) Йил фасллари (2) Ер - сайёра (2) Ернинг ҳаракатлари (2) Юлдузлар. Қуёш Ой - Ернинг табиий йўлдоши (4) Кун ва тун. Йил фасллари (4)</p>	<p>География (синф)</p> <p>Қуёш, Ой ва юлдузлар Ернинг ўз ўқи ва Қуёш атрофида айланиши (5)</p>	<p>Математика (синф)</p> <p>Нарсанинг ойнадаги акси (1) Бурчак ва унинг турлари (1) Тўғри бурчак. Тўғримас бурчак (2) Календар (3) Бурчак градуси (3) Бурчак симметрияси (3) Бурчаклар (5) Параллел ва перпендикуляр тўғри чизиқла (5) Содда геометрик шакллар (5) Тенгламарни ечиш (6)</p>
Товуш ходисалари ҳақида дастлабки маълумотлар		
<p>Биология (синф)</p> <p>Экологик омиллар (5)</p>	<p>Математика (синф)</p> <p>Бурчак градуси (3) Бурчак симметрияси(3) Бурчаклар(5) Параллел ва перпендикуляр тўғри чизиқла(5) Тенгламарни ечиш (6)</p>	<p>Мусиқа (синф)</p> <p>Товушларнинг баланд- пастлигининг зиначаларда ифодаланиши (1) Дамли чолғулар (1) Товушларнинг узун қисқалиги (1) Ноталарнинг номланиши ва бўлиниши (1) Миллий чолғуларимиз (3) Торли чолғулар (4) Дамли чолғулар (4) Зарбли чолғулар (4) Ўзбек халқ чолғулари оркестри ва унинг дамли чолғулар гуруҳи (5) Ўзбек халқ чолғулари оркестрининг торли-урма ва мизробли чолғулар гуруҳи (5) Ўзбек халқ чолғулари оркестрининг торли-қамонли чолғулар гуруҳи (5) Ўзбек халқ чолғулари оркестрининг зарбли чолғулар гуруҳи (5) Симфоник оркестрнинг зарбли чолғулар гуруҳи (5)</p>

Кузатишлар шуни кўрсатдики, 6-синф физика дарслиги ва унда берилган билимлар доирасида фанлараро алоқадорлик асосида ўқитиш масалалари, уни ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида педагогик-психологик, методик жиҳатлари кам тадқиқ этилган. 6-синф физика фанини ўқувчиларга қуйи синфларда ўзлаштирилган фанлар: математика, табиатшунослик, биология, технологик таълим, география ва бошқа предметларда ўрганилган билимлар асосида

физиканинг бошланғич билимларидан бошланиши ва уни юқоридаги фанлардан эгалланган билимлар асосида фанлараро ўқитиш методикаси ишлаб чиқилмаганлиги мазкур йўналишда изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Фанлараро алоқалар тамойили ўқувчилар учун бошқа фанлардан ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни қўллаш ва таҳлил қилишга йўналтирилган муаммо, саволлар, вазибаларни шакллантиришни мақсад қилиб олади. Фанлараро алоқалардан тизимли фойдаланиш бошқа фанларни ўрганишда бир ўқув предметида оид дидактик материаллар ва кўргазмали қуроллардан (дарсликлар, жадваллар, асбоб-ускуналар, хариталар, кинофильмлар, слайдлар) кенг фойдаланиш имкониятини беради. Ўқув машғулотларини ташкил этишда умумлашган шаклда - семинарлар, умумлаштирувчи дарслар, экскурсиялар, фанлараро мазмундаги конференциялар зарур. Бундай машғулотлар ўқитувчилар фаолиятини мувофиқлаштиради, шунингдек ўқитувчилардан турдош фанлар ўқув дастурларини ўрганишни, дарсларга ўзаро қатнашишни талаб қилади.

ХУЛОСА

Фанлараро алоқалар мактаб ўқувчиларига таълим ва тарбия беришда комплекс ёндашувнинг муҳим шарт ва натижаси ҳисобланади. Фақат битта фан доирасидаги билим ўқитувчига методик ва ижодий ёндашув имкониятини бермайди. Ҳар бир ўқитувчи-педагог қандай таълим муассасасида фаолият юритишидан қатъий назар, дарс, маъруза, суҳбат, ҳар қандай тарбиявий тадбирнинг муваффақияти кўп жиҳатдан билим олишда (таълим жараёнида) фаолликни яратишга боғлиқлигини яхши билади. Ўқувчиларнинг фаол иштирокига таъминлайдиган қизиқишни шакллантириш таълим сифатига эришишнинг энг муҳим омилidir.

REFERENCES

1. Alijanov D.A. Maktab fizika kursini o'qitishda axborot texnologiyalarining o'rni va ahamiyati// «Инновационное образование: международный опыт, проблемы и решения» Международной научно-практической конференции. –Toshkent, 2021. –В.174-176.
2. Alijanov D.A., Zaxidov I.O. va Abdullayev A.X. Товуш ходисаларини ўқитишда қўшимча материаллардан фойдаланишнинг аҳамияти// Международная научная конференция “Тенденции развития физики конденсированных сред”. – Фергана, 2021. –В.380-384.



3. Obidjonovich Z. I., A'zamjon A. D. 6-sinf fizika fanida tovush hodisalarini o'qitish orqali ta'lim samaradorligini oshirish yo'llari //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – Т. 1. – №. 3. – С. 424-432.
4. Alijanov D. A., Zaxidov I. O. Umumiy o'rta ta'lim maktablarida tobush hodisalarini o'qitish/O'quv-uslubiy qo'llanma. - Namangan, 2021. -112 b.
5. Zokhidov I. O. et al. Theme and interdisciplinary connections in teaching sound phenomena on the course of physics for the 6th grade //Новые педагогические исследования. – 2020. – С. 8-10.
6. Алижанов Д. 6-синф физика курсида модда тузилишини ўқитиш орқали ўқувчиларда илмий фикрлашни ривожлантириш йўллари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 3/S. – С. 15-19.
7. Жуманиёзова М. Физика ўқитишда интеграллашган билимлар ва улардан фойдаланишнинг услубий асослари// педагогика фанлари номзоди диссертацияси. Тошкент 2007. –Б192.
8. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. - Т.: Фан, V том.- 1976. 664 б.
9. Қори Ниёзий Т.Н. Улуғбек ҳазинаси ва унинг илмий мероси. - Т.: Ўзбекистон, 1971. – Б. 9-21.
10. Коменский Я.А. Избранные педагогические сочинения. Т. 1. «Великая дидактика»- М.: Педагогика, 1982. -656 с.
11. Локк Д. Сочинения в 3-х Т./Под ред. А Л. Нарского, А Л. Субботина Т. 1. М.: Мысль, 1985,- Т. 1 - 622 с.

АУРОБИНДО ГҲОШ ТАЛҚИНИДА ИНСОН БОРЛИҒИНИНГ АНТРОПОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Ж. С. Раматов

Тошкент давлат транспорт университети “Ижтимоий фанлар” кафедраси
мудири

Л. А. Валиев

Тошкент давлат транспорт университети таянч докторанти
valiyevl33@gmail.com

М. Н. Хасанов

Тошкент давлат транспорт университети ассистенти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ауробиндо Гҳош фалсафасида инсоннинг олий онгини таъминловчи ирода ва унинг кучи тўғрисида ҳамда ирода эркинлиги ҳақида сўз боради. Бундан ташқари ҳақиқий “мен” одамзотнинг табиатини талқин қилувчи илоҳий моҳият эканлигини тушунтириб ўтганмиз. Шу билан бирга инсоннинг ғайритабiiй қобилияти бу унинг юқори ондан мукамалликка қараб ўтиб кетганлиги ва янги руҳий куч инсоннинг ҳақиқий камолот йўли, чин бахти ва ҳаёт қонунидир.

Калит сўзлар; Ирода, шахс, жамият, ирода эркинлиги, илоҳий севги, маъшуқа, ёр, Тангри, Худо, туганмас энергияси, виталистика, Супермен, инсон “мен” и, комил инсон, ҳаёт ва материя, материализм даври, Йога, тариқат, Нақшбандия, идеал шахс.

ABSTRACT

In our article we are talking about the will and its power in the philosophy of Aurobindo Ghosh, which provides the higher consciousness of man, as well as free will. We have also explained that the true self is a divine entity that interprets human nature. At the same time, the supernatural ability of man lies in the fact that he has passed from the subconscious to perfection, and that the new spiritual power is the true path of man to perfection, true happiness and the law of life.

Keywords; Will, man, society, free will, divine love, madam, companion, God, God, infinite energy, vitalistics,

Superman, human "I", perfect man, life and matter, age of materialism, Yoga, sect, Naqshbandi, ideal man.

КИРИШ

Инсон ҳаёти одатда ўзининг еҳтиёжлари ва истакларининг ўсишини қондиришдан ҳамда жамият олдида ўзини эътироф этишга ва ҳар соҳада мукамаллик томон ҳаракат қилишдан иборат бўлиб қолмоқда. “Бундан сўнг эса ирода эркинлиги шахсни тур хил завланишларга чорлайди. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсида шуни эътироф этамизки она табиатнинг турли хил тириклик шакллари битмас – туганмас энергияси қандай қилиб ўзи – ўзидан инстинктив тарзда намоён бўлиши, уни автоматик импульсга қанчалик буйсунишини кўришимиз мумкин”. Бу позициядан тўғри сабабиятни танлаб олиш мушкулдир аммо, Ауробиндо Гхош бунинг талқинини тўғри очиб берган файласуфлардан биридир. Аслида инсоннинг бундай чалкашликларга дуч келиши унинг барча муаммоларнинг асл моҳитини тушунмаслигидадур. Бунга мисол тариқасида немис файласуфи Фридрих Нетшининг “виталистик” фалсафасини мисол қилиб келтиримиз мумкин. Унинг талиқинига қарасак, вазифа ўзининг асл ва ҳақиқий “мен”ини топаолмаган ва ҳозирда аниқ моҳияти бўлмаш инсоний ҳолатидан суперменини ривожлантиришгача бўлган сабабиятдир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Адабиётларимизнинг барчаси хориж адабиётларидан ташкил топган бўлиб, асосан мақоламиз мавзуси асосида йиғилган. Мана шу адабиётларимиздан Булгаков С.Н., свящ. Тихие думы ва Ауробиндо Гхош. Человеческий цикл асарларида инсон ҳаётининг олий мақсади ва инсон онгининг Supermind даражалари кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари Cooper J. The ancient teaching of Yoga and the spiritual evolution of man. L. ва H.Chaudhuri нинг Sri Aurobindo: the prophet of life divine. Calcutta адабиётларида қадимги Ҳиндистон динларидаги табақаланиш масаласи кенг ёритилиб, бундай ижтимоий табақаланиш ҳинд ҳукуматида ҳозирда ҳам сақланиш сабаблари айтиб ўтилган ҳамда бу манбаларимиздаги маълумотларда шахсий таҳлилларимиз ҳам киритилиб ўтилган.

НАТИЖАЛАР

Гхош ўзидан кейин жуда катта мерос қолдиргани ва бу меросни ундан кейин унинг шогирдлари ва ҳозирги авлодлар чуқур ўрганаётгани келтирилди. Бундан ташқари Гхош



қилган ишлари натижаси улароқ 1972 йилда Ҳиндистон ҳукумат ва Юнеско қарори билан мутаффақир ижодининг 100 йиллигини таваллудини кенг нишонлади. Шу муносабат билан буюк файласуф ижодининг 30 йиллик “Асарлар тўплами” ни нашрдан чиқариб илм аҳлига тақдим қилингани айтиб ўтилди. Гхош асарлари оддий назария эмас балки амалий фанларни ўз ичига олган улкан меърос ҳисобланади. Файласуф ғоялари улкан савияга эга кўп қиррали фикрлардан ташкил топган бўлиб, метафизика, тарих, фалсафа, социология, психологиянинг кўпгина саволларини ечимини ўзида акс эттирган эди. Бундан ташқари Шри Ауробиндо ажойиб адабиёт танқидчиси, оммавий матнларнинг таржимони, маънавий ва маърифий шеърлар муаллифи ҳамда шеъринг назарий ҳисобланади. Унинг асарларида баён қилинган барча назарий хулосалар ўзининг тадқиқод ишланмаларининг натижаси ҳисобланади. Унинг буюк хизматлари бутун жаҳон фалсафаси ривожига улкан ҳисса қушди. Ўрта асрлардан буён Беруний, Фаробий, Ибн Сино каби буюк қомусий олимлар етишиб чиқмаган Марказий Осиёда Гхош уларнинг давомчиси эди. Ҳинд диёрининг узида ҳам кўпгина соҳаларни мужассамлаштирган етук олимларнинг топиш мушкул.

МУҲОКАМА

Нобел мукофоти совриндори машҳур ёзувчи файласуф Робиндранат Тагорнинг айтишича Шри Ауробиндо Ҳиндистон юрагининг сеҳрли овозидир. Раин Роланд эса “у бизнинг замонамизнинг энг буюк мутафаккири” деб атади. Гхош аслида Ҳиндистонда инқилобий, миллий озодлик ҳаракати ташкилоти аъзоси сифатида фаолият юритиб келган. Мутафаккир шунингдек юқори эътидодли шоир ва эпик шеъринг тўпламлар яъни, “Савитри” муаллифидир. Унинг билимлари Европа таълим тарбияси билан суғорилган, она юрти ан – аъналари, маданияти тўғрисида кам тасаввурга эга эмасди. Шунингдек юқорида ёзганимиздек ўз ота – онасини ҳам унча яхши билмас эди. У ватан, қариндош – уруғ ва ватанининг урф – отадларидан йироқда мустақил равишда униб – ўсди. Бу мустақиллик – эркин руҳ эди. Шри Ауробиндонинг бизга берган дарсларидан энг муҳими эркинликдир. Файласуф бу мустақилликни Европада 14 йил давомида яшаб ўрганди.

Жаҳон тарихида Христианлик ва будпарастлик таълимотларида руҳий кучларнинг бўлиниши ва қутбланиши янгича тарзда кўзга ташланмоқда. Сергей Николаевич Бўлгаковнинг таъкидлашича “ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган насроний бўлмаган динлар ўзларининг олдинги ҳолатини йўқотиб Христианлик дини



билан адоватга келиб душманлик ҳолатига тушиб қолишди”[1 - 136]. Бу эса бошқа динлар ўртасида ҳам душманлик белгиларини пайдо қилди. Гхош эса ана шу динлар фалсафасини бирлаштиришга ҳаракат қилди. Улар неоплатонизм, христианлик ва ведантизм. Булар орасига Интеграл Йоганинг йўқлиги бу унинг одатий будпараст диний фалсафа бўлиб қолмоқда. Бу Брахманнинг таълимоти бўлиб, шахсиз руҳий тамойил яъни бошисиз бошланиш каби мавжуд фазо ҳамда ўзи ва барча нарсанинг сабаби сифатида мавжуддир. “Дунё ўзининг дастлабки принцип эволюцияси жараёнида пайдо бўлади ва бў эса тўғри ҳолатда пантеизмга олиб келади. Кейин фазо ўзининг келиб чиқишига қайтади. Бу жараёнда ўз – ўзидан шундай савол туғилади, шу ўринда инсон қандай жараёнда бўлади? Унинг фикрича бу жараён Брахманнинг фаол қисми бўлган олий ҳокимият кучи билан амалга оширилади. Бундан ташқари, бу ҳолат нафақат руҳий ва ҳаётий табиатнинг кўриниши балки, инсон жисмоний танасининг суперментал ҳолатига ўзгариши ҳамдир”[2 - 122]. Бундай руҳий ўзгаришли инсон танасида ҳеч қачон касаллик бўлмайди ҳатто аломатлари кўзга ташланмайди ва ўлимдан кейин одамларнинг тирилиши ва янги ирқий гностик суперменталининг бошланиши деб тушунилади.

Бир ўйлаб кўрайлига Гхош нега ўз олдида бундай қийин вазифани қўйди? Дарҳақиқат, “тарихда бу масала бир неча минг йиллар олдин ҳал қилинганини Исо Масих тимсоли фалсафасида кўришимиз мумкин. У ўлимдан тирилиб ўз черквини яратди”[3 - 810]. Бунда Гхош ҳеч қачон ҳижолат тортмайди. Мутафаккир ҳар қачон насронийлик динининг мағлубияти тўғрисида ўйлайди ҳамда ўзининг тирилиш ва ўзгариш дастурини илгари суради. Охир оқибат бу асосий масалада бутпарастлик насронийликка яқинлашади ва тирилиш ғоясини қабул қилади.

Гхош фалсафасида диний тушунча инсонга таъсир қиладиган ва шахс орқали намоён бўладиган, зарур булса, унинг тузулиши ва технологиясини ўрганиш, фалсафий матнини тушунишда герменевтик ҳаракат қилишга ёрдам беради. Файласуф ўзининг диний қарашларини давом эттирар экан у шундай дейди: Инсон барча нарсага қодир чунки, ҳар бир инсонда худо бор у ишларнинг рўёбини амалга оширувчи ва илоҳий ҳаётнинг мақсадидур.

Гхош бутун тарихни догматик тарзда қолишни хоҳлайди ва уларни қисмларга бўлишни хохламайди ва Шарқ Гегили сифатида ақл қонунларидан ҳаёт келиб чиқиш фикрини биров инкор этмаганган ҳолда Фарб Гегилдан ажралиб туради ва онгнинг ҳар қандай типига қараганда ҳаётнинг нисбий мустақиллиги ҳақида фикр юритишни афзал кўради. Юқорида келтирилган Шарқ ва Фарб Гегили деб



ёзганимиз бироз бизни чалкаўтириши табиий ҳол аслида, асосий қаҳромонимизни кўпгина файласуфлар “Шарқ Гегили” дея эътироф этади. Файласуф фикрларини ижодий таҳрирлаб ўз фикрламизни берар эканмиз ҳар бир давр мобайнида биз тарихий даврларнинг ўзига хос хусусиятлари била оламиз ва шу билан бирга айрим элиментларни сояга ўхшаб кўришимиз мумкин бошқалари эса, ҳаётнинг ёруғлиги тмон ҳаракатланиб, даврнинг умумий кўриниши ҳамда унинг асосий оҳангини белгилайди. Аммо буларнинг ҳаммасининг ортида фақат инсон ақлининг ривожини ётади ва шунинг учун ҳам Гхош таъбири билан айтганда ақл ҳаётни ривожлантиради.

Файласуфнинг онгининг кучига шунчалик кўп ишончи пайдо бўлишига антик давр фалсафининг таъсири ва ўрни катта бўлиб Гхош юнон фалсафаси билан яхшигина танишиб чиққанидан далолат беради. Лекин юқоридаги инсон онгини очиб берувчи бешта психик босқичлардан учтасини тушунтириш учун қадимги Ведалар фалсафасига мурожаат қилади. “Гхош фалсафаси жамият ривожининг биринчи босқичини анъанавий рамзийлик сифатида тушунтиради. Юнонларда табиат худоларига қурбонликлар келтириш ва инсонларни бундай алдовларга ишонтириш савдогарчиликнинг ривожига сабаб бўлган”[4 - 220].

Юқоридаги қадимий рамзийликнинг моҳияти нимада деб ўйлашимиз мумкин? Белгилар ҳар вақт ниманидир ифодалайди. Гхош фалсафасига назар ташласак Ҳиндистондаги кастачиликни алоҳида тартибга солишга ҳаракат қилиш ва бу тизимни ривожлантириш жамиятнинг иқтисодий ўсишидан вужудга келмаган дея таъкидлайди. Ҳақиқатан ривжланган давлатларни иқсодий кўрсаткичларига эътибор қаратадиган бўлсак, ривожланиш ўзининг орқасидан истамаган ҳолатимизда жамиятда табақаланишни вужудга келтиради. Яъни давлатнинг иқтисодий ўсиши маълум бир инсонларни ҳаддан зиёд бой бўлишига ва маълум бирларни ўта қашшоқлашиб кетишига сабаб бўлади. Файласуф худди мана шу ҳолатни назарда тутиб ёзмокда, ҳинд жамиятининг касталашуви қадимдан инсонлар ўртасида диний тушунчалар ва аънаналар оқибатида юзага келганини алам билан ёзмокда.

Гхош ўз фикрларини давом эттирар экан, ижтимоий табақаланиш бу динда илоҳий ҳақиқат яъни Худо ўзининг танасидан тўртта кастани чиқариб бизга тақдим этди ва бу фалсафага кўра “Худо инсоният жамиятига билим ва донолик, куч – қудрат, илоҳий уйғунлик ва ҳалол меҳнат тимсолини одамлар тимсолида тақдим этди. Худо брахманларни илмли ва ақлли қилиб яратди сабаби, брахманлар Худони билмларини одамларга ўргатади, қонун қоидаларни тузади ва жамиятда яратган қонун қоидалари билан одамлар орасида тартиб интизомнига риоя

қилишини кўрсатиб беради”[5 - 65]. Кшатрийлар эса брахманлар яратган қонун қоидаларга инсонларни буйсунишини таъминлайди бундан ташқари улар ҳокимият одамлари бўлиб брахманлар буйсунади. “Вайшийлар жамиятдаги ишлаб чиқариш ва етказиб бериш учун яратилган одамлар ҳисобланади ва охирги касталар бу шудралар ёки хизматкорлар, айрим адабиётларимизда куллар ёки ҳазар қилинганлар деб аталади лекин Гхош таъкидлашича юқорида берилган таърифлар ҳато албаата бу ўзимнинг шахсий фикрим сабаби, Худо ҳар кастага таълуқли инсонларни ўз вазифаси ва хизмати бор бесабаб уларни ўз – ўзидан яратмаган деб назарда тутати”[6 - 872].

Гхошнинг бу фикрларига қараганда кастачилик илоҳий неъмат ва уни Тангри инсонларга тухфа этган. Юқоридаги фикрларимизда ҳинд ҳукуматидаги ижтимоий табақаланиш ҳолатини бироз қоралаганимиз яққол намоён бўлади лекин ҳозирда ёзилган файласуфимиз фикрлари бунга қарши чиқиб қолгандек бўлмоқда ва у бу жараёни ёқлагани билиниб турибди. Аслида файласуф бу жараён диний таълимотлиги ва бу фалсафа инсонлар онги шуурига сингиб худди томирида оқиб турган қон сингари муҳим аҳамият касб этиши ва уни чиқариб ташлағудек бўлса ҳаёт тўхтаб қолгудек бўлиб қолганини эътироқ эътади. Лекин жамиятдаги кастачиликка Ганди, Тагор ҳамда ҳозирдаги ҳукумат сингари Гхош ҳам қарши бўлганини асарларида кўп бора учратамиз.

Мутафаккир бундай таълимотни қадимги Ҳиндистон тарихидан бошлаб ўзгартишга киритилмасдан сақланиб келинганлиги, одамлар ўзларини Брахман танасинининг бир қисми сифатида қараши ва бу билан фахрланиши яъни “Брахма худосининг бошидан Брахманлар, қўлларидан жангчилар, сонларидан вайшийлар, оёқларидан шудралар яратилганлиги улар учун ғурур ва ифтихор тўғдириб келган. Лекин жамиятнинг хатоси инсонлар тўғри йўналиш кўрсатмагани”[7-] дейди файласуф, шунинг учун ҳали ҳам бу кастачилик яъни ижтимоий табақаланиш одамларнинг орасида нифоқ солиб келмоқда. “Гхош фикрича бу жараённинг шу кунгача ўзгаришларсиз сақланиб қолиши консерватив тизимни пайдо қилган ва шу ўринда инсонлар ҳаётида биринчи ўринга чиқиб маънавий диний элементларни ҳам ўз ичига олган” [8]. Аммо бошқа жиҳатдан иқтисодий, сиёсий ва ахлоқий томонлардан одамлар ҳаётида ўзини – ўзи таъминлай олмагани сабабли бўйсунувчи ва тасалли берувчи вазифасини бажаради. Айнан шу даврда кадр – қиммат, ор – номус ва ватанпарварлик каби ижтимоий ғоялар шаккланади. “Хусусан Брахманларда поклик, тақводорлик, маънавий қадрият ҳамда билимга ҳурмат идеаси, кшатрийларда жасорат, куч – қудрат, ҳуққ – атворнинг олийжаноб фазилати, вайшийларда одоблийлик,

хушмуомилалик, ишбилармонлик, соғлом ишлаб чиқариш, ҳолол тижорат ғоялари, шудраларда эса итоаткорлик, фидокорона меҳнат қилиш ҳамда буйсуниш туйғулари пайдо бўла бошлайди”[9]. Аста секинлик билан бундай жонли психологик инсон келиб чиқиш ғояларини аъанавий қадириятларга яъни инсон ўзининг ижтимоий ролини шахсий эъстидотларга эмас балки оилавий урф одатлар ва диний маросимларга хос равишда бўшатиб беради. “Файласуф бу фикрлари билан ҳинд жамиятидаги кастачиликнинг асл моҳияти ҳозирга қадар умуман бошқача талқин қилиниб ўз асл моҳияти батамом юқолиб кетганини тушунтириб ўтмоқда” [11]. “Юқорида ёзганимиздек ижтимоий табақаланиш ўруғ аймоқчилик ёки аждодларининг келиб чиқишига эмас балки ўз қўлидаги касб – ҳунар ва маҳоратига қараб барча касталар ўз ишининг моҳирлари сифатида қаралган, бора - бора “каста” сўзини “табақланиш” сўзига нотўғри қўлланиши инсонлар онгига батамом ўзга фикр тўғдира бошлаган” [12] шу билан жамиятда инсонларнинг ўртасида айирмачилик юзага келганини айтиб ўтмоқда.

ХУЛОСА

Хулосаларимиз шуни кўрсатадики, Гхошнинг фалсафий антропологиясида инсоннинг келиб чиқиши ва инсон онгининг қандай кучга эга эканлиги тасвирланади. Бунда мутафаккир ҳинд жамиятининг энг оғир нуқтаси бўлган табақаланишни умуман рад этадиган усуллардан фойдаланиб, одамлар онгига барча инсонлар бирдек ҳуқуққа ва бирдек насл – насабга тенглигини ҳамда Худонинг олдида бир хил мавқега егалигини кўрсатиб ўтади. Бундай таълимотлар ҳинд файласуфларининг кўпгина қарашларида учрайди яъни табақаланишга қарши ғоялар, файласуф ҳам инсонлар ҳар қандай насл насабидан қатъий назар оллоҳ олдида ҳамда ҳаттоки жамиятда тенглигини исботлашга ҳаракат қилади. Лекин ҳануз ҳинд жамиятининг энг оғриқли нуқтаси бўлиб келаётган ва Ҳиндистонни ривожда тўсиққа айланиб қолган бу ҳолат ҳинд ҳукуматини ташвишга солиб келмоқда.

REFERENCES

1. Булгаков С.Н. свящ. Тихие думы. – М.:, 1996. – С. 136
2. Chaudhuri H. Sri Aurobindo: the prophet of life divine. Calcutta.: 1951. - P 122
3. Валиев Л.А. Ауробиндо Гхошнинг ижтимоий – фалсафий қарашларида инсон ақли. Academic research in educational sciences. Scientific Journal. Тошкент, 2021 феврал. № 2. 808 - 815



4. Cooper J. The ancient teaching of Yoga and the spiritual evolution of man. L., 1979. - P 220
5. Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера земли. – М., 1990. – С. 65.
6. Валиев Л.А. Ауробиндо Гхош фалсафасининг маърифатпарварлик ғоялари. Oreantal renaissance. Innovative educational, natural and social sciences journal. Тошкент, 2021 йил - №-4.Б 568-574
7. Бродов В .В. Интегральная веданта Ауробиндо Гхоша // Общественно – политическая и общественная жизнь в Индии. М.: 1962. С.163
8. Л.А.Валиев. Гхош таълим концепциясининг шахс маънавиятидаги ўрни. ТДТрУ.2022. Б.522-526
9. Интегральная йога Шри Ауробиндо. М.: 1992. С.265
10. L.A.Valiyev. The philosophy of ancient religious teachings in Ghosh's views. International Scientific Journal. November AҚШ. Volume: 103. 2021 йил P. 683-686 ISSN: 2308-4944 SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS.
11. Parrinder, E.G, “Sri Aurobindo on Incarnation and The Love of God”, Numen, Vol. 11, Fasc. 2 (Jun., 1964), pp. 147-160.
12. Е.С. Крючов. Шри Ауробиндо о духовной трансформации и ее необходимости для духовного возрождения человечества. М.Вестник ТГУ.2011.С.275-278

ОРГАНИЗАЦИЯ УРОКОВ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ МЕТОДАМИ ПОДХОДА «УЧЕНИК-УЧЕНИКУ-УЧИТЕЛЬ» НА ОСНОВЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ИННОВАЦИОННОГО КЛАСТЕРА

Гульмира Рифовна Таджибоева

Старший преподаватель кафедры методика начального образования
Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской
области

mirak5275@gmail.com

Шохида Ражабовна Муродова

Студентка 3-курса Факультета начального образования Чирчикского
государственного педагогического института Ташкентской области

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются вопросы организации уроков в начальных классах методами подхода «ученик-ученику-учитель» на основе педагогического инновационного кластера, об образовании в Республике Узбекистан, что образование является приоритетным в социальной сфере и служит выполнению такой важной задачи, как формирование и развитие гармонично развитой личности, формирование научной грамотности учащихся. А также в данной статье идёт речь об инновационных технологиях, педагогика-доминантная теория является основой для решения теоретических и практических задач, что в настоящее время привычные классические педагогические теории устарели, и в новых условиях невозможно воспитать таким образом нынешнее поколение. Педагогика – это система знаний, ситуация в современной педагогической науке иная, и в этой ситуации инновации в педагогике являются очень важным приоритетом.

Ключевые слова: Педагогика, «принцип ученик-ученику-учитель», ренессанс, инновация, образование, формирование, ответственность, дисциплинированность.

ABSTRACT

This article discusses the organization of lessons in primary school using the methods of the “pupils to pupils teacher” approach based on the pedagogical innovation cluster, about education in the Republic of Uzbekistan, that education is a priority in the social sphere and

serves to fulfill such an important task as the formation and development of harmonious developed personality, the formation of scientific literacy of students. And also in this article we are talking about innovative technologies, pedagogical-dominant theory is the basis for solving theoretical and practical problems, that at present the usual classical pedagogical theories are outdated, and in new conditions it is impossible to educate the current generation in this way. Pedagogy is a system of knowledge, the situation in modern pedagogical science is different, and in this situation, innovations in pedagogy are a very important priority.

Keywords: Pedagogy, “pupils to pupils teacher - principle”, renaissance, innovation, education, formation, responsibility, discipline.

«Безусловно, уверенность в собственных силах и возможностях дает нам Объединившись для благородного дела создания основ Третьего Ренессанса, делает его сильнее и выносливее. Эти стремления ведут к огромной практической работе и великое народное движение расширяется. Это большая честь и привилегия быть в такой мощной линии.

Шавкат Мирзиёв

Каждый раз, когда глава государства начинает говорить о Третьем Ренессансе, огромное чувство ответственности ложится на наши плечи по мере того, как мы становимся все больше и больше профессорами является более выраженным. Следовательно, главные архитекторы эпохи Ренессанса учителя. В этом смысле научно-педагогическое сообщество высших учебных заведений и не чураться реформ, происходящих в обществе, а скорее его стараясь быть в центре.

Образование в Республике Узбекистан является приоритетным в социальной сфере и служит выполнению такой важной задачи, как формирование и развитие гармонично развитой личности, формирование научной грамотности учащихся. Поэтому одной из актуальных проблем является адаптация содержания образовательного процесса и методов, средств и форм его организации к быстро меняющимся социально-экономическим условиям будущих специалистов, повышение эффективности подготовки к самостоятельной жизнедеятельности и профессиональной деятельности. Известно, что цели системы образования напрямую связаны с требованиями и заказами, вытекающими из социально-экономического развития государства и общества. В

частности, Указ Президента Республики Узбекистан от 7 - февраля 2017 - года № ПФ-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» о приоритетах развития социальной сферы, направление IV, 4.4 Развитие образования и науки, он предусматривает дальнейшее совершенствование системы непрерывного образования и продолжение политики подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда.

Основная цель нашего исследования – повысить уровень знаний школьников, обеспечение получения ими независимого образования. Повысить их интерес к педагогике в будущем на основе принципа «ученик-ученику учитель»; повышение грамотности учащихся начальных классов; привлекать их к педагогике с начальной школы; в их формирование лидерских качеств со школьного возраста и так далее.

Одной из основных задач является изучение и освоение современных методов исследования в школах. Научить учеников работать самостоятельно, владеть собой, обучать друг друга читать, писать, помогать друг-другу в изучении стихотворений, формировать у них культуру речи, повышать их уровень знаний.

По мнению О.А.Исмаилова, Ш.К.Назарова, инновационная педагогика до сих пор является неофициальным названием, но сегодня специалисты всего мира критически относятся к традиционной педагогике. Много говорят о зарождающейся в наши дни новой науке, основной задачей которой является реорганизация теории всей образовательной системы на инновационной основе. Инновационная педагогика-доминантная теория является основой для решения теоретических и практических задач. По мнению авторов, привычные классические педагогические теории устарели, и в новых условиях невозможно воспитать таким образом нынешнее поколение. Ситуация в современной педагогической науке иная, и в этой ситуации инновации очень важны. Педагогика – это система знаний. Объективность, целеустремленность, последовательность, непротиворечивость – основные его характеристики. Понятие «инновация» впервые появилось в исследованиях культурологов в XIX веке и означало внедрение элементов одной культуры в другую. В начале XX века возникла новая область знаний - внедрение и применение инноваций. Он начал изучать законы технических инноваций в производстве. Наука об инновациях — возникла как отражение резкого увеличения числа студентов при разработке, внедрении и внедрении

новых планов и услуг фирм. В 1930-е годы в США появились термин и «инновационный процесс».

Формирование образовательных кластеров российскими учеными и изучение теоретических основ развития кластера по отношению к профессиональному образованию - Б.Пугачева, А.В.Леонтьев, теория деятельности и педагогический дизайн - В.В.Давыдов, В.П.Беспалько, Г.И.Ибрагимов, Б.Ц.Леднев, М.И.Махмутов, А.А.Сластенин, концепция непрерывного образования - Б.С.Гершунский, Г.В.Мухаметзянова, А.М.Новиков, социальное партнерство и управление образованием в профессионально-технических училищах исследования, выявляющие проблемы изучали такие учёные как: П.Ф.Анисимов, Г.В.Мухаметзянова, Г.И.Ибрагимов, Е.А.Корчагин, В.П.Панасюк, А.С.Субетто и другими учёными.

Успешный ученик - способный освоить учебную программу, творческий продукт учителя, успешно овладевающего каждым предметом. Преподаватели демонстрируют свои знания, навыки и умения, умение знать, понимать и объяснять учащимся то, что они понимают не то же самое. Высокий уровень образования - часто те школьные учителя являются главным критерием успеха, в жизни от знаний, полученных учениками умение пользоваться очень важно.

Составляющие технологической культуры должны формироваться при изучении технологии, начиная с начальной школы. Важно подчеркивать, что независимо от вида конкретной технологии, которую человек сейчас использует, он имеет дело с инвариантными составляющими человеческой деятельности: культурой труда, графической культурой (созданием и использованием графических изображений в процессе выполнения работы), информационной культурой (использованием различных источников информации в процессе выполнения работы), экологической культурой (бережным отношением к природе и здоровью человека, экономией материалов и энергии, переработкой отходов), культурой дизайна, культурой дома и потребительской культурой, культурой человеческих отношений и проектной культурой. С самого начала обучения необходимо формировать технологическую культуру учащихся: культуру труда, человеческих отношений и т.д. Необходимо дополнить действующие программы по технологии изучением общих принципов построения технологических систем и систем управления, а также изучением принципов технологической и проектной деятельности человека.

Результаты опроса учеников показывают, что уверенный в себе, хорошо успевающий, уверенный в

учителях подкрепляет, взаимодействует с учителями, популярен в классе, этичен стабильный и хороший человек, ответственный, дисциплинированный, доброжелательный, быть успешным учеником – это всё зависит от учителей, от родителей и учеников.

Учителя должны уметь учиться и получать удовольствие от чтения учеников, у учителя должна быть четкая цель и способы ее достижения.

Преемственность в образовании - это проявление преемственности в социокультурном развитии общества, это выражается в установлении необходимой связи и правильного соотношения между содержательными разделами учебного предмета на разных ступенях его изучения и свойственна учебным планам отечественной общеобразовательной школы. Это обеспечивает одинаковый объём знаний в соответствующих классах и равные возможности для продолжения образования.

REFERENCES

1. Давыдова Н.Н., Игошев Б.М. и др. Образовательный кластер как системообразующий компонент региональной модели непрерывного педагогического образования, Педагогическое образование в России, 2014. № 10, стр.75.
2. Мирзиёев Ш. «Вместе мы построим свободное и процветающее, демократическое государство Узбекистан». Ташкент – «Узбекистан» - 2016.56
2. Ш.Мирзиёев. «Мы построим наше великое будущее вместе с нашим смелым и благородным народом». Ташкент – «Узбекистан» -2016.488 с.
3. Тожибоева Г. Р., Нигметова Х. Преемственность технологического образования и воспитания 3rd -ICARHSE International Conference on Advance Research in Humanities, Applied Sciences and Education Hosted from New York, USA <https://conferencea.org> June 28th 2022. Стр. 14-16.
4. Tojiboeva G. Management competence of hydraulic education teacher International Conference on Advance Research in Humanities, Applied Sciences and Education Hosted from New York, USA <https://conferencea.org> June 28th 2022. Page 1-2.



XIZMAT KO'RSATISH SOHASI VA AYOLLAR BANDLIGI

Bibisara Abibullayevna Erejepova
Qoraqalpoq davlat universiteti o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada xizmat ko'rsatish sohasidagi tadbirkorlik tuzilmalari faoliyati mezonlari va ishchanlik muhiti kabi masalalar ko'rib chiqilgan. Xususan, xizmat ko'rsatish sohasida ayollar bandligi ko'rsatkichlari haqida fikrlar bayon qilingan.

Kalit so'zlar: tadbirkorlik, , iqtisodiyot, xizmat ko'rsatish, ishchanlik muhiti, xususiy mulk, raqobat, mehnat bozori.

KIRISH

Joriy yuz yillikda jiddiy ahamiyat kasb etishi lozim bo'lgan ayollar va erkaklar huquq hamda imkoniyatlarining tengligi Birlashgan Millatlar Tashkiloti tomonidan asosiy qadriyatlardan biri sifatida tan olinadi. Shu munosabat bilan jinslar tengligiga ko'maklashish va ayollar huquqlarini kengaytirish 2010 yilda 191 davlatning, shu jumladan, O'zbekistonning, 147 nafar davlat rahbarlari va vakillari qabul qilgan hujjat – BMTning ming yillik Deklaratsiyasiga muvofiq shakllantirilgan ming yillikning rivojlanish maqsadlaridan biri hisoblanadi.

Mehnat bozori hamda bandlik sohasida gender tengligi erkaklar va ayollarga mazkur bozor taqdim etadigan barcha imkoniyatlardan (umuman olganda, maosh to'lanadigan mehnat sohasiga, faoliyatning barcha turlariga, turli ko'rinishdagi ish joylariga va boshqalardan) teng foydalanishlarini ta'minlashni ko'zda tutadi. Bunda, gender tengligi – faqatgina adolat masalasi ham, inson huquqlariga rioya qilishga tegishli bo'lgan muammo ham emasligini yodda tutish zarur.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Dunyoning turli mamlakatlarida o'tkazilgan ko'plab tadqiqotlarning ko'rsatishicha, ayollar bilim darajasining oshishi va aholi jon boshiga to'g'ri keladigan yalpi ichki mahsulot (YAIM) miqdori o'rtasida ijobiy bog'liqlik mavjud. Ayol boshqaradigan oilaviy daromad ulushining oshishi oziq-ovqat, bolalar ta'limi va ularning kiyim-kechaklariga xarajatlarni oshishiga olib keladi va bunda oilaning alkogol va tamaki mahsulotlariga ketadigan xarajatlari pasayadi.

Demak, gender tengligi ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning asosiy maqsadlaridan biri hisoblanadi. Shu bilan birga, mehnat bozorida ayollar va erkaklarning tengligiga erishishga olib

keladigan ko'plab yo'llar borligini tushungan holda, turli mamlakatlarning milliy qadriyatlari va madaniyatini inobatga olish muhimligi tabiiy. Bundan tashqari, gender tengligining asosiy g'oyasi erkak va ayoldagi teng huquqlilik ta'lim sohasidagina emas, balki o'z salohiyatini amalga oshirish uchun barcha manbalardan foydalana olishni ta'minlovchi teng huquqlardan iborat.

Mustaqillik yillarida O'zbekistonda jinslarning teng huquqliligini ta'minlashda ijobiy o'zgarishlar yuz berdi, ayollarning ahvoli yaxshilandi va ularning huquqlari kengaydi. Mavjud me'yoriy-huquqiy baza erkaklar va ayollarga mehnat bozori taqdim etayotgan barcha imkoniyatlardan foydalanishda teng huquqlarni kafolatlaydi.

Shunga qaramay, butun dunyoda bo'lgani kabi, mamlakatning mehnat bozorida gender tengligini ta'minlash dolzarb masala bo'lib qolmoqda. Bunda, hatto rasman kuzatilayotgan gender tafovutlar, agarda ular turli jinsdagi ishchilarning imkoniyatlarini cheklanishning oqibati bo'lmasa, erkak va ayollarning bandlik sohasida teng huquqli bo'lmagan holatiga guvohlik sifatida avtomatik tarzda ko'rib chiqilmasligi lozim.

Ayollar O'zbekistondagi ishchi kuchining 47% ga yaqinini tashkil qiladi. O'zbekiston Respublikasi davlat statistika qo'mitasining ma'lumotlariga ko'ra, ayollar mehnat bozorida kamroq ishtirok etishadi: ularning iqtisodiy faollik darajasi erkaklarning ayni ko'rsatkichidan 8,3% ga past (ayollarniki 68,2%, erkaklarniki 76,5%), bandlik darajasi esa 9,1% ga past (ayollarniki 64%, erkaklarniki 73%). Shu bilan bir vaqtda ayollarning iqtisodiy nafaoligi erkaklarning shu ko'rsatkichidan 17,5% ga yuqori (ayollarniki 33,9%, erkaklarniki 16,3%). Ayollar ro'yxatga olingan ishsizlarning yarmidan ko'prog'ini tashkil qiladi. Ayollar va erkaklar turli tarmoq va mutaxassisliklarda mashg'ul, mehnat bozorida gender farqlanishi mavjud. Ayollar iqtisodiyotning sog'liqni saqlash, sport va ular barcha band bo'lganlarning 75% ini tashkil qiladigan ijtimoiy ta'minot, shuningdek ishchilarning 2/3 qismi ayollarni tashkil qilgan ta'lim, madaniyat, san'at va fanni birlashtiruvchi sohalarda faoliyat ko'rsadilar. Asosan erkaklar ishlaydigan qurilish, transport va aloqa kabi tarmoqlarda ayollar ning ulushi mos ravishda 11,1% va 15,5% ni tashkil qiladi.

Avvalambor, ta'kidlash joizki, ayollar va erkaklar iqtisodiyotning turli tarmoqlarida mehnat qilishadi. Ish bilan bandlikning tarmoqlar tuzilmasidagi farqi, birinchi navbatda, byudjet sohasida mashg'ul bo'lgan ayollarning solishtirma soni erkaklarga qaraganda sezilarli darajada yuqori ekanligida namoyon bo'lmoqda (ishlayotgan ayollarning har uchinchi, erkaklarning esa faqat 12% i bu erda ish bilan band), ikkinchidan, qurilish, transport va aloqa kabi tarmoqlarda ishlayotgan erkaklar ulushi ularda mehnat



qilayotgan ayollarning sonidan ko'p: birinchi holatda farq 12,4% ni, ikkinchisida – 6,3% ni tashkil qiladi. Undan tashqari, qishloq va o'rmon xo'jaligi ikkala jins vakillarining ham eng keng tarqalgan bandlik sohasi hisoblansa-da, bu erda ayollarning deyarli 30% i mehnat qiladi, bu vaqtda esa erkaklarning 22,5% i mazkur tarmoqda ishlamoqda.

Iqtisodiy tarmoqlar bo'yicha erkaklar va ayollarni bir me'yorda taqsimlanmagani erkaklar va ayollar mehnat faoliyatidan oladigan daromadlardagi farqqa olib keladi. Statistika ma'lumotlariga ko'ra, erkaklar mehnatga yuqori maosh to'lanadigan tarmoqlarda ko'pchilikni tashkil qiladi: transport va aloqa korxonalari ishchilari mamlakat bo'yicha o'rtacha darajadan 33%, qurilishda ishlovchilar esa 58% ko'proq maosh olishadi. Bu vaqtda esa barcha ishlayotgan ayollarning 12% idan ko'prog'i mehnat qilayotgan, ulushi esa 52% ga teng bo'lgan savdoda maosh O'zbekiston bo'yicha o'rtacha oylik maoshning 123% ini tashkil qiladi.

Yuqori nisbiy oylik maoshi – 160% – ayollarning 12% i mehnat qilayotgan sanoat uchun ham taalluqli. Shunga qaramasdan, ushbu aniq vaziyatda, bu dalillarni ehtiyotkorlik bilan sharhlash lozim bo'ladi: sanoat juda ham turli ko'rinishdagi ish o'rinlarini taqdim etadi. Mazkur sohada ayollar, asosan, ko'p mehnat talab qilinadigan tarmoqlarda ishlaydi (to'qimachlik, tikuv-trikotaj, oziq-ovqat va boshqalar.), ularda mehnatga haq to'lash ko'p mablag' talab qilinadigan va ishlovchilarning aksariyati erkaklar bo'lgan tarmoqlardagiga qaraganda past.

O'zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 6-moddasiga muvofiq, «Mehnat sohasida mehnatning muayyan turiga xos bo'lgan talablar yoki davlatning yuqoriroq ijtimoiy himoyaga muhtoj bo'lgan shaxslar (ayollar, voyaga etmaganlar, nogironlar va boshqalar) to'g'risidagi alohida g'amxo'rliqi bilan bog'liq farqlanishlar kamsitish deb hisoblanmaydi». O'zbekiston Respublikasi Mehnat Kodeksi ayollarni himoya qiluvchi qator me'yorlarga ega. Ular orasida- mehnat sharoitlari noqulay bo'lgan ishlar ro'yxatiga kiruvchi ishlarda, hamda davlat tomonidan o'rnatilgan ruxsat etilgan me'yorlardan oshib ketadigan og'irliklarni ko'tarish va boshqa joyga tashishni nazarda tutuvchi ishlarda ayollar mehnatidan foydalanishga ruxsat etilmaydi (225-modda). Homilador ayollar va yosh bolali ayollarni qo'llab-quvvatlash va himoya qilish uchun alohida choralar ko'rilgan. Masalan, ish beruvchi mana shunday ayolga sinov muddatini tayinlash (84-modda), ishdan bo'shatish (237-modda) huquqiga ega emas. «Homilador ayollarni va uch yoshga to'lmagan bolasi bor ayollarni ularning roziligisiz tungi ishlarga, ish vaqtidan tashqari ishlarga, dam olish kunlaridagi ishlarga jalb qilishga va xizmat safariga yuborishga yo'l qo'yilmaydi. SHu bilan birga homilador ayollarni va uch yoshga to'lmagan bolasi bor ayollarni



tungi ishlarga jalb qilishga, bunday ish ona va bolaning sog'lig'i uchun xavf tug'dirmasligini tasdiqlovchi tibbiy xulosa bo'lgan taqdirdagina, yo'l qo'yiladi» (228-modda).

Mehnat va bandlik sohasidagi milliy siyosatga majmuaviy gender yondashuvni integratsiya qilishning muhim maqsadi erkaklar va ayollarga o'zlarining mehnat salohiyatlarini namoyon qila olishlari uchun teng imkoniyatlarni taqdim etishdan iboratdir. SHu sababli davlatning faoliyati ayollarni mehnat sohasiga bevosita jalb qilish, ularni ish bilan ta'minlashni kafolatlashga yo'naltirilgan bo'lishi mumkin. Ammo, bundan tashqari, ish bilan ta'minlash siyosati erkaklar yoki ayollardan iborat maqsadli guruhini to'g'ridan-to'g'ri ko'rsatmasdan, huquq va imkoniyatlarning gender tengligini ta'minlash maqsadiga bivosita erishishga ko'maklashishi ham mumkin.

XULOSA

Shunday qilib, ayollarning iqtisodiy faolligi va bandligini oshirish bo'yicha siyosatning, shuningdek mehnat bozorida gender farqlarini qisqartirishning samarali va natijaviy chora tadbirlari mamlakatning mehnat salohiyatidan ko'proq foydalanish, iqtisodiy o'sish va rivojlanish, shunga muvofiq esa O'zbekiston aholisi turmush darajasining oshishiga xizmat qiladi

REFERENCES

1. Keynes Dj. Obщaya teoriya zanyatosti. - M : "Progress", 2017. - 240 e.;
2. Qudratov F.X-, Pardaev M.K-, Abdukarimov B.A. Servis rivoji - aholining bandpigini ta'minlash va farovonligini oshirish omili.. T.: "Fan va texnologiya", 2018. -16 b.

ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИ (АБУ НАСР ФОРОБИЙ, АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ СИЁСИЙ- ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАРИ АСОСИДА)

Ж. С. Раматов

Тошкент давлат транспорт университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудир

Миршод Нўмонович Ҳасанов

Тошкент давлат транспорт университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси мустақил
тадқиқотчиси

mirshodhasanov02@gmail.com

Л. А. Валиев

Тошкент давлат транспорт университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси таянч
докторанти

valiyevl33@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Жаҳонда аждодлар мероси фан тараққиёти ва замонавий билимларнинг назарий асоси эканлиги эътироф этилмоқда. Билим идеаллари ва нормаларига риоя қилишда тарихийлик тамойилига амал қилишга эҳтиёж ошмоқда. Билимларнинг ворисийлигини таъминлаш, буюк мутафаккирларнинг борлиқ, коинот, табиат, инсон маънавиятига оид қарашларини ҳозирги давр илмий янгиликлари билан қиёсий таҳлил этиш, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва фарқларини аниқлаш учун аждодлар меросини ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Калит сўзлар: Шарқ, уйғониш, мутафаккирлар, сиёсий-ҳуқуқий таълимот.

КИРИШ

Дунёнинг бир қатор илмий тадқиқот институтлари ва марказларида Шарқ мутафаккирлари диний ва фалсафий меросининг қиёсий таҳлили асосида улар ғояларининг замонавий шахс тарбиясидаги аҳамиятини очиб бериш, диний ирфоний қарашларнинг дунёни билиш ва уни ўзгартириш, икки дунё саодати ҳақидаги таълимотнинг илмий жиҳатларини тадқиқ этиш, инсоннинг яхшилик ва ёмонликка мойиллиги сабабларини очиб бериш, Куръони карим сура ва оятлари, ҳадислар маъносини ўрганишнинг ижтимоий муносабатларда мураса маданиятига

амал қилиш учун заруратини асослаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистонда Шарқ мутафаккирларининг олам ва одам, таълим ва тарбия, иймон ва эътиқод, оила ва никоҳ, шахс маънавияти, давлат ва жамият бошқарувига оид қарашларини тадқиқ этиш, уларнинг замон руҳига мос ғояларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, “ислом оламининг мутафаккирлари асарларини, уларнинг бутун жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш, теран англаш ва кенг оммалаштириш” авлодлараро ворисийликни таъминлаш воситаси сифатида амал қилмоқда. Зеро, “Ислом дини бизни эзгулик билан тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади. Марказий Осиё уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссаси” ни ўрганиш ҳозирги кунда диний ва дунёвий билимлар мутаносиблигини таъминлаш, дунёвий тафаккурни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ислом маданиятининг гуллаб-яшнаши ўрта асрлар ислом фалсафасининг ал-Киндий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Ғаззолий, Ибн Рушд каби буюк намояндаларини дунёга келтирди. Энг муҳими, ислом Шарқ олимларининг буюк маънавий меросини кейинги авлодга йетказа олди.

Ўрта аср ислом файласуфлари Аристотел ва Афлотун рисоаларини араб тилига таржима қилиб, Шарқ перипатизмига асос солган. Араб тилидан латин тилига таржима қилинган испан перипатизми вакиллари. Ушбу таржима қилинган кўлэмалар бутун Европага тарқатила бошланди. У келажак авлодни унутилган юнон маданияти, еркин фикр ва ҳаётга муҳаббат асосида тарбиялади. Ушбу китоблардан ўрта асрларда Европада Уйғониш тушунчаси туғилди. Уйғониш даври Европада еллизмнинг кучайиши эди. Бу қадимги Юнонистонда ва ислом дунёсида пайдо бўлган генетик жиҳатдан бой уруғ эди. Бу ердан Ғарб цивилизациясининг улкан дарахти ўсган. Бу Ғарб ва ислом цивилизацияси ўртасидаги мулоқотнинг далилидир.

Агар ислом фалсафаси тарихига назар ташласак, Абу Наср Форобийнинг маънавий олами нақадар юксак бўлганини кўрамиз. Фалсафада Форобий ижтиҳод даражасига кўтарилган, шунинг учун у нафақат фикр, калом каби таълимотларга ўз қарашларини баён эта олган, балки ўша масалалар юзасидан тегишли қарорлар ҳам қабул қила олган. Абу Наср Форобий «Ихсо ал-улум»нинг «Илоҳиёт» қисмида

таъкидлашича, – калом олимларидан бир қисми ҳақиқатан ҳам динлар билан уларда мавжуд бўлган барча ҳолатлар инсон фикрлари, ақли ва зақоси билан тадқиқ қилинажак ва аниқла-нажак нарсалар эмас, чунки диний аҳкомлар даража нуқтаи назаридан булардан янаям юксакдир дейдилар; Зеро Оллоҳдан келган ваҳйдан олинган ва пайғамбарларнинг ичларида бўлган билимларга инсон ақллари етмай ожиз қолиши ва оддий инсонлар етиша олмайдиган илоҳий сирлар бор, дейиш орқали динни қўллаб-қувватлаб, музаффар, ғолиб қилажакларига ишониш вожибдур» .

Турли диний фанларда ўзининг теран фикрлари билан машҳур бўлган ўрта аср ислом файласуфларини солиштирадиган бўлсак, ўрта аср тарихчилари ва олимлари Форобийнинг фалсафа тарихидаги мавқеи уларникидан анча юқори эканлигига ишонч ҳосил қилганлар. Форобийнинг ғоявий муҳолифларига таъсирига назар ташлайдиган бўлсак, унинг фалсафий тафаккур савияси ва маданияти юксак эканлиги аён бўлади.

Бу мезонни Абу Наср Форобийнинг ўз фалсафасидан излаш керак. Форобий ислом фалсафасининг асосчиси дэсак, шубҳасиз, кейинги мутафаккирларнинг ҳам ўзига хос фалсафий тамойиллари, мулоҳазалар ва мулоҳаза юритиладиган фикрлари бўлган. Бу қандай асослар ва тамойиллар? Бу тамойиллар қадимги юнон ва исқандария фалсафий мактаблари ғояларидан нимаси билан фарқ қилади?

Абу Наср Форобий ва унинг издошлари қадимий анъанани қандай ўзлаштирганлар. Абу Наср Форобий фалсафий маънавий оламининг шаклланишига антик фалсафанинг, аниқроғи Арасту фалсафасининг таъсири қандай бўлган? У қандай ўрганилган?

Бизга маълумки, Абу Наср Форобий ва унинг издошлари қадимги юнон фалсафий мактаблари асарларини шарҳлаш билан чекланиб қолмаганлар. Машҳур немис файласуфи Мартин Хайдеггер ўрта аср мусулмон файласуфлари ҳақида шундай дейди: «Албатта, улар (ўрта аср файласуфлари) Аристотел фалсафасини тушунмаган дэсак, ёлғон бўлади. Улар нафақат унинг фалсафасини янги ракурсадан кўришди, балки унга янги маъно ва таъм ҳам бердилар.

Шундай қилиб, на Абу Наср Форобий, на унинг издошлари кўр-кўрона билимсиз қадимги юнон фалсафасини тушуна олмадилар.

Аристотел ва Афлотун фалсафаси ўртасида зиддият бор, лекин бу, шубҳасиз, Абу Наср Форобий уларни тўғри таржима қилмагани учун эмас. Абу Наср Форобий янги фалсафий тушунчаларни яратди ва шунга мос натижаларга еришди. Бу

натижаларни дин, диний ҳуқуқ, сиёсат ва илм-фанда кўриш мумкин. Бу киритилган «янгиликлар»да дин Абу Наср Форобий фалсафий тамойиллари ва фалсафий қарашларининг биринчи манбаи сифатида қаралади, албатта, бу ерда дин алоҳида фалсафий фан сифатида қаралади. Дин ва фалсафа азалдан бир-бирига қарама-қарши бўлиб келган. Суқротга қўйилган айбловлардан бири у диний қадриятларни тан олмагани ва қадрламаслиги (яъни фалсафани диндан устун қўйгани) эди.

Аммо ўрта асрларда дин ва фалсафанинг бирлиги масаласи ислом фалсафасининг етакчи мавзуларидан бири бўлган. Ал-Киндий Абу Наср Форобий фикридан фарқли равишда фалсафа ва дин икки қарама-қарши куч бўлиб, дунёни талқин қилиш ва ҳақиқатга эришиш йўлида турлича позицияга эга, деб ҳисоблаган. Форобийнинг фикрича, фалсафий ҳақиқат билан бир қаторда диний ҳақиқат ҳам бор, лекин у бир ҳақиқатнинг икки хил кўринишидек кўринади.

Фалсафа махсус қонунлар ва далилларга, далилларга асосланади ва динда бундай далил ва далиллар ифодаланади ва тартибга солинади. Абу Наср Форобий юқоридагиларни умумлаштириб, фалсафанинг динга нисбатан биринчи ташаббус эканлигини кайд этади. Абу Наср Форобий бу ерда фалсафанинг биринчи ташаббускори бўлиш унинг биринчи ва энг яққол устунлиги эканлигини кўрсатишга уринмайди. Лекин у фалсафанинг динга нисбатан биринчи бўлиб, ҳар жиҳатдан диндан устун эканлигини таъкидлайди. Абу Наср Форобий ҳаётда фалсафа ва дин ўртасида ҳеч қандай зиддият йўқлигини кўрсатади. Унинг асосий мақсади фалсафа ва динни уйғунлаштиришдир. Бу фикрлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган Абу Наср Форобий икки муҳим саволни чуқур ташвишга солган:

- Афлотун ва Аристотел фалсафаси ўртасидаги зиддиятларни яраштириш;
- У ислом дунёқараши билан қадимги юнон фалсафаси ўртасидаги зиддиятни бартараф етишга ҳаракат қилди.

Ўша даврда юнон фалсафасининг асосий танқиди Платон ва Арасту ўртасидаги зиддият эди. Агар фалсафа идрокга ягона ҳақиқатни келтира олса, унда иккита энг машҳур фалсафий тизим қандай қилиб бир-бирига қарама-қарши туради? Агар иккаласи ҳам тўғри бўлса, улар ўртасида зиддият бўлмаслиги керак эди; Агар ҳар иккала фалсафий тизим зиддиятлар олдида тўғри деб топилса, бу фалсафанинг номукамал эканлигини, ҳақиқатни йетказишга қодир эмаслигини муқаррар кўрсатади – бу ўша давр фалсафаси синовининг биринчи қисмидир.

Бу танқидга жавобан Форобий «Ал-Жам Беиб Фаи Ал-Ҳасимат Ефлбум ал-Илоҳи ва Аристо» («Икки қудратли Афлотун ва Арасту қарашларининг бирлиги») асарини ёзган ва унда Афлотун ва Арасту ўртасидаги фарқларни кўрсатишга ҳаракат қилган. икки файласуфнинг турли турмуш тарзида бўлганлиги; Асосан, мутафаккирларнинг фалсафий қарашлари моҳиятан бир хил эди. Абу Наср Форобий китобнинг бошида фалсафа мавзусига тўхталиб, илм-фанни таҳлил қилади, сўнг Афлотун фалсафасининг қисқача мазмунини беради, китобнинг охириги қисмида Аристотел фалсафасининг асосий хусусиятларини кўрсатиб, ҳар икки мутафаккирнинг фикрлари баён етилган. ўхшаш.

Ҳаммамизга маълумки, икки юнон фалсафасининг «ярашиши» 3- асрда содир бўлган. Аммоний ва Порфирий, Искандария фалсафа мактаби вакиллари; аммо Абу Наср Форобийнинг фикри бошқача эди.

Форобий фикрича, фалсафа ҳақиқатнинг ўзи ва Ҳақ ҳақида билим излаш жараёнининг номидир, шунинг учун барча буюк мутафаккир ва файласуфлар бир хил фикрда бўладилар ва бир хил хулосага келадилар; Шу маънода уларнинг барчаси «Ҳақиқат изланиш мактаби»нинг шогирдлари, шунинг учун турли файласуфлар орасидаги фарқ бир хил Ҳақиқатни турли йўллар билан йетказишдан бошқа нарса эмас. Форобийнинг Афлотун билан Арасту фалсафасини мурасага келтиришининг яна бир сабаби Аристотел фалсафасини Афлотуннинг ўша даврдаги ислом дунёқарашига зид бўлган фалсафий таълимотлари билан «юмшатиш»га уриниш эди.

Абу Наср Форобий учун Афлотун ва Арасту ўз даврининг илғор олимлари бўлиб, улар фалсафанинг инсоний тафаккур тизими ва илоҳийлик тизими сифатидаги кўп асрлик алоқани, шунингдек, илоҳий ҳикматга қарши бўлмаган ҳақиқий фалсафани тиклашга интиланлар.

Энди Абу Наср Форобийни Аристотелдан кейинги иккинчи устозга айланган қадимий анъаналар билан боғланган.

Абу Наср Форобий маънавий оламининг шаклланиши ҳам ана шу қадимий фалсафий анъананинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ. Аниқроғи, Арасту ва Афлотун фалсафаси Абу Наср Форобий ғояларига назарий манба бўлган. Афлотун (неоплотонизм) ва Арасту фалсафаси Абу Наср Форобий фалсафасининг назарий асоси бўлса-да, унинг дунёқарашини фақат платонизм ва арастучиликнинг уйғунлиги сифатида кўриб бўлмайди.

Абу Наср Форобий Арасту ва Афлотун, ал-Киндий изидан бориб, фалсафа ва фаннинг барча соҳаларида катта муваффақиятларга еришди. Унинг маънавий дунёси,

интеллектуал савияси замондошларини лол қолдиради. Абу Наср Форобий ўз даврининг энг қимматли санъатини танлаб, ўз даврининг ҳақиқий қомусини яратди. Теран фикр, эътибор, илмий башоратларга эга бўлмаган фан соҳаси йўқ, дэсак муболаға бўлмайди. Абу Наср Форобий фақат шарҳлаш билан чекланмади. Ўз қаламидан ўзига хос асарлар ҳам бор. Улар фақат перипатетик бўлмаган. Неоплатонистлар фаолиятини давом эттириб, Арасту фалсафасини Платон фалсафаси билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилди. Унинг қисқа ва ихчам «Фусус ал-ҳикам» рисоласи ҳаммага маълум. Бу асар Абу Наср Форобий илмининг энг муҳими ҳисобланади. Абу Наср Форобий ҳам яхши математик эди. У ўша пайтдаги бутун тиббиёт назариясининг маъносини биларди. Аммо у буни шифокор сифатида ишлатмади. У мусиқа назариясига оид бир қанча асарлар ҳам ёзган. У бастакор сифатида ҳам танилди» .

Абу Наср Форобий умрининг сўнгги йилларини Суриянинг Ҳалаб шаҳрида ўтказди. У ернинг ҳукмдори Сайф ад-Даула (915-967) саройида яшаган. Ибн Халлиқон солномасида Абу Носир Форобийнинг бу саройга илк бор келганида Сайф ад-Даула билан танишиши ҳақида қизиқарли маълумотлар бор. «Абу Наср Форобий Мисрдан қайтиши билан ўз тарафдорлари билан учрашув ўтказётган Сайф ад-Даулага дуч келди. Абу Носир Форобий ўзига хос миллий либос кийган. Ичкарига кирганида Сайф ал-Даула: «Ўтир!» деб бақиради. Абу Наср Форобий: «Мен қаерда ўтираман, сиз қаерда ўтирасиз?» — деб сўрайди у. Сайф ад-Даула: «Ўзингни муносиб кўрган жойда ўтир», деди. Буюк олим Сайф ад-Дауланинг ҳузурига келиб, уни тахтдан итариб юборади. Фақат ҳукмдор ва бир неча тансоқчиларга маълум бўлган яширин сарой тили бор эди. Бу сирли тилда у тансоқчиларига: «Бу чол кўпол. — Ҳозир мен унга бир неча савол бераман, агар жавоб бера олмаса, жазоланг деб буйруқ беради. Шунда Форобий дарров яширин тилда Сайф ад-Дауланинг ўзи гапирганини айтди: «Эй Роббим, сабр қил. Биз ҳамма нарсага ғамхўрлик қилишимиз керак! « - дейди. Султон хайрон бўлиб: «Ёпирай, бу тилни қаердан биласан?» деб сўрайди. Форобий: «Мен етмишга яқин тил биламан», деб жавоб беради аллома. Шундан сўнг Абу Носир Форобий Сайф ад-Даула ва унинг сарой аҳли билан яқиндан суҳбатлашади.

Сайф ал-Даула мусиқачиларни саройга келишни буюрди. Улар ўз чолғуларини чалаётганларида, Абу Носир Форобий уларни тўхтатиб, вақти-вақти билан огоҳлантириб, тўғрилаб туради. Сайф ад-Даула: «Сиз бу санъатни яхши биласизми?» деб сўради. У: «Ҳа», деб жавоб бериб, белидан бир халта чиқариб, ундан юпка чолғу олиб, унга кулоқ солиб, ўйнай бошлади. Мусиқа таъсири жуда кўп

одамлар кулишади. Энди у асбобни бошқа кулоқ ҳолати билан чалади. Жуда ғамгин оҳанг янграйди ва одамлар йиғлай бошлайди. Ниҳоят, чолғуни бошқача чалиб, ҳамма, ҳатто Султоннинг кўриқчилари ҳам ухлаб қолди. Абу Носир Форобий уларни уйқуда қолдириб, саройдан чиқиб кетади» .

Абу Носир Форобий ўз даврининг энг қимматли санъати ва билимини танлай олди ва ўз даврининг ҳақиқий қомусини яратди. У зот теран фикр билдирмаган, эътибор бермаган, доно башорат қилмаган фан соҳаси йўқ, дэсак муболаға бўлмайди. Масалан, Форобий «Фалсафани ўрганиш учун зарур бўлган шартлар» рисоласида Арасту фалсафасини ўрганиш учун зарур бўлган тўққиз шарт ҳақида гапиради:

Биринчи шарт фалсафий оқимларни тан олиш (номларни билиш) етти нарсадан иборат:

- 1 - фалсафий йўналиш (оқим) га раҳбарлик қилган ўқитувчининг номи;
- 2 - келиб чиққан шаҳар;
- 3 - фалсафада манзил (мадраса) бўлган жой номи;
- 4 - фалсафий оқимнинг асосий сабаби;
- 5 - фалсафий таҳлил учун олинган масалалар;
- 6 - фалсафанинг мақсади ҳақида;
- 7 - фалсафанинг амалий моҳияти, натижаси.

ХУЛОСА

Унинг фикрича, фалсафий йўналишнинг биринчи асосчиси юнон файласуфи Пифагор, яъни Пифагор мактаби бўлган. Бу ерда Форобий қадимги Юнонистоннинг асосий илмий ва фалсафий мактабларини кўздан кечиради ва ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашади. Иккинчи шарт - ўтмишдаги буюк файласуфларнинг асосий ғоя ва мақсадларини тан олиш. Бу ерда Форобий қадимги юнонлардан қолган мантиқий асарларнинг расмий далиллари (мантиқи); силлогизм; таҳлилий мазмуни ва ўқиш тартибини умумлаштиради. Учинчи шарт - файласуф бўлиш учун зарур бўлган фанларни билиш. Тўртинчи шарт - фалсафани ўқитишдан мақсадни тушуниш. Фалсафа фанини ўрганишда унинг узоқ муддатли мақсадини тан олиш. Бу мақсад Яратганни тан олишдир. Бу ўзгармас ягона нарса. У бутун дунёнинг, ҳамма нарсанинг Яратувчисидир. Ўзининг сахийлиги, донолиги ва адолати билан дунёга ҳукмронлик қилувчи Аллоҳни тан олиш. Барча файласуфлар ва олимларнинг иши Яратганга ўхшаб қарашдир. Албатта, бу ўринда Абу Носир Форобий ўз даврининг фарзанди эканлигини тушунишимиз керак, чунки замон талабига жавоб бера олмаслик ҳамиша табиий.

Бешинчи шарт - фалсафа фанига киришнинг тўғридан-тўғри йўлини тан олиш. Бу ерда Форобий илм ва илмга эришишнинг энг тўғри йўли меҳнат қилишдир, дейди. Шунингдек, фалсафани фақат табиий фанлар орқали тушуниш мумкинлиги айтилади. Олтинчи шарт - Арасту асарларида қўлланилган илмий тушунчаларни таҳлил қила билиш. Еттинчи шарт – Арасту ўз асарларини ўқувчидан чуқур сирларни ечишни талаб қилгани сабабини билиш, Арасту асарларида сир кўринишида ифодаланган тушунчалар сирларини очиб бериш. Баъзи илмий тушунчаларни чуқур сирга қўйишининг учта сабаби бор. Биринчиси, талабанинг табиий қобилятини текшириш ва уни ўқитишга арзийдими ёки йўқлигини аниқлаш. Иккинчиси, фалсафа фанидан ҳамма учун эмас, фақат уни олиб юривчилар учун фойдаланиш. Учинчидан, илм излашда инсонни тасвирлаш, тарбиялаш керак. Шу уч сабабга кўра Арасту асарларида аллегория қўлланилади. Саккизинчи шарт - файласуфнинг бурч ва ҳаёт қоидаларини тушуниш. Тўққизинчи шарт - Арасту таълимотини ўрганиш учун нима кераклигини билиш. Форобий Арастунинг мантиқ илми ва асарларини ўқиш тартибини юксак баҳолайди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Форобий фалсафани ўрганиш мақсадида қадимги юнон мутафаккирларидан тортиб ўзигача бўлган алломаларнинг қарашларини муҳокама қилади ва ниҳоят ўз фикрларини баён қилади. Форобий таъкидлаганидек, илм-фан ва фалсафа одами бўлишнинг биринчи талаби қалб поклиги, виждон поклиги, барча инсонларга, ўз халқига соф муҳаббат, илм-фанга чексиз иштиёқ ва садоқатдир. Бу шарт бажарилмаса, инсон фалсафани ўргана олмайди, ўргата олмайди, деб таъкидлайди Форобий.

REFERENCES

1. Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – Б.35.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи”. 2017 йил, 20 сентябрь.
3. Хайруллаев М. Шарқ Ренессанси ва Форобий. -Фан ва турмуш”, Тошкет. 1975, 239 –б
4. Абу Наср Форобий. Рисолалар. – Тошкент, “Фан”, 1975.
5. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент, Абдулла қодирий номидаги “Халқ мероси” нашриёти, 1993.
6. Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт, саодат ва камолот ҳақида . – Тошкент, “Ёзувчи”, 2001.
7. Hasanov M.N. Abu Nasr is a unique interpretation of the concept of happy man in Farobi’s philosophy.TJE - Tematics journal of Social Sciences-AQSH.2022.-P.43-46.



АБДУЛЛА АВЛОНИЙ АСАРЛАРИДА ТАРБИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Лочин Ғайратович Муҳаммадиев

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

Нилуфар Махсудовна Кошанова

Педагогика фанлари фалсафа доктори (PhD)

koshanovanilufar512@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақоламизда атоқли маърифатпарвар жадидчи Абдулла Авлонийнинг Туркистондаги маърифий ташкилотчилик фаолияти, фарзанд тарбияси борасидаги педагогик қарашлари асарлари асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: маънавий қоқоқлик, саводсизлик, эски усул, мутассиблик, жаҳолат, уйғониш даври, жадидчилик фаолияти, миллат руҳи, юрт равнақи.

ABSTRACT

This article analyzes the educational activities of the famous enlightened Jadid Abdullah Avloni in Turkestan, his pedagogical views on the upbringing of children.

Keywords: spiritual backwardness, illiteracy, old age, fanaticism, ignorance, Renaissance, Jadidism, the spirit of the nation, the development of the country.

КИРИШ

Ҳар бир миллат ва халқ фарзанди ўз келажаги пойдеворини мустаҳкам қуришда ўз аждодлари босиб ўтган ўтмиши ва кечмишларини таҳлил қилиши лозим. Зеро, тарих буюк мураббийлик хусусиятига эга бўлиб, у бизни бугунги тинч ва осуда даврнинг қадрига етишимиз ва фаравон, тўкин ҳаётимиз учун шукроналик туйғуларини хис қилишимизга ундайди. Марказий Осиё шундай ўлкаки, унда дунёга донғи кетган алломалар, буюк ҳадисшунослар, саркардалар, ватанпарвар фидойилар камол топган. Шулар жумласидан, Туркистон тупроғини маънавий қоқоқликдан олиб чиқиш, маърифат орқали мустабид тузумга қарши шарафли курашга бел боғлаган ватанпарвар, фидойи жадидчилар ҳар биримиз учун юксак, шарафли бурчни адо этган аждодлар тимсоли сифатида ўрнатилган бўла олади. А.Авлоний, М.Бехбудий, А.Фитрат, М.Абдурашидхонов каби халқи ва миллати учун эзгу мақсадда захмат чеккан зиёли,

ватанпарварлар ўзлигини, кимлигини англаган халқ кимларгадир қарам ва муте бўлиб яшамаслигини жуда яхши тушунган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТАДАЛОГИЯСИ

Туркистондаги маърифатчилик ҳаракатлари жуда кўплаб маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан ўрганилган ва таҳлил қилинган. Маҳаллий тадқиқотчилардан **Д.Ражапова** жадидчиларнинг жамиятда аёллар ўрни, таълим олиш масаласидаги қарашларини илмий таҳлил қилган бўлса, **К. Пардаева** [4] узлуксиз маънавий тарбия жараёнида Авлоний асарларидан фойдаланишнинг самарадорлиги борасида илмий изланишлар олиб боради. **Б.Қосимов, Б.Жўраев, Ш.Ризаевлар** ўзларининг илмий мақолаларида Авлоний асарларини таҳлил қилган. Хорижий тадқиқотчилардан **Балдауф Ингеборг** Марказий Осиёда жадидчилар томонидан амалга оширилган янги ислоҳатлар борасида илмий изланишлар олиб боради[3;44-45].

МУҲОКАМА

Ўз халқини маънавий уйғоқликга чақирган, жаҳолатга қарши маърифат йўли билан курашган жадидчиларимизнинг юксак орзуси битта, яъни, ўз ватани озодлиги ва равнақи ҳисобланган. IX-XII, XIV-XV асрларда уйғониш даврини Европадан олдин бошлаб берган халқ XVII-XIX асрларда ақидапарастлик, мутассиблик оқибатида тараққиётдан орқада қола бошлади. Бу борада биринчи президентимиз ҳақли равишда « *Нега бу миллат буюк сиймоларни этиштириб, XVII-XIX асрларга келиб то шу чоқгача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Нега сўнгги уч аср мобайнида бошимиз қолақликдан чиқмай қолди? Чор Россиясининг ўлкамизни нисбатан осон забт этишида ана шу қолақликнинг ҳам ўрни бўлганмикан?* [1;9] -деган асосли фикрларни билдирадилар. Жадидчилик XIX аср охири-XX аср бошларида Туркистон, Кавказ, Крим, Татаристон ҳаётида муҳум аҳамият касб этган ижтимоий-сиёсий, маърифий ҳаракат. Жадидчилик ҳаракати намоёндалари кўпинча ўзларини тараққийпарварлар, кейинчалик жадидлар деб аташган. Ўша даврнинг илғор тараққийпарвар кучлари, биринчи навбатда, зиёлилар маҳаллий аҳолининг умумжаҳон тараққиётидан орқада қолаётганини ҳис этиб, жамиятни ислоҳ қилиш заруриятини тушуниб етганлар [8]. XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида эски усул мактабларидаги кўр-кўрона ёдлатишга асосланган, илмни тор доирада, фақат диний илм билан боғлаётган мутассибона қарашларга қарши жадидчиларларимиз ўзбек халқ педагогикасига ўқитишнинг

янги самарадор усуллари олиб кира бошладилар. Шулар жумласидан, Абдулла Авлоний таниқли ўзбек педагоги, ўзбек матбуотининг забардаст вакилларидан бўлиб, унинг ёзган асарлари асосан тарбиянинг долзарб масалалари, маърифатпарварлик ғояларини ўзида акс эттиради. Абдулла Авлоний 1878-йил 12-июлда Тошкентда тўқувчи-хунарманд оиласида туғилиб, дастлаб эски усул мактабида, кейин мадрасада тахсил олади. У бир қанча тиллар: араб, форс ва рус тилларини ўргангач, ушбу тиллардаги асарларни бемалол мутоала қилишни бошлайди. Жадидчилар тарбияда асосий восита сифатида театрдан унумли фойдаланишган. Туркистондаги илк театрни Бехбудий Самарқандда очган бўлса, Тошкентда Абдулла Авлоний томонидан 1913 йилда Турон труппасига асос солинади. Театрдан тушган маблағлар янги усул “жадид” мактабларини очиш, болаларни саводли қилиш ва уларда мутассибликдан ҳоли бўлган кенг дунёқарашни шакллантиришга сарфланади. Авлоний 1908 йилда Мирободда янги усул мактабини очиб, 1909-йилда хайрия жамиятини тузади ва етим болаларга дарс беришни бошлайди. 1901-1917 йилгача бўлган даврда ўзбек мактаби тарихида ва педагогикасида катта рол ўйнаган 10 дан ортиқ қўлланма ёзади. Бу шубҳасиз, педагогикани янги босқичга кўтаради. Жумладан, **“Биринчи муаллим”** китоби бошланғич мактабга мўлжалланган бўлиб, таълимнинг оддийдан мураккабга тамойили асосида ёзилган. **“Иккинчи муаллим”** эса биринчи китобнинг давоми ва такомиллаштирилган шакли ҳисобланади. 1917 йилда маърифатпарварнинг ижтимоий, ахлоқий ва тарбиявий қарашлари баён қилинган **“Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”** китоби нашр этилади. Мутафаккирнинг **“Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”** асари 2 қисмдан иборат бўлиб, бунда яхши ва ёмон фазилатларнинг тавсифи, ўз даврининг оғриқли масалаларин: жаҳолат, қонунсизлик, зулм ва шу билан бирга қуллик ва турғунликни баён қилади. Ушбу асарни яратишда адиб халқ педагогикасининг ижобий тажрибаларидан унумли фойдаланади. У бола тарбиясини туғилишидан бошланиб ҳаётининг охиригача давом этишини, яъни тарбия бир умр давом этадиган жараёнлигини таъкидлайди. **Тарбияни ким ва қаерда бериши керак?**- деган саволни қўйиб бу жараён уйдан, яъни ота-онадан бошланади ва мактабда, мадрасада давом этади дейди. Авлоний фикрича, тарбия - бу ота-она, ўқитувчи, мударрислар ва давлатнинг муҳум вазифасидир. Мутафаккир ўқитувчининг таълимига, истейдоди, дунёқарашининг кенглигига, шахсиятига катта аҳамият беради. Авлоний асарларида халқчиллик, инсонпарварлик юқори даражада бўлиб, бола тафаккурининг ривожланишида барча таълим субъектларини сабабчи эканлигини **“Туркий гулистон ёхуд**

ахлоқ” асарида қуйидагича асослайди: *“Онасининг сочи патак, отаси дўмбирачи бўлса, муаллими бир сўм пулга муҳтож бўлса бола қаерга борсин [2].* Ушбу фикрлари орқали адиб саводсиз, порахўр маъсулиятсиз муаллим, билимсиз ва қорин ғамидан бошқасини билмайдиган ота-она жамиятга қандай болаларни тарбиялаб бериши мумкун деган оғриқли масалани кўтаради. Ўз даврида замонавий таълим-тарбияни шакллантириш ва ривожлантиришга беқиёс ҳисса қўшган ушбу жадид маърифатпарварлари илгари сурган ушбу ғоялар ёш авлод тарбияси билан нафақат оила, балки бутун жамият ва мамлакат шуғулланиши мумкунлиги ва муҳумлигини, шахс баркамоллиги, маънавий тарбияси ҳар доим ҳам маърифат аҳли, маъсуллар учун асосий долзарб муоммо саналиб келишини кўрсатади [5]. Ўқитувчи фикрлаш кучининг кенглиги дунёқарашига боғлиқлигини таъкидлайди. Унинг фикрича устознинг сўзлари уларнинг ишларига зид бўлса, демак шогирдлар бундай ахлоқий таълимотга ишонишмаслигини айтади. Абдулла Авлоний ватан озодлигини устун қўйиб унга олиб борадиган йўлни билим ва маърифат сифатида баҳолайди. Асарда ватанпарварликга катта эътибор қаратилган. Адиб ватанни шунчаки севиш билан чекланмасдан, у билан фахрланиш кераклиги, инсоннинг ватанни севиши унинг амалларида ва ўз юрти юксалишига доир ҳаракатларида намоён бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Халқнинг ўз миллий тилини йўқотиши миллат руҳини йўқотиши билан тенглаштирилади. Жадидчи тил поклигини ҳимоя қилишга ва сақлашга чақиради [5;3]. Авлоний 100 дан ортиқ шеърлар ёзган бўлиб уларда XX аср бошларидаги Туркистон ҳаёти тасвирланган. Бу дардли ижод намуналарида таракқийпарвар жадидчи дунё халқлари ҳаётида муҳум ўзгаришлар бўлаётган даврда, ўз юртини жонсиз ва вайронага айланган фонда кўради, яъни бир томондан жаҳолат, иккинчи томондан қашшоқлик ҳукмронлик қилаётган маскан. 1912 йилда ёзилган **"Дунё Фожиаси"** шеърида дунёда инсонга адолатсизликлар бўлиб, ҳақиқат четда қолган тақдирдаям бир кун ўз юртининг ёруғ кунларга эришишига, озод бўлишига, ҳақиқатнинг қарор топишига ишонади. Адиб инсонларни ахлоқий гўзалликга, маънавий бой бўлишга ундайди. 1919-1920 йилларда Афғонистонда бош консул бўлиб, ўзини истеъдодли дипломат сифатида кўрсатади. У тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик учун хизмат қилди, маъсулиятли топшириқларни бажарди, бунинг учун у бир неча бор мукофатланди.

1925-1930 йилларда Ўрта Осиё Коммунистик (САКУ), Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги мактабида дарс беради. Сўнгра Ўрта Осиё давлат университети педагогика факультетининг тил ва адабиёт кафедраси профессори, сўнг мудирлиги бўлиб ишлайди.



Мактабнинг 7-синф ўқувчилари учн христоматия яратди ва унда ўзбек ва хорижий ёзувчиларнинг таржимаи ҳоллари, ҳамда энг яхши асарларидан парчалар келтиради. У ўз даврининг оғриқли масалаларини танқид қилишдан тўхтамайди. Турли таҳаллуслар остида кўплаб танқидий шеърлар ва мақолалар ёзади. Унинг ёшларга ўрнак бўладиган ибратли жиҳати шундаки, доимо ўз халқига, ватанига садоқати, ўз дарди билан эмас балки халқи ва юрти ташвиши билан яшаганлиги, ўз давридаги инсонлардан тафаккури, дунёқараши кенглиги билан илдамрок, замон билан ҳамнафас бўлган тараққийпарварлиги ҳисобланади. Саводсиз болаларни ўқитишдек шарафли ишга қўл урган жаиди янги усул мактаблари орқали илғор ғояларни ёш авлод онгига сингдириш орқали юксак мақсадини амалга оширади. Авлонийнинг меҳнатлари муносиб тақдирланиб, ўзбек маданияти ва адабиётини юксалтиришда, малакали ходимлар тайёрлашдаги узок йиллар давомидаги меҳнати учун 1925 йилда “Меҳнат Қаҳрамони” унвони, 1930 йилда меҳнатсеварлиги, илмий асарлари учун “Қизил профессор” ва “Ўзбекистон маорифи зарбдори” унвонлари берилди. Абдулла Авлоний 1934 йилнинг 25 августида Тошкентда вафот этади.

ХУЛОСА

Абдулла Авлоний бутун умрини маориф соҳасига бахшида этган халқпарвар маърифатчи сифатида тарихда муносиб из қолдирди. Унинг педагогик қарашлари ҳозирги кунда ҳам ўзининг долзарблиги билан аҳамиятли бўлиб, баркамол авлод тарбиялашда, ўсиб келаётган ёш авлодда чинакам инсоний туйғуларни шакллантиришда, фарзандларимизни умуминсоний эзгу ғоялар руҳида тарбиялашда, педагог-мураббийларнинг маъсулиятли ва шарафли вазифаларига виждонан ёндашишларида дастурамал бўлиб хизмат қилади. Авлоний сиймоси доимо авлодлар хотирасида ватанпарварлик, халқпарварлик, фидоийлик тимсоли бўлиб қолади.

REFERENCES

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: Шарқ, 1998, - Б.9.
2. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т.: “Ўқитувчи”, 1992
3. Балдауф Ингебог. Джадидизм в Центральной Азии в плане реформизма и модернизма мусульманском мире. Халқаро конференция материаллари. Т.: Маънавият, 2001, 44-45 б.
4. Пардаева К. Узлуксиз маънавий тарбия жараёнида Абдулла Авлоний асарларидан фойдаланиш самарадорлиги. /” Абдулла Авлонийнинг илмий педагогик қарашлари” мавзусида

- халқаро илмий конференци материаллари. 2020 йил 10 июль– Т.: ТДПУ, 2020
5. Шерназаров З. Абдулла Авлонийнинг маънавий- ахлоқий қарашлари. «SCIENTIFIC PROGRESS» Scientific Journal. Volume: 1, ISSUE: 6. [www/scientificprogress.uz](http://www.scientificprogress.uz).-P.8-13.
6. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик.- Т.: «Маънавият», 2002. Б- 304.
7. Ражабова Д. Туркистон жадиждларининг қарашларида ёшлар ва хотин – қизлар масалалари.(XIX асрнинг охири - XX аср бошлари). Тарих фанлари номозлик дисс. Т. 2003. Б- 123.



АБДУРАҲМОН ИБН ХАЛДУННИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ КОНЦЕПЦИЯСИДА “АСАБИЙЙА” КАТЕГОРИЯСИ ТАҲЛИЛИ

Жасур Бахтиёрович Сулаймонов

ТошДШУ Шарқ фалсафаси ва маданияти кафедраси катта ўқитувчиси
nihatchetin@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ислом тафаккурининг йирик вакили Абдурахмон ибн Халдуннинг ижтимоий фалсафий қарашларида жамиятнинг иқтисодий соҳаси муҳокама қилинган. “Асабиййа” категорияси Халдуннинг ижтимоий фалсафий қарашларида муҳим аҳамиятга эга. Мутафаккир “Асабиййа” категориясининг жамият ривожланишидаги ўрнини меҳнат тақсимоли билан изоҳлаган. Шунингдек, унинг жамиятни барқарор ривожлантириш борасидаги қимматли фикрлари тақдим этилган.

Калит сўзлар: Ибн Халдун, “Муқаддима”, ёввойилик, таваҳхуш, ибтидоийлик, бадавия, тамаддун, хадаро, “Таассуб”, “асабийя”.

ABSTRACT

This article discusses the economic sphere of society in the social philosophical views of Abdurahman ibn Khaldun, the major representative of Islamic thinking. The category of "asabiyah" is important in the social philosophical views of Khaldun. The Thinker explained the position of the category "asabiyah" in the economic sphere of society by the division of Labor. Also, his valuable thoughts on the sustainable development of society are presented.

Keywords: Ibn Khaldun, "muqaddima", evil, tawahhush, Genesis, Bedouin, tamaddun, Khadar, "taassub", "asabiyya"

КИРИШ

Ибн Халдун ислом дунёсининг илмий ва ғоявий тарихида энг Таниқли шахслардан биридир. Бу шухрат, машхурликни биринчи навбатда унинг китоби олиб келди. Бу китоб Шарқ ва ғарбнинг фикр осмонида бир ёрқин юлдуз мисоли чарақлади. Бу китоб орқали Ибн Халдун бир янги йўл очдики, биринчи даражали файласуф-муаррих ва социология асосчиси деган унвонга сазовор бўлди. Иккинчи унвонни гарчи баъзи изоҳлар билан қабул қилиш лозим бўлса ҳам.

Ибн Халдун ўтган воқеаларни баҳолашнинг оқилона критерийларини кўрсатиш учун, унча ишонч туғдирмайдиган бир неча тарихий ривоятларни келтириб, муаррихнинг ростгўйлиги ва холислиги масаласини кўтаришдан аввал, бундай ривоятлардан фойдаланиш нималарга олиб келишини таъкидламоқчи бўлади.

Биринчи навбатда, Ибн Халдун тамаддуннинг асосий қонунлари ва унинг шаклланишини тадқиқ этишга қизиқади. У жамиятларнинг қай ҳолда ибтидоий кўчманчилик ҳаётидан юқори маданиятли ҳаётга ўтишини билишга ҳаракат қилади. Маълумки, мутафаккир турли хил давлатларда, жумладан, Андалузия, Ифриқия, Миср, Фарнота, Кастилия, Марокашда, шунингдек, Бану Ҳилол ва ад-Довудия каби араб ва барбар қабилалари ичида ҳаёт кечирган. Шунда у турли хил маданиятларни, яъни дабдабали, ҳашаматли шаҳар маданияти ва кўчманчиларнинг оддий ва қашшоқ ҳаётининг гувоҳи бўлди. Ибн Халдун бундан чуқур фарқларнинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида бош қотирди. Мутафаккир ушбу фарқларнинг уч сабабини кўрсатади: Биринчи сабаби, қабила ва оиланинг алоҳида аъзоларини боғлаб турадиган ҳиссиёт ва фикрлар моҳиятини акс эттирувчи психологик, руҳий ҳодисадир. Иккинчи сабаб, бу табиий ва географик шартлар билан, хунар, санъат, меҳнат тақсимоли билан узвий боғлиқ иқтисодий омилдир. Учинчи омил, бу ҳокимлар ва тобелар ўртасидаги муносабатлар, мулкни яратиш, ҳокимиятнинг шаклланишидан иборат сиёсий омилдир. Лекин Ибн Халдун юқоридаги фикрларни баён қилсада, ҳокимият ҳарактери ҳақида бу ерда сўзламайди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ибн Халдун инсон ибтидосининг ҳайвонот олами ичида булган вақтини ёввойилик (таваххуш) деб аташган. Инсон табиат қўйнида фаолият юритар экан, кичик жамиятларга (ижтимо) уюшиб яшай бошлашди. Ижтимо бу жамият, у ўз тараққиёти даврида икки босқични ибтидоийликни (бадавия) ва тамаддун (хадаро) босқичларини босиб ўтади. Яъни, Ибн Халдун жамиятни икки турга бўлади: маданий бўлмаган (яъни ёввойи) жамият ва маданий (яъни шаҳар) жамияти. Унинг фикрича, инсон табиатига кўра жамият ичига яшашга мажбурдир. Шунингдек, Ибн Халдун жамият шаклланиши ва яшашида диний алоқаларнинг мавқеини пасайтиради.

Ибн Халдун фикрича, ижтимоий тартиб-интизомни тиклаш ва жамиятни идора этиш табиий ҳодисадир. Бу ҳодисага ҳеч қачон пайғамбарликнинг барҳақлигини исботлаш далили деб муносабатда бўлишга йўл қўймаслик керак. Сабаби,



инсонларнинг жамоа бўлиб яшаши, пайғамбарсиз ҳам мавжуд булиши мумкин, бундай жамиятлар пайдо бўлган ва бўлмақда.

«Муқаддима»нинг иккинчи қисмида ёввойи жамият тадқиқига оид фикрлар баён этилган. Бу қисмида бир неча боблар бўйлаб бундай жамиятларнинг табиийлиги, ёввойилик руҳи арабларга хослиги ва ёввойи жамиятнинг маданий шаҳар жамиятига нисбатан бирламчилиги ҳақида гапирилади. Ибн Халдун ошкор баён этади: “Инсоният жамиятининг илдизи ва асослари саҳродаги ёввойи ҳаёт тарзидадир. Бу шунинг учунки, бадавийлар ҳаётни инсонинг энг асосий эҳтиёжлари чорчўбасидан ташқарига чиқмайди, ҳолбуки, шаҳар ҳаёти биринчи даражали зарурати бўлмаган нарсаларга эгалик қилиш иддоаси ва истаклари оқибатидир, ҳамда унинг натижасида пайдо бўлган хийла тараққий этган даврдир. Биринчи даражали ахамиятга молик зарурий нарсалар ҳаётда бўлмаса ҳам, аммо умр ўтказиш мумкин бўлган нарсаларга нисбатан бирламчи эканлиги сабабли, бадавийлик (кўчманчилик) ҳаёти амалда дарахтнинг илдизига ўхшайди, шаҳар ҳаёти эса унинг шохларидир”.

Юқорида таъкидлаганидек, жамият ривожидан икки босқич бор: ибтидоий (бадавия) ва тамаддун (хадаро). Ушбу босқичлар бир-биридан яшаш учун бўлган воситаларнинг характериға кўра фарқланади, яъни ибтидоийлик зироаткорлик, чорвачилик, термачилик, овчилик билан изоҳланса, тамаддун уларни тўлдириб келувчи ҳунарлар ва савдо билан изоҳланади. Шунингдек, улар истеъмол характериға кўра ҳам фарқландилар. Ибтидоийликда одамлар зарур неъматларни истеъмол қилса, тамаддун ҳолатида эса «фойда келтирувчи» ва «нозарурий неъматлар» билан ҳам кифоятланмайдилар. Бу шунинг учунки, одам меҳнат тақсимооти натижасида “ортиқча маҳсулот” ишлаб чиқара бошлади.

Ибтидоийлик ва тамаддун инсоният жамиятининг сифат жиҳатдан фарқли бўлган икки босқичдир. Бу икки босқич ҳудудий жиҳатдан бир-бирига яқин жойда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Масалан: Арабистон ярим оролидаги кўчманчи қабилалари ва Месопотамия қадимий тамаддуни.

Юқоридагиларни мисол келтирган ҳолда, Ибн Халдун ибтидоийликдан тамаддунга ўтиш жамиятининг ички ривожидан, ҳамда бошқа ҳудуд ҳосиласини забт этиш орқали ҳам амалга ошириш мумкин деб ҳисоблайди. Юқоридаги ҳолга қийёслаган ҳолда, Ибн Халдун жамият ҳаётини қишлоқ ва шаҳар ҳаётиға бўлади. У бу ҳақда шундай дейди:

“Қишлоқ ҳаёти шаҳар ҳаётининг асоси, пойдеворидир. Бирор бир шаҳар аҳолисини ўрганар эканмиз, уларнинг аждодлари шаҳар атрофидаги ёки шу ернинг ўзидаги



қишлоқдан бўлганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Хулоса қилсак бўладики, шаҳар ҳаёти шакли, қишлоқ ҳаёти шаклининг сўнгги босқичи демакдир”. Ибн Халдун шаҳарда меҳнат шаклининг ташкил этилишини ишлаб чиқаришнинг олий юксак формаси деб билган. Шаҳар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши жараёнида моддий ва маънавий қадриятларни шакллантириш усуллари мукаммалашади, инсон эса жамият ривожини юқори поғоналарига кўтарилади.

Ишлаб чиқариш қуролларининг ривожланиши ва ижтимоий меҳнат тақсимотининг вужудга келиши маҳсулот айирбошлаш имкониятларини кенгайтиради.

Инсон меҳнат қилар экан, жамоа ишлаб чиқариши натижасида фойда ва истеъмолдан ташқари маҳсулот ортиб қола бошлади. Ибн Халдун инсон меҳнати натижасида жамият тараққиётининг асосий омили бўлган ортиқча маҳсулот пайдо бўлди дейди. Шунингдек, мутафаккир қиймат тушунчасига ҳам катта аҳамият беради. Ибн Халдун қиймат тушунчасига қишлоқ хўжалигини, хунанмандликни ва савдони ҳаракатлантирувчи жамият меҳнатининг ифодаси сифатида қарайди.

Ибн Халдун инсон ишлаб чиқарувчи ва мулкдор бўлгандагина, ижтимоий мавжудот бўла олади деб ҳисоблайди. Мулкка эгалик ҳуқуқини мутафаккир, инсоннинг муқаддас ҳуқуқларидан биридир деб ҳисоблайди. Ибн Халдун жамиятининг шаклланиш жараёнини одамларнинг хусусий мулкчилик ҳуқуқини таъминлашга боғлиқ бўлган иштиёқ билан боғлади. Ҳақиқатдан ҳам, шундай гап бор: Хусусий мулкчилик ибтидоий жамоа тузумининг гўркови, давлатчиликнинг асоси бўлди. Ибн Халдун кимки мулкчиликни кўллаб-қувватласа, у адолатлидир деб билади.

Ибн Халдун жамият ҳақида фундаментал фикрларини давом эттиради. Мутафаккирнинг фикрича, таассуб жамият ҳаётининг асоси, яъни пойдеворидир. “Таассуб”, “асабийя” атамалари араб тилидан келиб чиққан. “Таассуб” сўзи, “таассаба” V боб феълининг масдар шаклидан бўлиб, таржимаси «Ватан, миллатга бўлган оташин муҳаббат, фанатизм» демакдир.

Ибн Халдун «асабийя» атамасини қуйидаги маъноларда қўллайди:

1. Қон -қариндошлик алоқаси .
2. Қон-қариндошлик муносабатлари орқали боғлиқ бўлган одамлар гуруҳи.
3. Қон-қариндошлик асосида шаклланган бирдамлик ҳиссиёти. Ибн Халдун ижтимоий ҳаётнинг тартибнинг бўртиб турувчи ўзак омили таассуб деб билади. Энди «асабийя», яъни «таассуб»

тушунчасининг моҳиятини ва жамият ҳаётидаги ўрнини ўрганиб чиқамиз.

Жамият ибтидоийликдан тамаддунга ўтар экан, шу билан бир вақтда, бу жараён ибтидоий демократия ва тенгсизлик муносабатларидан бўйсуниб, бошқариш муносабатларига ўтишини ҳам ўзида ифода этади. Ибтидоийлик босқичида одамларни боғлаб турадиган муносабатларни Ибн Халдун «асабийя» деб номлаган. Бу тушунча қабила, уруғ ва уларнинг бирлашмаларини ўзида ифода этади. Бошқа жихатдан, «асабийя» одамлар ўртасидаги қон-қариндошчилик муносабатлари асосида шаклландиган алоқадир. Бу фақат бир қабила ёки уруғни бирлаштирадиган «қон садоси» эмас. Одамларнинг бирлашмалари уруғни, қариндошчиликни англашга олиб келади. Бу бирлашма, иттифоқлар турли хил шаклларни ўзида ифода этиши мумкин: Хилф (бир қанча уруғ ва қабилаларнинг иттифоқи), истисно (натурализация яъни бегоналарни қабилага қабул қилиш), рикқ (қулчилик, тўғрироғи чет элликларга ҳомийлик) “вила” ёки “вилая” (бутун бир уруғ ёки қабилага ҳомийлик). Шундай қилиб, “асабийя” қон-қариндошлик, иттифоқ алоқа бирлигидир. У яъни, “асабийя” типидagi гуруҳлар ичидаги бошқарув оқсоқоллар томонидан бошқарилар эди. Оқсоқоллар ҳокимияти жамоа олдидаги ҳурматга асосланади. Жамоа мудофааси ёш ва кучли гуруҳ томонидан ташкил қилинади. Нисбий тенглик муносабати ҳомийлик остидагилар, қулар ва иттифоқчиларга ҳам тадбиқ этилади. Расман улар “асабийя”нинг тенг ҳуқуқли қисмини ташкил этарди, лекин амалда уларнинг қабила ичида ҳуқуқлари чекланган эди. Қабилага қабул қилинган (мулсақ) қабила йўлбошчиси бўлиши мумкин эмас эди, чунки қабила оқсоқоллиги “нисаб” оқсуяк оилалар ичидаги ворисликка қараб белгиланар эди. Асабия муносабатлари нисбатан тенгликка асосланганлиги учун, у нотенг муносабатларга айланиши мумкин эди. “Муқаддима” муаллифи ҳамма аъзоларининг тенглигига асосланган “асабия” гуруҳларининг бирлиги ва бошлиқнинг шахсий сифатларига асосланган бошқарувнинг зарурияти ўртасидаги диалектик боғлиқликка урғу бериб утади. Ибн Халдун жамоадаги йўлбошчини “матбу”, яъни “зўрликсиз бошқарувчи киши” деб атайди. Ўзини бошқарув эса тенгсизликка асосланади, чунки раҳбарлик қилиш мажбурлашни талаб қилади. Уруғ ўртасидаги алоқалар кучли бўлсада, секинлик билан “раҳбарлик-эргашиш” муносабати “ҳукмронлик-тобелик” муносабатига айланади. Лекин нима учун уруғ, раҳбариятнинг нисбий танглиги, бошқалар устидан ҳукмронликка айланади? Бунга жавобни биз “асабийя”нинг антитезаси, яъни “қарама-қарши” тушунчаси “мулк”ни ўрганиб чиқиб топамиз.



Ибн Халдун мулк тушунчасини икки хил маънода “ҳокимият-мулк” ва “ер-мулк” маъноларида ишлатади. Ибн Халдун таассубга таъриф бериб, шундай дейди:

“Одамлар ўртасидаги қон-қариндошлик алоқалари, баъзи ҳолларни истисно қилганда, бу табиий ҳодиса, бундан кишининг қариндошлари ва яқин кишилари ҳаёти, мол-мулки, ор-номусига тажовуз ва хавф таҳдид солганда, ғамхўрлик қилиши келиб чиқади”.

Маълумки, қон-қариндошлик ва уруғ қабилачилик муносабатлари баъзан шунчалик яқин бўладики, биргина шунинг ўзи бирлашиб кетишга сабаб булади, баъзан эса муносабатлар узоқ бўлсада, аммо қабилачилик манфаатларининг мос келиши бутун бир халқнинг яқдил бўлиб бирлашишига сабаб бўлади. Дўстлик муносабатлари ҳам шундай. Ибн Халдун мустаҳкам қон-қариндошлик алоқалари намунасини бадавий арабларда ва бошқа кўчманчиларда кўриши мумкин. Чунки уларнинг ҳаёт тарзи уруғ ва қабилалар аро никоҳлар натижасида наслларнинг аралашиб кетиши, қариндошлик ипларининг узилишига монъелик қилади деб ишонади.

ХУЛОСА

“Бўш вақт” – ёшларнинг ўқишдан ташқари вақтининг бир қисми. Ижтимоий ҳаётда талаба ёшларнинг умумий вақтини икки қисмга – ўқиш вақти ва ўқишдан ташқари вақтга бўлиш мумкин. Ўқишдан ташқари вақтда баъзи талабаларнинг кино, театрларга жуфт-жуфт бўлиб киришлари, хиёбонларда бесамар юришлари, кўча-куйларда сигареталар чекиб юришларини кўриб, умрнинг зое кетаётганлигини англамаётганлигини кўрсак, баъзи талабалар эса пул топиш мақсадида хусусий ташкилотлар, кафе, ресторан, бозорларда иш фаолиятини олиб бораётганлигини кўриш мумкин. Иккала ҳолатда ҳам талабанинг асосий мақсади ўқишдан қолиб кетишини кузатиш мумкин. Америка ёзувчиси Джеймс Купер, шунингдек, бекорчилик дам олиш эмас, балки вақтни йўқотиш деган ғояни илгари суради. [2]

Мамлакатимизда ёшларга жуда кўплаб шароит ва имкониятлар яратилган бўлиб, асосий масала ундан унумли фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 19 мартда Ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишлари янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари суриб, 3 апрелда ушбу ташаббусни амалиётга жорий этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилиб, ҳар бир ташаббус бўйича чора-тадбирлар дастурлари лойиҳалари ишлаб чиқилди.[3] Худудларда 5 та муҳим ташаббус бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, айниқса китобхонлик бўйича кўрик танловларнинг ўтказилиши (Олий ўрин учун автомобиль мукофоти ва қолган ўринларга пул мукофоти ҳамда китоблар совғаси) ва оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилиши натижасида ёшларнинг китобни ўқишга бўлган қизиқиши ортаётганилигини кўриш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, уларга ўз интилиш ва қобилиятларини рўёбга чиқариш, жамият ва давлат ривожига муносиб ҳисса қўшишлари учун яратилган имконият – юртимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий устувор мақсадларидан бир сифатида, ҳукуматимиз томонидан Ёшлар иттифоқи фаолиятига доир жами 40 та қонун ва қонуности ҳужжати қабул қилинди ва ёшлар масалалари билан боғлиқ 70 га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилдики, бу эса ёшлар ва улар билан боғлиқ масалалар янги босқичга кўтарилганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, мамлакатимиз ёшларини қўллаб-қувватлаш, ҳар бир соҳадаги самарали фаолияти, ютуқлари ва иқтидорларини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириб бориш мақсадида “Мард ўғлон” давлат мукофоти ҳамда “Келажак бунёдкори” медали таъсис этилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил қилинган сана – 30 июнь мамлакатимизда “Ёшлар куни” сифатида белгиланди. Бу, ўз навбатида, тегишли давлат тузилмалари ва жамоатчилик эътиборини яна бир бор ёшлар билан боғлиқ масалаларга қаратишга, галдаги вазифаларни белгилаб олишга хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасида [4]: “ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш; ёшларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш; ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш; ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш; ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш; ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш, ... ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш; ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш” ва бошқа шу сингари ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида белгиланган. Кўриниб турибдики, сўнгги уч йилликда ёшлар ва улар билан боғлиқ масалалар янги босқичга кўтарилганлигини кузатишимиз мумкин.

Хусусан бу борада Президент Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар, ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришни кун тартибига қўймоқда. Ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона кўрсаткичлар ишлаб чиқиш, ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индексини жорий этиш керак.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи “Ўзбекистон ёшлари – 2025” концепциясини ишлаб чиқиши, унда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказишнинг амалий чора-тадбирлари белгиланиши зарур [5]”лиги кўрсатилди. Демак, ёшлар билан боғлиқ масала ҳар қачонгига нисбатан янада долзарбланиб келибди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонида ёшларнинг «Олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш» 46-мақсад сифатида, «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали эркин ва ижодий фикрлайдиган ёшларни нуфузли хорижий олийгоҳларга ўқишга юбориш кўламини 2 бараварга ошириш, бунда ёшларнинг 50 фоизини техник, аниқ фанлар ва IT соҳаларига ўқитиш» 50-мақсад «Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш» эса 70-мақсади [6] эътиборга молик. Бугунги кунда ушбу фонд орқали хорижий таълим дастурлари кесимида номзодлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳар қандай инсон учун бир сутка 24 соатдан иборат, лекин ҳар ким ҳам етарлича бахтли омадли эмас. Кимлардир муваффақиятли, кимлардир эса муваффақиятсиз, кимларнингдир ҳаёт сифати юқори кимларнидир ҳаёти сифатсиз, кимлардир ҳар кунги 24 соатлик вақт капиталидан фойдаланиб ҳаётда истаган нарсасига эришади, кимлардир эса вақт ресурсларини бекорга сарф этиб оқибатда ҳеч нимасиз қолади. Тошкент давлат транспорт университети талабалари ўртасида ўтказилган сўров натижаларини таҳлил қилсак (2021 йил), талабалар асосан кўп вақтларини ижтимоий тармоқларда ўтказишларини қайд этганлар. Ижтимоий тармоқларда ҳар бир талаба учун кунига ўртача 7 соат вақт кетиши, ўқув фаолияти учун бироз камроқ вақт талаб қилаётгани ва унга талабалар кунига 5,5 соат вақт сарфлашини айтиб ўтдилар. Талабалар турар жойларида яшайдиган кўпгина талабалар кунига 1,5 соат китоб ўқиш учун вақт ажратиши маълум бўлди. Гигиеник муолажалар учун ўртача талабаларнинг кунига ўртача атиги 15-30 дақиқани ташкил этади. Замонавий қизларнинг

аксарияти ўзларини тартибга келтириш учун кўп вақт сарфлашади. Ўртача ҳар бир қиз бунга ҳар куни тахминан 1 соат сарфлайди.

Кўплаб талабалар ухлашни яхши кўрадилар, ҳар бир талаба учун ухлаш учун кунига ўртача 11 соат керак бўлади. Афсуски, ҳамма талабалар спорт билан шуғулланишни қайд этишмади. Замонавий талаба ҳафтасига атиги 3 соат спорт билан шуғулланади. Ихтиёрий ҳаракатларда ҳафтада уч соатдан кам (ўртача 2,5 соат) ва ундан ҳам кам қатнашадилар.

Маълумки, талаба ёшлар ҳаёти ва турмушида илмий китоблар, газета ва бадий адабиёт кенг ўрин олган. Бу воситалар билан чекланиб қолган талаба ёшларнинг билим доиралари пасайиб бормоқда. Кўпгина ёшлар телевизор, интернет ва турли ҳар хил кинолар билан бандлар. Бу эса ёшларни бўш вақтдан самарали фойдалана олмаётганлигидан далолат беради.

Маълумки, ёшлар ҳаёт стратегиясини шакллантириш масаласи бу мураккаб ва кўп қиррали жараён ҳисобланади. Ёшлар ҳаёт стратегияси деганда, бу уларнинг орзу ва интилишлари, мақсад ва қизиқишларини амалга ошириш учун олдиндан ҳаётини режалаштириш, мақсад ва орзуларга эришиш йўлида қатъий курашиш усул ва йўллари танлаш ва ишлаб чиқиш, шунингдек тузилган режа асосида ҳаракатлар кетма-кетлигини амалга оширилишини ҳисобга олсак, бу борада социологлар, психологлар, иқтисодчилар 1-5, 10 йиллик режалар тузиш ва босқичма-босқич амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини кўрсатишган [7,9,10,11,12]. Шунингдек, ҳозирги кунда тайм менежмент – вақтни бошқариш санъатидан фойдаланган ҳолда ҳаётда аниқ мақсадларни қўйиш, режалар тузиш, тайм менежментнинг самарали усулларидан фойдаланган ҳолда муваффақиятли, ҳаётдан ва ўзидан қониқишни ўргатувчи курслар ташкил қилинмоқда. Лекин, Блогер Майо Ошин ўзининг Medium’даги устунчасида нима учун тайм-менежмент вақтни бефойда сарфлаш эканини тушунтириб берди. Самаралироқ ишлаш учун қувватни ақл билан йўналтириш кераклигини тушунтирди [8].

ХУЛОСА

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда муваффақиятли, бахтли, ҳаётдан қониққан инсон бўлиш учун ҳар қандай инсон тайм-менежментдан боҳабар бўлиши, самарали вақтни бошқариш усулларидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, талабалар ўзини ўзи ривожлантириш мақсадида:

- кундалик вақтни режали тақсимлаши;



- спорт ва китоб ўқишга вақт сарфлаши;
- Smart-мақсадлар, ярим соат назарияси, Эйзенхауэр жадвали, Кун давомида миянинг иш унумдорлигини ошириш;
- ўзини бошқара олиш қобилиятини шакллантириш;
- ижтимоий назорат, бунда педагог ўқитувчилар масъул бўлмоғи, балки ёшларнинг бўш вақтидан самарали фойдаланишлари учун ота-оналарнинг таъсир доирасини ва масъулиятини ҳам кучайтириш, назорат қилиши лозим, деб уйлаймиз.

Зеро, халқимизда бугунги ишни эртага қўйма деган нақл асосида иш олиб бориш ва вақтни тўғри тақсимотига эътибор қаратиш муҳимдир.

REFERENCES

1. Соотношение понятий “досуг” и “свободное время”. https://studopedia.ru/17_10906_sootnoshenie-ponyatiy-dosug-i-svobodnoe-vremya.html
2. Соколов Э. В. Свободное время и культура досуга - М., 2011.
3. Бешта ташаббус бўйича дастурлар ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларига хизмат қилади. Халқ сўзи газетаси. 2019 йил 4 апрель, №65 (7295).
4. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сонли “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни. - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 37-сон, 426-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий республикаси-президенти-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони. 2022 йил 28 январь. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.
7. Назарова, Н. Ж. (2022). ЁШЛАРДАГИ РАҚОБАТБАРДОШЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲАМКОРЛИК. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 1), 570-575.
8. Тайм-менежмент – вақтни бефойда сарфлаш (ми?) <https://kun.uz/77292240>
9. Abdusalamovna, A. S. ., & Juraevna, N. N. . (2022). A Strong Family as a Determining Development of Society. International Journal of Development and Public Policy, 2(6), 31–36. Retrieved from <http://openaccessjournals.eu/index.php/ijdp/article/view/1423>



10. Juraevna, N. N. (2020). Universal Factors In Provision Of Youth Life Strategy. *International Journal for Social Studies*, 6(1), 157-163.
11. Sabirovna, A. N. ., & Juraevna, N. N. . (2022). Important Aspects of the System of Social Work for Young People in Uzbekistan. *International Journal of Development and Public Policy*, 2(6), 37–41. Retrieved from <http://openaccessjournals.eu/index.php/ijdpp/article/view/1424>
12. Xabiba Kaxxarovna Abduraxmanova, Zulxumor Olimjonovna Nalibayeva, & Nilufar Jo'Rayevna Nazarova (2022). IJTIMOYIY TARAQQIYOTGA ERISHISHDA TA'LIM MAZMUNINI TAKOMILLASHTIRISH. *Academic research in educational sciences*, 3 (5), 1364-1370.



ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЭТНОМАДАНИЙ ЖИХАТЛАРИ

Ж. С. Рамагов

Тошкент давлат транспорт университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси
мудири

Рашид Ўсарович Баратов

Фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат транспорт университети
brashitbek76@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Инсоният пайдо бўлибдики яшаш учун курашиш жараёнида улкан ўзгаришларни бошидан кечириб келмоқда. Энг асосийси, ер куррасининг турли иқтисодий, ижтимоий, географик шароитлари инсонларнинг ташқи ва ички маданиятига ўз таъсирини ўтказиши табиий жараёндир. Дунёда минглаб миллат ва элатлар ўзларига хос миллий хусусият ва маданиятига эга. Миллий маданиятлар ҳар бир миллат ёки элат яшаб турган ҳудуднинг табиий жойлашуви, географияси ва иқлими турмуш кечиришида мавжуд машғулоти доирасидаги қийинчиликларни бартараф этиш чораларини излаш жараёнида вужудга келади ва кейинчалик миллий урф-одат ва анъанага айланиб боради. Мазкур этник хусусият бора-бора миллат характериға ҳам ўз таъсирини ўтказиб боради. Бизнинг миллий анъаналаримиз ва бетакрор урф-одатларимиз узоқ йиллардан бери сайқалланиб ўзининг юксак поғонасига кўтарилиб бормоқдаки, бу жараёнлар давлатимиз сиёсатининг ажралмас бир қисмига айланиб бугунги кундаги ислохотлар орақали намоён бўлаётганлигини гувоҳи бўламиз.

Калит сўзлар: ижтимоий тараққиёт, этномаданият, туркий халқлар.

КИРИШ

Ўзбек миллати туркий халқларнинг асосий бўғини сифатида узоқ тарихий жараёни бошидан кечирган йирик миллатлардан бири саналади. Ўзбекистон географик жиҳатдан ўта қулай маконда жойлашганлиги бор ҳақиқат. Узоқ тарихий ўтмишдан ўзбек халқига мерос қолган сахийлик, меҳмондўстлик, ростгўйлик, тантилик, садоқатлилиқ, поклик, одоблилиқ фазилатлари миллий хусусиятнинг энг муҳим жиҳати бўлиб саналади[5: 16]
Шундан бўлса керак миллий характеримизда вазминлик,

сабр-қаноат, бағрикенглик каби фазилатлар авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Буюк мутафаккир аллома Абу Райҳон Беруний Ҳазратлари ўзининг “Геодезия” (Ер тузилиши ва шакли ҳақидаги фикрлар) ер юзини етти иқлимга бўладилар. Етти иқлим дейилганда экватор чизигидан бошлаб, Шимолий кутбгача бўлган ҳудудлар еттита кенгликлар (параллел) ҳудудларга ажратилганлиги назарда тутилган. Тарихда ўтган давлатлар дунёнинг етти иқлими ҳудудларига эгалик қилишни орзу қилишганлиги бежиз эмас. Мамлакатлар қадимда ҳудудий майдони, қўшинининг сони ва сийрати, у ердаги ҳайвонот ва наботот оламининг бойлиги билан таърифланар эди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўзининг “Бобурнома” асарида ҳам Маворауннаҳрни тўртинчи ва бешинчи иқлимда деб айтиб ўтади. Ҳиндистонни эса биринчи, иккинчи ва учинчи иқлимда дея таъкидлайди. Бугунги кун олимлари иқлим сўзи ўрнида минтақа сўзини кўпроқ ишлатиб келади.

Жаҳонда тарқалган барча элат ва халқлар ўзлари яшайдиган ҳудуднинг иқлими ва географик имкониятларидан келиб чиқиб турмуш учун зарур бўлган машғулотлар билан шуғулланадилар. Бир томондан, Марказий Осиё халқлари юксак имкониятлар мавжуд ҳудудда яшаганликлари қадимдан ишлаб чиқариш, илм-фан, санъат, маданият соҳаларида улкан янгиликлар яратганлигига ишора берса, иккинчи томондан ўзбек халқи қадимдан яратувчилик, бунёдкорлик, меҳнатсеварлик, жамоавий ишларда фаол ҳатти-ҳаракатлари билан ажралиб турган. Мамлакатимиз тарихида бунёд этилган жуда кўплаб каналлар, кўприклар, қалъа деворлари, коммуникация иншоотлари ҳашар йўли билан барпо этилгани ҳақида маълумотлар берилади. Марказий Осиё халқлари қадимги мисрликлардан фарқли ўлароқ деҳқончилик соҳасида катта бурилишлар ясаган. Юртимизда истиқомат қилган ўтроқ аҳоли вакиллари ерга ишлов бериб, турли деҳқончилик маҳсулотлари етиштириб тирикчилик қилган бўлса, Дашти Қипчоқдан кўчиб келган кўнғирот, лоқай, қарлук, турк каби йирик уруғлар чорвачиликнинг барча турлари билан шуғулланиб келган.

Мазкур ишлаб чиқариш соҳалари орқали юртимизда улкан маданиятлар яратилиб, ушбу маданият аста-секин савдо йўллари орқали бутун дунёга (ёйилганлигига) экспорт қилинганлигига тарихий манбаларда гувоҳ бўламиз.

Замонамизнинг буюк адибларидан бири Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг “Бизким, ўзбеклар” китобида АҚШнинг Чикаго шаҳрида 200 минг нусхада чоп этилган “The World Encyclopedia dictionary Book” (“Жаҳон қомусий луғати”) номли икки жилдли



китобда ўзбек миллатига “Ўзбек – жаҳон халқлари орасида қадимий халқлардан бўлиб, туркий халқлар ўртасида биринчи бўлиб ўтроқлашган, маданий турмуш кечирувчи, жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшган миллат...”[4:27] - дея таъриф берилгани айтиб ўтилганлиги барчамизни қувонтиради албатта.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов 1998 йил 24 октябрда ЮНЕСКО ижроия Кенгашининг 155-сессиясида “Мен умуминсоний кадриятлар ривожини ҳар бир халқ маданияти ва ўзига хослигининг ўзаро уйғунлашувида деб биламан, – дейди. – Маданиятларнинг шу тарздаги уйғунлашувигина умуминсоний маданият ва бутун цивилизациянинг гўзаллиги ва кадр-қимматини яратади. Зеро, умумий цивилизация турли халқларнинг маданиятларидан шаклланади”[3] -деб таъкидлаб ўтади. Бу билан ўзбек халқи тарихий даврларда дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган халқлардан бири эканлигига ишора қилган.

Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, эзгу фазилат ва интилишлар халқимизнинг қон-қони ва суюк-суюгига сингиб кетган. Унинг табиатига хос бўлган юксак маънавий неча асрларки бизни не-не бало-қазолардан, тўфон ва бўронлардан соғ-омон асраб келмоқда. Ҳар қандай босқин ва истилоларга қарамасдан, ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитларда ҳам ота-боболаримиз ўзлигини йўқотмасдан, маънавий ҳаёт мезонлари, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиб, комиллик сари интилиб яшагани бугун ҳам барчамизга ибрат бўлиб, куч-қувват бағишламоқда.

Маълумки, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз.

Масалан, Шарқ оламида, жумладан, ўзимизнинг Ўзбекистон шароитида жамоа бўлиб яшаш туйғуси ғоят муҳим аҳамият касб этади ва одамларни бир-бирига яқинлаштиришга, бир-бирини қўллаб - қувватлаб ҳаёт кечиришга замин яратади. Шу маънода, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдиган бўлсак, бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шаклланган, нафақат ўзаро муомала, балки ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор ўзига хос хусусиятларни кўрамиз. Бу эса юртимизда олиб борилаётган ислохотларни изчил амалга оширилишида халқимизнинг юқорида қайд этиб ўтган фазилатлари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги кунда дунёнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий ва сиёсий манзараси доирасида турлича



кескинликлар юзага келаётган бир пайтда юртимиз узра амалга оширилаётган ишлар бутун жаҳон афкор-оммасини ҳайратга солапти десак, муболага бўлмайди.

Афсуски, мамлакатимиз ташқи сиёсатида очиклик тамойилларига риоя этаётганлиги жараёнида юртимизга суқилиб кираётган ёт анъаналар, урф-одатлар, қолаверса бизга бутунлай бегона бўлган характер ҳам шаклланаётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Глобаллашув жараёнида бундай ҳодисалар кузатилиши табиий ҳол. Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Махатма Ганди глобаллашув жараёнига: “Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олимайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга, очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман” – деб таъриф бериб ўтади. Бу билан глобаллашув жараёнининг ижобий ва салбий жиҳатларини ўз вақтида англаб, уларга қарши ғоя ва маърифат билан жавоб бериш кераклиги ҳақидаги фикрни илгари суради. Мамлакатимизда аҳолининг 60 фоиздан ошиғини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олсак, ёшлар орасида халқимизнинг қадимий ва юксак маънавий фазилатлари ҳақидаги мумтоз ахлоқий қоидаларни кенгроқ ёритиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ваҳолангки, ўзбек атамаси худди турк сўзининг эквиваленти – маънодоши бўлиб, ўзига ишонувчи, мустақил фикрловчи ва иш юритувчи, ботир, мард, ёвқур, чекинмас сингари фазилатларни англаган. Абдурауф Фитрат ҳам ўзининг “Абулфайзхон” трагедиясида “Ўзбек ўғлонлари ботир бўлурлар” деб айтиб ўтади. Зеро, бугунги кунда ёшларимиз томонидан халқаро майдонларда спорт, илм-фан, маданият ва санъат йўналишларида қўлга киритаётган улкан натижалари, ўйлаймизки, қадимдан буюк ва юксак маданият яратган аждодлар вориси эканлигидан далолат беради.

Бугунги кунда Ҳаракатлар стратегияси доирасида “Ёшлар – келажак бунёдкори”, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ақлли шаҳар” “Хавфсиз шаҳар”, “Хавфсиз ҳудуд” каби кенг қамровли дастурлари қаторига “Ҳар бир оила тадбиркор”, “Ёшлар келажакимиз” каби жамғармаларнинг ташкил этилиши ва амалга оширилишида айнан ана шундай ташаббускор, ҳар бир масалага янгича ёндашадиган халқимизнинг барча қатламлари фаол иштирок этаётгани, ҳеч шубҳасиз, барчамизни мамнун қилади.

Шу ўринда Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида келтириб ўтилган мисолларни санаб ўтишни жоиз деб



билдик. Яъни, “Агар биз дунё тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бошқа халқлар ҳам озодлик ва мустақилликни қўлга киритиш, миллий тикланиш, ўз давлатчилигини, ҳавас қилса арзийдиган фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш жараёнида ана шундай фазилатларга таяниб ва суяниб, барча соҳаларда — бу иқтисодиёт ёки ижтимоий ҳаёт бўладими, маданият, таълим-тарбия ва илм-фан бўладими — ўзининг беқиёс ички қобилият ва салоҳиятини ишга солиш, уни рўёбга чиқариш ҳисобидан тараққиётга эришганини кўрамиз.”[2: 68] Бунда мисол сифатида Биринчи Президентимиз Ислон Каримов иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳар томонлама оғир аҳволга тушиб қолган Япония ёки Жанубий Кореяни алоҳида кўрсатиб ўтадилар. Ушбу ҳудудлар мўл-кўл табиий хомашё манбалари, менирал ресурслар жуда кам мамлакатлар сирасига киради. Шундай бўлсада япон ва корейс халқи асрлар давомида шаклланиб, катта бунёдкор кучга айланган ўзига хос миллий маънавияти ҳисобидан ҳам ривожлангани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун «япон мўъжизаси» ёки «корейс мўъжизаси» ҳақида гап кетганда халқаро иқтисодиёт соҳалари мутахассислари биринчи галда «япон характери», «корейс табиати» деган ибораларни тилга олади

Кейинги беш йил мамлакатимизда янги ва замонавий инновацияларни ҳаётга татбиқ этилаётган давр бўлди. Буни кўз олдимизга келтириш учун Ҳаракатлар стратегияси ҳамда тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширилаётган ишларни кўз олдимизга келтириш кифоя. Тарихда не-не синовларни бошидан ўтказган; сабр-қаноатда тенги йўқ халқимиз мамлакатимиз узра қулоч ёзиб бораётган ўзгаришлар палласида ўзининг том маънодаги характери ва табиатини намоён этиб, барча соҳаларда мардонавор меҳнат қилмоқда. Ҳукуматимиз эса халқимиз хоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда ислохотлар олиб бормоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев, “Бизнинг энг асосий ютуғимиз – кўпмиллатли халқимизнинг ҳар қандай қийинчилик ва синовларни енгишга қодирлиги, замонавий дунёқараши, сиёсий онги ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани, атрофимиздаги воқеаларга бепарво бўлмасдан, аксинча, дахлдорлик туйғуси билан яшаётганидир”[1: 286] – дея таъкидлаб ўтади. Албатта, ушбу ислохотлар самарадорлигини таъминлаш доирасида халқимизнинг ҳукуматимиз томонидан илгари сурилаётган бунёдкорлик ғояси атрофида жипслашиб ҳаракат қилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтмоғимиз лозим.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек халқининг менталитетида барча ижтимоий қатламлар учун умумий жиҳатлар, жамоа манфаатларини ҳимоя қилувчи кўплаб фазилатларнинг ривож топишини тақозо этиб келяпти. Халқимиз ички характеридаги бағрикенглик, ҳотамтойлик, меҳмондўстлик, тинчликсеварлик, ўзаро ҳамкорликка мойиллик, хурсандчилик ва ғам-андухли дамларда ўзаро ҳамфикрлилик, елкадошлик фазилатлари ана шу жамоавий яқдилликни таъминлаш, тил ва дил, фикр бирлигини сақлаш эҳтиёжларидан туғилган ва сайқал топгандир.

Яна шуни айтиш керакки, халқимизнинг интеллектуал маънавий қиёфаси-менталитетига хос муҳим жиҳатларидан бири илм-фанни ниҳоятда ҳурматлаш, таълим ҳамда касбга алоҳида эътибор қаратишини кузатиш мумкин. Мамлакатимиз узра амалга оширилаётган улкан ўзгаришларнинг замирида халқимизнинг ўзига хос ижобий жиҳатлари ётганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ. “Ўзбекистон”, Т.; 2022 йил, -Б. 290.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. “Маънавият”, Т.; 2008 йил.
3. Каримов И.А. ЮНЕСКО ижроия Кенгашининг 155-сессиясида сўзланган нутқи. Т.; 1998 йил 24 октябрь.
4. Иброхимов А. Бизким, ўзбеклар. “Шарқ” нашриёти, Тошкент, 2011 йил.
5. Зокирова М., Эгамбердиев А. Этномаданият. (Маърузалар матни) Андижон:, 2015 йил.

ЁШ МУТАХАССИСЛАРНИНГ КАСБИЙ РАҚОБАТБАРДОШЛИК СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ (ТРАНСПОРТ СОҲАСИ МИСОЛИДА)

Н. Ж. Назарова

Тошкент давлат транспорт университети катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистонда сўнгги йилларда жамиятнинг барча соҳаларида кенг кўламли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Шу жумладан аҳолига транспортда хизмат кўрсатишнинг замонавий талаблар асосида сифатли ва қулай кўринишга эришиш учун мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишга эътибор қаратилмоқда.

Калит сўзлар: Транспорт, касб, техника.

КИРИШ

Бу ҳолат айниқса йўловчиларга транспорт хизмат кўрсатиш соҳасида яққол кўзга ташланади. Замонавий техник ривожланиш талабларига етарлича жавоб бермайдиган темир йўллари ўрнига замонавий тезювар Афросиё, Шарқ экспресслари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Янги линияларнинг ишга тушурилиши, “Ангрен-Поп” йўналишини очилиши ҳам юксак даражада йўловчиларга кўрсатилаётган темир йўл транспорт хизматининг мазмунига ижобий таъсир кўрсатиши билан бир қаторда соҳада тайёрланаётган ёш мутахассис кадрлар рақобатбардошлигини таъминлашни янада долзарблаштирамоқда. Негаки, ҳар қандай соҳа ривожини истиқболи шу соҳада фаолият олиб бораётган ва тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг рақобатбардошлигига боғлиқдир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

“Ўзбекистон темир йўллари” Акциядорлик Жамияти янги йўллар қуриш, асосий темир йўллари реконструкциялаш билан бирга ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш имконини берадиган инновацион лойиҳаларни тармоққа жорий этиш, импорт ўрнини босадиган қисмларни маҳаллийлаштириш, янги иш ўринларини яратиш билан бир қаторда соҳа учун замонавий билимли ходимлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, бунинг учун тегишли шарт-шароит яратиш ва бошқа ижтимоий

масалаларни муваффақиятли ҳал этишга алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас.

Ўзбекистон транспорт тизими соҳаси корхоналари ўртасида малакали кадрларга нисбатан талаб эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда республика транспорт соҳаси учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизимини илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартлар асосида тубдан такомиллаштириш, ўқув жараёнига ўқитишнинг инновацион шакл ва методлари ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, тармоқ таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва илмий салоҳиятини янада ошириш мақсадида 2020 йилнинг 4 майида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Транспорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унда университетнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари сифатида:

транспорт соҳаси эҳтиёжларидан келиб чиқиб, меҳнат бозоридаги рақобатбардош олий маълумотли мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни, шунингдек, оммавий касб мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

транспорт соҳасини ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион изланиш ва тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижаларини, шу жумладан рақамли ва бошқа замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

транспорт соҳаси учун кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини яратиш, тизимдаги академик лицей ҳамда соҳанинг профессионал таълим муассасалари таълим дастурларининг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш;

ўқув жараёнида назарий тайёргарликнинг амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаш мақсадида транспорт соҳасидаги ташкилотлар билан биргаликда талабаларнинг амалиётларини тегишли соҳа ташкилотларида ташкил этиш, битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича мақсадли ҳамкорликни йўлга қўйиш»[1] каби вазифалар белгиланиб, амалиётга жорий этиб келинмоқда.

Шу боис, тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг рақобатбардошлик сифатларини ўрганиш мақсадида 2019 ва 2020 йиллар давомида “Ўзбекистон темир йўл транспорт тизимида баркамол шахс ва малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш стратегияси” мавзусидаги БВА-1-001 давлат гранти доирасида кадрлар билан боғлиқ муаммолар тадқиқ этилиши натижаси улароқ эришилган эмпирик таҳлил

хулосаларидан айрим намуналарини келтириб ўтишни жоиз деб билдик.


Социологик тадқиқотлар уч йўналишда икки хил сўровнома асосида олиб борилди. Тадқиқот объекти сифатида Тошкент давлат транспорт университети талабалари, шунингдек Тошкент темир йўл касб-хунар коллежи, Самарқанд темир йўл касб-хунар коллежи, Қўқон темир йўл касб-хунар коллежи ўқитувчи ва ходимлари ва Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги “Кадрлар малакасини ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Йўл Маркази” тингловчилардан иборат, 400 нафар респондентлар танланди.

“Бажараётган ишингизга Сизнинг билимингиз даражасини етарли деб ҳисоблайсизми?” деган саволга тадқиқотда иштирок этган респондентларнинг 39% мос келишини, 16% тўла мос келмаслигини, 13% аниқ билмаслигини ва 32% респондентлар йўқ деб, яъни тўла мос эмаслигини кўрсатишган. Яъни улар ўзлари битирган мутахассислик бўйича фаолият олиб бормаётганликларини айтишган (1- чизма). Албатта бу ҳолат мутахассиснинг меҳнат фаолиятига, руҳиятига таъсир ўтказади. Унинг касбий мослашувчанлик даражасини пайсатиради ва меҳнатдан қониқмасликни келтириб чиқаради. Касбий психофизиологик мослашувчанлик мутахассис томонидан узоқ муддатга чўзилади. Унинг меҳнат самарадорлигига ҳам салбий таъсир ўтказади.

Шунингдек тадқиқот давомида **“Ташкилот ёки муассангизда касбий ўсиш майлини оширишга қаратилган қандай усуллардан фойдаланилади?”** деган савол билан биз мутахассисларни руҳиятини ва фаолиятга бўлган позитив ҳаракатларини кучайтириш учун ташкилотлар қандай усуллардан фойдаланишларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Сўралганларнинг 25% фоизи бепул таълимни белгилашган, яъни бунда мутахассисларнинг малакасини оширишга қаратилган икки ойлик курсларни назарда тутишган, 23% фоиз респондентлар эса, разрядни кўтарилишини қайд этишган. Хизмат соҳасини кўтариш имкониятига 18% фоиз дейишган бўлса, мукофот ва маънавий рағбатлантиришларга 16% фоиздан тўғри келган (2- чизма).

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ташкилотларда маънавий рағбатлантириш қанчалик муҳим бўлсада, унга кам эътибор берилади. Ҳар бир инсон ўз меҳнатининг кадрланишини истайди ва ҳеч бўлмаганда маънавий рағбатни кутади. Агар ушбу ҳолатлар инобатга олинмаса, ишчилар, ходимлар ва мутахассисларнинг меҳнат жараёнларидан бегоналашиши кучаяди. Бегоналашиш жараёни чуқурлашса, унинг олдини олиш ва унга чора излаш ҳам шунчалик мураккаблашади.

Албатта бу ҳолат ишнинг самарадорлигига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.




1-чизма. Бажараётган ишингизга Сизнинг билимингиз даражасини етарли деб ҳисоблайсизми?


Респондентларга мутахассисларнинг касбий ва ишга алоқадор сифатлари билан боғлиқ саволни берганимизда, муносабатда компетентлик қонқарли деб ҳисоблайдиганлар 63,6% фоизни кўрсатишган, 40,9 % ни хушмуомалалик ва хайрихоҳлик, 45,5% йўловчиларга муносабат дейишган бўлса, 59,1% фоизи эса умумий иш ҳақида таассуротни қонқарли деб баҳолашган. Муносабатда компетентлик тўлиқ қонқиради деб ҳисоблайдиганлар 31,8% фоиз, 36,4 % ни хушмуомалалик ва хайрихоҳлик, 45,5% йўловчиларга муносабат дейишган бўлса, 27,3% фоизи эса умумий иш ҳақида таассуротни тўлиқ қонқитишини таъкидлашган. Етарли эмас деб қарайдиганлар эса, муносабатда компетентлигига 4,5%, хушмуомалалик ва хайрихоҳликка 18,2%, 4,5% фоизи эса, йўловчиларга муносабатга беришган, умумий иш ҳақида таассуротга 9,1% фоизни қайд этишган. Жавоб бермаганлар барча сифатларга 4,5 % деб кўрсатишган (3-чизма).

Бундан кўриниб турибдики, касбий ва ишга алоқадор сифатлар, фазилатлар профессионал даражада эмас, бугунги кун талабига тўла жавоб бера олмайди. Айниқса, темир йўл соҳасида йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражасини кузатадиган бўлсак, бу етарли эмас, ҳатто 50% дан ҳам паст кўрсаткич келтирилган. Ушбу соҳада хизмат кўрсатиш этикетларини тўла шакллантириш учун аниқ тизим ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки қисқа курслар ва унда этикага, этикетларга кам соатлар ажратилган. Маълумки, ахлоқий масалалар инсонийлик белгиси ва унинг сифатий мезонлари билан

боғлиқ. Маънан юксак ва маърифатли, маданиятли мутахассисларга бўлган талаб ва эҳтиёжлар йилдан йилга ўсиб бормоқда. Темир йўл соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Ушбу соҳада замонавийлашиш бўлгани билан унда юксак фазилатли инсон ишламас экан, олиб борилаётган ислохотлар ўз самарасини бермаслиги аниқ.



2-чизма. Ташкилот ёки муассангизда касбий ўсиш майлини оширишга қаратилган қандай усуллардан фойдаланилади



3-чизма. Темир йўл ишчиларининг касбий ва ишга алоқадор сифатларини қандай баҳолайсиз?

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ушбу муаммоларни ҳал этишнинг қуйидаги асосий йўналишларига алоҳида аҳамият қаратиш зарурлиги келтирилди:

- кадрлар сиёсати асосини “инсон ресурсларини” бошқариш ва инсон капиталини ривожлантиришда беш ёки ундан кўпроқ йилларга мўлжалланган ташкилот (муассаса, фирма, корпоратив) стратегияси ишлаб чиқиш лозим. Бу эса кадрлар салоҳиятидан фойдаланишни, уни янгилаш ва такомиллаштиришни, мотивацияни ривожлантиришни ифодалайди.

- кадрлар стратегияси меҳнат бозоридаги таркибий ўзгаришлар, ишчи кучининг глобал, миллий ва ҳудудий даражадаги хусусиятларини ҳисобга олиш лозимлигини кўрсатмоқда;

- транспорт соҳасида фаолият олиб боровчи ёш мутахассисларни тайёрлашда кадрларга бўлган эҳтиёж ва талаблардан келиб чиқиб, 5 йил ёки ундан кўпроқ муддатга мўлжалланган кейинги ҳолат бўйича аниқ прогнозлар ишлаб чиққан ҳолда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ нинг “кадр ресурслари” ва “кадрлар капитал”дан фойдаланишнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ;

- кадр ресурсларини бошқаришнинг янги усуллари ва шакллари амалиётга жорий этиш орқали транспорт соҳасида фаолият олиб бораётган ёш мутахассислар меҳнат мотивациясини ва рағбатлар тизимини такомиллаштириш орқали кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадга мувоқидир.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Транспорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4703-сонли қарори. 2020 йил 4 май. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.05.2020 й., 07/20/4703/0534-сон.
2. Темир йўл соҳасида етук кадрларни тайёрлаш (тажриба, муаммо, ечим). Монография. – Т.: «Fan va texnologiya», 2020, 276 бет.
3. Sabirovna, A. N. ., & Juraevna, N. N. . (2022). Important Aspects of the System of Social Work for Young People in Uzbekistan. *International Journal of Development and Public Policy*, 2(6), 37–41. Retrieved from <http://openaccessjournals.eu/index.php/ijdp/article/view/1424>
4. Xabiba Kaxharovna Abduraxmanova, Zulxumor Olimjonovna Nalibayeva, & Nilufar Jo'Rayevna Nazarova (2022). IJTIMOIIY



TARAQQIYOTGA ERISHISHDA TA'LIM MAZMUNINI TAKOMILLASHTIRISH. Academic research in educational sciences, 3 (5), 1364-1370.

5. Gafurovna, A. S. ., & Juraevna, N. N. . (2022). Issues of Formation of Information and Internet Culture at Young People. *International Journal of Development and Public Policy*, 2(6), 27–30. Retrieved from <http://openaccessjournals.eu/index.php/ijdpp/article/view/1422>

6. Rashid Usarovich Baratov, & Nilufar Jo, Rayevna Nazarova (2022). YOSHLAR HAYOTIY STRATEGIYASINI SHAKLLANTIRISHDA TA'LIMNING O'RNI. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 830-833.

7. Abdusalamovna, A. S. ., & Juraevna, N. N. . (2022). A Strong Family as a Determining Development of Society. *International Journal of Development and Public Policy*, 2(6), 31–36. Retrieved from <http://openaccessjournals.eu/index.php/ijdpp/article/view/1423>

8. Нилуфар Жўраевна Назарова (2022). ЁШЛАРДАГИ РАҚОБАТБАРДОШЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲАМКОРЛИК. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 570-575.

9. Juraevna, N. N. (2020). Universal Factors In Provision Of Youth Life Strategy. *International Journal for Social Studies*, 6(1), 157-163.

10. Nazarova Nilufar Juraevna,. (2022). FORMATION OF PROFESSIONAL COMPETITIVENESS OF YOUNG PROFESSIONALS IN TRANSPORTATION. *Научный Онлайн Журнал Интеграл*, 49, 28–34. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6636184>

HISTORY OF THE FORMATION OF NATURAL PHILOSOPHICAL IDEAS IN CENTRAL ASIA

Jumaniyoz Ramatov

Professor Tashkent State Transport University, Uzbekistan

Rozigul Umarova

Associate Professor Tashkent State Transport University, Uzbekistan

ABSTRACT

The nature of the philosophical thought of the medieval East is considered. The socio-cultural prerequisites for the formation of natural philosophy of Abu Raikhan al-Beruni are analyzed. Examples of natural-scientific substantiation of Beruni's philosophical views are given and his role in the development of the methodology of modern philosophy is emphasized.

Keywords: natural philosophy, Beruni's deism, Aristotle, the category of time, geometric atomism.

INTRODUCTION

The worldview of Abu Raikhan al-Beruni was formed in the era of the Eastern Middle Ages, when philosophy was presented as a kind of synthesis of the cultural heritage of the peoples of Central Asia of the pre-Islamic period, advanced Arab philosophical thought and natural philosophical teachings of the Greeks. Considering the great contribution of the scientist to the study and structuring of natural phenomena from the standpoint of a philosopher, Abu Raikhan al-Beruni is considered the founder of one of the natural philosophical schools of the East [1]. Explaining to his student the connection between philosophy and natural science, Beruni emphasized the importance of experience as a way to comprehend the "divine sciences" through the development of natural sciences. The scientist's logical mindset was formed under the influence of his Khorezm mentor, Abu Nasr ibn Iraq. Beruni, following his teacher, believed that philosophy obeys the principles of proof² and contrasted experimental knowledge with speculative, criticizing Aristotle's concept of a "natural place" and his argumentation about the absence of emptiness in correspondence with Ibn-Sina [2].

LITERATURE ANALYSIS AND METHODOLOGY

A distinctive feature of the natural philosophy school of al-Beruni is his deistic view of the universe. Recognizing the existence of God, the thinker denied blind obedience to religious dogmas and used logic and reason in observing nature, considering such an approach to be a true means of knowing the will of the Most High [3]. Biruni's scientific works contributed to the disclosure of the philosophical problems of natural science:

- continuity and discreteness in nature,
- essence and transmission of motion,
- structure of matter,
- transformation of matter.

In "Science of the Stars", refuting Euclid, who first defines a point, line, surface and only then a body, Beruni moves in the reverse order, defining:

- the body as a reality that can be discovered through the senses,
- surface as the boundary of the body,
- line as edge of surface, point as end of line.

Thanks to the solution of theoretical problems of gnomonics and spherical astronomy associated with trigonometry, Beruni approached the idea of the Earth's motion, in particular, in measuring the angle of inclination of the ecliptic to the celestial equator.

DISCUSSION AND RESULTS

In the definition of "time" Beruni stood on atomistic positions and appealed in his reasoning to the teachings of Indian astronomers, which he described in the "Canon of Mas'ud". He took the positions of the Moon on the ecliptic as the starting point of the proof: if such stations are sprayed onto the smallest particles of the signs of the Zodiac, it will turn out to be similar to their equality. Regarding Aristotle's statement that time is represented by separate "now", Beruni noted that Indian astrologers allow the expansion of time and its transformation from "now" into specific time intervals, indicated by the beginning and end. Apparently, this point of view was confirmed by his conclusions from the infinite division of quantities on the example of approaching, but never meeting lines [4]. The philosopher compared the principles of the natural movement of Aristotle (light body towards fire, heavy - towards the Earth) with other statements, according to which "natural place" (object of gravitation) was associated with one of the four elements:

- water and earth move towards the center,
- air and fire - from the center.

Such comparisons often became the starting point of his experiments. Denying the thesis that bodies in circular motion are not characterized by either heaviness or lightness, Beruni questioned the entire cosmological system of Aristotle and came to the conviction that the movement of absolutely all bodies is directed to the center of the earth, which he considered the only "natural place". Today, any schoolchild who is familiar with gravity as a special case of the law of universal gravitation discovered by Newton in 1666 will agree with him [5]. It is noteworthy that the thoughts of ancient authors survived only due to the fact that they were supported by Arab thinkers at a time when the views of Plato and Aristotle were rejected by Christian theologians of the Middle Ages.

From the above, it follows that the achievements of Abu Raikhan al-Beruni in the philosophy and science of the medieval culture of the East are key links in the development of human civilization. Having developed a scientific method based on the formulation of a problem with subsequent analysis, justification and search for solutions, the scientist approved the principle of scientific and logical generalization, which guides modern philosophy in obtaining reliable knowledge:

- Objectivity.
- Experiment.
- Observation.
- Comparison.
- Analysis.
- Impartiality and critical approach.
- Synthesis.

CONCLUSION

Today, the study of the philosophical and scientific works of Beruni helps to assess the progressiveness of his style of thinking and develop his own creative thinking in the best traditions of the philosophers of the Eastern Middle Ages.

REFERENCES

1. Umarova R. Some aspects of the relationship between nature, man and society in the views of Abu Ali Ibn Sino and Abu Raikhan Beruni // Theoretical & Applied Science. 2015 №10. 127-129
2. Umarova R. Sh. Being and philosophical views of Abu Raikhan Beruni // Achievements of science and education. - 2019. - No. 3 (44).
3. Majidov D. Kh. Natural philosophy of Abu Reikhan Biruni: dis. - Institute of Philosophy, Political Science and Law. AM Bakhovaddinova, 2015.



4. Gordienko V.A. Starkova M.V. Physical aspects of the philosophy of knowledge - Moscow State University named after M.V. Lomonosov, 2010.
5. Umarova R. Sh. The role of Abu Raikhan Biruni's natural philosophy in the development of modern science // Economy and society. - 2020. - No. 3. - S. 685-688.
6. Zhurabaev N. Yu. Studying history as a factor in educating the young generation of Uzbekistan in the spirit of the ideology of national independence // Academy. - 2019. - No. 5 (44).
7. Rakhimova MI, Khasanov MN The role of Central Asian philosophy in the development of world and European science // Bulletin of science and education. - 2020. - No. 4-1 (82).



АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИНСОННИ АХЛОҚИЙ КАМОЛОТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНING ИЖТИМОИЙ- ТАРИХИЙ МАНБАЛАРИ

Миршод Нўмонович Хасанов

Тошкент давлат транспорт университети “Ижтимоий фанлар” кафедраси

мустақил тадқиқотчи

mirshodhasanov02@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада Форобий яшаган давр ва унинг Абу Наср Форобийнинг инсонни ахлоқий камолоти тўғрисидаги қарашлари шаклланишининг ижтимоий-тарихий манбалари ва унда инсон туйғуси ва тафаккури, инсон борлиғи ва унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, тарбия унинг асосий хусусиятлари, Ўрта Осиё ва Туркистон араб халифалиги, халқлар ва ҳаракат тизимини такомиллаштириш масаласи, жамият ҳақидаги гуманистик идеали, “Инсон” тушунчаси ва унинг моҳияти масалалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар. “Адолат ва бирлик”, “ахлоқий камолоти”, “шахс баркамоллик”, “Авиасаф”, “Авийеше”, “Авеннасар” ва “Фараби”.

КИРИШ

Бугунги кунга қадар инсонни ахлоқий камолоти ва шахс баркамоллик масаласи жамиятшунос олимлар диққат марказида бўлиб келганлиги бу муаммони ўрганиш қанчалик даражада долзарб эканлигини кўрсатиб турибди. Дарҳақиқат, бугун биз шиддат билан тараққий этаётган маънавий эврилишлар даврида яшаймиз. Шубҳасиз, ахборот бўҳронлари туфайли тобора торайиб бораётган асримизда маънавият масаласи, қолаверса, ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Сир эмаски, мустақилликка эришганимиздан кейин жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган буюк алломаларимизнинг маънавий меросига катта эътибор берила бошланди. Ўрта аср мусулмон Шарқининг муаззам сиймоларидан бири Абу Наср Форобий ҳам ана шундай зотлардан ҳисобланади. Зеро, мутафаккир қолдирган маънавий-маданий ва ахлоқий мерос асрларга татигулик аҳамиятга молик. Алломанинг фалсафий-маърифий қарашларини миллий маданий меросимизнинг асосини ташкил қилган баркамол инсонни тарбиялашдаги бекиёс аҳамияти сифатида эътироф этар эканмиз, уларни ҳар томонлама ва тизимли тарзда тадқиқ

этиш долзарб муаммолардан ҳисобланади. VII аср ўрталаридан Марказий Осиёнинг бир қисми улкан салтанатга айланган араб халифалиги таркибига кирди. Ягона сиёсий майдонга бирлаш-тирилган бу улкан минтақа IX-XII асрларда улкан маданий кўтарилишни бошдан кечирди, бу даврда етишиб чиқиб, ижод қилган кўплаб мутафаккир ва олимларнинг китоблари жаҳон маданияти хазинасига қўшилди. Илмий ижодда эстетик унсурларни ўзига сингдириб олган фалсафа ва фан бу даврда кузатилган қудратли маданий ҳаракатнинг ажралмас қисмига айланди. Бу унсурлар ишлаб чиқилишининг бошланғич нуқтасида Абу Наср Форобий туради. У томонидан берилган туртки замонавий табиатшунослик тадқиқотларига асос бўлиб хизмат қилди. Шунга кўра айтиш мумкинки, айнан ўрта асрлардаги араб тилли фалсафа қадимги юнон фалсафасининг биринчи ва асл меросхўри бўлди, айти пайтда, уни ижодий ривожлантириб, янги ютуқлар билан бойитди. Бу маънода, Абу Наср Форобий Шарқ ва Европа маданиятларини боғловчи кўприк бўлди, десак янглишмаймиз.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Абу Наср Форобий XV асрдан эътиборан Россияда “Авиасаф” ва “Авийеше”, Европада “Авеннасар” ва “Фараби” номли билан машҳур бўлган. Ўзини тўлалигича билим олиш ва фанга хизмат қилишга бағишлаганлиги учун ҳам замонасининг деярли барча фанларини чуқур ўзлаштиришга эришди. У жаҳон илм-фани ва фалсафий билимлар тизимида ўзига хос фанлар таснифи, мукамал давлат моделини яратганлиги билан алоҳида ном қозонди. Шу боисдан ҳам унинг маънавий-маданий мероси қомусий характерга эга бўлиб, у яшаган давр руҳияти ва услубини акс эттиради. Абу Наср Форобий (тахаллуси, тўлиқ исми Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ўзлог ат-Туркий, 873 йили Фороб шаҳрида туғилган, 950 йили Дамашқда вафот этган, Дамашқдаги “Боб ас-Саъир” қабристонига дафн этилган) – жаҳон маданиятига салмоқли ҳисса қўшган мутафаккир, Ўрта Осиёлик таниқли файласуф, 70 дан ортиқ тилни билган қомусий олим ҳисобланади. Ўрта асрлардаги маълум илмий кашфиётлар қаторида, умуман, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари маърифий ва ижтимоий-фалсафий тафаккурининг ривожланиши ҳам унинг номи билан боғлиқ. Замонасининг барча фанларини мукамал ўрганган ва уларнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган, юнон файласуфларининг китобларига берган шарҳлари билан уларнинг Шарқ ўлкаларида кенг ёйилишига туртки бўлган Абу Наср Форобий Шарқда юксак баҳоланиб, “ал-Муаллим ас-Соний” (Арастудан кейинги

“иккинчи муаллим”) ва “Шарқ Арастуи” номларини олган. Абу Наср Форобийнинг Арасту асарларига ёзган шарҳлари нафақат Шарқда, балки Ғарбий Европада ҳам қадимги Юнон фалсафасининг, жумладан, Арасту таълимотининг кенг тарқалишида муҳим роль ўйнади. Хусусан, Европада Аристотель асарлари, улар латин тилига таржимақилингунга қадар, Шарқ перипатетиклари: Ал-Киндий, Абу Наср Форобий, Ибн Рушд китоблари орқали ўрганилган. Абу Наср Форобийнинг Арасту асарларига ёзган шарҳларининг аҳамиятини Ибн Синонинг таржимаи ҳолида айтган куйидаги сўзлари орқали билиш мумкин: «Арасту асарларини қирқ мартаба ўқиб чиқдим, лекин тушуна олмадим. Бозордан Абу Наср Форобийнинг Аристотель асарига ёзган шарҳини сотиб олиб, кейин тушундим». Бундан маълум бўладики, дастлаб европаликлар Аристотель таълимотини Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Ал-Киндий шарҳлари орқали ўрганишган, кейинчалик Арастунинг «Аналитика», «Топика», «Сиёсат» каби асарлари Европа тилларига таржима қилинган[4.81.]. Шу боисдан ҳам А.В.Койренинг “Форобий, Ибн Сино ва Ибн Рушдлар латин Ғарбининг устозлари ва тарбиячилари бўлган эдилар...” ва “...агар шу файласуфлар бўлмаганида Арастунинг “Метафизика”, “Физика” каби асарлари латинлашган (юнон тили ва юнон фалсафасини билмайдиган) Ғарб учун тушунарсизлигича қолиб кетган бўлар эди.”, деган эди.

Абу Наср Форобийнинг маънавий маданиятга доир қарашларининг тарихий-ижтимоий ва фалсафий манбаларини тадқиқ этиш Шарқ Уйғониш даврида эришилган маданий, ижтимоий тараққиётни чуқурроқ ўрганишни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Муҳаммад ибн Тоҳир ибн Баҳром Абу Сулаймон Мантикий Сижистонийнинг “Сивони-ул-ҳикма” (“Ҳикматлар хазинаси”) китоби Шарқ уламолари орасида беқиёс шухрат қозонган. Аммо бу асарнинг тўлиқ матни бизгача етиб келмаган. Сижистонийнинг шу китобидан сайлаб олинган мухтасар икки китоб бизгача етиб келган. Султон Маҳмуд ва ўғли Масъуднинг замондоши Абул-Фазл Байҳақий-дан бир аср кейинроқ, Умар Ҳайём замонида (XII асрда) яшаган Абул Ҳасан Заҳириддин Байҳақийнинг “Татимма ас-Сивониу-л-ҳикма” (“Ҳикматлар хазинаси”га қўшимча”) асари бизгача тўлиқ етиб келган. Унда Шарқ мутафаккирларидан 111 аллома ҳақида, жумладан, ал-Киндий, Ҳунайн ибн Исҳоқ, Матто ибн Юнус, Собит ибн Қурро, Абу Зайд Балхий, Абу Наср Форобий, Яҳё ибн Одий, Беруний, Ибн Сино, Абул-Хайр Ҳаммор (Низомий Арузий Самарқандий уни тиб илмида 2-Буқрот (Гиппократ) деб атайди), Абул-Вафо Бузжоний, Ибн Сино ва шогирдлари Баҳманёр, Аҳмад Абу Абдуллоҳ Масъумий, Абдул-Воҳид Жузжоний, Умар Ҳайём, Рашидиддин Ватвот,

Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад ибн Абдул-Карим Шаҳристоний, 2- Арасту деб ном олган Абул-Баракот, Ҳайёмнинг шогирди Шараф-уз-замон Адиб ал-Илоқий-Туркистоний ва бошқалар ижоди ҳақида қимматли маълумотлар ҳамда мазкур алломаларнинг ҳикматли сўзлари келтирилган. Бу асарни академик Зиё Буниётовнинг шогирди, шарқшунос Севинч Багирова арабчадан русчага таржима қилган. Заҳириддин Байҳақийнинг “Татимма Сивони-ул-ҳикма” асарида Абу Наср Форобий ҳақида қуйидаги фикрларни ўқиймиз: “Шайхул-акрам, Устози Соний, ал-Ҳаким, Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлоқ ибн Тархон Абу Наср Форобий Туркистоннинг Фарйобидан (форсада ҳам Фарйоб бор) замонасида ва аввал ўтганлар орасида тенгсиз эди. Исломиятгача иккита ва исломиятдан сўнг иккита ҳаким – файласуф бўлган. Булар: Арасту ва Искандар (Александр) Афродизий, исломият даври- да эса Абу Наср ва Абу Али (Ибн Сино)дир”. Абу Наср вафотидан сўнг 30 йил кейин Абу Али туғилган. Абу Али ўзини Абу Насрнинг шогирди эканлигини айтган. Ибн Сино ўзи ёзган таржимаи ҳолида “Арастунинг “Бадаъ-ат-Табиа” (“Метафизика”) асарини қирк марта ўқиб, тушуниб бўлмас экан, деб афсусланганини, сўнг Абу Наср Форобийнинг “Арастунинг “Метафизика”си мақсадлари ҳақида” асарини ўқиб, кўзи равшан очилганини, Оллоҳга шукрона айтиб, кўп хайр-эҳсонлар қилганини ёзади. Ибн Синонинг ўзи ёзган ва шогирди Абдул-Воҳид Жузжоний давом эттирган таржимаи ҳоли фақат шу “Татимма” асарида бизгача етиб келган.

“Абу Насрнинг жуда кўп асарлари бўлиб, – деб ёзади З.Байҳақий, – кўпчилиги Шомда сақланиб қолган (ўша вақтда Туркистонга етиб келмаган). Булар: “Ал-Мухтасар фил-мантик”, “Китоб ал-Бурхон” (1-Аналитика), “Ароу аҳли мадинатул-фозила”, “Таълиқот” (“Талқин”, “Герменевтика”), “Шарҳи Уқлидус”, “Шарҳи кутуб Арасту”, “Китоб ан-Нафс” (“Рух ва жон ҳақида”), Афлотуннинг “Тимей” асарига шарҳ”, “Китоб ат-Тафсир”, “Китоб фи-л-муסיқа” ва бошқалар. (Абу Наср Форобийнинг тўлиқ асарлари рўйхати атоқли шарқшунос Абдусодиқ Ирисов Маҳкам Маҳмудов билан ҳамкорликда нашр этган “Фозил одамлар шаҳри” тўпламида Абу Усайбия, Ибн Ҳалликон асарларидан олиб келтирилган). Камина (Заҳириддин Байҳақий) Рой шаҳрида нақиблар раисининг кутубхонасида Абу Наср Форобийнинг ўз қўли билан ёзган ва шогирди Яҳё ибн Одий қўли билан кўчирилган асарларини кўрганман”. “Ахлоқ-ул-ҳукамо” (“Ҳакимлар ахлоқи”) китобида ўқидимки, (бувай- хийлар салтанатининг вазири) Соҳиб Исмоил ибн Аббод (Шомга, Абу Наср Форобийга) жуда кўп совға-саломлар, тухфалар юбориб, Ройга келишни илтимос қилган).

У “Ким аллома Абу Наср Форобийни менинг хузуримга бошлаб келса, ҳаддан зиёд эҳсонлар бераман!” деган. Аммо Абу Наср мол- дунё ва шон-шуҳратга қизиқмасди. Шу сабабли бир марта у атайлаб, жулдур кийимда, қўлида ўзи ясаган чолғу асбоби – уд билан Ройга келиб, давлатмандлар (вазирга яқин лаганбардорлар) базм қилиб ўтирган хонага кирди. Бу ерда ўткир сўз усталари, шўх ва енгилтак меҳмонлар Абу Наср Форобийга (жой ҳам кўрсатмай), у эшик тагида ўтирганида (таклифсиз келган бефаросат, сахройи, жирканч одам деб) уни масхара қилдилар, сўзларини ҳам эшитмадилар. Аммо Абу Наср вазирнинг яқинлари базмида масхара ва ҳақоратларга чидаб, барчалари кўп шароб ичганидан маст-аласт бўлиб қолгунича ўтирди. Сўнг хуржунидан чолғу асбобини олиб, шундай куй чалдики, меҳмонлар донг қотиб ухлаб қолдилар. Абу Наср чолғунинг тахтасига “Бу ерга Абу Наср Форобий келди, сизлар уни масхара қилдинглар” деб ёзиб, чиқиб кетди. Шу кетишда Бағдодга етди. Соҳиб Аббод ва яқинлари хушларига келиб, камбағал меҳмонни масхара қилганларини эслаб, афсусландилар. Бир мутриб (созанда) удга ёзилган сўзларни кўрсатди. Вазир Абу Наср Форобий келиб-кетганини билгач, уни топиб келиш учун ортидан одам юборди. Аммо тополмадилар. Вазир Соҳиб Аббод бу воқеадан умр бўйи афсусланиб, ҳижолат бўлиб юрди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Камина (Захириддин Байҳақий) устозимдан (Қутбиддин Муҳаммад Марвозий) эшитган эдимки, Абу Наср (ёши етмишдан ошганида) Дамашқдан Асқалонга бораётган вақтида карвонга қароқчилар хужум қилган (карвон кичик, соқчилари оз бўлса керак), Абу Наср уларга отларимни, қуролларимни, буюмларимни олинглар ва йўлни очиб қўйинглар деди. Қароқчилар кўнмадилар. Абу Наср ва ҳамроҳлари отларидан тушиб, қиличлари билан жангга киришганлар. Карвон аҳлидан барча ҳалок бўлган (қароқчилардан ҳам бир қисми ўлган бўлса керак). Шом амири (Сайфуддавла) бу хабардан даҳшатга тушиб, қароқчиларни тутиб, Абу Насрнинг қабри олдида барчасини салбга тортди”. Айтишларича, Абу Наср Форобий исмли Самарқандлик шифокор ҳам бўлган, у файласуф эмас. Файласуф Муҳаммад Абу Наср Форобий айтар эди: “Фалсафани ўрганиш учун одам ёшлигидан билимларга чанқоқ, хушхулқли, яхши тарбия кўрган, Қуръонни, тил (адаб) ва шаръий (хайрли) илмларни ўрганиши, тирикчилик ташвишидан фориғ (холи, озод) бўлиши керак”. Абу Наср илм ва олимларни ҳурмат қилар, илмни бойлик, фойда ғарази билан эмас, беғараз ўрганиш керак, дер эди. Илмдан худбинлик мақсадида фойдаланувчилар ёлғончи, сохта

файласуф бўладилар, чунки пул ва мол-дунё билан ёлғонни, сохталиқни оқлаб бўлмайди. Дарахтнинг камолоти ширин мева беришда бўлганидек, инсон комиллиги гўзал хулқи биландир. Ўзини ҳаммадан баланд қўювчи (такаббур, нокамтар) одам камолотга эришолмайди. Аллома илми ва унинг асосидаги донолик, ақлни бахтга эришишнинг асосий воситаси сифатида талқин этади; унингча, ақл ва фан ёрдамида шундай маънавийлик даражасига кўтарилиш мумкинки, бу маънавийлик авлодлар ўлимидан кейин ҳам инсоният учун хизмат қилади.

Ибн ал-Кифтий (Али ибн Юсуф) “Тарих-ул-хукамо” (“Ҳақимлар тарихи”) китобида ёзишча, Абу Наср ҳар бир сўзнинг ҳақиқатини беш модда (хитоба – риторика, қиёс – силлогизм, бурҳон – исботлаш, жадал – мунозара, талқин – герменевтика – бормониюс) бўйича аниқлар экан. Абу Наср мантиқ илмиларида ўткир бўлиб, ал-Киндий ва бошқа файласуфларнинг хатоларини ҳам кўрсатган. У “Ихсо-ул-улум” (“Илмларнинг хосиятлари”) китобида геометрия, астрономия, физика, тилшунослик, илоҳиёт, кимё, механика (илми хиял), оптика (илми манозир), фикҳ, калом илмиларида нималар ўрганилишини кўрсатади. Заҳириддин Байҳақийнинг “Татимма ас-Сивони-ул-ҳикма” асарида юздан зиёд Шарқ алломалари ижоди ҳақида маълумотлар берилган. Бу асар “Татимма” деб аталишининг сабаби шуки, Заҳириддин Байҳақийдан бир асрча аввал яшаган Абу Сулаймон ибн Тоҳир ибн Баҳром ас-Сижистоний ўзигача яшаган юздан зиёд алломалар ҳаёти, таржимаи ҳоли баён қилинган “Сивон-ал-ҳикма” асари билан шуҳрат қозонган. Бу алломанинг бошқа машҳур асарлари Низомий Арузий Самарқандийнинг “Мажма-ун-наводир” (“Нодир ҳақиқатлар тўплами”) асарида эслаб ўтилган. “Аммо бир куни аср вақтида китоб сотувчиларнинг олдига бориб қолдим. У ерда Муҳаммад исмли даллол бир китобни қўлида тутганича мақтар эди. Уни менга ҳам кўрсатди. Мен “Бу илмдан фойда йўқ, деган ҳаёлда унга қиё боққим ҳам келмай, рад қилдим. Даллол менга “Бу китобни сотиб ол, нархи арзон, уч дирҳамга бераман, эгаси пулга муҳтож”, деди. Мен китобни сотиб олдим. (Варақлаб) қарасам, бу Устози Соний дейилган файласуф Абу Наср Форобийнинг “Арасту “Мобаъда ат-Табиа” мақсадлари ҳақида” ёзган асари экан. Уйга келиб, тезда уни ўқишга киришдим. Китоб дилимда ёд бўлиб қолганлиги сабабли унинг мақсадлари менга дарҳол аён бўлди. Бундан жуда хурсанд бўлиб кетдим ва Тангри-таолога шукрона айтиб, ўша куннинг эртасигаёқ камбағалларга анча нарса садақа қилдим”.

Абу Наср Форобийнинг “Арасту “Метафизика”си мақсадлари ҳақида” асари, афсуски, бизгача тўлиқ етиб



келмаган. Ундан сақланиб қолган кичик парчани арабчадан русчага шарқшунос Л.А.Казибердов, ўзбекчага М.Маҳмудов томонидан таржима қилинган. М.Маҳмудов бу асарнинг йўқолган қисмларини Арасту “Метафизика”си асосида тиклашга ҳаракат қилиб, давомини ёзиб тўлдирган. Академик Музаффар Хайруллаев “Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири” номли китобида “Уйғониш даври” тушунчасининг мазмун ва моҳиятини, бу даврга хос хусусият ва қонуниятларини ойдинлаштириб, бундай ёзади: “Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари VIII-X асрларда хулафои рошидийн (Абу Бакр, Умар, Усмон, Али ибн Абу Толиб) даврида, уммавийлар (Муовия, Язид, Умар ибн Абдул-Азиз, Абдул-малик ибн Марвон) даврида, аббосийлар (Абдуллоҳ ибн Аббос, Мансур, Маҳдий, Хорун ар-Рашид, ал-Маъмун, Восиқ, Мутаваккил) даврларида халифаликнинг жуда катта ҳудудларида турли миллатлар ва турли динларга (зардуштийлик, монийлик, яҳудийлик, христианлик динларига) мансуб халқлар ўртасида ўзаро қирғин урушларга чек қўйилиб, ислом дини толерантлиги асосида ўзаро савдо-сотик, иқтисодий, маданий соҳаларда алоқалар ривожланди. Турли халқларнинг ўзаро тинч-тотув яшашини асословчи исломий илм-фанлар билан шуғулланувчи муҳаддислар, мутакаллимлар, фикҳ (қонуншунослик) олимлари – фақиҳлар, файласуфлар етишиб чиқдилар” .

Абу Наср Форобий яшаган даврда Қадимги Миср, Ҳинд, Юнон, Рум илм-фанларига доир нодир асарларни таржима қилиш ва шарҳлаш кенг йўлга қўйилди. Диний қарашлари турлича бўлган сурёний Хунайн ибн Исҳоқ ва унинг ўғли Харронлик Собит ибн Қурро (Беруний бу олим асарларига кўп муружаат қилади), Матто ибн Юнус, эронлик Абдуллоҳ ибн Муқаффа, араб Яқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий, форс Абу Бакр Розий, Ўрта Осиёлик Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Муҳаммад ал-Бухорий, Муҳаммад Абу Наср Форобий, унинг шогирди Яҳё ибн Одий, унинг шогирди Абу Сулаймон Сижистоний, адаб илмлари устозлари, филологлар Асмой, Халил ибн Аҳмад, Абу Усмон ал-Жохиз, Абу Зайд Балхий, Жайҳоний, Балазурий, Наршахий, Ибн Сино, Бахманёр, Абу Хайён ат-Тавҳидий, Абу Мансур Мотурудий, Абу Бакр Хоразмий, Абу Мансур асСаолибий, Абул-Фараж Исфохоний каби алломаларнинг ижоди гуллаб-яшнаганлиги сабабли Н.И.Конрад, М.Хайруллаев, Е.Э.Бертельс, Адам Мец, В.М.Жирмунский, Ф.Сулаймонова, Р.Баҳодиров, М.Маҳмудов каби олимлар бу даврни Шарқ мусулмон Уйғониш даври деб аташга мойиллик билдирадилар.

Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобида ислом дини ва шариати асосида жамият ҳаётида тинч-тотувлик, адолат ўрнатилгани, қозиларнинг адолати мақталади: “Яна Саъид ибн Халаф ал-Балхийни 213 йили, жумадул-аввал охирида (828 йил, 16 август) қозиликка тайинладилар. Бу киши қозиликни шундай олиб бордики, Худои таолонинг яратган бандаларига адолат, инсоф ва шафқат қилиш борасида уни мисол қилиб кўрсатар эдилар. У яхши қонун-қоидалар ўрнатди. Жумладан, кучли (бой- бадавлат) киши заиф кишига зулм ўтказмасин учун бу тўғонларни қурдириб, Бухоро сувини адолат ва инсоф юзасидан тақсим қилишни у асослади Яна султон Аҳмад ибн Исмоил Сомоний даврида (раҳматли) Аҳмад ибн Иброҳим ал-Барқандий қозилик қилди. У ҳам зоҳид, ҳам фақиҳ эди”. Бу жумла шуни англатадики, Бухоро аҳолиси ислом динига жуда қийинчилик билан кирганлар. Аҳоли янги динга ўрганолмай, илк масжидларни ёқиб юборган, масжидлар қайта-қайта қурилган. Ислом дини, шариат қонунларини амалга оширувчи ва назорат қилувчи қозилик ўрнига бу вазифани исломиятдан аввал оқсоқоллар кенгаши бажарар эди. Камбағаллар, чоракорларга бемалол жабр-зулм қилинаверар эди. Ислом дини ва шариатида ижтимоий мартабаси, қайси тоифага мансублигидан қатъи назар, барча мусулмонлар Аллоҳ таоло олдида тенг ҳисобланиб, қозилар, бошлиқлардан шариат ҳукмларида айтилган жазо чораларини барчага тенг қўллаш талаб қилинар эди. Бу ҳолат Афлотун ва Абу Наср Форобий кўрсатган идеал жамият – фазилатли шаҳар – давлатларни эслатар эди. Муҳаммад Наршахий асарида айтилган қозининг зоҳид ҳам эканлиги – бу дунё бойликларидан воз кечиб, нафсини тийиб, ҳеч кимга зулм қилмай, ҳеч кимдан пора олмай, таъмагирликдан узоқ, пок, ҳалол яшовчи одамнинг қозилик қилиши ҳам ислом динидаги бағрикенгликни, адолат ва толерантликни билдиради. Наршахий яна ёзади: “Мухтасари Кофий”нинг муаллифи марҳум Абул-Фазл ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Марвазий ас- Сулабий кўп йиллар давомида (Наср ибн Аҳмад даврида) Бухорода қозилик қилди ва заррача ҳам ўзига айб (гард) юқтирмади; у барчага баробар адолат ва инсоф юзасидан иш кўрар ҳамда унинг даврида олимлик ва зоҳидликда бутун дунёда ҳам унга тенг келадиган киши йўқ эди. Шундан кейин у султонга (Нух ибн Насрга, ҳукмронлик даври 943-945 й.) вазир бўлди ва шаҳид бўлиб ўлди”. Сабаби – шариатга зид ишга қўшилмагани эди.

ХУЛОСА

Хуллас, Ал-Фаробий ижоди бугунги кунгача ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ал-Фаробийнинг давлат, бошқарув, ижтимоий-ахлоқий ва сиёсий қарашлари ҳақидаги



қарашлари бугунги жамият тараққиёти учун айниқса муҳимдир. Унинг асарлари Европа Уйғониш даврининг юксалишига катта ҳисса қўшган. Форобий Шарқ ва Ғарб илм-фани, қадимий маданиятини етказишда муҳим рол ўйнаган.

REFERENCES

1. Исламская духовность и поэтическая традиция // Философия аль-Фараби и исламская духовность. – Алматы: КИЦ ИФиП МОН РК, 2005. – 298 с. – С. 89–124.
2. Исламская духовность и поэтическая традиция // Философия аль-Фараби и исламская духовность. – Алматы: КИЦ ИФиП МОН РК, 2005. – 298 с. – С. 89–124.
3. Койре А.В. Очерки истории философской мысли. М. 1995. 52-53 б.
4. Форобий. Бахт-саодатга эришув ҳақида //Абу Наср Форобий. Рисолалар. – Т.: Фан, 1975. – Б. 64.
5. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Б. 190.
6. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Б. 131



“ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАНЛАРГА ИМКОН БЕРАЙЛИК- ЖАМИИЯТДА ФАОЛ ШАХСЛАРНИНГ СОНИ КЎПАЙСИН”

Илѐс Тўйчиевич Хасанов

Термиз давлат университетининг Педагогика институти
Ўқув-услугий бўлим бошлиғи, доцент

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada imkoniyati cheklangan va nogironligi bo‘lgan shaxslarning jamiyatdagi o‘z o‘rinlarini egallashlaridagi muammolar va ularning yechimiga oid ma‘lumotlar o‘rin olgan. Shu bilan birga ularning jismoniy mehnatga va jismoniy tarbiya va sporga jalb qilishdagi dolzarb muammolar hamda ularning yechimiga oid zaruriy amalga oshirilishi lozim bo‘lgan fikrlar izchil tartibga solingan. Mazkur maqola yosh mutaxasis pedagoglar uchun imkoniyati cheklanganlar bilan ijobiy munosabatlarga kirishishlarida asosiy manbalardan biri bo‘lib xizmat qiladi.

Kalit so‘zlar: Nogiron, imkoniyati cheklangan, arena, Osiyo, Paralimpiya, BMT, jasorat, matonat, olam, tabiat, tengdosh.

ABSTRACT

This article provides information about the problems of people with disabilities in finding their place in society and their solutions. At the same time, the actual problems of their involvement in physical labor and physical culture and sports activities, as well as ideas that need to be addressed in order to solve them, are systematically systematized. This article is one of the main sources for young professional educators to start positive relationships with people with disabilities.

Keywords: Disabled person, disabled person, arena, Asia, Paralympic Games, United Nations, courage, resilience, universe, nature, peer.

KIRISH

Inson ongi, tafakkuri, uning dunyoqarashi rivojlanib, o‘zining amaliy ko‘nikmalari shakllanib, nazariy bilimga ega har tomonlama barkamol shaxs bo‘lib ulg‘aygani sari jamiyatda u bilan huquqiy jihatlari teng bo‘lsada jismoniy, aqliy, psixologik va hissiy faoliyatida taqdirning taqazosi bilay ijtimoiy himoyaga muhtoj bo‘lgan ya‘ni “imkoniyati cheklangan” yoki “nogironligi bo‘lgan shaxslar” deb nomlangan jamiyatning ajralmas bir qismi mavjud ekanligini anglab yetadi.



Imkoniyati cheklangan yoki ijtimoiy himoyaga muhtoj shaxslarning asosiy katta bir qismini jismoniy imkoniyati cheklanganlar tashkil eadi desak ham xatolik bo'lmaydi.

Hozirgi kunda ko'plab davlatlar qatori O'zbekistonda ham imkoniyati cheklangan bolalarning ta'lim va tarbiya olishlari, jismoniy tiklanishlari yoki jismoniy tarbiya va sport bilan shug'ullanishlari hamda tibbiy muolajalar olib borishlari uchun keng-ko'lamdagi imkoniyatlar yaratib kelinmoqda va bunday insonlarning haq-huquqlari qonun xujjatlari bilan mustahkamlab qo'yigan va himoya qilinmoqda.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Chunki bu singari imkoniyati cheklangan bolalar jamiyatda o'zlarining shaxsiy ehtiyojlari va ijtimoiy hayot yetishmoqchiliklarini qisman yoki to'liq o'zi mustaqil ta'minlay olishmaydilar. Shuning uchun ham davlatimiz va xukumatimiz tomonidan ularni qo'llab quvvatlash hamda ijtimoiy himoya qilish maqsadida bir qancha qarorlar imzolandi.

Jumladan Prezidentimiz Shavkat Mirziyoev tomonidan 2021 yil 22 fevral kuni BMT Inson huquqlari bo'yicha kengashning 46-sessiyasidagi nutqida imkoniyati cheklangan shaxslarning o'z qobiliyatini to'la ro'yobga chiqarish masalalari bo'yicha mintaqaviy kengash tuzish taklifi bildirilgan va O'zbekistonda alohida ehtiyojga ega bo'lgan shaxslarning huquqlarini ta'minlashga jiddiy e'tibor qaratilayotganini takidlab o'tgan edilar.

Mamlakatimizda jismonan sog'lom shaxslar singari imkoniti cheklangan shaxslarni ham jamiyatning faol shaxsiga aylantirish uchun eng avvalo unga bog'liq bo'lgan muammolarni o'rganib chiqmoq va buning yechimi uchun bir qancha vazifalar belgilab olishimiz lozim bo'ladi.

Aynan imkoniyati cheklangan va ijtimoiy himoyaga muhtoj shaxslarning bu boradagi muammolari quydagilar:

- ✓ tabiat bilan aloqaning cheklanganligi;
- ✓ tengdoshlari va kattalar bilan aloqadorlikning cheklanganligi;
- ✓ olam bilan aloqadorlikning cheklanganligi;
- ✓ ijtimoiy hayot tarzining cheklanganligi.

Yuqorida qayd etilgan imkoniyati cheklangan insonlarning ijtimoiy muammolarini ijtimoiy reabilitatsiyalash uchun ularning sportchi bo'lib shakllanishlaridagi har bir tusiqlik bo'ladigan olimlarga alohida to'xtalib o'tsak:

1. Tabiat bilan aloqadorlikning cheklanganligi:

A)-Tabatning sog'lomlashtiruvchi kuchlaridan o'zlari xoxlagancha bahri olish imkoniyatining mavjud emasligi, ya'ni

-quyosh nuridan va chiniqishlardan;

-suv vannari va gigienalaridan;

-tabiat qo'ynidagi badantarbiya va sog'lomlashtiruvchi omillardan;

-issiqlik va sovuq suvda chiniqish va moslashuvlardan;

-jismoniy mashqlarning ananaviy va noananaviy metodlaridan;

-tabiatdan bahra olinib amalga oshiriladigan tiklanish va ruhiy tayyorgarlikni amalga oshiruvchi omillardan to'la-to'kis foydalanish imkoniyatining cheklanganligi.

2.Tengdoshlar va kattalar bilan aloqadorlikning cheklanganligidan:

b) Muomala va muloqotga kirishuvda turli muammolarning mavjudligi.

Jumladan:

-tengdoshlari bilan teng dunyoviy bilimlarni egallash va munozaralarga kirishish hissidagi tortinchoqlik;

-do'stlar, yaqinlar va odamlar orasidan o'zini olib qochish;

-tengdoshlarining nazariy va amaliy imkoniyatlarini o'z ko'zlari bilan ko'rish va unga ergashish imkoniyatining yo'qligi;

-o'zidan kattalarning tajribalariga guvoh bo'lish, master klaslarni tomosha qilish, xato va kamchiliklarini tahlil qilish imkoniyatlarining cheklanganligi;

-muloqotlarga kirishishda o'z fikrini bayon qilishga tortinish va zamonaviy bilimlarda munozaralarga kirishib o'z fikrini himoya qilishga bo'lgan qo'rquvning mavjudligi;

-tengdosh sportchilar bilan sayr va sayoxatlarga chiqish singari ijtimoiy cheklovlarning mavjudligi;

-tengdoshlari bilan antropometrik rivojlanishlarda ortda qolish.

3.Olam bilan aloqadorlikning qoniqarli emasligi.

v) – eng avvalo ijtimoiy himoyaga muxtoj bo'lgan shaxslar jamiyatda bo'layotgan voqea va hodisalarning guvohi bo'lish imkoniyatining cheklanganligi;

-eshitish va ishonish qiyin bo'lgan jismoniy harakatlarni o'zlari ko'rish va ishonch hosil qilish imkoniyatining cheklanganligi;

-jasurlikni tarbiyalovchi voqea va hodisalar, g'alabaga bo'lgan ishonch va o'zini-o'zi ruhan tayyorlash imkoniyatining cheklanganligi;

-olaning tabiiy va g'ayritabiiy hodisalariga guvoh bo'lish, jamiyatning faol shaxsiga aylanishdagi har xil to'siqlarni yengib o'tish hissini shakllantirishdagi o'rni;

-tana a'zolarining yo'qligi (qo'l yoki oyoq) sabab hali hayot davom etishi va turli imkoniyat va uskunalardan oqilona foydalanish lozimligiga ko'nikma hosil qilish;



-olam va odamga bo'lgan munosabatlarga ijobiy kirishishlari uchun davra suhbatlarini talab darajasida tashkillashtirilmasligi.

4. Ijtimoiy hayot tarzining cheklanganligi.

Bunda:

-imkoniyati cheklangan bolalarning o'zi xohlagandek sport formasi yoki kiyimni kiyolmasligi, ya'ni tanlash imkoniyatining cheklanganligi;

-organizm talab qiladigan vitamanga boy oziq-ovqat va meva mahsulotlarini xoxishga ko'ra iste'mol qilish imkoniyatining cheklanganligi;

-o'qish, yozish, sayoxat, zamonaviy ta'lim metodlaridan foydalanish va shaxsiy imkoniyat va qobiliyatlarini o'z tengdoshlari bilan munozaralarga kirishishning cheklanganligi;

-tengdoshlari va kattalar davrasida o'z fikrining mustahkam himoya qilaolmasligi, ishonchsizlik va qo'rquvning mavjudligi;

-doimo o'zlarini kim uchundir tashvish va ortiqcha yuk deb hisoblashi hamda tushkun kayfiyati;

-ko'p hollarda o'zini yolg'zlikda his qilishi;

-axborotlar va ma'lumotlarni to'liq sintez-analiz qilish imkoniyatining cheklanganligi.

Shu bilan bir qatorda jamiyat ichida imkoniyati cheklanganlarga nisbatan sog'lomshaxslar tomonidan noto'g'ri munosabatlarning bildirilish holatlari ham mavjud.

Bularga misol uchun:

-mehnatga bo'lgan (ish beruvchilarning) ishonchsizligi va kamsitishlar;

-insonlar orasidagi turli tortishuvlar;

-past nazar bilan qarash ya'ni, e'tibordan chetda qoldirish;

-mehnat unumdorligini past deb hisoblash;

-to'g'ri mehnat mashg'ulotlariga yo'naltirilgan tanlovlarning kamligi.

Bu singari bizning kamchiliklarimiz, imkoniyati cheklangan shaxslarda jismoniy tarbiya bilan shug'ullanuvchi paraolimpiadadagilar jamoalarining shakllanishida salbiy ta'sir qiladi, ya'ni, ularni jamiyatning faol shaxsi, o'ziga ishonchi bor, matonatli sportchilar bo'liub yetishishlarida moslashuvchanlikni pasaytiradi.

Imkoniyati cheklangan yoki nogironligi bo'lgan shaxslar doimo har bir davlat yoki jamiyat uchun bir ortiqcha yuk emas, balki – iqtidor sohiblari, o'rganilmagan serqirra ijodkorlar, xaqiqiy jasorat va matonat egalari va jamiyatning potensial ichki kuchi ekanligini tug'ri

tushunmog‘imiz va ularga bu borada motivatsiya beradigan turli ko‘rinishdagi davra suxbatlari tashkillashtirishimiz lozim bo‘ladi.

Dunyo tajribasiga nazar tashlasak:

Qozog‘istonda – imkoniyati cheklanganlarga bo‘lgan munosabat va ularning jamiyatning faol shaxsiga aylantirish hamda bandligini ta‘minlashga qaratilgan jarayonlarni u yerdagi biror bir korxonaga yoki tashkilotda ishchilar soni kamida 20 kishi bo‘lsa shuning 5 % ya‘ni bir nafari nogironligi bo‘lgan yoki imkoniyati cheklanganlar uchun ajratilganligiga guvohi bo‘lamiz.

Buyuk Britaniyada – nogiron va imkoniyati cheklanganlar bilan olib borilgan ishlar e‘tirof etishga argigulik desak ham mubolag‘a bo‘lmaydi. Chunki “ 2021 yil xolatiga ko‘ra mamlakatdagi 4,4 million nogironligi bo‘lgan shaxslar rasman turli ishlar bilan ta‘minlangan”. Bu mehnat yoshidagi (16-65 yosh) nogironligi bo‘lgan shaxslarning 52,7 % band degani. Yevropa ittifoqi mamlakatlarida esa bu ko‘rsatkich statistik ma‘lumotlarga ko‘ra 50,6 % nogironligi bo‘lgan shaxslar turli sohalar bo‘yicha mehnat qilib kelayotganligi haqida ma‘lumot beradi.

Fransiyada – 20 va undan ortiq ishchisi bo‘lgan tashkilot yoki korxonalarda umumiy ish o‘rnining 6%ni nogironligi bo‘lgan shaxslarga ajratilar ekan va buning uchun ish beruvchi korxonalar davlat tomonidan imtiyozli soliqlar rejimi yoki subsidiyalar olish imkonini qo‘lga kiritishlari belgilab qo‘yilgan.

XULOSA

Rivojlangan davlatlar va dunyo tajribasidan ko‘rinib turibdiki, imkoniyati cheklangan va nogironligi bo‘lgan shaxslarni jamiyatdan uzoqlashtirmaslik, barcha sog‘lom insonlar qatori ularga ham ishlash, ijtimoiylashish, o‘z imkoniyat va qobiliyatlarini jahon arenalarida ko‘rsatish imkonini berish asosiy masalalardan biridir. Mustaqil O‘zbekistonimizda ham bu boradagi muammolar izchillik bilan o‘z yechimini kundan-kunga topib bormoqda. Bu ona zaminda inson qadri yuksaklarga ko‘tarilib ulug‘lanar ekan, bizning diyorumizda yashayotgan imkoniyati cheklangan va nogironligi bo‘lgan insonlarni qo‘llab-quvvatlash ularga zamonaviy shart-sharoitlar yaratish bizning oliy burchlarimizdan biridir. Ularning qalblaridagi orzu istaklarini ro‘yobga chiqarib, vatanimiz bayrog‘ini Osiyo, Jaxon, Paralimpiya sport musobaqalarida baland ko‘tarishlari uchun barcha imkoniyatlarimizni ishga solsak, albatta bu zaminda ulg‘aygan xar qasi o‘g‘il-qiz imkoniyati cheklangan bo‘lsada o‘zining xaqiqiy jasorati va matonatini ko‘rsatishiga aminman. Shundek ekan biz har birimiz avvalo ularga mehr ulashmog‘imiz, ulardagi noyob iqtidorlarni ro‘yobga chiqarishlariga imkoniyat va shart-sharoitlar yaratib, qo‘limizdan kelgancha yordam qilmog‘imiz lozim.



Ularni ruxlantirish, ularga ishonch tuygʻusini shakillantirish, ularni oʻzlarini yolgʻiz xis qilish singari tushkun kayfiyatldardan olib chiqish va eng muximi har birimiz ularni oʻzimizdan begona tutmasligimiz eng toʻgʻri yoʻl boʻlib qoladi.

REFERENCES

1. Oʻzbekiston Respublikasi Qonuni. “Nogironligi boʻlgan shaxslarning huquqlari toʻgʻrisida” Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoev. Toshkent shahri-2020 yil 15-oktyabr, OʻRQ-641-son.
2. “Nogironligi boʻlgan shaxslarni davlat tomonidan qoʻllab-quvvatlash tizimini tubdan takomillashtirish chora tadbirlari toʻgʻrisida” gi oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoni. Sh.Mirziyoev. Toshkent. 2017 yil 1-dekabr, PF-5270-son.
3. “Jamiyatda oʻz oʻrnimiz boʻlishiga imkon beringlar”.D.Yusupov,“Daryo” Dilrux Isomiddinova.04.12.2021 y.
4. Toychievich, K. I. (2022). Historical Characteristics, General Content and Stages of Development of Physical Education. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 5, 18-21.
5. I.T.Hasanov, & F.B. Mamataov. (2022). EFFECTIVENESS OF APPROACHING A COMBINATION OF THEORETICAL AND PRACTICAL EXERCISES IN PREPARATION FOR PRESCHOOL CHILDREN IN PHYSICAL TRAINING. *Miasto Przyszłości*, 24, 4–7.
6. Xasanov Ilyos Tychievich. (2022). Development Stages and Characteristics of The History of Physical Education. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 5, 96–99.
7. I.T. Xasanov, & D.B. Sodiqova. (2022). Specific ways to develop physical activity in preschool children. *Miasto Przyszłości*, 24, 20–25.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ БОСҚИЧИДА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТИВОР ВАЗИФАЛАРИ

Миршод Нўмонович Ҳасанов

Тошкент давлат транспорт университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси

мустақил тадқиқотчиси

mirshodhasanov02@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Юртимиз келажаги ёш авлодлар қўлида экан, уларни ҳар томонлама етук, инсонпарвар, жамият ва табиат олдида масъулиятли шахслар этиб тарбиялаш энг устувор мақсадларимиздан биридир. Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислохотларнинг замирида “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” деган ҳаётий ғоя турибди. Миллий юксалиш фақатгина маънавий соҳада эмас, балки демократик жамият ва ҳуқуқий давлат, фаровон ва тинч-осуда ҳаёт, иқтисодий жихатдан барқарорлик каби ҳаётимизнинг барча соҳаларини тараққий эттиришни кўзда тутди. Бу жараёнлар давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси асосида илгари сурилган Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегияси, узоқ муддатли 2030 йилга қадар мўлжалланган тараққиёт концепциясида ўз аксини топмоқда. Айниқса, “Рақамли иқтисодиёт-2030”, таълим тизимини тараққий эттиришнинг 2030 йилга қадар мўлжалланган концепцияси ва бошқалар бунинг яққол намоён этмоқда.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, тараққиёт, маънавият, маданият, юксалиш, ёшлар, вазифалар.

КИРИШ

Ҳар бир жамият ва давлатнинг тараққиётини, уни амалга оширишга қаратилган стратегик дастур ёки концепциялар бўлмасин уларнинг барчасини амалга оширувчи куч бу инсон омилидир. Бунда бу омилнинг маънавий-руҳий, иқтисодий-ҳуқуқий, жисмоний жихатдан қўллаб-қувватланиши ва унинг имкониятлари ҳар томонлама кафолатланиши муҳим шарт ҳисобланади. Хусусан, шахс маънавий маданияти ўз ўрнида инсоннинг ҳам маънан, ҳам жисмонан ва моддий жихатдан юксалишини таъминловчи муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу борада маънавий маданият жамиятнинг барча соҳалари ва тармоқларини

ривожлантиришга ҳисса қўшиш билан бирга улардан маънавий куч олади, ижобий маънода таъсирланади. Масалан, жамиятнинг бадиий соҳаси интеллектуал муаммоларни функционал равишда ҳал қиладиган маданиятнинг ихтисослашган соҳаларидан биридир. Санъат маданияти унинг муваффақиятли ишлашини таъминлайдиган барча жараёнларни ўз ичига олади. Дунёга эстетик муносабат жамият ҳаётининг ҳар қандай соҳасидаги бадиий фаолият учун зарур шартдир. Аслида, бадиий маданият ҳаёлий воқеликлар дунёсини лойиҳалаштиради, бунда одамлар эътиборини маънавий маданиятнинг ушбу мавзуда актуал бўлган ахлоқий, эстетик ва бошқа муаммоларга қаратадилар. Жамиятнинг маънавий ҳаётини таҳлил қилиш ҳозирги пайтда фалсафанинг энг муҳим муаммоларидан биридир. Бундан ташқари инсон биотизимини интеллектуал билиш, унинг ишлаши, ҳимояси ва сақланиши маънавий маданиятнинг турли шакллари орқали маънавий маданиятнинг тиббий соҳасидаги энг муҳим вазифалардир. Жисмоний ва маънавий маданиятнинг шакллари инсоннинг маданиятда қабул қилинган меъёрлар, кадриятлар ва талабларга эга бўлган қобилиятларини шакллантириш, ривожлантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ инсон фаолиятини тартибга солади. Шахс жисмоний маданиятининг маънавий кадриятларига ҳар томонлама жисмоний ривожланиш соҳасидаги махсус билимлар, жисмоний баркамоллик ғоялари, уларга қандай эришиш мумкинлиги ҳақидаги ғоялар, муайян спорт турларининг хусусиятлари, унинг тарихи, ривожланиш истиқболлари ва бошқалар киради. Жисмоний маданият - бу иқтисодиёт, экология, сиёсий бошқарув, тиббиёт, педагогика, санъат маданияти, фан билан чамбарчас боғлиқ бўлган ижтимоий ҳодисадир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Сотсиологлар томонидан анъанавий равишда жамиятни тўртта катта соҳага - иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий соҳаларга бўлиб тадқиқ қилинади. Ижтимоий соҳа одамларнинг этник жамоалари (уруғ, қабила, халқ, миллат ва бошқалар), турли табақалар - хизматчилар, деҳқонлар ва бошқа ижтимоий гуруҳлар билан ифодаланади. Сиёсий соҳа ҳокимият тузилмаларини (давлат, сиёсий партиялар, сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар ва бошқалар) қамраб олади. Маънавий соҳага одамларнинг фалсафий, диний, бадиий, ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий ва бошқа қарашлари, шунингдек, уларнинг кайфияти, ҳиссиётлари, дунё ҳақидаги ғоялари, урф-одатлари ва бошқалар киради.

Ижтимоий ҳаётнинг тўртта катта соҳаси бир-бири билан механик эмас, балки диалектик алоқадорликка эга. Улар нафақат ўзаро боғлиқ, балки ўзаро шартли равишда бир-бирларисиз ривожланмайди. Иқтисодий соҳа одамлар - синф, гуруҳ ва бошқа муносабатларнинг ташувчисиз мавжуд бўла олмайди. Аммо бу ўринда одамлар ижтимоий онг шакллариининг ташувчиси эмасми, деган савол ҳам туғилади? Аммо кейин яна бир савол туғилади: қайси ҳолда, нима учун аниқловчи омилни излаш керак? Бу омилни биринчи навбатда излаш керак, чунки жамият одамларнинг аралашувисиз автоматик равишда ўзгарадиган ва ривожланадиган механик бирлашма эмас. Одамлар ўзларининг тарихларини яратадилар ва улар ҳаётида қайси соҳалар ҳал қилувчи эканлигини билишга ҳақлидирлар.

Бу борада Арасту “Ахлоқий қабр” асарида қуйидагича келтириб ўтган. “Ўртачадан узоқ турган нарса фазилатга энг кўп зид келади. Фазилат мўтадилликдир. Фазилат қарама-қарши хислат ва майлларнинг ўртасидаги ҳолатдир. Икки сабабга кўра, биз муътадилликка ё ортиқчаликни, ё камликни зид деб биламиз. Биринчи ҳолда, инсоннинг муайян руҳий ҳолати ёки феъл-атвори ўртачага (муътадилликка) яқинми ёки узоқми эканлигига қараб, ҳукм чиқарамиз. Иккинчи бир ҳолатда эса, инсон табиатида қайси нарса кўпроқ бўлса, фазилат ҳисобланувчи муътадилликнинг зидди ҳисобланади”[2].

Демак, «ахлоқ» ва «маънавият» ҳамда «фазилат» бир-бирига чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Шунинг учун ҳам инсоний фазилатлар юксак ахлоқ ва маънавият асоси ҳисобланади. Ахлоқ ва маънавият масалаларини ҳар тарафлама қамраб олиб, таҳлил қилиш борасида биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг «Юксак маънавият – энгилмас куч» асаридан келтирилган. Халқимизнинг турмуши ва тафаккур тарзидаги бошқаларга асло ўхшамайдиган, минг йиллар мобайнида шаклланган бир қатор ўзига хос жиҳатлар ҳақида тўхталар экан, муаллиф шундай ёзади: «Мисол учун, тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, қадр-қиммат деган, бир-бирини чуқур маъно-мазмун билан бойитадиган ва тўлдирадиган ибораларни олайлик. Қанчалик ғалати туюлмасин, бу ибораларни бошқа тилларга айнан таржима қилишнинг ўзи мушкул бир муаммо» [3] Шу парчанинг ўзида меҳр-оқибатлилик, меҳр-муҳаббат кўрсатиш, меҳр-шафқат қилиш, қадр-қимматни билиш каби инсоний фазилатлар ҳақида сўз боряпти. Жамият онги, давлат, ижтимоий соҳа ва бошқа иқтисодий бўлмаган омиллар мустақилликка эга, ўз ривожланиш қонуниятлари ва мантиғига ҳам эга. Шундай қилиб, маънавиятнинг ривожланиши ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий асосига тўғри келиши шарт эмас. Иқтисодий жиҳатдан орқада қолган

мамлакатда маънавий, тарбия қабилар маънавий ҳаётнинг ўзига хос соҳаси сифатида ривожланиб бориши мумкин.

Ўзбекистонда давлатнинг барқарорлигини, тинчлиги, тараққиёти, ҳарбий қудрати, иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари, миллий манфаатлари хавфсизлиги масалалари жамият ва давлатнинг асосий фаолияти манбалари, яъни инсон омилига боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бу замонавийлашув жараёнида муҳим рол ўйнайди. Инсон омилининг онги, маданияти, фикрлаш даражаси шу давлат ва жамиятнинг манфаатлари, қадриятлари, тарихий ўтмишини ўзида мужассамлаштирган миллий ғоя ва мафкуралар, қарашлар сифатида аҳолига етказилади ва сингдирилади. Бу вазифа эса аввало ижтимоий институтлар, айниқса оила, қадриятлар, урф-одатлар орқали амалга оширилади. Шарқ халқлари, хусусан, Ўзбекистон мисолида бу ибора жамиятнинг асосий негизи сифатида ҳанузгача катта аҳамият касб этмоқда.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Умуман олганда, маънавий тараққиётни таъминлашнинг ижтимоий манбаларига қуйидагиларни киритиш мумкин: оилани, болалар боғчасини, мактабни, кутубхоналарни, музейларни, маданий марказларни, театр, кино, ОАВ, ижтимоий ташкилотларни (ижодий уюшмалар), ишлаб чиқариш корхоналарини, давлат органларини, халқаро институтлар ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларнинг барчаси турли даражада ва турли томонлардан инсон дунёқарашининг ривожланиши ва маънавий камолотига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам Р.А.Умрзоқова “Тарбия шаклларида жамиятдаги турли маҳсул бўғинлар масъул бўлса-да, оила барча шакллардаги тарбия жараёнида тўлдирувчи, мустақамловчи бўғин сифатида намоён бўлади. Ёшларга сингдирила бошланган янги ғоя ва қарашлар оила муҳитида мазмунан бойитилади”, деб таъкидлайди. Кутубхоналар ва музейлар маънавий қадриятларни амалга оширилишига йўналтирилган ижтимоий ташкилотлар сифатида ташкил қилинган. Улар бугунги кунда ҳам шу қадриятларни амалга оширилишига имкон яратиши мумкин, бироқ бу йўналтирилганликни доимий равишда янгилаб туриш зарур. Ҳозирги кунда анъанавий маънавий ташкилотларда кўнгилочар тижорат манфаатлари устун бўлиб, уларнинг ишида қолоқ, давр талабидан йироқ нарсалар жуда кўп. Шунингдек постмодернизм ҳавфи ҳам мавжуд, у руҳан тўлиқ шаклланмаган одамларга синдирувчи таъсир кўрсатади. Постмодернизм фақатгина маъноларнинг ривожланган маънавий тизимларинигина

мустаҳкамлаши мумкин. Инсонга жамият томонидан тақдим қилинадиган маънолар: ўз истакларини қондириш, истеъмолчилик, насл қолдириш, танланган касбида муваффақиятга эришиш ва ҳоказо.

Агар миллий тараққиётнинг ибтидоси таълим-тарбия, маънавий етуклик ва жамиятда янгича тафаккурнинг шаклланиши сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлса, унинг давомийлиги Ватан ва юрт манфаатининг устуворлиги ҳамда таъминланиши билан уйғунлашиб кетади. “Маданияти ҳозирадан маҳрум қолуб, саноеъ ва маориф салоҳи ила қуролланмаган миллат эса, дунёда роҳат ва саодат юзини кўролмас. “Муборизаи ҳаёт” майдонида мутлақо мағлуб бўлур, оёқлар остида эзилур, диний, иқтисодий ишларда ўзгаларнинг асири бўлуб, бора-бора миллият ва диёнатини ҳам қўлдан берур. Ана ушбу йўллар ила охири маҳв ва нобуд бўлуб кетар. Биноан алайх, ер юзидаги барча миллатлар ўз болаларини ибтидоий тарбиясиға ва мактабларнинг ҳар жиҳатдан интизом ва акмолиға аҳамият беруб болаларини миллий ва диний руҳда мукаммал суратда етушдурарлар. Шунинг учун Туркистон мусулмонлариға ибтидоий мактабларни кўпайтирмоқ лозимдур.” Шундай экан, ижтимоий тараққиёт жараёни кўпроқ ёшлар ва уларнинг маънавий, интеллектуал салоҳияти, сиёсий ва ҳуқуқий билим даражасига боғлиқдир. Бу омилларни тўғри англаган ҳолда мамлакатимизнинг ҳозирги тараққиёт босқичида 2018 йил 30 сентябрда ПҚ-3955 сонли “Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2019 йил 8 майда “Мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” қабул қилиниши, ёшларимизга болалиқданок она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳини шакллантиришдан иборатдир.

Дарҳақиқат, ҳар бир мамлакатда аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги маънавий интеллектуал салоҳияти жамият тараққиётини белгиловчи муҳим омиллардан биридир. Давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг айниқса, ёшларнинг иштироки уларнинг объектив воқеликка муносабатида тўла намоён бўлади. Бошқарув жараёнидаги бундай муносабат ҳар бир инсоннинг жамият сиёсий ҳаётида ўз ўрнига эга бўлиши, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий мақсад ва манфаатларини қондириши ҳамда, уларни амалга ошириш йўлидаги ҳаракатлари асосида юз беради. Жамиятда янгича муносабатлар таркиб топаётган ҳозирги даврда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш имкониятлари кенгайган.

Бизга маълумки, ҳозирги кунда дунёдаги ҳар қандай давлатнинг обрўси ва нуфузи, куч-қудрати, унинг моддий

бойликлари, иқтисодий тараққиёти, ҳарбий қуввати билан эмас, балки аввало, юксак маънавий салоҳияти билан ҳам белгиланади. Халқнинг, миллатнинг маънавий-маърифий бойлиги эса ҳар томонлама етук истеъдодли ва қобилиятли, ахлоқли ва билимли ёшлар томонидан ривожлантирилади. Лекин шундай бўлсада масаланинг яна бир томони ҳозирги тез суръатлар билан дунё ҳамжамиятида ривожланиб бораётган давлатларнинг баркамол авлод тарбиясида уларга салбий таъсир қилиши мумкин бўлган омиллардан доимий равишда ҳимоялаш долзарб масаладир. Ўзбекистонда аҳолининг ўртача ёши 24 ёшни ташкил этади. Биз учун ҳеч қачон кун тартибидан тушмайдиган яна бир ўта муҳим масала борки, унга алоҳида тўхталиб ўтишни зарур. У ҳам бўлса, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз, фарзандларимиз тарбияси билан боғлиқдир. Буюк бобомиз Абдулла Авлоний айтганидек, бу масала биз учун ҳақиқатдан ҳам ё нажот, ё ҳалокат, саодат, ё фалокат масаласидир ва ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган, таъбир жоиз бўлса, масалаларнинг масаласидир. Демак, мамлакатимизда ёшларнинг жамият тараққиётига нисбатан онгли муносабати, ундаги иштироки ва фаоллигисиз миллий тараққиётни тасаввур қилиш қийин. Ўзбекистон шароитида ёшларга ижтимоий тараққиётнинг муҳим «катализатори» сифатида қаралишининг энг асосий сабабларидан бири ҳам улар таркиби, онги ва дунёқараши билан боғлиқ. Негаки, ёшлар дунёқараши бугунги янгиланишлар жараёнида шаклланиб бормоқда. Шу сабаб ҳам давлат сиёсатида бу масалага алоҳида ёндашилмоқда.

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти шароитида сиёсий фаоллик кўпроқ ёшлар ташкилотлари, маънавият ва маърифатга дахлдор жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари, маҳалла, оила каби фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро мустаҳкам алоқа боғланишини талаб этади. Умуман бугунги демократик жараёнлар чуқурлашаётган, фуқаролик жамияти институтлари мавқеи кучаяётган шароитда ҳар қандай масаланинг ечимида давлат ва жамият ўртасида уйғунлик таъминланмас экан, ислохотларда керакли натижаларни қўлга киритиш мушкул. Демак, ислохотлар ва уларнинг самараси аввало аҳолига, Ўзбекистон шароитида эса ёшларга, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг, яъни сиёсий фаоллигининг даражасига боғлиқдир. Жамият тараққиётида инсон омили хусусида дунё тажрибасидан мисол келтирсак, иккинчи жаҳон урушида ҳонавойран бўлган Германия ва Япония каби давлатлар бугунги кун тараққиётида инсон омилининг нақадар катта куч бўла олишини исботлади.

Инсон маънавий маданиятига салбий таъсир кўрсатадиган энг катта таҳдидлардан бири бу –



коррупциядир. Бугун дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат доирасидаги йирик коррупцион жиноятлардан кўра маиший коррупция катта йўқотишларга олиб келади. Жумаладан, таълим тизимидаги оддийгина сессиядаги “баҳо олиш” жараёни келгусида катта-катта ижтимоий ларзаларга сабаб бўлиши мумкин. Жанубий Африка Республикаси Стелленбосс университети пештоқида куйидаги ибора ёзиб қўйилган: «Ҳар қандай миллатни йўқ қилиш учун атом бомбаси ёки узок масофали ракета шарт эмас. Бунинг учун таълим сифатини тушириб, имтиҳонларга алдов аралаштиришнинг ўзи кифоядир. Бу тарзда таълим олган шифокорлар кўлидан беморлар ўлим топади, қурувчилар қурган уй ва бинолар вайрон бўлади, иқтисодчи ва ҳисобчилар кўлида молиявий ресурслар совурилади, адолат ҳам шундай ҳуқуқшунос ва судьялар кўлида завол топади». Таасуфки, олий таълим тизимида асосан талабалик сафига қабул қилиш, ўқиш жараёнида топшириладиган турли синовлар, талабаларнинг битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, магистратурага қабул, шунингдек, талабаларнинг ўқиш жойини кўчириш, ўқиш йўналишини ўзгартириш ҳамда ўқишга қайта тиклашда коррупция ҳолатлари кузатилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу каби муаммоларнинг олдини олиш борасида куйидаги мулоҳазани илгари сурган эди: “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”. Чунки, коррупция давлатни ичидан емирувчи ҳамда миллий хавфсизлигимизга таъсир ўтказадиган хатарли таҳдид ва унга қарши курашиш барчамизни олдимиздаги вазифадир.

Немис ва япон халқи урушдан кейинги оч-наҳорликларга, муҳтожликларга қарамай, барча топганларини ёшлар камолотига, уларнинг таълим ва тарбияси учун сарфлаган. Бунинг устига ғолиб давлатлар кўрган зарарларни ҳам ана шу халқлар тўлаши керак бўлди. Ана шундай оғир шароитда Японияда сиёсий, иқтисодий инқирозга учраган мамлакатни тушкунликдан олиб чиқишнинг бирдан-бир йўли сифатида халқ миллий руҳиятини тиклаш, таълим тизимини янги асосда йўлга қўйишга эътибор қаратилди. «Халқнинг қорнини тўйдириш учун, аввало унинг миясини тўйдириш керак» деган ўзига хос шиор ва ғоя илгари сурилди. Бу ғоя «мияси тўйган халқнинг қорни ўз-ўзидан тўяди» деган тамойил асосида амалга оширила бошланган.

«Мияси тўйган» халқнинг эътиқоди, мамлакат истиқболига ишончи, ватанпарварлик ва миллатпарварлик туйғуси, илмий, маданий савияси, касбий маҳорати, мамлакат олдидаги бурч ва масъулиятини англаш туйғуси қанчалик юқори ва мустаҳкам бўлишини немис ва япон халқларининг тарихий тажрибаси тасдиқламоқда. Демак, жамият тараққиётнинг қайси босқичида бўлмасин, унинг ривожини юксак даражадаги ижтимоий-сиёсий фаоллик ҳамда фуқароларнинг маънавий камолоти орқали амалга ошади.

ХУЛОСА

Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қачонки демократик тамойиллар кўпроқ қуйидан юқorigа қараб такомиллашиб борса, у ўзига хос қадрият даражасига кўтарилади. Зеро жамият аъзолари кундалик ҳаётида акс этмайдиган демократия турмуш тарзимизнинг таркибий қисмига ҳам айлана олмайди. Бу эса узоқ муддатли жараён. Жамият сиёсий ҳаётини эркинлаштириш ва демократлаштириш шовша-шошарлик билан амалга ошириладиган жараён эмас. Агар ушбу ҳолат босқичма-босқич мунтазам амалга оширилмайдиган бўлса, турли хавфли, нохуш оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Ёшлар ижтимоий-сиёсий онгини ўстириш ва янгича дунёқарашини шакллантириш масалалари маънавий етукликка асосланган ҳамкорлик, ҳамжиҳатлилик, ҳамфикрлилик омиллари турли инқирозли ҳолатлар, тўкнашувларнинг олдини олиш жараёнида намоён бўлади. Бу эса тараққиётнинг тадрижийлиги ва самаралилигига олиб келади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.// 25.01.2020. <http://www.uza.uz>.
2. Умурзакова Р. Ўзбекистонда оила мустаҳкамлигининг социал омиллари.// Соц. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент: ЎЗМУ, 2006. -19 б.
3. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2018. -195 б.
4. И.А.Каримов Юксак маънавият – энгилмас куч, Т.: “Маънавиёт” 2008 йил..
5. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»



ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ ОБЩЕНИЕ – ВАЖНАЯ СТУПЕНЬ РЕАЛИЗАЦИИ ТЕХНОЛОГИИ ИОСО

Джават Саид-Бурханович Файзуллаев

Профессор кафедры русского языка и литературы факультета гуманитарных наук Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается ИОСО как образовательный аспект, приводится пример разработки урока литературы. В результате подключения продуктивного мышления к уроку возникает нечто оригинальное, принципиально новое для субъекта

Ключевые слова: ИОСО, технология, новизна, мышление, тренинг, эксперимент

ABSTRACT

In this article, IOSO is considered as an educational aspect, an example of the development of a literature lesson is given. As a result of connecting productive thinking to the lesson, something original, fundamentally new for the subject arises

Keywords: IOSO, technology, novelty, thinking, training, experiment

ВВЕДЕНИЕ

Проблема активизации познавательной деятельности учащихся на уроках литературы была и остаётся одной из самых актуальных. В течение долгого времени она стоит в центре внимания целого ряда научных педагогических коллективов. Методисты и учителя Узбекистана давно ведут поиск путей активизации познавательной деятельности учащихся на уроках литературы. Одним из таких путей является применение в учебном процессе образовательных учреждений технологии ИОСО. Данная технология способствует повышению активизации мыслительно-познавательной деятельности учащихся. ИОСО образовательный аспект, который предусматривает деятельность учащихся через организацию тренингов в формате диалогового взаимодействия, обучаемых в диаде «учитель - учащийся» и «учащийся - учащийся». Диалоговое взаимодействие способствует развитию мыслительно-познавательной деятельности обучаемых. В результате

подключения продуктивного мышления к уроку возникает нечто оригинальное, принципиально новое для субъекта. Степень новизны - наличие здесь высока. Условие возникновения такого мышления проблемной ситуации, способствующей осознанию потребности в открытии новых знаний и высокой активности субъекта, решающего намеченную проблему.

ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

Для достижения учебной цели, мы разработали проект уроков литературы в формате технологии ИОСО, который представлен в системе и предусматривает методы и приёмы, используемые учителем на уроке, а также разнообразные формы деятельности обучающихся.

Наш экспериментальный план-проект (учитель предвидит результат обучения) предусматривает пять этапов работы.

План урока:

Первый этап

Приветствие группы. Обсуждение темы. **Храбрость быть собой.**

Демонстрируется слайд №1 (цитата индийского философа ОШО)

«свобода означает способность сказать «да», когда нужно да, сказать «нет», когда нужно нет, а иногда промолчать когда ничего не нужно, быть в молчании, ничего не говорить. Когда все эти составляющие доступны, это и есть свобода».

Учащиеся записывают цитату ОШО в тетрадь и осмысливают ее в формате приема критического мышления ИНСЕПТ, с использованием знаковой системы: «?» - я это знал, «+» - это для меня новое, «-» противоречит моим знаниям, «?» - об этом хочу узнать больше. Применение этого приёма нацелено на развитие систематичности мышления у обучающихся, умения классифицировать поступающую информацию и выделять в ней новое.

Второй этап

Беседа: Притча. Что это такое?/Какие виды притчи вы знаете? (библейская, авторская)/ Назовите жанровые признаки притчи/Чем притча отличается от сказки? От легенды? Басни?

Упражнения: «Диагноз», «Точка зрения» (по современной притче «Несвятая троица»).

Несвятая Троица

Как-то раз радостное ЭГО повстречало грустное ЭГО, и спрашивает у него: «Послушай, а что это ты всё время грустишь? Посмотри — как много вокруг радостных событий и переживаний. Есть ведь чему порадоваться!».

А грустное ЭГО ему отвечает: "Чему же тут радоваться-то, братец? За что ни возьмёшься — всё ненастоящее, всё иллюзии одни, нет ничего реального в этом мире!"

В это же самое время проходило мимо них деловое ЭГО, которое сказал: "Ну, что вы тут совсем без дела стоите?! Делом нужно заниматься, делом, работать нужно, не покладая рук!". И, гневно посмотрев на них, продолжило свой путь. "Видишь", — грустно сказала грустное ЭГО. «никому мы не мешали, стояли себе в стороне, и то огребли, чему же тут радоваться?". "Да хотя бы тому, что это нудное деловое ЭГО так быстро отстало от нас!" — радостно воскликнуло радостное ЭГО. Но грустное ЭГО, разочарованно махнув рукой, побрело дальше собирать от жизни и от неблагодарной, как ему казалось, судьбы, тумачи, да шишки. Радостное ЭГО почесало недоумённо в затылке, обрадовалось, что всё это недоразумение так быстро закончилось, и вприпрыжку побежало дальше собирать для себя впечатления.

А в то самое время, когда всё это происходило, Солнце успело три раза искупаться в облаках, птицы дрозды накормили своих детей, а Медведь сидел в зарослях малины и блаженно запускал одну ягоду за другой в свой необъятный для вкусов рот.

Мир жил своей обычной жизнью — светило Солнце, летали птицы, Медведь наслаждался малиной, а радостное ЭГО, печальное ЭГО и деловое ЭГО спешили насладиться тем, что было лично для них правильно и хорошо...

«**Диагноз**»: Группе предлагаются вопросы для обсуждения:

1. Почему сказка называется «Неснятая Троица»?
(троица Святая: во Имя-Отца, Сына и Святаго духа!)
2. Почему имена героев унифицированы по «темпераменту» личности и по своим «действиям» возведены в ЭГО?
(фрейдовская концепция «Я - ЭГО — что это значит?»)
3. В чем дидактичность содержания?
(притча-сказка: поучительность, своеобразная иносказательность, сказочные элементы).
4. Что значит «Мир жил своей обычной жизнью, (философия еkkлeзиастов).

Каждому участнику группы следует высказаться по поводу размышлений участников других групп, отметить, чье высказывание более близко к собственной позиции участника. Так в аудитории реализуется технология сотрудничества. После подсчета совпадений формируются подгруппы из пяти человек для дальнейшей работы на уроке.

Упражнение «Точка зрения» нацелено на овладение приемами убеждения, аргументации, используемыми в дискуссии. Выполнение данного упражнения осуществляется в такой последовательности:

Первая установка: Учащимся предлагаются «толстые» вопросы, требующие размышления.

The Lancet Planetary Health jurnalida 2022 yil 17 may kuni e'lon qilingan "Pollution and health: a progress update" maqolada keltirilishicha global o'lim va atrof-muhitning ifloslanishiga oid tadqiqotlarga ko'ra, har yili 9 millionga yaqin odam havo, tuproq va suv ifloslanishidan nobud bo'ladi. Atrof-muhit ifloslanishining turli shakllari tufayli 2015 yilda jahon iqtisodiyoti 4,6 trillion dollar yo'qotdi (jahon yalpi ichki mahsulotining 6,2 foizi). Tadqiqot mualliflari atrof-muhitning ifloslanishidan o'lim holatlarini kamaytirish bo'yicha sakkizta tavsiyani ilgari surdi, bunda monitoringni yaxshilash, hisobotlarni takomillashtirish hamda sanoat va **avtomobil transportini** davlat tomonidan qattiqroq tartibga solish zarurligi ta'kidlangan.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Statistik ma'lumotlarga ko'ra, XXI asrga kelib insoniyat atmosferaga tabiiy ravishda zararli gazlar bilan ifloslanishidan 170 marta ko'proq zararli gaz chiqarmoqda, bunga sabab bo'layotgan asosiy to'rt omilning ichida eng katta ulush aynan transport sohasiga to'g'ri keladi-40%, qishloq xo'jaligi va maishiy xizmatlar-24%, energetika sanoati-20%, ishlab chiqarish-14%ni tashkil qiladi [2, 3, 12].

Oxirgi yillarda dunyo bo'yicha avtomobil ishlab chiqarish ko'rsatgichi yildan-yilga o'sib bormoqda, 2000 – 2005 yillarda 60 mln atrofida o'rtacha yillik avtomobil ishlab chiqarilgan bo'lsa, 2010 yildan so'ng ishlab chiqarish keskin o'sganligini kuzatishimiz mumkin, xususan, 2010 yilda 77,86 mln, 2015 yilda 90,78 mln, 2018 yilda 95,7 mln, 2019 yilda 90,864 mln, 2020 yilda 77,62 mln va 2021 yilda 79 mln dona avtomobil ishlab chiqarilgan.

Avtomobil transporti majmuasining ekologik xavf tug'diruvchi chiqindilar manbalarini me'yorlash talablarini joriy etish atrof-muhitga zararli ta'sir etishni kamaytiradi va ularning ma'lum chegaraviy miqdorlaridan oshib ketmasligini ta'minlaydi. Ekologik me'yorlash tabiiy ekotizimlarga nisbatan ruxsat etilgan yuklanishlarni hisobga olgan

holda avtomobil transporti majmuasining zararli manbalari tirik organizmlarga sezilarli ta'sir ko'rsatmasligi va tabiiy muhit sifatining buzilishiga yo'l qo'ymasligi lozim [4, 13].

Avtomobil transporti majmuasining atrof-muhitga zararli ta'sir ko'rsatuvchi omillarni ekologik jihatdan baholovchi umumlashgan mezonlarni ilmiy asoslash uchun avtomobil transporti majmuasi bilan tabiiy atrof-muhit orasidagi modda va energiya almashinuv jarayonining matematik modellarini tuzish va tegishli shartlarni qanoatlantiruvchi yechimlarni topish zarur [5].

Matematik model bir qancha o'rganilishi kerak bo'lgan omillarni dastlabki ma'lumotlar bilan bog'langan holda ifodalangan tenglamalar yoki tengsizliklar sistemasini echishga xizmat qiladi. Bunda dastlabki ma'lumotlar sifatida regressiya koeffitsientlari, tajriba natijalari, ayrim parametrlarning o'zgarish chegarasi, masalaning boshlang'ich va chegaraviy shartlari asosiy rol o'ynaydi [6, 14, 15].

Avtotransport korxonalarining harakatlanuvchi tarkibi ekspluatatsiya xususiyatlari nazariyasiga bag'ishlangan bir qancha ilmiy manbalarda asosan ichki yonuv dvigatellarining ishlashi uchun sarf bo'ladigan yonilg'i miqdorini aniqlashning matematik modellari taklif etilgan.

V.N. Lukanin va boshqalar tomonidan, avtomobillarning harakatlanishi rejimi ma'lum bo'lsa, $v = v(t), t \in [t_1, t_2]$, yonilg'i sarfi bilan uning chiqindi mahsulotlari orasidagi funktsional bog'lanish quyidagicha ifodalanadi [7]:

$$\text{agar } v > 0 \text{ bo'lsa, } \int_{t_1}^{t_2} f[v(t)] + c_1[v(t)]_+ + c_2[v(t)]_- dt, \quad (1)$$

$$\text{agar } v = 0 \text{ (salt yurish), } \int_{t_1}^{t_2} g[n(t)] \cdot dt, \quad (2)$$

bu yerda:

C_1 va C_2 – yonilg'i va yonish mahsulotlari xususiyatlarini e'tiborga oluvchi koeffitsiyentlar.

N.Ya. Govoruchenko esa yonilg'i sarf tenglamasini alohida ko'rsatgan [8]:

$$Q_{\bar{e}_H} = [a + bv + c(a_1 + b_1 \cdot v^2 \pm c_1 \cdot v)]/d \quad (3)$$

bu yerda:

a, b, c, a_1, b_1, d – avtomobil va dvigatel parametrlarini hisobga oluvchi koeffitsiyentlar.

Ushbu manbada har bir avtomobil turidan ajralib chiqadigan zaharli moddalarning umumiy ifodasi ham berilgan:

$$Q_{\text{uzr}} = d_2(a_2 + b_2 + c_2)[f + bv + c(a_1 + b_1 \cdot v^2)] \cdot (a_3 + b_3) / d \quad (4)$$

bu yerda:

d_1, a_2, b_2, c_2 - chiqindi gazlar tarkibidagi zaxarli gazlar xususiyatlarini e'tiborga oluvchi koeffitsiyentlar;

a_3, b_3 - dvigatel xususiyatiga bog'liq koeffitsiyentlar.

Yuqorida keltirilgan matematik ifodalarning asosiy kamchiliklari shundaki, (3) va (4) modellarda biror bir hududda guruh bo'lib harakatlanayotgan yoki salt ishlab turgan turli xil modeldagi avtomobillarning soni, dvigatellarining turi, ma'lum vaqt davomida bosib o'tgan masofalari va ekspluatatsiya davomida avtomobillar ish qobiliyatlarini e'tiborga oluvchi koeffitsiyentlar ta'siri e'tiborga olinmagan.

Bizningcha S.S.Saydaminov va boshqalar tomonidan taklif etilgan biror bir hudud uchun avtomobil transporti vositalaridan ajralib chiqadigan zararli moddalarning τ vaqt davomida ajralib chiqqan umumiy kontsentratsiyasini aniqlash formulasi e'tiborga sazovor [9]:

$$\text{ya'ni: } M_j^\tau = \sum_i \sum_k B_{ijk} N_{ik} \cdot l_{i,k} m_{jik} \prod^n R_{j,i,k,n} \quad (5)$$

$$\text{bunda: } \prod^n R_{j,i,k,n} = K_1 \cdot K_2 \cdot K_3 \cdot K_4 \cdot K_5 \cdot K_6 \quad (6)$$

bu yerda:

$B_{i,j,k}$ - avtomobillar guruhi soni;

$N_{ik} - k$ - tipdagi dvigatellar bilan jihozlangan i - guruhdagi avtomobillar soni;

$l_{ik} - k$ - tipdagi dvigatellar bilan jihozlangan i - guruhdagi avtomobillarning o'rtacha bosib o'tgan masofasi, km;

$m_{jik} - k$ - tipdagi dvigatellar bilan jihozlangan i - guruh avtomobillardan ajralib chiqadigan zararli moddalarning miqdori, g/km;

$\prod^n R_{j,i,k,n}$ - ekspluatatsiya omillarining ta'sirini hisobga oluvchi koeffitsientlar yig'indisi;

K_1 - avtomobillar yoshining ta'sirini e'tiborga oluvchi koeffitsient;

K_2 - xarakat rejimini e'tiborga oluvchi koeffitsient;

K_3 - iqlimning o'rtacha yillik o'zgarishini hisobga oluvchi koeffitsient;

K_4 - atmosfera bosimining yillik o'zgarish darajasini hisobga oluvchi koeffitsient;

K_5 – havo namligining yillik o'rtacha ta'sirini etiborga oluvchi koeffitsient;
 K_6 – avtomobillar texnik xolatining ta'sirini hisobga oluvchi koeffitsient.

Avtomobil transporti vositalari ajratib chiqaradigan zaxarli moddalarni hisoblash metodikasining asosi sifatida transport muammolari instituti tomonidan ishlab chiqilgan model e'tiborga olingan. Ushbu modelda avtomobillarning alohida turlari (yengil, yuk va avtobuslar) va ularga o'rnatilgan dvigatellarning turi (benzin yoki dizel) hamda ularning guruhdagi soni hisobga olingan. Bunda ishlatilgan gazlar chiqindisining umumiy miqdori shartli ravishda hisoblanadi va oraliqdagi hatoliklarni tuzatish uchun bir qancha K_1, K_2, \dots, K_n ekspluatatsiya koeffitsientlarini tanlash hamda yonilg'ining bug'lanishi va karter gazlarining chiqib ketishini hisobga olish yoritilgan.

XULOSA

Avtomobil transporti majmuasi tashkil etuvchilari tomonidan tabiiy ekotizimlarga ko'rsatiladigan ekologik xavf-xatar yoki ekologik tanazzulning oldini olish maqsadida ilmiy asoslangan ekologik me'yorlash tizimi ishlab chiqish, avtomobil transporti majmuasining atrof-muhitga zararli ta'sir etishni me'yorlash, ekologik xavf tug'diruvchi chiqindilar manbalariga nisbatan talablarni joriy etish ularning ma'lum chegaraviy miqdorlaridan oshib ketmasligini ta'minlaydi.

Avtomobil transporti majmuasining atrof-muhitga zararli ta'sirini kamaytirish uchun avtomobil transporti majmuasi bilan atrof-muhit orasidagi modda va energiya almashinuv jarayonining matematik modellarini tuzish va tegishli shartlarni qanoatlantiruvchi echimlarni topish zarur.

REFERENCES

1. Абдуазизов Т. “Автомобил транспорти мажмуаси экологик жараёнларини тадқиқ этишнинг илмий асослари” Монография: 2011 йил, 120 б.
2. Исломов, Ш. Э., & Мамаева, Л. М. (2022). АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИДА АВТОМОБИЛЛАРНИ САҚЛАШ УСУЛИНИ ТАНЛАШ УСЛУБИЯТИ. *Academic research in educational sciences*, 3(5), 244-250.
3. Исломов, Ш. Э., & Одилов, Н. Э. Ў. (2022). АВТОМОБИЛ ТРАНСПОРТИ МАЖМУАСИ ИШТИРОКИДА АТРОФМУЎХИТ СИФАТИНИНГ ТЕХНОГЕН ЎЗГАРИШИ. *Academic research in educational sciences*, 3(5), 479-486.
4. Автомобилларнинг техник эксплуатацияси. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Қ.М.Сидикназаров, Э.А.Асатов,



М.З.Мусаждонов ва бошқ. ТАЙИ профессори Сидикназаров Қ.М. тахрири остида. – Т.: Voris-nashriyot, 2008. 560 б.

5. Eshquvvatovich, I. S., & Abdurakhimovich, P. U. (2021). The importance of the level of motorization in the development of vehicle maintenance. *Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences*, 1(1), 18-26.

6. Mansurovna, M. L., & Eshquvvatovich, I. S. (2021). Study of the influence of operating factors of a vehicle on accident by the method of expert evaluation. *Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences*, 1(1), 10-17.

7. Автотранспортные потоки и окружающая среда / Луканин В.Н., Буслаев А.П., Трофименко Ю.В., Яшина М.В.-М.: Яшина М.В.-М.:1998-408 с.

8. Говорущенко Н.Я. Экономия топлива и снижение токсичности на автомобильном транспорте.- М: Транспорт, 1980-133с.

9. Инженерно-технический мероприятия по охране окружающей среды; Учеб. Пособие для студ. Транспортных спец, / С.С. Сайдаминов, А. М. Багдасаров, А.С. Славинский, Б.К.Керимкулов; Под. Общ. Ред. С.С. Сайдаминова.- Т; Укитувчи, 1994-192с.

10. Суванкулов, Ш., Исламов, Ш., & Каршибаев, Ш. Берди? ров, Т.(2015). СПОСОБЫ РАСЧЕТА ВРЕДНЫХ ВЕЩЕСТВ ВОЗНИКАЮЩИХ НА ПОСТАХ ПОВСЕДНЕВНОГО ПРЕДОСТАВЛЕНИЯ УСЛУГ ТРАНСПОРТНЫМ СРЕДСТВАМ. In *Сборники конференций НИЦ Социосфера* (No. 8, pp. 23-27).

11. Islomov, S., & Nomozboyev, O. (2021). AVTOTRANSPORT KORXONALARINI INNOVATSION LIHOZLASHGA TA'SIR QILIVCHI EKSPLUATATSION OMILLAR. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 216-223.

12. Eshquvvatovich, I. S., & Sattorovich, Q. I. (2021). DETERMINATION OF THE MAIN FACTORS AFFECTING THE TECHNOLOGICAL EQUIPMENT OF MOTOR TRANSPORTATION ENTERPRISES. *Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences*, 1(1), 1-9.

13. Eshquvvatovich, I. S., & Abdukarimovich, U. B. (2022). INFLUENCE OF CAR ERGONOMICS ON TRAFFIC SAFETY. *Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences*, 1(5), 22-29.

14. Ление Мансуровна Мамаева (2022). ПРИМЕНЕНИЕ МЕТОДА ДЕЛЬФИ В ПРЕПОДАВАНИИ ПРЕДМЕТА «УПРАВЛЕНИЕ ТЕХНИЧЕСКИМИ СИСТЕМАМИ». *Academic research in educational sciences*, 3 (3), 154-161.

15. Eshquvvatovich, I. S., & Baxtiyorovich, A. I. (2021). AVTOTRANSPORT KORXONALARINI TEXNOLOGIK JIHOZLASHGA TA'SIR QILUVCHI ASOSIY FAKTORLARNI ANIQLASHDA EKSPERT BAHOLASH USULIDAN FOYDALANISH. *ME' MORCHILIK va QURILISH MUAMMOLARI*, 147.
16. Islomov, S. (2020). РЕСПУБЛИКАМИЗДА АВТОМОБИЛЬ СЕРВИСИНГ ИСТИҚБОЛИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
17. Islomov, S. (2020). КИЧИК QUVVATLI ATKLARDA TEXNIK XIZMAT KO'RSATISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH. *Архив Научных Публикаций JSPI*.



МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ БОЛАЛАР АДАБИЁТИНИНГ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Нуриддин Комилович Раҳматуллаев
Термиз давлат университети магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мустақиллик даври болалар адабиётининг тил хусусиятлари ва тадқиқи тавсифланган. Шунингдек, ёзувчиларининг сўз қўллашдаги маҳорати асарнинг бадийлигини таъминлашда асосий омил эканлиги ва асар тилининг раvon ва аниқ бўлиши болаларнинг коммуникатив қобилиятини, лингвокреатив салоҳиятини ошириши, лисоний ва нутқий вазиятда ўз-ўзини намоён қилиш масалалари қаламга олинган.

Калит сўзлар: мустақиллик даври, болалар адабиёти, тил хусусиятлари, сўз қўллаш, асар бадийлиги, коммуникатив қобилият, лингвокреатив, салоҳият, лисоний, нутқий вазият.

ABSTRACT

This article describes the linguistic features and research of children's literature of the independence period. It is also noted that the skill of the writers in the use of words is a key factor in ensuring the artistry of the work, and the fluency and clarity of the language of the work enhances children's communicative ability, linguocreative potential, speech adaptation in linguistic and verbal situations.

Keywords: independence period, children's literature, language features, word usage, work art, communicative ability, linguocreative, potential, linguistic, speech situation.

КИРИШ

Болалар адабиёти ёшларни тарбиялашга уларни ватанга ва оилага мухаббат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Бу яна ҳаракатчанлиги билан бошқа жанрлардан ажралиб туради. У воқеаларнинг тезкор, қизиқарли, фантазияга, юморга бой равишда ечилишини талаб қилади.

Болалар ёзувчиларининг сўз қўллашдаги маҳорати асарнинг бадийлигини таъминлашда асосий омил саналади ва асар тилининг раvon ва аниқ бўлишига хизмат қилади. Ёзувчи асарлари мисолида бундай жиҳатларни тадқиқ этиш қимматли илмий-назарий билимлар бериш билан бир қаторда, болаларнинг коммуникатив қобилиятини,

лингвокреатив салоҳиятини, болалар нутқининг фонетик, лексик, грамматик хусусиятларини услубий жиҳатдан асослаш, лисоний ва нутқий вазият даражасини белгилаш тилшуносликда алоҳида изланиш олиб бориш заруратини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбек тилшунослигида бадиий асар тили борасида Х.Дониёров, Р.Қўнғуров, Б.Йўлдошев, С.Мирзаев, Қ.Самадов, И.Қўчқортоев, Х.Абдурахмонов, Н.Маҳмудов, Б.Умурқулов, И.Мирзаев, М.Ёқуббекова, С.Каримов, М.Йўлдошев каби олимларнинг тадқиқотларини алоҳида эътироф этиш мумкин[1]. Тадқиқотларда ижодкорларнинг мавжуд тил имкониятларидан фойдаланиш маҳорати, ифодали усули ҳамда индивидуал услуби ҳақида фикр-мулоҳазалар кенг баён этилган. Бу борадаги илмий изланишлар такомиллашиб, янада кенгайиб борди.

Юқорида келтирилган тадқиқотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, ўзбек тилшунослигида болалар адабиёти тили ва услубияти махсус тадқиқот объекти бўлмаганлиги мазкур унинг долзарблигини белгилайди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Маълумки, фақат чинакам бадиий асарларгина болаларга кучли таъсир кўрсатиб, ана шу юксак талабларга жавоб бера олади. Шу сабабли бундай китоблар педагогик ва психологик нуқтаи назардан ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Болалар китоби бу вазифани бажаришда бадиий тилга суянади. Адабий асарнинг тили унинг ғоявий мазмунини аниқ ва ифодали очиб бериш воситасидир. Яхши, аниқ, равон, образли, бой тил билан ёзилган асар ёзувчининг мақсад ва фикрларини китобхонларга тез ва осон етказди.

Равон тил билан ёзилган бадиий асарлар ёш китобхоннинг нутқига ҳам катта таъсир кўрсатади, сўз бойлигини оширади. Болалар ёзувчиларининг энг яхши китоблари ёш авлодни ҳаётга турли муносабатда бўлишга ўргатади, она диёримизга, меҳнатга муҳаббат, замонамизга садоқат руҳида тарбиялайди, уларни юртимизнинг муносиб фарзандлари бўлишга чақиради. Китоб боланинг дунёқарашини шакллантиришга ёрдам беради, характерини тарбиялайди, илм-фанга муҳаббатини оширади. Китоб халқимизнинг ўтмиши, илғор маданиятимиз, фан ва техникамиз ютуқлари билан таништиради, фахр-ифтихор туйғуларини ўстиради.

Таъкидлаб ўтиш керакки, болалар учун ижод киладиган қалам сохиби ҳаётдаги муҳим, характерли воқеа ва ҳодисаларни бадий образлар орқали болалар нутқига хос тилда, уларнинг ёши, руҳияти ва савиясига мувофиқ равишда тасвирлаши лозим[2].

Худойберди Тўхтабоев «Қуёнлар салтанати» романи қаҳрамони Эгамберди нутқи орқали миллий ўйинлар билан бир қаторда, болалар томонидан ўйлаб топилган ўйинлар ҳам келтирилган: – Хонкелди қишлоғида ҳеч қандай тартибга бўйсунмайдиган, ҳеч қандай қонунга риоя қилмайдиган, муштлишиш, эшакминди, бов устига бов, ўн акки соат тўхтамай тўп тепиш, даштга, ҳўв анави тоғ ён бағридаги кенгликка чиқиб олиб велосипеднинг қосқони сингунча пойга уюштириш сингари ёввойи ўйинлар авжига чиққан. (9-б.). Кўриняптики, болалар ўйин фаолияти жараёнидаги мулоқот вазиятида ўз шахсий фазилатлари ва характер-хусусиятларини нутқларига мос равишда акс эттиряптилар. Шунингдек, ўйин жараёнида болаларнинг атроф-муҳитга нисбатан тасавурлари ортиб, воқеликка муносабат билдира олаётганликлари ҳам яққол намоёндр. Шунингдек, ишда асардаги кўпроқ ўғил болаларга хос кураш, кўз бойлағич, варрак учуриш, арқон тортиш каби миллий ўйинлар таҳлил қилинган.

Худойберди Тўхтабоев қаҳрамонлари – болаларни ижтимоий мулоқотдан қочишга уринадиган қаҳрамонлар сифатида эмас, балки муомалага тез кириша оладиган ХХI авлоди сифатида шакллантиришга эътибор қаратади.

«Қайлардасан, болалигим» асарининг қаҳрамони Рашид шу қадар сўзга чечанки, лексик-услубий воситалардан шундай маҳорат билан фойдаланадики, унинг нутқида фраземаларнинг мазмунини сақлаган ҳолда структурасини ўзгартириб қўллаш кўзга ташланади: – Ўзинг ҳам идиштовокларни эрталабгача ювиб қўймасанг, меҳрибон ойижонинг терингни шилиб баданингга туз сепади...(97-б.). Ушбу фразема «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати»да терисига сомон тикмоқ, яъни «жуда қаттиқ жазоламоқ» (36); «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да терисига (ёки терисини шилиб) сомон тикмоқ, яъни «ниҳоятда қаттиқ жазоламоқ»(37) маъноларида қўлланган. Бироқ қаҳрамон бола нутқида фраземанинг эмоционал кучи шу даражада оширилганки, терисини шилиб, сомон эмас, балки туз сепиш натижасида қаттиқ жазолаш мумкинлигини келтириб ўтади. Бу фраземани қўллаш орқали Худойберди Тўхтабоев боланинг хатти-ҳаракатлари, характер-хусусиятларини кўрсатиш билан бир қаторда, унинг нутқи орқали бола руҳиятини очишга ҳаракат қилган.

Худойберди Тўхтабоев болалар нутқида айрим окказионал фраземаларни ҳам маҳорат билан қўллайдики, улар воситасида унинг она тили имкониятларидан озиқланганлиги ҳамда тилнинг бойишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшганлигини исботлайди. Масалан, гап теккизмоқ фраземасини олиб кўрайлик. Бу фразема ўзбек тилининг фразеологик луғатларидан ўрин олган бўлса-да, бироқ адиб уни ҳодисага салбий муносабатини ифодаловчи лексик-услубий восита сифатида қўллайди:

– Қани машинага чиқинглар, лекин мактабимизга гап тегадиган иш қилманглар.\\ – Гап теккизмаймиз! («Қуёнлар салтанати», 7-б.). «Гап тегизмоқ» фраземаси матнда ҳам катталар, ҳам болалар нутқида кузатилган.

Худойберди Тўхтабоев асарларидаги болалар нутқида қўлланилган новербал воситалар оддий нутқда учрайдиган новербал воситалардан фарқ қилади. Уларда коммуникантларнинг жинси, ижтимоий мавқеи, айниқса, ёши жиҳатидан етакчилик қилади. Худойберди Тўхтабоев асарларида қўл ва бармоқ ҳаракатлари билан юзага келувчи новербал воситалар қўлланилган. «Телебола» ҳикоясининг қаҳрамонлари Омонбой ва Давронбойлар ҳам бир умрга чин дўст бўлиб қолиш учун аҳд қилишаётганларида жимжилоқ бармоқларини бирбирлариникидан ўтказиб ўртоқлик сулҳи тузишади. Бармоқларни бу тарзда ўтказиш ўзбек миллатига хос бўлган миллий менталитетни кўрсатиш билан бирга коммуникантларнинг бир-бирларига нисбатан бир умрлик ишонч, ҳурмат мазмунини англатади: – Қирқ йилга ўртоқ бўламиз деб, жимжилоқларини бирлаштириб олишган экан. (41-б.). Матндан англашиляптики, болалар нутқидаги алоқа-аралашув жараёнида бармоқлар ҳам маълумот ташувчи восита сифатида фаол қўлланилар экан.

Худойберди Тўхтабоевнинг эртақлар туркумидан олинган «Асраб олинган қиз» эртагининг бошланмасида ҳам морфологик параллелизмнинг гўзал намунасига гувоҳ бўламиз: – Бир бор экан, бир йўқ экан. Қадим замонда бир киши бўлган экан. Унинг атиги биттагина ўғли бор экан. У фарзанди учун ҳамма нарсани муҳайё қилар экан... (197-б.). Қуйидаги ўринда ижодкор эмоқ тўлиқсиз феълнинг ўтган замон шакли такрори келтириш орқали бола нутқида ўзига хос оҳангдорлик, мусиқийлик, майинлик ҳамда феълнинг мазкур шакли воситасида доимийлик белгиси акс этган барқарор бутунликни намоён этмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса, мустақиллик даври болалар адабиётининг услубий-тасвирий воситалар болалар нутқини индивидуаллаштириш, типиклаштириш, бола шахсини



гавдалантириш, психологиясини очиб бериш, вазиятнинг аниқ тасвирини бола тилидан образли ифодалашга хизмат қилган.

REFERENCES

1. Саидхонов М. Ўзбек тилида новербал воситалар ва уларнинг қўлланиши: Филол. фан. номз...дисс. автореф. – Тошкент, 2013. – Б. 28.
2. Болтаева Б. Ўзбек тили фразеологик бирликларининг трансформацияси (семантик-прагматик таҳлил): Филол. фан. фалсафа д-ри (PhD)... дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. – 48 б. ва бошқалар.
3. Сайидирахимова Н. Мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2004. – 126 б.;
4. Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихолингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2009. – 154 б.;
- 5.6. Қурбонова М.А. Ўзбек болалар нутқининг прагмалингвистик аспекти. – Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2018. – 160 б



БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ИНШО ВА БАЁН ЁЗИШГА ТАЙЁРЛАШ

Нодира Назаркуловна Эшманова
ТВЧДПИ ўқитувчиси

Дилнура Ашурова
Бошланғич таълим факультети 2-босқич талабаси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бошланғич синф ўқувчилари иншо ва баён ёзишга тайёрлаш мақсадида ўқиш ва она тили дарсларида ўқувчиларни қайта ҳикоялашга ўргатишб она тили дарсларида эса сўзларнинг тўғри талаффузи ва имлоси устида ишлаш орқали гап тузишга ўргатиш машқлари хусусида сўз юритилади.

Калит сўзлар: бадий матн, танлаб қайта ҳикоялаш, сўз маъноси, сўз бирикма ва гап, гапларнинг мантиқий боғланиши, иншо, баён, ижодий баён.

ABSTRACT

This article discusses reading and storytelling exercises in elementary school to prepare students for essay and essay writing, and in native language classes to teach students to compose sentences by working on the correct pronunciation and spelling of words.

Keywords: literary text, selective retelling, word meaning, phrase and sentence, logical connection of sentences, essay, narrative, creative narrative.

КИРИШ

Бошланғия синф она тили дастурининг мазмун ва моҳияти 4-синф битирувчиларининг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш, саводли оғзаки ва ёзма нутқ кўникмаларини шакллантириш, мулоқот маданиятини шакллантириш ташкил этади.

Буни амалга оширишда иншо ва баён ёзишга ўргатиш она тили ва ўқиш таълими олдида турган вазифалар саналади. Чунки бизнинг ёндашувимизга кўра, юқорида асослаб берилганидек, иншо ва баён 7-11 ёшли ўқувчиларнинг ҳиссиёт, ақлий қобилият, иустақил фикрлаш, матнни тушуниш, хотира, таҳлил, ёзма нутқ ва баҳолаш кўникмаларини шакллантиришда муҳим воситалардан

ҳисобланади. Бундай кўникмаларга эга бошланғич синф ўқувчиларининг қизиқиш ва қобилиятини аниқлаш, уларни ихтисослашган синфларда ўқитиш учун саралаш ҳамда фанлар бўйича йўналтириш ишлари осон кечади. Шу маънода йиллар давомида ўзбек педагогикаси тажрибасида Иншо ва Баён ёзишнинг *оптимал методлари* шакллантирилган бўлиб, бу ўринда уларнинг энг муҳимлари таҳлилига этиборингизни тортаман.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Оптимал сўзи лотинча бўлиб, “қулай”, “мақбул” маъноларни англатади, атама сифатида “мувофиқлаштирилган, энг қулай ва кутилган самара берувчи таълим-тарбия жараёнини” билдиради. Метод сўзи ҳам лотинча бўлиб, “билим йўли”, “усули” ва “услубли” маъноларини англатади, атама сифатида “таълим – тарбия жараёнида амалий ва назарий билимларни эгаллаш йўл-йўриқлари” маъносини билдиради. Шу жиҳатдан иншо ва баён ёзишнинг оптимал методлари деганда қулай ва мақбул услубларни назарда тутамиз.

Ўзбек педагогикаси тажрибасида Иншо ва Баён ёзишнинг қуйидаги бир неча оптимал методлари мавжуд:

1. *Равон ёзиш методи.* Бу методга кўра, бошланғич синф ўқувчилари муайян матн асосида Иншо ёки бирор мавзу бўйича баён ёзишга кўниктириши керак. Бунинг учун ўқувчилар қуйидагиларга ўргатилади:

- сўзлар маъносини тушуниш ва уларни тўғри ёзиш;
- сўзларни тўғри боғлаш ва қўшимчаларни тўғри қўйиш;
- фикрни матнни баён қилиш ва қисқа гаплар тузиш;
- имкон қадар образли ва қиёсий ёзишга кўниктириш;
- ҳарфларни тўғри ифодалаш (“ҳ” ва “х” ҳарфларни фарқлаш каби).

Бошланғич синф ўқувчилари ўқитувчи ёрдамида бу кўникмаларни ўзлаштириши тақозо этилади. Шу ҳолда ўқувчилар равон ва чиройли ёзиш методини кутилган даражада ўзлаштирамайди.

Ҳозирги кунда Интернет технологияларининг ривожланганлиги ва улардан 7-11 ёшли ўқувчиларнинг ҳам кенг фойдаланилётганлиги равон ёзиш методини ўзлаштиришда баъзан мураккаблигини юзага келтирмоқда. Чунки Интернет саҳифаларда кўп сўзлар нотўғри ёзилмоқда, шевада ёзиш ҳоллари учрайди ва имло қоидаларига қилинмайди. Ўқувчилар эса уларни ёзишни шундайлигича ўзлаштирамоқда.

2. *Фикрни мантиқда ифодалаш методи.* Мазкур методга биноан бошланғич синф ёзган иншо ва баён ёзма

ишларини ўз фикрларини мантиқли ифодалаш керак. Бунда ўқувчиларга қуйидагилар ўргатилади:

- матнни ёки баённи ҳис қилиши;
- фикрни қисқа сўзларда ифодалай олиши;
- ёзиш кўникмасини эгаллаши;
- мустақил фикрлашга ҳаракат қилиши;
- етарли даражада сўз бойлигига эга бўлиши;
- ёзишга қизиқиш билан ёндашиши;

Бу кўникмалар ўқитувчи ёрдамида дарсдан дарсга қараб ўзлаштириб борилади. Шундай ҳолатлар учрайдики, баъзи ўқувчилар кўп ўқийди ва етарли даражада сўз бойлигига эга бўлади, лекин фикрини ёзма равишта мантиқни ифодалашга қийналишади. Бундай ҳолларда ўқувчиларнинг имкон қадар ҳар бир ўқувчи билан индивидуал ишлаш тақозо этилади.

3. *Ҳикоялаш методи.* Бу методга асосан бошланғич синф ўқувчилари Иншо ва Баён ёзишда тавсия этилган планни ёки мавзунини ёзма ҳикоя қилиб бериши керак. Шу сабабли бу масалаларда ўқувчилар қуйидагиларга эга бўлиши тақоза этилади:

- матнни ёки мавзунини чуқур тасаввур қилиш;
- фикрни режали баён қила олиш;
- матн ёки мавзунинг асосий жиҳатларини ёритиш;
- деталлар ва тиниш белгиларини қўллаш олиш;
- қизиқарли ёзиш;

Мазкур кўникмалар ўқитувчи танловидан ўтказилади. Бошланғич синф ўқувчиларини иншо ва баён ёзиш воситасида ҳикоя қила олишга ўргатиш муҳим ютуқдир. Чунки унда ўқувчининг ўзлаштирган билими, кўникмаси ва малакаси намаён бўлади. Уларнинг ижодкорлик туйғуси айнан ёзма ҳикоя қила олиш воситасида ривожланиб боради.

4. *Ижодий ёзиш методи.* Мазкур методга кўра, бошланғич синф ўқувчилари иншо ва баённи ижодий ёзиши керак. Бунинг учун бошланғич синф ўқувчилари қуйидагиларга кўниктирилиши керак:

- матн ёки мавзуга мустақил ёндашиш;
- матн ёки мавзунини ижодий ёритиш;
- ёзма нутқни қизиқарли ифодалаш;
- ўзгани қизиқтириш;
- мустақил фикрлаш;

Бу кўникмалар ўқитувчи томонидан ўқувчиларга ўргатилади. Мазкур кўникмалар бошланғич синф ўқувчилар

томонидан ўзлаштирилиши шарт. Акс ҳолда, ўқувчиларда ижодий ижодий ёзиш методи ва ёзма нутқ кутилган даражада шаклланмайди.

Зеро, иншо ва баён ёзишнинг бу оптимал методлари 7-11 ёшли ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши тақоза этилади. Чунки мазкур методлар бошланғич таълимни Учинчи Ренессанс даврида мақсадли ривожлантириш, бошланғич синф ўқувчиларини билим олиш, фикрлаш, ижодкорлик, ҳис-ҳаяжон, ақлий қобилият ва ёзма нутқ каби кўникмаларни кутилган даражада шакллантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Мазкур оптимал методлар қуйидагича идрок этилади:



Бошланғич синфларда иншо ва баён ёзишнинг оптимал методлари.

Мазкур оптимал методлар асосида бошланғич синф ўқувчилари иншо ва баён ёзишга кўниктирилиши керак. Бунинг учун *жаҳон педагогикасида* ўзига хос тавсиялар тақдим этилади. Унга кўра, 7-11 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний имкониятлари ҳисобга олиши, ўзига хос таълимий муҳит яратилиши ва улар билан индивидуал шуғулланиш керак. Бу ёндашувлар таҳлилга эътиборингизни тортамин.

1. Жисмоний имкониятлар масаласи. Бошланғич синф ўқувчилари 7-11 ёшда аввало жисмоний ривожланиш билан ҳарактерланади. Шу сабабли рус педагог олими Н.К.Крупская XX асрнинг 20-йилларидаёқ деганки: “Педагог дастлаб биринчи шарт бўлган нарса чунки, инсоннинг физиологик ва анатомик тизимини ҳам ривожланишидир. Бунингсиз педагог боласи организмни тўғри ривожлантира олмайди”. Шу сабабли XX асрда педагоглар, психологлар ва тиббиётчилар бошланғич синф ўқувчиларнинг қуйидаги жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини ишлаб чиқишган ва тавсия этишган:

1-

жадвал

Ўғил болалар		
ёши	Бўйнинг узунлиги (см)	Тана оғирлиги (кг)
7 ёш	117,3-127,3	20,4 -28,8
8 ёш	121,5 – 131,1	22,2-30,4
9 ёш	126,2 -136,2	24,9 -33,4
10 ёш	130,9 -141,5	26,7 -37,6
11 ёш	133,9 -145,4	28,8 -38,7
Қиз болалар		
7 ёш	115,9 -126,9	20,3 -28,0
8 ёш	120,3 -131,7	21,3 -29,8
9 ёш	124,8 -136,5	24,2 -34,1
10 ёш	130,0 -142,9	26,0 -38,7
11 ёш	134,2 -146,1	29,1 – 39,2

Бу илмий методик тавсия ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, ундан Иншо ва баён ёздириш ичида фойдаланиш керак бўлади. Чунки Иншо ва Баён ёзиш аввало бошланғич синф ўқувчисига жисмоний топшириқ беради. Шу сабабли Иншо ва Баён учун матн танлаш, сўзлар кўламини ҳамда вақт ҳажмини белгилашда мазкур тавсияга асосланиш тақозо этилади. Чунки боланинг мияси айнан унинг жисмоний ривожланишига боғлиқ ҳолда ишлайди ва ахборотни қабул қилади.

2. Таълим муҳити масаласи. Ҳозирги замон бошланғич таълим муҳити илмий, педагогик, психологик ва физиологик кадриятлар асосида ташкил этилмоқда. Айни пайтда, Иншо ва Баён ёзиш ўқитиш воситасини қўллашда эркинлик, қулайлик ва қизиқарлик тамойилларга асосланган таълим муҳитини яратиш тақозо этилади. Унга кўра, бола Иншо ва Баён учун танланган матн ёки мавзунини эркин ўзлаштириш, яна ўзи истагандек қулай шароитда ёзиш ва ёзма ишга қизиқиш билан ёндашиши керак

Халқаро педагогик тажриба, 1-2-синфларда машғулотларни ўйин каби воситаларга асосан ташкил этишни, аста секин 3-4- синфларда ўйин кабиларни камайтириб боришни тавсия этади. Шу жиҳатдан 2-4- синфларда Иншо ва Баён ёздириш кичик синфлар кесимида ҳал қилиш тавсия этилади. Бунинг маъноси шуки, ҳар синф босқичида таълим муҳити бошланғич синф ўқувчиларнинг жисмоний, руҳий ва ақлий имкониятларига асос равишда ташкил этилиши керак. Мисол учун, халқаро педагогик тажрибада боланинг бўй узунлигига қараб стол ва стулга оид қуйидаги тавсиялар берилган.

2-

жадвал

Боланинг бўй узунлиги (см)	Столнинг баландлиги (см)	Стулнинг баланлиги (см)	Стулнинг чуқурлиги (см)
110-119	52	32	27
120-129	57	35	29
130-139	62	38	29
140-149	67	41	34

Бизнинг фикримизга, Иншо ва Баён ёзиш учун таълим муҳитни ташкил қилишда ушбу халқаро педагогик тавсияга амал қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Индивидуал шуғулланиш масаласи. “Индивидуал шуғулланиш”- бу ўқитувчининг ўқувчига яқка тартибда педагогик таъсирини амалга оширувчи ўқув машғулоти шакллари билан биридир. Иншо ва Баён ёзма ишни амалга оширишда имкон қадар ҳар бир ўқувчи билан индивидуал шуғулланиш муҳим масаладир. Чунки баъзи ўқувчилар тавсия этилган матн ёки мавзунини мазмунан тез тушуна олмайди, айримлари фикрини ўзи истаганидек ифода қила олмайди ёки кўпчилиги эркин ёзишга киришишга қийналади. Шу сабабли ўқитувчининг ҳар бир ўқувчини иншо ва баён ёзишга индивидуал тайёрлаш тақозо этилади. Бунинг учун у қуйидагиларга амал қилиши тавсия қилинади:

- ҳар бир ўқувчининг иншо ёки баён ёзишда қийналаётган муаммони аниқлаб олиш;
- ўқувчининг қизиқишини ўстириш;
- ўқувчининг характерини билиш;
- ўқувчининг индивидуал қобилиятини ривожлантириш.

Буларнинг барчаси ҳар бир ўқувчига индивидуал характерда бўлади. Шу сабабли ўқитувчи имкон қадар ҳар бир бошланғич синф ўқувчиси билан Иншо ва Баён ёзиш кўникмасини шакллантиришда индивидуал шуғуллантиришни тақозо этилади.

ХУЛОСА

Зеро, бошланғич синф ўқувчиларига Иншо ва Баён ёзишнинг оптимал методларини қўллаш замонавийлик, қулайлик ва самарадорлик талаблари илк режасида туради. Шу сабабли ўқувчиларнинг жисмоний имкониятлари таълимий муҳит ва индивидуал шуғулланиш масалалари бунда муҳим ўрин тутаяди. Бу ҳол ўқитувчи зиммасига кенг қўламли вазифани юклайди, албатта. Унга эришиш учун ўзбек ва халқаро педагогик тажрибаларга уйғун таяниш мақсадга мувофиқ бўлади.



Бунинг учун олий педагогик таълим муассасаларида бўлажак бошланғич синф ўқувчилари инновацион ёндашувлар, воситалар ва технологиялар билан қуроллантириш муҳим аҳамиятга эга.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан сўзлаган мурожаат нутқи. // <http://www.ZiyoNet.uz>. 2020 йил 1 октябрь
2. Педагогик атамалар луғати. Тузувчилар Р. Джураев, Р.Сафарова ва бошқалар.- Т: “Фан”.2008. 90-бет.
3. Она тили ўқитиш методикаси. Қосимова К ва бошқалар.-Т: “Nosir”.2009. Худайберганаева М. Баёнлар тўпламидан.-Т: “Ўқитувчи”. 1996
4. Бордовская Н.,Реан А. Педагогика. – СПб., 2001



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТИЗИМЛАШТИРИШ: НАЗАРИЙ–ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАР

Эркабой Бобур ўғли Усмоналиев

Тошкент давлат юридик университети, “Оммавий ҳуқуқ” факултети 2-курс
талабаси, erkaboyusmonaliyev@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада сайлов қонунчилиги ҳуқуқий маълумотлар асосида ёритилган. Ушбу қонунчиликда сайлов кодексининг ўрни ва аҳамияти, нима учун сайловга оид қонунлар айнан кодексиқатсия қилинганлиги ва сайлов қонунчилигидаги ўзгаришлар изчил таҳлил қилинди. Мақолада қонун ҳужжатлари, хорижий ва миллий олимларнинг тадқиқот натижалари ҳамда фикрлари шунингдек жаҳон тажрибаси ўрганилган ҳолда улардан мақсадли ҳаволалар берилди. Мавзу доирасида жадваллар билан маълумотлар келтирилди. Шунинг билан бирга мақола мавзуси ўрганилиши натижасида сайлов қонунчилигини янада ривожлантиришга ҳисса қўшувчи таклиф ва тавфсиялар берилган.

Калит сўзлар: сайлов, кодекс, кодификация, демократия, протсессуал жараён, сайлов ҳуқуқи, сайлов комиссияси, ташвиқот.

ABSTRACT

This article describes the electoral legislation on the basis of legal information. The role and importance of the electoral code in this legislation, why the electoral laws are exactly codified, and changes in the electoral legislation have been consistently analyzed. The article provides targeted links to legislation, research results and opinions of foreign and national scientists, as well as the study of world experience. Information with tables is given in the context of the topic. At the same time, as a result of the study of the topic of the article, suggestions and recommendations were made that will contribute to the further development of electoral legislation.

Keywords: election, code, codification, democracy, procedural process, suffrage, election commission, campaigning.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида демократик талабларга жавоб берадиган замонавий сайлов тизимининг шаклланиши



ва ривожланиши босқичма-босқич амалга ошди. Фуқароларнинг хоши-иродасини эркин ифода этиш ва ҳар бир фуқаронинг сайлаш ва халқаро ҳуқуқнинг умуметироф этилган тамойиллари ва нормаларига мувофиқ давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланиш ҳуқуқини кафолатлайдиган қонунчилик базаси шакллантирилди. Унинг бош асоси Конституциянинг 117-моддасида ўз аксини топди. Чунончи унда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгаллиги мустақамланиб қўйилди [1].

Сайлов нафақат ҳар бир давлатнинг миллий қонунчилигида балки халқаро миқёсдаги тан олинган жараён ва шахс ҳуқуқидир. Бутун жаҳон инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасида айнан ушбу ҳуқуқ қуйидагича эътироф этилади: “Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга” [2].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ҳуқуқшунос О.К. Турғунов фикрича – сайлов инсоният ўйлаб топган, ҳокимият ваколатини вужудга келтирувчи энг қадимий усуллардан ҳисобланиб, у демократиянинг ёркин ифодаси, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларида иштирокининг муҳим шакли, давлат бошлиғи, вакиллик органларини (қонунчилик органини) вужудга келтиришнинг асосий воситасидир [3].

В. Валдемар табири билан айтганда – сайлов шахсларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашига имкон берадиган асл ижтимоий идентификатор ва мавжуд гуруҳларнинг муайян манфаатларнинг намоён бўлишидаги жараёндир [4].

Сайлов қонунчилик жараёни давлат ва унинг фуқаролар билан бўлган бевосита ва билвосита муносабатидир. Шундай экан ушбу тизимга оид дастлабки норматив ҳужжатлар қонун ва қонун ости ҳужжатлар шаклида бўлган. Бугунги кунга келиб эса кодекс ҳолига келтирилди. Бизда табиийки савол туғилади.

Сайлов тизимига оид ҳужжатлар нега айнан кодекс ҳолига келтирилди?

Ушбу тизимдаги муносабатларни қонун ҳужжатлари билан тартибга солса бўлмасмиди?

Авалло ушбу муаммога ечим беришдан олдин кодекс ва унинг вазифаси ҳақида қисқача маълумотга эга бўлсак. Яъни Х.Т. Одилқориев кодексни шундай тарифлайди: “Кодекс – муайян ҳуқуқ (қонунчилик) соҳасидаги устувор нормаларни ифода

этувчи, мужассамлаштирувчи қонундир. У катта микдордаги турли хил нормаларни қамраб олса ҳам, ички мувофиқликка эга бўлган ягона бутун ҳужжатдир” [5].

Денис Талион кодекснинг учта асосий функциясини борлигини айтади: биринчиси – қонунни расмий соддалаштириш, иккинчиси – қонунни тизимлаштириш ва учинчиси – қонунни ислоҳ қилиш [6]. Қонунларни тизимлаштириш бу кодификациялаштириш жараёнида намоён бўлади.

Кодификация – қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, амалдаги ҳуқуқий меъёрларни ҳаракатсизликдан ажратиш, мантиқий яхлит ва ички изчил ҳуқуқий тизим яратиш ёли билан қонун ҳужжатларининг бирлигига олиб келиш жараёни – ягона тамойилларга асосланган тизимлаштирилган ҳужжат [7]. Ҳинд олими Сагарика Чандел кодификация орқали қонунлар тўплами тузилади, йиғилади ва изчил шаклда жойлаштирилади. Бу фойдалидир, чунки у нормаларни бир-бирига мос келмаслиги ва бир-бирига зид келишига ёл қўймайди дея кодификация жараёнини ижобий баҳолайди [8].

Профессор М. Ахмедшаева қонунчиликни тизимлаштиришда кодификация – қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кодекслар чиқариш йўли билан тизимга солишдир деб фикрини асослайди [9].

Битта муносабатни тартибга солувчи бир неча ҳужжатларда бир бирини инкор этиш ва бошқа тушунмовчиликлар юзага келиши мумкин. Бу ҳақида М. Сперанский ҳам қайд этиб, қонунчиликни тизимлаштиришни ижобий баҳолаган. Яъни қонунлар сони кўпайганда қийинчилик пайдо бўлади: кўп бўғин, бўлинишлар, ноаниқлик, нотэнгликлар, қийинчилик ва еҳтимол ундан ҳам муҳимроқ оқибатлар юзага келиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, янги тизимлаштирилган қонун яратишни тақозо этади [10].

Жадвал №1

№	Кодификациянинг афзалликлари [11]
1	Узоқ ва тушунарсиз таърифдан қочишга ёрдам беради.
2	Тўғри ва мантиқий идентификатсияга эга бўлади.
3	Такрорланишни олдини олади.
4	Обектларни стандартлаштиради.
5	Турларни камайтиради.
6	Ёзув ҳисобининг самарадорлигини оширади.
7	Механик ёзишни соддалаштиради ва осонлаштиради.
8	Норма мазмунини соддалаштириш ва енгиллаштиришга замин яратади.

9	Тўғри жойлашиш тизимига эга бўлади.
10	Ноаниқликларни олдини олади.
11	Коллизион нормаларни олдини олади.

№	Кодификациянинг Камчиликлари [12]
1	Кодификация қонун тизимига қаттиқлик олиб келади. Бу қонуннинг эркин ва табиий ўсишига тўсқинлик қилади.
2	Кодификация эски ҳуқуқлар ўрнига янги ҳуқуқ ва мажбуриятларни яратиш орқали одамларнинг мавжуд ҳуқуқ ва мажбуриятларини бузиши мумкин, бу қонуний тартибни бузади.
3	Кодекслар етарли эмас, чунки улар барча истиқболли ишларни кўриб чиқишга қодир эмас.
4	Бу қонунни ўта қатъий қилади.
5	Бу жинойтчиларга ўз нуқсонлари туфайли қонундан чиқиш ёлини топишга имкон беради.

Кодификацияланган ҳужжат ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасида амал қилувчи ҳужжатлар орасида асосийси ҳисобланади [13]. Шунингдек ҳуқуқшунос Шахзод Сайдуллаев кодексларни оддий қонундан ўзининг мукамаллиги, сайқал топганлиги, барқарорлиги билан фарқ қилишини айтиб ўтади [14].

“Study lecture notes” ахборот каналида қонунчиликда кодификациянинг афзалликлари ҳақида ушбу маълумотларни кўришимиз мумкин [15]:

- Кодификация ҳуқуқий тизимда қонуннинг ишончилигини оширади;
- Қонун шакли аниқ ва шунинг учун ўрганиш осонроқ;
- Кодексдаги қонунлар давр талабларига жавоб беради.

Демак, кўриб ўтилган олимлар ва расмий-илмий сайтларнинг маълумотлари кодификация қонунчиликда ижобий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Юқоридаги таҳлил кодекслаштиришнинг ижобий хусусиятлари кўпроқ ва муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Бу фикрлар ҳозирги кунда амалиётда қанчалик ҳақиқатлигини қуйидаги маълумотларимиз орқали аниқлик киритиб оламиз.

Кодекслаштириш дунёнинг бошқа демократик давлатларида кенг ривожланаётган жараён. Мисол учун, биргина Франция қонунчилигида 75 % қонунлар аллақачон кодекслашган. Бу жадал кодификация жараён юридик билимларни аниқлаш ва тартибга солишга имкон беради [16]. Россия Федератсиясида ҳам 20 дан ортиқ [17], АҚШда эса 54 та кодекс (амалда 53 та) [18] ва бошқа дунёнинг ривожланган давлатлари қонунчилигида кодекслар мавжуд.

Айнан сайлов тизими ҳақида гапирганимизда сайлов қонунчилигидаги кодексларнинг аҳамиятини кўриб ўтиш зарур. Сайлов кодекси бугунги кунда 40 дан ортиқ мамлакатда мавжуд бўлиб, ушбу кодексга эга бўлган давлатларни сайлов қонунчилиги ижобий ҳарактерга эга дейишимиз мумкин. Жумладан Озарбайжон [19], Болгария [20], Франция [21] ва АҚШ [22] ва бошқа давлатлар ўз сайлов тизимини кодекслар орқали тартибга солади.

Янги сайлов кодекси тизимлаштиришга ёрдам беради ҳамда миллий сайлов қонунчилиги нормаларини тартибга солиш, сайлов қонунчилигининг равшанлиги ва очиқлигини оширади, кенг ваколатларга эга мустақил сайлов комиссияларини тузиш учун барқарор ҳуқуқий асос яратади ва замонавий техник жиҳозлар, шунингдек, фуқароларнинг хоҳиш – иродасини эркин ифода этишини таъминлаб, сайлов ҳуқуқлари кафолатларини кенгайтиради [23].

Тизимлаштириш жараёнини юртимиз мисолида кўрадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда 18 та кодекс мавжуд [24]. Буларнинг ичида давлат ва жамият учун энг муҳим муносабатларни тартибга солувчи сайлов кодекси, ишлаб чиқилган янги кодекслардан биридир. Президентимиз Ш.М. Мирзиёев 2017 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномасида халқаро нормаларга жавоб берадиган ягона Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлигини таъкидлади. Кейинчалик бу тегишли давлат дастурига киритилди [23].

Президент, парламент сайловлари ва маҳаллий вакиллик органларига сайловларни ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солувчи қонунларни битта ҳужжатга бирлаштирган сайлов кодексининг 2019 йил 26 июнда кучга кириши мамлакат ижтимоий ҳаётида муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Зеро Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимининг контсептуал асоси – бу сайлов эркинлигидир.

2019 йилда биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари сайловлари янги Сайлов кодексига мувофиқ ўтказилади [25].

Сайлов кодекси – 2 қисм, яъни умумий қисм (6 боб) ва махсус қисм (12 боб), шунингдек жами 18 боб ва 101 та моддадан иборат бўлди [28].

№	Сайлов кодексини яратиш сабаблари ва долзарблиги
1	<p>Президентимиз таъкидлаганидек [27], сайлов тизими борасида қабул қилинган қонунлар ва бир қатор қонуности ҳужжатлари ҳалигача яхлит бир ҳужжат шаклига келтирилмаган.</p> <p>Ушбу фикрнинг тасдиғи учун сайловларга доир амалдаги 5 та Қонунни санаб ўтамыз:</p> <ul style="list-style-type: none"> ❖ 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонун; ❖ 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонун; ❖ 1994 йил 5 майда қабул қилинган “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонун; ❖ 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонун; ❖ 1994 йил 5 майда қабул қилинган “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун.
2	<p>Сайловларга доир ана шу бешта Қонуннинг барчасида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари билан боғлиқ деярли бир хил нормалар такрорланган. Сайловга доир қонунларнинг кўплиги ҳам фуқаролар томонидан уларни қўллашда муайян қийинчиликларни юзага келтираётган эди.</p>
3	<p>Шу вақтга қадар юртимизда сайлов жараёнларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиб-қоидалари қонун даражасида эмас, балки Марказий сайлов комиссиясининг низом ва ёриқномалари билан тартибга солинарди. Масалан, “Сенат аъзоларини сайлаш тўғрисидаги Низом”ни олайлик. Бундай воқелик, ўз-ўзидан, Президентимиз олдимизга қўйган, яъни қонунлар тўғридан-тўғри ижро этиладиган бўлиши керак, деган муҳим талабга зиддир.</p>
4	<p>Ҳозирги кунда дунёнинг 40 дан ортиқ давлатида сайлов кодекслари қабул қилинган. Ўзбекистонда ҳам халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган ягона сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурати туғилди.</p>
5	<p>Сайлов кодекси лойиҳасида бугунги кунга қадар тарқоқ ҳолда амал қилган сайлов тўғрисидаги қонунлар ва қонуности ҳужжатларини халқаро норма ва стандартлар ҳамда илғор хорижий тажриба талабларидан келиб чиқиб кодификация қилиш, сайлов жараёнига нисбатан ягона шаффоф ва самарали ёндашувлар назарда тутилган.</p>

6	Ўз навбатида, мазкур кодекс лойиҳасида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилаётган бешта яхлит қонун ва уларга киритилган ўзгартиришлар тўғрисидаги 17 та қонун ўз кучини ёқотишини англатади.
----------	---

Ушбу кодексга 26 та янги қоидалар киритилди. Улардан энг асосий қоидаларни келтириб ўтамиз:

Жадвал №3 [28]

№	Сайлов кодексининг аввалги сайлов қонунчилигидан фарқ қиладиган ўзгаришлари
1	Муҳим янгиликлардан бири, бу Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари учун Ўзбекистон экологик ҳаракати вакилларига квота ажратиш институти чиқариб ташланди. Бунда Қонунчилик палатасида амалдаги депутатлик ўринлари (150 ўрин) сақлаб қолинди.
2	Яна бир янгилик, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларига номзод кўрсатиш тартиби бекор қилинди.
3	Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхати шакллантирилди ҳамда ушбу рўйхат мазкур кодекс билан тартибга солинади.
4	Муддатидан илгари овоз бериш ва сайлов куни овоз бериш учун ягона сайлов бюллетени жорий этилди ва бу орқали “сайлов варақаси” тушунчаси чиқариб ташланди.
5	Сайловларни ўтказиш ёки ташкил этишнинг бошқа масалалари юзасидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби киритилди.
6	Сиёсий партиялар томонидан имзо йиғиш жараёнида сайловчиларнинг бир ёки бир нечта номзодларни ёки партияларни қўллаб-қувватлаб имзо қўйиши мумкинлиги белгиланиб қўйилди.
7	Овоз бериш жараёнида сайловчиларга бир нечта белгилардан (+, v, x) бирини қўйиш имконияти берилди.

Бундан ташқари, протессуал, яъни бевосита сайлов жараёнлари билан боғлиқ бир қатор янги қоидалар жорий этилди. Жумладан:

Жадвал №4 [28]

№	Сайловга оид протессуал янгиликлар
1	Сайлов участкасида овозларни санаш баённомасининг нусхасини дарҳол жойлаштириш тартиби белгиланди.
2	Овоз бериш тугаганидан кейин участка сайлов комиссияси томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар (овозларни санаб чиқиш, баённома тузиш ва бошқалар) кўрсатилди.

3	Қонунчилик палатасига, маҳаллий кенгашларга сайлов бир вақтда ўтказилган тақдирда, ягона сайлов участкаларини тузиш назарда тутилди.
4	Илгари Марказий сайлов комиссияси қарори билан тасдиқланган Олий Мажлис Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низомни бекор қилиб, Сенат аъзоларини кодекс даражасида сайлаш масаласи киритилди.
5	Сайлов комиссияси аъзолари учун янги талаблар ўрнатилмоқда. Бунда номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари, шунингдек, номзодларга бевосита бўйсунувчи шахслар сайлов комиссиясининг аъзолари бўлиши мумкин эмаслиги белгиланди.
6	Номзодлар ишончли вакилларининг Ўзбекистон Республикасидаги сафар харажатлари сайловни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан тўланиши тартиби белгиланди.
7	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари томонидан участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш тартиби белгиланди.

Сайлов кодекси лойиҳасида сайлов соҳасига ихтисослаштирилган халқаро ташкилотлар томонидан тавсия етилган таклифлар эътиборсиз қолдирилмади. Жумладан, *ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси* ҳамда *Венетсия комиссиясининг* тавсиялари ҳам Ўзбекистон Республикаси сайлов кодексига киритилди:

Жадвал №5 [29]

№	Халқаро ташкилотлар томонидан тавсия этилган таклифлар
1	Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларнинг (2,3 минг киши) сайловда иштирок этишини чекловчи нормалар чиқариб ташланди. (Сайлов кодекси, 5-модда)
2	Сайлов округларини тузишда сайлов округларидаги сайловчилар сонининг ёл қўйиладиган максимал четга чиқиши 10 фоиздан ошмаслиги шarti белгиланди. (Сайлов кодекси, 9-модда)
3	Қонунчилик палатасига сайловлар бўйича сайлов округларини тузишда Марказий сайлов комиссияси вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг эмас, балки халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашларининг тақдимномаларига асосланиши кўзда тутилди. (Сайлов кодекси, 9-модда)
4	Сайловчилар рўйхатига ўзгартишлар киритиш сайловга 3 кун қолганида тўхтатилиши белгиланди. (Сайлов кодекси, 29-модда)
5	Муддатидан олдин овоз бериш сайловга 3 кун қолганида тугаши белгиланди (олдинги 1 кун ўрнига). (Сайлов кодекси, 57-модда)

6	Сиёсий партиянинг у ёки бу шахсни номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан 15 кун қолганида бекор қилиш ҳуқуқига эга эканлиги ўрнатилди. (Сайлов кодекси, 33-модда)
7	Ташвиқот ишларини бошлашда барча номзодлар учун ягона муддат, яъни уларни рўйхатга олиш учун белгиланган охири куннинг эртасидан эътиборан бошланиши кўрсатилди. (Сайлов кодекси, 44-модда)
8	Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари сонини 3 дан 5 кишигача кўпайтириш назарда тутилди.
9	Сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан 1 кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш тақиқланди. (Сайлов кодекси, 44-модда)

Шунинг билан бирга, сайлов кодекси Марказий сайлов комиссиясига доир қуйидаги янгиликларни ўз ичига олади:

❖ Марказий сайлов комиссияси аъзоларига талаблар қўйилмоқда (йигирма беш ёшга тўлган, қоида тариқасида, олий маълумотга, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган ҳамда камида охири беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган фуқаро Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин).

❖ Марказий сайлов комиссияси (МСК) аъзолари мақом бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларига тэнглаштирилди.

Шунингдек сайлов қонунчилигини янада демократлаштириш ва халқаро сайлов талабларига жавоб бериш мақсадида сайлов кодексига қуйидаги ўзгартиришларни киритишни **таклиф** қиламан:

➤ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланиш ёшини 25 ёшдан 21 ёшга тушуриш.

Чунки дунё мамлакатларининг 86 фоизиди, ривожланган давлатларнинг барчасида парламентга ёки унинг қуйи палатасига сайланиш ёши 18 (сайлаш ёши билан бир хил) ёки 21 ёш, бутун дунёда эса ўртача 21,5 ёшни ташкил қилади. Гарчи аҳолисининг аксарият қисми ёши катталар бўлса ҳам, Норвегия, Дания, Шветсия, Чили парламентларида ёшлар дунё миқёсида энг ёш кўрсаткичга эга [30].

Топонимика, гарчи тилшуносликнинг ономастика бўлими тармоғи бўлса-да, у география, тарих ва этнография каби фанлар билан чамбарчас боғлиқдир. Тарихчилар айрим жой номларининг пайдо бўлиш тарихига эътиборни қаратган ҳолда жой номини тарихий нуқтаи назардан тадқиқ этсалар, географлар мавжуд топонимларнинг ориентирловчи характерига кўра жойлашувига эътиборни қаратадилар, тилшунослар эса барча топонимларни ономастик бирлик сифатида ўрганадилар: атоқли от сифатида тил тизимидаги ўрнини, лексеманинг келиб чиқишини, унинг бошқа бирликлар билан ёнги бошқа жой номлари билан муносабати ва фарқини тадқиқ этадилар, антропоцентриқ нуқтаи назардан топонимларнинг экстралингвистик хусусиятларини, тил ва маданият муштараклиги қонуниятлари асосидаги лингвомаданий жиҳатларини ўрганиб чиқадиладар.

МЕТОДОЛОГИЯ

Мақолада, асосан, илмий таҳлилнинг тарихийлик тамойилидан фойдаланилди. Сабаби, ҳар қандай фанда илмий таҳлилнинг асосий тамойилларидан бири тарихийликдир. Ономастик материал, хоссатан, ушбу тадқиқот мавзуси бўлган жой номлари таҳлилида тарихийлик тамойили жуда муҳим аҳамият касб этади. Чунки жой номларида халқнинг ўтмиш тарихи, этнографияси, археологияси илдизларини сезиш қийин эмас. Шу сабабли ҳам жой номларини тарихий-этнографик нуқтаи назардан ўрганишга биринчи навбатда тарихчилар қизиқиш билдиришади. Ономастик бирликларга тарихий нуқтаи назардан ёндашув тарихий, археологик ва этнографик маълумотларни, фактларни ономастика доирасига кенг татбиқ этишга олиб келади. Шу билан бирга ономастик лексика тарихий аспект (қиёсий-тарихий ва тарихий-қиёсий йўналишлар) да кенг ўрганилади.

Ономастикага, хусусан, топонимларга лингво-тарихий методни қўллашда А.М.Селишев, А.И.Попов, В.А.Никонов, Б.А.Серебренников, В.Н.Топоров, О.Н.Трубачев, Ю.А.Карпенко каби рус олимларининг, В.Георгиев, В.Ташицкий, С.Роспанд, Ф.Безглай сингари чет эллик олимларнинг хизмати катта бўлди.

Биламизки, жой номларини тарихий нуқтаи назардан ўрганилганда қуйидаги икки йўналишга амал қилинади: а) жой номларининг тарихий ҳолатидан ҳозирги кўринишигача бўлган ўзгаришларни аниқлаш усули (перспектив таҳлил усули); б) жой номларининг ҳозирги ҳолатидан унинг тарихий ҳолатигача бўлган тарихий ривожланиш жараёнини аниқлаш (ретроспектив таҳлил

усули). Ҳар икки таҳлил йўналишидан ҳам асосий мақсад жой номларининг ривожланиш, ўзгариш жараёнларини аниқлашдан иборатдир.

Ономаст-топонимистлар тўпланган материални тарихий метод билан ўрганганда лисоний (этник) стратиграфия (лотинча: stratum – “қатлам” ва юнонча: grapho – “ёзаман” сўзларидан)ни аниқлашга интиладилар. Бундай таҳлиллардан мақсад ономастик бирликларнинг энг қадимги ўз ва ўзлашган қатламларини аниқлаш, унинг таркибидаги ўзгаришлар силсиласини аниқлашдир. Жумладан, этнопонимларнинг тарихий келиб чиқиш этимологияси, унинг маъносини изоҳлаш, шунга доир турли хил қарашларни келтириб, уларга муносабат билдириш ана шундай изланишлар самараси саналади. Кейинги йилларда олимлар жой номларидаги ички (лисоний-структур) ва ташқи (экстралингвистик) ўзгаришлар тарихини ўрганишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Биринчи тип ўзгаришда жой номларининг лисоний таҳлили, эволюцияси аниқланади, иккинчисида эса у ёки бу жой номларида давр руҳининг акси инобатга олинади.

Бундан ташқари, мақола умум қабул қилинган бошқа методлар – ареал, қиёсий-чоғиштира, мантиқий таҳлил, кетма-кетлик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, шу ўринда, мустақиллик туфайли халқимизнинг ўзликни англашга, ўлкамиз жой тарихига, маданияти, тили, аждодларимизнинг бой маънавий меросига дахлдорлик масалаларига қизиқиш ҳақли равишда жонланганини таъкидлашимиз жоиз.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўрта Осиё ва ундаги жой номлари ҳақида илмий манбаларга мурожаат қилганда, бу соҳадаги тадқиқотлар энг қадимги манбаларга бориб тақалишини кўриш мумкин. Мисол учун, милoddан олдин яшаб ўтган (V-IV асрларда), “Тарих отаси” дея ном олган юнон олими Геродот асарларида Аракс (Амударё), Яксарт (Сирдарё), Мароқанд (Самарқанд) каби жой номларини учратиш мумкин. Шу биргина манбанинг ўзиёқ муайян жой атамаси (лингвистика), жойлашиш ҳудуди (география) ва ўша жой тарихи (тарих) билан алоқадор эканидан далолат беради. Тошкент ареали топонимик манзараси ҳақида гапирганда, табиийки, воҳанинг географик жойлашуви, ҳудуд тарихи ҳамда ҳудуднинг ўзига хос этнолингвистик хусусиятлари ҳақида маълумотга эга бўлмаган тадқиқотчининг мазкур ҳудуд жой номлари хусусидаги маълумотлари илмийлик тамойилига тўла жавоб бера олмайди.

Тошкент ареали ҳудудини текислик, тоғолди ва тоғ зоналарига ажратиш мумкин. Воҳанинг бундай ўзига хос

географик ўрни, мазкур ҳудуд табиий шароитларининг қулайлиги, воҳанинг табиий қазилма бойликларга бойлиги қадимдан ушбу маконда инсонларнинг истиқомат қилиш, деҳқончилик, чорвачилик ва баҳоли-қудрат кончилик ишлари билан машғул бўлиб, уни секин-асталик билан ривожлантириш имконини берган ҳамда бу асослар улар томонидан жой номларини ифодалашларида ҳам ўз аксини топган.

Тарихий манбаларда Чоч, Шош, Илоқ дея номланган Тошкент воҳаси сув ресурсларига бой, иқлими мўътадил, тупроғи ҳосилдор бўлиб, мазкур заминда инсонларнинг яшаб меҳнат қилиши учун жуда қулай табиий шарт-шароитларга эга бўлган. У инсоният тарихининг ибтидосидаёқ энг қадимги одамзот аждодларининг маконларидан бири бўлган. Бу ҳолат унинг топонимик тизимида ҳам акс этган бўлиб, Тошкент вилояти топонимлари ўзига хослиги ва Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари топонимларидан кўп жиҳатлари билан фарқ қилиши билан ажралиб туради. Жумладан, воҳанинг топонимик манзарасига эътибор қаратадиган бўлсак, топонимик тизимнинг барча тур доирасида ўзига хос калейдоскопик кўриниш ҳосил қилганлигини кўришимиз мумкин бўлади.

Ҳудудий жиҳатдан Тошкент воҳаси жой номларининг таҳлили шундан далолат берадики, мазкур ареалнинг географик атамаларида ҳудуднинг физик жуғрофияси, ландшафти, жойлашиш ўрни, ҳажми, шакли ва миқдор хусусиятлари, ҳайвонот ва ўсимликлар олами билан боғлиқ жиҳатлар билан бир қаторда, бу заминда истиқомат қилган инсонларнинг этногенези, касб-ҳунари, диний эътиқод билан боғлиқ тушунчалари, жой номлари билан боғлиқ фольклор унсурлари, ижтимоий, сиёсий ва замонавий муносабатларни ифодаладиган, шунингдек, бошқа лингвомаданий жиҳатларни кузатиш мумкин.

Тошкент воҳаси топонимик тизимида этноойконимлар етакчи ўринни эгаллайди. Чунки ўтмишда воҳа аҳолисининг этник таркиби хилма-хил бўлган. Бу ҳудудда асрлар давомида турли уруғ, қабила, қавм, халқларга мансуб кишилар истиқомат қилганлар. Уларнинг кўпчилиги вақт ўтиши билан ўтроқлашиб этник номларини унутиб юборганлар. Лекин этник гуруҳларнинг номи улар яшаган жойларда топоним сифатида сақланиб қолган.

Мазкур ареалда этник номлар билан боғлиқ жой номларига қуйидаги мисолларни келтириш мумкин:

Аппақ – қ. Ўрта Чирчиқ тумани. Қозоқларнинг алимули қабиласининг бир уруғи *анпақ* (оппоқ) деб аталади.

Арғинчи – (қ. Юқори Чирчиқ тумани), ўзбек, қозоқ ва бошқа туркий халқлар таркибига кирган қабила. *Арғинчи* – “арғин қабиласи вакили”, “арғинлик”.

Ағанай – қ., Қибрай тумани. Қирғизларнинг саруу қабиласининг бир уруғи *ағанай* деб аталган.

Бурғалик – қ. Ўрта Чирчиқ тумани. Кўчманчи ўзбеклар таркибида *бурга* деган уруғ бўлган. Сарой қабиласининг бир уруғи *бурғали сарой* деб аталган.

Бўка – ш., Бўка тумани. Қадимги турк тилида, ҳозирги баъзи бир туркий халқлар (қозоқлар, қирғизлар) тилида *бўка* “пахлавон” деган маънони англатади. *Бўка* деган уруғ ҳам бўлган, масалан, қанглиларнинг бўка-қангли уруғи қайд қилинган.

Дурет – қ., Қуйи Чирчиқ тумани. Қозоқларнинг қўнғирот қабиласи таркибида *дурет* уруғи бор.

Керовчи – қ., Пискент тумани. *Керовчи* (кереучи) курама ўзбеклар таркибидаги уруғлардан бири. Уруғ вакиллари асосан Тошкент воҳасида яшаган.

Кучак – қ., Қуйи Чирчиқ тумани, ўзбекларнинг сарой қабиласи таркибида *кучак* (кучактўпа) уруғи бўлган.

Кўкмўйин – қ., Ўрта Чирчиқ тумани. Қипчоқ ўзбекларининг бир уруғи, қирғизларнинг бағиш қабиласининг бир уруғи *кўкмўйун* деб аталган.

Кўксарой – қ., Тошкент тумани. Сарой қабиласининг бир тармоғи – *кўксарой*.

Мамут – қ., Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон туманлари. Қозоқларнинг шаншқли қабиласининг бир уруғи *мамут* (мамут) деб аталган.

Муратали – қ., Пискент тумани. Қирғизларнинг буғу, саруу қабилалари таркибида *муратали* уруғи бўлган.

Мўғол – қ., Пискент тумани, ўзбеклар (*юз* қабиласи) ва қирғизлар (*ават* қабиласи) таркибида *мўғол* уруғи қайд қилинган.

Найман – қ., Бекобод, Зангиота, Қуйи Чирчиқ туманлари. *Найман* – ўзбеклар таркибига кирган қабила. Мўғулча *найма* “саккиз” (уруғ) деган сўз. Қабила таркибидаги уруғлардан бири *сағизурув* (“саккиз уруғ”) деб аталади.

Оққовоқ – қ., Қибрай тумани. Қозоқларнинг *суван*, қирғизларнинг *чекирсаяқ* қабилаларининг бир уруғи *оққовоқ* (аққабак) деб аталган. *Қовоқ* (қобок) деган географик атама “тик қирғоқ” маъносини англатади.

Парчаюз – қ., Бекобод тумани. *Парчаюз* – юз қабиласи таркибидаги уруғ, “юз қабиласининг бир парчаси, бўлаги” демакдир. Бошқа қабила, уруғлар таркибида ҳам *парча* этноними учрайди.

Рамадон – қ., Тошкент, Чиноз, Бўка, Зангиота туманлари. *Рамадон* – кўчманчи ўзбеклар таркибидаги уруғлардан бири, қозоқларда ҳам рамадан уруғи бўлган.

Сазбақа (Сасбақа) – қ., Қибрай, Юқори Чирчиқ. *Сазбақа* деган қозоқ уруғи бўлган (соз – ботқоқлик). Сазбақа (“ботқоқлик бақаси”) уруғнинг тотеми (муқаддас жонивори). Қирғизлар таркибида *сасбақ* уруғи бўлган.

Саритамғали – қ., Оҳангарон тумани [1. 122-126]. Шу ўринда этнотопонимларда кўп учрайдиган баъзи ранглар хусусида: маълумки, турли ранглар ва улар ҳақидаги тотемик, мифологик, диний, бадий, фалсафий тушунчалар ўтмишда туркий халқлар ҳаётида муҳим ўрин тутган. Бу ҳақда К.Шониёзов шундай ёзади: «Қадимги даврларда Олтой ва Жанубий Сибирда яшаган туркий қабилалар шимол, жануб, шарқ, ғарбни ранглар номи билан атаганлар. Қора ранг шимолни, қизил ранг жанубни, кўк ранг шарқни, оқ ранг ғарбни, сариқ ранг марказни билдирган. Маълум бир қабила иттифоқида бўлган кишиларнинг томонларга қараб жойлашиши одат тусига кириб, вақт ўтиши билан томонларнинг номлари (ранг номлари) этноним бўлиб қолган» [2. 145-146]. Демак, юқоридаги этнонимлар таркибида ранг билдирувчи сўзлар ўтмишда уруғнинг жойлашиш ўрни ёки дунё томонларини аниқлаш мақсадида қўлланилган. Айни пайтда, мазкур компонентларни фақат ранг-тусни билдирувчи сўзлар дея олмаймиз, чунки уларнинг айримлари хусусият билдирувчи сўзлардир [3. 83]. Масалан, сариқ сўзи – оқсуяк, аслзода, бойлик, мол-мулк, дабдаба маъноларини ҳам ифодалаган ҳолда тамғали уруғига тегишли асилзодалиқни ёки бой бадавлатликни ҳам билдирган бўлиши мумкин. Қора сўзи эса улкан, катта деган маъноларни билдириб, бу асосида юзага келган қорабоғиш, қоратейит, қорабўйин этнонимлари бағиш, тейит, бўйин уруғларининг улкан, катта бўлаклари деганидир [4. 19-23]. 3.Дўсимовнинг таъкидлашича, қора сўзи Хоразм шеваларида этноним ва топоним таркибида кўплик маъносини англатади [5. 33].

Сартюз – қ., Бекобод тумани, **Сартюз** (сартжузи) – юз қабиласининг уруғларидан бири.

Телов (тилов) – қ., Оҳангарон тумани, ўзбек-қурамалар таркибидаги уруғлардан бири.

Тейит – қ., Юқори Чирчиқ тумани. Қирғизларнинг *тейит* қабиласи бўлган (тармоқлари: бойтейит, қоратейит, саритейит, ўғритейит ва б.).

Тўқбой – қ., Бекобод, Қуйи Чирчиқ туманлари. *Юз* қабиласининг уруғларидан бири *тўқбой* деб аталган.

Увоқ – қ., Оҳангарон тумани. *Увоқ* (парча, ушоқ) – этноним. Масалан, қозоқларда увақ (увоқ) деган уруғ бор.

Унгут – қ., Оҳангарон тумани. Ўзбеклар таркибида, қозоқларнинг *бойули* қабиласи таркибида *унгут* (унгут) уруғи қайд қилинган. Асли унгутлар (ўнгутлар) – илк ўрта асрларда Мўғулистоннинг жанубида, Хитойнинг чегара қисмларида яшаган туркий халқ. Кейинчалик мўғуллашиб, XIII асрда мўғул қўшинлари таркибида Ўрта Осиёга келиб, маҳаллий халқлар таркибига сингиб кетган.

Учбов – қ., Бўстонлик тумани. Туркманларнинг *човдур* қабиласи таркибида *учбағли* деган уруғ қайд қилинган. Ўзбекларда бу уруғ учбов(ли) деб аталган. Қипчоқ ўзбекларида *қабил* “бов” дейилган, “92 бовли ўзбек” ибораси шундан. Бўстонлик туманида **Бўстонбов** деган қишлоқ бор. Ўзбекистондаги **Қорабоғ** номли қишлоқлар асли *Қорабов* бўлган.

Уювли – қ., Бекобод тумани. Қарапчи қабиласининг бир уруғи *уювли* деб аталган.

Чалдар – қ., Бўстонлик тумани. Қирғизлар адигине қабиласининг бир уруғи – *чалдар* (чоллар), қозоқларнинг сергели қабилалар уюшмасига кирган 12 қабиладан бири *шалдар* (чоллар) деб юритилган.

Чаноқ – қ., Бекобод тумани. Қўнғирот қабиласи тортувли уруғининг бир тармоғи – *чаноқ*.

Чувалачи – қ., Тошкент тумани, Тошкент шаҳри маҳалласи. Қурама ўзбекларнинг тама қабиласига кирадиган ойтамғали уруғининг бир тармоғи *чувалачи (чубаланчи)* деб аталган.

Чувуллоқ – қ., Бўка тумани; Чувулдоқ – қ., Оҳангарон, – Ўрта Чирчиқ туманлари. Найманлар, қўнғиротлар ва бошқа қабилалар таркибида *чувуллоқ (чувулдоқ)* уруғи қайд қилинган. *Чувулдоқ* – уруғ вакилларининг лақаби: “қий-чув кўтариб, тартибсиз чуғурлайдиган уруғ” дегани.

Юзуруқ – қ., Паркент тумани. *Юз уруғ* – “юз қабиласининг бир уруғи”. **Юқориюз, Пасткиюз** – қ., Қибрай тумани. *Юз* ~ қабил

нома. Юз қабиласи вакиллари яшайдиган бир неча қишлоқ бўлса, бу қишлоқлар бир-бирларидан *юқори, ўрта, пастки* ёки *катта, ўрта, кичик* ёйинки *эски* (кўҳна), *янги* каби сифатлар билан фарқланади [1. 127-130]. Ҳозирги ўзбек адабий тилида сўз ясашда, жумладан,

этнотопонимларни яшашда кенг ва фаол қўлланиладиган усуллардан бири композиция усулидир. Кузатишлар шуни кўрсатадики, қўшма сўзлар тарихан сўз бирикмаларидан ўсиб чиққан. Тил тараққиёти жараёнида сўз бирикмаси қисмларининг маъно ва грамматик жиҳатдан яхлитлик касб этиб, қисмлар орасидаги синтактик муносабатнинг йўқолиши натижасида синтактик бирликдан луғавий бирликка айланади – қўшма сўз юзага келади [6. 76].

Профессор С. П. Толстов: “Мамлакатларнинг қадимий номлари аксар ҳолда этник (халқ, қабила) исмлар билан боғлиқ, бу исмлар эса афсоналардан олинган” [7. 88], – дея бежизга таърифламаган. Ҳақиқатан ҳам, этнотопонимлар ўз семантик корпусида қабила ва элатлар кўчиши ва ўтроқлашиши, миграциялар йўналиши ҳамда қабилаларнинг этниклараро алоқалари ҳақидаги қимматли тарихий-этногенетик ахборотларни сақлаши билан алоҳида лингвомаданий характерга эга.

ХУЛОСА

Маълумки, этнотопонимлар ўзбек тилидаги номлар тизимининг энг қадимий қатламларидан бири ҳисобланади. В.А.Никонов этнотопонимларнинг пайдо бўлиши хусусида шундай фикр юритган эди: «Асосида этноним ётувчи топонимлар, агар улар ўша ҳудудда яшамайдиган кишилар томонидан берилмаса, этник келиб чиқишида умумийлик бўлган бир халқ яшовчи жойларда юзага келиши мумкин эмас. Одатда, этнонимлар аҳолининг этник мансублигини фарқ ётувчи белги вазифасини бажарадиган жойларда этнотопонимга айланади» [8. 13]. Бундан англаш мумкинки, фақат бир уруғга мансуб кишилар яшайдиган жойда ҳеч қачон этнотопоним вужудга келмайди. Кўпинча, қабилалар ёнма-ён яшайдиган чегара ҳудудларда аҳоли таркибининг энг кўп ёки энг кам қисмини ташкил этган уруғлар номи кўп ҳолда топонимга айланади. Буни Тошкент вилояти ҳудудидаги этнотопонимик характер касб этган айрим жой номларининг пайдо бўлиш тарихи ва этимологиясида ҳам кўришимиз мумкин.

Вақт ўтиши билан жой номлари турли ўзгаришларга учраши ва янги-янги топонимлар вужудга келиши мумкин. Истсно тариқасида айтиш мумкинки, баъзи ҳолларда жойнинг номланиши учун асос бўлган оним ўша жойнинг энг муҳим бўлган ўзига хос қайсидир хусусиятларини англамаслиги ҳам мумкин ёки барча жойлар учун умумий бўлган хусусият муайян жойнинг номи бўла олмаслиги мумкин, аксинча, ўша жойда яшовчи биргина уруғ вакили орқали этнос номи жой номига ўтиши мумкин.

Бундай ҳолат топонимларга хос бўлган негативлик принципи деб аталади.

Бундан ташқари, бу жойларда ном билан боғлиқ этимологияларда тадқиқ қилинаётган номларни этнотопоним эмас, бошқа асосиз нарсалар билан боғланган вариантлик асосидаги халқона (илмий-мантқиқий асосга эга бўлмаган, тўқима) этимологиялар юзага келган. Ҳар қандай этнонимнинг ўз маъноси, келиб чиқиши ҳақидаги этимологияси бор. Баъзи бир этнонимлар қадимий сўз бўлганидан, ёзма манбаларда бу ҳақда маълумот топилмаслиги, ёинки қолдирилган маълумот ҳам етарли илмий асосга эга бўлмаганлиги сабабли жой номининг маъносини тушуниш ва изоҳлаш мушкул. Одатда, қабилалар, йирик уруғларнинг номлари қадимий бўлади.

REFERENCES

1. Qorayev S. Toponimika. T.: “O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti”, 2006. – 318 b.
2. Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғликлар. –Т.: Фан, 1990.
3. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. –Т., 1968.
4. Саидхонов М., Эргашев А. Жой номлари – тарихимизнинг бир парчаси // Водийнома. - 2016. -№ 1.
5. Дўсимов З. Шимолий Хоразм топонимлари: филол.фанлари номзоди... дис. – Т., 1970.
6. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясаиш тизими. – Т.: Ўқитувчи, 2007.
7. Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, - Т.: Фан, 1964. - 154 б.
8. Нафасов Т. Ўзбек уруғ ва қабилаларининг номланишида тамғанинг роли. // Ўзбек тили ва адабиёти.- 2006.- № 2.

СОЛЯР МИФОЛОГИЯНИНГ РУДИМЕНТЛАРИГА СИНХРОНИК ЁНДОШУВ

Г. К. Кдырбаева

Нукус давлат педагогика институти доценти, фалсафа доктори (PhD)

kdirbaevagulzira@gmail.com

Н. Х. Бабаджанова

Чирчиқ давлат педагогика университети ўқитувчиси

nargizababadjanova2020@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Илм-фаннинг ҳозирги пайтдаги тараққиёт босқичида тилшунослик фанида антропоцентрик парадигма устунлик қилади, яъний тилшуносликдаги интеграцион жараён XIX асрдаги қиёсий тарихий ёндошув ва XX асрдаги тизимли-структур парадигмалардан ўтиб, биринчиликни қўлга киритди. Лингвистик ҳодисаларни ўрганиш давомида қиёсий тадқиқотлар асосан лингвомаданиятшунослик антропоцентрик ёндашув негизида олиб борилган тадқиқотлар самарали ҳисобланади. Лингвомаданий тадқиқотларнинг шаклланиши аксарият ҳолларда архетипик тушунчалар билан боғлиқ бўлиб, у мифологик мактаб ғояларига асосланади, яъний қиёсий мифология мактабининг вакиллари тушунчалари билан боғлиқ.

“Миф”, “мифология”, “мифологик мактаб”, “мифологик тафаккур”, “мифологема”, “мифоконцепт” каби атамалар мифологик олам манзарасин ўрганишдаги асосий атамалар бўлиб, ушбу атамалар билан боғлиқ мактаб вакиллари ўз изланишларида “ибтидоий одам”нинг ақлий, сўнгра бадий, шеърый фаолиятининг асосий элементлари миф ва мифология таълимотига таянади. Миф ибтидоий тафаккур шакли, одамнинг атрофидаги воқелик ҳодисаларини билиш ва идрок қилиш воситаси сифатида тасвирланади.

Мифологик мактаб эволюцияси қиёсий мифологиянинг шаклланиши натижасида пайдо бўлган, мактаб асосчиларининг бирламчи вазифаси, поэтик ижоднинг негизини ташкил қилувчи мифологик назариянинг ижобий тавсифлари ёрдамида асл миф ва афсоналарни аниқлаш ҳисобланди. Муайян мақсадларни амалга ошириш учун мактаб вакиллари бир қанча ёзма ёдгорликларни, эртак, достон, ашула ва бошқа материалларни тўплаган. Мазкур қиёсий мифологик мактаб вакилларининг тадқиқотлари фольклорининг авлодларга ётиб боришига ва

мифологиянинг ривожланишига ўз ҳиссасин кўшди, чунончи қорақалпоқ мифологияси эса қиёсий ёндашув тамойиллари асосида тадқиқ қилинмаган ва бу ачинарли ҳолат.

Калит сўзлар: соляр мифология, рудимент, архетип, диахроник ёндошув, миф, мифология, мифологема, концепт, лингвомаданиятшунослик, куёш.

ABSTRACT

At the present stage of development of science, the anthropocentric paradigm prevails in linguistics, that is, the integration process in linguistics has won the first place, passing through the comparative historical approach of the XIX century and the structural-structural paradigms of the XX century. In the study of linguistic phenomena, comparative studies, mainly on the basis of an anthropocentric approach to linguocultural studies, are effective and useful. The formation of linguocultural research is often associated with archetypal concepts, which are based on the ideas of the mythological school, i.e., the concepts of the representatives of the school of comparative mythology.

Terms such as "myth", "mythology", "mythological school", "mythological thinking", "mythology", "mythology" are the main terms in the study of the mythological worldview. then claim that the main elements of artistic, poetic activity are based on the teachings of myth and mythology. Myth is described as a primitive form of thinking, a means of knowing and perceiving the phenomena of reality around man.

The evolution of the mythological school emerged as a result of the formation of comparative mythology, the primary task of the founders of the school was to identify the original myths and legends using the positive descriptions of the mythological theory that formed the basis of poetic creation. To achieve specific goals, school representatives collected a number of written memorabilia, fairy tales, epics, songs, and other materials. The research of this school of comparative mythology has contributed to the transmission of folklore to generations and the development of mythology, and Karakalpak mythology has not been studied on the basis of the principles of comparative approach, and this is a sad situation.

Keywords: solar mythology, rudiment, archetype, diachronic approach, myth, mythology, mythologem, concept, linguaculture, sun.

КИРИШ

Тилнинг мифологик олам манзараси дунё ва табиат ҳақидаги биринчи ва муҳим манба бўлиб, бунда жамият



ғояларига асосланган асл таърифлар жамланади. Мифларнинг келиб чиқиши ҳақидаги фаразлар мифология таълиймоти доирасида, жумладан лисоний олам манзарасини воқелантирувчи восита сифатида мифларнинг тадқиқи асосан икки назария ёрдамида ўрганилади: 1) нур ва қуёшни илоҳийлаштириш (М. Мюллер назарияси); 2) табиат ходисалари ва ғайри-табиий кучларин илоҳийлаштириш (шамол, момақалдирик, чакмоқ ва бошқалар) асосида яралган мифлар (А. Кунн назарияси). Мифология инсоннинг табиат ходисалари ва атроф-муҳитда содир бўлаётган воқеликлар изоҳин топишга интилишининг натижасида ривожланган. Ваҳоланки ибтидоий одамларнинг яшаш тарзи ва географик жойлашуви, лисоннинг шаклланишига кейинчалик, адабиёт ва бошқа соҳаларининг ривожига ўз таъсирини кўрсатган [2].

Қуёш, ой ва юлдузлар каби ходисаларнинг қўл билан ўшлаб бўлмаслиги инсон тафаккурига куч беради ва унга таянган ҳолда фақат кўриш, сезиш ва идрок қилиш орқали ушбу нарсаларга тушуниб етади, улар ҳақида ғайритабиий фараз ва чексиз ғояларни юритади, бу эса охир-оқибат мифларнинг пайдо бўлишига асос бўлган. Жумладан, соляр мифологияда “қуёш” дастлабги тушунчаларда Худо сифатида воқеланмаган, у фақат илоҳийлик ғоясини рамзийлаштирган. М.Мюллер назариясида инсон “қуёш”нинг метафорик табиатини унутиб, уни Худо деб ҳисоблашни кейинчалик бошлайди деб таъкидланади. Мюллер бу каби метафорик идрокдан аслиятга ўтиш ходисасин “тил касаллиги” деб атайди. Қуёшни кўп маданиятларда “илк ҳаёт босқичлари” билан воқелантиради, у билан сермахсуллик ва унимдорлик каби мавзулар бирлашади. Америка адабиётининг хиндулар фольклорида “Ёрнинг пайдо бўлиши” номли афсонасида “қуёш” ва “ой” севишканлар сифатида тасвирланади ва уларнинг фарзандлари одамлар ҳисобланади, яъний қуёш тимсолида оламнинг яратилишидаги архетипик образ гавдалантирилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мюллернинг сўзларига кўра, ибтидоий одам ҳаётини кундалик иборалар негизида воқеланадиган ибораларнинг метафорик моҳиятин тушунган ҳолда, кейинчалик негадир уни унутиб, индивидуал ходиса ва нарсаларни Худо деб ҳисоблай бошлаган деб таъкидланади. Дастлаб мажозий маънога эга бўлган иборалар кейинчалик мустақил маънога айланган [4]. Кундалик ҳаётимизда биз қорақалпоқ тилида “қуяш турды, қуяш оянды” иборасини ишлатамиз ва шу билан унга тирик мавжудотнинг хусусиятларини берамиз (персонафикация). Бундан ташқари, Мюллер мифология ва тил табиатининг боғлиқлигини қайд этади. Унинг фикрича,

персонификация стилистик воситаси кўп қўлланилган мифларда махсус исмлар, умумий отлар (эркак ва аёллик хусусиятлар) ва грамматик қўрилмалар мифологиянинг тил табиати билан алоқадорлик хусусиятларин кўрсатиб беради.

“Лингвистик” туктай назардан миф назарияси “тилнинг алоҳида ҳолати” сифатида ўрганилади. У қадимий поэзия метафоралари ва образлари асосида тадқиқ қилинади. Инсон олам ҳодисаларин ўрганиш ва идрок қилишда табиат билан концептуал билимларин қиёслаш негизида атроф муҳит ҳодисаларин, ҳаётни, умуман инсониятни ўрганади (масалан, “юлдузлар – осмон кўзлари”, “юлдузлар-инсонлар”, “юлдузлар-фарзандлар”, “юлдузлар-биллор кўзгулар”, “юлдузлар-ёмоқлар”, “юлдузлар-тош бўлақлар”, “юлдузлар-марҳумлар кўзлари”, “юлдузлар-ошиқлар”, “юлдузлар-қизлар”, “юлдузлар-кўприклар”), аммо кейинчалик инсон негидир ўзи яратган қойидаларни унутади ва ибораларни метафорик маънода қўллай бошлайди: *осмон ўзгаради ва кўп кўзли махлуқга айланади; Сомон йўли безаги.*


Мифология синкретик жанр бўлганлиги сабаб у инсоннинг илмий, диний, фалсафий ва бадий карашларини ўзида мужассамлаштиради. Яъний, миф - бу олам ҳақидаги ғоялар йиғиндиси ҳисобланади, халқ оғзаки ижоди (фолклор) эса оламнинг бадий-эстетик инъикоси бўлиб, мифологиянинг ўзига хос маҳсули ҳисобланади, у ёки бу хусусиятларни сақлаб қолади, ва лекин унга тенглашмайди [2].

Н.Б.Мечковскаянинг таъкидлашича: “Мифология тарихан халқларнинг жамоавий онгида пайдо бўлган ва у ҳали биринчи ҳаёт шакли, диний, амалий, илмий, бадий билим элементлари шаклланмаган халқлар орасида ажралмаган оламнинг яхлит манзарасидир. Фолклор эса миллатларнинг биринчи бадий (эстетик) жамоавий ижод маҳсули ҳисобланади (оғзаки, оғзаки-муסיқий, хореографик, драматик)”[3].

Соляр мифологиянинг асосий элементи куёш бўлиб, XIX-аср илмий адабиётларида мифологик мактаб вакили В. Маннхардт ва бошқаларнинг асарларида, мифлар куёш афсоналари деб ҳам аталган, унда қахрамон куёш ёки қахрамон куёш хусусиятларига эга бўлган. Соляр мифология астрал мифларга ишора қилади. Соляр мифлар икки гуруҳ ғояларини акс эттиради: фасллар ўзгариши (қадимги даврлар наздида) ва куёшнинг йиртқич ва турли хил даҳшатли ҳайвонлар ғоялари, айниқса илонлар тасвирида келадиган зулмат ва ёвузлик билан курашиш ғоялари устунлик қилади [1].

Бу назария биринчи марта филолог М. Мюллер томонидан тадқиқ қилинган бўлиб. Россия тилшуносларидан

ушбу масала А.Н. Афанасиева, А.А. Потебня, А.Н. Весловскийлар томонидан ишлаб чиқилган. Умуман олганда мифларнинг тадқиқи, ўзбек мифологияси Ғ.Акрамов, Б.Саримсоқов, Т.Ҳайдаров, Т.Раҳмонов, М.Жўраев, Ш.Турдимов, Ш.Шомусаров каби олимлар томонидан олиб борилган. Қорақалпоқ мифологиясининг ривожига С.С.Казахбаев, А.М.Бекимбетов, П.Ж.Отениязов, Ш.М.Кунназарова, М.М.Есебаев, М.О.Отажанова, Г.С.Калбаевалар ўз ҳиссасаларини қўшган.



Илмий ишчимизнинг ушбу қисмида инглиз ва қорақалпоқ адабиётларидаги соляр мифологиянинг рудименти сифатидаги “қуёш”нинг асосий хусусиятлари синхроник таҳлилга тортилган. Илмий ишдаги лисоний бирликлар синхроник метод, контент таҳлил методи, компонентли таҳлил методлари асосида тадқиқ қилинди. Тадқиқот предмети инглиз ва қорақалпоқ адабиётларидаги “қуёш” мифологемасининг муайян адабий асарларда воқеланиш хусусиятлари ҳисобланади. Ушбу тадқиқот учун биз қорақалпоқ адабиётининг забардаст вакили Т.Қайпбергеновнинг асари “Қорақалпоқ достони” трилогиясининг “Маманбий афсонаси”, ва инглиз адабиётидан Уолтер Скотнинг “Айвенго” романи танлаб олинган. Мазкур тадқиқот объектлари авторларнинг яшаган-ижод қилган даврлар характеристикаси ва асарларнинг жанрларига қараб танлаб олинди.

“Маманбий афсонаси”да қорақалпоқ халқининг ботир ўғлони, тарихий шахс Маманбийнинг Санкт-Петербургга Рус

императори билан қорақалпоқ халқи номидан ўчрашувга борган пайти тасвирланган. Автор Маманбий яшаган даврдаги қорақалпоқ халқининг яшаш тарзи, оддий меҳнаткаш халқнинг ҳаётининг кечирмалари, қорақалпоқ халқининг миллат сифатида сақлаб қолиш ҳаракатида юрган инсонларни ўзининг қарашлари асосида ижодий тасвирлаган, ва айрим жойларда тарихий фактлар билан ушбу ҳодиса ва инсонларга маълумотлар келтириб ўтган.

"Айвенго" - биринчи тарихий романлардан бири бўлиб, у 1819 йилда Ваверли муаллифлигида нашр этилган, кейинчалик маълум бўлишича, унинг автори Уолтер Скотт эканлиги аниқланади. Асар XIX-аср саргузашт адабиётининг классикаси сифатида тан олинган. Китобнинг сотилиши ўша пайтда биринчи босма нашр 10 000 нусхада икки ҳафтадан кам вақт ичида сотилган. Романнинг муваффақияти, ўрта асрларда ривожланган романтик адабий йўналишга қизиқишни уйғотишга ёрдам берди.

"Маманбий афсонаси"да тадқиқот объекти "қуёш" лисони 86 марта, "Айвенго"да "sun" лисони 31 марта такрорланади. "Қуёш" мифологемасининг рудементлари вербаллашган маънолар мавжуд, холбуки аксарият ҳолатларда улар денотатив маънода ишлатилади, чунончи коннотатив маънода қўлланилганида соляр мифологиянинг хусусиятларин учратишимиз мумкин.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Маманбий афсонаси: < ...ўйдиң қуяшы сенсең..>, <...қуяш түсетугын күн болса...>, <... қуяшқа қарап жүриўди умытпа... >, <... әлем қуяшы Мәкке-Мәдийнеден бәхәрленеди...>, <...қуяш түсуре алады...>, <... аспандагы қуяшқа исенбеў. Қуяш булт астында қалса да, қуяш...>.

Айвенго: <... *The sun, ... chiefly directed...*>, <... *the sun shot a broken and discoloured light...*>, <... *the sun to enable them to bear the fixed glance of a crusader...*>, <... *betwixt sun and sun...*>, <...*but thy sun has long been set...*>, <... By the bright **sun** above us, but it were shame,...>, <...Do rocks melt with **the sun**?...>, <... No more than December's snow will bide **July's sun**...>.

Мазкур мисолларда соляр мифологиянинг хусусиятлари метафорик бирикма ёрдамида вербаллаштирилган, масалан "ўйдиң қуяшы сен", яъний қахрамоннинг хотини эрига "ялғиз, ёрқин, мағрур, асосий, ҳукумронлик, куч" каби қуёш сифатларин беради. Соляр мифологияда қуёшга эҳтиром кўрсатилганидек, қорақалпоқ хотин-қизлари ҳам шу каби эҳтиромни эрларига қилишади.

Соляр мифологиянинг умумий бир хусусияти мавжуд, унинг хусусияти шундаки "қуёш" кўп маданиятларда "денгиз

йўли”, “вақт меъёри”, “бахт”, “фаровонлик”, “ижтимоий мақом”, “улчов бирлиги” каби маъноларда таърифланади.

“Маңлайыңа қуяш түсетугын күн болса” мисолда “қуёш” мифологемаси метафорик бирикма сифатида воқеланган ва “бахтинг очилса, омадингни берса, омад кўлиб боқса” каби маъноларда берилган. Жумладан иккинчи мисолда “манзилдан адашмаслик, тўғри йўлни давом этмоқ” маъноларида келтирилган. Яъний, таҳлил қилинаётган мисолларнинг коннотацияси икки хил маънода ишлатилган.

Айрим маданиятларда қуёшни ифодаловчи рақамлар ва навигация белгилари ўртасидаги боғлиқликлар бор. Масалан: Яҳудий Мидраш қуёшни Буюк Британияга сузиб кетаётган кема йўли билан таққослайди, чунончи шу манзилни 365 кун давомида босиб ўтиш мумкин бўлган (қуёш тақвимидаги кунлар сони) ва Искандариядан 354 кунда етиб бориши (ой тақвимидаги кунлар сони) эътиборга олинган. Чунончи, қадимги Туркий халқларнинг аксарияти кўчмачи халқ бўлганлиги сабаб, ҳозирги кунгача “қуёш” қўриқликдаги навигатори сифатида қўлланилиш хусусияти сақланиб қолган ва адабиётда “қуяшыңды жоғалтпа” метафорик бирлиги – ўз йўлинингни йўқотма, манзилингдан адашма маъносида қўлланилиб келади.

Қорақалпоқ мифологиясидаги “қуёш” мифологемаси соляр мифологиянинг умумий хусусиятларидан бирин, яъний “марказ” маъносин воқелантиради. “Әлем қуяшы Мәккә-Мәдийнеден бәхәрленеди” метафорик бирикмаси ёрдамида сакрал маънони воқелантиради ва мусулмонларга олам Макка-Мадина атрофида айланиши ҳақида айтилади.

Соляр мифологияда “қуёш” мифологемасининг асосий белгилари “нур, ёриғлик таралиши” ҳисобланади. Мазкур мисолда канцлернинг ақл-фаросати халқнинг турмиш тарзига ижобий ўзгаришлар киритиши ва ёруғ кунларни олиб келиши каби маъно ифодаланган.

Чунончи, “қуяш” мифологемасин вербаллаштириувчи “күн” ва “әнтан” лисонлари мавжуд бўлиб, уларнинг қадимги турк этимологик луғатидаги лексико-семантик маъноларидан бири “халқ, инсонлар, ўз ишини биладиган ишончли инсон” аниқланган, ушбу маркерлар “қуёш” мифологемасининг мазкур маданият ва тилда кенг маънода қўлланиш хусусияти очиб беради [Қадимги турк луғати 1969:326]. Жумладан, қорақалпоқ тилидаги мисолларда “қуяш” мифологемасининг рамзий маънолари учрайди: “қуёш”-“Абылқайыр хан” метафораси, яъний қандай ҳолат бўлганида ҳам “қуёш” каби “Абылқайыр хан” ҳам ўз кучин ва солаватин

йўқотмасдан ўз ишини давом этиши маъносида рамзлаштирилган.

Мазкур инглиз тилидаги мисолларнинг аксариятида “sun” мифологемаси “навигатор” маъносида келтирилган. Рицар манзилдан адашмаслик учун куёшдан фойдаланган. Жумладан, “sun” денотатив маъноларда ҳам келгани, ва куёш нурларининг ғайри табиий кучлари мисолда тасвирланганлиги мисоллар билан тасдиқланади.

Мазкур “... *the sun to enable them to bear the fixed glance of a crusader...*” мисолда келтирилган “sun” мифологемаси имплицит маънода “аёл қишига тик қараган эркак кишининг нигоҳи” маъносида келтирилган, мисол инглиз тилида ҳам “куёш” рамзий маънода “нурлий объект” сифатида келтирилган. Яъний, Ровена Сэр Темлернинг қараганидан ҳижолат бўлиб юзига вуальини туширишга мажбур бўлганин кўрган Седрикнинг жавоби.

Кейинги мисолда “*betwixt sun and sun*” мифологема вақт улчов бирлиги сифатида “24 соат вақт” маъносида келтирилган. Яъний, Авлиё Дунстан бир кун ичида Данияликлар ва Бритонликларни бир ерга туплай олган шахс сифатида келтирилган. Шу каби маънода қорақалпоқ тилида ҳам мисоллар учрайди: “*куннен кунге*”, “*қуяш арасы*”, “*таң атып, кун батқанша*” каби метафорик бирикмаларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Ушбу мисолда автор “куёш” мифологемаси билан персонификациялаштира ҳолати ҳам учрайди, яъний вақти келиб харбий хизматдан кетиш керак бўлган Уорффрид назарда тутилган ҳолда берилган мисол бўнга аниқ далил ҳисобланади. “Куёшинг ботди”, “вақтинг тугади”, “кеттиш вақти бўлди”, “омадинг чопмади” каби маъноларда келтирилган. Шу каби маънолар қорақалпоқ тили ва маданиятида ҳам учрайди, масалан юқорида келтирилган қорақалпоқ тилидаги мисолларда “*маңлайыңа қуяш түсетугын кун болса*”, “*қуяш түсуре алады*” метафорик бирикмалари ёрдамида воқеланган “бахтинг очилса, омадингни берса, омад кўлиб боқса ва ёруғ кунларни олиб келиш” каби маънолар берилган.

Ушбу мисолда “**December's snow**” ва “**July's sun**” оксиморон стилистик эффекти яратилган, ва унинг асосий элементлари учун қарама-қаршилик атайлаб таърифланади, яъний “умуман тўғри келмайдиган ҳолат”, “туянинг думи ерга текканда”, “ёзда қор ёққанда” деган маъноларни кўришимиз мумкин. Психологик нуқтаи назардан, оксиморон тушунарсиз вазиятни ҳал қилиш учун қўлланилади. Мазкур мисолнинг контекстида ҳам иложи йўқ ҳолат тасвирланганлиги сабаб антонимик ойлар номлари метафорик бирикмани ҳосил қилиш учун қўлланилган. “**Do rocks melt with the sun?/ Куёшда қоя тошлар эрийдими?**”

мисоли ҳам юқорида келтирилган оксиморон стилистик воситасига мисол, яъний, “бўлиши мумкин эмас ҳодиса”, “Шундай бўлиши мумкинми?” каби маъноларда вербаллашган.

Жумладан, қорақалпоқ тилининг этнографик маълумотлари ва дунё халқларининг мифологиясидаги таджирий йил, ой номлари ҳам соляр мифологиянинг рудементлари ҳисобланади. Масалан, Эптап (март)- афридунлар ойининг дастлабки ойи, фарвардин деб номланган. Маъноси-Кун, яъний Қуёш дегани, ва бу ойда ўсимликларга жон кириб бошлайди. Григориан календариди-март деп берилган. Март-грек мифологиясидаги Марс худоси исмидан олинган. Қорақалпоқ тилидаги «Эптапқа шығыў», «Кемпир Қуяшлама» тушунчалари архитипик хусусиятга эга бирликлар бўлиб, улар Қуёшга сиғиниш сингари урф-одатлардан қолган рудементларнинг бири деб таъкидлаш мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, “қуёш” мифологемаси универсал характерга эга бўлиб, ҳали хонуз қорақалпоқ ва инглиз бадий адабиётларида соляр мифология рудементи сифатида, ўз ибтидоий тавсифларин йўқотмасдан қўлланилаётганлиги далилланди. Яъний, мифологеманинг архетипик хусусиятлари қуйидаги маъноларда сақланиб қолганлиги мисоллар таҳлили билан тасдиқланди: *Қуёш-навигатор, қуёш-вақт, қуёш-бахт, қуёш-мавқе, қуёш-марказ*. Тадқиқ қилинган мисоллар негизида бир қатор метафорик бирикмалар аниқланди. Жумладан, диахроник ёндошув ёрдамида соляр мифологиянинг асосий элементи “Қуёш” мифологемаси, инсоннинг лисоний, миллий ва мифологик олам манзарасин воқелантиришда рудементлари негизида амалга оширилиши аниқланди. Ваҳоланки, инглиз мифологик олам манзарасида “Sun” мифологемаси кўпроқ табиий ва космогоник хусусиятларни воқелантирса, қорақалпоқ мифологик олам манзарасида табиий, космогоник ва сакрал хусусиятлар вербаллаштирилиши аниқланди.

REFERENCES

1. Аникин Д.А. История религии: конспект лекций Мюллер Ф. М. М 98 Введение в науку о религии: Четыре лекции, прочитанные в Лондонском Королевском институте в феврале - марте 1870 года. / Пер. с англ., предисловие и комментарии Е. С. Элбакян. Под общей редакцией А. Н. Красникова. — М.: Книжный дом «Университет»: Высшая школа, 2002. — 264 с.

2. Мифологический эпос и фольклор. «История и теория религий» | Панкин С.. litresp.ru. Дата обращения: 13 декабря 2017.
3. Мифы и фольклор//*Мечковская Н. Б.* Язык и религия. Лекции по филологии и истории религий. М.: Издательский дом: Агентство «Фаир», 1998. 352 с. ISBN 5-88641-097-X
4. https://studme.org/1529052715782/religiovedenie/mifologicheskaya_kontsepsiya_myuller
5. <http://www.mythencyclopedia.com/Sp-Tl/Stars.html#ixzz7M0w6C6Y8>
6. Ruzmetova, M., Otajonova, D., & Babadjanova, N. (2021). CONSIDERATIONS ON UNDERSTANDING THE MEANING OF A WORD. *ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES*, 2(2), 1238-1242.
7. Babadjanova, N. X. (2021). MIFOLOGIK DUNYOQARASHLARNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI VA ULARNING INSON ONGIGA TA'SIRI. *ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES*, 2(6), 1501-1505.
8. Babadjanova, N. X. (2021). MYTH AND SOCIAL REALITY: SOCIAL AND COMMUNICATIVE THE PARADIGM OF INTERPRETATION. *Theoretical & Applied Science*, (6), 713-717.

EKOLOGIK MUHIT SHAKLLANISHIDA O'SIMLIKLARNING AHAMIYATI

Nafosat Xushmurod qizi To'xtamurodova

Qarshi irrigatsiya va agrotexnologiyalar instituti, assistenti

ANNOTATSIYA

Maqolada o'simliklarning ekologik ahamiyati, insoniyat uchun foydasi va o'simlik dunyosining kamayib ketish sabablari tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: o'simlik, o'rmon, tirik fabrika, fotosentz, kislorod, karbon, qizil kitob, o'rmon, shamol eroziyasi.

ABSTRACT

The article analyzes the ecological significance of plants, their benefits to humanity and the reasons for the decline of flora.

Keywords: plant, forest, living factory, photosynthesis, oxygen, carbon, red book, forest, wind erosion.

KIRISH

Inson tabiat hosili, uning quchog'ida yashaydi, rivojlanadi va zurriyot qoldiradi. Insonlar hayotini o'simliklarsiz tasavvur qilishi qiyin. Chunki u hayot ekan, oziq-ovqatlarni, mahsulotlarni o'zlashtiradi. Asosan oziq-ovqatlarning asosiy qismi tabiat ne'matlari o'simlik mahsulotidir. Insoniyatni go'sht, sut mahsulotlari bilan ta'minlab turadigan hayvonot olami ham o'simliksiz yashayolmaydi. O'simliklar biz uchun go'zallik yaratadi, havoni tozalaydi, sanoat korxonalarini uchun eng muhim bo'lgan xomashyo, xo'jaliklar uchun qurilish materiallari, ularning keltiradigan foydasini sanab, sanog'iga yetib bo'lmaydi.

O'simliklarning insonlar va hayvonlar uchun keltiradigan ajoyib xislatlaridan biri ularning shifobaxshligidir. Olimlar keltirgan ma'lumotlarga qaraganda sayyoramizni tirik moddalarning umumiy og'irligidan 99 % ini yashil do'stimiz – o'simliklar dunyosi tashkil qilar ekan. O'simliklar deganimiz biz quruq yerlarda joylashgan dov-daraxt, ekin, o't-o'lanlarnigina nazarda tutmaymiz, balki, daryo, dengiz va okeanlardagi suv o'tlari, fotosintez xususiyatiga ega o'simliklarning hammasini ko'z o'ngimizga keltiramiz. O'simliklar olamining salmoqli qismi sayyoramiz o'rmonlariga to'g'ri keladi, ular butun quruqlikning 40 % maydonini egallaydi. Biz madh etadigan mana shu o'simliklar dunyosi insoniyatni kislorod bilan ta'minlab turuvchi



«tirik fabrikasi» hisoblanadi. O'simliklar dunyosini tirik organizmlar uchun oziq tayyorlab beradigan ulkan bir fabrikaga qiyoslash mumkin.

ADABIYOTLAR TAHLIL VA METODOLOGIYASI

S.S.Shvars keltirgan ma'lumotlarga qaraganda jahonda 216 madaniy holda o'stirilayotgan barcha o'simliklar organik moddalarga aylangan 6 milliard tonnaga yaqin karbon bersa, tundra zonalaridagi o'simliklar dunyosi 9 milliard biologik mahsulot beradi. Afsuski, sayyoramizning eng katta boyligi bo'lgan o'simliklar dunyosi inson faoliyati, qolaversa ilmiy texnika taraqqiyoti ta'sirida borgan sari kamayib bormoqda. Aniq ilmiy manbalarda keltirilishicha, biz yashab ijod qilayotgan yer kurrasida bundan bir yarim ming yil muqaddam o'rmonlar 47 % maydonni ishg'ol etgan bo'lsa, hozir ular 27 % ga tushib qoldi. Ko'p mamlakatlardagi sanoat korxonalarida foyda ketidan quvish oqibatida juda katta o'rmonlar kesilib, o'rniga katta-katta zavod, fabrika va kombinatlar qurilmoqda. Natijada, atrof-muhitning ifloslanishi oqibatida ko'plab nodir va noyob o'simliklar turlari qirilib ketmoqda.

Birlashgan Millatlar Tashkiloti bergan rasmiy ma'lumotlarga qaraganda, sanoat rivojlana boshlagan davrdan buyon 150 turdagi jonivor yo'qotilgan bo'lsa, kelajakda 250 ming xil o'simlik turi tomomila yo'q bo'lib ketishi xavfida ekanligi qayd qilinadi. O'rmon - bebaho boylik, salomatlikni tiklovchi, kishiga zavq-shavq, dillarga huzur bag'ishlovchi maskan, kishiga ne'matlarini tortiq qiluvchi manba, noyob qurilish materiallari, millionlab tonna qog'oz va hokazo. O'simliklar dunyosini shunday mo'jiza yaratdiki, fotosintez yordamida havodagi karbonat angidridni olib, o'rniga hayotbaxsh kislorodni ajratdi. Aniq ma'lumotlarga qaraganda olamdagi barcha o'simliklar yiliga 180–250 milliard tonna karbonat angidrid yutib 150–200 milliard tonna kislorod ajratadi. Shunday ekan, o'rmon massivlari kamayib boraversa havoning tabiiy musaffoligi va iqlimda o'zgarishlar sodir bo'lishi mumkin. Afsuski, mana shu ko'rkam tabiatning ajoyib iltifoti bo'lgan o'rmonlar jahon uzra tobora kamayib bormoqda.

R. Haqqulova va P.Barotovning terma ma'lumotlariga qaraganda, AQSh da so'nggi 300 yil ichida 141 million gektar yerdagi o'rmonni rejasiz kesish tufayli 114 million gektar yer eroziyaga uchragan, yerning shirasi ketib, unumdorligi pasaygan. Shu narsa ma'lumki, o'rmonlarni nes-nobud bo'lishi, ularning kamayib ketishi yanada xavfliroq oqibatlarga olib keladi. Jumladan bu hol yer ko'chishiga, sel kabi ofatlarga olib keladi, shuningdek tog' qo'ynidan oqib chiquvchi jilg'a, soy va daryolar harakatining buzilishiga, shuningdek yomg'ir, kuchli yog'in natijasida sodir bo'ladigan suv toshqinlarining daraxtsiz joylarni tez yuvib ketishiga sabab bo'ladi. O'simliklarning bizga

unchalik sezilmaydigan, biroq juda foydali taraflaridan biri shuki, ular ona tabiatda azot balansini ushlab turuvchi asosiy vositalardan hisoblanadi.

NATIJA VA MUHOKAMA

O'simlik barglari, shox-shabballari yerga tushib, mikroorganizmlar yordamida chiriydida, tuproqning ustki qismini organik moddalar bilan boyitadi. Bu chirindilar o'simliklarga o'g'it sifatida xizmat qiladi. O'simliklar dunyosining aksariyati bir qator biologik faol moddalarni hosil qiladi. Bu 218 moddalar sonining 300 dan ortiqligi ma'lum bo'ldi. Mazkur shifobaxsh moddalar bir gektar maydondagi keng barglik o'rmon daraxtlaridan 2 kilogramm, nimbargli o'rmonlardan 5 kilogramm ajraladi. O'rmonlar atmosfera havosidagi iflos moddalarni oksidlantiradi ularni zararsiz holatga keltiradi. O'rmon daraxtlari sanoat markazlarining iflos chiqindi gazlarini, chang zarrachalarini, shuningdek uglevodlarni va boshqa zararli moddalarni o'ziga singdirib oladi. Ninabargli o'rmonlarning yana bir xosiyati shundaki, ular o'zidan fitonsidlarni ajratib chiqaradi. Ma'lumki fitonsidlar kasallik qo'zg'atuvchi mikroorganizmlar kushandasi havoni sog'lomlashtirishga, musaffo bo'lishga yordam beradi. Bulardan tashqari fitonsidlar nerv tizimiga, yurakka yaxshi ta'sir ko'rsatadi, me'da-ichak funksiyasini yaxshilab, uning harakatini kuchaytiradi. Fitonsidlar qator kasalliklarni ham oldini oladi. Terak, olma va evkalirt daraxtlardan chiqadigan fitonsidlar grip virusini, karam, sarimsoq fitonsidlari sil mikroblarini o'ldiradi. Shifobaxsh o'simliklar juda qadimdan o'rganilgan. Hozir shifobaxsh o'simliklar haqidagi fan tez sur'atlar bilan rivojlanyapti. Hozirgi paytda ilmiy tibbiyotda ishlatilayotgan dori-darmonlarning qariyb 40 %dan ziyodini o'simlik mahsulotlari tashkil qiladi.

Hukumatimiz tabiatni muhofaza qilishni, jumladan o'simliklar olamiga muhabbat bilan qarashni, uni e'zozlashni targ'ib qiladi. Bu borada keng miqyosda amaliy tadbirlar amalga oshirilmoqda, qator qarorlar qabul qilinib, qo'riqxonalar tashkil etilmoqda, shuningdek nodir hayvonlar va boshqa jonivorlar, yo'qolib ketishi mumkin bo'lgan o'simliklar «Qizil kitobga» kiritildi va ular ustidan qat'iy nazorat o'rnatildi.

Shahar atroflarida kichik o'rmonli xo'jaliklar rivojlantirilsa, bu joylarda shifoxonalar, dam olish uylari, sayyohlik bazalar, yozgi o'quvchilar oromgohlari qurilsa juda hayrli ish bo'lur edi. Shuni qayd qilib o'tish kerakki, hozir bir qator shaharlar atrofida ana shunday so'lim go'shalar halqimiz oromgohlariga aylanib qolgan. Biroq bunday ko'rkam joylar yaqinida zavod, fabrika, uy-joy ishlarini tartibga solish, sanoat korxonalari, avtoparklarni iloji boricha qurmaslikka harakat qilish kerak.

XULOSA

Umuman o'simliklarning xususiyati ustida to'xtar ekanmiz, ularning tuproqni shamol eroziyasidan saqlashi hamda tuproqda namni ushlab turishda ham ahamiyatlidir. O'rmonlar o'zida juda katta namni ushlaydi, yig'adi va o'z vaqtida tuproqqa berib turadi. Shu tufayli ham ulug' rus olimi Dokuchayev cho'llarda o'rmonzorlarni o'stirishga da'vat etgan. Rossiyaning juda ko'p cho'llarida qurg'oqchilikdan himoya qilish maqsadida o'rmon zonalari tashkil etilgan. Ma'lumotlarga qaraganda O'zbekistonda o'rmon fondi 4800 ming gektar maydonni tashkil qiladi, jumladan, 937,2 ming gektar yer yoppasiga o'rmon bilan qoplangan. Jahon amaliyotida qurg'oqchilik bo'ladigan cho'l zonalarni o'rmonlarga aylantirish qator ijobiy natijalar keltirgan. Jamoa hamda daraxt xo'jaligi yerlarini shamol eroziyasidan himoya qilish uchun o'rmon mintaqalari tashkil qilindi. O'simliklar o'z tanasi va ildizlari bilan namlikni uzoqroq ushlaydi, daraxt ildizlari tuproq tuzilmasini yaxshilaydi, namni ko'proq shimadi. Mazkur yerlarda har bir gektar yerlarga 540 tonna nam zaxirasi to'g'ri keladi. Bu esa o'z navbatida qishloq xo'jalik o'simliklarining yaxshi o'sishiga zamin yaratadi

REFERENCES

1. R. Sultonov Ekologiya va atrof muhitni muhofaza qilish asoslari. T.: «Musiq», 2007.
2. O'zbekiston Respublikasi tabiatni muhofaza qilish Davlat qo'mitasining ma'ruzalari. T.: «O_qituvchi», 2001y .
3. Shodimetov Yu. Ijtimoiy ekologiyaga kirish. T.: «O_qituvchi». 1994.
4. Holmo_minov J. Ekologiya va qonun. T.: «Adolat», 2000.
5. Egamberdiyev R, Eshchonov R. Ekologiya asoslari. T.: «Zar qalam», 2004
6. Ergashev A. Umumiy ekologiya. T.: «O_zbekiston», 2003-y.
7. Ergashev A., Ergashev T. Agroekologiya. T.: «Yangi asr avlodi», 2006.
8. Simon A. Levin editor —The Princeton guide to Ecology| 2009 by Princeton University Press Published by Princeton University Press, 41 New Jersey 08540William Street

МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Ж. С. Раматов

Тошкент давлат транспорт университети “Ижтимоий фанлар” кафедраси
муdiri

М. Ҳасанов

Тошкент давлат транспорт университети “Ижтимоий фанлар” кафедраси
ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳозирги замонда глобаллашувнинг авж олиши шароитида миллий маънавиятга қаратилган турли хилдаги мафкуравий, маънавий ва ахборот таҳдидларининг тобора ошиб бораётганлиги тўғрисида гап боради. Ривожланган давлатлар ўз таъсир доираларини тобора кенгайтириш мақсадида энг замонавий ахборот воситларидан самарали фойдаланишмоқда. Жамиятимиз олдида турган асосий вазифалардан бири турли шаклдаги таҳдидларни олдини олиш мақсадида ёшларимизда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашдан иборатдир. Мақолада таҳдидларга қарши курашишнинг замонавий йўллари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: мафкура, ғоя, тарбия, ахлоқ, глобаллашув.

ABSTRACT

The article deals with the rise of various types of ideological, spiritual and informational threats against national spirituality in the context of globalization. Developed countries in order to expand their spheres of influence effectively use the most modern information tools. The main task of our society, in order to prevent various threats, is to strengthen the ideological immunity of young people. The article reveals the modern ways of dealing with threats.

Keywords: ideology, idea, upbringing, ethics, globalization.

КИРИШ

Бугун дунёнинг барча минтақаларида глобаллашув жараёни ижтимоий-маданий ҳодисаларга ўзининг турлича таъсирини ўтказмоқда. Бундай таъсирнинг бир хил эмаслиги дунё мамлакатларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ахборот, маънавий

салоҳиятлари ва геосиёсий омиллар билан чамбарчас боғлиқ. Оламда юз бераётган бу каби шиддатли жараёнларнинг авж олиши шароитида миллий маънавиятга қаратилган таҳдидлар тобора ошиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби маънавиятнинг миллат онги, дунёқараши ва менталитетини ташкил этиш билан боғлиқдир. Уларни турли хил замонавий усул ва воситалар ёрдамида ўзгартириш орқали миллатни, мамлакатни ва унинг барча бойликларини қўлга киритиш мумкин бўлади. Маънавиятнинг инқирозга юз тутиши, албатта, мамлакатнинг тараққиётдан орқада қолишига, бошқа давлатларнинг измида бўлишига олиб келади. Шу боис, Ўзбекистон Биринчи Президенти Ислон Каримов маънавий таҳдидларнинг ҳалокатли куч эканлиги, унга қарши чора-тадбирлар кўриш зарурлиги тўғрисида қуйидаги фикрларни билдирган эди: “Ҳаммамизга аён бўлиши керакки, “ахборот асри” деб номланган XXI асрда ҳеч қайси давлат ёки жамият ўзини темир девор билан ўраб яшай олмайди. Айни пайтда, ахвол шундай экан, деб қўл қовуштириб ўтириш ҳам тўғри келмайди, бундай таҳдидларга жавобан, биз ҳам содда бўлмасдан, зарур чора-тадбирларни кўришимиз керак”.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Демак ҳозирги кунда жамиятимиз олдида турган асосий вазифалардан бири турли хилдаги мафкуравий, маънавий ва ахборот таҳдидларига қарши курашишнинг самарали йўллари, усуллари ва воситаларини яратиш орқали ёшларимизда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашдан иборатдир. Мафкуравий ва ахборот таҳдидларининг олдини олиш йўллари сифатида биз қуйидагиларни таклиф қиламиз:

1. Миллий тарбияни такомиллаштириш орқали таҳдидбардош ёшларни вояга етказиш.

Мустақиллик асосчиси, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида ёшлар тарбиясига тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлайди: “Ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида, аввало, шахсни кўриши зарур. Ана шу талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак”.

Маълумки, тарбиянинг бошланғич нуқтаси бу – оиладир. Шарқ халқлари учун оила муқаддас маскан. Чунки оиланинг мустаҳкамлиги, унинг тинчлиги ва осойишталиги

давлатнинг мустақамлиги ва осойишталигини таъминловчи манба, десак хато қилмаган бўламиз. Шу боис, бизда оила масаласи давлат сиёсати мақомидаги масаладир. Таққослаш учун Ғарб давлатларида оилага муносабат масаласини кўрадиган бўлсак, оила бу ҳар кимнинг шахсий иши. Турмушга чиқадими ёки йўқми, уйланиб, оила куриб фарзанд кўрадими ёки йўқми, бу ҳар кимнинг ўзини иши. Энг кенг тарқалган одат бу – фуқаролик никоҳи. Бир-бирини ёқтириб қолган йигит ва қиз биргаликда яшайверишади. Ҳеч қандай никоҳсиз, расмийлаштиришсиз. Ва хоҳлаган пайтда яна ажралишиб, алоҳида яшайверишади. Ҳеч кимга ҳеч қандай масъулият юклатилмайди. Натижада оилага, фарзанд туғилишига етарли даражада эътибор берилмаслиги ҳозирги кунда Ғарб давлатлари учун ғоят мушкул муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Маълумки, “Таълим тўғрисида”ги қонунда таълимнинг қуйидаги турлари келтирилган: мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим. Давлат бюджетидан таълим соҳасига ажратилган маблағнинг асосий қисми, энг аввало, олий таълимга ажратилар эди. Бу тушунарли ҳолат, чунки олий таълим жамият эҳтиёжи учун зарур мутахассис кадрларни тайёрлайди. Ажратилган маблағнинг қолган қисмлари эса “қолдиқ тамойили” асосида таълимнинг қолган турларига тақсимланарди. Мактабгача таълимга навбат келганда маблағнинг арзимаган қисми қоларди. Бу соҳадаги хорижий тажриба, хусусан, Япония тажрибаси ўрганилганда тамоман бошқача ёндашув аниқланган. Япония мактабларида болаларга 5 синфгача фанлар ўқитилмас экан. Уларга япон одоби, ахлоқи, урф-одат ва анъаналари, байрам ва маросимлари ўқитилар экан. Уларнинг фикрича, болага дастлаб тарбия бериш керак. Билим бериш ҳеч қачон кеч бўлмайди. Тарбияда эса кеч қолиш мумкин. Иккинчи жаҳон урушидан энг оғир аҳволда чиққан давлатлардан бири Япония эди. Орадан ўтган қисқа даврдан сўнг Япония дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан ўрин эгаллади.

2. Болалар адабиётига, умуман болалар учун мўлжалланган мусиқа, ашула, театр, кино асарлари яратишга эътибор кучайтирилиши, бундай асарларни яратувчилар учун пухта ўйланган рағбатлантириш тизими ишлаб чиқилиши керак.

3. Тарғибот-ташвиқот ишларини юқори босқичга кўтариш. Таққослаш учун собиқ иттифоқ тарғибот тизимини кўрадиган бўлсак. Совет мафкуравий-сиёсий тизими ўзбек халқининг миллий ғурурини, мустақиллик ғоясини, унинг курашчиларини мафкуравий янчиш мақсадида минглаб мактабдан ташқари маърифий-

сиёсий оқартув бўлимларини очди. Ўзбек халқининг тафаккурини советлаштиришга илмий асосда ёндашув уларнинг мафкур мақсадларига тезроқ етказди: совет декретлари, партия анжуманлари, Конституция тарғиботи, қишлоқларда юриб, шўро тузуми моҳиятини тушунтиришлар, театр, концерт, кўргазма, маърузалар, кино, қироатхоналарни ишга солишди. Агитпоезд, агитпароход, клуб, “қизил чойхоналар”, сиёсий суҳбат, диспут, жанговар варақалар, “Чакмоқ”, кинолекторий каби тарғибот-ташвиқотнинг юзлаб усулларидан фойдаланиб, шўролар ҳукумати ўз мафкурасини халқимиз онгига сингдиришга ҳаракат қилди. Коммунистик мафкурага зид бўлган ҳар қандай фикр, ғоя, бадиий асар муаллифи қаттиқ таъқиб остига олинган. Яқин тарихдан сабоқ шундан иборатки, жамиятимизда тарғибот-ташвиқот фаолияти учун шундай кенг имкониятлар, ахборот воситаларининг энг замонавий технологиялари яратилганки, булардан самарали фойдаланиш орқали ҳар қандай хатарли таҳдидларга жавоб бера оладиган ёшларни вояга етказиш мумкин.

4. Жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида ҳалол меҳнат қилиб, мамлакат тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган фидоий, элга ва ватанга садоқатли, ватанпарвар инсонлар, масалан, мактаб ўқитувчиси, жарроҳ, темир йўлчи, фермер, академик, ҳайдовчи ва хоказо касб вакиллари замонамиз қаҳрамонлари сифатида юртга танитиш.

ХУЛОСА

Бунинг учун уларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид бадиий асарлар, кинофильмлар, театр асарлари, ҳужжатли фильмлар яратиш зарур. Уларнинг портретлари мактаб, коллеж, лицей, олий таълим муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари, маданият саройлари, кутубхоналар, кино ва концерт заллари фойеларида, хатто метро бекатларида бўлса, ёш авлодга ўрнак олиш, тақлид қилиш, интилиш учун имкониятлар яратган бўлар эдик. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ўз пайтида ижод аҳлига кино, телевидение ва театрларимизда замонамиз қаҳрамонлари образларини яратиш тўғрисида ниҳоятда зарур кўрсатмалар берган эди. Лекин, афсуски, бу вазифа кўнгилдагидек бажарилмади. Чунки фарзандларимиз ўзимизнинг миллий қаҳрамонларимизни билмаса, у ҳолда, четдан “қаҳрамон” излаб топади. У топган “қаҳрамон” банклардаги сейфларни очиб, пул ўмарадиган ўғрими, одам ўлдиришдан тап тортмайдиган ашаддий каллакесарми, инсонларнинг мабдағларини турли замонавий усуллар билан ўзлаштирадиган фирибгарми,



буниси энди бизга номаълум. Айтишадику, агар биз ўз фарзандларимизни ўзимиз тарбияламасак, уларни “тарбияловчилар” бир зумда топилади.

REFERENCES

1. Ramatov, J., Inoqov, K., Ismailova, S., & Khudoykulov, S. (2021). Requirements of Education of Young People with Active Citizenship. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 2(05), 1-3.
2. Ж. С. Раматов, М. Н. Ҳасанов, & Ж. Қ. Шуқуов (2022). АБУ НАСР ФОРОВИЙ НИГОҲИДА ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ МАСАЛАСИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (TSTU Conference 1), 976-979.
3. М.Н.Ҳасанов, А.А.Азимбаев, Ҳалилов Ў., & Каримов Б. (2022). АБУ НАСР ФОРОВИЙНИНГ ШАХС МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ . *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 4(3), 147–153. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/new/article/view/629>
4. Нилуфар Жўраевна Назарова (2022). ЁШЛАРДАГИ РАҚОБАТБАРДОШЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲАМКОРЛИК. *Academic research in educational sciences*, 3 (TSTU Conference 1), 570-575.
5. Ж. С. Раматов, & М. Н. Ҳасанов (2022). АБУ НАСР ФОРОВИЙНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (TSTU Conference 1), 648-653.
6. Ш.Ф.Турабоев, З.Т.Тоиров, Ж.З.Абдуллаев, Ш.М.Ғуломов, & М.Н.Ҳасанов. (2022). ФОРОВИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ АСАРЛАРИДА ИНСОННИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ. *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 4(3), 141–146. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/new/article/view/628>
7. М. Н. Ҳасанов, С. У. Бошмонов, & Т. О. Жонибеков (2022). АБУ НАСР ФОРОВИЙНИНГ ИЛМ-ФАНЛАР ТАСНИФИДА АҲЛОҚИЙ ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (TSTU Conference 1), 608-613.
8. Gafurovna, A. S. ., & Juraevna, N. N. . (2022). Issues of Formation of Information and Internet Culture at Young People. *International Journal of Development and Public Policy*, 2(6), 27–30. Retrieved from <http://www.openaccessjournals.eu/index.php/ijdpp/article/view/1422>
9. М.Н.Ҳасанов, Б.З.Зайниддинов, О.А.Абдухалилов, & Д.Д.Джурайев. (2022). МЕҲНАТДА ИНСОННИ ШАКЛЛАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ . *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 4(3), 116–123. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/new/article/view/624>
10. Отамуратов, С., Хусанов, С., & Раматов, Ж. (2002). Маънавият асослари. *Абдулла Цодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент.*



БАРКАМОЛ ВА СОҒЛОМ АВЛОД – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

Ж. С. Раматов

Тошкент давлат транспорт университети “Ижтимоий фанлар” кафедраси
мудири

М. Ҳасанов

Тошкент давлат транспорт университети “Ижтимоий фанлар” кафедраси
ўқитувчиси

ANNOTATSIYA

Мақолада Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар ва унинг жамият ҳаётида туб бурилиш даврининг ижтимоий-фалсафий моҳияти, ижтимоий аҳамияти ва инсон маънавий камолотига таъсири таҳлил қилинган ҳамда Ўзбекистонни янги босқичга олиб чиқиш омилларига бўлган эҳтиёжнинг ортиши билан боғлиқ масалалар илмий муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: Ўзбекистонни янги босқичи, омиллар, таълим ва тарбия, ёш авлод, баркамоллик, Учинчи Ренессанс.

ABSTRACT

The article analyzes the ongoing reforms in Uzbekistan and its socio-philosophical significance, social significance and impact on the spiritual development of man, as well as the growing need for factors to bring Uzbekistan to a new level.

Keywords: New stage of Uzbekistan, factors, education and upbringing, young generation, perfection, the Third Renaissance.

КИРИШ

Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда «Янги Ўзбекистон» ибораси такрор-такрор тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залворли ютуқларимизнинг эътирофи, жаҳон ҳамжамиятининг юртимизга жиддий эътиборидир. Чунки бизга мустақиллик ғояси, истиқлол руҳи тоғдек таянч бўлмоқда. Бизни илғор ниятлар, буюк мақсадлар, улкан марралар йўлида адашмасликка ундамоқда, танлаган йўлимиз тўғрилигига инонтирмоқда. Қайси соҳани олмайлик, қайси

жабҳага назар солмайлик, илгари сурилаётган халқ ташаббуси албатта қўллаб-қувватланмоқда, шароит яратилмоқда, инвестиция киритилмоқда, рағбатлантирилмоқда, бир сўз билан айтганда, халқнинг розилиги йўлида тинмай изланмоқда. Зеро, иқтисодиётни сиёсатдан, маънавиятни таълим-тарбиядан айро кўриб бўлмаганидек, «халқимизнинг улуғвор кудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айти ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас», дейди давлат раҳбари.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ҳар бир чиқишлари, маърузалари ва нутқларини биз зиёлилар доимо интиқлик билан кутамиз. Бунинг сабаби нимада? Энг аввало бу чиқишларда янги фикрлар, янги ғоялар, тараққиётимизни белгилайдиган устувор йўналишлар, Ўзбекистонни янги босқичга олиб чиқиш омиллари, шу билан бир қаторда ривожланишимизга ғов бўлаётган ҳолатлар, мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг ностандарт ечимлари аниқ, раво, содда тилда ифодалаб берилади. Мисол сифатида мустақиллигимизнинг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги[1], БМТ Бош ассамблеясининг 75-сессиясидаги[2], Конституциямизнинг 28 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги, Ўзбекистон Ёшлари форумидаги нутқлари ва ниҳоят Олий мажлисга қилган Мурожаатномани келтириш мумкин[3]. Энг муҳими - барча маърузалардаги марказий масала бу - халқимизнинг турмуш даражаси, фаровонлигини ошириш, Ўзбекистон халқига муносиб турмуш шароитини яратиш. Собиқ Иттифоқ даврида шундай шиор бўларди: ”Биздан кейинги авлод албатта коммунизмда яшайди”, яъни, бахтли ҳаёт фақат келажакда бўлади, дегани. Муҳтарам Президентимиз эса халқимиз эртага, индинга, келажакда эмас, бугун бахтли ҳаёт кечиришга муносиб, деган ғояни доимо илгари сурадилар. Шу ўринда машҳур донишманд Конфуцийнинг қуйидаги хикматини келтирмоқчиман: “Хукмдор халқни ўз фарзандидек севиши, фуқаролар эса хукмдорни ўз отасидек ҳурмат қилиб, эъзозлаши лозим”.

Мурожаатномада устувор йўналиш сифатида таълим-тарбия соҳасига алоҳида урғу берилди. Чунки ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажакини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутди. Шу мақсадда “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-

тарбия тизимидан бошланади” [3], деган ғоя асосида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчи эдим. Биз қачонки таълим тўғрисида гапирсак, албатта тарбияни ҳам қўшиб айтамыз. Сабаби таълим ва тарбия ягона, узвий жараён. Таълим бор жойда, албатта тарбия ҳам бўлади. Лекин бу масалада бошқача қарашлар ҳам бор. Яъни тарбия оилада берилади, таълим муассасаларида эса фақат таълим бериш керак, деган. Менинг фикримча, мактаб, лицей, техникум, университет ўқитувчисими, шу билан бирга у ҳам тарбиячидир. Нафақат таълим даргоҳида, балки маҳаллада ҳам, оилада ҳам. Чунки азал-азалдан қишлоқда ҳам, маҳаллада ҳам ўқитувчига муносабат, эътибор бошқача бўлган. Зиёли инсон сифатида унинг фикрларига қулоқ солишган.

Давлатимиз раҳбари “Ўқитувчи ва мураббийлар куни”да сўзлаган нутқларида шундай таъкидладилар: “Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз. Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламыз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устуни, деб ҳисоблаймиз. Мен ишонаман – ҳурматли ота-оналар бу ташаббусни албатта қўллаб-қувватлаб, янги Ренессанснинг бешинчи ҳалқаси, бешинчи устуни бўладилар”.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон Президенти томонидан Мурожаатномада келтирилган қуйидаги вазифалар профессор-ўқитувчилар жамоаси учун таълим-тарбия соҳасида туб ўзгаришларни амалга оширишдек улкан масъулият юклайди: “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунинг учун энг аввало ёш авлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўямиз” [3].

Мурожаатномада бола туғилганидан то 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун қўмак берадиган, яхлит ва узлуксиз тизим яратилиши зарурлиги таъкидланади. Чунки дунё тажрибасидан маълумки, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш учун

сарфланган сармоя жамиятга ўн, юз баробар кўп фойда келтиради[3].

Сўнгги йилларда миллий таълим тизимида сезиларли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришларни қуйидагиларда кўриш мумкин.

1. Мактабгача таълим тизими тубдан ўзгармоқда. Алоҳида вазирлик ташкил қилинди. Илгари мактабгача таълим муассасалари Халқ таълими вазирлиги тасавурида эди. Ушбу вазирлик республикамиздаги энг катта вазирлик ҳисобланарди. Болалар боғчалари, 10 мингга яқин мактаб, пединститутлар, педколлежлар ва х.з. Мактабгача таълим қамрови тахминан 17-18 фоизни ташкил қиларди. 2021 йил якуни билан мактабгача таълим қамрови 65 фоизга, 2023 йил охирида эса 75 фоизга етказилиши, қўшимча 2 мингга нодавлат боғча ташкил этилиб, хусусий сектор улуши 25 фоизга етказилиши кутилмоқда.

2. Мактаб таълимини тубдан яхшилаш учун 2021 йили 30 та янги мактаб қурилиши, 320 та мактабни таъмирлаш ва моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида бюджетдан 2 триллион сўм ажратилиши режа қилинган. Таълим сифатини тубдан яхшилаш мақсадида, аввало, ўқув дастурлари, ўқитувчи ва домлалар учун услубий қўлланмаларни илғор халқаро мезонларга мослаштириш ишлари бажарилади.

Мурожаатномада болаларнинг таҳлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун уларга сермазмун ва тушунарли дарсликлар яратиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада келгуси ўқув йилида бошланғич синфларда давлат таълим стандарти ўрнига, илғор хорижий тажриба асосида, болага ортиқча юклама бермайдиган “Миллий ўқув дастури” жорий этилади. Умумтаълим мактабларидаги таълим сифати пойтахтда ҳам, олис кишлоқларда ҳам юқори бўлиши таъминланади. Бошқа тумандаги олис мактабга бориб, дарс берадиган ўқитувчилар ойлигига 50 фоиз, бошқа вилоятга бориб ишласа – 100 фоиз устама ҳақ тўланаши кўзда тутилган. 2021 йилда 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологияларига ихтисослашган 197 та мактаб ўз фаолиятини бошлайди[3].

Рақобатбардош миллий кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш мақсадида Тошкент шаҳрида янги замонавий университет ташкил этилади. Мазкур университетда хорижлик етакчи олимлар ва профессор-ўқитувчилар жалб қилиниб, ёшларга энг замонавий дастурлар асосида таълим-тарбия берилади.

3. Олий таълимнинг қамрови ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. 2021 йилдан бошлаб олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони камида 25 фоизга оширилади. ОТМга қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар

қизлари учун грантлар сонини 2 баробарга кўпайтириб, 2 мингтага етказамиз. Кириш тестларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар талабага 4 йил мобайнида Президент стипендияси берилади[3].

Бозор муносабатлари қонуниятларига кўра, маҳсулотнинг сифатига ижобий таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан бири бу рақобатдир. Мамлакатимизда турли соҳаларда, жумладан, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, саноат, тиббиёт, фармацевтика ва хоказо соҳаларда давлат-хусусий шерикчилиги жорий қилинган ҳолда таълим тизимида мавжуд эмас эди. Энди эса мактабгача таълим, ўрта таълим, олий таълимда ҳам соғлом рақобат муҳити яратилмоқда. Хусусий боғча, мактаб, университетлар ташкил қилинмоқда. Давлат-хусусий шерикчилик асосида Қўқон нодавлат университети, “Tashkent International University” халқаро университети, Британия менежмент университети, ТЕАМ университети, Акфа университети каби нодавлат олий таълим муассасалари ташкил этилди [4, 5, 6, 7, 8, 9, 10].

ХУЛОСА

Натижада ёшларимизда танлаш имконияти пайдо бўлди. Бу эса табиий равишда таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиради. ОТМ молиявий томондан мустақил бўлаётганини эътиборга олсак, энди улар ўртасида кўпроқ ёшларни жалб қилиш учун амалий ҳаракатлар олиб борилади.

REFERENCES

1. Ш.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган нутқи. //Халқ сўзи №186 сон.2020.
2. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/3851>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.2020 йил 29 декабрь <https://www.youtube.com>
4. Ж. С. Рамагов (2022). ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИДА. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 12-17.
5. Рамагов, Ж. (1991). Гипотеза и прогноз в социальном познании (философско-методологический анализ). *Ташкент: Ўзбекистон*.
6. М. Н. Ҳасанов, С. У. Бошмонов, & Т. О. Жонибеков (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИЛМ-ФАНЛАР ТАСНИФИДА АҲЛОҚИЙ ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ.



- Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 608-613.
7. Rashid Usarovich Baratov, & Nilufar Jo.,Rayevna Nazarova (2022). YOSHLAR HAYOTIY STRATEGIYASINI SHAKLLANTIRISHDA TA'LIMNING O'RNI. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 830-833.
8. Жуманиёз Султанович Раматов (2021). БАРКАМОЛ ВА СОҒЛОМ АВЛОД – ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИНИНГ ПОЙДЕВОРИ. Academic research in educational sciences, 2 (2), 225-229. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00187
9. М.Н.Ҳасанов, Б.Ж.Бекмуратов, Б.Ш.Турғунов, & У.С.Маматқулов. (2022). ФОРОБИЙНИНГ ТАЪЛИМОТИДА ЁШЛАР ВА ИНСОН ТАЛИМ-ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ . JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS, 4(3), 124–129. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/new/article/view/625>
10. Ж. С. Раматов, & М. Н. Ҳасанов (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 648-653.
11. Abduraxmanova, X. K., Nalibayeva, Z. O., & Nazarova, N. J. R. (2022). IJTIMOYIY TARAQQIYOTGA ERISHISHDA TA'LIM MAZMUNINI TAKOMILLASHTIRISH. Academic research in educational sciences, 3(5), 1364-1370.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ

Ж. С. Рамагов

Тошкент давлат транспорт университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси
мудири

М. Ҳасанов

Тошкент давлат транспорт университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси
ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи, нинг кўрсаткичлари, диний ва сиёсий қарашлари. Инсон ҳуқуқларини миллий кўламда ҳимоя қилиш тегишли қонун ҳужжатлари ёрдамида, мустақил суд ҳокимияти орқали, ҳимоя воситаларининг яқка тартибдаги кафолатларини қонунчилик йўли билан расмийлаштириш ва амалиётга татбиқ этиши, Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва рағбатлантириш каби масалалар таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: Инсон ҳуқуқлари, виждон, шахс, мулк, сўз эркинлиги, плюрализм.

ABSTRACT

The article examines the issue of human rights in Uzbekistan, its indicators, religious and political views. Issues such as the formalization and implementation of individual remedy guarantees, international human rights treaties, and the protection and promotion of human rights were analyzed through relevant legislation and an independent judiciary.

Keywords: Human rights, conscience, personality, property, freedom of speech, pluralism.

КИРИШ

Барчамизга маълумки, сўнги тўрт йилда мамлакатимизда барча соҳалар қатори инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласида ҳам қатор ўзгаришлар кўзга ташланди. Виждон, шахс, мулк ва сўз эркинлиги, плюрализм, сиёсий қарашларнинг хилма-хиллиги ва бошқа масалаларда ижобий ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади. Бу борада қатор

халқаро рейтингларда ҳам Ўзбекистоннинг кўрсаткичлари сезиларли даражада ўзгарди. Диний ва сиёсий қарашлари боис узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилинган минглаб юртдошларимиз ўз оиласи бағрига қайтди. Узоқ йиллардан бери шу юртда яшаб келаётган ўн минглаб фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортлари топширилди. Қўшни ва қардош, яқин ва узоқ хориж мамлакатлари билан алоқалар яхшиланди. Ўзбекистон ҳар жиҳатидан яна дунё эътиборига тушди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, шу қаторда, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган. Мамлакатда инсон ҳуқуқлари соҳасини янада ривожлантириш мақсадида Президент Фармони [1] билан 2020 йилнинг 22 июнь куни Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича Йўл харитаси ҳам тасдиқланган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 2020 йил 13 октябрда қабул қилинган қарорига асосан Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашига кўпчилик овоз билан тарихда биринчи марта уч йиллик муддатга сайланди. Энди Ўзбекистон уч йил муддат мобайнида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашига аъзо 47 давлатдан бири сифатида фаолият юритади. Яқин тарихимизга мурожаат қилсак, маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейинок, инсон манфаатларига, унинг ҳуқуқ ва асосий эркинликларига олий қадрият сифатида қарай бошлади. Бунга, 1991 йилнинг 30 сентябрида Инсон ҳуқуқлари бутунжаҳон Декларацияси Ўзбекистоннинг аъзо бўлишининг ўзиёқ яққол мисол бўла олади. Чунки, ушбу ёш давлат мустақиллигининг биринчи кунлариданок ўз олдига, эркин бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришни мақсад қилиб қўйган ва бу йўлда жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиб келинган умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги тан олинган эди.

Инсон Ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро Билл инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қабул қилинган энг асосий ҳужжатлар мажмуи бўлиб, у бу соҳада кейинчалик қабул қилинган барча ҳужжатлар учун асос бўлиб хизмат қилади. Инсон Ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро Билл ўз ичига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий ҳужжатларини бирлаштирган. Бу халқаро ҳужжатлар қуйидагилардан иборатдир:

Инсон ҳуқуқларини миллий даражада ҳимоя қилиш.
XX-асрнинг иккинчи ярмида кўпгина мамлакатлар инсон

ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро шартномаларнинг иштирокчиси бўлиб қолдилар. Бу ҳужжатлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги нормаларни амалга ошириш юзасидан ҳуқуқий мажбуриятлар юклаганлиги боис мазкур соҳага оид нормалар халқаро кўламда амалга ошириладиган мажбуриятлар даражасига кўтарилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар айрим шахсларнинг ўзаро муносабатларини ҳамда муайян шахслар билан давлат ўртасидаги муносабатларни қамраб олади. Шу сабабли инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва рағбатлантириш энг аввало давлатнинг ички вазифаси бўлиб, унинг бажарилиши учун жавобгарлик ҳар бир давлат зиммасига тушади. Инсон ҳуқуқларини миллий кўламда ҳимоя қилиш тегишли қонун ҳужжатлари ёрдамида, мустақил суд ҳокимияти орқали, ҳимоя воситаларининг яқка тартибдаги қафолатларини қонунчилик йўли билан расмийлаштириш ва амалиётга татбиқ этиш, шунингдек, демократик институтлар ташкил этиш йўли билан таъминланади. Бундан ташқари миллий ва маҳаллий кўламда ишлаб чиқилиб амалга ошириладиган, маҳаллий шароитлар ҳамда анъаналар инobatга олинадиган кампаниялар ҳам борки, улар маърифий ва ахборот хусусиятга эга бўлган самарали тадбирлар тариқасида тан олинган. Инсон ҳуқуқлари миллий кўламда ҳимоя этилишини самарали тарзда амалга ошириш муаммоси жаҳонда, айниқса XXI аср бошида катта қизиқиш уйғотмоқда. Кўпгина мамлакатларда бошқарувнинг демократик шакли пайдо бўлганлиги ёки тикланганлиги инсон ҳуқуқлари ўзагини ташкил этувчи ҳуқуқий ва сиёсий асосларни таъминлашда демократик институтлар ўйнайдиган ролнинг аҳамияти катта эканлигидан далолат бермоқда. Шундай қилиб, инсон ҳуқуқларини самарали тарзда амалга ошириш энг аввало бу ҳуқуқларни рағбатлантириш ва ҳимоя этиш учун миллий инфратузилмалар яратишни тақозо этиши аниқ-равшан кўриниб турган фактга айланиб бормоқда. Кейинги йилларда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида зиммасига инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш билан боғлиқ аниқ вазифалар юклатилган муассасалар ташкил этилди. Гарчи бундай муассасаларнинг вазифалари ҳар бир мамлакатда ўзига хос бўлиб, бир-биридан фарқ қилса-да, уларнинг ҳаммаси битта муштарак мақсадга эришишни кўзлайди. Шу сабабли ҳам улар инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиш билан шуғулланувчи миллий институтлар деб юритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили. Парламент ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) институти Ўзбекистон Республикаси 1 чи Президенти ташаббуси билан Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида ташкил этилди ва 1995 йил 6 майда Олий Мажлис қарорига



биноан унинг ҳузурида Вакилнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги вазифаларни намунали амалга оширишига кўмаклашиш учун фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш Комиссияси ташкил этилди.[2]

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган ҳамда куйидагиларни назарда тутадиган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда — Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланди [3]. Демак, айтишимиз мумкинки, ҳуқуқий демократик жамият куриш билан бир қаторда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ортиб бораётганидан далолат беради. Шунингдек, Ҳозирги вақтда республикамизда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва ҳимоялаш масалалари билан шуғулланувчи бир неча идоралар мавжуд. Улардан иккитаси қонун чиқарувчи, биттаси ижроия ва яна бири ноҳуқумат органидир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи йил иш фаолиятида 1995 йилда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили органи таъсис этилди ва унинг ихтиёрида инсон ҳуқуқ ва эркинлиги билан шуғулланувчи Комиссия тузилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра Республика инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ тузилди. Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари миллий маркази давлат идоралараро таҳлил, тушунтириш ва мувофиқлаштириш органи ҳисобланади, яъни мазкур орган инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат бошқарув органлари фаолиятини мувофиқаштиради, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ишлар миллий режасини ишлаб чиқади, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича миллий маърузалар тайёрлайди, давлат хизматчилари учун эса инсон ҳуқуқлари муҳофазаси соҳасида ахборт базаси яратади, уларни ўқитади, маслаҳатлар беради, ташвиқот



ишлари олиб боради. Марказнинг асосий мақсади – устувор вазифаларни ҳар томонлама ҳал этиш йўли билан Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий фаолият дастурини – ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя этишнинг кўп жиҳатли тизимини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш, жумладан: Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш;

- Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва инсон ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилиш;
- Инсон ҳуқуқларини суддан ташқари ҳимоя қилиш тизимини яратиш;
- Турли тоифадаги шахслар ҳуқуқини ҳимоя қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- Инсон ҳуқуқларига риоя қилиш кафолати сифатида ахборот олиш эркинлигини таъминлаш;

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг кўп мақсадли тизимини – алоҳида ихтисослашган курслардан тортиб оммавий маълумот – танишув дастурларигача ташкил этиш

- Ижро ҳокимияти доирасидаги вазирликлар, қўмитилар, идоралар ва муассасаларни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш:

Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизимининг ривожланиши асосида халқаро ҳамжамиятга кириш йўллари шакллантириш.

Марказ фаолияти дастурининг ғоявий асоси – Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида баён этилган ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг умумбашарий тамойилларидир. Ҳуқуқий давлат мафкурасини ривожлантиришни илмий режалаштириш инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Миллий концепциясини яратишни кўзда тутди. Бу конвенцияда Шарқнинг кўп асрли ҳуқуқий маданияти тажрибаси, бизнинг буюк аждодларимиз турмуш тарзи анъаналари акс этиши лозим. Марказнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий концепциясини яратиш фаолияти инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳаракатлар миллий дастурининг муҳим назарий қисми, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришлар босқичининг бошланиши ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари миллий маркази давлат идоралараро таҳлил, тушунтириш ва мувофиқлаштириш органи ҳисобланади, яъни мазкур орган инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштиради, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ишлар миллий режасини ишлаб чиқади, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича миллий

маърузалар тайёрлайди, давлат хизматчилари учун эса инсон ҳуқуқлари муҳофазаси соҳасида ахборот базаси яратади, уларни ўқитади, маслаҳатлар беради, ташвиқот ишлари олиб боради [4]. Халқаро алоқалар воситалари орқали маълумотлар алмашиш; ҳамкорликда нашрлар – монографиялар, ўқув қўлланмалари, мақолалар тўплами; семинар, конференция, симпозиумлар ўтказиш; телекўрсатувлар тайёрлаш, ўқув ва илмий-оммабоп фильмлар яратиш; тезкор экспедициялар, мамлакатнинг турли ерларида жойларга чиқиб тадқиқотлар ўтказиш. Марказ ўз фаолиятини амалга оширишда қатор халқаро ташкилотлар билан; БМТ, ЕХХТ, ТАСИС, ЮНЕСКО, АҚШ, Франция, Англия, Италия элчихоналари, қатор халқаро ноҳукумат ташкилотлар ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Бундан ташқари Миллий марказ олий ўқув юртларида инсон ҳуқуқлари бўйича дарсликлар, маърузалар ва семинарлар ўтказилишини амалга оширмоқда [4].

ХУЛОСА

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик жамият қуриш билан бир қаторда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ортиб бораётганлигидан далолат беради. Мухими, аҳолининг Президент ва Халқ қабулхоналари воситасида юз бераётган ҳолатларни тўғридан-тўғри етказиш имконияти яратилди. Шунингдек, бугунги кунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг —Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги 22.06.2020 йилдаги ПФ-6012-сонли Фармони. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.06.2020
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 2004 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг —Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон Фармони



(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.

4. Раҳмонқулов Х, Раҳмонов А. Права человека: история и современность. Т., Изд. «Мир экономики и право», 1998. 213 стр.

5, А.Ўтамуродов, Х.Ю.Содиқов, Э.Б.Раимов. Инсон ҳуқуқларини ўрганиш. Услубий қўлланма – Т.: Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент - 2020. – 98 б.

6. Ж. С. Раматов, & М. Н. Ҳасанов (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 648-653.

7. Жуманиёз Султанович Раматов, & Узаков Ботир (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 834-839.

8. Abduraxmanova, X. K., Nalibayeva, Z. O., & Nazarova, N. J. R. (2022). ИТМОИЙ ТАРАҚҚИЙОТГА ЕРИШИШДА ТА’ЛИМ МАЗМУНИНИ ТАКОМИЛЛАСHTIRISH. Academic research in educational sciences, 3(5), 1364-1370.

9. М.Н.Ҳасанов, А.А.Азимбаев, Ҳалилов Ў., & Каримов Б. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ШАХС МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ . *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 4(3), 147–153. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/new/article/view/629>

10. Ж. С. Раматов, & М. Н. Ҳасанов (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 648-653.

11. М.Н.Ҳасанов, Б.Ж.Бекмуратов, Б.Ш.Турғунов, & У.С.Маматкулов. (2022). ФОРОБИЙНИНГ ТАЪЛИМОТИДА ЁШЛАР ВА ИНСОН ТАЛИМ-ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ . *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 4(3), 124–129. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/new/article/view/625>

12. Ramatov, J., Inoqov, K., Ismailova, S., & Khudoykulov, S. (2021). Requirements of Education of Young People with Active Citizenship. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 2(05), 1-3.

ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ТРЕМАТОД В УСЛОВИЯХ ЮЖНОГО ПРИАРАЛЬЯ

Злиха Барлыкбаевна Тореева

Ассистент, Каракалпакский институт сельского хозяйства и агротехнологий. Г. Нукус

Куандык Кутлымурат улы Есемуратов

Ассистент, Каракалпакский институт сельского хозяйства и агротехнологий. Г. Нукус

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются экологическое значение трематод, которое паразитирует в водных организмах, обитающих в бассейнах Приаралья. В основе современных исследований паразитологии лежит определение видового состава, изучение жизненных циклов, динамики популяций паразитов, их распространения.

Ключевые слова: флора, фауна, экосистема, земледелие, потенциал, биоценоз

ВВЕДЕНИЕ

Проблема сохранения биологического разнообразия приобретает все большую актуальность в связи с усиливающимся процессом антропогенного преобразования человеком природных экосистем, в результате которого исчезает с лица Земли все большее число видов флоры и фауны.

Интенсивное земледелие привело к усилению эксплуатации природных ресурсов и к серьезному вмешательству человечества в окружающую среду. В настоящее время в интенсивно осваиваемых ландшафтах Южного Приаралья почти не осталось природных экосистем, не затронутых антропогенной деятельностью.

ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

В настоящее время в Южном Приаралье складывается экстремальная экологическая ситуация из-за высыхания Аральского моря.

Ухудшение экологической ситуации приводит к нарушению условий обитания беспозвоночных и позвоночных животных, изменению и разрушению

исторически сложившихся связей между паразитами и их хозяевами, вовлечению человека в не свойственные ему ранее паразитарные системы.

Паразитические организмы – неотъемлемая часть естественных биоценозов и всего живого на Земле. Среди паразитов трематоды относятся к наиболее интенсивно изучаемым объектам фауны водных и наземных биоценозов.

Паразитологический потенциал Южного Приаралья очень высок: в регионе велико разнообразие фауны беспозвоночных и позвоночных животных – промежуточных и окончательных хозяев паразитов, высока их численность. Немаловажную роль в реализации жизненных циклов трематод играют и гидрологические условия региона – Южного Приаралья, которая богато многочисленными озерами и водоемами.

В основе современных исследований паразитологии лежит определение видового состава, изучение жизненных циклов, динамики популяций паразитов, их распространения.

Некоторые виды трематод паразитируют в организме человека и животных, причиняя серьезный вред здоровью людей, животноводству, птицеводству, рыбному хозяйству и др. Поэтому изучение трематод перспективно с точки зрения их эпидемиологического и эпизоотологического значения в природных, антропогенно нарушенных экосистемах.

Трематоды относятся к наиболее интенсивно изучаемым объектам фауны водных ценозов.

Трематода обширная группа паразитических плоских червей, объединяющая до более 5 тысячи видов и более трехсот родов.

Класс Trematoda состоит из 2-х подклассов: Viscerhalidea и Prosostomidea. Представители подкласса Viscerhalidea часто локализуется в кишечниках рыб, например, как, щука, аральская плотва, краснопёрка, лещ, сом окунь и судак. Промежуточными хозяевами являются водные моллюски. Найдена в дельте Амударьи.

Паразиты подкласса Prosostomidea часто встречаются в кишечнике проходных и пресноводных рыб. Промежуточным хозяином являются моллюски, а дополнительные веслоногие рачки. Распространены в низовьях реки Амударьи.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Трематоды представляют огромное экологическое значение. Паразитируют во всех органах домашних и

диких животных, вызывая серьезные завоевания и наносит социально-экономический ущерб. Комплексное исследование экологии трематод представляют огромный интерес для разработки научно обоснованных профилактики трематодозов у животных.

REFERENCES

1. Догель В. и Быховский Б. Фауна паразитов рыб Аральского моря. Паразитология. ЗИН АН СССР. т. IV. Л., 1934.
2. Османов С. О. К познанию паразитических простейших рыб Узбекистана. "Вестник Каракалпакского филиала АН УзССР", 1963,
3. Скрябин К.И. Методы полных гельминтологических вскрытия позвоночных включая и человека. - МГУ, 1928. - 45с.
4. Шакарбаев Э.Б., Акрамова Ф.Д., Азимов Д.А. Трематоды – паразиты позвоночных Узбекистана (структура, функционирование и биоэкологии). - Ташкент, Chinor, 2012. - 193с.



МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР –ЖАМИЯТИМИЗ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ж. С. Раматов

Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири

М. Ҳасанов

Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мамлакатимизнинг янгиланиши жараёнида ва бугунги пандемия шароитида маънавий қадриятларнинг жамият барқарорлиги ва ёшлар тарбиясига таъсири масалалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: жамият барқарорлиги, маънавий қадрият, маънавий тарбия, оила тарбияси, ёшлар камолоти.

КИРИШ

Маълумки, 2022 йил бошланишидаёқ инсоният учун катта, оғир, мусибатли, қачон тугаши номаълум бўлган синовлар даври бошланди. Дунё олдида кишилиқ тарихида умуман учрамаган глобал муаммо, яъни барча давлатлар ва халқлар манфаатларига дахлдор бўлган, инсоният келажагига жиддий хавф туғдирадиган муаммо вужудга келди.

Ҳозирги кунга келиб, барча давлатлар, халқлар ва миллатларнинг асосий ташвиши янги пайдо бўлган офатни –коронавирус балосини даф этишдан иборат бўлиб қолди. Жамият ҳаётининг барча соҳалари издан чикди. Иқтисодиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, хуллас ҳамма йўналишларда катта муммолар юзага кела бошлади. Мутахассислар фикрича, ҳозирги кунда “айбдорни” топиш, вирус пайдо бўлиш манбаси ва тарқалиб кетиш воситаларини излашга беҳуда вақт сарфлашнинг зарурати йўқ. Асосий эътибор унинг давосини топиш, касаликка чалинганларни зудлик билан даволаш, вируснинг тарқалиб кетиш доирасини максимал даражада камайтиришга қаратилмоғи лозим.



АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Муҳтарам Президентимиз Мирзиёев Ш.М. раҳбарлигида давлатимизда коронавирусни бартараф этиш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва бу ҳолат ўзининг ижобий самараларини бермоқда.\

Лекин шу билан бир қаторда халқимиз орасидаги “ҳар ёмоннинг ҳам бир яхшиси бор”, “ҳар бир нарсанинг ўз ҳикмати бор” ибораларида ҳам қандадир ҳақиқат борлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Пандемия туфайли карантин ҳолатининг жорий қилиниши натижасида Ўзбекистонда аҳамияти пасайиб бораётган баъзи кадриятларимизнинг асл ҳолига келиш жараёнини кузатиш мумкин.

Халқимизнинг асосий вақти энди уйда бўлганлиги боис “оила” деб номланувчи миллий кадриятимиз ўзининг том маънодаги моҳиятига қайтмоқда. Албатта, ҳар бир инсон оилада камол топади. Шунини айтиш жоизки, инсоннинг онгини ва дунёқарашини шакллантиришга оиладаги муҳит ва ўзаро шахсий муносабатлар катта таъсир кўрсатади.

Тарбия қанчалик юксак даражада бўлса, фуқароларнинг жамиятдаги масъулияти ва фаоллиги шу даражада кенг қамровли бўлади. Демак, фуқаролик жамиятини барпо этишда оиланинг роли беқиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Коституциясининг 63-моддасида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга” деб белгиланган. Ўзбекистон Файласуфлари Миллий жамияти томонидан нашр қилинган “Маънавият: асосий тушунчалар изохли луғати”да Оила тушунчаси қуйидагича таърифланган: “Оила – эр–хотинлик иттифоқига, қариндошлик алоқаларига, умумий хўжалик юритадиган эр ва хотин, ота– она ва болалар, ака – ука ва опа– сингиллар, бобо–бувилар ва бошқа қариндошлар ўртасидаги муносабатларга асосланган кичик ижтимоий гуруҳ, жамиятнинг асоси, давлат қудратининг манбаи”.

Инсон тақдири, унинг жамиятдаги ўрни, ҳаёти ва меҳнат фаолиятидаги эришган ютуқлари, шу билан бирга мувофақиятсизликлари ҳам унинг оиласидаги маънавий-руҳий ҳолатга боғлиқ. Бу эса ўз навбатида, жамиятнинг маънавий-руҳий ҳаётига таъсир қилади. Чунки, ҳар бир инсон – оила аъзоси, оила эса жамиятнинг ажралмас қисмидир. Инсоннинг баркамоллиги ва жамиятдаги тутган ўрни – оила тарбияси, у камол топган ижтимоий муҳитдан қувват олади.

Оилаларнинг мустаҳкамлиги жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, миллий хавфсизлигини, унинг равнақи, тараққиётини белгиловчи ҳал қилувчи омил ҳисобланади.



Ҳозирги вақтда оилалар мустаҳкамлигини таъминлашнинг асосий йўли бўлган ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласи ҳеч кечиктириб бўлмайдиган, жиддий ёндошишни талаб этувчи давлат миқёсидаги долзарб масаладир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 15 июнда “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқида “Турмуш курган ёшлар орасида ҳаётни енгил-елпи тасаввур қилиш, оила муқаддас эканини тушуниб етмаслик ҳолатлари ҳам, афсуски, учраб турибди. Ёш оилалар орасида арзимас сабаблар билан ажралишлар кўпайиб бормоқда. Бегуноҳ болалар етим бўлиб, меҳр ва эътиборга энг ташна вақтида ота-она тарбиясидан четда қолмоқда” деб таъкидлагани бежиз эмас.

Мамлакатимизда ажралишлар сонининг ошиб бораётганлиги оила институтини мустаҳкамлаш, ажралишларни олдини олиш ва ёшларни никоҳга тайёрлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиш заруратини юзага келтирмоқда. Бу борада мамлакат аҳоли сонининг ўсиши билан бир қаторда ажримларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларга қарамасдан оилавий ажримлар сонининг ошаётганлиги ташвишли ҳолатдир. Никоҳдан ажралишлар асосан 20-35 ёш орасидаги фуқаролар томонидан амалга оширилаётганлиги ўз навбатида, ёшлар онгида оила ва унинг муқаддаслиги ҳақидаги тушунчаларнинг саёзлашиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам ёшларни оила-никоҳ муносабатларига тайёрлаш муҳим вазифа сифатида ўзини намоён этади.

Мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан хотин – қизларнинг маънавий–маърифий, ижтимоий–иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларда фаол иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратилди. Хотин – қизлар ва болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, оила ва жамиятнинг ижтимоий–сиёсий, иқтисодий ҳаётидаги ролини ва мавқеини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор Фармонлари ва ҳукумат Қарорлари қабул қилинди, Давлат дастурлари ишлаб чиқилди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 2 февралдаги ПФ5325-сон Фармонида мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, ажралишларни олдини олиш ва ёшларни никоҳга тайёрлашга катта эътибор бериш зарурати ва бу борада амалий чора-тадбирлар белгилаб берилганлиги аҳамиятлидир.

2018 йил 26 март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг —Оила институтини мустаҳкамлаш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этиш тўғрисида 230-сон қарори қабул қилинди. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли ҳолатларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий ва психологик асосларини ўргатиш, ажрашишларнинг олдини олиш ҳамда оиладаги маънавий ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш махсус ўқув курсларининг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Ушбу ҳужжатларда оила институтини рағбатлантириш, унинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш назарда тутилган бўлиб, улар юртимиздаги ҳар бир ота-онанинг зиммасига улкан масъулият юклайди. Бу жиҳатидан, ҳар бир оиланинг энг асосий вазифаси, энг аввало, фарзанд тарбиясидир. Бунинг тарихи инсониятнинг энг қадимги даврларига бориб тақалади. Азал-азалдан аёлларнинг бирламчи иши бу оилага қараш, уй юмушларини бажариш, болалар тарбияси ва хоказо.

Лекин цивилизация деймизми, илм-фан тараққиёти деймизми, жамиятларнинг ривожланиши деймизми, факт шундаки, секин-аста оиланинг асосий функцияси бўлган фарзанд тарбияси унинг асосий иши бўлмай қолди. Тарбия билан энди боғча, мактаб, коллеж, лицей, Ёшлар иттифоқи ва хоказолар шуғуллана бошлади. Лекин шуни очиқчасига тан олиш керакки, ҳеч бир энг яхши, барча қулайликларга эга бўлган энг замонавий боғча ҳам болани ўз онасидек тарбиялай олмайди. Хаттоки педагогика, болалар психологияси билан кучли қуролланган энг мохир боғча опа ҳам онанинг ролини тўлиқ бажара олмайди.

Мен бу ерда асло мактабгача таълим муассасаларининг бола тарбиясидаги, унинг шахс бўлиб шаклланиши, ҳаётга тайёрлашдаги ўта ижобий жиҳатларини инкор этмоқчи эмасман. Лекин оила бу оила, боғча бу боғча. Гап бошқа томонда. Шу пайтгача оиланинг барча аъзолари турли-туман ташвишлар, юмушлар билан банд эди, яъни кимдир давлат ишида, кимдир тадбиркорлик билан болалар боғча, мактаб, институтда ўқишлари ва хоказо. Ҳеч кимнинг ортиқча вақти ҳам, имконияти ҳам мавжуд эмас. Замон шиддат билан ривожланиб, ҳамманинг тезкор ҳаракатларини талаб қилмоқда эди. Баъзи ота-оналарни одатда боғча ёки мактабни танлашда унда “продленка” бор-йўқлиги қизиқтиради. Яъни эрталаб соат 8 дан то кечки 19 гача боланинг ўша муассасада бўлиши уларни бемалол ўз ишлари билан шуғулланишга имкон беради. Шанба, якшанба



кунлари-чи? Бу кунлар одатда уй хўжалиги билан боғлиқ ишлар, бозор-ўчар, кейин биласиз кўп оммавий тадбирлар, масалан, тўй, юбилей, туғилган кун, шунингдек, эркакларнинг гаплари ҳам айнан шу кунларга тўғри келади. Демак, юқорида таъкидлаганимиздек оила ўзининг асосий функциясини бажармаяпти.

Коронавирус туфайли вазият тубдан ўзгарди. Энди ота-оналар ўз фарзандлари билан яқиндан бевосита мулоқотда бўлишга, уларнинг ҳаётлари, қизиқишлари, орзу-хаваслари, муаммолари ва хоказолар билан шуғулланишга етарлича имконитга эга бўлдилар.

“Қадрият” тушунчаси кундалик турмушда, оммавий ахборот воситаларида қадр бор нарса, воқеа, ҳодиса, хусусиятларга нисбатан ишлатилиб келинмоқда. Биз юқорида оилани миллатимизнинг муҳим аҳамиятга эга қадрияти сифатида эътироф этдик. Шунингдек инсон учун албатта унинг биринчи навбатда соғлиги, тинчлиги, ота-онаси, фарзандлари, Ватани, ёр-дўстлари, касби-кори қадрлидир. Шу нарсага эътибор қаратиш керакки, бирор нарсанинг қадр у йўқлигида билинади. Соғ-саломат бўлсангиз ҳеч нарсага эътибор қилмайсиз. Мабодо бемор бўлсангиз, масалан тишингиз оғриб қолса, кўзингизга ҳеч нарса кўринмайди. Фақат тезроқ тузалиб кетишни ўйлайсиз. Киши кексайиб, ёши бир жойга борганда, ёшлигини кўмсайди: “Қани энди хозир бўлсам, уни ундай қилардим, буни бундай қилардим”, деб. Афсуски, бунинг иложи йўқ. Инсон, хом сут эмган банда, ҳеч қачон бор нарсанинг, олдидаги нарсанинг қадрига етмайди. Хозирги вазиятга келадиган бўлсак, яқиндагина биз ҳеч нимани ўйламасдан бемалол ишга, ўқишга, театрга, концертга ва хоказо жойларга борардик. Биз кундалик ҳаётимизга шунчалик ўрганиб қолган эдикки, ҳар доим шундай бўлади, деб ўйлаб, ҳаётимизга ҳеч қачон вазият ўзгариши мумкин, олам остин-устин бўлиб, барча уйда қолиши, ҳамма корхона, ташкилот, муассасалар фаолиятини тўхтатиши, ҳатто миллий ёки халқаро миқёсда ўтказиладиган тадбирлар, масалан, Наврўз байрами, Токио-2020 олимпиадаси, Москвада Қизил майдонда Ғалабанинг 75 йиллигига бағишлаб ўтказилиши режалаштирилаётган ҳарбий парад, Хаж-20 ва бошқа қатор анжуманлар, фестиваллар, танловлар бекор қилиниши мумкин, деган фикрлар келмас эди.

Натижада нима бўлди: боғчадан, мактабдан безор бўлган болалар энди уларнинг қадрига етаяпти, қачон карантин тугаб, тезроқ боғча, мактабга боришни, қадрдон боғча опа ва ўқитувчиларини кўришни орзу қилишяпти.

Шу ўринда Ғарб давлатлари халқлари билан Шарқ халқларининг карантин шароитини, чекловлар ҳолатини қандай бошдан кечиришлари билан ҳам бир-бирларидан фарқ



қилишини кўриш мумкин. Маълумки, Ғарб кишисига ўзини кўпроқ ўйлаш, фақат ўзи ҳақида қайғуриш, индивидуаллик, худбинлик хусусиятлари хосдир. Улар фикрича, ҳаёт Аллоҳи Таоло томонидан фақат унга берилган ва бу ҳаётни қай тарзда ўтказиш фақат унинг ўзигагина боғлиқ. Атрофдагилар, кўни-кўшни, ҳамкасбларнинг унинг ҳақидаги фикрлари уни умуман қизиқтирмайди, яъни уйланиш ёки бўйдоқ юриш, нима еб, қандай кийим кийиши, қандай уйда яшаши, қандай машинада юриши – булар унинг шахсий иши. Ҳар ким ўзи учун яшайди. Ҳеч кимнинг бу масалаларга аралашшига ҳаққи йўқ.

Шарқ халқларига эса кўпроқ жамоавийлик хусусиятлари хосдир. Кўпгина тадбирлар жамоа иштирокида ташкил қилинади. Масалан, олдинги пайтларда биронта ҳам одам қурувчиларни ёллаб, уй қурмас эди. Оммавий ҳашар эълон қилинади ва барча инсонлар келиб, биргаликда, иш ҳақи олмасдан уйни тиклашади. Иморат қуриш барчанинг олдида турган вазифа бўлганлиги учун одамлар оғринмасдан келиб ҳашарда қатнашар эдилар. Ҳашар қилиб ариқлар қазилар, боғ-роғлар барпо қилинар, масжид, мадраса, кўприклар қурилар эди. Бу азал-азалдан давом этиб келган. Тўй-ҳашам, турли хил маросимлар биргаликда ўтказилар эди. Бировнинг ахлоқсизлик қилган боласига танбеҳ бериш одатий ҳол бўлган. “Бир болага етти маҳалла ота-она”. Кўни-кўшнилари, қариндош-уруғлар билан муносабатларда ҳам самимийлик, бағрикенглик, тотувлик, оқибатлилиқ каби хислатлар устувор эди.

ХУЛОСА

Минг йиллик кадрятларимиз негизида ҳаётимиз осойишталиги ва барқарорлигини таъминлаш ётади. Бугунги синовли кунларда маърифатли миллат сифатида зарурат туфайли жорий этилган карантин қоидаларига сўзсиз риоя қилсак, юзага келган бўш вақтимизни эса фарзандларимиз тарбиясига сарфласак икки карра ютган бўламиз. Ҳозир ягона мақсад йўлида бир тан-у, бир жон бўлиб жипслашиб, халқ сифатида карантин талабларига риоя қилиб, аввало ўзимизга, қолаверса Ҳукуматга кўмак беришимиз мумкин. Зеро, маърифатли халқларгина ҳар қандай синовни ақл ва сабот билан енгиб ўтади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2016.
2. “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳа ривожини янги босқичга кўтариш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. - Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил



3. Ш.М.Мирзиёев. “Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси, 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар дастури. - Тошкент, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш, юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент.:Ўзбекистон, 2017. – Б. 25.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сиссиясидаги нутқи. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, <http://www.president.uz/uz/lists/view/>. //
6. А.Г.Муминов. Миллий сиёсат ва маданий соҳадаги ислохотлар. –Тошкент.: «Академиа», 2010. – 193 б.
7. Жуманиёз Султанович Раматов (2021). БАРКАМОЛ ВА СОҒЛОМ АВЛОД – ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИНИНГ ПОЙДЕВОРИ. Academic research in educational sciences, 2 (2), 225-229. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00187
8. Миршод Нўмонович Хасанов (2022) АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИНСОННИ АҲЛОҚИЙ КАМОЛОТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-ТАРИХИЙ МАНБАЛАРИ. Academic Research in Educational Sciences, 3 (6), 776-784.
9. Gafurovna, A. S., & Juraevna, N. N. (2022). Issues of Formation of Information and Internet Culture at Young People. International Journal of Development and Public Policy, 2(6), 27-30.
10. Ж. С. Раматов, & М. Н. Ҳасанов (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 648-653.
11. М. Н. Ҳасанов, С. У. Бошмонов, & Т. О. Жонибеков (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИЛМ-ФАНЛАР ТАСНИФИДА АҲЛОҚИЙ ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 608-613.
12. Rashid Usarovich Baratov, & Nilufar Jo.,Rayevna Nazarova (2022). YOSHLAR HAYOTIY STRATEGIYASINI SHAKLLANTIRISHDA TAʼLIMNING OʻRNI. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 830-833.
13. М.Н.Ҳасанов, А.А.Азимбаев, Ҳалилов Ў., & Каримов Б. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ШАХС МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ . JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS, 4(3), 147–153. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/new/article/view/629>



ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПРАКТИКА – ВАЖНЫЙ ЭТАП В ПОДГОТОВКЕ БУДУЩИХ БАКАЛАВРОВ РУССКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ

Д. С-Б. Файзуллаев

Профессор кафедры русского языка и литературы Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области

АННОТАЦИЯ

В статье педагогическая практика – важный этап в подготовке будущих бакалавров русского языка и литературы обсуждается.

Ключевые слова: педагогика, язык, педпрактика, урок, студенты.

ВВЕДЕНИЕ

Чирчикский государственный педагогический институт подготовил за пять лет своей деятельности второй состав будущих учителей по разным направлениям.

По учебному плану студенты факультета гуманитарных наук кафедры русского языка и литературы на 3 и 4 курсах должны пройти пассивную и активную педагогическую практику в образовательных учреждениях Ташкентской области. Педпрактика, как мы должны должны понимать, является очень важным этапом профессиональной подготовки будущих бакалавров. В этот период студент, совместно с методистом и учителем, подготавливает и проводит, а также наблюдает и анализирует на 3 курсе ряд уроков и внеклассных мероприятий, связанных с деятельностью классного руководителя – предметника. В ходе педагогической практики студент должен проявить достаточную самостоятельность в решении практических задач учебного процесса в школе. Практикант, в соответствии с требованиями государственного стандарта, должен уметь применять и закреплять теоретические и практические знания, полученные на занятиях в институте, овладеть профессиональными навыками, установленными квалификационной характеристики.

ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

Основными целями педагогической практики на 3 и 4 курсах является:

а) формирование профессиональных навыков и умений учителя русского языка и литературы и классного руководителя. Он должен уметь организовать учебный



процесс и воспитательную работу в классе, свободно владеть учебным материалом, методически правильно строить уроки и одно из важных звеньев – обладать коммуникативными способностями.

О целях и задачах педагогической практики подробно изложено на обложке дневника. Но при беседе с практикантами я убедился, что большинство из них не читали, так как нет перевода. Желательно, для факультет русского языка и литературы их перевести.

б) Студенты обязаны посещать уроки учителей-предметников, их анализировать совместно с методистом; изучить программы, учебники, провести анализ дидактических материалов кабинета русского языка и литературы, а также планы методического объединения предметников.

в) Необходимо уметь отбирать учебный материал к уроку, проводить структурно-функциональный анализ учебного материала, определить цели урока (образовательный, развивающий, воспитательный); планировать учебную и воспитательную работу, разрабатывать и составлять тематические, поурочные планы и реализовывать их на практике; проводить внеклассные мероприятия по предмету по самостоятельно разработанным планам; разнообразить типы и формы проводимых уроков с вовлечением учащихся в активную деятельность на уроке и др.; составить план внеклассной работы на весь период педпрактики и составлять характеристику на ученика.

На весь период педпрактики необходимо на каждую неделю составлять задания: I неделя; II неделя; III неделя и т.д.

С самого начала педпрактики студент ведет дневник с записью после каждого дня занятий.

- Беседа практиканта с классным руководителем, закреплённым за студентом класса, ознакомление с планом внеклассной работы класса, изучение документации класса (классный журнал, личные дела учащихся)

- Беседа с учителем русского языка и литературы, обсуждение календарного плана уроков и внеклассных мероприятий практиканта на период педпрактики, учебников по которым работает учитель;

- Посещение уроков русского языка и литературы, знакомство с методикой проведения уроков учителями и их анализ, выявление интереса учащихся к предмету, степень подготовленности к уроку, наблюдение за техникой проведения урока, темп речи, умение управлять вниманием и дисциплиной учащихся, педагогический такт, культура речи учителя;

- Практикант обязан посещать уроки по всем предметам своего класса с целью знакомства с учениками и их проведением на различных уроках, анализ уроков;
- Составление общих планов работы (тематический план уроков, внеклассной работы, план работы по классному руководству с утверждением учителем русского языка и литературы и классным руководителем);
- Практикант обязан оформить дневник практики со всеми требованиями;

Такие задания с посещением уроков предметников и самостоятельным проведением уроков с анализами должны быть каждую неделю и необходимо их разнообразить и др.

Каждый уроки внеклассное мероприятие, проведенные студентом, должны быть утверждены учителем или классным руководителем, их анализ должен быть зафиксирован.

Тщательно продуманные сценарии урока, отработанный по нему конспект или план помогут избежать типичных ошибок при его реализации.

Практикант, посетивший урок учителя, должен обратить внимание на логику в объяснении нового учебного материала, на объяснение учителем сложных явлений в учебном материале, событий и др.

Как учитель работает на доске (схемы, таблицы, графики, алгоритмы понятий и др.) как используются наглядные средства обучения, фрагменты фильмов, видеоматериалы и др., использование методических приёмов активизации познавательной деятельности учащихся и методические приёмы организации учёта, проверка знаний учащихся и др.

Основное место в практике студентов занимает подготовка и проведение уроков. Практикант должны знать цели в соответствии с этими цели образования в школе, вызывать интерес у учащихся к предмету (русский язык и литература).

В период педагогической практики, студент должен прослушать и проанализировать определенное количество уроков на пассивной практике, а во время активной практики провести уроки под наблюдением методиста и учителя-предметника.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Урок – практиканта оценивается учителем-предметником или методистом по следующим критериям:

- Разработка и подготовка урока;



- Реализация плана урока;
- Контакт практиканта с учащимися во время урока.

Урок практиканта оценивается по критериям, разработанным на кафедре:

На “5”, если: реализация целей урока соответствует плану-конспекту; урок хорошо подготовлен, студент проявил самостоятельность, структуры и виды работы соответствуют цели урока, правильно дозировано время на виды работ, свободно владеет материалом, вызывает интерес учащихся, использует наглядности, ТСО и др.

На “4”, если: не допущены грубые ошибки в проведении урока, встречаются ошибки в дозировке времени урока, урок заканчивается после звонка;

На “3”, если: мало самостоятельности практикантом, не осмысление материала урока; привязан к конспекту урока, плохо активизирует учащихся;

На “2”, если: составил конспект-урока, но не подготовлен к нему, допускает речевые ошибки при объяснении и методические ошибки, не было контакта с учениками, урок носил формальный характер и др.

REFERENCES

1. Ахмедова Л.Т., Кон О.В., “Практикум по методике преподавания русского языка”. Ташкент, 2006.
2. Ахмедова Л.Т., Кон О.В., “Методика преподавания литературы”. НОФУ, Ташкент, 2009.
3. Полат Е.С., “Новые педагогические технологии”. Пособие для учителей. М., 1997.
4. Смелкова З.С., “Современный урок русского зыка и литературы”. Москва, 1990.

МЕДИАМАДАНИЯТ ВА АХБОРОТДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Ж. С. Рамагов

Тошкент давлат транспорт университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси
мудири

М. Ҳасанов

Тошкент давлат транспорт университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси
ўқитувчиси

Н. Ж. Назарова

Тошкент давлат транспорт университети, Ижтимоий фанлар кафедраси катта
ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада ахборотлашган жамиятда таълим тизимида ахборотни тез ва сифатли айланишини таъминлаш мамлакат тараққиёти ва равнақининг бош мезонига айланаётганлиги, таълим соҳасида ахборотлардан унумли фойдаланиш зарурлиги таҳлил этилган. Глобаллашув жараёнида шахс ахборот истеъмоли ва унда таълим-тарбия жараёни, ахборот хавфсизлик маданиятини ошириш муаммолари ёритилган.

Таянч сўзлар: медиамаданият, ахборот, компьютер технологиялари, модернизация, оммавий маданият, ахборотлашган жамият, ахборот хавфсизлик маданияти.

КИРИШ

Инсоният ҳозирги даврда ахборотлаштириш соҳасида жиддий ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Бу ўзгаришлар ахборотлаштириш, телекоммуникация ва компьютер технологиялари конвергенцияси негизида ахборотни узатиш ва истеъмолчига етказиб беришнинг энг замонавий ва самарали воситаларини ривожланиши билан белгиланади. Зеро, олий таълим муассасаларида таълим тизимида ахборотни тез ва сифатли айланишини таъминлаш мамлакат тараққиёти ва равнақининг бош мезонига айланмоқдаки, бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашларни

ҳамда ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол таълим ишларини олиб боришдан иборат. Айниқса, COVID-19 пандемияси муносабати жорий этилган каратин чоралари туфайли таълим тизимида онлайн ўқитилишнинг жорий этилиши сифатли ахборот ва медиамаданиятни шакллантиришни янада долзарблаштирди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Инсоният тарихига назар солсак, у ахборотлашган жамиятга қадар бўлган узок тарихий вақт оралиғидаги йўлни босиб ўтган ва бу йўлда кўплаб ривожланиш босқичларидан ўтилган ва “Энг қадимги давр”, “Қадимги давр”, “Ўрта асрлар”, “Ҳозирги замон” каби иборалар қўлланса-да, ҳеч қачон инсониятнинг ахборотга нисбатан эҳтиёжи камайиб қолмади. Асрлар ўтган сари, ахборотнинг кўлами кенгайиб, соҳалар бўйича ҳажми ҳам ошиб, уни қиймати ва маданий аҳамияти ортиб бораверади.

Ҳозирги кунда компьютер технологиялари ҳаётимизнинг барча соҳаларига жадаллик билан кириб бормоқда: фан, таълим, маданият ва ишлаб чиқаришда компьютер технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Бугун компьютер ҳисоблаш, ёзиш, ўқиш, ўрганиш, гапириш, сақлаш, чизиш, қайта ишлаш, саралаш, мусиқа ёзиш, ахборотни олиш ва уни тарқатиш, дизайнерлик каби имкониятлари билан одамлар ҳаётига яқинлашди.

Бугунги замонавий гуманитар фанлар, хусусан фалсафа, маданиятшунослик, психология кабиларда медиамаданият ва ахборот концептини ўрганишга эътибор қаратилмоқда. Жумладан, “Маданиятшуносликда медиа маданият 20-асрда оммавий ахборот воситалари таъсири остида пайдо бўлган ва шаклланган замонавий Ғарб капиталистик жамиятини англатади”[1]. Бу атама оммавий ахборот воситалари (асосан телевидение, шунингдек, матбуот, радио ва фильм) нафақат жамоатчилик фикрига, балки дид ва кадриятларга кўрсатадиган умумий таъсир ва интеллектуал таъсирни англатади.

Тадқиқотчи М.Р.Файзиеванинг фикрича, “Таълим ҳамма вақт замон талабларига мос бўлиши керак. Ҳозирги замон талаби таълим беришнинг янгича муҳитини яратиш, янги ахборот ва инновацион технологиялардан, техник воситалардан фойдаланиб, дунёнинг ихтиёрий нуқтасида билим олишни ташкил этишдан иборатдир”[2.14].

Ахборот коммуникацион технологияларининг ривожланиш ҳолати биринчи навбатда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятига, жумладан таълим соҳасининг

ривожланишига боғлиқ. Бугунги кунда таълим мазмуни ва сифати масалалари жамиятда устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида таълимни ахборотлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда, таълимни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш йўллари изланмоқда. Таълим беришда интернет технологиялари, компьютер технологиялари, телекоммуникацион технологиялар, мобил технологияларидан фойдаланиш очиқ таълим тизимининг муҳим бўғини сифатида кенг қулоч ёймоқда [3. 73-74].

Ахборот турли восита ва йўллар билан истеъмолчига етказилади, етказувчи истеъмолчиларни ахборотга бўлган талабини, қизиқишини инобатга олган ҳолда ўз фаолиятини давом эттиради. Аслида истеъмолчилар ҳар қандай ахборотни субъектив тарзда “Керакли”, “Керак бўлиб қолар” ва “Аҳамиятсиз” каби “саралаш мезонлари” асосида гуруҳларга ажратишлари мумкин. Ахборот узатувчи эса, “ўз муштарийлари”га эгалик қилиш учун хабарларни психологик элементларига кўпроқ эътибор қаратадилар. Бу хусусият кўпроқ дам олиш вақтида мутолаа этадиган манбаларда кузатилади. Бу турдаги ахборотлардан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик эса, фақатгина ахборот маданиятига эгалик даражаси билан белгиланади. Мазкур ҳолат ўз навбатида фаолиятда (жумладан педагогик) ахборот маданиятига эга бўлишни тақозо этади. Таъкидланишича, “жамиятда инсонни ишлаб чиқаришдаги фаолият маҳсулини аҳамиятининг ортиб бориши билан ахборот маданияти умуминсоний тараққиётга катта таъсир кўрсатади”[4.63]. Жамият ҳаётини ривожланишини маълум этишда ахборот мобиллаштирувчи, йўналтирувчи каби функцияларни ҳам бажаради. Шу сабабли бўлса керакки, Ю.Очерет “Жамиятдаги ҳар қандай ривожланишни етарли ривожланмаган ахборот маданиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ундан ташқари, ахборот воситалари техник таъминот имкониятларининг кенгайиши билан, ҳаётнинг ҳар бир соҳасида ахборот маданиятининг роли ва ўрни ошди”[5] -деб таъкидлаган. Демак, бугунги кундаги асосий вазифа ёшларда ахборотдан фойдаланиш маданияти шакллантиришдир [6,7,8,9,10,11,12,13,14,15,16,17,18,19,20,21].

ХУЛОСА

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларни берамиз:

ахборот, бу кечаётган жараён (воқеа, ҳодиса) билан таништириш учун, уларнинг динамикаси ҳақида тасаввурни шакллантиришда қўлланиладиган шартли белгиларнинг

мажмуасидир. Ахборот, ўзида жараёни туп моҳиятини, мазмунини ифодалай олади. Шу боис бундан самарали фойдаланиш ва таълим тизимида медиамаданиятни шакллантириш мақсадга мувофиқ;

мутахассислик фан ўқитувчиларида медиамаданиятни юксалтириш, ахборотларни фойдалисини танлаш, саралаш ҳамда тўғри баҳо беришга ўргатадиган олий таълим муассасаларида кичик курсларни ташкил этиш лозим.

REFERENCES

1. Jansson A. The Mediatization of Consumption: Towards an analytical framework of image culture. <https://doi.org/10.1177%2F146954050200200101>; Thomas P. Ignoring Poverty in the U.S.: The Corporate Takeover of Public Education. 2012. <https://books.google.ru/books>
2. Файзиева М.Р. Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимларни яратиш / Педагогика фанлари бўйича фалс.д. (PhD) дисс. – Тошкент, 2017. – Б. 14.
3. Арипов М., Файзиева М. Web тизимларни яратишнинг бугунги кундаги аҳамияти // Амалий математика ва инфор­мацион технологияларнинг долзарб муаммолари – Ал-Хоразмий 2014. Халқаро илмий конференция тезислари тўплами. – Тошкент, 2014. –Б. 73-74.
4. Самаров, Р. С., & Бўтаев, У. Х. (2014). Тизимли тадқиқотларда сиёсий прогноз ва унинг технологияси. Since wars begin in the minds of men, it is in the minds of men that the defences of peace must be constructed, 25.
5. Очерет Ю. Формирование информационной культуры личности в условиях информационно-библиотечных учреждений // Информационная культура в контексте новой парадигмы образования: проблемы, поиски, решения. – Кемерово: Издательство ОблИУУ, 2001. – 150 с.
6. Ж. С. Раматов (2022). ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИДА. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 12-17.
7. Раматов, Ж. (1991). Гипотеза и прогноз в социальном познании (философско-методологический анализ). Ташкент: Узбекистон.
8. М. Н. Ҳасанов, С. У. Бошмонов, & Т. О. Жонибеков (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИЛМ-ФАНЛАР ТАСНИФИДА АҲЛОҚИЙ ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 608-613.
9. Rashid Usarovich Baratov, & Nilufar Jo, Rayevna Nazarova (2022). YOSHLAR НАҲОТИҲ СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМНИНГ ОЎРНИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 830-833.
10. Жуманиёз Султанович Раматов (2021). БАРКАМОЛ ВА СОҒЛОМ АВЛОД – ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИНИНГ ПОЙДЕВОРИ. Academic research in educational sciences, 2 (2), 225-229. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00187

11. М.Н.Ҳасанов, Б.Ж.Бекмуратов, Б.Ш.Турғунов, & У.С.Маматқулов. (2022). ФОРОБИЙНИНГ ТАЪЛИМОТИДА ЁШЛАР ВА ИНСОН ТАЛИМ-ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ . JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS, 4(3), 124–129. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/new/article/view/625>
12. Ж. С. Раматов, & М. Н. Ҳасанов (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 648-653.
13. Abduraxmanova, X. K., Nalibayeva, Z. O., & Nazarova, N. J. R. (2022). ИТМОИЙ ТАРАҚҚИЙОТГА ЕРИШИШДА ТА’ЛИМ МАЗМУНИ ТАКОМИЛЛАСHTИРИШ. Academic research in educational sciences, 3(5), 1364-1370.
14. Juraevna, N. N. (2020). Universal Factors In Provision Of Youth Life Strategy. International Journal for Social Studies, 6(1), 157-163.
15. Muratova Dildora Abdumannapovna, & Nazarova Nilufar Juraevna. (2022). THE ROLE OF SOCIAL INSTITUTIONS IN THE DEVELOPMENT OF YOUNG PEOPLE. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10(6), 67–70. Retrieved from <https://internationaljournals.co.in/index.php/giirj/article/view/2078>
16. Нилуфар Жўраевна Назарова (2022). ЁШЛАРДАГИ РАҚОБАТБАРДОШЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲАМКОРЛИК. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 570-575.
17. Назарова, Н. Ж., & Абдуганиева, Г. А. (2019). Повышения эффективности духовно-нравственного воспитания в системе образования. Экономика и социум, (11), 495-500.
18. Миршод Нўмонович Ҳасанов (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ БОСҚИЧИДА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТИВОР ВАЗИФАЛАРИ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 791-798.
19. Gafurovna, A. S., & Juraevna, N. N. (2022). Issues of Formation of Information and Internet Culture at Young People. International Journal of Development and Public Policy, 2(6), 27-30.
20. М.Н.Ҳасанов, Б.З.Зайниддинов, О.А.Абдухалилов, & Д.Д.Джурайев. (2022). МЕҲНАТДА ИНСОННИ ШАКЛЛАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ . JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS, 4(3), 116–123. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/new/article/view/624>
21. Отамурастов, С., Хусанов, С., & Раматов, Ж. (2002). Маънавият асослари. *Абдулла Цодирий номидаги халқ мероси наириёти, Тошкент.*

TEACHING FOREIGN LANGUAGES TO STUDENTS WITH DIFFERENT LEVELS OF PROFICIENCY

Hasan Uzairovich Akhmedov
Chirchik State Pedagogical University

ABSTRACT

Despite the fact that the initial level of lexical and grammatical knowledge and listening of a group can vary greatly, all students is supposed to acquire equal levels of a full-fledged foreign-language communicative competence. To achieve this, a teacher needs to differentiate and individualize both the contents and approaches to teaching. It is considered possible ways of differentiating and individualizing the learning process. The ways of individualization of the contents of foreign language teaching are analyzed. The paper proposes the tasks that range from reproductive to productive level, which allow differentiating the learning process. It recommends methods for assessing students depending on their initial level of foreign language skills. The article also gives practical recommendations on the application of group learning technologies and examines how this impacts positively on the mastering of foreign language communicative competence by students in non-linguistic higher education institutions.

Keywords: multilevel group, personality-oriented teaching methods, foreign language communicative competence, non-linguistic higher education institution, group learning technologies.

INTRODUCTION

Teaching any foreign language in a non-linguistic university is carried out in conditions of heterogeneity of study groups made up of students who initially have different levels of language training and different abilities to learn the language. In these conditions, students' mastering of foreign language communicative competence is difficult. The purpose of this work is to find ways to solve the problem of teaching in one group of students with different levels of language training.

MATERIALS AND METHODS

One of the possible ways out of this situation is the organization of personality-oriented differentiated training, which "in relation to the process of teaching a foreign language to students of non-linguistic universities is understood as such a system of training,



which takes into account the individual psychological characteristics of each student and in which each student is provided with a real opportunity to act as a subject of training" [1]. Differentiation in the process of teaching a foreign language is traditionally considered from three different positions [2]:

1. Differentiation of the training content.

The content includes the knowledge, skills, and abilities that the student must master as a result of training. Of course, at the end of the course, all students must pass tests and exams according to a single program, i.e. reach a certain mandatory level for all. However, the number of unknown, i.e. subject to study units of educational material may be different for each student.

2. Differentiation of the learning process

It means that the teacher allows each student to choose different ways of mastering the content. The language abilities of students are manifested not only in the speed, ease and strength of mastering the educational material, but also in the preferred and most successfully implemented forms of educational activity. Students can complete various tasks depending on their level of training, needs, and interests.

3. Differentiation of learning outcomes

It means the variety of levels of complexity of cognitive products that students create to show mastery in mastering the content of learning. The need to differentiate the content of training requires a preliminary determination of the language level of students. This can be done by using input diagnostic testing. This information allows the teacher to plan the learning process. The problem of the level of language proficiency became particularly relevant in the second half of the XX century in connection with the expansion of international cooperation and the formation of the concept of "Europe without Borders", in which much attention was paid to the study of foreign languages. "The level of language proficiency is understood as the degree of formation of speech skills and abilities of the user in the studied language" [3, p. 56]. By the decision of the Council of Europe, the document "Common European Framework of Reference: Learning, Teaching, Assessment" was developed. Competencies are based on a single principle of assessment and training. "Currently, within the framework of university education, it is not customary to record the results of the exam in terms of the European level classification: level A1, A2, etc. However, it should be borne in mind that if there is a need for international conversion of estimates, there is every reason to draw certain parallels and correspondences between the test results in different evaluation systems" [4, p.17].

In the event that the input diagnostic testing reveals a different initial language level of students in one group, it is necessary to



differentiate the content and, as a result, the entire learning process in such a group. The content is differentiated with the help of multi-level tasks that allow all students to be involved in the course of the lesson. Students are given tasks within one of three possible levels:

1. reproductive
2. reproductive-productive,
3. productive (creative).

For example, students with a low level of proficiency in a foreign language are given reproductive tasks, such as retelling a pre-parsed text. When working with such students, you can use the "improve and repeat" method, which is used in groups or frontally [5, p. 337]. This method helps slow learners to understand and memorize new material. The work is structured as follows: after the teacher introduces the information, students help one of the members of their group to prepare for a speech to their group. The speaker's task is to repeat the teacher's words as accurately as possible. When reading, you can use the Rivin method of paragraph-by-paragraph study of the text [6, p. 312]. The work is carried out with different paragraphs of the same text or with different microtexts in replaceable pairs, in which students together find the main idea and key words of the paragraph(microtext), make a heading, and then, using the written out keywords, convey the content of the paragraphs. The average level of language proficiency allows you to combine what you have previously learned with elements of independent utterance. Students of a high level of language proficiency willingly perform tasks that require complete independence, prefer productive, creative work. Intermediate and high-level students are encouraged to offer open-ended assignments that allow each student to maximize their potential.

RESULTS AND DISCUSSION

When selecting productive tasks, you must follow the following requirements:

1. As a result of completing the task, the student must receive a new final product.
2. Tasks should have a social and cultural significance.
3. The task should update the knowledge, skills, and personal experience of students.

Reproductive tasks should be performed according to a given pattern [7]. When determining the individual trajectories of students, it is necessary to remember that as a result of training, each student must reach the minimum threshold set by the discipline program. The teacher is forced to "balance" between the requirements of the Program and the actual



level of the student, so some "easing" for poorly prepared students should be compensated by the intensity of their study of the material. For example, for such students, it is possible to enlarge the units of the training content, setting the task of mastering a large amount of material "from scratch", but at the reproductive level. The implementation of personality-oriented learning in the conditions of differentiation of the learning process can be carried out through the use of technologies of collective and group learning. The specifics of collective learning, as is known, consist in the presence of different types of groups (permanent or mobile subgroups, replaceable or permanent pairs). In these groups, there is mutual learning, mutual control and mutual management of students in the classroom (with the leading role of the teacher!). When using this technology, it is necessary to establish the requirements for mastering the theoretical and practical material for each subgroup. The requirements are the volume of the material being studied, as well as the skills and abilities that a student of a particular subgroup should master. The criterion for the formation of groups or pairs can be the level of proficiency in the educational material (i.e., the level of knowledge). well-and poorly prepared students make up different groups with the goals of mastering different materials), and it is possible to consciously and purposefully form heterogeneous groups by "introducing "one or more" strong " students into each group of poorly prepared students with the assignment of guiding and controlling functions to them. In the latter case, more prepared students play the role of "consultants", "bosses". This "staging" is a powerful means of achieving teaching, developing and educating goals, because when a person teaches others, he most deeply understands and remembers the material [8, p. 247]. The role of "bosses" can be transferred to different students after they reach a certain level, which is also an incentive to master the subject. "The group form of educational work in a foreign language lesson gives a lot: it develops the ability to learn, provides better conditions for the ability to speak, provides knowledge exchange, promotes the growth of motivation to learn, strengthens interpersonal relationships, teaches us to better understand each other" [9, p.245]. An important factor in the need to use group forms of work in the classroom is a positive attitude towards them on the part of the students themselves, which is reflected in the positive dynamics of the development of the material. "Students see the most attractive side of the group form of education in the possibility of joint activities and communication in the classroom. This allows you to establish business and personal contacts, to ensure a certain group status. However, a desirable partner in joint activities can only be made with a responsible attitude to teaching. Thus, the desire to realize the motives of communication puts

them in front of the need to engage in educational work. This, in turn, leads to the formation of educational motives, which in the future can take a dominant position in the motivational sphere of the individual " [10]. It should also be noted that the methods of collective learning, such as the interchange of tasks, performing exercises in pairs(groups), mutual dictation allow you to unite a group that is heterogeneous in terms of language proficiency, provide each student with conditions for self-realization and self-development, and save study time. Properly organized training involves not only accounting, but also the development of individual learning abilities of students through the use of creative methods of educational work. Such techniques allow you to go ahead of the existing level of students and purposefully form the skills of creative speech-thinking activity. Here we "come to the aid" of game technologies (debates, business games), technologies of active and problem-based learning (seminars, discussions, classes in the form of "brainstorming"), as well as the project method. The latter is based on active activitybased learning, taking into account the student's personal interest in gaining knowledge. The project method " is a development of the concept of learning in collaboration and is based on modeling social interaction in the study group during classes or during extracurricular hours. Students distribute their responsibilities for the implementation of the project and in the process of solving real problem problems form the skills of interaction, learn to work in a team" [11, p. 24]. The main goal of the teacher in this case is to show students their personal interest in the acquired knowledge that can be useful to them in life. To do this, a problem that is significant for the student is taken from real life, to solve which he needs to apply the knowledge obtained during the implementation of the project. The teacher acts as a coordinator in obtaining this knowledge, can suggest the necessary sources of information or simply direct the students ' thoughts in the right direction for independent search. As a result, students must independently and jointly solve the problem by applying the acquired knowledge. Differentiation of learning outcomes allows the teacher to change the requirements for completing tasks for students of different levels: lower for students of a relatively low level and increase for students of an advanced level. When working in a group, it is necessary to evaluate each student separately. If you give an overall grade, some students will get too high scores, while others will be underestimated.

CONCLUSION

To conclude ,the use of differentiated teaching methods allows us to equalize the contradiction between the diversity of the language student group and the need to form the necessary



level of foreign language communicative competence for all students. This is done by taking into account the individual characteristics of each student and building training according to individual educational trajectories. Thus, personality-oriented differentiated learning corresponds to the paradigm of modern education, which puts the student's personality in the center of attention. The result of the introduction of personality-oriented differentiated learning is a truly effective language education.

REFERENCES

1. Kuznetsova N. Yu. On the content of the concept of "differentiated teaching" of a foreign language in the conditions of heterogeneity of educational groups. Letters to the Issue. Offline: Electronic scientific publication (scientific and pedagogical online journal. 2011; June. Available at: <http://www.emissia.org/offline/2011/1594.htm>
2. Kuznetsova N. Yu. On the content of the concept of "differentiated teaching" of a foreign language in the conditions of heterogeneity of educational groups. Letters to the Issue. Offline: Electronic scientific publication (scientific and pedagogical online journal 2011; June. Available at: <http://www.emissia.org/offline/2011/1594.htm3> .
3. Shchukin A. N. Teaching foreign languages: Theory and practice: a textbook for teachers and students. Moscow: Filomatis, 2004.
4. Gorina V. A. Assessment of the level of proficiency in a second foreign language in the context of international standards. Bulletin of the MGLU. 2016; Issue 4 (743): 17.
5. Kolechenko A. K. Encyclopedia of pedagogical technologies: A manual for teachers. St. Petersburg: KARO, 2008.
6. Kolechenko A. K. Encyclopedia of pedagogical technologies: A manual for teachers. St. Petersburg: KARO, 2008.
7. Lugovaya N. A., Maryanovskaya D. A. Reproductive and productive exercises with a differentiated approach to students, taking into account their level of training. Electronic pedagogical forum. 2018 Available at: [open figure Russian Federation/articles/613376/7](https://openfigure.ru/articles/613376/7)
8. Kolechenko A. K. Encyclopedia of pedagogical technologies: a manual for teachers. Saint-Petersburg: KARO, 2008.
9. Passov I. E. Fundamentals of communicative methods of teaching foreign language communication. Moscow: Rus. yaz., 1989.
10. Dmitrenko N. A. Group form of training in the training of managers in a modern university. Scientific Journal of the National Research University ITMO. Series "Economics and Environmental Management". 2012.



11. Shchukin A. N., Frolova G. M. Methodology of teaching foreign languages: textbook for students. institutions of higher education. education. Moscow: Publishing Center "Academy", 2015.
12. Makhmudov, K. (2022). The Role, Competences and Methods of a Teacher in Learner's Forming Intercultural Communication. *International Journal of Innovative Research in Science, Engineering and Technology*, 11(3), 2688-2691.
13. Ҳасан, А., & Умиров, И. Э. (2021, June). КОННОТАТИВ КОМПОНЕНТЛАРНИНГ КЎЧИМ АСОСЛИ МЕТАФОРАЛАРДА ИФОДАЛАНИШИ. In Conferences.
14. Ahmedov, H. (2021). Paralingvistik (imo-ishoraga asoslangan) frazeologizmlar. *Academic research in educational sciences*, 2(2), 852-856.

ТУРКИСТОНДА ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА АҲАМИЯТИ

Улуғбек Жумаевич Мансуров

Самарқанд давлат университети таянч докторанти

Абдумумин Шакханович Турсунов

Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи

АННОТАЦИЯ

Мақолада Туркистонда маърифатпарварлик ҳаракати – Жадидчиликнинг вужудга келиши давридаги ижтимоий-маданий ҳолат олимларнинг қарашлари, тарихий манбалар ёрдамида таҳлил қилинди. Жадид дастурларининг кўпчиликка номаълум бўлган қисмларини ёритишга аҳамият берилди.

Калит сўзлар: Жадид, маърифатпарварлик, “Тарбияи атфол”, “Ҳинд сайёҳи”, “Мунозара”, рўзнама, Исмоил Гаспринский, Мунаввар Қори, Фитрат, Миллий озодлик, янгича таълим.

THE ESTABLISHMENT AND SIGNIFICANCE OF JADIDISM MOVEMENT IN TURKESTAN

ABSTRACT

The article analyzes the socio-cultural situation in Turkestan during the enlightenment movement - the emergence of Jadidism, using the views of scholars, historical sources. Emphasis was placed on highlighting parts of Jadid programs that were unknown to the public.

Keywords: Jadid, enlightenment, “Tarbiyai atfol”, “Indian traveler”, “Munozara”, newspaper, Ismail Gasprinsky, Munavvar Qori, Fitrat, National liberation, new education.

КИРИШ

XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистондаги маданий ҳаёт ўзида Россия Туркистонни босиб олишидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни акс эттирарди. Чор Россиясининг Туркистондаги сиёсати Туркистондаги маданий васийликни ўз зиммасига олиш ва шу мақсад остида рус маданиятини Туркистонга киритиш учун онгли равишда қилинган ҳаракат эди. Бу сиёсатни амалга оширишда чор Россияси Туркистонда ҳукмрон мафкура – ислом жамияти кадриятларига зарба беришни асосий қурол қилиб олди.

Бу даврга келиб илм-фан, хусусан табиий фанлар чуқур таназзулга юз тутди. Илмнинг мусулмон мутаассиблиги билан бирга қабул қилган тор схоластик йўналиши мадрасаларни ҳақиқий илм билан алоқасини йўқотган ва Европа таълим тизимлари асосларини инкор қилувчи муассасага айлантирар экан, ҳамма нарсани вайрон қилди.

“Маълумки, Бухоро, бундан 3-4 аср илгаригача ўз вақтига муносиб ислом оламининг илмий марказларидан саналар эди”, -деб ёзади Садриддин Айний “Бухоро тарихига оид материаллар”ида, -...дин тўғрисидаги таҳорат ва намоз масалаларидан, фан тўғрисидаги китоб дебачаларидан бошқа нарсани билмайдиган уламо, ўзи билмаган ҳар бир нарсага дин исмидан қарши келди. Оқибатда Бухоронинг мавқеи, илмия ва динияси Туркистон халқи олдида қуруқ бир шухратдангина иборат бўлиб қолди”[1].

Бу ҳақида Д.Лагофет ҳам шундай деган эди: “Ўзида Платон ва Аристотель таълимотларидан ташкил топган асосларга эга бўлган фалсафий йўналишларни бирин-кетин яратар экан, борлиқ ва руҳият ҳодисаларини ўрганиб ва астрономия соҳасидаги ютуқлари билан барча халқлар орасида аввалги ўринларда турар экан, Бухоро ўзида олий ва куйи ўқув муассасаларини жамлаган ҳолда узок вақтларгача Шарқдаги мусулмон зиёлиларининг маркази эди... Қандай чегара билмай Ўрта Осиё марказида қатор фалсафий тизимларни вужудга келтирар экан, қачонлардир бу жойларда илм-фан ва озод инсон тафаккури ёрқин алангадек нур таратарди”[2]. Ҳақиқатан ҳам Бухоро кутубхоналари антик давр муаллифларининг гўзал фалсафий асарлари намунадари билан тўла эди. “Бухорога европаликларнинг йўллари очилгандан кейин, -деб ёзади Садриддин Айний, -уламо уйига қамалган нафис китоблар уларнинг мусриф ва шахватпараст ўғиллари томонидан европалик китобсевгучиларга сотилди. Хазинага олинган китоблар рутубатлар ичида чириб, титилиб кетди. Шу билан Бухородаги нафис китоблар тамоман йўқолиб кетди”[3].

Асосий қисм. Туркистон генерал-губернатори Фон Кауфман императорга ёзган мактубларининг бирида истило Ўрта Осиё халқларининг маданиятини, ижтимоий тараққиётини уч юз йилча орқага суриб юборганлиги тўғрисида мақтаниб ёзган. Шубҳасиз инқилобдан аввал масжид, мактаб, мадрасаларда ўқишлар чегараланган, араб, форс-тожик ва туркий халқларнинг ноёб қўлёзмалари чор маъмурияти томонидан куйдирилган ва олиб кетилган. Инқилобдан кейин Сталиннинг қирғинбарот даврида эса маърифатлилар билан бирга эски китоблар ҳам йўқ қилинганди .

Истило сиёсати оқибатида Туркистонликларни миллий эзиш ва ижтимоий ҳаётнинг оёғости қилиниши уларнинг миллий онгини кучайишига олиб келди. Истилодан сўнг руспарварлик сиёсатига қарама-қарши ўлароқ миллатпарварлик сиёсати майдонга чиқди. Натижада чор Россияси даврида туркий, исломий маданиятини кўллаб-қувватлашга қаратилган миллий ҳаракат тобора кучайиб бораётган рус маданияти таъсирига қаршилик кўр- сатишни мақсад қилиб кўйган Туркистон жадиличлик ҳаракатига айланди.

Туркистондаги жадиличлик ҳаракати рус ҳукмдорлиги ёки маданиятини қабул қилиш учун эмас, балки рус босқинчиларига қарши курашда миллий руҳни янгилаш, мамлакатни замонавийлаштириш ва Ғарб мамлакатларидаги каби мустақил давлат барпо этиш учун юзага келган ҳаракатдир[4].

Бу ҳаракатнинг вужудга келишида таъсир кўрсатган муҳим жиҳатлардан бири XIX аср охири-XX аср бошларидаги тарихий жараён эди. Тарихдан маълумки, дунё бу даврга келиб Буюк Брита- ния, Германия, Франция, АҚШ, Италия, Япония, Испания, Португалия ва Россия каби давлатлар томонидан болиб олинган, капиталистларнинг жаҳон монополистик иттифоқи вужудга келган ва мустамлака халқлари икки томонлама зулм натижасида ғоят оғир, ночор аҳволда қолган эдилар. Оқибатда қарам халқларнинг зиёлилари орасида аста-секин тутқун халқларни қашшоқликдан қутқариш учун миллий озодлик ҳаракатлари уйғона бошлади. Бир қанча Шарқ мамлакатларида Жамолиддин ал-Афғоний, Муҳаммад Абдо каби жамоат арбоблари раҳбарлигида Ғарб мустамлакачиларига қарши ҳаракат авж олиб, аста-секин жадиличлик- маърифатпарварлик ғояларининг тарқалишига замин яратди. “Жалолиддин ал-Афғоний таълимоти ўз моҳиятига кўра жуда қарама-қарши бўлсада, нафақат Мисрда, балки Шарқ мамлакатларининг мусулмонлари томонидан ҳам қизғин қабул қилинди ва XIX аср охирларида мусулмон зиёлилари дунёқарашининг шаклланишида катта таъсир кўрсатди”[5].

XIX аср охирларида Исмоилбек Гаспринский(1852-1914) бошчилигидаги жадиличлик ҳаракати ҳам мустамлакачилик сиёсатига қарши миллий-озодлик ҳаракати сифатида шакллана бошлади. У ўтган асрнинг 80-йилларида Қримда вужудга келган янги мактаб маорифи концепциясининг асосчиси эди. “Ўз даврида унинг “Таржимон”идан машхурроқ газета йўқ эди. Унинг дастлабки сонларининг бирида шундай дейилади: “Бир кишининг фожиасидан ларзага тушамиз, ёрдамга шошамиз(яхши!), лекин миллионларнинг фожасига, бутун бир халқнинг, миллатнинг кўз олдимизда йўқ бўлиб кетаётганлигига бефарқмиз!.. Биз жоҳил ва чорасиз бўлмасак эдик, тупроқларимизнинг

бойлиги ҳозиргидек бошқаларнинг мулки бўлмас эди ва бизнинг номимизга ҳам ҳурмат зиёда булур эди. Бу нарсаларни кўпчиликка англашмоқ, улардан қутулмоқ, ҳаётни илм-маърифат асосига кўрмоқ керак эди. "Таржимон" ана шундай буюк мақсадга восита сифатида вужудга келди"[6].

"Жадид мактаби ташкил қилғонлар ҳам эски мактаб, мадраса ва қозихоналарнинг етиштирган кишилари эдилар, ёлғиз Боғчасаройда чиқадургон Исмоил Гаспринскийнинг газетасини ўқидилар ва шу орқали мактаб яхши тушуниб, китоблар олдиран эдилар",-деган эди жадидчиликнинг асосчиларидан бири Мунаввар Қори[7].

Гаспринский 1893 йилда Тошкент, Бухоро, Самарқанд каби қатор шаҳарларда бўлиб, тарғибот ишларини олиб боради. Унинг таъсири натижасида бу шаҳарларда жадидларнинг бир неча жамияти юзага келди. Мунаввар Қори, Саидрасул Азизий, Алиасқар ибн Байрамали, Абдулла Авлоний каби жадид кишилар томонидан янги усулдаги мактаблар очила бошланди.

Жадидлар ўзларининг бир неча нашрларига эга эдилар. "Таржимон", Истамбулда чиқадиган "Турк юрти", татар ва турк тилларида чиққан "Вақт", "Шўро", "Ислом дунёси", "Оила" каби рўзнома ва ойномалар жадидчилик ҳаракати ва таълимотининг тарғиботчиси эдилар.

Туркистон жадидчилиги Россия империясидаги бошқа мусулмон минтақаларидагига нисбатан анча кеч, XX аср бошларида майдонга келди. Ушбу ҳаракатнинг асосини Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива вакиллари ташкил этди. Айнан ана шу зиёли қатлам Туркистон мусулмонлари учун миллий ғояни шакллантириб берди. Туркистон жадидчилигини тадқиқ этувчи айрим олимларнинг таъкидлашларича, маҳаллий жадидлар 1917 йилга қадар

умумий бир дастурга эга бўлмаганлар. Уларнинг фикрича, туркистонликларнинг дунёқарабини бир қадар ўзгартира олган Фитратнинг "Мунозара" ва "Ҳинд сайёҳи" асарлари 1917 йилга қадар туркистонлик жадидларнинг норасмий дастури сифатида қабул қилинган эди[8]. Айни шу

фикрни япониялик олим Ҳ.Коматсу ҳам илгари суради ва Фитратнинг юқоридаги икки асари Бухоро ва Туркистондаги жадид - ислохотчилик ҳаракатининг манифести бўлганлигини таъкидлайди. Бу таъкид ва таърифлар, албатта, Туркистон жадидчилигининг моҳияти ва йўналишини аниқлашда нисбий характерга эга. 1911 йили Фитратнинг "Мунозара" ва "Ҳинд сайёҳи" асарлари нашр этилгунга қадар Туркистон жадидларининг фаолияти маълум бир босқичга кўтарилган, улар янги усул мактабларининг ёйилишида анчагина муваффақиятларга

эришган, ва энг асосийси, Туркистонда миллий матбуотга асос солиб бўлган эдилар.

Жадидчилик ҳаракати тарихида Бухорода 1908 йилда таъсис этилган “Тарбияи атфол” жамиятининг аҳамияти каттадир. Бу жамиятнинг фаолияти ҳақида С.Айний “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” асарида бир қатор маълумотлар бериб ўтади ва бу маълумотлар бизга жамиятнинг вужудга келиш сабаблари, унинг ғоя ва мақсадлари, ташаббускорлари ҳақида жуда ҳам умумий тасаввур ҳосил қилади. Америкалик туркшунос олим Э.Аллвортнинг 1987 йил Кёльн шаҳрида чоп этилган “Туркистон” мажмуасидаги “Жадидлар ҳақида яширилган ҳикоялар” номли мақоласида С. Айнийнинг “Жадидлар ёки ёш бухоролилар партияси тарихи ёки ёзилмай қолган режалар”(1920-21) асарининг нашрёт томондан атайин тушириб қолдирилган аҳамиятли бир қисми ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Бу маълумотлар тасаввуримиздаги мавҳум томонларга бир мунча аниқлик киритади. Асарнинг тушириб қолдирилган қисмида Ёш бухороликларнинг ижтимоий ҳаётни бир бутунликда ислоҳ қилиш ғоялари баён этилган: “Агар воқеалар шу йусинда кетаверса, давлат эса тартиб ўрнатиш учун янги қонун-қоидалар чиқараверса, худди айлана бўйлаб юргандек, агар одамларнинг онги ва билими оширилмаса, агар бошланғич мактаблар сонини оширмасак, агар мадраса масжитлар ислоҳ қилинмаса, унда Бухоронинг илмий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаёти ҳавф остида қолади... Бу фикр тарафдорларини бирлаштирувчи сабаб янгича усулда ташкил этилган мактаб бўлгани учун(усули жадид) уламолар ва давлат арбоблари уларнинг фирқасини “жадид” ёки “жадид- лар” деб атадилар[9].

Ислоҳотчилар гуруҳининг ёзилмай қолган режаларининг моҳияти таҳминан шундан иборат эди:

1. Биз саводсизликни тугатиш учун курашамиз, халқ тафаккурини юксалтириш учун курашамиз ва шунинг учун янги мактаблар очиш, жадид адабиётини кенг кўламда тарқатиш учун курашамиз.

2. Йўлдан озган дин аҳлларига қарши курашамиз: мақсадимиз руҳонийлар ва мадраса талабалари фикрларини фош этиб, мадрасаларни ислоҳ қилишни йўлга қўйиш(янги услубга ўтказиш).

3. Халққа давлат арбобларининг қабих ва зулмкор эканлигини кўрсатиш. Шу мақсадда халққа давлат қонунларининг моҳиятини, қозиларнинг одамга бўлган муносабатини кўрсатиб, имкони борича камбағал одамлар ва қишлоқ аҳолисининг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, чунки улар давлатдан кўп хўрлик ва зулм кўрдилар.

4. Одамларга амирнинг, сарой аҳлларининг бойлиги ва

разиллигини фoш этиш; Хазинадаги бойликлар амир ёки унинг қушбегисининг шахсий мулки эмас, халқники эканлигини тушунтириш.

5. Аҳоли орасида ахлоқсизлик ва бидъатга чек қўйиш, суннат, тўй ва аза маросимларида иложи борича диний қонун-қоидаларга риоя қилиш.

6. Аҳоли орасида эскилик саркитларига чек қўйиш. Мутаассибларнинг рақобатига, бир-бирини менсимай ҳақоратлашига, қўпол муносабатига чек қўйиш .

Хулоса. XIX аср охири-XX аср бошларида Туркистон ижтимоий-маданий ҳаётида Чор Россиясининг босқинчилик сиёсати ўз таъсирини кўрсатган эди. Истило оқибатида Туркистон халқлари нафақат миллий таълим тизимидан, балки бой илмий меросдан ва кадриятлардан маҳрум бўлдилар. Миллатни сақлаб қолишга табиий зарурат сифатида, руслаштириш сиёсатига қарши, жадидчилик ҳаракати вужудга келди. Бу ҳаракат моҳиятида Аваз Ўтар, Фурқат, Муқимий кабиларнинг маърифатпарварлиги сингари рус маорифи ва маданиятидан таъсирланиш эмас, ирқий зулмга қарши кураш, миллатнинг иқтисодий, маданий ҳаётини маърифат ёрдамида қайта қуриш ётар эди. Бундай ҳайрли мақсадларни кўзлаган таълимот шу даврга қадар турли тақинларга сазовор бўлди. Жадидчилик турли ғоявий кураш ва эътирозлардан қатъий назар ўз моҳиятидаги нодир мақсадларни турли усулларда намоён қила олди.

REFERENCES

1. Айний С. Асарлар.8 жилдлик.-Т.;Ўзадабийнашр, 63.1-жилд. 186-б
2. Логофет Д. Бухарское ханство под русским протекторатом. В зх т/ -С-Петербург; Б.И., 1911,-Т 2.-с
3. Айний С. Асарлар.8 жилдлик.-Т.;Ўзадабийнашр, 1 Э 63.1-жилд. 198-б
4. Ш.О.Ғойибова. Абдурауф Фитратнинг ижтимоий - фалсафий қарашлари. 09.00.03 - Фалсафа тарихи. Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент – 1996. 37-б
5. Хакимов И.М. Джамал ад-Дин ал-Афгани, его антиколониальные взгляды и деятельность. (1839-18У7тг); Автореф. дис....канд.
6. Қосимов Б.Исмоилбек Гаспирали.-Т.,1991.24-б.
7. Қизил Узбекистон. -1927.7-сон.
8. З.Абдурашидов. Туркистон жадиждлари ва миллий ғоя тарғиботи. “Жадид маърифатпарварларининг миллий таълим, матбуот, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва унинг Миллий ғоя тарғиботидаги аҳамияти” Республика илмий-амалий анжумани материаллари (15 апрель 2016 й. Тошкент). Тошкент: Тошкент ислом университети, 2016. 216 б
9. Аллворт Э.Жадиждлар ҳақида яширилган ҳикоялар//Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1.-11 сон.



ТАЖРИБАДАГИ СОҒИН СИГИРЛАРНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ МЕЪЁРЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Тохтамыс Қыдырбергенович Наўризов

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, доценти

Камаладдин Карамаддинович Бауаддинов

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти,
3 босқич ветеринария таълим йўналиши талабаси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада соғин сигирларни мақсадга мувофиқ озиқлантиришни ташкил этиш, уларнинг сут ҳосил қилиш ва қайта ишлаб чиқариш функциялари ва саломатлигини меъёрда сақлап туриш учун зарур болган маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: сермахсул, зот, генотип, иқлим, ўсиш, пуштдорлик, ирсий, маҳсулдорлик.

КИРИШ

Бугунги кунда дунё миқёсида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қорамолчилиқ етакчи ўринни эгалламоқда. «Мазкур соҳа ривожланган АҚШ, Германия, Голландия, Канада, Япония, Исроил ва Европа Иттифоқи мамлакатларида қорамолларнинг маҳсулдорлик, пуштдорлик хусусиятларини такомиллаштириш, сунъий қочиришда ирсий имкониятлари юқори наслдор буқалардан кенг фойдаланиш, уларни тўла қийматли озиқлантириш, селекция-наслчилиқ ишларини яхшилаш ва сермахсул зотларни урчитишга катта эътибор қаратилмоқда. Натижада сутбоп подаларда сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ошмоқда ва уларнинг замонавий соғиш ускуналарига мослашиш даражаси яхшиланмоқда».

Маълумки, чорвачилиқ қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб, аҳолини озиқ - овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим ўринга эга. Чорва моллари бош сонини кўпайишини, уларнинг насл ва маҳсулдорлик сифатларининг ошишини ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг йилдан- йилга кўпайишини таъминламоқда.

Республикамиз шароитларида қорамоллар учун қуйдаги озиқлантириш хиллари кўлланилади: пичан-силосли-концентратли, силосли –пичанли, силосли –илдизмевали,



силосли-сенажли, силосли–сенажли-концентратли ва ҳоказо. Ёз даврида озиклантириш хиллари асосан яшил ўтлар ва омукта емлар берилиши билан белгиланади. Ҳар қандай озиклантириш хили баҳоланганда унинг ҳайвонлар маҳсулдорлиги, жумладан маҳсулот сифатига таъсири, мол саломатлигига ва унинг қайта ишлаб чиқариш функцияларига таъсири ҳамда иқтисодий самараси ҳисобга олинади. Озиклантириш учун меъёрий рационларни илмий муассасалар ишлаб чиқади. Хўжалик шароитида эса мутахассислар маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда уларга тузатиш киритишлари мумкин.

Озуқа меъёри деб ҳайвонларнинг тури, ёши, вазни, маҳсулдорлиги ва физиологик ҳолати ҳисобга олинган ҳолда унинг озуқа моддаларига бўлган кунлик талабига айтилади. Рацион –озиклантириш хилининг кунлик ифодасидир.

Соғин сигирларни озиклантириш меъёрлари ва рационлари. Сут безларида озуқаларнинг тўйимли моддаларидан сут ҳосил бўлади. Сут безлари лактация даврида жадал суръатда ишлайди. 1 кг сутнинг ҳосил бўлиши учун сут безларидан 500-600 литргача қон оқиб ўтади. Сутнинг таркибий қисми озуқанинг тўйимли моддалардан ва қон таркибидан кескин фарқ қилади.

Соғин сигирларни мақсадга мувофиқ озиклантиришни ташкил қилиш уларнинг сут ҳосил қилиш, қайта ишлаб чиқариш функциялари ва саломатлигини нормада сақлаб туриш учун зарур бўлган тўйимли, биологик актив моддаларга бўлган эҳтиёжга асосланган бўлиши зарур. Молларни тўйимли моддаларга бўлган эҳтиёжи уларнинг маҳсулдорлик даражаси, физиологик ҳолати, ёши ва бошқа омилларга қараб ўзгаради. Булар эса алмашинув жараёнларининг кўпайишига олиб келиб, моллар озиклантирилишини тўғри ташкил етиш талаб етилади. Сигирлар тирик вазнининг ҳар 100 кг га ўртача 2,8-3,2 кг юқори маҳсулдорлари еса 3,5-3,8 кг гача куруқ модда истъеомол қилади. Сигирлар маҳсулдорлиги қанча юқори бўлса, рационнинг ҳар бир килограмм куруқ моддасига шунча миқдорда кўп қувват тўғри келиши керак.

Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги улар рациондаги тўла қийматли ҳазм бўладиган протеин билан таъминланганлигига ҳам боғлиқ. Сигирлар кунлик соғим миқдори 10 кг сутни ташкил етганда ҳар бир озуқа бирлигига 95 гр ҳазмланувчи протеин, 20 кг ва ундан кўп бўлганда эса эҳтиёжга нисбатан улар рациондаги протеин танқислигининг 20-25 фоизини омукта емлар таркибидаги кирувчи карбомид концентратли ва аммоний тузлари ҳисобига қоплаш мумкин.

Озуқаларни меъёрлаштиришда асосий минерал

моддалар ва микроэлементлар бўлиб калций, фосфор, натрий, хлор, марганец, магний, калий, олтингугурт ва бошқалар ҳисобланади. Сигирларнинг бу моддалар ва микроэлементларга бўлган эҳтиёжи уларнинг тирик вазнига, маҳсулдорлик даражасига ва физиологик ҳолатига боғлиқ.

Рационни микроэлементлар билан бойитиш катта аҳамиятга эга. Масалан, марганец етишмаганда сигирларнинг куйикиши, оталаниш жараёнлари сустлашади, уларда бола ташлаш кузатилади. Йоднинг камлиги жинсий вояга етилиши кечиктиради, кобальтнинг етишмаслиги сигирларнинг қисир қолишига ва бола ташлашига, миснинг етишмаслиги ошқазон –ичак тизими фаолиятининг бузулишига ҳамда орқа миянинг зарарланишига, рухнинг етишмаслиги эса организм ўсишини сустлашишига сабабчи бўлади ва ҳоказо.

Соғин сигирлар каротин ва Д ҳамда Е витаминларига ниҳоятда сезгир. Шунинг учун ҳам рационларни витаминлар билан бойитиш сигирларни маҳсулдорлигини оширишда, витаминларга бой сут соғиб олиш ва модда алмашинувини меъёрлаштиришда катта аҳамиятга эгадир. Турли маҳсулдорлик ва ўртача семизликдаги вазни 400-500 кг оғирликдаги соғин сигирларни озиклантириш меъёрлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал


Соғин сигирларни озиклантириш меъёрлари

Кунлик сут миқдори, кг	Бир кун мобайнида хар бир сигирга талаб қилинади						
	Озуқа бирлиги	Курук модда, кг	Ҳазмланувчи протеин, г	Ош тузи, г	Калция, г	Фосфор, г	Каротин, мг
Тирик вазни 400 кг бўлганда							
4	6,0	8,5	620	35	35	25	220
6	7,0	9,6	730	45	45	30	270
8	9,0	11,6	940	50	50	35	320
10	11,0	13,6	1160	60	60	40	370
12	12,0	14,1	1290	70	70	45	420
14	13,5	15,5	1420	75	75	55	470
16	14,5	17,5	1560	85	85	60	520
18	16,0	18,0	1800	90	90	70	570
20	17,5	18,5	1950	100	100	75	620
22	18,0	18,8	2000	110	110	80	670
24	18,8	19,0	2160	115	115	85	720
26	20,0	20,0	2220	125	125	95	770

1-жадвалда келтирилган меъёрлар асосида сигирларга озуқа рационлари тузилади. Рацион –чорва молларига



едириш учун мўлжалланган турли ём-ҳашаклар йиғиндиси бўлиб, ҳар бирининг аниқ миқдори, тўйимли қиймати, макро ва микро элементлар, витаминлар аниқ кўрсатилади.



1-жадвал диаграммаси

Турли озиқлантириш ҳилидаги рационларни қўллаш натижасида сигирларнинг юқори маҳсулдорлигига эришиш мумкин. Ҳар бир фермер хўжалигида озуқа баланси ва ҳар ойлик озуқа режалари бўлиши шарт. Улар асосида ҳайвонлар учун кунлик, ойлик ва мавсумий рационлар тузилади.

Хулоса. Республикада қорамолчиликни шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлар тизимида ривожлантириш наслчилик базасини мустаҳкамлаш яхшиловчи зотлар ҳисобидан наслдор молларнинг репродуктор гуруҳлари, подалари ва хўжаликларни ташкил этиш ва такомиллаштириш долзарб ҳисобланади. Яхшиловчи зотларни импорт қилиш, уларни ташқи муҳит шароитларида мослашган ҳолда генетик маҳсулдорлик потенциалини тобора ошиб бориш, мавжуд туманлаштирилган зотлар ва подаларни такомиллаштириш каби селекция–наслчилик чора–тадбирлари белгиланган мақсадларни таъминлайди.

REFERENCES

1. Аширов Б.М. Қизил чўл ва англер зотларининг генотипига эга сигирларнинг конституция типлари ва паратипик омилларга боғлиқликда маҳсулдорлигини ошириш. Афтореф.дисс.докт.с-х.наук –Ташкент-2016. 48 б.
2. Аширов М.Э. Сутдор қорамоллар селекцияси. Тошкент “Наврўз”. 2017. 208-221 б.

3. Сулыга Н.В., Коволева Г.П. Продуктивные качества коров-первотелок голштинской чёрно-пестрой породы венгерской селекции в адаптационный период. Ж. “Зоотехния”. Москва, 2005, №9, с. 2-6.
4. Шкилев Н.П., Шишкин В.В., Чичаева В.Н. История создания высокопродуктивного стада племзавода «Пушкинское» Ж. “Зоотехния”. Москва, 2010, №7, с. 5-7.
5. Кузнецов И.В., Стародумов И.М. Мониторинг генетической структуры популяции крупного рогатого скота чёрно-пёстрой породы. Ж. “Зоотехния”. Москва, 2009, №2. с. 2-3.
6. Егиазарян А.В., Прохоренко П.Н., Сакса Е.И. Генетический прогресс по хозяйственно-полезным признакам при совершенствовании Ленинградского типа черно-пестрого скота. Ж. “Зоотехния”. Москва, 2009, №4. с. 2-4.



ИССЛЕДОВАНИЕ АЛКАЛОИДОВ PEGANUM HARMALA

Фарход Хамраевич Аллабердиев

термезский государственный университет, доцент

f_allaberdiyev@mail.ru

Мафтуна Фарходовна Хамраева

Термезский государственный университет, студент 3 курса

АННОТАЦИЯ

На основании данных УФ-, ИК-, ЯМР- и масс-спектром установлено строение пегамина. Предложена схема фрагментации пегамина при масс-спектрометрировании.

Ключевые слова: Peganum harmala, алкалоид, пегамин, ацетилпегамин, омыление ацетилпеганина,

ВЫВЕДЕНИЕ

Продолжив изучение алкалоидов Peganum harmala [1,2,3,4], мы исследовали растение в ранней стадии его вегетации (Собрано 30. III - 5. IV 2021 г. в окрестностях сел Шерабадского района Сурхандарьинской области).

РЕЗУЛЬТАТЫ

Суммы алкалоидов составили 2.17 %. При разделении ее по растворимости, через соли и по силе основности выделили известные основания (% от суммы): пеганина 43.5, вазичинона 1.2, гармина 0.07, дезоксипеганина 2.1, дезоксивазичинона 5.4 и 0.005 нового основания с т. пл. 160-161°C, названного нами пегамином. УФ-спектр последнего [λ_{\max} 226, 266, 306, 318 мкм (lgε 4.27; 3.74; 3.35; 3.21)] близок спектру хиनाзолиноновых алкалоидов [5]. На хиназолиноновую структуру пегамина указывает и его масс-спектр. В области низких масс он напоминает масс-спектр вазичинона (119, 92, 90, 77, 76 m/e), однако молекулярный ион в пегамине по сравнению с вазичиноном сдвинут на 2 единицы в сторону высоких масс. Это дает нам возможность предположить, что пятичленный цикл находится в разомкнутом состоянии. О 4 (3Н – хиназолиноновой структуре основания свидетельствуют также полосы поглощения в ИК-спектре при 1618 и 1695 см⁻¹ [5,6,7.

В ИК- спектре пегамина имеются полосы поглощения активного водорода в области $2700-3700\text{ см}^{-1}$. Наличие пиков ионов М-17, М-18, М-19 показывает присутствие спиртового гидроксила в боковой цепи. Это подтверждается получением ацетильного производного пегамина при действии уксусного ангидрида. В ИК- спектре ацетилпегамина сохраняется ряд полос поглощения в области $2700 - 3200\text{ см}^{-1}$; в области карбонильной группы появляется дополнительная полоса поглощения при 1740 см^{-1} , а в ЯМР – спектре – трехпротонный синглет при $1.72\ \delta$.

В ЯМР – спектре пегамина в области $7.5-8.3\ \delta$ отмечаются сигналы четырех ароматических протонов. Следовательно, бензольное кольцо хиназолиновой части – незамещенное. Однопротонный дублет в наиболее слабом поле при $8.15\ \delta$ ($J=7\text{ гц}$) относится к протону в пери-положении к карбонильной группе, триплет с центром при $7.47\ \delta$ – к C_7 протону [2,3].

Для выяснения положения заместителя мы сняли масс-спектр продукта дейтерирования пегамина в CD_3OD . Пик M^+ оказался сдвинутым на 2 массовые единицы, что указывает на отсутствие заместителя в положении 3. Таким образом, единственным местом присоединения боковой цепи, представляющей оксипропильный радикал, будет положение 2. Структура оксипропильного заместителя установлена на основании данных ЯМР и масс-спектров. Отсутствие характерных пиков для протонов CH_3 - и CH_3-CH_2 - групп, а также пиков ионов М-15, М-29 позволяет исключить все возможные варианты, кроме одного, - прямая цепь с первичной спиртовой группой. Отсюда пегамин должен иметь структуру I.




Рисунок 1. Строение пегамина

В ЯМР-спектре I наблюдаются сигналы протонов трех метиленовых групп (триплет при $\delta\ 3$, мультиплет при 2.14 , триплет при 4.2), отнесенные нами к 9, 10, 11-метиленовым группам соотв.

В масс-спектре пегамина максимальным является пик иона с $m/e\ 160$, образование которого из M^+ подтверждено метастабильным переходом; пики ионов с $m/e\ 187, 185, 173, 174, 119$, вероятно, образуются по следующей схеме фрагментации:






Рисунок 2. Фрагментация пеганина по масс-спектрометрии

ЭКСПЕРЕМЕНТАЛЬНАЯ ЧАСТЬ

Выделение алкалоидов. 85 кг измельченной воздушно-сухой надземной части смачивали 85%-ным раствором аммиака и исчерпывающе экстрагировали хлороформом. Хлороформные экстракты обрабатывали 10%-ной серной кислотой. Кислые вытяжки подщелачивали газообразным аммиаком. Выпало 1100 г осадка (фракция А). Водный щелочной маточник взбалтывали с эфиром и затем с хлороформом. Получили 420 и 324 г смеси оснований (соотв. Фракции Б и В).

Фракцию А (400 г) перетирали с ацетоном. Выделили 280 г пеганина. Маточник после удаления ацетона растворяли в хлороформе, хлороформный раствор последовательно обрабатывали 5%-ной уксусной, 0.2 м. лимонной и 10%-ной серной кислотами. Кислые растворы подщелачивали аммиаком, исчерпывающе экстрагировали эфиром и хлороформом (фракции 1-3). Из Фракции 2 при обработке смесью спирт – ацетон отделили 1.45 л ацетона. Получили 245 г нерастворимой части (фракция Г) и 175 г растворимой в ацетоне части (фракция Д). Из фракции Г по растворимости в спирте и метаноле через хлоргидрат выделили 91 г пеганина и 14 г вазизинона; из фракции Д – 111 г хлоргидрата, из которого получили 30 г дезоксивазицинона, 8 г дезоксипеганина и 14.7 г пеганина. Маточники из фракций Г и Д объединяли, растворяли в 500 мл 0.6 н. H_2SO_4 и подщелачивали 500 мл 0.6 н. NaOH порциями по 50 мл. Основания извлекли хлороформом. Из фракции 1 отделили 44 г дезоксивазицинона, из фракции 2 и 3 после обработки спиртом – 2.36 г вазизинона. Фракция 5 при перекристаллизации из спирта дала 0.38 г пеганина, а из спиртового маточника при добавлении азотной кислоты выделили 5.13 г нитрата

дезоксипеганина. Маточники после получения нитрата перевели в основание. Выпало 0.21 г гармина, плохо растворимого в эфире. Из фракции 6-10 по растворимости в спирте и через нитрат выделили 7 г дезоксипеганина и 4.3 г пеганина.

Из маточника хлоргидратов фракции Д получили смесь оснований, которую разделили по силе основности на девять фракций, аналогично вышеописанному. Из первой и второй фракций выделили 22.75 г дезоксивазицинона, из третьей – 0.65 г вазицинона, из четвертой – 1 г вазицинона, из шестой – восьмой – 9 г дезоксипеганина, из пятой фракции – 1.11 г гармина. Девятую фракцию растворяли в спирте. К спиртовому раствору добавляли хлорную кислоту. Через день отделяли 0.22 перхлората с т. пл. 192-193°. Основание, полученное из перхлората с т. пл. 160-161°, оказалось пегамином.

Ацетилпегамин. 50 мг основания, 1.5 мл уксусного ангидрида и 0.5 мл пиридина встряхивали и оставляли на сутки. Выпавший осадок отсасывали и промывали спиртом. Выход 50 мг, т. пл. 173-174°.

Омыление ацетилпеганина. 50 мг вещества нагревали с 10 мл 15%-ной метанольной щелочи 3 часа. После охлаждения реакционную смесь обработали эфиром. Растворитель упарили. Остаток перекристаллизовали из спирта – ацетона. Полученное вещество не дало депрессии температуры плавления (160-161°) с пегамином.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

1. На основании данных УФ-, ИК-, ЯМР- и масс-спектром установлено строение пегаминна.
2. Предложена схема фрагментации пегаминна при масс-спектрометрировании.

REFERENCES

1. Генри Т.А. Химия растительных алкалоидов – М.: Госхимиздат – 1956, -С. 318-337
2. Орехов А.П. Химия алкалоидов – М.: АН СССР. 1955. С. 275-321;
3. Юнусов С.Ю. Алкалоиды. Т.: “Фан”, Изд. 2-е.-1974, С. 318-320; Алкалоиды. Т.: “Фан”, Изд. 3-е. -1981, С.118
4. Хашимов Х.Н., Тележенецкая М.В., Юнусов С.Ю. Химия природ. соедин., 1969, № 5, С. 599

5. Parkashi S.C., Bhattacharyya J., Johnson L.F., Budzikiewicz H., Tetrah., 1963, № 19, P.1011
6. Arndt R.R., Eggers S.H., Jordann A. Tetrah., 1967, № 23, P.3521
7. Hagiwara Y., Kurihara M., Yoda N. Tetrah., 1969, №25, P.783



ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДАГИ “СОХТА ДИНИЙ ДУНЁҚАРАШ”

Икром Бобокулович Мирзаев

Тошкент давлат транспорт университети катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада глобаллашув давридаги “сохта диний дунёқараш” ҳамда унинг олдини олишда илмнинг роли масаласи муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: глобаллашув, дин, дунёқараш, илм, фан, тарих, педагогика, эътиқод.

КИРИШ

Шиддат билан ўтиб бораётган кун сиёсий манзарасида ўзининг турли кўринишлар билан номловчи аксар “ботил гуруҳлар” нинг кўз ўнгимизда “ваъзхонлик” қилишларини ҳар биримизга ҳар қадамда учратишимизнинг оддий “тасодиф” тусига айланди. Бу эса ўз навбатида ҳар биримизнинг ўз олдимиздаги инсонийлик сифатимизни оқлашимиз учун бел боғлашга ундовчи вожиб амал – хислатларимиздан бири бўлиб қолмоқда. Кўплаб мутафаккирларимизнинг талқини улуроқ буюк тарихий бурилишлар даври мафкурасини белгилаган дунё – жаҳоний динлар инсоният тамаддуни – бунёдкорлиги (тараққиёти)нинг муайян босқичида янги маънавий – рухий зарурат, ақлий ва нақлий (ҳиссий) изланишлар эҳтиёжига жавоб тариқасида намоян бўлганлиги сабабли маданий – маънавий ҳаётнинг барча соҳасини қамраган ҳолда, бунёдкорлик, ижодий кўтарилиш, тахайюл ва тасаввуротлар макони (олами), ақлий ва бадиий ижод (фаолият) тарзига таъсир этиб келди. Ҳар бир замон ва маконда бўлгани каби бугунги глобаллашув даврида ҳам ўзларининг у ёки бу қиёфада “муртад таълимот” лари билан Дин деб аталмиш муқаддас илмни номига доғ туширишлар давом этиб келмоқда!

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Абдуллоҳ ибн Муборак (раҳимахуллоҳ): “Дин – бу илмдир, уни кимдан олаётганларингизга қаранг”, деган сўзларини унутмаслигимиз лозим. Ҳар биримиз соғлом эътиқодни “сохта эътиқод”дан фарқламасдан эртанги кунимизни тасаввур ҳам этишга ҳаққимиз йўқ! Соғлом эътиқод нафақат шахснинг баркамоллиги, балки жамиятнинг барқарор бўлиши учун ҳам жуда муҳим омил ҳисобланади. Буни биз бугунги ҳаётини тажрибамиз асосидан ҳам англаб олмоқдамиз. Қайси

бир жамиятда кишилар эътиқоди соф бўлса, ўша жойда тинчлик мустаҳкам бўлади. Агарда, аксинча бўлса, бузуқ эътиқодли кишилардан-да хавфли одам бўлмайди, ундайларҳар қандай пасткаўликка тайёр туради. Бундайлар эса, ҳар бир давр учун ва ҳар бир жамият учун катта таҳдиддир!, деб баҳолаганлар ҳурматли устоз Муҳаммад Аҳмад Яҳё ўз асарларида.

Илм истаганлар эса қаердан, қандай маълумотларни олмасин, албатта, текшириб кўриши ва уларга кўр – кўрона эргашмаслиги керак. Бугунги кунда эса, аниқ ҳужжат ва далиллар келтирилгандан кейин ҳам эгри йўлдан қайтмайдиган қайсар кимсалар ўзига – ўзи зулм қилувчи, адашганлардир. Бугун ҳар қадамда учратишимиз одатий ҳол сифатида баҳоланиб келинган “бугунги диний дунёқараш” аслида қандай пойдевор устида бунёд этилганлигини билмай кўр-кўрона эргашиб аслида осийликдан ўзга нарса эмас!

Глобаллашувнинг сиёсий манзарасида “дунё қора қозони”нинг (Муаалиф бу ерда турли мамлакатларда содир бўлиб турган турли “гуруҳ”ларнинг нобакорликларини назарга тутмоқда. Мис.: ИШИД, Террор, Наркомания ва ҳ.к.) қорасидан сақланиш ўрнига, аввало “дунё қора қозони”нинг ичида қайнаб буғланаб турган “масалликлари” аслида нималардан иборатлигини ва унинг ўрнига янги бир “массаликлар”ни жамлаш лозимлигини унтмаслигимиз даркор!

Шу билан бирга Биринчи Президент Ислом Абдуғаниевичнинг сўзларини алоҳида исга олиш мақсадга мувофиқдир: “Агарки биз учун ҳақиқатан ҳам ҳаёт – мамот масаласи бўлган ана шу имкониятни бой берсак, зиммамизга юклатилган буюк тарихий масъулият ҳиссини йўқотсак, ўз олдимизга қўйган олий мақсадларга етиш учун юртимизда яшаётган ҳар қайси онгли инсон бор куч – ғайрати, ақл – заковатини бағишлашига эриша олмасак, очиқ айтиш керак, биз эл – юртимиз олдида, ёш авлодимиз, жондан азиз фарзандларимиз олдида хиёнат қилган бўламиз. Ўз – ўзидан равшанки, бунга йўл қўйишга бизнинг ҳеч қандай ҳаққимиз йўқ.”

Сир эмаски, тарихан ўз мақсади ва вазифаси йўқ бўлган бирон – бир давлат ёхуд миллат ҳич қачон тан олинмаган. Бугунги “Сохта диний дунёқарашлар” орқали айрим мутаассиб кимсаларнинг “Ўз манфаати” йўлида ҳеч нарсадан таб тортмай “бонг ўришларини” ҳич бир изоҳ билан таққослолмайди киши. Тўғрида, қушҳам сайраса ё полопонларини ҳимоялаш учун сайрайди, ёки уйи вайрон бўлса нолиш қилиб сайрашини кўришимиз мумкин. Бугунги “Сохта диний дунёқарашлар” орқали айрим мутаассиб кимсаларнинг (ватанини сотиш, ота-онасини тан олмаслик, фарзанд неъматини нималигини умуман билмай...) бонг ўришлари эса бунинг аксику! Оддийгина жонзод (хайвон)дан

баттар бўлган бундай кимсаларга қайдай ном беришни ҳам билмай “сохта диний дунёқарашни жамловчилар ёхуд илмсиз таҳдидчилар” деб баҳоласак, бироз бўлсада, йўқоридаги фикрларимизга дастакдир.

Унутмаслик керак!, ҳар қандай илмсизликнинг охири бор, албатта, худди ёнган олов кул бўлиб қолишидек. Биз бундай таҳликали вазиятда четдан қараб турмасдан, ўз ўрнимизни кўрсатиб, ёш фарзандларимизнинг онгу – шуурини соф эътиқод билан бойитмоғимиз лозим. Бунга эса ҳич қандай қаттиққуллик, кўполлик керак эмас. Мулойимлик ва соф табиатлилик билан ёндашмоғ даркор. Зеро, ҳар қандай қаттиқ жисмни йумшоқлик ва майинлик билант енгиш сир эмас албатта. Худди пистанинг қобиғи қанчалик қаттиқ бўлишига қарамай, яхши ният билан (уруғ олиб) ерга эксак, ўз пўчоғини ёриб чиққандай мулойим табиатлилар қаттиқ табиатлиларни мавҳ этгайлар. Бугун биз фарзандларимизга оила даврасидан соғлом муҳитни таъминлаб бермасак, соғлом эътиқодни носоғломидан фарқини кўрсата билмасак, уларни бошқа “сохта эътиқодчилар” домига тушмаслигига ким кафолат беради? Баъзи “ўргимчак тўри”да ёшларни бошқа динларга даъват қилувчи “эътиқод овчилари” (миссионерлар)нинг домига тушмаслигига ким кафолат беради?

ХУЛОСА

Талаба-ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва шуурида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат – эҳтиром туйғусини гўдаклик пайтидан бошлаб шакллантирсакгина, кўзлаган мақсадимиз - “бегона жамият” вакилларининг асл мақсадлари қандай бўлишидан қатъий назар, уларга куч бағишлаб турган ҳар қандай безнисга қарши иммунитетимизни шакллантирган ҳолда, ўз минталитетимизга хос миллийликни шакллантирган бўламиз. Ҳаммамиз бир тану – бир жон бўлсак бундай илмсизликни чегараб қўямиз. Таълимот нимаю – дин дима? Дин бу вайронкорлик эмас балки тинчликни таъминловчи инсоний (туйғу) куч эмасми аслида? Буларни ёшларимизга ким ўргатиши керак? Ота – онанинг бурчи, устознинг вазифаси нималигига ёшларимизга ўргатишимиз шарт аслида. Соғлом эътиқодли соф диний қадриятларимизни ёшларимизга тўғри сингдириш ҳар биримизга ҳам фарз ва ҳам қарз эрур!

REFERENCES

1. Раматов, Ж. С., & Баратов, Р. У. (2018). Новый подход в системе высшего образования в Узбекистане. *Психология, социология и педагогика*, (4), 1-1.



2. Отамуратов, С., Хусанов, С., & Раматов, Ж. (2002). Маънавият асослари. *Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент.*
3. Раматов Дж., Иноков К., Исмаилова С. и Худойкулов С. (2021). ТРЕБОВАНИЯ ОБРАЗОВАНИЯ МОЛОДЕЖИ С АКТИВНЫМ ГРАЖДАНСТВОМ. *Academicia Globe: Inderscience Research* , 2 (05), 1-3.
4. Раматов, Ж. С. (2021). ФИЛОСОФСКОЕ МИРОВОЗЗРЕНИЕ И ЕГО РОЛЬ В ВОСПИТАНИИ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЕЖИ. *Проблемы педагогики*, (1 (52)), 16-17.
5. Раматов, Ж. С. (2021). БАРКАМОЛ ВА СОҒЛОМ АВЛОД–ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИНИНГ ПОЙДЕВОРИ. *Academic research in educational sciences*, 2(2).
6. Раматов, Ж. С., & Баратов, Р. У. (2018). НОВЫЙ ПОДХОД ПОДГОТОВКИ КАДРОВ С ВЫСШИМ ОБРАЗОВАНИЕМ В УЗБЕКИСТАНЕ: ПЕРСПЕКТИВА И ИННОВАЦИИ. *Теоретические и прикладные науки* , (4), 89-91.



“КЕЧА ВА КУНДУЗ” РОМАНИДА МУСТАМЛАКА ХАЛҚ ВА ЎЗБЕК АЁЛИ ТАҚДИРИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

Нодира Джохонгировна Холикова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти доценти

Хумоюн Абдулахат ўғли Умаралиев

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти 3-курс талабаси

АННОТАЦИЯ

Мақолада Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи қаҳрамонлари мисолида XX аср бошидаги Туркистон ҳаёти, ижтимоий муҳит, ўзбек аёли қисмати, жамиятда мавжуд, бироқ эътибордан четда қолаётган масалалар таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: ўзбек хонадони, қафас дарчаси, қушнинг изтироби, ниқобланиш, бахтсизлик нишонаси.

ABSTRACT

The article analyzes the life of Turkestan at the beginning of the 20th century, the social environment, the fate of Uzbek women, the problems that exist in society, but are ignored, using the example of the heroes of the novel "Day and Night" by Abdulhamid Suleiman oglu Chulpon.

Keywords: Uzbek family, cage window, bird suffering, disguise, harbinger of misfortune.

КИРИШ

Бадий адабиёт – чексиз олам. У насрда ҳам, назмда ҳам чегара билмайди. Унинг ўзига хослиги – бу гўзаллик. Ўзбек адабиёти ҳам шу гўзалликдан сув ичади. Шу боис, ижод аҳли ҳамиша ҳар нарсани бадий акс эттиришга ҳаракат қилиб келган. Жамият ривожини унинг адабиёти такомилга қараб белгиланади. Бугунги давлатимизнинг эртанги эгалари ёшлардир. Ўсиб келаётган ёш авлодни миллий маънавиятимизни англаш руҳида тарбиялашда эса адабиёт асосий қурол вазифасини ўтайди. Адабиёт инсон руҳиятида азал-азалдан яшаб келади. У миллат тақдирини ҳар жиҳатдан тасвирлаб бера олади, бу хоҳ маънавий ҳаёт бўлсин, хоҳ сиёсий. XX аср охирига келиб жаҳид адабиёти эрк учун, озодлик, ҳуррият учун кураш қандай бўлиши кераклигини тушунтирди. Шунини асло

унутмайликки, жаид адибларимиз фақатгина тушунтириб бериш билан кифояланишмади, балки ўзлари андоза бўлиб кўрсатиб ҳам бердилар. Улар ҳам назарий, ҳам амалий фаолиятда жадал одимладилар. Жаид ёзувчиларининг асарларида мавзу бир, яъни “Хуррият” бўлган бўлса-да, ҳар бир ёзувчи уни ўз услуби билан кўрсатар эди. Улар орасида Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг публицистик асарлари, шоир ва носир сифатидаги изланишлари ўзига хос дунёқарашнинг меваси эканлиги билан ажралиб турарди. Чўлпон “тонг юлдузи” бўлса, унинг дунёси она заминдан то юксак гумбазга қадар катта оламдир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам Чўлпон ижодига юксак баҳо бериб, “XX аср бошларидаги миллатимиз тақдирини, унинг бошига тушган фожиаларни, озодлик ва эркинлик қадрини ҳеч ким бу мумтоз шоиримиз каби юксак пардаларда куйлаган эмас” [1; 9] – деган эди.

Чўлпон озодлик ва эркинликни ўз нуқтайи назари билан тушунган. Чўлпон эркинликни фақат юртдаги эр йигитлар озодлиги билан ўлчамас эди. У “озодлик” деган сўз замирида аёллар эркинлигини ҳам кўрарди. Шу боис, асарларида шу мавзунини ёритган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўтган асрдаёқ давлатнинг қай даражада ривожлангани ундаги аёлларнинг жамиятда тутган ўрнига кўра белгиланишини энг аввалгилардан бўлиб тушунган ва тушунтиришни истаган Чўлпон ижодини, хусусан, унинг ижодида хотин-қизлар тақдири масаласи борасидаги қарашларини яхлит ва тадрижий тарзда ўрганиш, илмий-амалий жиҳатдан фойдаланиш бугунги кун учун долзарб аҳамият эга. Бугунги кунда Абдулҳамид Чўлпон илмий-бадий меросининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда бадий асарларининг адабий талқини масаласи аксарият битирув малакавий ишларда ёритилган. Чўлпон илмий-бадий мероси борасидаги илмий ишлар адабиётшунос ва филолог олимларнинг илмий изланишлари натижасидир. Тадқиқотчилар томонидан Чўлпон ижодида хотин-қизлар образи масаласи бўйича бир қатор таҳлиллар келтирилган, илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Чўлпон ижодининг ғоявий хусусиятлари ва унинг ижтимоий аҳамияти юзасидан тадқиқот ишлари олиб бориш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш соҳа мутахассислари зиммасига юкланган. Чўлпон ижодий фаолияти юзасидан Озод Шарафиддинов [2], Замира Эшонова [3], Наим Каримов [4], У.Султонов [5], Г.Эрназарова [6], С.Йўлдошбекова [7], Х.Лутфиддинова [8], Д.Қуронон [9] кабилар илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

НАТИЖАЛАР

Маърифатпарварлик адабиётида аёллар тимсоли ўзига хос реал тасвирланган. Бунда ўша давр тузуми қаттиқ қораланиб, аёлларни илм-маърифатга, жаҳолат ботқоғидан чиқаришга даъват этилади. Хусусан, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асарида Зеби тимсолида ўша давр аёллари эркислиги очиб берилади. Зеби, хуркак оҳу каби гўзал ва иложсиз. Унинг қалби шу қадар тозаки, ёмонлик ҳақида ўйлаш нима эканлигини ҳам тушуниб етмайди. У инсонларни севиб яшайди. Разолат тўлиб ётган дунёга муҳаббат кўзи билан боқади, бироқ жаҳолат тозалик ва гўзаллик билан келишмайди, гўдакдай беғубор бўлгани учун ҳам бағри ифлослик ва кирга тўла ҳаёт уни сиғдирмайди, шудрингдай тоза ва чечакдай покиза бўлгани учун ҳаётнинг шафқатсиз ва бадбўй ҳавосида нафаси бўғилади.

Биргина Зеби тимсолида ўша давр аёлларининг машъум тақдири, ўзгалар томонидан бўғилаётган келажаги, топталаётган шаъни ва ғурури, кўраётган жабр ситамлари тасвирланган. Аёл киши таълим олиши шунчаки ҳаёл, орзу эди. Уларни жаҳолатга етаклаётган қоқоқ ва кўзларини парда қоплаган жамиятга мазкур асарлар билан ойна тутилган.

Чўлпоннинг асосий мақсади ҳам мавжуд тузимни таг-томири билан ўзгартириш эди. Зеби фақат аёллик латофати ва олижаноб инсоний фазилатлари билангина эмас, айти пайтда хушовози билан барчанинг эътиборини тортади. Аммо ижтимоий тенгсизлик ҳукмрон бўлган ва аёллар кадр-қиммати оёқости қилинган жамиятда Зебининг орзу-ҳаваслари янчилади. Бу асар орқали Чўлпон Зеби ва унга ўхшаган жабрланган аёллар тақдирига ачинади. Уларнинг озод бўлишини истайди. Ўз тақдирини ўзи ҳал қилишини, хур-эркин, илм-маърифатли бўлишини истайди.

Профессор Озод Шарафиддинов муаллиф нигоҳи “ўзбек хонадонининг ичкараси” га қаратилганлигини таъкидлайдики, ундаги аёллар “катта ҳаётдан ажралган ҳолда, тўрт девор ичида, фақат бир-бирларининг дийдорларига термулиб, бу дунёнинг ҳузур-халоватидан, роҳат-фароғатидан маҳрум ҳолда умргузаронлик қилишга мажбур. Шу бўғиқ, диққинафас муҳит улардаги фазилатларнинг рўёбга чиқишига йўл қўймайди, аксинча, уларни бир-бирларининг тагига сув қуйишдан тоймайдиган, бажонидил ғийбат қилиш билан шуғулланадиган бачкана кимсаларга айлантиради”.

МУҲОКАМА

Энди эса фикр қиладиган бўлсак, бир-бирининг бахтини, шодлигини кўра олмайдиган, аксинча, мен нега

бахтсизман деб ўйлаб, ўзининг бахтсизлигининг сабабини ўз қавмидан кўриб яшайдиган инсоннинг қалб кўзи кўр бўладики, бу аён ҳақиқат. Бундай муҳитда яшаётган инсон қачон илм олиш ҳақида ўйлайди?

Чўлпон маҳоратининг кўзга кўринарли жиҳатларидан бири ҳам айнан шунда. Яъни Чўлпон асарларида мана шундай миллатни, халқни қолоқлик сари етаклаб борадиган чиркин муҳитни ҳам воқеалар асносида, образлар тасвирида бемалол ифодалаб бера олади. Чўлпон асарларининг илдизи ҳақиқатдир. Чўлпон асарлари реалликка асосланган, айнан мана шу жиҳати ҳам бу асарларнинг боқий бардавом эканлигини, ўзига хослигини ва бадиий қийматини йиллар давомида ошириб борса оширадики, асло йўқ бўлиб кетишига йўл қўймайди.

“Кеча ва кундуз” романида Зеби ва Салтанат қишлоққа боришга рухсат сўраш учун Зебининг отасини кутиб ўтиришганда беихтиёр ўйинга берилдилар, шу ўйин устига келиб қолган Раззоқ сўфининг осиклиқ қовоғини кўрган Зебининг кўнглидаги дард Чўлпон томонидан мана бундай тасвирланади: “...қафас дарчасининг очилишини кутган вақтида даричага каттакон бир кулф урилаётганини кўрган бир қушнинг изтиробини” [10; 33]. Яхшилаб аҳамият берайлик, бу каби тасвир камдан-кам учрайди. Тўғри, Зебини қафасдаги қушга ўхшатиш оддийдек кўринар, лекин бу ерда юз бераётган жараён ҳам эътиборга молик. Бу ҳолат рўй берганида Зеби тор уйдан чиқиб кўнглидаги қишнинг заҳликларини кетказишга умид боғлаётган эди. Шу сабабдан ҳам адиб ўз қиёслашига “қафас дарчасининг очилишини кутаётган вақтида” деб тўлдириш киритиб кетади. Яна бир жиҳат шундаки, адиб қафасига кулф осилган қуш демаяпти, “даричага каттакон бир кулф урилаётганини” айтаяпти. Мана бадиий нозиклик. Шу жумланинг ўзи Чўлпоннинг ҳали Зеби учун имкон бор демокчилигини кўрсатаяпти. Асар давомида ростдан ҳам шундай бўлди. Қурвонбиби Раззоқ сўфини кўндирди. Ана шу ўринда икки нозик хилқат, яъни Зеби ва Салтининг шодлиги, шўх қийқиришларини қалам соҳиби нимага қиёс этганига қаранг: “...тобига келган чойдишдек шарақлашиб...” [10; 36]. Дарҳақиқат, бу ноёб ўхшатиш. Ўзбекнинг чойдишини қандай шарақлаб қайнашини чет элликларнинг барчаси ҳам билавермайди. Қолаверса, инсон хурсандчилигини бундай физик жараён билан боғлаш камдан кам ёзувчининг хаёлига келади.

“Кеча ва кундуз” романини ўқийётган китобхон илк саҳифаларданок унинг Чўлпон қаламига мансуб эканлигини билади. Асардан ўрин олган ҳаяжонга тўла лирик чекинишлар, ҳиссиётга йўғрилган гўзал лавҳалар ўқувчи қалбидаги ҳис-туйғулар шиддатини

ошириб юборади. Бу асарда жуда катта ҳаётӣ жараён қамраб олинган. Эрк масаласими ёки тенглилик, алдов ёки иккиюзламачилик, содиқлик ва хиёнат каби масалаларнинг барчаси асар замирига жойланган. Асар ўзининг мавзу хусусияти билан ҳам, тасвир гўзаллиги билан ҳам ажралиб туради ва алоҳида аҳамият талаб қилади.

Адиб “Кеча ва кундуз” романини ёзишга қўл уришининг энг биринчи сабаби ижтимоий-шахсий зарурат эди. Яъни ўз даврининг бағоят қалтис мавзусига қўл урган Чўлпон учун ўтмишни бадиий идрок этиш воситасида: а) ўзини қийнаган ижтимоий муаммоларга жавоб топиш-у замонасининг моҳиятини англаш; б) ўзининг кечмиш ҳаётида маъни, орзу-интилишларида асос бўлган-бўлмаганини билиш; в) ўзи англаган ҳақиқатни ифодалаш орқали мавжуд ижтимоий воқелик ва алдамчи сиёсатга нисбатан қалб исённи имкон доирасида четга чиқариш том маънодаги ички эҳтиёжга айланган эди. Бу ички эҳтиёжни юзага чиқаришга қаршилиқ қилувчи ташқи омиллар адибни “ниқобланиш”га мажбур қилганки, асар поэтикасининг айна шу хусусиятини эътиборда тутилсагина унинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш мумкин бўлади. Айна пайтда романнинг тугалланмаганлиги уни бир-бирига зид икки турли талқин қилиш имконини қолдиради. Бу ўринда “Кеча”нинг қай жиҳатдан талқин қилиниши “Кундуз”нинг қандай тасаввур қилинишига боғлиқлигича қолади.

Чўлпон “Кеча ва кундуз” романини 1935-1937-йилларда яратган. Бу роман ўзбек миллатининг бадииятда акс этган солномасидир. 1936-йилда романнинг “Кеча” қисми босилиб чиққан. Адиб қатағонга учраганидан сўнг унинг кўплаб асарлари қаторида бу роман ҳам китобхонлар оммасидан беркитилди. Мустақиллик йилларида эса роман адабиётшунос олимлар томонидан жиддий ўрганилди. “Кеча ва кундуз” романи Чўлпон биографиясида ҳам, ўзбек романчилиги тарихида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу асарда адибнинг ҳаётда орттирган билим ва тажрибалари, шеърят ва драматургия соҳасида эришган бадиий маҳорати жамланган. Чўлпон XX аср бошларидаги Туркистон ижтимоий муҳити, хусусан, чоризмнинг босқинчилик сиёсатини ичдан емирилиб бораётганини, маҳаллий амалдорларнинг разил қилмишларини реал акс эттиради. Асар бошидаги оддий бир оиланинг маънавий муҳит тасвири бора-бора романнинг бадиий матни моҳияти негизида ўзлик ва дунёни англаш, маърифат ва ҳурлик каби миллат тақдирига боғлиқ ҳақиқатлар билан уйғунлашиб кетади. Муаллиф миллатпарвар адиб сифатида ўзбек халқининг турмушида бошланган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий



ўзгаришларни, юрагини ўртаган ҳаётини муаммоларни зўр маҳорат билан тасвир этади. Асарнинг “Кеча” қисми оддийгина содда, оққўнгил ва ёш Зебининг аянчли қисмати билан яқунланади.

Романда акс этирилган воқеа 1-жаҳон уруши эндигина бошланган кезларда Ўзбекистондаги вилоятлардан бирида бўлиб ўтади. Романдаги қаҳрамонлардан бирининг: “Биз яқиндагина эшон тўполони бўлиб ўтган жойдан унча олисда эмасмиз” деган сўзларига қараб, воқеа Андижон вилоятининг Дукчи эшон қўзғалони бўлиб ўтган Марҳамат туманига яқин бир жойда бўлиб ўтган деб айтишимиз мумкин.

Бу давр ўзбек халқининг икки томонлама зулм остида эзилган даври эди. Маҳаллий бойлар бу даврда рус мустамлакачилари билан оғиз-бурун ўпишиб, ўз халқининг тарихий тараққиёти ҳақида эмас, уни иқтисодий, ижтимоий, маданий қолоқликдан халос этиш тўғрисида эмас, балки ўзларининг роҳат-фароғатлари, моддий фаровонликлари ҳақидагина жон куюнтиришар эди. Феодал тузум ва мустамлакачилик шароитида халқ тўғрисида ўйловчи, унинг қийин, машаққатли ҳаётини яхшилаш ҳақида қайғурадиган бирон сиёсий куч мавжуд эмас эди. Ёзувчи ана шу тарихий даврни бадий тасвир ва таҳлил этиш мақсадида асарни ёзган. Бу воқеа Зеби тимсолида очиб беришга қаратилган.

Чўлпон асарнинг бошидан охиригача Зеби характеридаги самимиятни, очиқликни энг муҳим белги сифатида кўрсатади. Унинг томирларида навқиронлик жўш уради, кўнглида эса теварак-атрофни қуршаб олганларга, дугоналарига, баҳорга, ҳамма-ҳамма нарсага муҳаббат ҳоким! У ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрмаган. Зебининг мурғак қалби дунёда разолат ва қабихлик, ёмонлик ва ёвузлик борлигини сиғдира олмайди. Зеби тўрт девор ичида кишини эркисиз қилувчи ҳаволардан нафас олиб улғайди. У кўпроқ отасидан кўрқади. Отаси Раззоқ сўфи ўз уйининг қабристонлар қадар жим-жит бўлишини истайди. У хотин-ҳалаж олдида тил қалдиратишни раво кўрмайди. Зебини ҳаётсевар қилган омиллардан биттаси – унинг жарангдор овози. Унда ўзбек аёлларига хос фазилятлар жамланган. У поклик, гўзаллик, тозаллик ва навқиронлик тимсоли.

Роман бошлариданоқ Раззоқ сўфининг ўз жуфти ҳалоли – Қурвонбибига, ягона қизи – Зебига қилган муомаласининг ўзи бизга аёл кадр-қиммати нечоғлик бўлганини белгилаб беради. Асарда сўфи тил инсондаги энг азиз ва табаррук аъзо эканини уқтириб, “Уларни хотин кишидай паст махлуқ олдида хор қилинадими? Бўлмаса Ҳақ таолонинг бандалари ит билан ҳам гаплаша берсин! Йўқ, хотин кишига жуда зарур гап айтилади, у тоифа билан зарурат юзасидангина гаплашилади.

Вассалом!” – деб хулоса қилади. Бу парчани ўқир экансиз, беихтиёр, “Не-не буюк авлиёларни, донишмандларни, кўйинги, Пайғамбарларни дунёга келтирган аёлнинг ҳурмати шу бўлдимиз?”, деб юборасиз. Наҳотки, аёл зоти ит билан тенг кўрилса! Балки Чўлпонни ҳам шу каби саволлар қийнагандир. “Чўлпон ҳикояларида юксак бадиий маҳорат билан тасвирланган ўзбек хотин-қизларининг тақдири бу романда ўзининг марказлашган бадиий инъикосини топди. Шу маънода “Кеча” романини инқилобнинг дастлабки йилларидаги ўзбек хотин-қизлари ҳаётининг бадиий қомуси деб аташ мумкин”. “Хотин-халаж олдида оғиз очиб тил қалдиратиш”ни ўзига раво кўрмайдиган Раззоқ сўфи учун ўз аёлини исми билан аташ, ёки халқимизга хос одатлардан бири – фарзандининг номи билан аёлини чақиритиш – ортиқча иш эди. Шунинг учун ҳам Қурвонбибини “Фитна” деб чақиради. Бобо-момоларимиздан қолган одатга кўра, оила боши аёлини ўзининг жуфти ҳалолани катта қизининг исми билан атаб чақиради, масалан, қизининг исми Сожида бўлса, Сожида дейди, агар аёли ва қизи бирга жавоб қайтарса, каттангни айтяпман дейди. Лекин Сўфининг аёл зотига “ҳурмати” шу экан, у аёл кишидан маслаҳат олиши учун Чўлпон таъбири билан айтганда, “Дунёга бошидан келиши керак” эди. Ёзувчи ўз романи орқали XX аср бошларидаги ўзбек халқи ҳаётини, ижтимоийликни, энг муҳими, давр муҳитини бадиий акс эттириб бера олди. Асар давомида Зеби характери икки йўналиш орқали очиб борилади:

1. Зебидаги гўзаллик, самимийлик, соддалик;
2. Зеби қисмати заволига сабаб бўлган муҳит.

Адиб асар бошидан бизни Зебининг оламига олиб киради. Абдулхамид Сулаймон ўғли Зебининг юз тузилиши, қад-қомати, сочлари тасвирини бизга чизиб бермайди, лекин ҳар бир китобхон Зебининг ўй-хаёллари, ҳаракатлари, самимиятидан келиб чиқиб “ўз Зебиси” ни яратиб олади. “Зебининг ўн гулидан бир гули энди очилиб келаётган мурғак қалби дунёда разолат ва қабиҳлик, ёмонлик ва ёвузлик борлигини сиғдира олмайди. Ҳатто, Зебини ўстириб-улғайтирган муҳит ҳам ундаги ҳаётсеварликни сўндира олмаган, Зеби эса ҳамма ўзбек қизлари сингари тўрт девор ичида кишини димиқтирувчи, эркисиз қилувчи ҳаводан нафас олиб улғайган”. Зебидаги соддалик, тобелик, катта инқилоб қила олмаслик бутун халққа хос хислатлар эди. Чўлпон асарда халқнинг миллий руҳиятидан келиб чиқиб типик воқеликни бадиийлаштиради. Бу ҳодиса хотин устига хотин олиш воқеаси орқали тасвирланади. Зебининг тўйи кечасида хотинларнинг атайин Зебига эшиттириб айтган гапларини эслайлик: “Қизингиз етилиб қолибди, мингбоши додхога бермайсизми? – деди уларнинг биттаси овозини

кўтара тушиб. – Буватаваккал адирида одам сонидай йўғон илонлар бор эмиш. Шуларга берсам бўлмайдим!..” Бу гапларни эшитган ҳар бир кишида Зебига нисбатан ачиниш кайфияти пайдо бўлади. Асардаги бахтсиз биргина Зебининг ўзи эмас, унинг кундошлари ҳам бахтсиз. Улар ўз қавмларини (аёл зотини) ўзлари хўрлайдилар. Улар бир-бирларига, аввало, аёл деб қарамайдилар, аксинча, кундошлар сифатида қарайдилар. Айнан мана шу уларнинг бахтсизлиги нишонасидир. Кундошларнинг ҳар бири бахтсиз эди. Улардаги бахтга зорликнинг ягона сабаби эса аёл қадр-қимматининг эътибордан четда қолдирилаётгани, аёлга қарата “Сен ҳам бахтлимисан?” дея бирор бора савол берилмагани, замона илм-фанидан бебахралик ва жоҳиллик ортидан кўр-кўрона эргашиб боришдир. Хотин устига хотин олаверадиган Акбаралида эса мен нима қиялман-у нима қилишим керак қабилдаги ўйловнинг ўзи йўқ эди. Асарда ёлғиз дилбандининг фожиасини кўриб туриб қўлидан ҳеч бир иш келмаган, рўзғор юки билан бирга давр юкини ҳам кўтара олмай руҳан эзилган Қурвонбиби ҳам бахтсиз ўзбек аёлининг, ўзбек онасининг сиймоси эди.

“Кеча ва кундуз” ҳаётлиги ва самимийлиги билан, мазмунининг теранлиги билан, қаҳрамонлар характерининг бутунлиги ва тўқислиги билан умрбоқий асарлар сирасига мансуб.

ХУЛОСА

Чўлпон ҳар бир жамиятнинг тараққий этганлик белгиси ундаги хотин-қизларнинг турмуш даражаси билан белгиланишини биларди. Шунинг учун ҳам айнан шу масалани ижодининг етакчи мавзуларидан бирига айлантди. Чўлпон ижоди ғоясини англаш учун аввало Чўлпоннинг ўзини англаш зарур. “Чўлпонни англаш, уни мактаб кўкларга кўтариш эмас, уни идеаллаштириш эмас, унинг номига кўчалар-у санъат кошоналари қўйиш эмас, Чўлпонни англаш сўз санъатининг ботиний қонуниятларини англаш, уларнинг шоир ижодида қандай зоҳир топишини англашдир.

Чўлпонни англаш унинг буюк умумбашарий ғояларини, унинг юксак инсоний туйғуларини юракка сингдириб олишдир. Чўлпонни англаш – Ватанни, кўхна Туркистонимизни Чўлпон кўзи билан кўриб, Чўлпон юраги билан сева билмоқдир”. Сўз мулкининг султони бўлмиш Алишер Навоийни англаш – ўзликни англаш дейилгани сингари ўн олти ёшида адабиёт нима эканлигини халққа тушунтириб берган Чўлпонни англаш – маърифат ва ҳурриятни англаш демакдир, дейиш айни муддаодир.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. – Т.: Ёзувчи. 1994.
3. Эшонова З. Чўлпон поэзиясининг ғоявий-бадий хусусиятлари. – Т.: Фан. 1993.
4. Каримов Н. Чўлпон. – Т.: Фан, 1991.
5. Султонов У. Чўлпоннинг адабий-эстетик қарашлари. –Т.: НДА, 1995.
6. Эрназарова Г. XX аср ўзбек поэзиясида миллий тафаккур ва унинг бадий талқини (Чўлпон, Ғ.Ғуллом, А.Орипов шеърини мисолида. – Т.: НДА, 2001.
7. Йўлдошбекова С. Чўлпоннинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти. – Т.: НДА, 2002.
8. Лутфиддинова Х. Зеби, Зебона... – Т.: Фан, 1993.
9. Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Т.: Шарқ, 2004. –360 б.
10. Чўлпон. Кеча ва кундуз. - Т.: Фан, 2018.

ЎРМОН ЁНҒОҒИНИ (*CORYLUS AVELLANA L.*) УРУҒИДАН КЎПАЙТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ҳ. Ў. Эгамназаров

Тошкент давлат аграр университети таянч докторанти

А. Қайимов

Тошкент давлат аграр университети профессори

egamnazarov2021@bk.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада Тошкент давлат аграр университетига қарашли бўлган Ахборот-маслаҳат марказида ўрмон ёнғоғини экиб, унинг устида тажрибалар олиб бориш натижалари, унинг экиш чуқурлиги ва муддати тўғрисида маълумотлар келтирилган. Шунингдек Ўрмон ёнғоғининг ахамияти, тарқалиши ҳақида қисқача маълумотлар берилган. Бу ерда асосан ўрмон ёнғоғини уруғидан кўпайтиришнинг самарали технологияси ҳақида тажриба маълумотлари берилган.

Калит сўзлар: Ўрмон ёнғоғи, интродукция, ёнғоқмевали, вегетация даври ,гуллаш даври, хосилдорлиги, кўпайтириш.

ABSTRACT

The article provides information on the results of planting and conducting experiments on Hazelnut in the information and consulting center of the Tashkent State Agrarian University, on the depth and timing of its planting. There is also a brief overview of the importance and distribution of Hazelnut. Experimental data are presented here, mainly on the effective technology of Hazelnut propagation by seeds.

Keywords: Hazelnut, cobnut, introduction, nutmeg, vegetation period, flowering period, yield, reproduction.

КИРИШ

Бугунги кунда Республикамизнинг барча ер ресурсларидан унумли фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигини ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакат ҳудудининг катта қисмини суғорилмайдиган лалмикор ерлар ташкил этади. Ушбу майдонларда лалмикор деҳқончиликдан ташқари ёнғоқмевали дарахтларнинг айрим турларидан фойдаланиб серҳосил плантациялар барпо қилиш мақсадга

мувофикдир.

Аҳолини тўйимли озиқ – овқат маҳсулоти билан таъминлашда ўрмон ёнғоғи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг меваси ёнғоқ ҳисобланиб (1-расм), жуда ҳам мазали бўлади. Мевасининг мағзида 55-60 % ёғ ва 15 % енгил ҳазм бўлувчи оксил моддаси бор. Витаминлардан А, В, Е, канд, темир, калций, тузлар ва кўпгина бошқа элементлар ҳам мавжуд. Ёнғоғининг мағзи нонга нисбатан икки баробар, гўштга нисбатан бир ярим баробар кучлироқ, тўйимлироқ ҳисобланади. Шунингдек тана пўстлоғи ошловчи моддаларга бойдир.



1-расм. Ўрмон ёнғоғининг меваси

Ўрмон ёнғоғи – *Corylus туркуми*, Қайиндошлар (*Betulaceae*) – оиласига мансуб бўлиб, Ер шарининг ўрмон зонасида 20 дан ортиқ тури мавжуд. Шундан МДХ флорасида 8 та тури турли географик шароитларда учрайди [1]. Ўрмон ёнғоғи барг чиқармасдан олдин гуллайди. У бошқа дарахтлар соясида ҳам ўса олади, лекин очик майдонда яхши ҳосил беради, тупроққа талабчан, унумдор тупроқни яхши кўради [2].

Ўзбекистонда юқори истиқболли ўсимликларни уруғидан ва қаламчаларидан кўпайтиришнинг илмий

асосланган услубларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда [3, 4, 5, 6, 7].

Ўрмон ёнғоғи уруғидан, буталарини бўлиш, пайвандлаш, яшил новдасидан кўпайтирилади. Лекин асосан уруғидан кўпайтирилади.

ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА УСЛУБЛАРИ

Тадқиқот объекти Betulaceae Gray оиласига мансуб *Corylus avellana* L. – ўрмон ёнғоғи ҳисобланади.

Тошкент давлат аграр университетининг ахборот-маслаҳат марказида ўрмон ёнғоғини экиб, унинг устида тажрибалар олиб борилмоқда. Бу тажрибага кўра ўрмон ёнғоғи уруғини уч хил экиш схемаси ва уч хил чуқурликда экиб, уч хил муддатдаги вариантлар жойлаштирилди. Бунда уруғлар 5; 7; 9 см чуқурликда ва уч хил такрорийликда экилди. Экиш схемаси бўйича ҳам 60x10; 60x15; 60x20 см схемада уч хил муддатда вариантлар экилди. Экиш муддатлари орасидаги фарқ 12 кунни ташкил қилди. Дастлабки уруғлар 10-март санасида уч хил вариантда жойлаштирилди. Иккинчи муддатда эса 22-мартда, учинчиси эса 3- апрелда экилди. Тажрибада тўққизта вариант бўлиб, уларни I А, Б, С; II А, Б, С; III А, Б, С вариантлар тарзида жойлаштирилди. Бунда А, Б, С; 5, 7, 9 см ни ва 60x10; 60x15; 60x20 см экиш схемасини билдиради. I, II, III эса ҳар хил муддатда экилган уруғлар эканлигини англатади.

Икки йилдан сўнг кўчатларни доимий ўсиш жойига кўчириш мумкин. Яхши ривожланмаган ниҳолларни 1x1 м схемада жойлаштирилади, бу ишларни булутли кунда амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади. Уруғидан экилган ўрмон ёнғоғи 6-10 йилдан кейин ҳосил бера бошлайди. Доим ҳосилдорлик ва ҳосил сифатини кузатиб бориш керак. Уруғидан экилган ниҳоллар қимматбаҳо ўрмон ёнғоғи кўчатини олишда пайвандтаг сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Бу тажрибадан асосий мақсад ўрмон ёнғоғини уруғидан кўпайтиришнинг самарали технологиясини ишлаб чиқишдир.

ОЛИНГАН НАТИЖАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Ўрмон ёнғоғи уруғлари сентябр ойида Тошкент вилояти Бўстонлик тумани академик М.Мирзаев номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг тоғ боғдорчилик ва узумчилик филиалида барпо этилган ўрмон ёнғоғи плантацияларида терилди. Уруғларни бир қисми кузда, октябр ойида Тошкент давлат аграр университети қошидаги Ахборот маслаҳат

марказидаги тажриба майдонига назорат варианты сифатида экилди. Қолган уруғлар 8 декабрда махсус қазилган очиқ траншеялардаги қумга 3/1 нисбатда стратификацияга қўйилди. Ўрмон ёнғоғи уруғларини стратификацияси муддати 120-150 кунни ташкил этишини ҳисоб олиб 8 апрелдан бошлаб ниш урган уруғларни траншеядан олиб тажриба майдонига экилди (2-расм). Стратификация қилинган уруғларнинг 84 % униб чиқди. Назорат вариантдаги уруғлар 60 % и унди. Улар орасидаги фарқ 24 % ни ташкил қилди.



2-расм. Стратификация қилинган уруғлар

Кунлар исиши билан тупроқдаги ҳарорат ортиши натижасида дастлабки экилган уруғлар 12 – апрелдан бошлаб униб чиқа бошлади. Бунда Оддий ўрмон ёнғоғи уруғларини экиш муддати бўйича уч муддатда экилган уруғлар ўртача 61,4 % кўрсаткични намоён этди.

Рис. 4. Схема дешифрирования по результатам фильтрации

В результате получена векторная карта, отражающая разломы и трещины, границы измененных пород по фототону, а также прямолинейные фрагменты различных форм рельефа и гидрографии (рис.5).




Рис. 5. Карта линеаментов, полученная методом линеаментного анализа

На основе статистического анализа карты линеаментов получена карта плотности линеаментов и роза диаграмма ориентаций линеаментов. Из рисунка 6 видно, что на северной, северо-западной и юго-западной части исследуемой территории плотность линеаментов выше, чем центральной, что означает центральная часть территории является впадиной, соответствующей эрозионно-структурные депрессии или речные долины.

Роза диаграмма линеаментов показывает ориентации выделенных линеаментов от 0 до 360 градусов. На рисунке 7 приведены линеаменты выделенные в исследуемой площади, которые в основном имеют субширотное направление (90-100 градусов). Ориентации линеаментов в большинстве совпадают с геолого-структурными элементами геологической карты региона и полевых наблюдений.




Рис. 6. Карта плотности линеаментов




Рис. 7. Роза-диаграмма ориентации линеаментов

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

По результатам линеamentного анализа, анализ цифровой модели рельефа, расчет геологических (минеральных) индексов, включающих породы глинистого, карбонатного и кварцевого состава выделены участки аномальных зон урановой минерализации (рис. 8).




Рис. 51. Перспективные площади, выделенные по результатам космогеологической исследования

Перспективность урановой минерализации, выделенных нами участки аномальных зон обосновываются зонами выклинивания пластового окисления индикаторами на поверхность которых являются результаты вышеперечисленных методов обработки космоснимков.

Для подтверждения полученных данных необходимо апробировать новую методику на основе гиперспектральных снимков, которые были недоступны в данном периоде работы. С другой стороны, комплексирование полученных результатов с

материалами буровых, геохимических и радиометрических исследований позволяет оценить результативность новой методики поиска зон урановых минерализаций.

REFERENCES

1. Роберт А. Шовенгердт. Дистанционное зондирование. Методы и модели обработки изображений. М.: Техносфера. 2010. – 560 с.
2. Эргашев Ш.Э., Асадов А.Р. Методическое пособие по использованию материалов дистанционных съёмок. Ташкент: ИМП. 2001. – 202 с.
3. Кирсанов А. А. Новый метод выявления окolorудных гидротермально измененных пород по космическим гиперспектральным данным на примере Ломамского потенциально золоторудного района, Республика Саха (Якутия) / А. А. Кирсанов, М. Ю. Смирнов, К. Л. Липияйнен, Г. А. Кирсанов // Региональная геология и металлогения. – 2021. – № 86. – С. 97–106. DOI: 10.52349/0869-7892_2021_86_97-106
4. Туресебеков А.Х. и др. Перспективные особенности добычи рения и осмия из золото-урановых руд и горючих сланцев Кызылкумов // Горный вестник Узбекистана, 1, № 28. С. 31-34.
5. Pirnazarov M.M., Asadov A.R. COSMOSTRUCTURAL – GEOCHEMICAL METHOD FOR FORECASTING GOLD-RARE-METAL MINERIZATION IN MOUNTAIN REGIONS OF UZBEKISTAN. AJMR: Asian Journal of Multidimensional Research. Vol 10, Issue 3, March, 2021. P. 179-186. DOI: 10.5958/2278-4853.2021.00113.0
6. Kanlinowski, A. and Oliver, S. (2004) ASTER Mineral Index Processing, Remote Sensing Application, Geo-Science Australia, Internal Report, 39 p. http://www.ga.gov.au/image_cache/GA7833.pdf
7. Zhang, Y. and Yao, F. (2015) Interpreting the Shortwave Infrared & Thermal Infrared Regions of Remote Sensed Electromagnetic Spectrum with Application for Mineral-Deposits Exploration. Journal of Applied Mathematics and Physics, 3, 254-261. doi: [10.4236/jamp.2015.32037](https://doi.org/10.4236/jamp.2015.32037).
8. ECOsystem Spaceborne Thermal Radiometer Experiment on Space Station (ECOSTRESS) URL: <https://ecostress.jpl.nasa.gov>.

СУВТЕЖАМКОР ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ УСУЛИНИНГ ҒЎЗАНИ ЎСИБ-РИВОЖЛАНИШИ ВА ПАХТА ТОЛАСИНИНГ ТЕХНОЛОГИК- ХЎЖАЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

Ферузбек Холдинович Абдулхақов

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти мустақил
изланувчи

Саидахроп Анваржанович Исашов

Пахта селекцияси уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялар илмий тадқиқот
институти докторант

Пўлатжон Иномжон ўғли Турсунов

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти магистранти

АННОТАЦИЯ

Мақолада ғўзани Андижон-36 навини парваришlashда сувтежамкор томчилатиб суғориш технологиясини ғўзани ўсиб-ривожланиши ва пахта толасининг технологик кўрсаткичлари баҳоланган. Дала ва лаборатория тажрибалари 2018-2020 йилларда Андижон вилоятининг оч-тусли бўз, механик таркибига кўра ўрта-оғир қумоқ тупроқлари шароитида ўтказилган.

Калит сўзлар: пахта, эгат, суғориш, технология, соз тупроқ, суғориш меъёри, коэффициент, сув тақсимоти.

ABSTRACT

The article evaluates the efficiency of the technology of growing cotton using subsurface irrigation with microporous tubes - humidifiers. Field and laboratory experiments were carried out in 2018 in the conditions of heavy loamy meadow soils of the Andijan region of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: cotton, furrow, irrigation, technology, loam, irrigation rate, coefficient, water distribution.

КИРИШ

Қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан, ғўзадан мўл ва сифатли ҳосил олишда, сувни ўз вақти ва меъёрида етарли таъминланишига боғлиқ. Кейинги йилларда дунёда иқлимни глобал иситиши таъсирида экологик мувозанатнинг бузилиши натижасида сув

танқислиги юзага келмоқда. Маълумотларга кўра қишлоқ хўжалик экинларини суғоришга яроқли бўлган сув миқдори, 2013 йилга нисбатан 2019-2020 йилларда сувнинг ҳажми 35-40 фоизга камайиб кетган.

Ҳозирги кунда бутун дунё, айниқса, Марказий Осиёда сув захираларининг танқислиги муаммоси сувнинг жуда кўп мақсадларда ва иқтисодиётнинг турли соҳаларида ишлатилиши натижасида янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ушбу шароитда сувнинг ҳар бир томчисидан имкон қадар самарали фойдаланиш талаб этилади. Бу талаб, айниқса, сувни энг кўп истеъмол қиладиган соҳа-қишлоқ хўжалиги учун ўта долзарбдир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Сўнги 3 йил давомида Президентимиз томонидан чиқарилаётган қарорлар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экинлардан юқори ҳосил етиштириш мақсадида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириб бориш, деҳқончилик маданиятини янада юксалтириш учун истиқболли томчилатиб суғориш усуллари ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ҳамда кенг жорий этишга имкон яратиб бермоқда.

Шу фармон ва қарорларни амалга оширишда деҳқон фермер хўжаликлари ерларида сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экинлардан юқори ҳосил етиштириш мақсадида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириб бориш, деҳқончилик маданиятини янада юксалтириш учун сув тежамкор томчилатиб суғориш усуллари ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ҳамда кенг жорий этиш мақсадида биз Андижон вилоятининг оч-тусли бўз, механик таркибига кўра ўрта оғир кумоқ, сизот сувлари сатҳи 3,5-5,0 метр чуқурликда жойлашган тупроқлар шароитида ғўзанинг Андижон-36 навининг мақбул суғориш тартибларини таъминловчи такомиллашган сувтежамкор томчилатиб суғориш технологиясини аниқлаш ҳамда ғўза навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиб, фермер ва сув хўжалиги ташкилотлари учун илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдир.

Тажриба ўтказиш услуги. Дала тажрибаси 2018-2020 йиллар давомида Андижон вилоятининг Избоскан тумани Лўғумбек қишлоғида жойлашган “Фахриддин замин инвест” фермер хўжалиги даласида ўтказилди. Тажриба даласининг тупроғи ос-тусли бўз, механик таркибига кўра ўрта оғир, сизот сувлари сатҳи 3,5-5,0 метрда жойлашган.

Тажриба тизими

1-жадвал

№	Суғориш усули	Экиш схемаси	Чекланган дала нам сиғими (ЧДНС), %	Тупроққа чуқур ишлов бериш
Андижо-36				
1	Эгатлаб суғориш (назорат)	60-10x1	70-70-60	
2	Томчилатиб суғориш	60-10x1	70-70-60	
3	Томчилатиб суғориш	60-10x1	70-70-60	Хайдовдан олдин 80 см чуқурликда юмшатиш
4	Томчилатиб суғориш	60-10x1	70-75-60	
5	Томчилатиб суғориш	60-10x1	70-75-60	Хайдовдан олдин 80 см чуқурликда юмшатиш

Тажриба вариантлари бир ярусда 4 қайтариқда жойлаштирилган. Вариант майдони эгат узунлиги 100 м, эни 4,8 м. $100 \times 4,8 \text{ м} = 480 \text{ м}^2$ Бўлакча майдони $480 \text{ м}^2 \times 5 = 2400 \text{ м}^2$ Тажриба даласини умумий майдони. $2400 \text{ м}^2 \times 4 = 9600 \text{ м}^2$ ёки 1,15 га. Ҳар бир бўлакча 8 қатордан иборат бўлиб, 4 таси ҳисобий қаторлар, ҳар икки томонидаги 2 тадан қаторлар ҳимоя қаторлари ҳисобланади. (1-жадвал)

Тажриба натижалари. Сувтежамкор томчилатиб суғориш усулини ғўза навларининг ўсиши ва ривожланиши. Дастлаб тупроқнинг қатламлари бўйича морфологик тузилиши, механик таркиби, ҳажм оғирлиги ҳамда сув сиғимлари аниқланди. Вегетация даврининг боши ва охирида тупроқдан бир метр қалинликгача намуна олиш йўли билан тупроқ-сув ўтказувчанлиги ўрганилди, генетик қатламлар бўйича тупроқ намуналари олиниб, улардаги умумий азот, фосфор ва калий миқдорлари аниқланди. Ғўзанинг гуллаш, гуллаш-мева тугиш, пишиш фазаларида 0-15 см, 15-30 см қатламларида тупроқ намуналари олиниб, улардаги ҳаракатчан азот, фосфор ва калий миқдорлари ўрганилди.

Ғўзанинг униб чиқган кундан ҳисоблаб 1 июл, август, сентябр ойларида ғўзанинг бўйи, симподиал шохлари, шонаси ва кўсак сонлари ҳисобга олинди.

3,6,9-симподиал шохларидан 50 дона чаноқдаги пахта олиниб, ўртача 1 дона чаноқдаги пахта оғирлиги ўрганилди. Пахта толаси технологик ташхисидан ўтказилди. Минг дона чигитни массаси, ундаги ёғ миқдори аниқланди.

Сувтежамкор томчилатиб суғориш усулида суғориш тупрокнинг ҳаво, сув, иссиқлик ва озуқа режимлари, ғўзанинг ўсиб-ривожланишига ижобий таъсир этди.

Ќўзанинг униб чиқиш ва бошланғич фазаларидаги ривожланиш муддати агроиклим шароитларига қарамасдан тажриба йилларида унчалик ўзгариш бўлгани йўқ. Тажриба йилларида иқлим шароити ўзгариб турсада, томчилатиб суғориш усулида суғориш ғўзани ўсув-амал даврига ижобий таъсир этди. Ќўзанинг бўйи мавсум бошланишида ҳамма вариантларда бир хил бўлди (1-жадвал)

Маълумотлардан кўринадикки эгат олиб суғорилган назорат вариантга нисбатан томчилатиб суғорилган яъни хайдовдан олдин чуқур юмшатиш 5-вариантда чинбарглар сони ўртача 50 та ўсимликда 0.5 донага, шоналар сони 0.8 донага, ҳосил шохлари 0.8 донага ва кўсақлар сони 4.5-5 донага ортганлиги кузатилди.

Сувтежамкор томчилатиб суғориш усулини ғўза навларининг ўсиши ва ривожланишига таъсири.

2-жадвал

№	Ќсимлик бўйи, см			Чин барглар сони, дона	Шоналар сони, дона	Ҳосил шохлар сони, дона		Кўсақлар сони, дона		Шундан очилганлари, Дона
	1.06	1.07	1.08			1.07	1.08	1.08	1.09	
1	1.06	1.07	1.08	1.06	1.07	1.07	1.08	1.08	1.09	1.09
2	12,3	56,3	82,0	3,6	7,0	5,6	13,8	6,5	9,4	5,4
3	11,8	57,5	84,4	3,7	7,8	6,8	14,2	9,1	13,8	6,9
4	12,5	57,8	86,9	3,6	7,6	6,6	14,9	8,9	13,4	6,7
5	13,1	57,6	89,1	3,5	8,4	6,7	14,8	9,0	13,7	6,9
6	13,2	57,9	83,7	3,6	7,8	6,4	14,6	9,5	14,4	7,1

Ҳар ойнинг биринчи санасида ғўзани ўсиш-ривожланишини ўрганиш мақсадида, фенологик кузатув ишлари ўтказилди. Фенологик кузатув ишлари ҳар бир вариантда 50 та ўсимликда амалга оширилди.

Сувтежамкор томчилатиб суғориш технологиясида пахта толасининг сифат кўрсаткичлари. Пахтачиликнинг асосий вазифаси бу пахта толасини зарур ҳажмда ва тўқимачилик саноати учун тип ва саноат навлари бўйича етиштиришдир. Биринчи нав пахта хомашёси сентябрь-октябрь ойларида, яъни йиғиштириб олингач бир-

икки ой мобайнида қайта ишланса (келаси йил июнь-июль ойларида) биринчи навдан тола чиқиши 30-31, иккинчи навдан учинчи ва тўртинчи навлардан 9 фоизгача камаяди (Акчурин Котов 1985)

Маълумки, жаҳон бозорида пахта толасининг сифати яхши бўлса, пахта толасига харидорлар ҳам кўп бўлади.

Пахта толасининг сифат кўрсаткичлари Андижон вилояти пахта саноатида таҳлил қилинди ва таҳлил натижаларига кўра, ўрганилаётган томчилатиб суғориш технологиясини ғўзанинг “Андижон-36” навини пахта толасининг сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқланди, тадқиқот натижаларига кўра энг юқори тола чиқиши сувтежамкор томчилатиб суғорилган 5-вариантда яъни хайдовдан олдин чуқур юмшатирилганда ғўзани “Андижон-36” навида тола чиқиши 36,8% ни, тола узунлиги 33,6 ммни, 1000 дона чигит оғирлиги 133 граммни, микронейр 4,5 ни, нисбий узилиши 29.4 гс/текс ни ташкил этиб, бу кўрсаткич эгатлаб суғорилган назорат вариантыда тола чиқиши 1,3 % га, тола узунлиги 0.2 мм га, 1000 дона чигит оғирлиги 133 грамм га, микронейр 0.1 га, нисбий узилиши 1.1 гс/текс га камайгани аниқланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

- эгат олиб суғорилган назорат вариантга нисбатан томчилатиб суғорилган 5-вариантда яъни хайдовдан олдин чуқур юмшатирилганда чинбарглар сони ўртача 50 та ўсимликда 0.5 донага, шоналарсони 0.8 донага, ҳосил шохлари 0.8 донага ва кўсақлар сони 4.5-5 донага ортганлиги кузатилди.

Пахта толасининг сифат кўрсаткичларига сувтежамкор томчилатиб суғориш технологиясининг таъсири

3-жадвал

Вариантлар	Ќўза навлари	Суғориш технологиялари	Тола чиқиши, %	Тола узунлиги, мм	1000 дона чигит вази (грамм)	Микро-нейр	Нисбий узилиши, (гс/текс)
1	Андижон-36	Эгатлаб суғориш (назорат)	35,5	33,5	120	4,4	28,3
2		Томчилатиб суғориш	36,7	33,5	134	4,5	29,3
3		Томчилатиб суғориш	36,7	33,5	134	4,5	29,3
4		Томчилатиб суғориш	36,7	33,5	121	4,5	28,2
5		Томчилатиб суғориш	36,8	33,6	135	4,5	29,4

- пахта толасининг сифат кўрсаткичлари Андижон вилояти пахта саноатида таҳлил қилинди ва таҳлил

натижаларига кўра, ўрганилаётган томчилатиб суғориш технологиясини ғўзанинг “Андижон-36” навини пахта толасининг сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқланди, тадқиқот натижаларига кўра энг юқори тола чиқиши томчилатиб суғорилган 5-вариантда яъни хайдовдан олдин чуқур юмшатишганда ғўзани “Андижон-36” навида тола чиқиши 36,8% ни, тола узунлиги 33,6 ммни, 1000 дона чигит оғирлиги 135 граммни, микронейр 4,5 ни, нисбий узилиши 29.4 гс/текс ни ташкил этиб, бу кўрсаткич эгатлаб суғорилган назорат вариантыда тола чиқиши 1,3 % га, тола узунлиги 0.2 мм га, 1000 дона чигит оғирлиги 120 грамм га, микронейр 0.1 га, нисбий узилиши 1.1 гс/текс га камайгани аниқланди. (3-жадвал)

REFERENCES

1. Ахмедов А. “Сувтежаш технологиялари” // Ўзбекистон кишлок хўжалиги журнали, 2008 йил 8-сон. - б. 37.
2. Безбородов Г.А. ва бошқалар – Ғўзани суғоришнинг сувтежовчи технологиялари ва маъдан ўғитлар билан озиклантиришнинг самарали усуллари”- // ПСУЕАИТИ “Дала экинлари селекцияси, уруғчилиги ва агротехнологияларининг долзарб йўналишлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами, 2016 йил. II-қисм. - б. 111-115.
3. Исашев А., Мамаджанова Н. “Тажриба даласининг сувистеъмоли”// Agroilm.-Тошкент, 2018.- № 4(54), - б. 73-74.
4. Камбаров Б.Ф., Цой О.Г., Курбонов З.М. «Методика техники и технологии поливов». //Режим орошения и техника мониторинга//. Тароз, 2002, - с. 82 - 88.
4. Allen, R. G., Clemmens, A. J., Burt, C. M., Solomon, K. and O’Halloran, T., Prediction accuracy for project wide evapotranspiration using crop coefficients and reference evapotranspiration. J. Irrig. Drain. Eng., 2005, 13, p. 24-36.
5. Allen, R. G. et al., A recommendation on standardized surface resistance for hourly calculation of reference ET₀ by the FAO 56 Penman-Monteith method. Agric. WaterManage., 2006, 81. - p. 1-22.
6. Surin V.A., Sabitov A.U., Zuxriddinov S.S. Orositelnaya system. vtorskoesvidetelstvo №1658918 A 01 G 25/06 g. Moscow 1991
7. Surin V.A., Sabitov A.U., Zuxriddinov S.S. Technique samotechnogopoliva on terrasirovannyxsklonax. Land Reclamation and Water Resources Moscow №4, 1995.st 24 ... 26
8. Isashov, A., Khamrokulov, A., Mirfozilov, N., Abdulhaqov, F. – o INFLUENCE OF THE IRRIGATION REGIME ON THE RICE DEVELOPMENT PHASES – "ONLINE-CONFERENCES" PLATFORM. – 2021. – С. 42-45.
9. Хожиматов, А., Хакимов, А., Хусанов, Д. Д., & Abdulhaqov, F. X. –Monitoring the operation of vertical drainage during reclamation of irrigated lands – Актуальные научные исследования в современном мире – (12-2), 136-139.



TALABALARNING MEDIAMADANIYATINI RIVOJLANTIRISH DOLZARB PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA

Shahlo Muhammadaliyevna Askarova

Fargʻona davlat universiteti oʻqituvchisi

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada media va mediamadaniyat tushunchalarining mazmuni va mohiyati yotilgan, shuningdek, talabalarning mediamadaniyatini rivojlantirish dolzarb pedagogik muammo ekanligi haqida soʻz yuritiladi.

Kalit soʻzlar: zamonaviy axborot texnologiyalari, talabalar, media, madaniyat, mediamadaniyat, mediataʼlim, mediasavodxonlik, mediabilimdonlik, mediamahorat, mediakompetentlik

ABSTRACT

This article discusses the content and essence of the concepts of media and media culture, as well as the fact that the development of students' media culture is a pressing pedagogical problem.

Keywords: modern information technologies, students, media, culture, media culture, media education, media literacy, media literacy, media skills, media competence.

KIRISH

Dunyo rivojlanishining asosiy tendentsiyalari orasida axborotlashgan jamiyatga oʻtish muhim vazifa, yaʼni jamiyatning barcha jabhalarida media vositalarining taʼsiri dolzarb muammo sanaladi. Yevropa Ittifoqi Parlament Assambleyasining qonunchilik yigʻilishi tavsiyasiga binoan dasturiy vositalarning ishlab chiqarilishi yoshlar va kattalarning mediakompetentligi shakllanishiga turtki boʻladi, shuningdek, zamonaviy jamiyatning media madaniyatiga taʼsir etadigan ajralmas omil sifatida qaraladi[3].

Zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari muhitiga asoslangan axborotlashtirilgan jamiyatning tarkibiy qismlari – bu media, til hamda madaniyatdir. Aynan biz yashayotgan dunyoning tili va madaniyatini insondagi mediakompetentlik tashkil etadi. Dunyoda mediakompetentlikning ahamiyati turli xalqaro tashkilotlar, jumladan, YuNESKO tavsiyalarida alohida taʼkidlanib, boʻlgʻusi pedagoglar mediakompetentligini rivojlantirish gʻoyasi qoʻllab-quvvatlangan.

Mediamadaniyat pedagogikada umumiy tarzda shaxsning turli ko'rinish, janr va shakllardagi mediamatni tanlash, foydalanish, tanqidiy tahlil qilish, baholash, yaratish va uzatish, sotsiumda mediafaoliyatining murakkab jarayonlarini tahlil qilishga tayyorlikda namoyon bo'ladigan integrativ sifati tarzida qaraladi. Shuning uchun pedagogika oliy ta'lim muassasalari talabalarining mediamadaniyatini rivojlantirish masalasi fan va amaliyot oldida turgan dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Bunda zamonaviy ilmiy-texnik taraqqiyot talablariga mos holda pedagogik oliy ta'lim muassasalari talabalarining mediamadaniyatini oshirish borasidagi bilimlarini takomillashtirish orqali mediakompetentlikni rivojlantirish texnologiyasini yaratish pedagogik yo'nalishdagi tadqiqotlar orasida alohida ahamiyat kasb etadi.

Respublikamizda ta'lim tizimi tubdan isloh qilinib, uzluksiz ta'lim, jumladan, oliy va o'rta maxsus ta'lim tizimida katta o'zgarishlar amalga oshirildi. Xususan, olib borilgan islohotlar bugun o'z samarasini bermoqda. Mazkur jarayonlarni amalga oshirishda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari muhitidan samarali foydalanib, milliy kadrlarni tayyorlash, yosh avlodni barkamol va yetuk etib voyaga yetkazish o'qituvchi-pedagoglarning asosiy vazifalari sirasiga kiradi. "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi" da sifatli ta'lim xizmatlari imkoniyatlarini oshirish, mehnat bozorining zamonaviy ehtiyojlariga mos yuqori malakali kadrlar tayyorlash kabi yo'nalishlar belgilanib, bu borada pedagogika oliy ta'lim muassasalari talabalarining mediamadaniyatini rivojlantirish samaradorligiga erishish katta ahamiyat kasb etadi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Zamonaviy tezkor va shiddat bilan rivojlanib borayotgan bir davrda ta'lim faoliyati samaradorligi talabalarda shakllangan mediaga oid bilim, ko'nikma va malakalar darajasiga bog'liq. Shu bois pedagogika oliy ta'lim muassasalari talabalarining mediamadaniyatini rivojlantirish muammosi bo'yicha qator ilmiy tadqiqotlar amalga oshirilgan. Jumladan, O'zbekiston Respublikasida mediata'lim muammolari S.Beknazarova, Ya. Mamatova, S.Sulaymanova va boshqa bir qancha olimlar tomonidan o'rganilib, ilmiy-metodik asoslari ishlab chiqilgan.

Mustaqil Davlatlar Hamdo'stligi mamlakatlaridan A.Veryaev, L.Zaznobina, N.Zmanovskaya, A.Milyutina, Ye.Nikitina, G.Onkovich, V.Protopopova, A.Fyodorov, I.Fateeva va boshqa olimlar mediata'limni tashkil etish bo'yicha salmoqli izlanishlar olib borgan.

Oliy ta'lim muassasalari talabalarining axborot kommunikatsion texnologiyalar fanlari orqali mediamadaniyatni



rivojlantirish borasida xorijiy mamlakatlarida S.Blumeke, D.Buckingham, U.Carlsson, K.Domaille, A.Silverblatt, Mc.Mahon, W.Potter, C.Worsnop kabilar olimlar tadqiqot ishlarini olib borgan.

Pedagoglarning kasbiy tayyorgarligi hamda kompetentligi muammosi R. Isyanov, N.Muslimov va boshqa bir qancha olimlar tomonidan o'rganilgan. Ta'limda zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish muammolari U.Yuldashev, A.Abduqodirov, U.Begimqulov, F.Zakirova, M.Mamarajabov, N.Taylakov, S.Tursunov, A.Eminov va boshqa bir qancha olimlar tomonidan tadqiq etilgan.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarning tez taraqqiy etishi natijasida "media" atamasi paydo bo'ldi. "Media" atamasi lotin tilidan (*media, medium so'zidan*) olinib, qo'llanma, vositachi ma'nolarini anglatadi[1, 60].

Media – bu jamiyatda to'g'ri va aylanma kommunikativ aloqa tizimi bo'lib, insonlar bilan vaqtincha o'zaro aloqadorlikni yuzaga keltiruvchi va ularni qiziqtiruvchi, chalg'ituvchi makondir.

"Media" atamasi – XX asrda dastlab ommaviy madaniyatni shakllantiruvchi vositalarga nisbatan qo'llangan [4, 223].

Yevropa Ittifoqi hujjatlarida ta'riflanishicha, mediata'lim – (media education) olingan axborot asosida o'z fikrini bildirishga qodir bo'lgan mas'uliyatli fuqarolarni tarbiyalash maqsadida mediaga tanqidiy va o'ylab munosabatda bo'lish sifatida tushunish kerak bo'lgan mediakompetentlikni rivojlantirishga qaratilgan ta'lim. Bu fuqarolarga zarur axborotlardan foydalanish, uni tahlil qilish, ular bilan bog'liq iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy manfaatlarni identifikatsiya qilish.

Mediamadaniyat – turli media asarlarni tahlil qilish, baholash, yaratish uchun zarur bo'ladigan bilim, ko'nikma va malakalar yig'indisi[2, 15].

Mediamadaniyat - shaxs madaniyati uchun zarur qism bo'lib, ommaviy media turlari, ular orqali tarqatilayotgan axborotlar bilan tanishish, ularni tanlash, saralash, tahlil qilish va baholash asosida tegishli sohalar bo'yicha nazariy bilim, amaliy ko'nikma, malakalarni o'zlashtirish, puxta egallash, ushbu bilimlarni kasbiy, kundalik, madaniy, ma'naviy va ma'rifiy (amaliy) faoliyatda mahorat bilan qo'llay olish qobiliyatlarining yig'indisi.

Mohiyatiga ko'ra shaxs tomonidan mediamadaniyatning o'zlashtirilishi stixiyali jarayon bo'lmay, bir necha bosqichda evolyusion rivojlanishga asoslanadi. Shaxsda mediamadaniyatni shakllanish jarayonining umumiy mohiyati: mediasavodxonlik,

mediabilimdonlik, mediamahorat va mediakompetentlikda o'zining to'liq ifodasini topadi.

Mediata'lim yoshlarda mediamadaniyatni va savodxonlikni shakllantirib, ma'naviy estetik va intellektual jihatdan ularning nutqini, muloqot qilish va ijodiy fikrlash ko'nikmalarini rivojlantiradi.

Bugungi axborotlashgan jamiyatda internet tarmog'i yordamida turli sahifalardan, jumladan, Youtube, Mytube, Facebook, Telegram, Instagram, WhatsApp, Twitter kabi axborot uzatish vositalaridan olinatgan turli xil ko'rinishdagi axborotlarni yopish va taqiqlash, uzatilayotgan turli syujetlarni chegaralashning imkoniyati kamroq bo'lganligi sababli, kata sahnada — Mediata'lim tushunchasining paydo bo'lishi, uning kelajakda ta'lim sohasida rivojlanishi imkoniyatlarini yanada orttirib yuboradi[2, 24-25].

XULOSA

Xulosa o'rnida shuni aytib o'tish joizki,, mediamadaniyatini rivojlantirish — ijtimoiy madaniy kompetentlikning muhim tarkibiy qismi hisoblanadi Mediamadaniyat pedagogning media sohasidagi faoliyatining turli bosqichlarida axborot va mediamatnlarning har xil turlariga nisbatar o`rin tutadi.

REFERENCES

1. Worsnop, C.M. (2004). Media Literacy Through Critical Thinking. NW Center for Excellence in Media Literacy, 60p.
2. Бабаджанов С.С. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиакompetentлигини ривожлантириш технологияси («Информатика ва ахборот технологиялари» ўқув фани мисолида): п.ф.б.ф.д (PhD) диссер.... Тошкент, 2018. – Б. 36-37.
3. Парламентская Ассамблея Совета Европы. Документ №8753 от 6 июня 2000.
4. Уматалиев З. Медиахавфсизлик ёшларимиз келажагининг пойдевори сифатида. —Илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлар орқали информациявий тахдидларга қарши курашиш: профилактика, технология, механизм республика илмий-амалий конференция тўплами. – Т.: 2017. 223 б.
5. Siddikov, B., & Djalalov, B. (2020, December). MODERNIZATION OF EDUCATION-THE FUTURE INNOVATIVE COMPETENCE OF TEACHERS AS A MAIN FACTOR OF FORMATION. In *Конференции*.
6. Siddiqov, B. S., & Mexmonaliyev, S. N. (2022). PEDAGOGIK AMALIYOTNING BO 'LAJAK O 'QITUVCHINING KASBIY TAYYORGARLIK FAOLIYATIDA TUTGAN O 'RNI. *Academic research in educational sciences*, 3(1), 10-16.
7. Аскарова, Ш. М. (2018). ИННОВАЦИОННАЯ ТЕХНОЛОГИЯ В ОБУЧЕНИИ ЕСТЕСТВЕННЫХ



ПРЕДМЕТОВ. In *Перспективные информационные технологии (ПИТ 2018)* (pp. 1221-1225).

8. Аскарлова, Ш. М. (2018). СТРАТЕГИЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИНФОРМАЦИОННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ. In *ИННОВАЦИОННЫЕ НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ТЕОРИЯ, МЕТОДОЛОГИЯ, ПРАКТИКА* (pp. 62-66).

9. Ахмедов, Б. А. (2020). Сиддиков Бахтиёр Саидкулович, Джалалов Бахромжон Бегмурзаевич МОДЕРНИЗАЦИЯ ОБРАЗОВАНИЯ-ОСНОВНОЙ ФАКТОР В ФОРМИРОВАНИИ ИННОВАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНЦИИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ. *Academy*, 9, 60.

10. Ахмедов, Б. А., Сиддиков, Б. С., & Джалалов, Б. Б. (2020). МОДЕРНИЗАЦИЯ ОБРАЗОВАНИЯ-ОСНОВНОЙ ФАКТОР В ФОРМИРОВАНИИ ИННОВАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНЦИИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ. *Academy*, (9 (60)), 20-22.

11. Джалалов, Б. Б. (2018). РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ КАК ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПРОБЛЕМА. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS AND PROSPECTS OF MODERN SCIENCE AND EDUCATION* (pp. 53-55).

12. Джалалов, Б. Б. (2019). ВАЖНЫЕ АСПЕКТЫ ФОРМИРОВАНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ У БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ. In *EUROPEAN RESEARCH: INNOVATION IN SCIENCE, EDUCATION AND TECHNOLOGY* (pp. 43-44).

13. Джалалов, Б. Б. (2022). ВО ‘LAJAK O ‘QITUVCHILARNING INNOVATSION KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISHDA SMART-TA’LIMNING IMKONIYATLARI. *УЧИТЕЛЬ*, 3(4).

14. Мухтаров, Ф. М., & Аскарлова, Ш. М. (2018). МОДЕЛИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ СИСТЕМЫ БЕЗОПАСНОСТИ ИНФОРМАЦИИ НА ЗАЩИЩАЕМЫХ ОБЪЕКТАХ. In *ИННОВАЦИОННЫЕ НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ТЕОРИЯ, МЕТОДОЛОГИЯ, ПРАКТИКА* (pp. 58-61).

15. Мухтаров, Ф. М., & Аскарлова, Ш. М. (2018). ОСОБЕННОСТИ СОЗДАНИЯ ВИРТУАЛЬНЫХ КОММУНИКАТИВНЫХ ИНФОРМАЦИОННЫХ ПРОСТРАНСТВ. *ИННОВАЦИОННЫЕ НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ТЕОРИЯ*, 53.

16. Сыдыхов, Б. Д., ФАРХАДОВ, Т., & Аскарлова, Ш. М. (2013). Дидактические особенности совершенствования информационно-логической компетентности будущих учителей в условиях информатизации образования. *Педагогические заметки*, 6(2), 67-71.

17. Begmurzayevich, D. B. (2022). ВО ‘LAJAK BOSHLANG ‘ICH SINF O ‘QITUVCHILARIDA REFLEKSIV MADANIYATNI RIVOJLANTIRISHNING METODOLOGIK ASOSLARI. *INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, 3(6), 154-160.

ПРОДЕМОНСТРИРОВАТЬ ТЕМУ «ИНСТРУМЕНТЫ АСТРОФИЗИКИ» В РАБОЧЕЙ ТЕТРАДИ ИСПОЛЬЗУЯ МЕТОД КЕЙСА

Барно Джахангировна Саттарова

Ташкентский государственный педагогический университет им. Низами, к.п.н.

Шахноза Пахриддиновна Бегзатова

Чирчикский государственный педагогический институт Ташкентской области,
преподаватель

begzatovash@gmail.com

АННОТАЦИЯ

В статье даётся информация о средствах и методах организации самостоятельной деятельности студентов для повышения их интереса к научно-исследовательской работе в преподавании курса астрономии по теме «Инструменты астрофизики» с использованием интерактивного метода «Кейс-стади» в рабочей тетради.

Ключевые слова: кейс-метод, рабочая тетрадь, радиоастрономия

ABSTRACT

The article provides information on the means and methods of organizing students' independent activities to increase their interest in research work in teaching the course of astronomy on the topic "Tools of Astrophysics" using the interactive "Case Study" method in a workbook.

Keywords: case method, workbook, radio astronomy

ВВЕДЕНИЕ

Внедрение компетентностно-ориентированного подхода к образованию требует поиска методов обучения и форм организации в занятиях, позволяющих формировать необходимый уровень компетенций у будущих педагогов. Студент должен получать информацию не в готовой форме, а в процессе поиска и осмысления.

Жизнь настоятельно требует внедрения в практику к институтам новых, более прогрессивных методов обучения. Эти методы должны быть такими, чтобы у студентов возник интерес к изучаемым предметам, а средства подачи знаний, процесс получения и способ их преподавания стояли бы на уровне современной науки. Это

значит, что в занятиях необходимо разумно привлекать технические и иные средства обучения.

ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

Результат образовательного процесса во многом зависит от того, насколько он обеспечен разнообразными средствами обучения. Трудно представить себе современного учителя, не использующего в своей практике ничего, кроме учебника. Несомненно, педагог, заинтересованный в успешном освоении студентами предмета, постарается максимально использовать разнообразные средства, тем самым усилив доступность и наглядность изучаемого материала.

В каждом конкретном случае требуется своя система средств обучения, т. е. своя система дидактического обеспечения. Дидактическое обеспечение это — предметная поддержка учебного процесса, представляющая собой совокупность ряда ресурсов, среди которых можно выделить: учебники, справочники; сборники заданий; рабочие тетради; демонстрационные и раздаточные пособия; различные наглядные пособия; презентации; компьютерные программы; тесты.

В последнее время всё более популярными и перспективными средствами обучения являются рабочие тетради. Они представляют собой особый жанр учебной литературы. Рабочая тетрадь — разновидность учебного пособия с печатной основой, которое содержит задания для самостоятельной работы в нем студентов.

Использование рабочих тетрадей в занятиях способствует: качественному усвоению учебного материала; приобретению и закреплению практических умений и навыков; формированию у студентов навыков самостоятельной работы и самоконтроля; развитию мышления, активизации учебно-познавательной деятельности; организации контроля за ходом учебного процесса.

Наиболее общий тип рабочей тетради представляет собой многофункциональную тетрадь с традиционным набором вопросов и заданий разного уровня сложности, направленных на закрепление полученных на занятии знаний; отработку практических умений; проверку знаний по темам. Задания в рабочей тетради позволяют педагогу эффективно организовать самостоятельную работу студентов, как на занятии, так и дома; расширить опыт работы студентов с различными

источниками информации; удовлетворять индивидуальные познавательные интересы.

Кроме того, рабочая тетрадь не только является образовательным полем для развития самостоятельности обучающегося. Она решает задачи организации сотрудничества педагога и обучающегося в процессе самостоятельной работы. Эффективность сотрудничества зависит от оптимального структурирования тетради, ее содержания, а также уровня ответственности и самостоятельности студента.

В процессе разработки модели рабочей тетради студентам педагогического вуза должно учитываться следующие общие требования:

- тетрадь должна являться одним из средств интенсификации учебных занятий;
- повышать производительность труда всех участников процесса обучения, приближать ее к оптимальным показателям;
- создавать условия для руководства учебным процессом, обладать свойствами прямой и обратной связи между педагогом и студентам;
- поддерживать и развивать интерес к занятиям;
- сопровождать и направлять самостоятельную работу студентам;
- каждая тема должен включить в себе разные методы обучения.

Содержание рабочей тетради выстраивается согласно содержанию тематического плана образовательной программы курса астрономии.

Таким образом, структура рабочей тетради должен иметь следующий вид:

- титульный лист;
- лист владельца;
- содержание;
- введение;
- теория и задания по темам программы;
- лист самооценки.

Для повышения эффективности, в рабочем тетради можно использовать ряд методов обучения, включая “Case-study”, “SWOT”, “ФСМУ”, “Ассесмент”, “Инсерт”, “Диаграмма Вина”, “Блиц-игра”, “Брифинг” и “Портфолио” методов.

Рассмотрим пример с использованием кейс-заданий на 6-тему в рабочей тетради:

Кейс по теме «Инструменты астрофизики»

Можно ли видеть ушами?

Смотря какими...

Весной 1931 года по Земле прокатилась сенсация: американский инженер Карл Янский поймал радиопередачу из Космоса. Сигналы повторялись с поразительной точностью — каждые 23 часа 56 минут. Немало людей в те дни ломало голову, где находится таинственная радиостанция разумных обитателей вселенной. На Марсе? Венере? А может быть, близ Сириуса?

Потом выяснилось: радиосигналы действительно шли из глубин Космоса, но, увы, с разумной деятельностью они не имели ничего общего. Их происхождение столь же естественно, как и происхождение света, идущего от звезд и туманностей. Электромагнитные волны излучает любое вещество. Сенсация угасла, явление забылось. До поры до времени... С развитием радиолокации оно властно вторглось в жизнь. Во время войны, например, радиоволны, идущие от Солнца, переположили всю службу ПВО Англии: экраны радаров покрылись всплесками и вспышками помех.

Сразу после войны начался планомерный штурм «радионеба». Громадные чаши радиотелескопов стали чутко прослушивать Космос. Выяснилось: Солнце разговаривает с нами на радиоволнах длиной от 8 миллиметров до 12 метров. Луна ведет свои радиопередачи на волне 1,25 сантиметра. Подают свой радиоголос и Меркурий, и Сатурн, и Юпитер. Да что планеты! Были приняты сигналы природных радиостанций, удаленных от нас на миллиарды световых лет!

Открытия хлынули одно за другим. Веками астрономы следили за небом с помощью оптических телескопов, улавливающих только видимый свет. Это было все равно, что смотреть сквозь узенькую щелочку. Радиоастрономия прорубила окно в небо. Радиоволны невидимы глазом, зато их слышат приборы. А слышимое с помощью приборов можно сделать зримым. И небо засверкало новыми огнями.

Необходимо провести анализ ситуации.

1-задания: Какое представление имеем о небесном объекте с помощью радиоволн?

Ответ: _____

2-задания: Перечислите инструменты радиоастрономии и их практическую значимость?

Ответ: _____

3-задания: Изучите материалы и найдите ответ на вопросы:

1. «Будет ли адаптивная оптика полезна в радиоастрономии?»;
2. «Почему радиоастрономия предлагает изображения с более высоким разрешением, чем оптическая?»

Ответ: _____

4-задания: Заполните таблицу SWOT на основе приведенной выше информации в Кейсе.

Название SWOT происходит от английских заглавных букв:

- ◎ **Strengths** — сильная сторона;
- ◎ **Weakness** — слабая сторона;
- ◎ **Opportunities** — возможности;
- ◎ **Threats** — опасности, трудности, проблемы в использовании.

S	W
O	T

С помощью указанных методических рекомендаций создаются условия для планирования, развития и осмысления тематики проекта стоящих перед студентом, а также осуществляется оценивание результатов. Для оценивания работы обучающихся можно использовать самооценку внутри группы, оценивание наблюдателем, голосование за лучшего "организатора", "за быстрое решение" и т. д. При этом студенты совершенствуют свои социальные навыки работы в команде, навыки контроля и самоконтроля.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Таким образом, рабочие тетради при соблюдении необходимых условий их применения повышают эффективность занятий и поднимают процесс обучения на качественно новый уровень.

REFERENCES

1. Долгоруков А. Метод case-study как современная технология профессионально-ориентированного обучения / Долгоруков А. [Электронный ресурс]. URL: <https://evolkov.net/learn/methods/case.study.html> (дата обращения 05.12.2019).
2. Винокурова Н.В., Михайлова И.В., Кузьмичева Н.А., Воронкова И.П. Кейс-метод как педагогическая технология при изучении химических дисциплин на фармацевтическом факультете. Международный научно-исследовательский журнал. Вып. 5 (95) 2020, часть 3 2020 г. Стр 88-92.
3. Чайкина Ж.В., Авдоница Д.С., Мададова К.Х., Смирнова Ж.В. Использование рабочей тетради как условие эффективного развития самостоятельности обучающихся детской студии мультипликации // Мир науки. Педагогика и психология, 2021 №1, <https://mir-nauki.com/PDF/18PDMN121>.
4. Эшниёзов У.А. Масофавий таълим шаклида «Электротехника» фанидан «Ярим ўтказгичли тўғрилагичлар» мавзусини SWOT методи ёрдамида ўқитишда инновацион ёндашувлар.//Academic research in educational sciences, Volume 1, Issue 4, 2020.
5. Г.М. Гаджикурбанова. Методика использования Кейс-метода (case study) в учебном процессе ВУЗа. //Педагогика, политология, психология, социология, философия. Вестник Университета № 9, 2013. Стр 263-270.
6. Ханипова Е.Х. Рабочая тетрадь как дидактическое средство обучения.// Инновации в науке № 10 (47), 2015 г. Стр 76-79. www.sibac.info
7. Л.Ю. Нестерова, С.В. Напалков. Реализация проектного метода в системе высшего образования с использованием рабочей тетради. // Вестник Нижегородского Университета им. Н.И.Лобачевского. Серия: Социальные науки, 2015 № 2(38). Стр: 175-181.
8. Коллектив авторов. Маленькие рассказы о большом космосе. Онлайн книга. Серия 2. <https://booksonline.com.ua/view.php?book=134542&page=6>
9. К.Х. Маликов, Ш.П. Бегзатова Мактаб лаборатория хонаси-экспериментлар манбаи // Oriental renessans: Innovative, educational, natural and social sciences, journal, volume 1, issue 8. september 2021 pp. 697-701
10. Б.К. Мамазаров, У.Р. Рустамов Замонавий таълимда хамкорликни амалга ошириш фаолиятининг мазмуни ва хусусиятлари// Academic Research in Educational Sciences, 3 november 2020, 1(3), 4-11
11. Абдуллаев, Ш. У., Рустамов, У. Р., Бегзатова, Ш. П. (2020). Магнит нанозарраларни медицинада қўллашнинг хусусиятлари. Academic Research in Educational Sciences, 1(4), 557-567.

UMUMIY O‘RTA TA‘LIMDA JISMONIY TARBIYA TO‘GARAKLARI TOSHKILIY PEDAGOGIK JARAYONI

Ixtiyor Maxmudjon o'g'li Ashirboev

Toshkent viloyati Chirchik davlat pedagogika instituti Maktabgacha talim fakulteti
Maktabgacha va boshlangich talimda jismoniy tarbiya va sport yo'nalish talabasi

ANNOTATSIYA

Maqolada umumiy o‘rta ta‘lim tizimida jismoniy tarbiya va sport to‘garaklarining ahamiyati yoritilgan bo‘lib, bu boradagi mashg‘ulotlarning samaradorligini oshirish yuzasidan bir qator fikr-mulohazalar, takliflar bayon etilgan.

Kalit so‘zlar: uzluksiz ta‘lim, jismoniy tarbiya va sport to‘garaklari, jismoniy mashqlar, voleybol mashg‘ulotlarining o‘tkazilishi.

ABSTRACT

General secondary education system, the article reflected the importance of physical education and sports clubs, to increase the effectiveness of the training in this area for a number of comments submitted.

Keywords: education, physical education and sports activities, physical exercise, volleyball training.

Yurtimizda jismoniy tarbiya va sportni yanada rivojlantirish, yosh avlodda jismoniy madaniyatni shakllantirish masalalari hozirgi ta‘lim-tarbiya jarayonining ustuvor vazifalaridan sanaladi. Qayd etish kerakki, mamlakatimizda O‘zbekiston Respublikasining “Jismoniy tarbiya va sport to‘g‘risida”gi qonuni yurtimiz yoshlarini uzluksiz ta‘lim tizimining barcha bosqichlarida ham jismonan, ham ruhan barkamol etib tarbiyalashda muhim omillardan bo‘lib xizmat qilmoqda.

Bu jarayonda umumiy o‘rta ta‘lim maktablarida tashkil etib kelinayotgan jismoniy tarbiya va sport ta‘limining o‘ziga xos o‘rni va ahamiyati bor. Jismoniy tarbiya insonni sog‘lomlashtirishi, chiniqtirishi kabi xususiyatlari bilan xarakterlanadi, albatta. Bu borada pedagog olimlar qimmatli fikrlarni qayd etganlar. Xususan, jismoniy mashqlarining sihat-salomatlikka foydasi cheksiz ekanligini D.Adisson: «Mutolaa aql uchun qancha zarur bo‘lsa, jismoniy mashqlar ham badan uchun shuncha zarur»- deya ta‘riflaydi. Aynan shunga o‘xshash fikrni mashhur o‘zbek pedagogi, olim Abdulla Avloniy: “O‘quvchilarni tarbiyalash jarayonida asosiy vazifalardan biri - sog‘liqni mustahkamlash, tana a‘zolarini chiniqtirish, jismoniy va ruhiy jihatdan to‘g‘ri rivojlanish hamda

uning ish qobiliyatining oshishiga ta'sir etishidir", -deya davom ettiradi.

Shundan kelib chiqib, umumta'lim maktablarida jismoniy tarbiya va sport to'garaklarini davlat ta'limi standartlari asosida tashkil qilish, ularning amalda samarali faoliyatini yo'lga qo'yish bosh vazifalardan hisoblanadi. Buning uchun esa jismoniy tarbiya fani o'qituvchisi yoki sport murabbiyi:

- to'garak ishi mazmunini nazariy va amaliy jihatdan puxta ishlab chiqishi;
- to'garakka o'quvchilarni, avvalo, ularning yoshi, jinsi, xohish-istak, qiziqish va ishtiyoqlari asosida jalb qilishi;
- to'garak ishida maktab ota-onalar kengashi, pedagogik jamoa, shu bilan birga, mahalla bilan uzviy aloqada ish yuritishi lozim hisoblanadi.

Jismoniy tarbiya va sport to'garaklaridagi jismoniy harakatlar o'quvchilarni sog'lomlashtirish maqsadlarini ko'zda tutadi. Barcha sport turlari bo'yicha asosiy harakatlar, mashqlar jismoniy tarbiya vositalaridan biri bo'lib, bu o'quv trenirovka jarayonida shug'ullanuvchilarning har tomonlama rivojlanish vazifasini hal etadi. Har bir to'garak rahbari shuni yodda tutishi kerakki, jismoniy tarbiya va sport bo'yicha to'garak dasturi quyidagi aniq maqsadlarga erishish uchun yo'naltirilgan:

- maktab o'quvchilarida yuqori axloq-odob va iroda xususiyatini tarbiyalash;
- o'quvchilarda sportga bo'lgan qiziqishini uyg'otish;
- hayotiy zarur harakat malaka va bilimlarini shakllantirish, ularni turlicha sharoitda tadbiq qilish;
- o'quvchilarda asosiy harakat qobiliyatini baholash makon va vaqtiga harakat parametrlarini rivojlantirish jismoniy mashqlar bilan mustaqil shug'ullanishni shakllantirish, uddaburonlikni tashkil qilish, shaxsiy jismoniy takomillashtirish ehtiyojini tarbiyalash.

Bu bejiz emas, albatta. Chunki har bir o'quvchi maktabda jismoniy tarbiya darslari va to'garaklarini qiziqish bilan kutib oladi. Negaki, jismoniy harakat hamda sport o'yinlari aksariyat o'quvchilarni qiziqtirgan jarayonlardan hisoblanadi. Shundan kelib chiqib, fan o'qituvchisi ular uchun munosib bo'lgan mashg'ulotlar mazmunini taqdim qila olishi kerak.

Jismoniy tarbiya fanining o'ziga xos xususiyati nafaqat tarbiyaning umumiy vazifasini, metodikasini hal etishda o'zini izini qoldirish, balki jismoniy tarbiya uchun ko'proq o'ziga xos, ayrim bir qator tarbiyaviy vazifalarni oldinga suradi:

- Jismoniy mashqlar bilan muntazam ravishda shug'ullanish odatini tarbiyalash;
- Murakkab mashqlarni bajarishda jismoniy og'irlikni yengib o'tishni bilish, yuqori rivojlangan irodaviy sifatlarni tarbiyalash;

- Kiyim-bosh, o'zining tanasini parvarish qilish, dam olish va mehnat rejimiga rioya qilishga odatlanish hamda gigienik malakalarini shakllantirish;
- Harakatlantiruvchi harakatni egallashda manfaatlarning umumiyligi asosida quriladigan, o'quvchilar o'rtasidagi to'g'ri o'zaro munosabatini tarbiyalash.

Bu kabi vazifalarni bajarish uchun esa o'qituvchidan har doimgidek faollik, chuqur bilim-malaka, tashabbuskorlik, ijodkorlik va izlanuvchanlik talab qilinadi. O'qituvchi har bir darsga yangi bir talab hamda ehtiyoj manbai sifatida qarashi darkor.

Jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarida nazariy bilimlar o'quvchilarda sport turlariga oid bilimlarni mustahkamlashda yetakchi omil bo'lib xizmat qiladi. Yozma va og'zaki ma'lumot o'quvchilarni amaliy harakatlarga nazariy jihatdan tayyorlaydi. Bunda o'qituvchi turli samarali usullardan foydalanishi, ko'rgazmalilikni faol yo'lga qo'yishi mumkin. Biroq, istaymizmi-yo'qmi, tan olish kerakki, jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarining taqdirini amaliy harakatlar bosqichi hal etadi. Bunda amaliy usulning ahamiyati yuksak mazmun kasb etadi. Ushbu usul shug'ullanuvchilarning harakat faoliyatini faolligida tashkil topadi. Mashq qilish uslubi harakatini ko'p marta takrorlashni nazarda tutgan holda u o'yin texnikasi elementlarini yoki o'yin usullarini egallashga yordam beradi. Takrorlashni to'liq yoki qismlar bo'yicha amalga oshirish mumkin. Barcha qismlarga bo'lib o'rganish harakatni ayrim qismlarini egallashni keyinchalik uni bir butun qilib birlashtirishni nazarda tutiladi. Bu ajratish faqatgina shunda zarurki, qachonki qaerda o'rgatishda unga katta bo'lmagan samara berishi mumkin. Bo'lim, o'yin mashqi shaklidagi xarakterga ega bo'lishi kerak, yani ayrim harakatni tamom qilingan shaklida. Masalan, voleybolda hujumkor zarba berishni o'rganish uchun bu ko'p sakrash va sakrab to'pni ilib olish to'pni o'zi tashlash bilan hujumkor zarba berish. Bo'lim uslubiyatini faqatgina boshlang'ich bosqichda o'rgatish tavsiya qilinadi. Qachonki harakat o'zlashtirilib olingandan keyin uni boshqa usullar yordami bilan mustahkamlanadi. Yordamchi mashqni qo'llash yengillashgan sharoitda mashqni bajarish metodik yo'llari eng ko'p samara beradi. Ularni tanlash va murakkabligi o'qituvchi tomonidan aniq belgilanadi va o'qituvchining tayyorgarligiga bog'liq bo'ladi. O'yin harakatini mustahkamlash murakkablashgan sharoitda mashqni bajarish vaziyatida o'tadi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, masalan, jismoniy tarbiya o'qituvchisi va sport to'garagi murabbiysi uchun quyidagi tartibda "Uslubiy-amaliyot varaqasi"ni tashkil qilish va bundan to'garak mashg'ulotlarida izchil hamda samarali foydalanish mumkin.

Yuqoridagilardan xulosa qilish kerakki, umumiy o'rta ta'lim maktablarida:

- to'garaklarga chuqur bilim-malakali, o'z kasbining fidoyisi, yoshlar bilan ishlashda yuqori tajribaga ega bo'lgan mutaxassislarni biriktirish;
- to'garak faoliyatini "Oila-mahalla-maktab" hamkorligi konsepsiyasi asosida tashkil qilish va bu boradagi uzviy aloqani yo'lga qo'yish;
- o'tiladigan to'garak mavzularini mazmun va shakl jihatdan puxta ishlab chiqish va amalga oshirish;
- to'garaklarga nafaqat jismoniy, balki ma'naviy-ma'rifiy barkamollik omili sifatida qarash, o'quvchilarda umuminsoniy fazilatlarini qaror toptirish va h.k. kabi vazifalarni oqilona hal etish kerak;
- yuqoridagi "Uslubiy-amaliyot varaqasi"da keltirilgan usul, metod hamda tavsiyalarni to'garak mashg'ulotlariga faol jalb qilish jismoniy tarbiya hamda sport to'garaklarining samaradorligini oshirishda yetakchi omillardan bo'lib xizmat qiladi va h.k.

Hamisha yodda tutish kerakki, ozod va obod vatanimizning kelajagi ham ma'nan, ham jismonan yetuk avlodlar qo'lidadir.

REFERENCES

1. Олий таълим муассасаларида спорт турлари бўйича тўгараклар дастури мажмуаси. Низомий номидаги тошкент давлат педагогика университети. Т.: 2011. 400 б.
2. М.Аслонова.Таълим жараёнида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш. Номзодлик диссертацияси. Навоий 2008. 158 б.
3. Махкамджанов К.М. Содикова Е.К. "Ҳаракат - гўзаллик ва саломатлик гарови". Т.2002й.
4. Ashirboyev, I. M. (2021). Maktabgacha ta'lim tashkilotlarda sog'lom turmish tarzini yaratishda xalq o'yinlari foydalanish yo'llari. *Boshlang'ich ta'limda xalqaro baholash dasturlarini joriy etishning istiqbollari*, 15, 276-278.
5. Ashirboyev, I. M. (2022). Bolalarni jismoniy rivojlantirishning pedagogik tizimi. *Mugalim xam uzliksiz bilimlendiuriy*, 1(2), 154-157.
6. Ashirboyev, I. M. (2022). Maktabgacha yoshdagi bolalarning madaniy va gigiena ko'nikmalarini tarbiyalash. *Uzacademia*, 4(1).
7. Ashirboyev, I. M. (2022). Bolalarni xalq o'yinlari vositasida jismoniy chiniqtirish. *Jismoniy tarbiya va sport sohasini rivojlantirish istiqbollari: Muammo va yechimlar*, 2, 46-48.
8. Ashirboyev, I. M. (2022). Bolalarda jismoniy rivojlantirish yo'llari. *Boshlang'ich ta'limni tashkil etishning sifat va samaradorligini oshirish masalalari*, 99-100.

“БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ” ҒОЯСИНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Низом Абдурахмонович Тангиров

Жиззах давлат педагогика институти “Фалсафа, тарбия ва ҳуқуқ таълими”
кафедраси ўқитувчиси, ф.д. (PhD)

nizom_tangirov@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада барқарор ривожланиш ғоясининг назарий-амалий аҳамияти фалсафий таҳлил этилган. Барқарор ривожланиш ғояси ҳозирги кунда глобал муаммолар тизимини ўрганиш ва ўргатишнинг самарадорлигини оширишда муҳим методологик аҳамият касб этади.

Таянч тушунчалар: барқарор ривожланиш, экология, глобал муаммолар, биосфера, ҳаёт, носферавий тараққиёт.

ABSTRACT

This article provides a philosophical analysis of the theoretical and practical significance of the idea of sustainable development. The idea of sustainable development currently plays an important methodological role in improving the efficiency of studying and teaching global problem systems.

Keywords: sustainable development, ecology, global problems, biosphere, life, development of the nosphere.

КИРИШ

Ҳозирги кунда глобал муаммолар тизимини ўрганиш ва ўргатишнинг самарадорлигини оширишда барқарор ривожланиш назарияларни чуқур тадқиқ этиш аҳамиятли. Инсониятнинг барқарор ривожланиши ғоялари глобал муаммоларнинг ўткирлашиши билан боғлиқ равишда 1960–1970-йиллардан бошлаб долзарблашиб бормоқда. Барқарор ривожланиш концепцияси 1992 йилда Рио-де-Жанейрода ўтказилган атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича БМТ Конференциясида маъқулланган. Унда сайёра ифлосланиши, ресурслар қисқариши муаммосини ҳал қилиш, бир сўз билан айтганда, келгуси авлодлар учун сайёранинг экологик салоҳиятини тиклаш кўзда тутилган. Лекин, барқарор ривожланиши ғоялари фақат мазкур вақтда пайдо бўлган эмас.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

[6] da yupqa qatlamli $Au-Zn_xCd_{1-x}S$ -Mo – strukturali tor spektrli ultrafiolet nurlarga fotosezgir injeksion fotodetektorlar o'rganilgan. Ushbu strukturada fotoaktiv qism deyarli bitta yarimo'tkazgich materialdan $E_{gZnCdS} = 3,14$ eV iborat edi. VAX ni teskari tarmog'ida $\alpha \approx 1$ dan iborat, orqa kontakt omik, undan fotoaktiv qismida kovaklarning injeksiyasi kuzatilmaydi. Katta kenglikdagi sezgirlikda $Au-Zn_xCd_{1-x}S$ -Mo – strukturada orqa Mo kontakt $E_{gZnCdS} = 2,50$ eV kovaklarning injeksiyalanishi $\alpha = 2$ va 3 bor edi [7].

Hozirgi kunda getereoo'tishli kadmiy tellur (CdTe) va qattiq qorishmali ($CuInGaSe_2$) yupqa qatlamli quyosh elementlarda maksimal foydali ish koeffitsienti olingan. ($CdTe$ va $CuInGaSe_2$) quyosh modullarida buffer qatlam sifatida taqiqlangan zonasi $E_{gCdS} = 2,44$ eV bo'lgan kadmiy sulfid (CdS) qo'llanilmoqda. Quyosh spektri $\lambda < 0,5$ μm bo'lganda bu quyosh elementlarning FIK tushib ketadi. $\lambda < 0,5$ μm bo'lgan

elektromagnit to'liqlarning kvant energiyasi bo'lgani $h\nu > 2.48$ eV bo'ladi va ular CdS qatlamida yutiladi, hamda ular fotoaktiv qatlamga kam miqdorida yetib borishadi. Yuqori sifatdagi katta kenglikdagi taqiqlangan zonasi E_{gZnCdS} 3 eB dan 2,44 eB gacha bo'lgan $Zn_xCd_{1-x}S$ qatlamni CdS o'rniga ishlatilsa, quyosh spektridagi qisqa to'liqlik $h\nu > 2,44$ bo'lgan elektromagnit to'liqlar fotosezgir strukturalarning sezgirligini oshirishga olib keladi. CdTe va $CuInGaSe_2$ quyosh modullarining qisqa tutashuv toki va salt ishlash kuchlanishi oshishiga olib keladi.

Shunday qilib $Au-Zn_xCd_{1-x}S-Mo$ – strukturali keng fotosezgirlikka ega fotodiod keng miqyosda o'rganildi, taqiqlangan zonasining o'zgarishi aniqlandi. Tarkibidagi x o'zgaruvchan $Zn_xCd_{1-x}S$ qatlamning qo'llanilishi elektromagnit spektrining uzun va qisqa to'liqlik qismida strukturaning sezuvchanligini ortishiga olib keldi. Rekombinatsion jarayonlarda bir vaqtning o'zida oddiy lokal markazlar va murakkab komplekslar qatnashadi. Tok zichligining ortishi bilan murakkab komplekslarning qatnashuvi ortadi.

Au- $Zn_xCd_{1-x}S$ -Mo strukturali fotodiodning yorug'likdagi volt-ampere xarakteristikasi. Ma'lumki, yuqori qatlamli polikristalli fotodiodlarning fotoelektrik xarakteristikalari monokristalli yarimo'tkazgichlardan yasalgan p-n-o'tishli fotodiodlarning fotoelektrik xususiyatlariga o'xshashdir. Qisqa tutashuv toki (J_{qt}) va ochiq zanjir kuchlanishi (V_{ozk}) polikristalli va monokristalli materiallar uchun berilgan yorug'lik nurlanishining (P) intensivligiga bog'liqligi bir-biriga o'xshashdir. J_{qt} P dan chiziqli ravishda oshib boradi V_{ozk} esa P oshib borishi bilan logarifmik ravishda subchiziqli ravishda ko'payadi. p-n-o'tishli fotodiodlarning V_{ozk} J_{qt} (V_{ozk}) (1) formula yordamida ifoda etiladi (Zee, 1984):

$$V_{ozk} = \frac{nkT}{q} \left(\ln \frac{J_{qt}}{J_0} + 1 \right) \quad (1)$$


bu erda, n - diodning ideallik koeffitsienti, J_0 - diodning teskari yo'nalisdagi to'yinish tokining zichligi, k - Boltsman doimiysi konstantasi va q - elektron zaryadining miqdori.

Yuqorida aytib o'tilgan turli xil fotoelektrik strukturalarning (p-n - o'tishlar, Shotti to'siqlari, heterostrukturalar) fotoelektr xususiyatlarining o'xshashligi nurlanish ta'sirida elektr energiya ishlab chiqarish jarayonining yorug'lik nurlari ta'sirida hosil bo'lgan zaryad tashuvchilarni strukturaning ichki elektr potentsiali to'siqni ajratish natijasida yuzaga keladi.

Tadqiq qilingan $Au-Zn_xCd_{1-x}S-Mo$ strukturali fotougirtgichli fotodiodning konstruksiyasi va uning yaratish jarayoni yuqoridagi boblarda tahlil qilib chiqilgan, hamda uning spectral sezgirlik

xarakteristikasi va qorong'ulikdagi VAX 3 va 4 rasmlarda berilgan.

Turli xil monoxromatik yorug'lik bilan yoritish natijasida olingan eksperimental VAX ining xarakteristikalarini natijalari 3-rasmda keltirilgan.



5-rasm. To'liqin uzunliklari $\lambda = 390$ nm (1), 460 nm (2) va 500 nm (3) bo'lgan monoxromatik yorug'lik bilan yoritilgan Au-Zn_xCd_{1-x}S-Mo - strukturali fotodetektorning yoritilgan holidagi VAX.

5-rasmda kelnirilgan eksperimental natijalardan kelib chiqadiki, (1) munosabatlarga ko'ra, o'rganilgan Au-Zn_xCd_{1-x}S-Mo fotodiodning yorug'likdagi VAX, ya'ni $\ln(J_{qtt})$ va V_{ozk} o'rtasidagi bog'lanish, J_{qtt} va V_{ozk} mintaqalarida har xil joyida joylashgan ikki qiyalikka ega bo'lib, n - diod ning ideallik faktori va teskari tuyinish toki J_0 ning qiymatlari bilan farq qiladi, ular 1-jadvalda keltirilgan.

3.1-jadval

Au-Zn_xCd_{1-x}S-Mo fotodiodning $n_{1,2}$ – diodning ideallik faktori va $J_{01,02}$ – diodning teskari to'yinish tokining qiymatlari.

N ₂	$\lambda = 390$ nm	460 nm	500 nm
n ₁	1,04	1,24	1,2
n ₂	3	1,4	-
J ₀₁ , A/cm ²	$1 \cdot 10^{-8}$	$2,1 \cdot 10^{-7}$	$4,5 \cdot 10^{-7}$
J ₀₂ , A/cm ²	$1,87 \cdot 10^{-6}$	$1,1 \cdot 10^{-6}$	-

Yuqorida ta'kidlab o'tilganidek, Au-Zn_xCd_{1-x}S-Mo fotodiodi polikristalli Zn_xCd_{1-x}S qatlamlari asosida yaratilgan. Zn_xCd_{1-x}S qatlamining o'sishi davomida Mo va Au kontaktlari

orasida har xil tarkibli, har xil qalinlikdagi (d), har xil E_g va zaryad tashuvchilarning muvozanatsiz konsentratsiyasi (n) har xil bo'lgan fotoaktiv qatlamlar o'sgan. To'liq uzunligi 390 nm bo'lgan nurlanish past intensivlikda, asosan Au kontakti bilan $E_{g1} = 3.05 \pm 0.05$ eV bo'lgan №1 qatlamda yutiladi, bu erda, J_{01} eng past qiymatlarga ega va $n_1 \approx 1$. 390 nm bo'lgan nurlanish intensivligining ortishi bilan zaryad tashuvchilarning konsentratsiyasi ko'payadi, lekin rekombinatsiya ham kuchayadi, natijada J_{02} ko'payadi va diodaning nodavlatlik koeffitsienti $n_2 = 3 > 1$ ga teng bo'ladi (Zi, b, 1984, Sah, 1957, Leyderman, 1984). 460 nm bo'lgan nurlanishda, $Zn_xCd_{1-x}S$ № 2 qatlamlari, $E_g = 2,75 \pm 0,05$ eV va № 3 $E_g = 2,50 \pm 0,05$ eV, $Zn_xCd_{1-x}S$ qatlamlari fotogeneratsiyada qatnashadilar. 460 nm da kam nurlanish bo'lgan holatida asosiy yutilish №2 qatlamda bo'ladi va nurlanish ko'payishi bilan №3 qatlam ishlay boshlaydi, nurlanish ko'payishi bilan rekombinatsiya kuchayadi, bu esa n_2 ning oshishiga olib keladi. $n_2 > n_1$, shuningdek $J_{02} > J_{01}$. Nurlanish 500 nm bo'lgan holatida kvantlar № 3 qatlamda yutiladi, $E_g = 2,45 \pm 0,05$ eV, kvantlarning energiyasi 2.48 eV, ular bir-biriga yaqin, natijada fotogeneratsiyalangan tashuvchilar hosil bo'lishi nisbatan kam, buning hisobiga ikkinchi chiziqli bog'lanish kuzatilmayapti va parametrlari nurlanish 460 nm bo'lgani kabi, lekin J_{qtt} va V_{ozk} qiymatlari past.

XULOSA

A^2B^6 binar yarim o'tkazgichlar turiga tegishli bo'lgan ZnS va CdS moddalarining kimyoviy qorishmasi bo'lgan $Zn_xCd_{1-x}S$ qatlamlari olinishi o'rganildi, qatlamlarning ta'qiqlangan zonasi tigillardagi haroratga bog'liqdir;

Zn atomlarining $Zn_xCd_{1-x}S$ qattiq qotishma tarkibida oshishi natijasida yarim o'tkazgichli binar qotishmaning ta'qiqlangan zonasining oshishi aniqlandi;

Au-ZnCdS-Mo strukturali fotodatchikning qorong'ilikdagi tok o'tish mexanizmi kichik kuchlanishlarda Ohmik relaksasiya, o'rtacha kuchlanishlarda dielektrik relaksasiya va nisbatan katta kuchlanishlarda "vakansiya va nuqtaviy defekt rekombinasion aralash markazi" tipidagi rekombinatsiya komplekslari ichida elektron almashinuvi qisman ushlanib qolishi bilan o'tadigan jarayonlarni o'z ichiga olishi tadqiqot natijalarida aniqlandi.

REFERENCES

1. X.K.Aripov, A.M. Abdullayev, N.B.Alimova, X.X.Bustanov, Y.V. Obyedkov, Sh.T. Toshmatov. Elektrodinamika 45-48 (T-2012)
2. Устюгов Г.П., Вигдорович Е.Н. // Неорганические материалы. 1969. - Т.5, №1. - с.163.

3. Myere T.H., Edmords S.W., Schetzina U.F. // J., Apl. Phys. 1981. -V.52, №6. - с. 4231.
4. Калинин И.П., Алесковский В.Б., Симашкевич А.В. // Эпитаксиальные пленки соединений A_2B_6 . - Ленинград, 1978.
5. Берченко Н.Н., Кревс В.Е., Средин В.Г. // Полупроводниковые твердые раст-воры и их применение $A^{II}B^{VI}$. (Справочные таблицы, М.: Воениздат). 1982, С.61-68.
6. Leiderman A.Yu., Minbaeva M.K. // Semiconductors. 1996. -V. 30. No. 10.- pp. 1729-1738.
7. Mirsagatov Sh.A., Leiderman A.Yu., Ataboev O.K. // Physics of the Solid State. 2013. -Vol. 55, №. 8. - pp. 1635-1646
8. Usmonov Sh. N., Saidov A. S., and Leiderman A. Yu. // Physics of the Solid State. 2014. -Vol. 56, No. 12. - pp. 2401–2407.
9. Mirsagatov Sh.A., Uteniyazov A.K. and Achilov A.S. // Phys. Solid State. 2012. -V.54, №9.- pp. 1751-1763.
10. Kabulov R.R., Makhmudov M.A., Gerasimenko S.Y., Ataboev O.K. Investigation of composition and current transport mechanism in polycrystalline thin film ultra violet $Au-Zn_xCd_{1-x}S-Mo$ - structure with narrow spectrum of photosensitivity // Apply Solar Energy. 2017. - V. 53, N2. - pp. 123-125.
11. Ohata K., Saraie I., Tanaka J. // Jap. J. Appl. Phys. 1973. - V. 12, №10. - pp. 1641-1642.

AFG'ONISTON ISLOM RESPUBLIKASI DAVRIDAGI SIYOSIY ARBOBLAR VA ULARNING FAOLIYATIGA QISQACHA NAZAR (2001-2021 YY.)

Xushvaqt Eshnazarovich Norqo'chqarov

Buxoro davlat universiteti tayanch doktoranti (PhD)

xushvaqt.norqochqarov@mail.ru

Abdimo'min Shaxanovich Tursunov

Termiz agrotexnologiyalar va innovatsion rivojlanish instituti o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

Maqolada ikki tolibon rejimi oralig'ida ya'ni 2001-yildan 2021-yilgacha bolgan 20 yil vaqt oralig'ida mavjud bo'lgan, jahon hamjamiyati tashabbusi bilan qayta tiklana olgan Afg'oniston Islom Respublikasi davrida faoliyat olib borgan yirik siyosiy arboblari: Muvaqqat hukumati vakillari, prezidentlar, saylovlardagi prezidentlikka nomzodlar, vazirlar, etnik guruhlarning siyosiy va harbiy yetakchilari hamda boshqa muhim lavozimlarda faoliyat olib borgan afg'on davlati liderlari va ularning hayot faoliyati haqida ma'lumotlar atroflicha tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: Afg'oniston, tolibon, AQSh, siyosiy yetakchilar, Bonn konferensiyasi, Muvaqqat hukumat, prezident, saylov, vazir, "Shimoliy alyans", BMT, siyosiy partiyalar.

KIRISH

Uzoq vaqtdan beri turli qurolli mojarolar: "Savr inqilobi", SSSR qo'shinlarining kiritilishi va sovet-afg'on urushi, mujohidlar kurashi, tolibon bosqini kabi harbiy harakatlar markazi sifatida dunyo hamjamiyati e'tiborini tortib kelayotgan Afg'oniston davlatidan XX asrning 80-yillari oxiri – 90 yillarida turli terroristik tashkilotlar ham panohtop boshladi. Ularning orasida butun dunyo uchun eng katta xavfga aylangani bu Usoma bin Loden boshchiligidagi "Al-Qoida" terroristik tashkiloti edi. AQSh hokimiyatining ta'kidlashicha, Nyu-Yorkda 2001-yil 11-sentabrda savdo markazi binosiga amalga oshirilgan hujum huddi shu tashkilot tomonidan amalga oshirilgan va Afg'oniston hududini deyarli qo'lga kiritish arafasida turgan tolibon harakati bilan mustahkam aloqaga ega hamda prezident Bush bunga nisbatan antiterroristik urushni e'lon qildi. 2001-yil 7-oktabrda Amerika va Britaniya samolyotlari Afg'onistondagi jangovar nishonlarni bombardimon qildi. Terroristlarni

tayyorlagan barcha lagerlar tor-mor etildi. Toliblarning barcha bazalari vayron qilindi, ularning asosiy qo'shini tog'larga va Pokistonga qochdi. Shu tarzda Afg'onistondagi terrorchilar yo'q qilindi hamda tolibonlar hokimiyati va rejimi ag'darildi. Shundan so'ng mamlakatda yangi hokimiyatni qaror toptirish masalasi butun dunyo hamjamiyati tomonidan ko'rib chiqila boshlandi. Mana shu maqsadda 2001-yil Bonnda konferensiya bo'lib o'tdi va unda bundan keyingi Afg'onistonning taqdiri hamda yangi hukumat tuzilib, prezident saylovi o'tkazilgunga qadar Muvaqqat hukumat tarkibini aniqlash masalalari ko'rib chiqildi. Afg'onistonda 2002-yil yanvarda mamlakatda qayta tiklash ishlarini boshlagan Muvaqqat hukumat ish boshladi. Mamlakatni qayta tiklash dasturi jahon hamjamiyati tomonidan qabul qilindi. Hamid Karzay hukumat boshlig'i etib saylandi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Tolibonlar rejimi ag'darilgan vaqtdan to hozirgi kungacha bo'lgan qisqa vaqt ichida Afg'onistonning siyosiy hayotida o'zining sezilarli ta'siriga ega bo'lgan, Hamid Karzay, Muhammad Qosim Fahim, Abdulla Abdulla, Zalmay Rasul, Ashraf G'ani Ahmadzoy va boshqa bir qancha siyosiy arboblardan yetishib chiqdi. Shuningdek, sovet-afg'on urushi, mujohidlar kurashi va tolibon bosqiniga qarshi kurash davrida ham afg'on davlatchiligi qurilishida faol bo'lgan siyosiy arboblardan va harbiy yetakchilarning bir qismi bu davrda ham ushbu mamlakatda yuz berayotgan siyosiy jarayonlarda o'z ta'sir kuchiga ega yetakchilar hisoblanishar edi. Bularga sobiq prezident Burxoniddin Rabboniy, Abdurashid Do'stim, Gulbiddin Hikmatyor va boshqa bir qancha siyosiy va harbiy yetakchilarni sanab o'tishimiz mumkin. Albatta, ularning eng birinchisi, 2004-yildagi saylovdan keyin, Afg'oniston Islom Respublikasining qonuniy prezidenti etib saylangan siyosiy yetakchi Hamid Karzay hisoblanadi.

Hamid Karzay - 1957-yil 24-dekabrda Qandahor provinsiyasidagi Karz qishlog'ida 8 bolali pushtun oilasida tug'ilgan, durroney qabilalar birlashmasi popolzay qabilasi karzay qavmiga mansub. Popolzay qabilasi boshlig'i Axad Karzay oilasida to'rtinchi o'g'il farzand. Otasi 1964-73-yillarda deputat va senat raisi lavozimida ishlagan, qiroli Zohirshohning do'sti. Karzay oilasi 1761-yilda birinchi afg'on qiroli Ahmadshoh Durroneyga Qandahor shaxri qurilgan yerlarni sovg'a tariqasida berishgan.

Karzayning bolaligi o'zining ona qishlog'ida o'tgan. U Xabibiya litseyi va Simladagi universitetni tamomladi. Karzayning otasi 1973-yilda Dovudning hokimiyatga kelishi bilan to'ng'ich og'illari bilan Pokistonga qochib o'tadi. 1978-yilda AXDP ning hokimiyatga

kelishi va sovet armiyasining Afg'onistonga kirishi bilan davlatning ichki siyosati yanada qiyinlashdi. Pokistonga yetib kelgan H.Karzay Afg'onistonni qutqarish milliy fronti lideri (AQMF) Sibhatullo Mojaddadiy davrasiga qo'shildi, matbuot bilan aloqalarga javob bergan va tarjimonlik qilgan, keyin AQMF va amerikaliklarning qurol yetkazib berishidagi muhokamalarida qatnashgan, 1987-yildan AQMF siyosiy departamenti direktori lavozimiga tayinlandi. Afg'oniston hududidagi harbiy harakatlarda umuman qatnashmagan. Mujohidlarning g'alabasi va 1992-yilda Najibullo tuzimi qulaganidan keyin Karzay Rabboniy hukumatining Tashqi ishlar vaziri o'rinbosari etib tayinlandi. 1994-yilda Rabboniy hukumatidan chiqadi va Qandahorga boradi. U yerda endigina "tolibon" harakatini mustahkamlayotgan Mulla Umar bilan tanishadi. Toliblar 1996-yilda hokimyatga kelishi bilan unga Afg'onistonning BMT dagi doimiy vakili bo'lishini taklif qilishgan, lekin Karzay bu taklifni rad etgan. Shundan so'ng, u Pokistonning Kvetta shahrida yashayotgan otasining oldiga jo'nab ketadi.

1999 yil iyulda otasi Haj safaridan qaytayotganda Kvetta rezidensiyasi ostonasida noma'lum shaxslar tomonidan otib ketiladi. Otasining o'limida Hamid Karzay toliblarni ayblaydi. Otasining o'limidan keyin u popolzay qavmi oqsoqoli etib tanlandi. 2001-yilda Yevropaga safarlaridan birida uning prezident Musharraf haqidagi kritikasi va toliblar bilan hamkorlikda ayblanib Pokiston vizasidan mahrum qilindi, lekin bir necha oydan keyin AQSH iltimosiga ko'ra bekor qilindi. Faol harbiy harakatlar tugashi va Kobulda yangi hukumat rivojlanishi boshlanishi bilanoq Karzaydan shunchaki pushtun siyosatchisi emas, balki oliy qabila vakili bo'lish talab qilindi.

2001-yilning dekabridagi Bonn konferensiyasida Karzay Afg'oniston Muvaqqat hukumati boshlig'i etib tayinlandi. 2002-yil iyunda Loyi Jirg'a (Afg'onistonning barcha xalqlari, qabilalari va guruhlar boshliqlari kiruvchi oliy mahkama) uni vaqtinchalik prezident qilib sayladi. Karzay o'zining boshqaruvida "Shimoliy alyans"ning tolibonlarga qarshi kurashgan arboblarga suyangan (Panjsher provinsiyasi tojiklari - Mudofa vaziri Muxammad Faxim, Tashqi Ishlar vaziri Abdulla Abdulla, Ma'naviyat vaziri Yunus Kanuniy).

Bora-bora "Shimoliy Alyans" arboblari Karzayga prezidentlik saylovlarida raqobatchilarga aylandi. Hamid Karzayga nisbatan ikki marta suyuqasd uyishtirildi. 2002-yil sentabridagi birinchi suyuqasddan keyin o'zining xavsizligini faqat amerikaliklarga ishonib qoldi va poytaxt Kobuldan tashqariga chiqmay qo'ydi.

2003-yil dekabrda Loyi Jirg'a mamlakatning yangi Konstitutsiyasini taqdim etdi va 2004-yil yanvarda afg'on qabilalarining Loyi Jirg'asi yangi davlat Konstitutsiyasini qabul



qildi. Mamlakat demokratik jamiyat qurish yo`lini boshladi. 2004-yilgi prezidentlik sayloviga Karzay o`z nomzodini qo`ydi.

Saylov kompaniyalari boshlanishi bilan Hamid Karzay poytaxtdan chiqib ketishga majbur bo`ldi, u o`tirgan vertolyotga o`q uzishdi va shu tarzda ikkinchi suyuqas uyishtirildi.

2004-yilgi prezidentlik saylovida Hamid Karzay 55,3 % ovoz bilan g`alaba qozondi va Afg`oniston Islom Respublikasi prezidenti etib saylandi. Marhum Shimoliy alyans lideri Axmad Shoh Mas`udning ukasi Ziyo Mas`udga vitse-prezident lavozimini taklif qilgan.

U 2010-yilgi saylovlarda ham g`alaba qozondi va o`zining ikkinchi prezidentlik muddatiga saylandi hamda 2014-yilgacha mamlakatni boshqardi.

Afg`onistondagi siyosiy jarayonlarning eng mashhur siyosiy arboblardan biri bu albatta Burhoniddin Rabboniy hisoblanadi. Uning hayoti Afg`onistonda XX asrning so`nggi choragi va XXI asrning birinchi birinchi dekadasida o`rnatilgan tuzum va yuz bergan siyosiy voqealar bilan chambarchas bog`liq hisoblanadi.

Burhoniddin Rabboniy - "Afg`oniston islom jamiyati" (AIJ) partiyasining rahbari. 1940-yilda Badaxshonning shimoliy provinsiyasi Fayzobodda diniy oilada tug`ilgan. Tojik millatining Yaftali qabilasiga mansub bo`lgani uchun ko`pchilik pushtun bo`lmaganlarni o`z atrofida birlashtira olgan. Umum ta`lim maktabida diniy ta`limga qiziqish uyg`ondi. 1956-yilda Kobuldagi "Abu- Xanafiya" teologiya litseyiga o`qishga kiradi. 1958-yildan boshlab "Musulmon birodarlari" tashkiloti a`zosi. 1959-yilda litsey va 1963-yilda Kobul universitetining teologiya va huquq fakultetini tamomladi. Keyin Kobul universitetida ta`lim berdi. Afg`onistonda "Musulmon birodarlari" tashkiloti liderlaridan biri bo`lgan. Tashkilot boshqarmasining buyrug`iga ko`ra universitet qoshidagi "Musulmon yoshlari" guruhiga boshchilik qilgan. 1965-yilda Misrdagi Al-Azhar universitetiga o`qishga kiradi. 1968-yilda islom falsafasi doktori ilmiy unvoniga ega bo`ladi. Afg`onistonga qaytishi bilan Kobul universiteti o`qituvchisi etib tayinlandi. Islom diniga oid bir qancha ilmiy maqolalar va adabiyotlar chop ettirdi. Boshqa musulmon mamlakatlari dindorlari orasida teologiya professori sifatida tanilgan. Rabboniy Misr, Saudiya Arabistoni, Eron diniy arboblari va Pokistondagi "Jamiyat-i islomiy" va "Jamiyat-i ulamo" tashkilotlari bilan aloqalarni qo`llab- quvvatlaydi. Arab, fors, urdu, ingliz va turk tillarini yaxshi bilgan. 1973-yilda "Musulmon birodarlari" tashkiloti boshlig`i etib saylandi va 1976-yilgacha boshqardi. Muhammad Dovud hokimiyatga kelishi bilan hukumat dushmaniga aylandi. 1974- yilda qamoqdan qochib Muhammad Dovud tuzumiga qarshi kurashayotgan qabilalarga borib qo`shiladi. Keyin Pokistonga qochib o`tib u yerda

“Musulmon yoshlari” tashkilotida o‘zining “Afg‘oniston islom jamiyati” partiyasini tuzadi. Sovet harbiy harakatlari vaqtida u Afg‘onistonda shariyat qonunlari ustuvor bo‘lgan Islom respublikasini barpo etish uchun kurashgan, musulmon davlatlari bilan aloqalarni mustahkamlashga katta e‘tibor qaratgan, bir vaqtning o‘zida “Alyans-7”da Gulbiddin Hikmatyor bilan raqobatida AQSH va G‘arb davlatlarining yordamidan imkon qadar foydalanishga harakat qildi. AIJ ning Axmad Shoh (Panjsher), Zabeullox (Balx), Ismoilxon (Hiro) boshchiligidagi qurolli kuchlari AXDP tuzumi bilan kurashida katta yordam berdi. 1992- yilning iyun oyi oxirida Mujohidlar hokimiyatga kelganidan so‘ng 4 oy davomida vaqtinchalik hukumatni boshqargan, keyin bu muddat 6 oyga uzaytirildi va dekabrda Afg‘oniston Islom davlatiga 2 yil muddatga prezident etib saylandi. Prezidentlik sayloviga sharoit bo‘lmagani sababli o‘z prezidentlik vazifasini davom ettirdi. 1996-yilning sentyabrida toliblar Kobulni olgandan keyin davlatni Afg‘onistonning shimolida quvg‘inda yurib boshqardi. Tolibonlar hukumati ag‘darilgandan keyin 2001-yilning 22-dekabrida boshqaruvni tantanali ravishda Hamid Karzayga topshirdi. Rabboniy mamlakatning markaziy va shimoliy viloyatlari aholisi o‘rtasida o‘zining katta ta‘siriga ega. U prezidentlikni Hamid Karzayga topshirgandan so‘ng, xalqaro tashkilotlar tomonidan tuzilgan Oliy Tinchlik Kengashi raisi etib tayinlangandi. Bu kengash afg‘on hukumatining tolibonlar bilan muzokaralar olib borish harakatlariga boshchilik qilib kelayotgan edi. 2011-yil 21-sentabrida Burhoniddin Rabboniy o‘z uyida Tolibon rahbarlari bilan uchrashuv paytida ulardan birining boshidagi sallasiga o‘rnatilgan bombaning portlab ketishi natijasida halok bo‘ldi.

Burhoniddin Rabboniy Afg‘onistondagi juda katta hurmatga sazovor siyosiy arboblardan biri hisoblanar edi. Uning eng yaqin shogirdi va safdoshlaridan, Afg‘onistondagi muxolifat rahbarlaridan biri prezidentlik saylovida o‘z nomzodini qo‘ygan doktor Abdulla Abdulla: “Janob Rabboniyning o‘limi butun Afg‘oniston xalqi uchun katta yo‘qotish” ekanini aytib, sobiq prezidentni “so‘nggi nafasiga qadar tinchlik uchun kurashgan shaxs”-deb ta‘riflagan. Xalqaro Tinchlikni Saqlash kuchlari (ISAF) qo‘mondoni general Jon Allen Burhoniddin Rabboniyning o‘limini, “Tinchlik tashabbusining yuzi hujumga tutildi”, deb aytib o‘tgan edi.

Gulbiddin Hikmatyor ham Afg‘oniston siyosiy hayotida muhim o‘ringa ega bo‘lgan, mamlakatdagi Xalqaro Kuchlarning saqlab turilishiga butunlay qarshi bo‘lgan, tolibonlarga ham qattiq qarshilik ko‘rsatgan, o‘zining radikal qarashlari bilan ajralib turadigan siyosiy arboblardan biri hisoblanadi.

Gulbiddin Hikmatyor - Afg‘oniston siyosiy jarayonlari markazida yetakchi o‘rin egallagan shaxslardan biri bo‘lgan. Afg‘on – sovet urushida qatnashgan, afg‘on “jihod” rahbarlaridan

biri edi. U 1947-yilning noyabrida Shimoliy Afg'onistondagi Qunduz viloyatida tug'ilgan. O'rta ma'lumotdan so'ng, Kobul universitetining injinerlik fakultetiga o'qishga kirdi, ammo o'qishni oxirigacha davom ettirmadi, 1-kurs oxirida o'qishni tashladi va o'zi yoqtirgan siyosat sohasiga kirdi, 1970-yilda "Yosh musulmonlar" jamiyatiga a'zo bo'ldi. Hikmatyor 1972-yildan 1973-yilgacha qamoq jazosini o'tadi va Muhammad Dovud hukumati o'rnatilgandan so'ng Pokistonga ketadi. 1978-yilgi "Savr inqilobi"dan keyin Hikmatyor Pokiston ko'magida hukumatga qarshi partizanlik kurashini boshladi. U o'sha yili Afg'oniston xalq demokratik partiyasi (AXDP) rahbari etib saylandi.

Gulbiddin Hikmatyor bu partiyani Burhoniddin Rabboniy rahbarlik qilayotgan "Jamiyati islom" (Afg'oniston Islom jamiyati) partiyasidan ajratib oldi va uning yangi dasturini ishlab chiqdi. Bu partiya a'zolarining asosini pushtunlar tashkil etardi. Partiyaning asosiy moliyaviy va harbiy homiysi Pokiston armiyasi generali Ziyoulhaq edi.

Afg'onistondan sovet qo'shinlari chiqib ketganidan so'ng Hikmatyor Afg'oniston sharqidagi Jalolobod shahriga o'rnamshadi va shu yerda siyosiy faoliyat olib bora boshlaydi.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

1992-yilda Kobulda mujohidlar hukumati o'rnatilgandan so'ng Hikmatyor poytaxtga keladi. Bu vaqda Burhoniddin Rabboniy ham hokimiyatni egallash maqsadida poytaxtga yurish qilgandi. Dastlabki to'qnashuvlarda Hikmatyor Ahmad Shoh Mas'ud qo'shinlaridan yengiladi. Natijada, u o'z qurolli qo'shini bilan Kobul janubidagi Chorosyob rayoniga chekinadi. Shu yerdan turib Hikmatyor Burhoniddin Rabboniy hukumatiga qarshi urushni davom ettiradi.

1995-yil Afg'onistonning eng katta qismi bo'lgan janubiy va sharqiy rayonlarida tolibonlar o'z nazoratini o'rnatganda, Gulbiddin Hikmatyor o'z raqibi Burhoniddin Rabboniy bilan birlashishga majbur bo'ladi va hukumat bosh vaziri etib tayinlanadi. Lekin bu uzoq davom etmadi. Tez orada tolibonlar Kobulni katta kuch bilan qamal qildi. Hikmatyor noiloj Eronga yashirindi.

2001-yil 11-sentyabr voqealaridan so'ng, Hikmatyor kuchsizlanayotgan Tolibonlar rejimiga qarshi chiqdi va Afg'onistondagi chet el qo'shinlariga qarshi urush boshladi. Hikmatyor AQSH qo'shinlarining Afg'onistonga kiritilishini "tajovuzkorlik" deb baholadi va ularga qarshi urush e'lon qildi. U 2010-yildagi Prezidentlik sayloviga ham o'z noroziligini bildirdi. Bundan tashqari Gulbiddin Hikmatyor 2019-yilgi prezidentlik saylovlarda

ham Ashraf G'ani va Abdulla Abdulladan keyingi o'rinni egalladi.

Afg'onistondagi hokimiyat uchun bo'lgan siyosiy kurashlarda o'zining mohir qo'mondonligi va boshqaruvchilik qobiliyati bilan ajralib turgan, Afg'onistondagi o'zbeklar yetakchisi Abdurashid Do'stum ham yetakchi siyosiy arboblardan hisoblanadi. U Afg'oniston Milliy Islom harakati (AMIH) asoschisi, millati o'zbek bo'lgan. Afg'on-sovet urushida ishtirok etgan. Sovet qo'shinlari Afg'onistonni tark etgach Abdurashid Do'stum turli xil guruhlar o'rtasidagi siyosiy kurashlar maydonida 1990-yilning o'rtalarida paydo bo'ldi. U Milliy Afg'oniston Islom harakatiga asos solganidan so'ng, bu tashkilotga ko'plab Afg'onistonlik o'zbeklar a'zo bo'ldilar.

General Do'stum 1952-yilda Afg'oniston shimolidagi Juzjon viloyatida tug'ilgan. Sovet qo'shinlari Afg'onistonning shimoliga kiritilganda u Afg'onistonlik o'zbeklardan iborat bo'lgan qurolli guruh tuzadi va ularga keskin qarshiliklar ko'rsatadi. Kommunistlar tarafdori bo'lgan Najibullo hukumatiga qarshi chiqadi. 1980-yil o'rtalarida general Do'stum qo'l ostidagi qurolli guruh 20 000 kishini tashkil etadi va u Afg'onistonning shimolidagi bir nechta rayonlarni qo'lga kiritadi. 1992-yilda Do'stum o'z siyosiy orientatsiyasini o'zgartiradi va mujohidlar bilan birlashadi. Qisqa vaqt mavjud bo'lgan Burhoniddin hukumatini qo'llab quvvatladi va bir qancha vaqt Afg'oniston Islom partiyasi rahbari Gulbiddin Hikmatyorga xizmat qildi. Keyinchalik Do'stum o'zining asosiy harbiy kuchlari joylashgan Afg'oniston shimoliga qaytadi va u yerda o'z nazoratini o'rnatadi. Uning qo'l ostida 5 mln aholisi bo'lgan 6 ta viloyat mavjud edi. 1997-yil general Do'stum hokimiyatining eng gullagan davri bo'lib, u Afg'oniston shimolida o'zining alohida mustaqil hukumatiga asos soldi va bu hududdagi barcha ishlar ustidan nazorat o'rnatadi. Aynan shu yillarda tarafdorlari unga "Buyuk hukumdor" nomini berishgan. 1998-yil tolibonlarning Shimoliy Afg'onistondagi asosiy shaharlarni egallab olishi natijasida Do'stumning "Buyuk hukumdor"lik davri tugadi. U tolibonlar bilan asosiy boshqaruv markazi hisoblangan Balx viloyatining Mozori Sharif shahridagi to'qnashuvidagi mag'lubiyatidan so'ng Turkiyaga ketadi. Keyinroq u Afg'onistonga qaytadi, qo'mondon Ahmad Shoh Mas'ud bilan uchrashdi va ular tolibonlarga qarshi birgalikda kurashishga kelishib oldilar. Do'stum tolibonlarga qarshi qattiq kurashlar olib bordi va tolibonlarga qarshi "Shimoliy alyans"ga qo'shildi, Mozori-Sharif shahrini tolibonlardan qaytarib olishga erishdi.

2001-yil sentyabrda bomba portlashi natijasida Ahmad Shoh Mas'ud halok bo'lganidan so'ng, General Do'stum uning yaqin safdoshlaridan biri bo'lgan Muhammad Qosim Fahimni antitolibon fronti qo'mondonligiga oladi va ular tolibonlarning bu jinoyati uchun qasos olishga kirishadi.

Afg'onistonga

AQSH

harbiylarining kiritilishi, tolibonlar hokimiyatining kuchsizlantirilishi natijasida Hamid Karzay hokimiyati o'rnatiladi. General Do'stum AQSH yordamida Oliy Harbiy Kengash rahbari va Shimoliy Afg'onistonda Karzay hukumatining vakili etib tayinlanadi. Keyinchalik Afg'oniston Mudofaa vazirining o'rinbosari lavozimiga ko'tariladi.

2004-yilgi Prezident saylovida o'z nomzodini qo'ydi, Hamid Karzayning asosiy raqibi bo'ldi. Saylovda Karzay nomzodi ustun keldi. Lekin, Do'stum Karzayning yangi hukumatida Afg'oniston Qurolli kuchlar shtabi birlashmasining rahbari etib tayinlandi.

2008-yil fevralida Abdurashid Do'stum o'zining sobiq o'rinbosari "Afg'onistondagi turkiy tilli xalqlar" uyushmasining rahbari Akbar Baya bilan kelisha olmaydi va Turkiyaga ketadi. Oktyabr oyida prezident Hamid Karzayning tashabbusi bilan ular yarashishadi. 2009-yilda Do'stum yana Afg'onistonga qaytadi. 2014-yilgi saylovda u Ashraf G'ani Ahmadzoy nomzodini qo'llab-quvvatladi. Ashraf G'ani Ahmadzoy Afg'oniston prezidenti etib saylangan taqdirda, Abdurashid Do'stum uning birinchi o'rinbosari lavozimini egallashi kutilgandi va shunday bo'ldi.

Bundan keyingi davrlarda ham Abdurashid Do'stum afg'on armiyasidagi faoliyati va prezident Ashraf G'anining asosiy tayanchi sifatida Marshal unvoniga sazovar bo'ldi. Ammo, 2021-yil yozida AQSh qo'shinlarining chiqib ketishi va afg'on qo'shinidagilarning tolibonga qattiq qarshilik ko'rsatmasligi yoki ko'rsatishni istamasligi natijasida Marshal Do'stum Afg'onistonni tark etdi.

Afg'onistonda yangi hukumat tuzilgandan so'ng, tolibon tuzumiga qarshi kurashda o'zini ko'rsata olgan yetakchi siyosiy liderlar, boshqaruvning turli bo'g'inlarida o'z faoliyatini davom ettirdi va ularning ko'pchiligi bugungi kunga kelib yirik davlat siyosiy arboblarga aylanishdi. Shunday siyosiy arboblardan biri marshall Muhammad Qosim Fahim hisoblanadi.

Muhammad Qosim Fahim - Hamid Karzay boshqaruvi davrida marshall oliy harbiy unvoniga ega bo'ldi. Ahmad Shoh Mas'ud o'limidan so'ng, u birlashgan antitolibon kuchlari bosh qo'mondoni sifatida ancha tanildi. Suyiqasd natijasida Ahmad Shoh Mas'ud halok bo'lgandan keyin tolibonlarga qarshi jang qilayotgan mujohidlar guruhlariga boshchilik qildi. U Amerika harbiy aviatsiyasi yordamida tolibon rejimining ag'darilishida asosiy ro'l o'ynadi.

Afg'onistonning siyosiy sahnasida Muhammad Qosim Fahim tolibon rejimi ag'darilgandan keyin, muhim o'ringa ega bo'ldi. (Dastlab, Hamid Karzay prezidentligining birinchi besh yilligida u mamlakat hayotida o'zining faolligini amalga oshiruvchi ro'lga ega emasdi va hukumat tarkibiga ham kiritilmagan edi).

Muhammad Qosim Fahim 1957-yil Panjsher viloyatining Omraz qishlog'ida tug'ilgan. Qishloq maktabini tugatib oliy ma'lumotga ega bo'lish uchun Kobulga jo'nadi va Kobul universitetining teologiya fakultetida o'qidi.

1978-yil hukumat almashinuvidan keyin sobiq sovet ittifoqi yordamida hukumatda oppozitsiya paydo bo'ldi, buning natijasida u Pokistonga ketishga majbur bo'ldi. U Pokistonda uzoq qolmadi va Afg'onistonga qaytganidan keyin, yangi hukumatga va SSSR ga qarshi qurolli kurash boshlagan (asosan Ahmad Shoh Mas'ud guruhida) mujohidlar guruhiga qo'shildi. Dastlab u mujohidlar kuchlarining bo'limlaridan biriga boshliq etib tayinlandi, lekin bir qancha vaqt o'tib, o'z qo'l ostidagi hududlarni kengaytirib bordi. Muhammad Qosim Fahim Badahshon, Bog'lon, Tohar va Qunduz viloyatlaridagi mujohidlar guruhlarining shakillanishida asosiy ro'l o'ynadi.

Najibullo hukumati qulagandan keyin, 1993-yilda u Kobulga keldi va bu yerdagi mujohidlar kuchlari bilan birlashdi. Yangi hokimiyat, Burhoniddin Rabboniy hukumatida xavfsizlik vaziri lavozimini egalladi. Tolibonlar hujumlari natijasida poytaxt Kobul va mamlakatning boshqa hududlari egallangandan so'ng, u shimoldagi tolibonlarga qarshi kurashayotgan Ahmad Shoh Mas'ud guruhlariga borib qo'shildi. Ahmad Shoh Mas'ud o'limidan keyin, Muhammad Qosim Fahim mujohidlar guruhlarini boshqardi va o'sha vaqtda tolibonlarga qarshi kurashayotgan barcha mujohidlar guruhlarini birlashishga chaqirdi.

Tolibonlar rejimi ag'darilib, Bonn konferensiyasi otkazilgandan keyin tuzilgan Afg'oniston Muvaqqat hukumati tarkibida Muhammad Qosim Fahim Mudofaa vaziri va hukumat harbiy kuchlari bosh qo'mondonining o'rinbosari etib tayinlandi. 2004-yilda o'tkazilgan birinchi prezidentlik saylovida Muhammad Qosim Fahim prezidentlikka o'z nomzodini qo'ydi va agar saylovda g'alaba qozonsa, Ahmad Shoh Mas'udning ukasi Ahmad Ziyos Mas'udni o'zining o'rinbosari bo'lishini ta'kidlab o'tdi.

Bu qadam, ko'plar uchun kutilmagan bo'lganligi uchun, Hamid Karzay va Muhammad Qosim Fahim o'rtasidagi aloqalarni yomonlashtirdi. Shunga qaramasdan Hamid Karzayning birinchi prezidentligi davri davomida u o'z lavozimini saqlab qoldi, ammo prezidentni ko'plab marotaba tanqid ostiga olganligi sababli, hukumat boshqaruvidan mujohidlarning uzoqlashtirilishiga sababchi bo'ldi. Oxirgi besh yil davomida marshall Muhammad Qosim Fahim Afg'onistonning birinchi vitse-prezidenti vazifasini bajarib keldi va 2014-yil 9-mart kuni vafot etdi.

2014-yilda amaldagi prezident Hamid Karzayning ikkinchi prezidentlik davri muddati ham tugaydi. Shuning uchun 5-aprelda o'tadigan prezidentlik saylovga 11 ta nomzod: Ashraf G'ani



Ahmadzoy, Zalmay Rasul, Abdulla Abdulla, Qayum Karzay, Dovud Sultonzoy, Sardor Muhammad Naim, Abdul Rab Rasul Sayyof, Qutbiddin Hilol, Abdul Rasul Vardak, Hidoyat Amin Arsalox, Gul Og'a Sherzoy ro'yxatdan o'tdi. Saylov natijalariga ko'ra, hech qaysi nomzod o'tish ovozi, 50% dan yuqori ovozni to'play olmadi. 26-apreldagi saylov komissiyasining qaroriga ko'ra, eng yuqori ovoz to'plagan 3 ta nomzod: 44,5% ovoz bilan Abdulla Abdulla, 31,5% ovoz bilan Ashraf G'ani Ahmadzoy va 11,5 % ovoz bilan Zalmay Rasullar 28-mayda bo'ladigan, keyingi tur sayloviga o'tishdi. Saylovda Afg'onistonda saylash huquqiga ega bo'lgan saylovchi erkaklarning 64%i va ayollarning 36%i ishtirok etishdi.

Prezidentlik saylovlarida eng yuqori ovoz to'plagan doktor Abdulla Abdulla bugungi kunda Afg'onistondagi eng yuqori mavqedagi siyosiy arboblardan biri. Afg'onistondagi muxolifat guruhlar va afg'on xalqi o'rtasida eng obro'li shaxslardan hisoblanadi.

Doktor Abdulla Abdulla 1959-yil (ba'zi ma'lumotlarga ko'ra 1960-yil) Kobul shahrida tug'ilgan. Otasi pushtun va onasi tojik millatiga mansub. Otasi G'ulom Mhyauddin Xon Zamriyaniy, Muhammad Zohirshoh davrida Milliy Kengashning Qandahor viloyati senatori etib saylangan edi. O'rta ta'limni "Nodiriya" litsey-internatida oldi. 1977-yil Kobul tibbiyot institutiga oqishga kirdi va 1984-yilda uni muvaffaqiyatli tamomladi. Oliy ma'lumotga ega bo'lgach, ikki yil Kobuldagi "Nur" nomli ko'z kasalliklari shifoxonasida ishladi. Shundan so'ng, u Pokistonga jo'nab ketdi.

Ko'p o'tmay vataniga qaytgan doktor Abdulla Abdulla Panjsherda mujohidlar shifokori sifatida juda tez tanildi va taniqli mujohidlar boshlig'i Ahmad Shoh Mas'ud ishonchini qo'lga kiritdi. 1992-1996-yillarda Kobulda hokimiyatga mujohidlar keldi va Mudofaa vaziri lavozimini egallagan Ahmad Shoh Mas'ud doktor Abdullaga Mudofaa vazirligining rasmiylashtirish va kanselariya (yozuv-chizuv ishlari) bo'limiga rahbarlik qilishni taklif etdi.

1996-2001-yillarda shimoliy Afg'onistonda Burhoniddin Rabboniy boshchiligida hukumat tuzilgan vaqtda, doktor Abdulla o'rinbosar va Tashqi Ishlar vaziri vazifasini amalga oshirgan. Shu yillarda u Rabboniy hukumatining tashqi aloqalarini ta'minlashda asosiy ro'l o'ynadi va o'zining ko'plab marotaba chet davlatlarga safari davomida bu hukumatga xalqaro yordamlarni jalb etishga harakat qildi.

Rabboniy hukumatining nazorati ostida mamlakat hududining 10% ga yaqin qismigina qolganiga qaramasdan, Afg'oniston BMTda ham, boshqa dunyo mamlakatlari orasida ham yagona qonuniy hokimiyat sifatida tan olinishida doktor Abdulla Abdullaning ro'li

beqiyosdir. 2001-yil Ahmad Shoh Mas'ud vafotidan keyin ham tolibonlarga qarshi kurashda faol qatnashdi va Shimoliy Alyansning vakili sifatida bir qancha xalqaro tashkilotlar rahbarlari bilan uchrashdi.

Bonn konferensiyasi shartnomasiga muvofiq u Hamid Karzay muvaqqat hukumatining tashqi ishlar vaziri etib tayinlandi va keyinchalik 2004-yilda prezidentlikka saylovlar o'tkazilib, yangi hukumat tuzilgandan so'ng ham o'z o'rnida qoldi, ammo ko'p o'tmay, Hamid Karzay tomonidan tuzilgan hukumat kabineti tarkibiga kiritilmadi va rasmiy davlat ishlaridan uzoqlashtirila boshlandi. Shundan so'ng, Hamid Karzayning ikkinchi prezidentlik davrida doktor Abdulla Abdulla siyosiy oppozitsiyaga kelib qo'shildi va "O'zgarishlar va umidlar" nomli koalitsiya tuzdi. Doktor Abdulla Abdulla ikkinchi prezidentlik saylovi vaqtida Hamid Karzayning asosiy raqibiga aylandi. Bu saylovda nomzodlarning hech biri g'alaba qozonish uchun yetarlicha ovoz to'play olmadi va saylov komissiyasi Hamid Karzay va Abdulla Abdullani ikkinchi tur saylovida ishtirok etishini e'lon qildi, ammo doktor Abdulla Abdulla saylovlarning ikkinchi turida ishtirok etishdan bosh tortdi, bu esa amalda saylovlarning davom etmasligini ko'rsatar edi. Saylov komissiyasi Hamid Karzayni g'olib deb topdi.

O'tgan saylovda doktor Abdullaning bosh shiori parlament tizimini tashkil etish edi. U prezidentlikka saylangan taqdirda, konstitutsiyaga o'zgartirishlar kiritishini va korrupsiyaga qarshi kurashish uchun qat'iy choralar ko'rishini ta'kidlab o'tdi. 2010-yilgi saylovlardan keyin, "O'zgarish va umid" siyosiy koalitsiyasi o'z nomini "Milliy koalitsiya"ga almashtirdi va uning tarkibi kengayib, bir qancha siyosiy guruhlar va shaxslar unga a'zo bo'lib kirdi.

"Afg'oniston islom jamiyati", "Islom milliy birligi" partiyasi, "Milliy islom harakati" partiyalari birlashgan holda Milliy frontni tashkil etgungacha, Milliy koalitsiya asosiy siyosiy oppozitsiyaligicha qoldi.

2014-yilgi saylovlarda g'alaba qozongan holatda, uning birinchi va ikkinchi o'rinbosarlari sifatida Muhammad Xon va Muhammad Muhakkik tayinlanishini e'lon qildi.

Saylovlar paytida doktor Abdulla Abdullani Abdulhodiy Argandival boshchiligidagi "Islom" partiyasi, "Jamiyati islomiy" partiyasining asosiy qismi, "Islom milliy birligi" partiyasi va boshqa bir qancha siyosiy tashkilotlar siyosiy yetakchi sifatida qo'llab-quvvatlashini ma'lum qildi.

Afg'onistonning bugungi kundagi siyosiy elitasi orasida o'zining yuqori mavqeiga ega bo'lib, Hamid Karzayning ikkinchi prezidentlik davrida, bu hukumatning tashqi aloqalarini muvofiqlashtirib turgan siyosiy arboblardan yana biri Zalmay Rasul hisoblanadi.

Zalmai Rasul 2010-yil yanvaridan 2013-yil oktyabrigacha Afg'oniston Tashqi ishlar vaziri lavozimida ishladi. U 1943-yil Kobulda tug'ilgan, millati pushtun, muhammadzoy qavmidan. Zalmai Rasul dariy, pushtu, arab, fransuz, ingliz va italyan tillarida bimalol so'zlasha oladi.

Agar Zalmai Rasul prezidentlik saylovlarida g'alaba qozonsa, uning birinchi va ikkinchi o'rinbosarlari sifatida Ahmad Ziyo Mas'ud va Habiba Sarabiy tayinlanishini aytib o'tdi.

Zalmai Rasul Afg'onistonda muvaqqat hukumat tuzish bo'yicha 2001-yilda Germaniyada o'tgan birinchi Bonn konfrensiyasining ishtirokchisi hisoblanadi. U Afg'onistonda tolibon rejimi ag'darilgandan so'ng, Hamid Karzay bilan birgalikda Kobulda yangi hukumat tuzishda qatnashgan shaxslar qatorida edi. 2002-yilda hokimiyatga yangi hukumat kelganidan keyin, Hamid Karzay Fuqaro aviatsiyasi vaziri lavozimiga Zalmai Rasul nomzodini ko'rsatdi va bu taklif kabinet tarafidan bir ovozdan ma'qullandi.

Zalmai Rasul 2002-yilning o'zida qisqa muddat Fuqaro aviatsiyasi vaziri lavozimida ishlagach, Afg'oniston prezidentining xavfsizlik masalalari bo'yicha maslahatchisi etib tayinlandi va u bu lavozimda 2010-yilgacha o'tirdi. Uning vazifasi xususan, "tashqi siyosatchilar va ularning xavfsizlik sohasidagi faoliyatlarini muvofiqlashtirish" hisoblangan. 2010-yil yanvarida Afg'oniston prezidentligiga qayta saylangan Hamid Karzay Tashqi ishlar vaziri lavozimiga Zalmai Rasul nomzodini parlamentga taqdim etdi va uni parlament quyi palatasining ko'pchilik ovozi bilan ushbu lavozimga tayinladi.

So'nggi 12 yil davomida mamlakat boshqaruvida Zalmai Rasul bilan Hamid Karzay o'rtasidagi shaxsiy munosabatlar juda yaxshi kechdi va ular ko'plab muhim rasmiy davlat safarlariga birga borishadi.

Saylovlarda yaxshi ovozga ega bo'lgan va uzoq tortishuvlardan so'ng prezidentlikka saylangan hamda Doktor Abdulla Abdulla bilan raqobatda yana bir bor yutib chiqib ikkinchi muddatga ham prezident sifatida saylangan Afg'onistonning siyosiy hayotida yuqori e'tiborga ega siyosiy arboblardan biri, Ashraf G'ani Ahmadzoy hisoblanadi.

Ashraf G'ani Ahmadzoy-1953-yilda Kobulning janubidagi Logar viloyatida tug'ilgan. Bayrutdagi Amerika universitetida va AQSHdagi Kolumbiya universitetida ta'lim oldi va antropologiya sohasi bo'yicha fan doktori darajasiga ega bo'ldi. Hamid Karzay hukumati davrida Ahmadzoy "afg'onlashtirish" xavfsizlik rejasini ishlab chiquvchi asosiy mutaxassislardan biri hisoblandi.

U o'zining prezidentlikka nomzodini qo'yganiga juda ko'p vaqt bo'lmadi. Afg'onistondagi prezidentlik saylovlarida g'alaba

qozonsa, Abdurashid Do'stum va Ahmad Donish uning birinchi va ikkinchi o'rinbosarlari etib tayinlanishini e'lon qildi. Ahmadzoy ko'p yillar Jahon bankida ishladi va Afg'oniston masalasi bo'yicha tahlilchi va mutaxassis sifatida ommaviy axborot vositalari muhbirlari bilan suhbatlar o'tkazdi. Shuningdek, u AQSHdagi Jon Xopkins universitetida va Daniyaning Orxusskom universitetida ham dars berdi. Ashraf G'ani Ahmadzoy 2001-yil oktabr oyidan BMTning Afg'onistondagi maxsus vakili Axzar Ibrohimiyning maslahatchisi etib tayinlandi.

Biroq, bir necha oy o'tgach Ahmadzoy Afg'onistonning muvaqqat hukumati davridagi prezidenti Hamid Karzayning bosh maslahatchisi lavozimini egalladi. Bir vaqtning o'zida u Afg'oniston bo'yicha xalqaro yordamni muvofiqlashtirish boshqarmasini ham boshqardi.

Ashraf G'ani Ahmadzoy 2002-yil iyunidan 2004-yil dekabr gacha Hamid Karzay rahbarligidagi Muvaqqat hukumat kabinetida Moliya vaziri vazifasini ham bajardi. Shu davrda u pul-moliya islohatini boshladi va bu yo'nalishda bir qancha muvaffaqiyatlarga erishdi, ammo shundan keyin uning islohatlari siyosiy doirada tanqidga uchray boshladi. Ashraf G'ani Ahmadzoy 2004-yilgi prezident saylovlaridan keyin yangi tuzilgan hukumat tarkibiga kiritilmadi. U Kobul davlat universitetining rektori etib tayinlangan edi. Bu lavozimda ikki yil ishlagach, Hamid Karzay hukumatini tanqid qilgandan so'ng iste'foga chiqdi. Uning bayonotiga ko'ra, Hamid Karzay hukumatining hukumat muassasalarida amaldorlarning pora bilan sotilishi va korrupsiyaga qarshi o'tkazgan dasturlari muvaffaqiyatsiz chiqqanini tanqid ostiga oldi. 2006-yilda BMT bosh kotibi Kofe Anan o'zining Afg'onistondagi rasmiy vakili sifatida Ahmadzoy nomzodini ko'rsatdi, ammo uning BMTning o'sha paytdagi bosh kotibi Pan Gi Mun bilan aloqalari yuqori darajada emas edi.

Afg'onistonda o'tkazilgan 2010-yilgi prezident saylovlarida amaldagi prezident Hamid Karzayga raqobatchi bo'ldi, lekin u yetarli darajada ovoz to'play olmadi.

Hamid Karzayning ikkinchi prezidentlik boshqaruvi davrida Ashraf G'ani Ahmadzoyga ichki kuchlar qo'lida tashqi kuchlar xavfsizligini taminlash dasturini boshqaruvchi ya'ni, ichki va tashqi kuchlar muvazzanatini ushlab turish vazifasi topshirildi. Ushbu dastur bo'yicha Afg'onistondan tashqi kuchlarning asosiy qismi 2014-yilda chiqib ketishini yakunlashi kutilgan edi. Ammo AQSh boshchiligidagi tashqi kuchlar to'liq ravishda faqat 2021-yil yozida mamlakatdan to'liq chiqib ketdi.

Ashraf G'ani Ahmadzoy 2014-yilgi saylovlarda dastlab g'alaba qozongan bo'lsa, 2019-yil dekabrda uzoq tortishuvli tarzda o'tdi va unda Afg'oniston mustaqil saylov komissiyasi raisi Havo Nuristoniy prezidentlik saylovining so'nggi natijasi e'lon qilindi. Natijalarga

ko'ra, Muhammad Ashraf G'aniga 50,6 foiz saylovchilar ovoz bergan. Uning asosiy raqibi – bosh vazir Doktor Abdulla Abdulla 39,52 foiz olgan. Keying o'rinlarni - Afg'oniston Islom partiyasi raisi Gulbiddin Hikmatiyor hamda Rahmatilloh Nabil egallagan.

XULOSA

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, Afg'onistonda tolibonlar rejimi ag'darilgandan keyin, mamlakatda tinchlikni ta'minlash, hokimyat boshqaruv organlarini muvofiqlashtirish va yangi hukumat va uning tarkibini tuzish maqsadida ko'plab Xalqaro tashkilotlar va jahon hamjamiyatining nigohi ushbu hududga qaratildi. 2002-yilda Afg'onistonda Hamid Karzay boshchiligida Muvaqqat hukumat tuzildi va mamlakat Afg'oniston Islom Respublikasi deb e'lon qilindi. Biroq, xalqaro xavsizlikka ko'maklashuvchi kuchlar mamlakatni tark etgach, dunyo hamjamiyati nigohidagi ushbu davlat ular o'ylagan darajadagi mustahkam davlatga aylana olmaganligini ko'rsatdi. 2021-yil yozida mamlakatda yana to'liq tolibon rejimi o'rnatildi. Shunday bo'lsada o'tgan yigirma yil davomida mamlakatda bir qancha ijobiy sezilarli o'zgarishlar yuz bergan edi. Xususan, ko'plab afg'on qochoqlari o'z uylariga qaytdi, ta'lim tizimida, jamiyatda ayollarga bo'lgan munosabatda va umuman insoniy qadriyatlarining ba'zi jihatlarida ma'lum o'zgarishlar ro'y berayotgandi. Ushbu davrda ham ko'plab siyosiy arboblarning yetishib chiqdi. Ular mamlakatning ichki va tashqi siyosiy faoliyatini ta'minlashda o'zlarining oqilona va odilona fikrlari bilan hissalarini qo'shishga harakat qilishdi.

REFERENCES

1. Р.Р. Сикоев. Талибы (религиозно-политический портрет). М., 2002. 160 с.
2. Conrad Schetter. Ethnicity and the Political Reconstruction in Afghanistan. Center for Development Studies (ZEF), University of Bonn, Germany. 2003.
3. Омар НЕССАР «Хамид Карзай». // <http://www.afghanistan.ru/doc> // Опубликовано: 11.04.2004 .
4. Muhammad Ibrohim Atoiy. «Negohi muxtasar ba torix-e maoser-e Afg'oneston», Kobul. 2010.s.583-584.
5. «Бурханиддин Рабаний» // <http://www.afghanistan.ru/doc> // Опубликовано: 23.11.2011.
6. «Гульбедин Хекматъяр» // <http://www.afghanistan.ru/doc> // Опубликовано: 18.10.2013.
7. «Абдул Рашид Дустум» // <http://www.afghanistan.ru/doc> // Опубликовано: 16.10.2013.

8. «Мохаммад Касим Фахим». // <http://www.afghanistan.ru/doc> // Опубликовано: 17.03.2014.
9. НИК ИРА: «Афганистан ждёт второй тур президентских выборов» // <http://www.afghanistan.ru/doc> // Опубликовано: 26.04.2014.
10. «Доктор Абдулла». // <http://www.afghanistan.ru/doc> // Опубликовано: 02.12.2013.
11. «Доктор Абдулла выдвинут в качестве единого кандидата от НФА» // <http://www.afghanistan.ru/doc> // Опубликовано: 16.04.2009.
12. «НИК: Кандидат в президенты Абдулла Абдулла сохраняет лидерство в президентской гонке» // <http://www.afghanistan.ru/doc> // Опубликовано: 24.04.2014.
13. «Абдулла Абдулла усомнился в необходимости второго тура выборов» // <http://www.afghanistan.ru/doc> // Опубликовано: 27.04.2014.
14. «Ашраф Гани Ахмадзай» // <http://www.afghanistan.ru/doc> // Опубликовано: 25.11.2013.
15. «Ашраф Гани Ахмадзай» // <http://www.afghanistan.ru/doc> // Опубликовано: 25.11.2013.
16. «Залмай Расул» // <http://www.afghanistan.ru/doc> // Опубликовано: 01.12.2013.
17. <https://kun.uz/uz/news/2019/12/22/afgonistonda-prezidentlik-saylovi-3-oy-avval-otkazilgandi-ilk-natijalar-endi-elon-qilindi>
18. <https://daryo.uz/2021/08/15/afgoniston-tolibonga-qanday-taslim-boldi/>

УНИВЕРСИТЕТ ТАЪЛИМИ КОНТЕКСТИДА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

О. М. Жабборова

Чирчиқ давлат педагогика институти (PhD)

Д. Р. Ашурова

Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси

АННОТАЦИЯ

Мақолада университет таълими контекстида бошланғич таълимнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган.

Калит сўз: университет, таълим, бошланғич, контекст, ёндашув, инновация, амалиёт.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 июндаги “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагогик кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида педагог кадрларни университет таълими воситасида халқаро талабларга мос тарзда тайёрлаш вазифаси қўйилган [1]. Шу сабабли университети таълими шароитида бошланғич таълим мазмуни, назарий ёндашувлари, дидактикаси ва амалиёти муайян янгиланишларни амалга оширади. Бу ўринда эътиборингизни ана шу масаланинг таҳлиliga тортамыз:

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ҳозирги замон жаҳон халқлари педагогик таълим тизимида бўлажак педагог кадрларни университет олий таълим муассасасида тайёрлашни устувор билади. Чунки *университет таълими* олий таълимнинг бошқа турларига (институт, академия ва ҳ.к.) нисбатан бир неча хусусиятларга эгаллиги билан жаҳон педагог олимлари томонидан эътироф этилган [2]. Шу жиҳатдан университет таълими контекстига қуйидаги асосий хусусиятлар хос:

- 1) шахснинг илмий лаёқатини ва қобилиятини таркиб топтириш;
- 2) шахсни касб асослари билан амалий тайёрлаш;
- 3) шахсни касбий фаолият кўникмалари билан қуроллантириш.

Бу ўринда таъкидлаш лозимки, университет таълимида асосий эътибор бўлажак мутахассисларни илмий фаолиятга тайёрлашга қаратилади [3]. Шу сабабли мамлакатимизда 2022 йил сентябрдан бошлаб бўлажак педагог кадрларни юқори малакали ва профессионал мутахассислар сифатида тайёрлаш учун асосий эътибор педагогик университет таълимига қаратилиши белгиланди. Шу жиҳатдан университет таълими шароитида бошланғич таълимнинг хусусиятлари муайян инновацион ўзгаришларга учрайди. Бу ўзгаришлар университет таълими контекстининг хусусиятларидан келиб чиқади ва ҳозирги замон технологик ривожланишининг эҳтиёжларидан бири ҳисобланади.

Университет таълими контексти шароитида *бошланғич таълим*нинг ўзига хос инновацион хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

а) бошланғич таълим назариясининг индивидуаллиги ва унинг педагогик таълим назариясига мослашувчан характерда бўлиши;

б) бошланғич таълим методологиясининг бугунги инновацион эҳтиёжлардан келиб чиқиб ва жамиятнинг ривожланиш заруриятига кўра белгиланиши;

в) бўлажак бошланғич таълим педагоглари тайёрлашда уларнинг илмий лаёқат ва касбий қобилиятларини уйғун шакллантириш.

Эътибор берилса, бунда асосий эътибор бошланғич таълим назариясининг такомиллашиши, айти пайтда бошланғич таълим бўйича тайёрланадиган педагог кадрларнинг илмий лаёқатини устувор даражада шакллантиришга эътибор берилишига қаратилади. Бунинг маъноси шуки, бўлажак бошланғич синф педагоглари нафақат касбий ва амалий малакаларга, балки илмий лаёқат ва тафаккурга ҳам эга бўлиши университет таълимининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Университет таълими контекстида илмий лаёқатли ва касбий қобилиятли бошланғич синф педагоглари тайёрлаш энг муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Шу сабабли бу борада қуйидагиларга эътибор бериш муҳим ёндашувлар сифатида қабул қилинади:

- бўлажак бошланғич синф педагоглари касб асосларини илмий жиҳатдан чуқурлаштирилган ҳолда ўзлаштириши;

- таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф педагоглари бевосита илмий фаолият, яъни илмий ишланмалар, ихтиролар, кашфиётлар ва технологиялар яратиши билан устувор даражада шуғулланиши;

- ўзлаштирилган илмий билимларни касб асослари билан уйғунлаштириши ва келгуси фаолиятда илмийликдан амалийликка тамойили асосида фаолият юритишга тайёрланиши;

Асосан содир этилган жиноят ҳақида келиб тушган хабар, ариза ёки шикоят жиноят-процессуал фаолиятни бошлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. ЖПКнинг 325-моддасида кўрсатилган жиноятларга оид ишларда жиноят-процессуал фаолиятни давом эттириш учун жабрланувчининг шикояти мавжуд бўлиши шарт.

Жиноят процессида иш юритувини бошлашнинг оммавий ва диспозитив асослари мавжуд. Жиноят-процессуал фаолиятни бошлашнинг оммовий асосларига кўра жиноят ҳодисаси содир этилганлиги ҳақидаги ҳар бир хабар терговга қадар текширув органлари, суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан бирон-бир жисмоний ёки юридик шахс хоҳиш иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда атрофлича текширилиши, жиноят иши кўзғатилиб, жиноят ҳолатларини, уни содир этган шахсларни аниқлаш ва айбдорларни жазолаш чоралари кўрилиши талаб этилади. Жиноят-процессуал фаолиятнинг оммовий асослари жиноят содир этилиши натижасида алоҳида шахснинг ҳуқуқ ва қонуний

манфаатларига путур етказилишини жамият ва давлат манфаатларига зарар етказилиши сифатида эътироф этади. Бунда фаолият бирон бир муассаса, ташкилот ёки фуқароларнинг хоҳиш иродасидан қатъий назар амалга оширилиши шарт.

Жиноят-процессуал фаолиятнинг диспозитив асосларига кўра эса, жиноятдан жабрланган шахснинг истагидан келиб чиққан ҳолда текширув ва тергов амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, амалга оширилаётган иш юритуви шахс иродасига боғлиқ тугатилиши ҳам мумкин.

Жиноят ёки ижтимоий хавфли қилмишнинг содир этилишининг ўзи фаолиятни амалга ошириш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Чунки, агар ижтимоий хавфли қилмиш ёки жиноят содир этилганидан сўнг ҳуқуқлари бузилган ёки манфаатларига зарар етган шахс бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам сўраб мурожаат этмас экан жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар жиноят-процессуал фаолиятни амалга ошира олмайди. Процессуал қонунчиликда айнан бузилган ҳуқуқни тиклашни сўраб мурожаат қилиш эркинлиги диспозитив ҳуқуқ ҳисобланади.

Ҳуқуқдан фойдаланишдаги эркинлик диспозитивлик институти бўлиб, фуқаролик ҳуқуқида диспозитивлик (лот. *dispositio* – фармойиш сўзидан) принцип сифатида эътироф этилади. Диспозитивлик бу – ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадидаиш юритувини бошлаш, ҳаракатлантириш ва тугатиш билан боғлиқ процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш эркинлигидир. Диспозитивлик принцигига кўра жиноят-процессуал фаолиятни бошлашда, давом эттиришда ёки тугатишда ҳуқуқи бузилган деб қаралаётган шахснинг ихтиёридан келиб чиқиб ҳаракатланиш зарурлиги қонунда белгиланиши ва унга амал қилиниши керак. Е.Н.Никифорованинг таъкидлашича, диспозитивлик муҳитида фуқаронинг шахсий манфаатлари давлат манфаатларига қараганда қадрлироқ ҳисобланади. Жиноят процессида хусусий айблов диспозитивликнинг асосий қисмини ташкил этиб, жабрланувчининг жиноят содир этган шахсни жавобгарликка тортиш ҳақидаги талаби асосида амалга оширилса, диспозитив ҳуқуқлар процесснинг бошқа иштирокчилари томонидан ўзининг процессуал ҳуқуқларидан фойдаланишдаги эркинлигини ҳам қамраб олади. Хусусий айбловнинг мазмунини чуқурроқ англаш учун аввало айбловнинг моҳияти ҳақида сўз юритиш лозим бўлади.

Айблов деганда, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар (уларнинг вакиллари), суриштирувчи, терговчи ва

прокурорнинг жиноятни очиш, жиноят содир этган шахснинг жавобгарлиги ҳақидаги масала судда тўғри ҳал қилинишини таъминлаш мақсадида ушбу шахснинг айби мавжудлигини исботлашга қаратилган процессуал фаолияти тушунилади.

Жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида айблов ким томонидан ва қандай шаклларда амалга оширилишига кўра уч турга ажратилади: 1) хусусий айблов; 2) оммовий (давлат) айблови; 3) аралаш (хусусий-оммавий ёки оммавий-хусусий) айблов.

Хусусий айблов тушунчасини кенг ва тор маъноларда тушиниш мумкин. Хусусий айблов деганда тор маънода фақат жабрланувчининг шикоят бўлганида қўзғатиладиган, жабрланувчи (ёки унинг вакили)нинг талаб-ҳохиши асосида юритиладиган жиноятларга оид ишларда жабрланувчи ёки унинг номидан вакили (адвокати) қувватлайдиган айблов тушунилса, кенг маънода хусусий айблов (институти) жабрланувчининг даъвоси (шикояти) асосида қўзғатиладиган, тергов қилинадиган ва суд муҳокамаси ўтказилиб, иш мазмунан ҳал этиладиган, шунингдек, жабрланувчининг шикоят бермаганлиги асосида жиноят иши қўзғатишни рад этиш ва берган аризаси асосида иш қўзғатилганидан сўнг ушбу даъвосидан воз кечганида ишни тугатиш билан боғлиқ иш юритуви жараёнлари тушунилади.

Хусусий айблов тоифасига кирувчи ишларни юритишнинг алоҳида тартиби белгилаб қўйилганлиги унинг ўзига хос хусусиятларидан бирини англатади. Шунингдек, бу тоифадаги ишларнинг яна бир ўзига хослиги шундан иборатки, бундай тоифадаги ишлар бўйича тергов ўтказилмайди. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлар натижасидан маълум бўлмоқдаки, бу ислоҳотлар натижасида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик либераллаштирилмоқда. Хусусан, давлатнинг жиноий-ҳуқуқий сиёсатидаги оғир жазо чораларини қўллашдан воз кечиш, жиноят содир этган шахсларда содир этган қилмишига пушаймонлик хиссини уйғотиш, жиноят натижасида етказилган зарар ва бошқа оқибатларнинг бартараф этилишини таъминланишига эришишнинг устуворлик касб этаётганлиги, шунингдек жиноят ишларини юритишни, яъни жиноий таъқибни бошлашда шахс эрки ва иродасини устунлигини тан олиш, шунга асосан жиноят ишларини юритиш тартибини соддалаштиришга қаратилган ўзгаришлар жорий этилмоқда. Ушбу ўзгаришлар каби хусусий айблов шаклида иш юритишни такомиллаштириш суд-тергов амалиётидаги зарурий институтлардан бири ҳисобланади. Хусусий айблов шаклида иш юритишнинг тартиби ўз ичига хусусий айблов шаклида иш юритувини бошлаш асослари, жабрланувчининг шикояти

мазмуни, судга қадар иш юритувининг мажбурий эмаслиги, ўтказилиши зарур бўлганда қисқартирилган тартибда бўлиши, суд жараёнининг соддалиги, шикоятни қайтариб олиш мумкинлиги, жабрланувчи шикоятдан воз кечганда ярашув ҳеч қандай шартларсиз мумкин бўлиши, ҳукм чиқариш хусусиятларини қамраб олиши зарур.

ХУЛОСА

Юқоридаги таҳлилларга кўра, хусусий айблов институтининг аҳамияти куйидагиларда ифодаланади: 1) жиноят процесси иштирокчиси бўлган жабрланувчи (вакили)нинг хоҳиши ва талаблари биринчи навбатда инобатга олинишини таъминлайди; 2) жиноят ишларини юритуви жараёнида демократик ва инспонпарварлик тамойилларига амал қилинишига хизмат қилади; 3) катта аҳамиятга эга бўлмаган ва смарасиз бўлган айбловни бошламасликка ёки тугатишга хизмат қилади; 4) давлат органларининг куч ва воситаларини тежашга ва терговга қадар текширувни амалга оширишга ваколатли бўлган органларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади; 5) жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарларни тез ва самарали бартараф этилишига эришиш имкониятларини оширади; 6) жиноий жавобгарликка тортилиши оқибатида шахснинг ҳуқуқлари чекланиши мумкин бўлган ҳолатларни олди олинади; 7) давлатнинг жиноят қонунчилигини ислоҳ қилиш соҳасидаги сиёсатини либераллаштирилаётганлигининг ифодаси ҳисобланади; 8) жиноят ҳодисаси билан боғлиқ низоларни қисқа муддатларда ҳал этиш имкони яратилади; 9) жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни замон ва ҳалқаро талабларга мувофиқлашувини таъминлайди; 10) кечирини тамойили асосида ноижобий ҳуқ-атворга эга фуқароларни ижобий ижтимоий йўналтиришга самарали таъсир қилади.

Хусусий айблов институтининг юқорида саналган бир нечта ижобий жиҳатлари мавжудлигини, хусусий айблов институти доираси таъсирига тушадиган жиноят билан боғлиқ низоли вазиятларда тезкорлик билан ечим топишга имконият беришини ҳисобга олган ҳолда ушбу институтни қўллашда қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари мустаҳкам ҳимоя қилинишига эришиш жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу кафолатлар қонунчиликда акс этрилиши орқали хусусий айблов институтини янада кенгайтириш ва юқори самарадорликка эришиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

REFERENCES

1. Б.Акрмаходжаев. Хуқуқни тикловчи одил судловга томон кескин бурилиш юз бергани йўқ. // Хуқуқ-Право-Law, 2004. №2 (26). – Б.40-43
2. Э.Х.Нарбутаев. Преступление и уголовный процесс: перспективы развития уголовного и уголовно-процессуального законодательства: монография. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2013. – С.78
3. Б.Б.Муродов. Жиноят ишени тугатиш: назария ва амалиёт: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. –Б.12.
4. Jinoyat-protsessual huquqi. Maxsus qism.// Mualliflar jamoasi. Т.: TDYU nashriyoti, 2018., 44-45-b.
5. Б.Н.Рашидов. Жиноят процессида хусусий айблов: назария ва амалиёт: юридик фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Т.: 2021, Ўз.Рес. ИИВ Академияси, - Б.23.
6. Розовский Б.Г. Ненаучные заметки о некоторых научных проблемах уголовного процесса: Эссе. –Луганск: РИО ЛАВД, 2004. С- 217-330. Муродов Б.Б. Жиноят ишени тугатиш институтини такомиллаштириш: : юридик фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Т.: 2018, - Б.67-69.
7. Диспозитивлик (лотинча dispone – бошқариш, тартибга солиш) – бу ҳуқуқдаги асос бўлувчи принцип бўлиб, унга кўра шахс ўзига тегишли ҳуқуқларидан эркин тарзда фойдалана олади. Большая Российская энциклопедия / - URL: [https:// w.histrf.ru/articles/article/show/dispozitivnost](https://w.histrf.ru/articles/article/show/dispozitivnost).
8. Дикарев И.С. Диспозитивность в уголовном процессе России [Текст]/ под ред. проф. А.П.Кругликова.- Волгоград: изд-во Вол ГУ, 2005. С.5-9
9. Никифорова Е.Н. Диспозитивные начала в уголовном процессе Республики Узбекистан // Хуқуқ-Право-Law. 2002. №2.- С.64.

TA'LIM KLASTERI MUHITIDA MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARI TARBIYACHI PEDAGOGLARINI KASBIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANISHIGA INTEGRATIV YONDASHUV MUAMMO SIFATIDA

Munajat Yuldashevna Muminova

Toshkent viloyati Chirchiq davlat Pedagogika instituti

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada maktabgacha ta'lim tizimiga berilayotgan yuksak e'tibor va maktabgacha ta'lim tizimidagi sezilarli o'zgarishlar, ta'lim klasteri muhitida maktabgacha ta'lim tizimi pedagog xodimlarining kasbiy kompetentligini rivojlantirishga integrativ yondoshuv xususida so'z yuritiladi.

Kalit so'z: Ta'lim klasteri, kasbiy kompetentlik, integrativ yondoshuv, maktabgacha ta'lim, interaktiv texnologiyalar.

ABSTRACT

This article discusses the high attention paid to the preschool education system and significant changes in the preschool education system, an integrated approach to the development of professional competencies of preschool teachers in the education cluster environment.

Keywords: Education cluster, professional competence, integrative approach, preschool education, interactive technologies.

KIRISH

Maktabgacha ta'lim tizimi maktabgacha yoshdagi bolalarni maktab ta'limiga har tomonlama tayyorlab beruvchi ta'lim tizimining eng quyi bo'g'ini hisoblanadi. Bugungi kunda ushbu soha rivojiga yuksak darajada e'tibor ko'rsatilib, ushbu tizim faoliyatini chet el andozalari asosida mentalitetimizga mos darajada rivojlantirishga yo'naltirilmoqda. Bolalar qamrovini oshirish maqsadida nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari ochilib, ko'plab maktabgacha ta'lim tashkilotlari ta'mirlanib, moddiy-texnik bazasi mustahkamlanib, didaktik o'quv materiallari bilan ta'minlanmoqda. Ta'lim tizimida islohotlarni amalga oshirish, ushbu sohada faoliyat yuritayotgan pedagoglar maqomini mustahkamlash, ularning kasbiy kompetentligini oshirish maqsadida malaka oshirish kurslari faoliyatini takomillashtirish, pedagoglar uchun zamonaviy axborot kommunikatsion vositalardan kengroq foydalanish maqsadida UNICEF xalqaro

tashkiloti va maktabgacha ta'lim vazirligi hamkorligida "Bolalik akademiyasi" raqamli platformasi ishga tushirildi. Zamonaviy axborot kommunikatsion vositalari shiddat bilan rivojlanayotgan zamonaviy dunyoda kelajak avlodni zamonaviy bilimlar bilan qurollantirish maqsadida bugungi kun tarbiyachisi yuksak darajada mahoratli, kompetentligi yuqori bo'lgan raqobatbardosh kadr bo'lishi darkor. Aynan jamiyatning ushbu talabini qondirish maqsadida innovatsion ta'lim klasteri muhitida maktabgacha ta'lim tarbiyachilarining kasbiy kompetentligini rivojlantirishga integrativ yondoshuv muammosining yechimi, jamiyat talabiga javob bera oladigan raqobatbardosh kadrlar yetishtirish, ularni zamonaviy bilimlar bilan qurollantirish, tarbiyachi pedagoglar salohiyatini oshirishga xizmat qiladi. Pedagogik ta'lim klasterining ilmiy pedagogic muammo sifatidagi xususiyatlari, uning ta'limga nisbatan innovatsion yondoshuv ekanligi, ta'lim, fan va ishlab chiqarishni klaster vositasida integratsiyalashning nazariy jihatlari, klasterning ta'lim bozorida raqobatbardoshlikni oshirish vositasi sifatidagi o'ziga xos jihatlari ko'rib chiqsak:

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Aslida "klaster" (cluster) so'zi ingliz tilidan olingan bo'lib, tarjima qilinganda "to'plam", "to'p", "guruh", "konsentratsiya", "guruhlarda to'plash", "to'plamlarda o'sish" kabi ma'nolarni anglatadi. Dastlab bu termin statistika va kompyuter sohasida paydo bo'lgan, keyinchalik iqtisodiyot va sotsiologiyada ham keng qo'llanila boshlandi. "Ta'lim klasterlari" tushunchasining mohiyati oliy ta'lim muassasalarining maktabgacha, boshlang'ich, umumiy o'rta, professional ta'lim, ixtisoslashtirilgan maktablar, asosiy korxonalar va muatxassislarning asosiy mijozlari va iste'molchilari yetakchi filiali homiylikida birlashishdan iborat. Klasterning shakllanish omillari sifatida quyidagilarni aytish mumkin:

- integratsiya-sohalararo bog'lanish, tabiiy aloqadorlik, uzviylik va izchillik;
- tashabbus- sohaning samaradorligi bilan bog'liq har qanday innovatsion loyiha va takliflarning qo'llab-quvvatlanishi;
- qiziqish-klasterda har bir subyekt o'z manfaatdorligiga ega bo'lishi;
- innovatsiyalar –zamon va taraqqiyotga mos holda qadam qo'yish, yangi loyiha va g'oyalarning muntazamliligi;
- axborotlar-sohaning barqaror rivojlanishi uchun yetarli axborot bazasining mavjudligi va muntazam yangilanib turishi.

Ta'lim klasteri muhitida pedogolarning kasbiy kompetentligini oshirishda subyektlar o'rtasidagi manfaatdorlik ya'ni maktabgacha ta'lim tashkiloti uchun yetuk, raqobatbardosh



kadr bo'lsa, OTM uchun talabaning kasbiy faoliyatni nazariya va amaliyotni birlashtirgan holda olib borish, real sharoitda ilmiy tadqiqot natijalarini sinab ko'rish, eng muhimi umumiy manfaat yosh avlodni har tomonlama kamol toptirish masalasi yotadi.

Maktabgacha ta'lim tashkiloti tarbiyachisi bolalarni kognitiv rivojlanishiga imkon beradigan quyidagi ijtimoiy va kasbiy kompetentsiyalarga ega bo'lishi kerak:

1. Ijtimoiy vakolatlarga jismoniy shaxslar o'rtasida ma'lumot almashish, ularning qiziqishlari va ehtiyojlarini bayon qilish, boshqa odamlarga nisbatan bag'rikenglikning namoyon bo'lishi va ularning fikrlari, jamoada ishlash qobiliyati va hissiy barqarorlikka ega bo'lgan boshqa odamlarga turli xil yordam berish qobiliyati kiradi;

2. Kognitiv kompetentsiyalar ma'lumotni mustaqil ravishda qayta ishlash va tuzilishida, yangi axborot manbaalarini izlashda, o'qish yoki ishlashga konsentratsiya qilishda, olingan bilim va ko'nikmalardan turli vaziyatlarda foydalanish qobiliyatida namoyon bo'ladi;

3. Operatsion kompetentsiyalar - maqsad va ish tartibini belgilash, noaniqlik va noaniqlikka qarshi tura olish qobiliyati, qaror qabul qilish va amalga oshirish qobiliyati, ish natijalarini sarhisob qilish, ish vaqt jadvalini aniqlash;

4. Maxsus kompetentsiyalarga muammoni hal qilish, o'zini o'zi boshqarish, kasbiy faoliyatda faol bo'lish, yangi vaziyatlarga moslashish, rejalarni baholash va tuzatish, xatolarni aniqlash va ularni yo'q qilishning yetarli usullarini rejalashtirish usullari kiradi.

XULOSA

Yuqoridagi kompetentsiyalarni egallash ular o'rtasidagi integratsiyani o'rnatish pedagog kasbiy kompetentligini rivojlantirishga integrativ yondoshuv orqali amalga oshiriladi. Demak, kasbiy kompetentsiyalar pedagogik jarayonga kompetentsiyaviy yondashuvni joriy etish uchun asos bo'lib, maktabgacha ta'lim tashkiloti tarbiyachisiga bilim, ko'nikma va malakalarni innovatsion faoliyatni amalga oshirishda va zamonaviy ta'lim texnologiyalaridan amaliyotda foydalanishda yordam beradi. Kasbiy kompetentligi yuqori, zamonaviy interaktiv vositalardan foydalana oladigan tarbiyachi ish faoliyatida yuqori natijalarga erisha oladi.

REFERENCES

1. G'.Muhammedov, U.Xodjamqulov, S.Toshtemirova Toshkent "Universitet" 2020 "Pedagogik ta'lim innovatsion klasteri"

2. G.V.Eldasheva, G.Q.Karimova TDPU 2018 yil “Tarbiyachining kasbiy mahorati va kompetentligi moduli bo’yich o’quv uslubiy majmua”
3. F.R.Qodirova , N.M.Kayumova. Toshkent: 2019 “Maktabgacha pedagogika”



АУРОБИНДО ГХОШ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАЛСАФИЙ МЕЪРОСИ

Ж. С. Рамагов

Тошкент давлат транспорт университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси
мудири

М. Ҳасанов

Тошкент давлат транспорт университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси
ўқитувчиси

Лочин Азаматович Валиев

Тошкент давлат транспорт университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси таянч
докторанти

valiyev133@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақола файласуф фикрлари ва ижтимоий – сиёсий фикрларини ўз ичига олади. У мустақилликка эришиш йўлида хатто “олов ва қон билан” ҳаракат қилиш керак деган. Гхош ўлимидан олдин ўзининг тўрта ҳаётий орзусини эълон қилган. Билмоқ учун биз ўз ичимизга кириб, ички мушоҳадага берилишимиз керак. Бундан ташқари мутафаккир ҳаёти ва илмий мероси ҳақида фикрлар бор. Гхош фикрича, инсон “Коинотнинг синтези”, яъни инсон кичик кўринишдаги коинотдир.

Калит сўзлар: Монастирлик, пролетариат, Веда, Упанишада, Йога, эволюция, абстракт, метафизика, Апарада, Брахман, Ананда, материалистик, рационал, атман, реаллик, интуиция.

ABSTRACT

The article includes philosophical opinions and socio-political views. He said that even "fire and blood" must be used to achieve independence. Before his death, Ghosh announced his four life dreams. In order to know, we need to go inside and give in to inner observation. There are also thoughts on the life and scientific legacy of the thinker. According to Ghosh, man is a "synthesis of the universe," meaning that man is a small - looking universe.

Keywords: Monasticism, proletariat, Veda, Upanishad, Yogy, evolution, abstract, metaphysics, Aparada, Brahman, ananda, materialistic, rational, atman, real, aesthetics.



КИРИШ

Ҳиндистон қадимий ва бой тарихга эга давлат ҳисобланади. Бу юртдан кўплаб файласуф ва олимлар етишиб чиққан. Шулардан мақоламизнинг асосий қаҳрамони Ауробиндо Гхош ҳисобланади. Аслида мутафаккир ҳаётини ўрганишда икки қисмга ажратиб тадқиқ этиш мақсалга мувофидир. Биринчиси яшаш жойи, иккинчиси эса касбий фаолияти. Файласуфни яшаш жойига қараб даврларга бўлиб ўрганиш ўқувчига осонлик тўғдиради: 1872 – 1879 – Ҳиндистонда яшаган бўлса, 1879 – 1903 – йилларда Англияда, 1903 – 1950 – йилларда яна Ҳиндистонда истиқомат қила бошлади. Шу сабабли мутафаккир ижоди турли давларни қамраганлиги сабабли уни жадвал асосида бўлиб тақди этиш осонроқдир.

Файласуф илмий ижодининг энг сирқирра ва асосий асарлари қуйидагилар киради: “Илоҳий ҳаёт”, “Йога сентизи”, “Ижтимоий тараққиёт психологияси”, “Инсон бирлиги идеали” кабилар. Бундан ташқари ҳам Гхош жуда кўп асарлар, мақола ва очерклар ёзиб оммага тақдим қилган лекин, у юқорида келтириб ўтганлиримизни ўзининг энг сара асарлари деб ҳисоблайди.

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Файласуф таълим концепцияси таълим назарияси методологияси таълимнинг қонуниятлари, тамойиллари, мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари, натижаларини концептуал асослаб берувчи Гхошнинг етакчи педагогик ғоялари билан белгиланади. Таълим – билимга асосланган этник фазилатлар ва санъатларни халқларга сингдиришдир. Интеграл Йога идиеал инсон шахсини шакллантиради. Унинг шахси ва ижоди XX аср иккинчи ярмидан то ҳозирга қадар дунёнинг хилма хил мамлакатлари, тадқиқотчилари диққатини ўзига тортиб келмоқда. Унинг ижоди эндиликда Патанджали, Шанкара, Платон, Плотин, Маркс, Ницше, Бергсон, Тейяр де Шарден, Хайдеггер, Юнг, Уайтхед каби машҳур шахслар ижоди билан бир қиёсда баҳоланмоқда. Замонасининг энг машҳур сиётчилари ва шоир ёзувчилари бўлмиш Маҳатма Ганди, Робиндранат Тагорлар билан замонавий ҳинд маданияти ва фалсафасини яратишда ўз ҳиссасини кўшган олимлардан биридир. “Гхош нафақат фалсафа, маданият ва сиёсий илмлар ривожига ҳисса кўшган балки таълим тарбия масаласида ҳам алоҳида эътибор қаратган файласуф ҳисобланади”. У шунингдек шоир инқилобчи ва Ҳиндистон миллий озодлиги ҳаракатининг ташкилотчиси ҳамдир.

Агар биз Ауробиндо Гхошнинг ҳаётини касбий фаолият асосида даврийлаштирсак 3 босқичга бўлиб кўрсатишимиз

мумкин. Биринчи давр 1890 йиллар бошидан XX аср бошлари 1910 йилларгача 20 йилларни ўз ичига олади.

Ўша вақтларда Гхош миллий озодлик ҳаракатининг иштирокчиси ҳамда ҳинд матбуоти саҳифаларида миллий конгрессининг либерал қаноти мафкурасини апозицияси ҳисобланган. 1905 йилдан у кучли таъсирга эга миллатчиларнинг етакчиларидан бирига айланди. Файласуф ҳаётининг иккинчи даври яъни 1910 йилларда Чандернагорга ўтиши билан боғлиқ, ундан кейин эса 1914 – 1921 йилларда француз ёзувчиси Пол Речард билан Пондичерида Гхош ўзининг фалсафий асарларини “Ария” журналида нашр этди ва журнал фаолиятини бирга давом эттирди. 1922 йилдан то умрининг охиригача Ауробиндо ўзини бутунлай Арияда илгари сурилган ғояларини амалга оширишга бағишлади.

Файласуф ҳаётини ёзганимизда бошқача вариантда ҳам кўрсатишимиз мумкин. Умуман олганда, Ауробиндо ҳаёти таниқли сиёсатчининг тақдири сифатида акс эттирилиши ҳамда маънавий орзулар ҳаётини бажариш учун файласуф дунёга келган ва аватар ҳаётидан воз кечган, буларнинг барчаси сиёсий фаолиятни бажариш мақсадида амалга оширилган деб бир неча ёндашувларни ёзишимиз мумкин.

Биринчи ёндашув Ауробиндо ҳаёти рус тадқиқотчилари учун хосдир. Бунда файласуф ҳаёти ва илмий меросини жуда кўплаб рус файласуфлари тадқиқ қилган. Уларнинг бу изланишлари Гхош асарлари ва мақолаларининг тадқиқи ҳам кириб кетади. Шунинг учун ҳамдирки, Гхош ҳаётининг учинчи охирги даври самарасиз яъни уни ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга бўлмаган давр сифатида баҳоланади. Иккинчиси Ауробиндо Гхошни шахсан таниган ёки унинг шогирдлари ва биографлар учун хосдир. Яъни бунда Файласуфнинг XX асрнинг биринчи чорагидаги Ҳиндистоннинг сиёсий ва фалсафий ҳаётига қўшган ҳиссаси эмас, балки диний тажрибанинг интенсифлиги ва унинг ривожланишидаги ҳиссаси катта ютуғи ҳисобланади. Ушбу тадқиқот мавзуси Ауробиндо Гхошнинг ижодий фаолиятининг ривожланиш йўлидаги иккинчи ва учунчи даврларни ўз ичига олади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ауробиндонинг шахсий ҳаёти ва фаолиятига берилган айрим баҳоларнинг тўғрилиқ даражасини билиш учун унинг ўзининг таржимаи ҳолини иккала жиҳатини ҳам қисқача баён этиб, унинг дунёқарашидаги муҳим томонларини кўриб чиқишимиз тўхрироқ бўлади.

Шри Ауробиндо Гхош – бу буюк ҳинд файласуфи, шоир, ёзувчи, интеграл ёга асосчиси ҳамда инглиз ҳукуматига қарши инқилобий ҳаракат етакчисидир.

1872 йил 15 августда инглизлар калонияси бўлган Ҳиндистондаги Каликуттада туғулган. Файласуфнинг инглизча тарбияга эга отасининг сайи - ҳаракатлари унинг илмий дунёқарашининг кучли шаклланишида катта туртки бўлган. Касби бўйича шифокор бўлган отаси Гхош ҳамда унинг икки катта акасини қўлдан келгунча ҳинд маданияти таъсиридан узоқроқ тутишга ҳаракат қилиб, инглиз маданиятини ўргатган, чунки Европа маданияти ҳинд маданиятига қараганда устунроқ деб билган.

Бу вақтда Ҳиндистон Буюк Британия империясининг мустамлакасига айланган эди. Гхош 7 ёшлик чоғида отаси доктор Дошн Англияга жўнаб кетаётган эди, отаси ўз фарзандларига турли хил диний табақа фарзандлари билан дўст бўлишини умуман таъқиқлади. Лекин катта бўлганида ўзи хоҳлаган динни қабул қилишларига рухсат берди. Доктор Дошннинг нияти ҳозирдан фарзандларини турли хил эътиқод тушунчалари билан миясини тўлдириш эмас балки замонавий таълим билан банд бўлишини хоҳлар эди.

Унинг отаси Англияда таҳсил олганлиги учун ҳам фарзандларига Европа таълимини беришга интиларди. Ауробиндо Гхош беш ёшиданок акалари Бена Бхушан ва Мона Маханлар билан Даржилингдаги Лоретте номидаги монастирлик мактабига ўқишга боради. “1879-1892 йиллар у ўз билимини Англияда аввал Манчестр шаҳридаги Дрюэтта инглиз оиласида уй дарсини олади. Кейинчалик 1884 - 1890 йилларда Лондондаги илохий Павел мактабига қатнайди, ва нихоят 1890 - 1892 йили Кембридж колледжида ўқишини давом эттиради”.

Гхошнинг Европача таълимга қанчалик берилиб кетганлиги шундан далолат берадики, у 1893 йили Ҳиндистонга инглиз, француз, немис, испан, итальян, қадимги грек ва латин тилларини ўрганиб қайтган бўлса ҳам, ўз она тили бўлган бенгал тилини Англиядан қайтгач ўргана бошлади. Шахсан ўзининг айтишича ўз она тилини тўлиқ ўргана олмаган, бу тилда бирон бир нутқ сўзламаган, асарларини деярли ҳаммасини, шу жумладан фалсафий асарларини ҳам инглиз тилида ёзган.

Мутафаккирнинг қайд этишича отаси ака - укаларига ҳақиқий эркакча таълим тарбия сирларини ўргатганини эслайди. Ауробиндо 12 ёшга тўлгунга қадар латин ва француз тилларини мукамал эгаллаган эди. Инглиз тили эса ўзининг маҳаллий тили ҳисобланар эди чунки отаси унга ёшлигидан инглизча таълим тарбия бериб,

ўрганаётган соҳаларини ўша тилда ўргатган эди. Ёш Ауробиндо мактаб борганида мактаб директори боладаги ўқишга бўлган қобилиятни кўриб қойил қолган эди, чунки барча фанларни шундай мукамаллик билан эгаллар эдики ўзи тенгқурлари ҳеч қандай фанларда унинг олдига тушолмас эди. Шу пайтда инглиз француз ва лотин тилларини ўрганган ёш файласуф юнон тилини ўрганишга киришди.

Гхошнинг мактаблик чоғида енг севимли машғулоти тил ўрганиш ва буюк шоир – файласуфларнинг шеърларини мутоалаа қилиш эди. Шунинг учун ҳам 12 ёшли мутуфаккир аллақачон Гомер, Аристофан ва Европанинг машҳур шоир файласуфларнинг асарлари билан танишиб ўқиб чиққан эди. У мактаб ёшидан ҳеч қачон диний билимга қўл ўрмаган, сабаби отасининг ўғитлари уни бу соҳага қўл ўришга йўл бермас эди. Унинг фикрига кўра “Дин ва маънавият” кўпчиликнинг ўйлашича бир хил, аслида улар турличадур. Нега десангиз шуни айтишим мумкинки, динлар инсонларни турли оқимларига, йўналишларига ва турлича диний эътиқодларига кўра ажратади. Маънавият эса қандай бўлишидан қатъий назар одамларни бирлаштиради. Бундай ғояларни ўқиб биз файласуфнинг диний назарияси динга нисбатан салбий деган хулосага келишимиз мумкин, аслида ундай эмас. Агарда шундай бўлганида қадимги Ҳиндистоннинг диний таълимотига асосланган Интеграл Ёга ва Интеграл Ведантага қўл ўрмаган бўларди.

Ҳақиқий теократия – бу руҳонийларнинг руҳонийча шоҳлиги эмас балки, инсонларнинг маънавий камолотга этган шоҳлигидур деб қўшимча қилади файласуф. Файласуф кўп одамлар билан мулоқатга киришишга интилмаган ва шу билан ўзини ҳеч қачон ёлғиз ҳис қилмаган сабаби, ёлғиз бўлиши биланок ижод билан шуғулланган ҳамда у бундай пайтларда адабиёт ва шеърят дунёсида яшаган. Мактабни аъло баҳолар ва мукофотлар билан битириб ўз қобилияти билан қироллик коллежи Кембрижда ўқишга қабул қилинди. Ўқишнинг биринчи йилида юнон ва лотин тилларида қилган илмий ижодлари унга катта ютуқлар олиб келди. Ўқиш давомида файласуфга ватанининг мустамлакалиги унга тинчлик бермай ўз она юртини озод қилиш ҳақида ўйлар эди.

1890 - йиллардан бошлаб у Ҳиндистоннинг ижтимоий – сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, “Нилуфар ва Ханжар” махфий жамоасига асос солди. Гхош Миллий Конгресс партиясидаги либерал раҳбарларининг сиёсатида қарши чиқиб, “Ҳозирги даврда бутун инсоният демократия ва адолат йўлида ҳаракат қилаётган экан умуминсониятнинг келажаги қуйи синфининг сони ва диний маданиятига

боғлиқдир. Бизнинг пролетариятимиз (у пролетарият деганда ишчи, дехқон, косиб хунарманд ҳамда майда буржуазияни тушунар эди), очлик ва қоронғуликка ботган. Сиз хохлайсизми ёки йўқми, бундан қатъий назар мана шу қоронғуликдаги ва азоб уқубатдаги пролетариат келажакка қаратилган барча орзу умидларимизни ўзида мужассамлаштирган, чунки жамиятнинг ўрта синфи куч, ақл ва содиқликдан махрум этилган”, - деб қайд этган, бу вазлар кейинчалик партияни халқ оммаси билан яқинлаштиришга ҳаракат қилди.

1892 йил 20 ёшида мутафаккир Ҳиндистонга қайтишга мажбур бўлди чунки, отаси оламдан ўтган эди. Бомбейга ўз уйига келганида онаси ўғлини танимайди, шуниси маълумки файласуф узоқ вақт ғарб маданияти ва таълим – тарбиясини олиб узоқ йиллар ўз она юртига келмаган ҳамда ота – онасини кўрмаган шу сабабли бетоб онаси ўз ўғлини биринчи кўрганида танимай қолади. Отасининг вафот этганига қарамай файласуф ўзини оғир вазмин тутиб оиланинг тирикчилик ишларига шунғиб кетади. Шу мақсадда Бомбейнинг Маҳорожа Борода мактабига француз тилидан дарс беришни бошлайди. Кейинроқ эса бир коллеждан иш топиб инглиз тилидан дарс бериб, бироз вақтдан сўнг шу ерда директор ўринбосари вазифасини бажара бошлади. Ишга кирганида ў ўз она тилини билмганлиги учун алоҳида мураббий ёллаб тил ўрганишга киришди. Мураббий Гхош билан бўлган илк учрашувини шундай тасвирлайди: “Мен Ауробиндони ўзича Европа таълимини олган олифта, кийинишлари ҳам ўзгача, соч турмақлари ҳам англичанча бўлган, юнон, лотин ва француз тилларини биладиган манман шахс сифатида деб тасаввур қилганман”.

Файласуф инглиз, рус, немис ва француз тилларидаги асарларни ўқиши қадимги ҳиндистоннинг муқаддас китоблари Упанишадлар, Бҳавагита ва Рамаяналарни ҳам ўқиб чиқди. У бунгача қадим ҳинд тили бўлмиш санскрит тилини ҳам ўрганди. Мутафаккир шундай кучли хотирага эга едики, ўқиган китобини бир марта ўқиб чиқса тўлиқ ёдида қоларди, китоб ёзишда иқтибос келтириш учун олимларнинг асарларини такроран очиб ўқиши шарт эмас эди. Шунинг учун бўлса керак ҳар бир асари ва битиглари чуқур маъно мазмун кашф этади.

Гхош ўз ватанига қайтиши билан Ҳиндистоннинг бутун дунёда обрўсини ошириш ўз ватанини инглизлар таъсиридан озод қилиш учун хизмат қила бошлайди. У барча ватанпарвар кучларни тўплаб битта катта жамоа тузишни мақсад қилади ва шу сабабли файласуф, замондоши бўлмиш Ганди каби файласуфларнинг ғайриоддий ғоялари ва услублардан фойдаланиб ҳаракат қилади. Унинг

таъкидлашича: “Ҳиндистоннинг асл душмани ташқи куч эмас, балки асл душман бу ўзимизнинг қурқоқлигимиз ва ўзимизга буйсунмас ҳиссиётларимиздур” деб эътироф этади. Сиёсий ва маънавий кураш мутафаккир илгари сураётган инқилобий ҳаракатнинг асосий босқичларидан бири эканлиги ва жамиятдаги инсонларнинг маънавий азоб – ўқубатларини ҳамда бахтсизликлардан халос бўлиши учун енг аввало инсон ўзини – ўзи анлаши, руҳий дунёсини эркин қилиши кераклигини таъкидлайди. Агар инсон руҳий эркин бўлмаса қандай қилиб сиёсий эркинлик нималигини тушуниши мумкинлигини айтади. Шунинг учун файласуф бундай катта курашда халқнинг сиёсий ва маънавий бирлигини таъминлаш учун бутун миллат кучига таяниш кераклигини билади ва у бу кучни олиш учун Интеграл йогага мурожаат қилади.

Интеграл йога Ауробиндо сиёсий фаолияти учун жуда самарали ҳаракат воситасига айланиб ўлгурган эди, сабаби файласуф “Йоганинг қадимий моҳияти бўлмиш инсон ҳаётининг яққалиқдаги руҳий кечинмаларини эмас балки, одамзотнинг яширин кучларини юзага чиқариш, потенциал имкониятларини очиб бериш ва фаол инқилобий ҳаракатини жунбушга келтириш мумкин бўлган томонларидан фойдаланиш усули эди”. Бу қарашларини Гхош ўзининг Интеграл йога ва унинг мақсади асарида батафсил ёритиб кўрсатди.

Мен шу ерда чуқур ўйлаб қоламан: Ҳиндистон мустақил бўлиши учун бутун бир миллат ўзининг бирдамлигини кўрсатди. Айниқса файласуф олимларнинг ўрни бекиёсдур. Ганди, Тагор, Тилак ва менинг тадқиқот ишим мавзусидаги Гхош, булар миллатнинг бирдамлигини таъминлаш мақсадида халқни шундай нозик томонидан бордики халқ буларнинг қарашларини умуман инкор қилаолмай қолди яъни, улар қадимги ҳинд диний таълимотларидаги ғоялардан устамонлик билан фойдаланди. Ганди “Сатияграха” бировга озор бирмаслик, юзингга бир тарсаки туширса иккинчи юзингни ҳам тут. Гхош: Интеграл йога ва миллий таълим концепцияси, бу усуллар ҳақиқатан ҳам ўз таъсир кўчини кўрсатди ва Ҳиндистон ўз мустақиллигини 1947 йили қўлга киритди.

Агарда мустақил Ўзбекистонимизга кучли маънавий ғояга эга бўлган ташқи сиёсий босим кучайса ёки ташқи кучлар зурлик ишлатиб босиб олунгидек бўлса биз қайси кучли файласуфларимизнинг ғояларига таянишга, таянганда ҳам бу ғоя миллатни бошини бир қилишга қодир эканлигига ишонгим келади. Аммо бу жуда қийин деб ўйлайман.

Гхош ўзининг таълим концепциясида фарзандларимизни тарбиялашда қадимги ҳинд диний таълимотларидан фойдаланиб уларга таълим билан бирга диний – ахлоқий тарбия беришни ҳам илгари суради. Биз ҳам фарзандларимизга таълим беришда албатта ўз миллий ғоямизни яратган ҳолда таълимга киритишимиз ва диний таълим тарбияни ҳам албатта ёшларга етказимиз лозим. Ана ушандагина кучли мустақиллик ғоясига эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялашимиз мумкин.

1901 йилда мутафаккир 29 ёшида Мериалин Девига уйланади, ҳаётининг маънавий қисмини бирга ўтказишга қарор қилди. Лекин ҳаёт бир текис бўлмаганидек унинг ҳам ҳаёти яхши тўла туқис ўтмади. Гхош рафиқасига ёзган хатида буни пайқаш қийин эмас, “менинг ҳаётимда барча ишлар бир текис эмас, ҳамма нарсалар ғайриоддий туюлмоқда” деб тушунтиради. Файласуф ижодини ва фалсафасини нотўғри тушунган Мериалин уни ёлғиз қолдириб ташаб кетди ва ажрашишди. Шри Ауробиндони фалсафасини тушунмаган одам, психологик жиҳатдан ақли паст деб билади. Тўғрида ҳар бир инсонни ўзини тенгқурлари ва тенгдошлари бўлади. Сенинг фикларингни тушунмаган ва билмаган киши давранга мос эмасдир. Мериалин ҳам файласуф ҳаётига ва даврасига киролмади шунинг учун ҳам, уларнинг ҳаёт йўллари бирга туташмади.

Бу пайтларга келиб у Буддизим таълимотининг чуққиси бўлмиш нирвананинг энг юқори ҳолатига этиб борди ва бу унинг эволюциясининг энг юқори қисми эмас бошланиш нуқтаси деб ҳисоблар эди. Шунинг учун мутафаккир тинимсиз ишлар, мақолалар ёзар, сиёсий маърузалар ўқиб газеталарда ўз чиқишларини чоп этиб борарди. “У онгни энг юқори нуқтаси яъни Superconscious билан алоқа боғлаганини ва ёзаётган барча мақолалари, асарлари ва китоблари менинг бошимга ундан яъни олий ондан келаётганини айтади”. Бу ерда Гхош Нирвананинг асл моҳиятидан биров четлашганини кўришимиз мумкин яъни Нирвана – тинчлик руҳий тананинг бу дунё азоб укубатларидан ҳоли бўлиши эмас балки инсон онгининг энг юқори чуққиси чиқиши ёки билимлар хазинасининг эндигона очилиши ва уни сарфи сингари.

ХУЛОСА

Хулосаларимиз шуни кўрсатадики, Гхошнинг Интеграл йогаси бу – инсонларнинг барча табақалари учун хос бўлган Худойи Таоланинг олдида бирликка еришишга имкон берадиган Йогадир. Бунда мутафаккир ҳинд жамиятининг энг оғир нуқтаси бўлган табақалинишни умуман рад этадиган усуллардан



фойдаланиб, одамлар онгига барча инсонлар бирдек ҳуқуққа ва бирдек насл – насабга тенглигини ҳамда Худонинг олдида бир хил мавқега егалигини кўрсатиб ўтади. Бундай таълимотлар ҳинд файласуфларининг кўпгина қарашларида учрайди яъни табақаланишга қарши ғоялар, файласуф ҳам инсонлар ҳар қандай насл насабидан қатъий назар оллоҳ олдида ҳамда ҳаттоки жамиятда тенглигини исботлашга ҳаракат қилади. Лекин ҳануз ҳинд жамиятининг энг оғрикли нуқтаси бўлиб келаётган ва Ҳиндистонни ривожда тўсиққа айланиб қолган бу ҳолат ҳинд ҳукуматини ташвишга солиб келмоқда.

REFERENCES

1. Мартынов Олег Вадимович, Бережнова Ольга Викторовна Педагогические идеи индийского философа Ауробиндо Гхоша. *Azimuth of Scientific Research: Pedagogy and Psychology*. 2019. Т. 8. № 3(28)
2. Величенко А. Е.. Эволюция религиозно – философских взглядов Ауробиндо Гхоша. Диссертация насоискание ученой степени кандидата философских наук. Санкт - Петербург. 1999.с.16
3. Ауробиндо Гхош. Йога и цель эволюции//Метафизические исследования. Выпуск 8.СПб.,1998. с.89
4. М.Н.Ҳасанов, А.А.Азимбаев, Ҳалилов Ў., & Каримов Б. (2022). АБУ НАСР ФОРОВИЙНИНГ ШАХС МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ . *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 4(3), 147–153. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/new/article/view/629>
5. Рахимова, М. И., & Хасанов, М. Н. (2020). Роль среднеазиатской философии в развитии мировой и европейской науки. *Вестник науки и образования*, (4-1 (82)), 38-41.
6. Н. Ж. Назарова & М. Н. Ҳасанов (2022). ТАЛАБАЛАРДА БЎШ ВАҚТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. *Academic research in educational sciences*, 3 (6), 752-758.
7. Миршод Нўмонович Ҳасанов (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ БОСҚИЧИДА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТИВОР ВАЗИФАЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (6), 791-798.
8. М. Н. Ҳасанов, С. У. Бошмонов, & Т. О. Жонибеков (2022). АБУ НАСР ФОРОВИЙНИНГ ИЛМ-ФАНЛАР ТАСНИФИДА АҲЛОҚИЙ ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (TSTU Conference 1), 608-613



АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ, ХУСУСАН, ИНСОН МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ ҲАҚИДАГИ ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТИ

Ж. С. Рамагов

Тошкент давлат транспорт университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси
мудири

М. Ҳасанов

Тошкент давлат транспорт университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Жаҳонда фаннинг обрўси кенг миқёсда кўтарилиб бораётган, янги-янги кашфиётлар очилаётган бир даврда аждодлар томонидан яратилган илмий-маданий меросни ўрганишда шундай плюралистик ёндашувлар пайдо бўлдики, бундай ёндашувлар фан, техника ва технологик тараққиётга кенг йўл очса, иккинчидан, илмий жамоатчилик томонидан тан олинган ворисийлик тамойилларини янги парадигмалар асосида шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Бундай ўзгаришлар миллий-маданий меросни янада бойитиб, баркамол инсонни тарбиялашдаги янгича ёндашувларнинг шаклланишига туртки бўлаётганлигини кўрсатади. Зеро, башарият тарихи жараёни, жамият тараққиёти ҳеч қачон бўш жойда ҳаракатга келмайди, балки ўтмиш авлодларнинг меҳнати, маънавий маданияти, интеллектуал фаолиятининг умумлаштирувчи натижаси бўлади.

Калит сўзлар: Форобий, фалсафий қарашлар, маънавий камолот, таълимот.

КИРИШ

Дунё миқёсида миллий маданий меросга мурожаат этиш фавқулодда муҳим бўлиб, унинг ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий идеалини янада теранроқ кашф этишга бевосита алоқадорлиги билан эътиборлидир. Шу боисдан ҳам дунёнинг Cambridge, Oxford, London Universities, The Islamic Studies program at the University of Detroit, The Middle Eastern & Islamic Studies New York University, The Islamic Studies, African Studies Center University of Michigan каби халқаро университетлари ҳамда илмий тадқиқот марказлари томонидан айти шу йўналишдаги муаммоларнинг илмий концептуал таҳлилига алоҳида

этибор қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, тарихимизни холисона ўрганиш ва ҳаққоний баҳолаш, маънавий меросимизни бойитиш ва ривожлантиришни талаб қилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Абу Наср Фаробийнинг фалсафий қарашлари, хусусан, инсон маънавий камолоти ҳақидаги илмий таълимоти кўплаб чет эл ва мамлакатимиз манбашунос олимлари томонидан жиддий ўрганилиб келинаётганлигига қарамай, уни махсус тадқиқ этиш, фалсафий умумлаштириш, хулосалаш ва баҳо бериш ишлари ҳали яқунланмаганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Бу ҳолат мутафаккирнинг маънавий маданият ва шахс баркамоллиги тўғрисидаги таълимотини янгича ёндашиш асосида тадқиқ этишнинг ўта долзарб муаммо эканлигини кўрсатмоқда. Зеро, "...тарихий меросни асраб- авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири."¹ сифатида қабул қилинган. Замонавий дунё фалсафасида феноменологик онтология билан бир қаторда ижтимоий онтология алоҳида ўрин тутаяди, чунки у жамиятда инсон бўлиш нимани англатади ва инсоннинг инсонда намоён бўлиши учун қандай жамият бўлиши кераклиги ҳақидаги саволларга беради. Иккала савол ва бошқа саволлар инсоннинг мақсади ва унинг ҳақиқий инсоният жамиятини яратишда тутган ўрни тўғрисида метафизик савол беришнинг маъносига эга бўлади. Ижтимоий онтологиянинг кўплаб муаммоларига ойдинлик киритиш учун ўтмишдаги фалсафий тажрибани изоҳли равишда қайта қуриш зарур, чунки у инсон ҳаётини маънавийлаштирадиган, унга мазмун берадиган ахлоқий имкониятларни ўз ичига олган. Жамият адолатли, ахлоқли, оқилона, уйғун ҳаёт кечириш модели ягона нарсага айланди. Ал-Фаробий шундай фалсафий фикр юритган ва бугун бизда бундай тажрибага онтологик эҳтиёж мавжуд.

Ижтимоий онтологиянинг қиймат парадигмалари умуман борлиқ масаласини қўйиш билан боғлиқ равишда ўзгаради. Агар антик даврда онтологик мавзулар муҳокамаси Коинотнинг мавжудлиги шароитида содир бўлган бўлса, унда ўрта асрлар фалсафасида, бу ҳолда ислом, онтология Худонинг ижодий лойиҳаси билан ифодаланади, унда инсон ва жамият киритилган. Ушбу лойиҳада қатнашиш Ислом дунёсининг барча интеллектуал элитаси бўлган мутазилийлар, қадарийлар ва ашъаритлар фалсафаси учун тўсиқ бўлди. Аввало ал-Фаробий таълимоти, бу ерда иштирок этиш инсон ва жамият билан биргаликда ижод қилиш вазифасини бажарган. Ижтимоий онтология муаммоси, авваламбор, унинг

онтологик шериклигисиз яратиладиган инсон ва унинг жамиятдаги ўрни масаласидир. Классик бўлмаган фалсафада танқид қилинган "ҳақиқий нарсанинг рационаллиги" ҳақидаги Гегел фикри бугунги кунда замонавий жамиятнинг ҳақиқий ҳолатининг бемаънилиги учун метафора бўлиб қолмоқда. Ҳақиқий ва рационал ўртасидаги онтологик ярашишга уринишлар ва аксинча, жамият ва ҳокимият тўқнашувига олиб келади. Қадимги ва ўрта аср дунёсидаги файласуфлар бундай мантиқий ва ҳақиқат ҳақида ўйламаганлар.

Платоннинг постклассик фалсафадаги ҳокимият ҳақидаги фалсафий нутқи энг кўп танқид қилинадиган мавзулардан бирига айланмоқда: тоталитаризм, "яширин ирқчилик", "икки томонлама ахлоқий стандарт" кабилар шулар жумласидандир. Карл Поппернинг асарида Платонни танқид қилиб, Платоннинг идеал ҳукмдор образи "Афлотуннинг ўз кучига интилиши ғоясига асосланади. Бу соддалиги билан қандай фарқ қилади ва сиёсатчини ўз кучи, мукамаллиги ва донолиги билан кўр бўлиш хавфидан огоҳлантирган ва унга энг муҳим нарсани, яъни ҳаммамиз мўрт одамлар эканлигимизни ўргатмоқчи бўлган Сократнинг инсонийлиги ҳаммасидан устун" деб таъкидлайди муаллиф.

Ўрта асрларда "фазилатли шахар" ва фазилатли ҳукмдор муаммоси ҳокимият ва ахлоқ мавзусига тегишли эканини яхши биламиз. Ҳокимият нутқида ахлоқий тамойиллар ва анъаналарни, ҳокимият эгаларининг ахлоқий мажбуриятларини бирлаштириш мумкин(ми)? деган табиий савол туғилади. Ушбу саволларнинг барчасига жавоб бериб, ўрта аср файласуфлари бизни аста-секин ахлоқий масалалар билан таништирмоқдалар. Уларнинг барчаси Афлотун таъсирида бўлиб, Афлотун жамиятининг идеал намуналаридан фалсафий илҳом олаётгани аниқ. Платоник давлатда ҳокимият нутқи донолик билан яхлит бир бутун сифатида тақдим этилади, аммо бундай иттифоқ фақат давлатни файласуф бошқариши шарт билан мумкин бўлади, чунки фақат файласуфлар муаммоларини акс эттириш қобилиятига эга. Ўтмиш маданиятининг йўқолган маъноси ва юксак маънавиятини соғиниш замонавийликнинг идеал, мукамал модели учун онтологик соғинч эди ва шундай бўлиб қолмоқда. Ўрта аср одамининг фикрлаш поездини тушуниш учун уни Шарқ метафизикасига хос бўлган онг ва қалб бирлигида англаш керак. Биз кўпинча "Ўрта аср тафаккури", "Ўрта аср одами" ва бошқа тушунчаларни ишлатамиз, бу фикрлаш мантиғи ва ўша замон ҳақиқати мантиғининг бирлигини акс еттиради. Бу биз интилаётган мақсад билан тўла оқланади: маълум бир даврдаги ижтимоий онтологиянинг мазмун-моҳиятини, ундаги ижтимоий ва фалсафий кескинликни очиб бериш, идеал сиёсий қиёфага

айланди. Ушбу вазифани бажариш учун Ўрта аср ислом мутафаккирларига "икки томонлама стандартлар" керак эмасэди. "Яхши шаҳарда" асосий фазилатлардан бири бу бирлик, аниқроғи, унга интилиш эди. Ҳақиқий халифалик бирдамлик ва биродарлик ислом мафқураси билан бирлаштирилган турли хил милатларнинг бирикмаси бўлган конгломерат сифатида қаралди. Ўрта аср файласуфлари учун бирлик инсоннинг ахлоқий ва эзгу такомиллаштиришида умумбашарий қиймат сифатида намоён бўлади. Бирликка эришиш таълим билан шартланади ва бахтли ҳаётга йўл очади. Бироқ, бахтга эришишнинг ўзи қадриятлар жараёни эди, у инсон учун ўз фикрлари ва ўз хатти-ҳаракатлари эвазига бахтнинг умумбашарий маъносини тушуниши учун жой очди. Кўп йиллар давомида кўплаб Ўрта аср файласуфларининг асарлари талқинлари ўзларини Қуръон матнларидан узоқлаштирдилар, бу эса ислом фалсафасини шакллантиришда бироз қийинчиликлар туғдирди. Ал-Фаробий Қуръон нутқига киритилган муаммолар ҳақида мулоҳаза юритган ва унинг солиҳ одамлари Қуръон оятларидан идеал одамлар бўлган: улар мунофиқлик қилмайдилар, сохта гувоҳлик бермайдилар, улар ахлоқли, фикрларида пок, эркин, чунки Худо уларни шу тарзда яратган. Ислом таълимотида кўра, сиёсий маъруза Худо томонидан бир маротаба ўрнатилган ахлоқий меъёрларга асосланган бўлиши керак. Қуръонда ҳукмдорларнинг фазилатлари орасида адолат, масъулият, таълим; ҳокимият ва унга бўлган ҳуқуқлар тўғрисида аниқ кўрсатмалар мавжудлигини Фаробий бот-бот таъкидлайди.

Табийки, идеал жамият Муқаддас Китобда қурилган, аммо уни талқин қилиш жамият ва инсоннинг маъноси ва мақсади, инсоннинг қадр-қиммати, унинг ҳуқуқига эга бўлган уйғун жамият мавжудлиги тўғрисида шахсий мулоҳазаларда амалга оширилди. муносиб ҳаёт ҳақида ҳеч ким баҳслаша олмайди. Идеал жамият ҳамма замон файласуфларининг ижтимоий, онтологик қурилишларининг натижаси, эришиб бўлмайдиган мақсаддир. Фазилат ҳақида фикр юритишнинг тўлиқ эмаслиги уларнинг номукамаллиги эмас, чунки уларни бажариш мумкин эмас, чунки бу шунчаки стратегиялар. Улар қайта-қайта ҳаётга татбиқ этилиб, инсониятни идеал жамиятларни барпо этиш имконияти тўғрисида уйғотадилар. Ва агар йигирманчи асрнинг ижтимоий лойиҳалари бўлмаса, улар шунчаки лойиҳалар бўлганми? Ахлоқий ўзгариш ғоялари устун бўлган ижтимоий қайта қуришга уринишлар ўтмишга сингиб кетмайди, улар ҳар доим якка ахлоқий куртаклар етиштириш учун қулай замин топадилар. Маркс (XX асрда ахлоқсиз ва ёлғон талқин қилинган) коммунизмнинг ҳақиқий шоҳлиги

бошқа бир нарсадан эмас, балки инсоннинг ўзи ўзгариши билан бошланиши кераклигини айтмаганми? Йигирманчи аср учун, бугунги кунда социализмга қандай муносабатда бўлишимиздан қатъий назар. унинг аҳамияти жуда катта ва унинг қулаши ҳали тушунилмаган. Социализм тарқалиб кетган сўнгги иллюзия бўлганми? Ёки бу модернист лойиҳаларнинг ғалабасига сабоқ бўлди? Социализмнинг мавжудлиги ва қулаши нафақат шахсий ҳаётни ва XX аср ижтимоий институтларининг тақдирини белгилайди; бу энди нимани ва қанчамиз аниқланишимизни уларга боғлиқ қилиб қўядиган янги тизимга айланди. Ал-Фаробийнинг ижтимоий онтологияси давлатни одамларнинг бир-бири билан энг мукамал алоқасини ифодаловчи сиёсий шакл сифатида талқин қилади. Ўзининг ижтимоий онтологиясида "шаҳар" нафақат ҳудудий-маъмурий бирлик, балки жамиятнинг сиёсий ташкилоти сифатида давлатга энг мос келадиган одамларни бирлаштиришнинг айнан шу шаклининг ифодасидир. "Шаҳар" - бу жамият тараққиётининг юқори босқичи бўлиб, у одамларни ижтимоий эмас, балки табиий алоқалар билан бирлаштирган жаҳолат даврида "ҳайвонларча" ҳаёт тарзини алмаштиради. Давлат, аммо "ҳеч қандай тарзда ривожланишнинг қуйи поғонасида турган жамият" одамларни истеъмол ва моддий фаровонлик нуқтаи назаридан ҳам, эҳтиёж нуқтаи назаридан ҳам керакли барча нарсалар билан таъминлай олмайди. "Фозил шаҳар" - бу шаҳар, унинг аҳолиси сўнгги мукамалликка, яъни энг юқори бахтга эришишда бир-бирига ёрдам беради". Исломий Ўрта асрларда шаҳар жуда оқилона тузилишга эгаэди. Унда қалъа, масжид, мадраса, бозор, ҳаммом нафақат кундалик ҳаёт эҳтиёжлари учун, балки инсонда Худо олдида диний ва ахлоқий бурч ҳиссини сингдириш учун ҳам хизмат қилган. Ўртамиёна ва нотинч Ўрта аср шаҳар аҳолиси шаҳарни ва уларнинг ҳаётий тушунчаларини бир қаторга жойлаштирдилар. Мусулмон шаҳарларнинг бир қисми муқаддас марказларга айланди (Макка, Мадина), уларда маънавият эгалланди, бошқалари - таълим марказлари (Дамашқ, Бағдод, Ўтрор, Самарқанд), аммо иккаласида ҳам бу дунёда ҳаётнинг мазмунли бўлишига умид қилишди. амалга оширилди. Жаннатнинг прототипи сифатида шаҳарларни барпо этиш истаги мусулмон Испания ва Ҳиндистондаги кўплаб халифаларда ўз ифодасини топган. Аммо шаҳарларнинг ҳеч бири одамга ҳақиқат, узоқ умр ва тегишли бўлиш туйғусини бермаган. Шаҳар концепциясини қайта кашф этиш Ўрта асрларнинг фалсафий мулоҳазаларидан бошланади. Шаҳар нафақат идеал модел ёки фаровон турмуш тарзи сифатида, балки тарихий ва ижтимоий ҳақиқатни ўзида мужассам этган оқилона мантиқий лойиҳа сифатида қабул қилинади. Ўрта асрлар тажрибасига бўлган мурожаатимиз



нафақат бизнинг талқинларимизга, балки ушбу тажрибанинг замондошларининг баҳоларига ҳам асосланиши керак, чунки Бертран Рассел "Ўрта асрлардаги ҳаёт" да ва Адам Мец "Мусулмон Уйғониши" да бизни еслатиб туради. Шунинг учун ҳам, эҳтимол, Ўрта аср мутафаккирлари "эзгу шаҳарлар" - ал-мадина ал-фадил лойиҳалари-концепцияларини яратдилар, унда асосий мақсад ахлоқий ҳаёт санъати, инсоният мавжудлигини ахлоқий бошқариш санъати эди; ҳар бир киши шаҳардан амалий, маънавий фойда олишлари керак эди. Одатда, бундай концепциялар муаллифлари ўтмиш анъаналари (идеаллар, маданий ва тарихий асарлар, кодланган кредо ва бошқалар) диалог майдонини идеал модел билан тиклашга интиланганлар. Аммо - ал-Фаробий эмас. Объектив вазиятни ҳисобга олган ҳолда сергакланиб ўйлар экан, у ахлоқий тамойилни ривожлантиришга ва ахлоқий жамиятда рўёбга чиқишга интилиб, шахсий манфаатдорлик импульсини ўз ичига оладиган ҳақиқий ижобий концепциянинг зарурлигини тушунди. Шахс ва ҳукмдорнинг манфаатлари бир-бирига тўғри келиши керак эди. Лекин қандай? Дарҳақиқат, ҳукмдор учун асосий нарса универсалликни амалга оширишдир, ва инсон учун ўзини ўзи англаш. Биз бу ерда мураккаб диалектика ҳақида, хусусий ва генералнинг комбинацияси ҳақида гаплашамиз.

Ал-Фаробийнинг фикрига кўра, бу универсаллик яхлитликдир, унга ҳамма нарса оқилона интилади ва шу нуқтаи назардан ижтимоий онтология моделини қуриш "борлиқ яхлитлиги" га даъватларни ешитган фазилатли инсон табиатига энг мос келади. . Ҳалоллик ҳар доим ахлоқ, адолат, масъулиятдир. Ал-Фаробийнинг фазилати шундаки, у ижтимоий мавжудотнинг универсал мақсадини индивидуал мақсад билан бирлаштирди, шахснинг ахлоқий фазилат учун умумбашарий ахлоқ қонунларига бўйсуниб истаги билан (ўзининг ахлоқий ўзини сақлаб қолиш учун). Ва ушбу версияда фазилатли шаҳарнинг ислом тушунчаси шаҳада, салат, саум, закот, ҳаж каби ҳаётий образларда мавжуд бўлиб, улар Худодан олган қонуний ҳуқуқлари билан инсоннинг илоҳий қадр-қимматини очиб бериш усулларига айланди. эркинлик, тенглик, адолат, меҳнат ва ахлоқий фазилатли ҳаёт.

Выявлено, что в системе мотивационно-ценностных факторов, влияющих на процесс экономической социализации личности юношеского возраста, фактор личностной ориентированности (результат, процесс, эгоизм, альтруизм) является ведущим, при этом положительность влияния окружающих его микро и мезо факторов усиливает установки.

На основе анализа обширной литературы (например, А. В. Мудрик) сегодня можно в полной мере представить социальные факторы, влияющие на экономическую социализацию личности и имеющие динамический характер, следующим образом: мегафакторы, макрофакторы, мезофакторы, микрофакторы.

Динамика экономического образования, которая становится все более популярной в нашем обществе, создаёт возможность для более глубокого понимания личностью социально-экономических отношений и познания в экономике, которые становятся все более сложными. Включаются так же анализ, обобщения, сравнения и выводов о характере рыночных отношений (обмен товар) с которыми связаны субъекты экономических отношений, их взгляды, знание, идеалы, мировоззрение.

Как было установлено, жизненный опыт, накапливаемый в различных возрастных периодах, комплекс знаний, получаемый от усвоения экономических понятий, позволяет правильно понимать сущность и давать оценку событиям, происходящим в глобальном экономическом мире, и, формируя осознанный подход к социально-экономическим отношениям, формировать финансовую грамотность по вопросу экономности.

При изучении ценностей, связанных с экономическими отношениями личности, этап формирования экономической ответственности и культуры, считающиеся продуктом экономической социализации личности, имеет особое значение. В этом процессе формируется система ценностей определённой степени, направленная на поведение лиц раннего юношеского возраста как личностей с высоким/низким уровнем развития.

В частности, проживающие в городах респонденты, указали в ряду терминальных ценностей в качестве самых значимых для себя два вида направления, связанные с материальным успехом и межличностными отношениями. Это выявило большое жизненное значение этих направлений для лиц раннего юношеского возраста, реализующих новое экономическое мышление в условиях рыночной экономики, что продемонстрировало своеобразную демографическую особенность.

ОБСУЖДЕНИЕ

Как было выявлено, в соответствии с условиями концепции экономической социализации, во-первых, в процессе экономической социализации терминальных ценностей важная особенность, связанная с деятельностью по выполнению личностью таких экономических ролей как предприниматель, производитель, продавец, будет выполнять роль оценки способности вхождения в экономические отношения; во-вторых, если экономическое поведение личности проявляется в выполняемых ею ролях потребителя, покупателя в форме установок инструментальных ценностей, характеризующих мотивационную направленность, в этом случае будет выступать в качестве меры измерения степени сформированности поведения потребителя, обладающего ключевыми навыками.

Если сформулировать краткое заключение, основываясь на результаты этого этапа проведённых исследований, то процесс формирования жизненных ценностей личности оценивается как один из факторов, оказывающих влияние на экономическую социализацию, при этом основное значение имеет период юношеского возраста.

ВЫВОД

Восприятие личностью целевым образом новой информации об экономических событиях непосредственно

связано с уровнем сформированности качеств, определяющих «экономические знания и культуру».

В общих социально-демографических условиях при формировании у населения экономического поведения и отношения к деньгам важную роль играет влияние следующих факторов:

окружающие личности социально-экономические ситуации (например, социально-экономический или финансово-экономический кризис);

принятая в обществе основная экономическая система (например, условия рыночной экономики, территориальная или гендерная политика);

непосредственное вмешательство личности в экономическую деятельность и опыт (выполнение работ по купле-продаже, самостоятельное зарабатывание денег и другие).

Если у юношей, обучающихся в городах, жизненные ценности, которые служат обеспечению вхождения в экономические отношения, выражаются в ориентации по направлению альтруизма, то у юношей, обучающихся в малых городах, для комплекса этих групп ценностей характерна ориентированность на результат. Вместе с тем, если для обучающихся в городе-столице девушек этой же возрастной группы характерна приоритетность жизненных ценностей в направлении на результат, то оказывается у девушек юношеского возраста малых городов относительная ориентация на этот процесс имеет особое значение.

REFERENCES

1. Постановление Президента Республики Узбекистан от 1 мая 2020 года № ПП-4702 «О внедрении системы рейтинговой оценки социально-экономического развития регионов» // <https://lex.uz/uz/docs/4803533>.
2. Умарова, Н.Ш. (2019). Экономическая социализация личности в контексте возрастных периодов. Вестник науки и образования, (22-3 (76)), 60-64.
3. Умарова, Н.Ш. (2020). Иқтисодий ижтимоийлашув жараёнига таъсир килувчи омилларнинг мотивацион-кадриятли тузилмаси (ўспиринлар мисолида). Academic Research in Educational Sciences, (2), 259-277.
4. Умарова, Н.Ш., & Каримова, В.М. (2020). Шахс иқтисодий ижтимоийлашувида пулга бўлган установакаларини аниқлашнинг ижтимоий-психологик таҳлил. Science and Education, 1(Special Issue 4), 51-63.



5. Umarova, N. (2020). The Theoretical And Practical Model Of Making A Person Socializing Economically. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(08), 62-68.



ЎЗБЕКИСТОНДА ТРАНСПОРТ ВА ТЕМИР ЙЎЛ ҚУРИЛИШ ТАРАҚҚИЁТИ

Ж. С. Раматов

Тошкент давлат транспорт университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси
мудири

М. Ҳасанов

Тошкент давлат транспорт университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси
ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола ахборот-таҳлилий ҳамда илмий ёндошув характериға эға бўлиб, Ўзбекистоннинг темир йўл қурилишининг мустақиллик йилларидаги ривожланиш эволюцияси, шунингдек мамлакатни ташқи ва ички транспорт сиёсатидаги ўзига хос прагматизм ҳамда истиқболда амалға оширилиши кўзда тутилаётган лойиҳаларнинг сиёсий, ижтимоий аҳамияти чуқур таҳлил этилган.

Калит сўз: Транспорт коммуникацияси, темир йўл қурилиши, ташқи сиёсат тамойиллари, транс-афғон, транзит, транспорт сиёсати.

ABSTRACT

This article is an information-analytical and scientific approach that analyzes the evolution of the development of railway construction in Uzbekistan over the years of independence, as well as the specific pragmatism of the country's foreign and domestic transport policy and the political and social significance of future projects.

Keywords: transport communication, railway construction, principles of foreign policy, trans-Afghan transit, transport policy.

КИРИШ

Транспорт коммуникацияси ҳар даврларда мамлакат тараққиётида муҳим аҳамият касб этиши мазкур соҳаға оид илмий тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди. Ўзбекистоннинг темир йўл қурилиши истиқболлари билан бир қаторда Марказий осиё ҳамда Евроосиё минтақалари ўртасидаги транзит йўлақларни барпо этиш, транспорт соҳасида амалға оширилаётган ислохотлар мақоланинг асосий объектини ташкил этади. Албатта, мақолани тайёрлашда Ўзбекистоннинг Биринчи раҳбарининг асарлари, маърузалари ҳамда соҳаға оид фикрларидан кенг

фойдаланилди. Шу билан бирга тарихчи, сиёсатшунос ва файласуф олимларнинг асарлари ҳамда интернет маълумотлардан фойдаланилди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Илмий тадқиқот ишини ёритишда умумий ўзаро алоқадорлик, тарихийлик тамойиллари, қиёсий таҳлил, структурали-функционал ёндашув ва умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Дунё мамлакатлари тараққиёт истиқболлари чуқур таҳлил этилса, иқтисодий ривожланиш учун қулай транспорт коммуникация тизимига эга эканлиги билан ажралиб туради. Инсоният бугун транзит юк ташишда транспортнинг автомобил транспорти, сув транспорти, ҳаво транспорти, қувур транспорти ҳамда темир йўл транспортидан самарали фойдаланиб келмоқда.

Инсоният тарихий тараққиётида транспорт коммуникацияларини вужудга келиши ўзига хос тадрижий ривожланиш босқичини ўз ичига олади. Саноат тараққиёти транспорт коммуникациясининг янги турларини пайдо бўлишини заруратга айлантириб қўйди.[9. 2011. -Б.321] Истеъмолдан ортиқча маҳсулот етиштириш ва ишлаб чиқариш суратининг ошиб бориши юк ташишда янгича ёндашувни вужудга келтирмоқда.

Саноатда металлургия соҳасини ривожланиши темир йўл транспорти тизимини ҳаётимизга шиддат билан кириб келишини таъминлади. Металлургия саноати мамлакат қудратини белгилайдиган соҳалардан бири эканлиги тарихий ҳақиқатдир. Тарихий ҳужжатлар XVIII аср охирида биринчи чўян изли йўллар пайдо бўлганлиги ва илк вагонлар отлар ёрдамида ҳаракатланганлиги ҳақида гувоҳлик беради.[7. 2018. 6-бет] Аммо улар саноатда ишлаб чиқаришнинг машиналаштириш давридаги талабларини тўла қондира олмаган бўлсада, саноат инқилобинини вужудга келишида алоҳида аҳамият касб этади.

Ўрта осийга саноат инқилоби анча кеч кириб келган бўлсада, транспорт коммуникация тизимлари ривожини тарихи анча узоқ даврларга бориб тақалади. Жумладан, Ўзбекистон замини азалдан савдо, иқтисодий, маданий алоқалар ва Буюк ипак йўли бўйлаб шаклланган турли цивилизацияларни туташтириб турувчи марказ бўлиб келган.[7. 2018. –Б.16] Шўролар даврида Марказий Осиё республикалари транспорт йўлакларини чегаралараро қориштирилган ҳолда ташкил этилганлиги мустақил республикалар ташкил топгач юк ва йўловчи ташиш соҳасида анча қийинчиликларни юзага келишига сабаб бўлди.

XX асрнинг саксонинчи йиллари охирида республикамизда барча соҳаларда бўлгани каби темир йўл тизими ҳам инқирозга юз тута бошлаган эди. Темир йўл соҳасига узоқ йиллик эътиборсизлик оқибатида кўпдан-кўп муаммолар тўпланиб қолган эди.[12. 2016. 124-бет] Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов собиқ иттифок давридаёқ маҳаллий кишилар орасида айрим соҳалар учун мутахассисларнинг етишмаслигига алоҳида тўхталиб, 1989 йилда жумладан шундай деган эди: “Нима учун маҳаллий миллатга мансуб кишилар ўртасида муҳандис-техник ходимлар йўқ? Мен бу савол ҳаққоний савол, деб ҳисоблайман. Бу муаммо устида ҳаммамиз бош қотиришимиз керак. Мен бошқа мисоллар келтириб ўтирмайман, лекин шунинг ўзи ҳам барчамизни ҳушёр торттириши зарур. Биз ёш кадрларни тарбиялаш, уларга илғор меҳнат ва тафаккур усулларини сингдириш учун нима қилмоқдамиз? Тан олиш керакки, деярли ҳеч иш қилаётганимиз йўқ”.[5. 2011. 27-бет]

Мустақилликнинг илк кунларидан Биринчи Президентимиз мазкур муаммоларни бартараф этиш учун, аввало, кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, Ўзбекистон темир йўлларида саноат ишлаб чиқаришини, мавжуд техника ва технологияни модернизациялаш, муқобил йўللари қуриш, ягона миллий темир йўл тизимини яратиш сиёсатини илгари сурди.

Зеро, бевосита денгизга чиқа олмайдиган мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига кўп жиҳатдан автомобил йўллари ва темир йўллар тараққиётига боғлиқ бўлади.

Шошилиш тарзда мамлакат темир йўл транспорт тизимининг моддий-техник таъмирлаш базасини, локомотив ва вагон саройини сақлаб қолиш, ягона миллий темир йўл тизимини барпо этиш юзасидан тегишли ҳуқуқий-ташқилый чоралар белгиланди. Бошқа республикалар ҳудудида турган вагон ёки тепловозларни кўлдан чиқармай, қайтариб олиб келиш, мамлакат иқтисодиётининг етакчи тизими ҳисобланган темир йўл тармоғи жиловини маҳкам ушлаб туриш кўп нарсани ҳал қиларди.

1994 йил 7 ноябрда халқ хўжалиги ва аҳолининг темир йўл транспортида юк ва йўловчиларни ташиш эҳтиёжларини тўла қондириш ҳамда темир йўлнинг барқарор ва хавф-хатарсиз ишлашини таъминлаш мақсадида темир йўл транспорти тизимининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган темир йўл корхоналари ва темир йўл бўлимлари, саноат, қурилиш, савдо ва таъминот корхоналари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, бошқа ташкилотлари, корхоналари ва

муассасалари негизда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик темир йўл компанияси ташкил этилди ҳамда 2016 йил 24 апрелдан «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти деб ўзгартирилди.[10. 2018. 20-бет]

Ўзбекистон томони мустақиллик йилларида транспорт коммуникация соҳасида олиб борган кенг қамровли ислоҳотлари бир қатор янги лойиҳаларни амалга оширилишига туртки бўлди.

Хусусан, халқаро транспорт сиёсатини тўғри англаган ҳолда кўшни давлатлар ҳудудига дахл қилмасдан мамлакатнинг барча вилоятлари ўзаро боғланиш имкониятига эга бўлди. Бу эса ўз навбатида мамлакат ички туризми ҳамда ички юк ва йўловчи ташишда қулайлик яратди.

Ўзбекистон ҳудудий жиҳатдан денгиз йўлларига туташ бўлмаганлиги мамлакатда сув транспорти хизматларидан кенг фойдаланиш имкониятини чеклайди. Бу эса мамлакатда қуруқлик транспорт тизимини тараққий эттиришни тақозо этади. Темир йўл тизими эса қуруқликдаги транспорт коммуникация тизимлари ичида қулайлиги ва арзон юк ташиш имкониятлари билан ажралиб туради. Замонавий темир йўллар транспорт хизматлари бозорининг талабларига мос бўлиш учун ҳаракат қилади ва автомобил, дарё ҳамда ҳаво транспорт турлари билан рақобатга киришади.

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётининг тараққиётида муҳим бўғинлардан бири ҳисобланган темир йўл тизими истиқлол йилларида мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари билан жадал ривожланиб келмоқда. Халқаро транспорт ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда мустақамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистонда истиқлол йилларида темир йўл транспорти тизимида қуйидаги оламшумул аҳамиятга эга бўлган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди:

- 2001 йилда узунлиги 342 километр бўлган Учкудуқ – Султонувайстоғ – Нукус темир йўли фойдаланишга топширилди.
- 2007 йилда узунлиги 223 километр бўлган Тошгузар – Бойсун – Қумкўрғон темир йўли ишга туширилди.
- 2011 йили 23 август куни Тошкент ва Самарқанд шаҳарларини боғловчи юқори тезликда ҳаракатланувчи «Афросиёб» электропоезди қатнови йўлга қўйилди.
- 2015 йил 22 августдан Тошкент-Самарқанд-Қарши йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи «Афросиёб» электропоезди қатнови йўлга қўйилди.
- 2016 йил 22 июнда узунлиги 123,1 километр

бўлган Ангрэн-Поп темир йўл тармоғи ишга туширилди. Туннел узунлиги бўйича (19,1 км.) дунёда 13-ўринни эгаллади.

- 2016 йил 25 августда, умумий узунлиги 600 километр бўлган Тошкент-Бухоро электрлаштирилган темир йўл линияси ишга туширилди.
- 2017 йил 5 декабрда узунлиги 355 километр бўлган Бухоро-Мискин темир йўл линияси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Темир йўл транспорти тизимидаги бундай кенг бунёдкорлик ишлари ортида мамлакатда транспорт коммуникация тизимини янада ривожлантиришга қаратилган прагматик сиёсат юритилаётгани[3. 2020.] ва юксак стратегик мақсадлар ўзида жамлаган эзгу мақсадлар ётганлигини кўриш мумкин.

2015 йилдан буён “Бир макон - бир йўл” расмий ҳужжатига биноан, “Ипак йўли иқтисодий макон” қурилиши устида ғарбий Хитойдан Марказий Осиё ва Жанубий Осиё мамлакатларидан Европага ўтадиган автомобил ва темир йўл қурилиши назарда тутилади. Шуни таъкидлаш керакки, Хитойнинг ўзи билан бир қаторда, Ўзбекистон ушбу ташаббусида эслатиб ўтилган ягона мамлакат бўлди[6. 2016. 200-бет]. Бундан ташқари, “Бир макон - бир йўл” ташаббусида Ўзбекистонга тегишли лойиҳа Хитой Президенти Си Цзинпин томонидан 2017 йил май ойида таклиф қилинган “Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон” халқаро транзит йўлагини барпо этиш режасида расмий Хитой Ўзбекистонни ушбу лойиҳада асосий фигура сифатида қабул қилганига қуйидаги омилларни келтириб ўтиш мумкин.[12]

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Биринчидан, географик ва ресурсларнинг афзаллиги. Жуғрофий жойлашуви туфайли Ўзбекистон “Бир макон - бир йўл” ташаббусининг ажралмас қисмига айланди.

Иккинчидан, Ўзбекистонни “Шарқ ва Ғарбни билан боғлайдиган воситачи” сифатида кўрилмоқда.

Учинчидан, Марказий Осиё суверен давлатлари орасида яқин қўшничилик дипломатиясини амалга оширишда жонбозлик кўрсатаётган мамлакат эканлиги.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Осиёнинг марказий минтақасида жойлашганлиги, қадимги замонлардан ҳозирги кунгача кучли таъсирга эга бўлиб келган. Бундан ташқари, Ўзбекистон дунёнинг жуда бой табиий ресурсларига ва энергиясига эга давлат ҳисобланади [8. 2014. 477-бет]. Энг асосий масала кейинги

йилларда яқин кўшничлик, очиклик, прагматиклик ва амалийлик – Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатининг энг муҳим тамойиллари сифатида қаралмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Президенти: “Биз транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ҳамда давлатларимиз ва бутун минтақамизнинг улкан транзит салоҳиятини самарали ишга солишга қаратилган ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтирмоқдамиз” [1. 2018. 380-бет] -деган ташаббусларни илгари сурмоқда.

Мазкур лойиҳани амалга оширилиши кўшни Қирғизистон ҳукумати билан аниқ келишувлар ҳозирча тўхтаб тургани билан изоҳланади. Қирғизистонда шаклланаётган янги ҳукумат вакиллари ўйлаймизки мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлайди.

2021 йилнинг энг йирик лойиҳаларидан бири деб таърифланаётган “Мозори Шариф — Кобул — Пешавор” темир йўлини қуриш лойиҳаси Ўзбекистон темир йўл транспорти тизимида янги йўналишларни очилишига хизмат қилади.

2021 йил 2 февралда “Мозори Шариф — Кобул — Пешавор” темир йўл қурилиши лоҳисаси Ўзбекистон бош вазири ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.Умурзаков, Афғонистон ташқи ишлар вазири Ҳ.Атмар, Покистон бош вазирнинг савдо, тўқимачилик саноати ва инвестициялар масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Довуд томонидан ўзаро келишувга эришилди.[16]

“Мозори-Шариф — Кобул — Пешавор” темир йўлининг қурилиши Жанубий Осиё ва Европа давлатлари ўртасида Марказий Осиё орқали юкларни ташиш вақтини ҳамда нарҳини сезиларли даражада камайтиради.

Шунингдек, янги трансфғон темир йўли - Покистоннинг “Карачи”, “Қасим” ва “Гвадар” денгиз портларига чиқади ва Жанубий Осиё темир йўл тизимини Марказий Осиё ва Евроосиё темир йўл тизимлари билан боғлайди. Бу билан Марказий Осиёнинг транзит салоҳиятини кескин оширишга, Европа ва Осиёни энг қисқа куруқлик йўли билан боғлайдиган кўприкка айланади.

Энг асосийси, ушбу лойиҳани амалга ошириш, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ўн минглаб янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда минерал ресурсларга бой захираларни ўзлаштиришга шароит яратади.

Шу билан бирга, темир йўл йўналишининг аксарият қисми тоғли ҳудудлардан ўтганлиги, лойиҳа мураккаблиги мазкур лойиҳа доирасида пухта илмий-иқтисодий таҳлил ўтказиш заруратини келтириб чиқаради.

Мазкур лойиҳани халқаро молия институтлари вакиллари, хусусан, ОИИБ вице-президенти Константин Лимитовский, ЕТТБ вице-Президенти Алан Пиллоу, ИТБ вице-президенти Мансур Мухтор, Жаҳон банкининг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Лилия Бурунчук, ОТБ департаменти Бош директори Евгений Жуков ва Европа инвестиция банки Президентининг маслаҳатчиси Флавия Паланза транс-афғон темир йўлини қуриш лойиҳасини амалга ошириш ташаббусини маъқулладилар.

Ушбу лойиҳани амалга оширилиши ўз ўрнида Марказий Осиё ва Евроосиё минтақаларида транзит юк айланмалари ҳажмини бир неча баробарга ошириш билан бир қаторда харажатларни кескин камайишига ҳам хизмат қилади.

Эндиги муҳим вазифа шундай улкан лойиҳаларни амалга оширилишида юксак касбий салоҳиятга эга бўлган соҳа вакилларини тайёрлаш тизимида ҳам кенг қамровли ислохотлар олиб боришни тақазо этади.

Республика транспорт соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, тизимни илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартлар асосида тубдан такомиллаштириш, таълим жараёнига ўқитишнинг инновацион услублари ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш ҳамда соҳанинг илмий салоҳиятини янада ошириш мақсадида 2020 йилнинг 4 май куни мамлакатимиз Президентининг «Транспорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорига кўра, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ҳамда Тошкент давлат техника университетининг авиакосмик технологиялари факультети асосида Тошкент давлат транспорт университети ташкил этилди.[3. 2020 йил 4 май] Бундан асосий мақсад мамлакат транспорт коммуникация сиёсатидаги устувор вазифаларни чуқур англаган креатив фикрлайдиган мутахассис кадрлар тайёрлаш кўзда тутилган.

Янгиланаётган Ўзбекистон кейинги йилларда бошқа секторлар билан бир қаторда таълим соҳасида ҳам комплекс ривожлантириш бўйича салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

ХУЛОСА

Ўзбекистон янгидан-янги транспорт коммуникация истиқболларини амалга ошириш йўлида собитқадам мамлакат сифатида кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда. 2021 йил 29 декабрда Ўзбекистон Президентининг парламентга



Мурожаатида: “Ҳозирги кунда Марказий Осиёни Ҳинд океани билан боғлайдиган Транс-афғон транспорт йўлагини барпо этиш борасида дастлабки амалий қадамларни ташладик. Бу лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши бутун минтақамизда барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашга беқиёс хизмат қилади” -деб мамлакат темир йўл тармоғида янги йўналишларни очиш йўлида бор имкониятларни сафарбар этишга чақирди. Зеро, эзгу мақсад йўлида режалаштирилаётган улкан бунёдкорлик ишлари нафақат Ўзбекистон манфаатларига хизмат қилади. Шу билан бир қаторда мазкур лойиҳани муваффақиятли амалга оширилиши Афғонистон ва Покистон давлатлари учун ҳам манфаатли ҳисобланиши билан характерланади.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. -Т.: “Ўзбекистон”. 2018. 2-том
2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. -Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Транспорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори. 2020 йил, 4 май.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. / “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2020 йил, 30 декабрь сони.
- 5.Рахимова, М. И., & Ҳасанов, М. Н. (2020). Роль среднеазиатской философии в развитии мировой и европейской науки. Вестник науки и образования, (4-1 (82)), 38-41.
- 6.Н. Ж. Назарова & М. Н. Ҳасанов (2022). ТАЛАБАЛАРДА БЎШ ВАҚТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 752-758.
- 7.Миршод Нўмонович Ҳасанов (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ БОСҚИЧИДА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТИВОР ВАЗИФАЛАРИ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 791-798.
8. М. Н. Ҳасанов, С. У. Бошмонов, & Т. О. Жонибеков (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИЛМ-ФАНЛАР ТАСНИФИДА АҲЛОҚИЙ ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 608-613

ФАРОБИЙНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ ТАЪЛИМОТИ

Ж. С. Рамагов

Тошкент давлат транспорт университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси
мудири

М. Ҳасанов

Тошкент давлат транспорт университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси
ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Фаробийнинг ижтимоий онтологиясини ўрта аср ислом тафаккурининг ижтимоий-сиёсий ғояларига асосланиб, вақт берган саволларга жавоб беришга уринишлардан бири сифатида қараш мумкин. Бундан ал-Фаробийнинг Сейф ад-Давл саройига яқинлиги далолат беради. Бироқ, олим "Фозил шаҳар" лойиҳасида ишлаганда, айниқса, Сиракузада ўзининг ижтимоий лойиҳасини амалга оширишга муваффақ бўлмаган Платоннинг ҳикоясини билганлиги сабабли, унинг қоидаларини амалий равишда амалга оширишга умид қилмаган. Ва шунга қарамай, Ўрта аср Ислом Шарқидаги имоматлик, қасос ва жазо, масъулият ва эркинлик муаммолари бўйича кўплаб мунозаралар муҳокама қилинган муаммоларнинг мавҳум эмас, балки ҳаётий муҳимлигини тасдиқлади. Шунинг учун ижтимоий онтология масалаларини муҳокама қилиш энергия тизимини инсонпарварлаштириш учун идеал лойиҳа сифатида тақдим этилди.

Калит сўзлар: Форобий, фалсафа, методология, инсон, жамият, сиёсат.

КИРИШ

Ал-Фаробийнинг "Фозил шаҳар аҳолиси тўғрисида рисола" да онтологик принцип жамиятни адолатни талаб қиладиган ахлоқий (фазилатли) инсон томонидан дунёни ўзгартириш ижтимоий доктринасида асосий даражага кўтарилган. Инсон ва жамият, сиёсат, куч, шахсият - ҳамма нарса ўзаро боғлиқдир дейди. Тарихий маънода ал-Фаробий жамият тараққиёти ва ижтимоий тараққиёт ҳақида ўйлаганми? Эҳтимол, ҳа, чунки унинг "Фозил шаҳар" нафақат ижтимоий утопия эди: у ҳамма нарса оқилона ва амалий тамойилларга мувофиқ ишлайдиган консолидацияланган жамиятнинг идеал модели ҳамэди. Бу жамиятда ҳамма нарса таълим, тарбия ва биз учун энг муҳими, одобли бўлмаган шаҳарларнинг

ҳозирги аҳолиси - бағрикенглик, эркинлик ва одоб-ахлоқ асосида қурилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ал-Фаробий фалсафаси ижтимоий ҳаётнинг фавқуллода сифатини - индивидуал ҳаёт сифати учун кайфиятни ифода этган. Олимнинг сиёсий стратегияси ҳам туркий, ҳам исломий маданиятларнинг маънавий анъаналарига асосланган эди. Қадимги юнон сиёсий назариялари ва сиёсий технологияларига мурожаат қилиш, уларнинг ёрдамида жамиятдаги ижтимоий ҳаётни ва ҳаётни ўзгартириш мумкин эди, чунки бу таълимларнинг қиёсий таҳлили сиёсий заиф томонларини аниқлашга ёрдам бериши мумкин эди. Бундан ташқари, Қуръон матни энг муҳим принцип - ахлоқ қонунларига риоя қилиш ва ўз бурчини адо этиш бўлган Умматнинг идеал қиёфасини тақдим этди.

Ал-Фаробий одам моҳиятини туркий тушунчада, одам олами - "инсон дунёси" тушунчасида ифодаланган юксак маънавий анъаналарда ётган ахлоқий тамойил орқали белгилаб берди. Қадимги юнон фалсафий анъаналарига амал қилган ҳолда ал-Фаробий бошқа ислом файласуфлари сингари инсонни "фуқаролик" мавжудот сифатида белгилайди. Давлат унга жамиятдаги шахс манфаатларининг универсал вакили сифатида қарайди. Шундай қилиб, унинг ижтимоий онтологиясида "давлат" ва "жамият" тушунчалари моҳиятан бири-бирига тўғри келади ва агар улар баъзи бир нуансларда фарқ қилсалар, бу шунчаки Ислом Ўрта асрларига хос бўлган қарашларнинг ўзгаришига олиб келади. Дунёнинг турли хил қўлёзма фондлари каталоглари шундан далолат беради. Ўрта асрларнинг араб тилидаги манбаларининг кўплиги ва мантиққа оид рисолалар анчагина эди. Бундай қўлёзмалар Тошкентдаги фондларда ҳам мавжуд. Шундай қилиб, масалан, қўлёзмалар каталогларида 30 га яқин қўлёзмаларнинг номи берилганараб, форс ва Марказий Осиё муаллифларининг мантиғига кўра - Ибн Сино, Баҳманёр, Абҳари, Хасана ал-Кати, Мавлоно Зода, ал-Қазвини Дабирин, Қутбиддина Муҳаммад ат-Тахтоний, Тафтазоний, Журжоний, Давапи, Арабшоҳ ал-Исфароний, Али Тож ат-Туни ва бошқалар шулар жумласидандир. Бироқ, Ўрта асрларнинг араб тилида сўзлашадиган мантиғи жуда кам ўрганилган. Бу ҳақида араб мантиқи тарихини тадқиқотчиси, америкалик олим Н.Ресчер: "Тарчи ўтган асрда араб фалсафаси ва илмини ўрганишкенг кўламга эга бўлди, араб мантиғи нисбатан кам ҳақ тўланди" деб эътироф этган. Фақат бир нечта арабшунослар мантиқий матнлар билан ишладилар, ҳатто бу озчилик ҳам бу соҳага кўпроқ қизиқиш билдирганбилвосита ҳаракатлар самараси эди. Натижада, мантиқийликни акс эттирувчи катта ҳажмдаги материаллар

араб тилида сўзлашадиган муаллифларнинг асарлари ўрганилмаган "бўш жой" бўлиб қолмоқда эди. Ва, табиийки, у ўз тадқиқотчиларини кутмоқда эди. Мутафаккирлар Ўрта асрлар мантикий муаммоларни назарий жиҳатдан ривожлантиришда ривожланаётган эҳтиёжларга энг мос келадиган юк Аристотелнинг бой меросидан фойдаланган ҳолда, дунёнинг дунёвий билимлари, инсоннинг билим қобилятилари, қонунлари ва шакллари тўғрисида унинг таълимоти мантикий фикрлашида қарашади. Ушбу таълим улар учун манба бўлди, ва кейинчалик у сезиларли даражада бойитилди ва муҳим аҳамиятга эга бўлди, табиий фанлар ва дунёвий маданият ютуқлари асосида ривожланиш умуман ўрта асрлар юксак даражада тараққий этди.

Араб халифалиги пайдо бўлган даврга Аристотелнинг кўплаб асарлари, шу жумладан унинг мантикий асарлари араб тилига таржима қилишни осонлаштирган сурия тилида танилган. Аллақачон IX асрда Яқин Шарқ ҳудудида Аристотелнинг мантиққа доир асарлари кенг ўрганилди. Чунончи, унинг "Категориялар", "Интерпретация тўғрисида", "Биринчи таҳлил", "Иккинчи таҳлил", "Топика", "Мураккаб рад этишлар тўғрисида", "Риторика", "Поетика" асарларинафақат ўрта аср Шарқ дунёсида балки бутун бошли инсониятнинг улкан ютуғи ҳисобланади. Ёзувларда араб-мусулмон мантикий фикрлаш тараққиёти даврида Ҳунайна ибн Ишоқа, Абу Усмон Дамашки, Кинди, Марвозий, Фаробий, Яхё Ибн Ади, Абу Башар Матта, Ибн Сино, Ибн Рушд Европа схоластикаси Аристотел мантиғи билан ҳали тўлиқ таниш эмас эди. Мантиқ муаммоларини ишлаб чиқиш асосий вазифалардан бири сифатида қаралди, шунинг учун Ўрта аср арабларининг барча йирик мутафаккирлари мусулмон Шарқи уларга катта эътибор берган. Назарий фикрга хос бўлган фанларнинг таснифи, даври, мантиқда жуда ўринли тарзда изоҳланган.

Шундай қилиб, Фаробий фанлари таснифида "Ихсо ал-" улум " асарида, назарий фикрлашда мантиқ ҳар қандай зарурий бошланиш сифатида етакчи ўринни эгаллайди деб таърифлаган. Ал-Фаробий мантиқ илмини жамият ва давлатга бевосита таъсири кучли эканлигини ўз асрларида таъкидлаб ўтиб: "Агар иморат пойдевори мустаҳкам бўлса, у бутун умр хизмат қилади, фанлар пойдевори бу шубҳасиз мантиқ илмидир" деб таъкидлайди. Машҳур америкалик шарқшунос Ф. Розентал мантиқ илминидастлаб араб-мусулмон оламида тараққий этган деган фикрлари ҳам залворлидир.

Фаробий Ўрта аср араб тилида сўзлашадиган фалсафада биринчилардан бири бўлган мантикий муаммоларни изчил ишлаб чиқди, бунинг натижасида у Яқин ва Ўрта Шарқда йирик сифатида кенг танилган "Ню-мантиқчи" яъни янги мантиқшунос олим

деб аталган юксак унвонга сазовор бўлди. Замондошлари хурмат билан Фаробийни нафақат "ал-" муаллими ассони (" Иккинчи ўқитувчи "), деб бежизга айтишмаган. Фаробийнинг мантиқ соҳасидаги муҳим ютуқлари унинг иши тадқиқотчилари томонидан бир неча бор қайд этилган.

Кифтининг таъкидлашича, Фаробий «мантиқ ҳақидаги китобларга изох берган, тушунтирган, уларнинг ноаниқ маъносини очиб берди» деб айтиб ўтади. ширин ҳолда очиб берди. Шунингдек, Фаробий мантиқ бўйича бир қатор асарлар ёзганлиги ҳақида хабар Абулқосим Саид бин Аҳмедда «Ат-Таъриф фи табакат ал-улум» китобида шундай дейилган: «Ал-Фаробий ўрганган Бағдодда вафот этган Жон бин Жилоннинг мантиқ санъати ал-замонда Муқтадир. У мантиқ бўйича барча мусулмон файласуфларидан олдинда эди ва мантиқий муаммоларни ўрганишда улар орасида ғолиб чиқди. У мантиқ илмида аниқ бўлмаган фан сирларини очиб берди ва ушбу илимга кириш имкониятини яратди» деб баҳо берган. Бундан ташқари яна бир файласуф олим Н. Решер ҳам шундай дейди: "Ал-Фаробий мантиққа фалсафа ёки илм-фаннинг бошқа барча соҳаларига қараганда катта эътибор берган ва биз уни ҳеч бир иккилангишсиз мантиқ илмида пешқадам эди дейишга тўла асос бор» деб таърифлайди олим. Ал-Фаробий нафақат ўз даври мантиқ илмини чиқур ўрганди балки у Қадимги Юнонистоннинг мантиқ илми султони Аристотел ва бошга қадимги юнон файласуфлари асарларига ҳам эътибор қаратган.

Фаробий Арастунинг куйидаги асарларини мантиққа оид деб ҳисоблайди

- 1) "тоифалар" ("Ал-Макулот");
- 2) "Тафсир тўғрисида" ("Ал-Ибора");
- 3) "Биринчи таҳлил" ("Ал-Киёс");
- 4) "Иккинчи таҳлил" ("Ал-Бурхон");
- 5) "Топека" ("Ал-мавози ал-жадалия");
- 6) "Соф исботлар тўғрисида" ("Ал-ҳикмат ал-мумаввиҳа");
- 7) "Риторика" ("Ал-Хатаба");
- 8) "Поетика" ("Аш-шеар")

Мантиқий моҳиятни тақдим этиш нуқтаи назаридан алоҳида эътибор Фаробий "Иккинчи таҳлилга" бағишланган, чунки у ҳақли равишда ушбу китобда силлогизм (силлогистик исбот - аввалги барча натижалар ва мақсадларинсон тафаккурининг аниқ функциялари) қоидалари ва назарияси берилганлигини таъкидлайди.

Фаробийнинг бевосита мантиқ масалаларига бағишланган асарлари орасида, "Мантиққа кириш", "Мантиқ ҳақида кириш рисоласи" каби асарлари айниқса олим мантиқ

илми ҳақидаги тасаввурларимизни янада кенгайтишга, мукамаллаштиришга ва янада тараққий этишига кўмаклашади. Братиславада сақланаётган "Китоб филмантик" ёки "Китоб[мухтасар] эҳам ал-қутуб ал-мантикийя "(" Мантиқ китоби ёки [Катта] "қўлёзма китоблари Фаробийнинг мантиқ ғояларини ўрганиш учун катта аҳамиятга эга тўпламидир. XVIIIаср бошларида Аҳмед Али аш-Шаи томонидан қайта кўчирилган Фаробийнинг мантиқ муаммоларига бағишланган буюк асарлари бугунги кунгача етиб келган. Қўлёзма 12 та мустақил бўлимлардан иборат бўлган китоблардан ташкил топган.

Хусусан:

- 1) "Мантиқ билан танишиш";
- 2) "Мантиқ ҳақида кириш рисоласи";
- 3) "Муסיқа китоби"
- 4) "тоифалар тўғрисида китоб";
- 5) "иборалар ҳақида китоб";
- 6) "Ўхшатиш ҳақида китоб";
- 7) Таҳлил китоби;
- 8) "Хаёллар китоби",
- 9) "Далиллар китоби";
- 10) "Низо қоидалари тўғрисида китоб";
- 11) "Нотиқлик китоби";
- 12) "Шеърлар китоби".

ХУЛОСА

Хулоса сифатида Фаробий ҳар бир китобида бу ерда мустақил маъно англатувчи сифатида пайдо бўлади. Фаробийнинг ушбу асарлари Аристотел мантиқини давом килдириб, жуда чуқур ва кенг билимларга эга эканлиги кўрсатиб берган. Аристотелнинг мантиқий тамойилларига асосланиб, Абу Наср Ал-Фаробий ўзининг илмий фикр ютуқларига асосланган органон (мантиқий "қуллият") асарида ва мантиқнинг предмети ва вазифалари батафсил баён этилган "Ихсо ал-улум" ("Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида") ва "Кириш рисоласида мантиқ " каби китобларида айниқса бу илмнинг сиру-асрорлари батафсил баён этган. Фаробийнинг фикрига кўра, мантиқ илми қандай тартибга солишни ўргатади мантиқий рақамларга кўра, баёний жумлалар, улардан хулосалар олиш, бунинг натижасида биз номаълум нарсаларни билиб оламиз ва биз нима ҳақиқат ва нима ёлғонлигини ҳукм қиламиз. Мантиқ тарози фикрлаш жараёнининг тўғри ва нотўғрилигини ўлчаш, у объектни билишга қаратилган ва тоифалар билан



шуғулланади. Фаробийнинг фикрича, илмий билимлар тизимида мантик фалсафий билимларнинг ядроси, асоси вазифасини бажаради.

REFERENCES

1. Абдильдин Ж.М., Бурабаев М.С. и др. Социальные, этические
2. Абу Наср Фаробий, Фозил одамлар шахри. –Т.: Янги аср авлоди. 2016. – Б. 163-164.
3. Хайруллаев М.М. Мирозрение Фараби и его значение в истории философии. -Т.: Фан, 1967; Уйғониш даври ва шарқ мутафаккирлари. -Т.: Ўзбекистон, 1971; Ўрта Осиёда Уйғониш даври маданияти. -Т.: Фан, 1994.
4. М.Н.Хасанов, А.А.Азимбаев, Ҳалилов Ў., & Каримов Б. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ШАХС МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ . JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS, 4(3), 147–153. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/new/article/view/629>
5. Рахимова, М. И., & Хасанов, М. Н. (2020). Роль среднеазиатской философии в развитии мировой и европейской науки. Вестник науки и образования, (4-1 (82)), 38-41.
6. Н. Ж. Назарова & М. Н. Хасанов (2022). ТАЛАБАЛАРДА БЎШ ВАҚТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 752-758.
7. Миршод Нўмонович Хасанов (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ БОСҚИЧИДА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТИВОР ВАЗИФАЛАРИ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 791-798.
8. М. Н. Хасанов, С. У. Бошмонов, & Т. О. Жонибеков (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИЛМ-ФАНЛАР ТАСНИФИДА АҲЛОҚИЙ ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 608-613
9. Hasanov M.N. Abu Nasr is a unique interpretation of the concept of happy man in Farobi's philosophy. TJE - Tematics journal of Social Sciences-AQSH.2022.-P.43-46

АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ДАВЛАТГА ОИД ҚАРАШЛАРИ

Ж. С. Рамагов

Тошкент давлат транспорт университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси
мудири

М. Ҳасанов

Тошкент давлат транспорт университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси
ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Форобийнинг ҳаёти илмий-фалсафий қарашларида инсон ақл-заковатини бирламчи ўринга қўйганлиги, Абу Наср Форобийнинг педагогика фанининг асосчиси эканлиги, шунингдек, унинг асарларида кўриб чиқилган педагогик тушунчаларга берилган таърифлар билан янада ойдинлашади. Форобий инсон, унинг дунё тарққиётининг энг мукамал ва етук якуни сифада этирофи, унинг асарларида инсонга тарбия ва таълим бериш зарурлиги каби масалалар таҳлил этилган. Педагогиканинг асосий тушунчаси бўлган ўқитиш ва тарбия ҳақида олим шундай изоҳ беради

Калит сўзлар: Шахснинг ахлоқий шаклланиши, инсон илмий-фалсафий қарашлари, таълим-тарбия, билиш, педагогика, диалектика, Ўқитиш, Ўрганиш, дунёқараш, Замонавий педагогика.

КИРИШ

Ўрта аср Шарқида яратилган ва ривожланган илмий-фалсафий билимларнинг асосий қисми Марказий Осиё мамалакатлари ҳиссасига тўғри келади. Бу ерда тўпланган илмий тажриба, бой фалсафий анъана маънавий маданият ва шахс баркамоллигига доир концептуал қарашлар ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатди, бир қанча давлатлар қатори Европада маданий-фалсафий ғояларнинг ривожланишига туртки берди. Абу Наср Форобий ҳамда унинг Шарқ фалсафаси, мантиқ илми, тиббиёти, математикаси, этика ва эстетикаси, адабиётшунослиги ва тилшунослиги ҳамда табиий ва ижтимоий фанларнинг бошқа тармоқлари ривожланишида ҳақида Европа, Шарқ тадқиқотчилари, шу жумладан, ўзбек олимларининг ҳам изланишлари алоҳида аҳамият касб этади.

Абу Наср Форобийнинг маънавий маданият тўғрисидаги қарашлари шаклланишининг ижтимоий-тарихий



манбалари тадқиқотчиларда унинг ижодига бўлган алоҳида қизиқиш янада ошишига сабаб бўлган. Шу боисдан ҳам мазкур бобда хорижий ва маҳаллий олимлар изланишларидан келиб чиққан ҳолда Абу Наср Форобий маданий-фалсафий дунёқарашининг шаклланиши ва эволюциясини очиб бериш, маънавий маданият тўғрисидаги қарашлари шаклланишининг тарихий-ижтимоий манбалари, дин ва маънавият муаммолари, илоҳиёт илми ҳақида қарашларини яхлит ҳолда ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ҳозирги даврга қадар маънавий маданият ва шахс баркамоллик масаласи жамиятшунос олимлар диққат марказида бўлиб келганлиги бу муаммони ўрганиш қанчалик даражада долзарб эканлигини кўрсатиб турибди. Дарҳақиқат, бугун биз шиддат билан тараққий этаётган маънавий эврилишлар даврида яшаймиз. Шубҳасиз, ахборот бўҳронлари туфайли тобора торайиб бораётган асримизда маънавият масаласи, қолаверса, ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Сир эмаски, мустақилликка эришганимиздан кейин жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган буюк алломаларимизнинг маънавий меросига катта эътибор берила бошланди. Ўрта аср мусулмон Шарқининг муаззам сиймоларидан бири Абу Наср Форобий ҳам ана шундай зотлардан ҳисобланади. Зеро, мутафаккир қолдирган маънавий-маданий ва ахлоқий мерос асрларга татигулик аҳамиятга молик. Алломанинг фалсафий-маърифий қарашларини миллий маданий меросимизнинг асосини ташкил қилган баркамол инсонни тарбиялашдаги беқиёс аҳамияти сифатида эътироф этар эканмиз, уларни ҳар томонлама ва тизимли тарзда тадқиқ этиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

VII аср ўрталаридан Марказий Осиёнинг бир қисми улкан салтанатга айланган араб халифалиги таркибига кирди. Ягона сиёсий майдонга бирлаш-тирилган бу улкан минтақа IX-XII асрларда улкан маданий кўтарилишни бошдан кечирди, бу даврда етишиб чиқиб, ижод қилган кўплаб мутафаккир ва олимларнинг китоблари жаҳон маданияти хазинасига қўшилди. Илмий ижодда эстетик унсурларни ўзига сингдириб олган фалсафа ва фан бу даврда кузатилган қудратли маданий ҳаракатнинг ажралмас қисмига айланди. Бу унсурлар ишлаб чиқилишининг бошланғич нуқтасида Абу Наср Форобий туради. У томонидан берилган туртки замонавий табиатшунослик тадқиқотларига асос бўлиб хизмат қилди. айнан ўрта асрлардаги араб тилли фалсафа қадимги юнон фалсафасининг биринчи ва асл меросхўри бўлди, айти пайтда, уни ижодий ривожлантириб, янги ютуқлар билан

бойитди. Бу маънода, Абу Наср Форобий Шарқ ва Европа маданиятларини боғловчи кўприк бўлди, десак янглишмаймиз.

Абу Наср Форобий XV асрдан эътиборан Россияда “Авиасаф” ва “Авийеше”, Европада “Авеннасар” ва “Фараби” номли билан машҳур бўлган. Ўзини тўлалигича билим олиш ва фанга хизмат қилишга бағишлаганлиги учун ҳам замонасининг деярли барча фанларини чуқур ўзлаштиришга эришди. У жаҳон илм-фани ва фалсафий билимлар тизимида ўзига хос фанлар таснифи, мукамал давлат моделини яратганлиги билан алоҳида ном қозонди. Шу боисдан ҳам унинг маънавий-маданий мероси қомусий характерга эга бўлиб, у яшаган давр руҳияти ва услубини акс эттиради.

Абу Наср Форобий (тахаллуси, тўлиқ исми Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ўзлог ат-Туркий, 873 йили Фороб шаҳрида туғилган, 950 йили Дамашқда вафот этган, Дамашқдаги “Боб ас-Саъир” қабристонига дафн этилган) – жаҳон маданиятига салмоқли ҳисса қўшган мутафаккир, Ўрта Осиёлик таниқли файласуф, 70 дан ортиқ тилни билган қомусий олим ҳисобланади. Ўрта асрлардаги маълум илмий кашфиётлар қаторида, умуман, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари маърифий ва ижтимоий-фалсафий тафаккурининг ривожланиши ҳам унинг номи билан боғлиқ. Замонасининг барча фанларини мукамал ўрганган ва уларнинг ривожланишига ўз хиссасини қўшган, юнон файласуфларининг китобларига берган шарҳлари билан уларнинг Шарқ ўлкаларида кенг ёйилишига туртки бўлган Абу Наср Форобий Шарқда юксак баҳоланиб, “ал-Муаллим ас-Соний” (Арастудан кейинги “иккинчи муаллим”) ва “Шарқ Арастуси” номларини олган.

Абу Наср Форобийнинг маънавий маданиятга доир қарашларининг тарихий-ижтимоий ва фалсафий манбаларини тадқиқ этиш Шарқ Уйғониш даврида эришилган маданий, ижтимоий тараққиётни чуқурроқ ўрганишни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Муҳаммад ибн Тоҳир ибн Баҳром Абу Сулаймон Мантиқий Сижистонийнинг “Сивони-ул-ҳикма” (“Ҳикматлар хазинаси”) китоби Шарқ уламолари орасида беқиёс шухрат қозонган. Аммо бу асарнинг тўлиқ матни бизгача етиб келмаган. Сижистонийнинг шу китобидан сайлаб олинган мухтасар икки китоб бизгача етиб келган.

Заҳириддин Байҳақийнинг “Татимма Сивони-ул-ҳикма” асарида Абу Наср Форобий ҳақида қуйидаги фикрларни ўқиймиз: “Шайхул-акрам, Устози Соний, ал-Ҳаким, Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлог ибн Тархон Абу Наср Форобий Туркистоннинг Фарйобидан (форсада ҳам Фарйоб бор) замонасида ва аввал ўтганлар орасида тенгсиз эди.

Исломиятгача иккита ва исломиятдан сўнг иккита ҳаким – файласуф бўлган. Булар: Арасту ва Искандар (Александр) Афродизий, исломият даври- да эса Абу Наср ва Абу Али (Ибн Сино)дир”. Абу Наср вафотидан сўнг 30 йил кейин Абу Али туғилган. Абу Али ўзини Абу Насрнинг шогирди эканлигини айтган. Ибн Сино ўзи ёзган таржимаи ҳолида “Арастунинг “Бадаъ-ат-Табиа” (“Метафизика”) асарини қирқ марта ўқиб, тушуниб бўлмас экан, деб афсусланганини, сўнг Абу Наср Форобийнинг “Арастунинг “Метафизика”си мақсадлари ҳақида” асарини ўқиб, кўзи равшан очилганини, Оллоҳга шукрона айтиб, кўп хайр-эҳсонлар қилганини ёзади. Ибн Синонинг ўзи ёзган ва шогирди Абдул-Воҳид Жузжоний давом эттирган таржимаи ҳоли фақат шу “Татимма” асарида бизгача етиб келган.

“Абу Насрнинг жуда кўп асарлари бўлиб, – деб ёзади З.Байҳақий, – кўпчилиги Шомда сақланиб қолган (ўша вақтда Туркистонга етиб келмаган). Булар: “Ал-Мухтасар фил-мантик”, “Китоб ал-Бурхон” (1-Аналитика), “Ароу аҳли мадинатул-фозила”, “Таълиқот” (“Талқин”, “Герменевтика”), “Шарҳи Уклидус”, “Шарҳи кутуб Арасту”, “Китоб ан-Нафс” (“Рух ва жон ҳақида”), Афлотуннинг “Тимей” асарига шарҳ”, “Китоб ат-Тафсир”, “Китоб фи-л-муסיқа” ва бошқалар. (Абу Наср Форобийнинг тўлиқ асарлари рўйхати атоқли шарқшунос Абдусодиқ Ирисов Маҳкам Маҳмудов билан ҳамкорликда нашр этган “Фозил одамлар шаҳри” тўпламида Абу Усайбия, Ибн Ҳалликон асарларидан олиб келтирилган).Камина (Заҳириддин Байҳақий) Рой шаҳрида нақиблар раисининг кутубхонасида Абу Наср Форобийнинг ўз қўли билан ёзган ва шогирди Яҳё ибн Одий қўли билан кўчирилган асарларини кўрганман”. “Ахлоқ-ул-ҳукамо” (“Ҳакимлар ахлоқи”) китобида ўқидимки, (бувай- хийлар салтанатининг вазири) Соҳиб Исмоил ибн Аббод (Шомга, Абу Наср Форобийга) жуда кўп совға-саломлар, тухфалар юбориб, Ройга келишни илтимос қилган). У “Ким аллома Абу Наср Форобийни менинг ҳузуримга бошлаб келса, ҳаддан зиёд эҳсонлар бераман!” деган. Аммо Абу Наср мол- дунё ва шон-шуҳратга қизиқмасди. Шу сабабли бир марта у атайлаб, жулдур кийимда, қўлида ўзи ясаган чолғу асбоби – уд билан Ройга келиб, давлатмандлар (вазирга яқин лаганбардорлар) базм қилиб ўтирган хонага кирди. Бу ерда ўткир сўз усталари, шўх ва енгилтак меҳмонлар Абу Наср Форобийга (жой ҳам кўрсатмай), у эшик тагида ўтирганида (таклифсиз келган бефаросат, саҳройи, жирканч одам деб) уни масхара қилдилар, сўзларини ҳам эшитмадилар.

ХУЛОСА

Аммо Абу Наср вазирнинг яқинлари базмида масхара ва ҳақоратларга чидаб, барчалари кўп шароб ичганидан маст-аласт бўлиб қолгунича ўтирди. Сўнг хуржунидан чолғу асбобини олиб, шундай куй чалдики, меҳмонлар донг қотиб ухлаб қолдилар. Абу Наср чолғунинг тахтасига “Бу ерга Абу Наср Форобий келди, сизлар уни масхара қилдинглар” деб ёзиб, чиқиб кетди. Шу кетишда Бағдодга етди. Соҳиб Аббод ва яқинлари хушларига келиб, камбағал меҳмонни масхара қилганларини эслаб, афсусландилар. Бир мутриб (созанда) удгаёзилган сўзларни кўрсатди. Вазир Абу Наср Форобий келиб-кетганини билгач, уни топиб келиш учун ортидан одам юборди. Аммо тополмадилар. Вазир Соҳиб Аббод бу воқеадан умр бўйи афсусланиб, ҳижолат бўлиб юрди. Камина (Захириддин Байҳақий) устозимдан (Қутбиддин Муҳаммад Марвозий) эшитган эдимки, Абу Наср (ёши етмишдан ошганида) Дамашқдан Асқалонга бораётган вақтида карвонга қароқчилар хужум қилган (карвон кичик, соқчилари оз бўлса керак), Абу Наср уларга отларимни, қуролларимни, буюмларимни олинглар ва йўлни очиб қўйинглар деди. Қароқчилар кўнмадилар. Абу Наср ва ҳамроҳлари отларидан тушиб, қиличлари билан жангга киришганлар. Карвон аҳлидан барча ҳалок бўлган (қароқчилардан ҳам бир қисми ўлган бўлса керак). Шом амири (Сайфуддавла) бу хабардан дахшатга тушиб, қароқчиларни тутиб, Абу Насрнинг қабри олдида барчасини салбга тортди”.

Айтишларича, Абу Наср Форобий исмли Самарқандлик шифокор ҳам бўлган, у файласуф эмас. Файласуф Муҳаммад Абу Наср Форобий айтар эди: “Фалсафани ўрганиш учун одам ёшлигидан билимларга чанқок, хушхулқли, яхши тарбия кўрган, Қуръонни, тил (адаб) ва шаръий (хайрли) илмларни ўрганиши, тирикчилик ташвишидан фориғ (холи, озод) бўлиши керак”. Абу Наср илм ва олимларни ҳурмат қилар, илмни бойлик, фойда ғарази билан эмас, беғараз ўрганиш керак, дер эди. Илмдан худбинлик мақсадида фойдаланувчилар ёлғончи, сохта файласуф бўладилар, чунки пул ва мол-дунё билан ёлғонни, сохталикни оқлаб бўлмайди. Дарахтнинг камолоти ширин мева беришда бўлганидек, инсон комиллиги гўзал хулқи биландир. Ўзини ҳаммадан баланд кўювчи (такаббур, нокамтар) одам камолотга эришолмайди. Аллома илмни ва унинг асосидаги донолик, ақлни бахтга эришишнинг асосий воситаси сифатида талқин этади; унингча, ақл ва фан ёрдамида шундай маънавийлик даражасига кўтарилиш мумкинки, бу маънавийлик авлодлар ўлиmidан кейин ҳам инсоният учун хизмат қилади.

REFERENCES

1. Форобий. Бахт-саодатга эришув ҳақида //Абу Наср Форобий. Рисолалар. – Т.: Фан, 1975. – Б. 64.
- 2.Форобий. Жисмлар ваакциденцияларниибтидоси ҳақида рисола //Абу Наср Форобий. Рисолалар. – Т.: Фан, 1975. – Б. 139.
- 3.Фролова Е. А. Арабская философия: Прошлое и настоящее. - М .: Языки славянских культур, 2010. - 464 с.
4. М.Н.Ҳасанов, А.А.Азимбаев, Ҳалилов Ў., & Каримов Б. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ШАХС МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ . JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS, 4(3), 147–153. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/new/article/view/629>
5. Рахимова, М. И., & Хасанов, М. Н. (2020). Роль среднеазиатской философии в развитии мировой и европейской науки. Вестник науки и образования, (4-1 (82)), 38-41.
6. Н. Ж. Назарова & М. Н. Ҳасанов (2022). ТАЛАБАЛАРДА БЎШ ВАҚТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 752-758.
7. Миршод Нўмонович Ҳасанов (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ БОСҚИЧИДА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТИВОР ВАЗИФАЛАРИ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 791-798.
8. М. Н. Ҳасанов, С. У. Бошмонов, & Т. О. Жонибеков (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИЛМ-ФАНЛАР ТАСНИФИДА АҲЛОҚИЙ ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 608-613

MAHSULOTLARNI EKSPORT QILISH UCHUN XALQARO BOZOR TANLASHDA DEANI QO'LLASH VA MAMLAKATIMIZDA EKSPORTNI YANADA OSHIRISH IMKONIYATLARI

Shohzod Xusan o'g'li Abdiquobilov

Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti magistranti

ANNOTATSIYA

Ushbu maqola mamlakatimizning eksport salohiyati hamda qilinishi lozim bo'lgan ishlar bilan bir qatorda xalqaro miqyosda qarorlar qabul qilishni qo'llab-quvvatlash uchun bozor tanlovini amalga oshirish. Buni amalga oshirish uchun biz chiqishga yo'naltirilgan ma'lumotlar konvertidan foydalanamiz tahlil (DEA) modeli. Metodologiya to'g'ridan-to'g'ri eksport qilinadigan barcha mahsulotlarga nisbatan qo'llaniladi. Shunindak, statistik ma'lumotlar asosida mamlakatimizda yanada eksportni oshirish imkoniyatlari o'rganilgan.

Kalit so'zlar: Eksport, DEA tahlili, samaradorlik, mahsulotlar, xalqaro bozor tanlovi, mamlakat, eksport salohiyat.

KIRISH

Mahsulotlarni eksport qilish uchun xalqaro bozor tanlash davlatning eng muhim oldiga quygan eng muhim vazifalaridan biri sanaladi. Shu o'rinda mamlakatimizda amalga oshirilayotgan tub islohatlar natijasi ularoq eksportni qo'llab-quvvatlashga doir bir nechta Prezidentimiz qaror va farmonlari qabul qilingan. Jumladan, "Sanoat kooperatsiyasini yanada rivojlantirish va talab yuqori bo'lgan mahsulotlar ishlab chiqarishni kengaytirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 1-maydagi PQ-4302-son qarori, "2021-yilda O'zbekiston Respublikasining eksport salohiyatini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 14-yanvardagi PQ-4949-son qarori va "Eksport faoliyatini yanada qo'llab-quvvatlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 7-maydagi PQ-4707-son qarorlari mamlakatimizda amalga oshirilayotgan tub o'zgarishlarning natijasidir. Shuning uchun xalqaro hamjamiyatda bunga davlatb yetarlicha e'tibor qaratadi deb aytishimiz mumkin. Buni aniqlashning eng samarali usullaridan biri esa DEA analiz(tahlil) sanaladi. Bunda mahsulotlarni eksport qilish uchun xalqaro bozor tanlash hamda g'oya natijalarga ta'sir qilmasdan ham tejamkorlikni, ham samaradorlikni kafolatlashdan iborat. Bir xil mahsuldorlik sifatini saqlab, qanday qilib yaxshiroq

tanlov qilishni keyinroq batafsil tuxtalaman. Ayniqsa, bu nafaqat yondashuvlar va usullar haqida emas, balki miqdoriy o'zgaruvchilar haqida gap ketganda inson tomonidan talqin qilinishi mumkin bo'lgan jarayon[1].

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Samaradorlik - bu chiqish (Y) va kirish (X) o'rtasidagi nisbat, masalan:

$$\text{Samaradorlik} = Y / X$$

Transliteratsiyada qoʻllanilgan soʻzlar asli maʼnoli boʻlganligi uchun odamlar koʻpincha transliteratsiyada qoʻllanilgan soʻzlarning maʼnosiga koʻra izohlaydilar yoki kengaytmasi bilan ishlatadilar. ("Late Life Zhang Shen's House", "Writer's Digest", 6-nashr, 2006 yil 29 sentyabr)

布尔什维多“Bolshevik” transliteratsiya qilingan soʻz boʻlib, unda har bir boʻgʻin mustaqil maʼnoga ega boʻlmay, transliteratsiya birikmasida har bir soʻzning asl maʼnosi yoʻq qilinadi. Aslida, aslida shunchaki yozib olingan tovushlar boʻlgan boʻgʻinlar ham “maʼnoli” boʻlib, natijada ifodalar hosil boʻladi. Masalan, 三明治 sendvich (San Mingzhi, bu yerda “uch” soʻzi butunlay transliteratsiya qilingan. Xaltadagi uchta "sendvich" deb

nomlanadi, shuning uchun ba'zi odamlar ikki qatlam non solingan sendvichni "sendvich" deb atashni, Daniya uslubidagi nonning ustiga sabzavot solinganni "sendvich" deb atashni taklif qilishadi

MUHOKAMA

Transliteratsiya qilingan so'zning haqiqiy ma'nosiga hech qanday aloqasi yo'q. Luo Changpei (1989, 29-bet)

Luo Shi fikricha, "Xitoy tilida o'zlashma transliteratsiya bilan adashdi" , "sof transliteratsiya", "tovush va ma'no" va "tovush ortiqcha ma'no" bilan yonma-yon qo'yadi. Ba'zi "Coca-Cola (Coca cola), Esperanto (Esperanto)" so'zlari ham xuddi shunday tabiat va "omonimik talqin" ga tegishli. Bir so'z bilan aytganda, tovush o'rnini bosish orqali boshqa tillardan o'zlashtirilgan so'zlarni tovush o'rnini bosish uchun ishlatiladigan so'zning ma'nosi va so'z ma'nolari birikmasining umumiy ma'nosi bo'lmasa, "tovush ma'nosi" deb hisoblab bo'lmaydi. Bunda transliteratsiya qilinyotgan so'z tovush hisobiga kirib kelayotganida unga aynan uxshash ma'no beruvchi xitoy ierogliflarini tanlay olish muhim.

So'zning chet tilidagi asl ma'nosiga hech qanday aloqasi yo'q. Shi Yuvey (2000, 105-bet) bunday so'zlarni "omonimik tarjimalar", Yang Xiyang (2003, 69-bet) esa "omonimik talqinlar" deb ataydi. "Omonim tarjima" yoki "omonimik talqin" bo'ladimi, o'zlashtirilgan so'zlarning barchasi transliteratsiya qilingan so'zlardir.

XULOSA

Transliteratsiya tilshunoslikning ayniqsa, zamonaviy tilshunoslikning asosiy tarjima uslublaridan biri hisoblanadi. O'zbek tili jahon tillari bilan birgalikda rivojlanish, ilmiy darajasini saqlay olishi uchun ham tilshunoslikda transliteratsiya doim o'rganish shuningdek, o'zlashtirishimiz lozim bo'lgan yo'nalish bo'lib, o'z dolzarbligini yo'qotmaydi. Shu sabab, bu mavzu yosh olimlarining tomonidan chuqur va mukammal o'rganilishni talab etadi. O'zlashma so'zlarni tushunish va to'g'ri talqin etish, davlatlaro munosabatlarning ijobiy hal qilinishida, xalqlar o'rtasidagi aloqalarni rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Aslida, bunday sa'y –harakatlar o'zbek tilining sofligini saqlash, uning asl tabiatini qayta tiklashga qaratilganligi bilan ajralib turadi. (Hamidulla Dadaboyev. O'zbek terminologiyasi Toshkent- 2019)

REFERENCES

- 1.S.Hashimova S.Nosirova 现代汉语语法
- 2 S.Hashimova Xitoy tilida so'z yasalishi汉语构词法



3. Hamidulla Dadaboyev. O'zbek terminologiyasi Toshkent- 2019
 4. Qudrat Musayev. Tarjima nazariyasi asoslari Fan-2005
 5. Гольгина К.И. Теория изящной словесности в Китае XIX – начало XX в. М., «Наука», 1971.
 6. «Избранные произведения китайских мыслителей нового времени» М., Изд-во АН СССР, 1961.
 7. Петров Н.А. Новая и новейшая литература Китая. В сб.: «Китай». М. – Л., Изд-во АН СССР, 1940.
 8. Семанов В.И. Эволюция китайского романа (конец XVIII – начало XX в.). М., «Наука», 1970.
 9. Фишман О.Л. Китайский сатирический роман. (Эпоха Просвещения). М., «Наука», 1966.
 10. Астрахан Е. Б. Формирование лексики путунхуа: (Проблемы диалектных источников лексики национального языка): Канддис. ... филол. наук. — М., 1980.
- Работы расположены в порядке букв китайского алфавита.
11. Горелов В. И. Стилистическая лексикология. кн.: «Стилистика современного китайского языка». — М.: 1979.
 12. Горелов В. И. О лексической синонимии в китайском языке. Сб. «Вопросы лексической и грамматической семантики». М., 1983.
 13. Захаров В. П. Односложные слова в китайской речи. — Труды института. Сер. «Иностранные языки», 1979, № 15.
 14. Иванов В. В. Терминология и заимствования в современном китайском языке. 1973.

BA'ZI PARAMETRGA BOG'LIQ INTEGRALLARNI HISOBLASH

Usmon Sobirov

Urganch davlat universiteti "Matematik tahlil" kafedrasida o'qituvchisi

Sobirjon Hayitboyev

Urganch davlat universiteti "Matematik tahlil" kafedrasida o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada parametrga bog'liq integrallarning xossaligidan foydalanib, ba'zi parametrga bog'liq integrallarni hisoblash o'rganilgan.

Kalit so'zlar: parametr, uzluksizlik, differensiallash, Aniq integral, tekis yaqinlashuvchilik.

ABSTRACT

In this article, using the properties of parameter-dependent integrals, the calculation of some parameter-dependent integrals is studied.

Keywords: parameter, continuity, differentiation, Exact integral, smooth convergence.

Bizga $f(x, y)$ funksiya R^2 fazodagi biror

$$M = \{(x, y) \in R^2 : a \leq x \leq b, c \leq y \leq d\}$$

to'plamda berilgan bo'lsin. y o'zgaruvchining $[c, d]$ to'plamdan olingan har bir tayinlangan qiymatida $f(x, y)$ funksiya x o'zgaruvchisi bo'yicha $[a, b]$ oraliqda integrallanuvchi, ya'ni

$$\int_a^b f(x, y) dx$$

integral mavjud bo'lsin. Bu integral y o'zgaruvchining $[c, d]$ to'plamdan olingan qiymatiga bog'liq bo'ladi:

$$I(y) = \int_a^b f(x, y) dx \quad (1)$$

Odatda (1) integral parametrga bog'liq integral deb ataladi, y o'zgaruvchi esa parametr deyiladi.

1-teorema. Agar $f(x, y)$ funksiya M to'plamda uzluksiz bo'lsa,

$$I(y) = \int_a^b f(x, y) dx$$

integral mavjud bo'ladi.

2-teorema. Agar $f(x, y)$ funksiya M to'plamda uzluksiz bo'lsa,

$$I(y) = \int_a^b f(x, y) dx \text{ integral } y \text{ bo'yicha uzluksiz bo'ladi.}$$

3-teorema (Leybnits qoidasi).

- 1) $f(x, y)$ funksiya M to'plamda aniqlangan va uzluksiz;
- 2) M da $f'_y(x, y)$ mavjud va u ham uzluksiz.

U holda $[c, d]$ da uzluksiz

$$I'(y) = \int_a^b f'_y(x, y) dx$$

mavjud.

4-teorema (Parametr bo'yicha integrallash).

$M = \{(x, y) \in \mathbb{R}^2 : a \leq x \leq b, c \leq y \leq d\}$ to'plamda uzluksiz $f(x, y)$ funksiya uchun

$$\int_c^d dy \int_a^b f(x, y) dx = \int_c^d I(y) dy = \int_a^b dx \int_c^d f(x, y) dy \text{ tenglik o'rinli.}$$

5-teorema.

- 1) $f(x, y)$ funksiya $M_1 = \{(x, y) \in \mathbb{R}^2 : a \leq x \leq b, c \leq y \leq d\}$ to'plamda aniqlangan va uzluksiz;
- 2) $f'_y(x, y)$ hosila M_1 to'plamda uzluksiz;
- 3) $I(y) = \int_a^b f(x, y) dx$ $[c, d]$ da yaqinlashuvchi;
- 4) $\int_a^b f'_y(x, y) dx$ $[c, d]$ da tekis yaqinlashuvchi.

U holda uzluksiz $I'(y) = \int_a^b f'_y(x, y) dx$ mavjud.

6-teorema. $M = \{(x, y) \in \mathbb{R}^2 : a \leq x \leq b, c \leq y \leq d\}$ to'plamda uzluksiz $f(x, y)$

funksiya uchun $F(x) = \int_c^d g(y) f(x, y) dy$ tenglik bilan aniqlangan

$F(x)$ funksiya $[a, b]$ kesmada integrallanuvchi bo'lib,

$$\int_a^b F(x)dx = \int_c^d g(y)dy \int_a^b f(x, y)dx$$

tenglik o‘rinli. Bu yerda g funksiyani $[c, d]$ da integrallanuvchi deb faraz qilamiz.

1-misol. $I(\alpha) = \int_0^{\frac{\pi}{2}} \ln(\sin^2 x + \alpha^2 \cos^2 x)dx$, ($\alpha > 0$) integralni hisoblang.

Yechish. Ma’lumki,

$$I(1) = \int_0^{\frac{\pi}{2}} \ln(\sin^2 x + \cos^2 x)dx = \int_0^{\frac{\pi}{2}} \ln 1 dx = 0.$$

Bu yerda $f(x, \alpha) = \ln(\sin^2 x + \alpha^2 \cos^2 x)$ va $f'_\alpha(x, \alpha) = \frac{2\alpha \cos^2 x}{\sin^2 x + \alpha^2 \cos^2 x}$

funksiyalar barcha $x \in [0, \frac{\pi}{2}]$ larda va $\alpha > 0$ da uzluksiz. U holda Leybnits qoidasiga ko‘ra

$$I'(\alpha) = \int_0^{\frac{\pi}{2}} \frac{2\alpha \cos^2 x}{\sin^2 x + \alpha^2 \cos^2 x} dx$$

mavjud. $\alpha \neq 1$ da $t = \operatorname{tg} x$ almashtirish bajaramiz.

$$t = \operatorname{tg} x, x = \operatorname{arctg} t, dx = \frac{1}{1+t^2} dt, 0 \leq x \leq \frac{\pi}{2}, 0 \leq t < +\infty, \text{ u holda}$$

$$\begin{aligned} I'(\alpha) &= 2\alpha \int_0^{+\infty} \frac{dt}{(t^2+1)(t^2+\alpha^2)} = \frac{2\alpha}{\alpha^2-1} \int_0^{+\infty} \left(\frac{1}{t^2+1} - \frac{1}{t^2+\alpha^2} \right) dt = \\ &= \lim_{A \rightarrow +\infty} \frac{2\alpha}{\alpha^2-1} \left(\operatorname{arctg} t - \operatorname{arctg} \frac{t}{\alpha} \right) \Big|_0^A = \frac{\pi}{\alpha+1}. \end{aligned}$$

Bu yerdan $I(\alpha) = \int \frac{\pi}{\alpha+1} d\alpha = \pi \ln(\alpha+1) + C$.

$I(\alpha)$ funksiya $\alpha > 0$ da uzluksiz va $I(1) = 0$, u holda $I(1) = \pi \ln(1+1) + C$, bu yerdan $C = -\pi \ln 2$ bo‘lishi kelib chiqadi. Natijada $I(\alpha) = \pi(\ln(\alpha+1) - \ln 2)$ bo‘lishini topamiz.

2-misol. $I(\alpha) = \int_0^1 \frac{dx}{x^2 + \alpha^2}$, $\alpha > 0$ integralni parametr bo'yicha

differensiallashdan foydalanib, ushbu $\int_0^1 \frac{dx}{(x^2 + \alpha^2)^2}$ integralni hisoblang.

Yechish. Ma'lumki, Bu yerda integralni parametr bo'yicha differensiallash va uzluksizligining barcha shartlari bajariladi, chunki $f(x, \alpha) = \frac{1}{x^2 + \alpha^2}$ va

$f'(x, \alpha) = \frac{-2\alpha}{(x^2 + \alpha^2)^2}$ funksiyalar $\alpha > 0$ va barcha $x \in [0, 1]$ da uzluksiz. U holda

$$I(\alpha) = \int_0^1 \frac{dx}{x^2 + \alpha^2} = \frac{1}{\alpha} \operatorname{arctg} \frac{x}{\alpha} \Big|_0^1 = \frac{\operatorname{arctg} \frac{1}{\alpha}}{\alpha}.$$

Endi $I'(\alpha)$ ni topamiz:

$$I'(\alpha) = \left(\frac{\operatorname{arctg} \frac{1}{\alpha}}{\alpha} \right)' = -\frac{\alpha + (1 + \alpha^2) \operatorname{arctg} \frac{1}{\alpha}}{\alpha^2 (1 + \alpha^2)}.$$

U holda

$$I(\alpha) = \int_0^1 \frac{dx}{(x^2 + \alpha^2)^2} = -\frac{1}{2\alpha} \int_0^1 \left(\frac{1}{x^2 + \alpha^2} \right)' dx = -\frac{I'(\alpha)}{2\alpha} = \frac{\alpha + (1 + \alpha^2) \operatorname{arctg} \frac{1}{\alpha}}{2\alpha^3 (1 + \alpha^2)}$$

tenglik o'rinli bo'ladi. Demak,

$$I(\alpha) = \frac{\alpha + (1 + \alpha^2) \operatorname{arctg} \frac{1}{\alpha}}{2\alpha^3 (1 + \alpha^2)}$$

bo'ladi.

3-misol. $I = \int_0^1 \frac{x^d - x^c}{\ln x} dx$ integralni hisoblang.

Yechish. $f(x, y) = x^y$ funksiyani qaraymiz. Bu funksiya

$$M_1 = \{(x, y) \in \mathbb{R}^2 : 0 \leq x \leq 1, c \leq y \leq d\}$$

to'plamda uzluksiz. 4-teoremaga ko'ra, ushbu integralda integrallash tartibini (parametr bo'yicha integrallash) almashtirish mumkin.

$$\int_c^d \left(\int_0^1 x^y dx \right) dy = \int_0^1 \left(\int_c^d x^y dy \right) dx = I,$$

$$\int_c^d x^y dy = \frac{x^y}{\ln x} \Big|_c^d = \frac{x^d - x^c}{\ln x}.$$

Lekin, $\int_0^1 x^y dx = \frac{x^{y+1}}{y+1} \Big|_0^1 = \frac{1}{1+y}$. Shuning uchun

$$\int_x^d \left(\int_0^1 x^y dx \right) dy = \int_c^d \frac{1}{1+y} dy = \ln(1+y) \Big|_c^d = \ln \frac{1+d}{1+c}.$$

4-misol. $I(\alpha) = \int_0^1 \frac{\arctg(\alpha x)}{x\sqrt{1-x^2}} dx$ ni hisoblang.

Yechish. Bu yerda $f(x, \alpha) = \frac{\arctg(\alpha x)}{x\sqrt{1-x^2}}$ va $f'_\alpha(x, \alpha) = \frac{1}{(1+\alpha^2 x^2)\sqrt{1-x^2}}$ lar

$M = \{(x, \alpha) \in \mathbb{R}^2 : 0 \leq x \leq 1, -\infty < \alpha < +\infty\}$ da uzluksiz. Shuningdek,

$$\left| f'_\alpha(x, \alpha) \right| = \left| \frac{1}{(1+\alpha^2 x^2)\sqrt{1-x^2}} \right| \leq \frac{1}{\sqrt{1-x^2}}$$

va $\int_0^1 \frac{dx}{\sqrt{1-x^2}}$ integral yaqinlashuvchi. Chunki,

$$\int_0^1 \frac{dx}{\sqrt{1-x^2}} = \lim_{A \rightarrow 1-0} \int_0^A \frac{dx}{\sqrt{1-x^2}} = - \lim_{A \rightarrow 1-0} 2(1-x)^{\frac{1}{2}} \Big|_0^A = - \lim_{A \rightarrow 1-0} \left(2(1-A)^{\frac{1}{2}} - 2 \right) = 2$$

U holda Veyershtrass alomatiga ko'ra $\int_0^1 f'_\alpha(x, \alpha) dx$ integralning $(-\infty, \infty)$ da tekis yaqinlashuvchi bo'lishi kelib chiqadi va 5-teoremaga ko'ra

$$I'(\alpha) = \int_0^1 f'_\alpha(x, \alpha) dx = \int_0^1 \frac{dx}{(1+\alpha^2 x^2)\sqrt{1-x^2}}$$

bo'ladi. Oxirgi integralda $x = \sin t$ almashtirish bajaramiz. U holda

$$\int_0^1 \frac{dx}{(1+\alpha^2 x^2)\sqrt{1-x^2}} = \int_0^{\frac{\pi}{2}} \frac{dt}{1+\alpha^2 \sin^2 t}.$$

$u = ctgt$ almashtirish bajaramiz, u holda

$$\int_0^{\frac{\pi}{2}} \frac{dt}{1 + \alpha^2 \sin^2 t} = \int_0^{\infty} \frac{du}{1 + \alpha^2 + u^2},$$

chunki, $du = -\frac{dt}{\sin^2 t}$, $0 \leq t \leq \frac{\pi}{2}$, $0 \leq u < +\infty$. Lekin,

$$\int_0^{+\infty} \frac{du}{1 + \alpha^2 + u^2} = \int_0^{+\infty} \frac{du}{a^2 + u^2} = \frac{1}{a} \operatorname{arctg} \frac{u}{a} \Big|_0^{+\infty} = \frac{\pi}{2a},$$

bu yerda $a^2 = (\sqrt{1 + \alpha^2})^2$. Bu yerdan $I'(\alpha) = \frac{\pi}{2\sqrt{1 + \alpha^2}}$ va $I(\alpha) = \int \frac{\pi d\alpha}{2\sqrt{1 + \alpha^2}} + C$.

$$I(\alpha) = \frac{\pi}{2} \ln(\alpha + \sqrt{1 + \alpha^2}) + C, \quad I(0) = 0, \quad 0 = \ln 1 + C, \quad C = 0.$$

$$I(\alpha) = \int_0^1 \frac{\operatorname{arctg}(\alpha x)}{x\sqrt{1-x^2}} dx = \frac{\pi}{2} \ln(\alpha + \sqrt{1 + \alpha^2}).$$

5-misol. Ushbu $I = \int_0^{\frac{\pi}{2}} \frac{(x \cos x - 1)(\cos x - x \sin x)}{\ln(x \cos x)} dx$ integralni hisoblang.

Yechish. Yordamchi

$$\Phi(x) = \int_0^1 (x \cos x)^t dt = \frac{(x \cos x)^t}{\ln(x \cos x)} \Big|_0^1 = \frac{x \cos x - 1}{\ln(x \cos x)}$$

interalni kiritaylik.

6-teoremaga ko'ra,

$$I = \int_0^{\frac{\pi}{2}} F(x)(\cos x - x \sin x) dx = \int_0^{\frac{\pi}{2}} dx \int_0^1 (x \cos x)^t \cdot (\cos x - x \sin x) dt.$$

Agar

$$\int_0^{\frac{\pi}{2}} (x \cos x)^t \cdot (\cos x - x \sin x) dx = \int_0^{\frac{\pi}{2}} (x \cos x)^t d(x \cos x) = \frac{(x \cos x)^{t+1}}{t+1} \Big|_0^{\frac{\pi}{2}} = 0$$

ekanini hisobga olsak, berilgan integral

$$I = \int_0^1 0 dt = 0$$

tenglikka ega bo'lamiz.

Mustaqil yechish uchun misollar.

1. $a, b > 0$ uchun $\frac{x^b - x^a}{\ln x} = \int_a^b x^y dy$ dan foydalanib,

$$I = \int_0^1 \sin\left(\ln \frac{1}{x}\right) \frac{x^b - x^a}{\ln x} dx$$

Integralni hisoblang.

2. Integralni parametrlar bo'yicha differensiallashdan foydalanib hisobang.

$$\int_0^{+\infty} \frac{e^{-ax} - e^{-bx}}{x} \cos mx dx$$

3. Ushbu

$$I = \int_0^{\frac{\pi}{2}} \frac{\sin^3 x}{\ln \cos x} dx$$

xosmas integralni hisoblang.

4. Parametrlar bo'yicha differensiallashdan foydalanib, ushbu integralni hisoblang.

$$J(a, b) = \int_0^{\frac{\pi}{2}} \ln(a \sin^2 x + b^2 \cos^2 x) dx, a, b > 0.$$

5. Integralni hisoblang. $J = \int_0^1 \cos\left(\ln \frac{1}{x}\right) \frac{x^b - x^a}{\ln x} dx$

REFERENCES

1. Кудрявцев Л.Д. Курс математического анализа: в 2 т. – М.: Высшая школа, 1981. – Т.1.
2. Кудрявцев Л.Д. Курс математического анализа: в 2 т. – М.: Высшая школа, 1981. – Т.2.
3. Худайберганов Г., Vorisov A. K., Mansurov X. T., Shoimqulov B. A. Matematik nalizdan ma'ruzalar, II q. T. "Voris-nashriyot", 2010.
4. Alimov SH, O., Ashurov R.R. Matematik tahlil, 2 q.T. "Turon-Iqbol", 2017.

UCHBURCHAK MAVZUSIGA OID BA'ZI OLIMPIADA MASALALARNING YECHIMLARI

Gulrabo Komiljanovna Xudaybergenova

Urganch davlat universiteti Fizika-matematika fakulteti “Matematik tahlil” kafedrası
o’qituvchisi

Yulduz Jumanazar qizi Ruzimova

Urganch davlat universiteti Fizika-matematika fakulteti “Matematik tahlil” kafedrası
o’qituvchisi

Hamdam Ergash o'g'li Yakubov

Urganch davlat universiteti Fizika-matematika fakulteti “Amaliy matematika va
matematik fizika” kafedrası o’qituvchisi

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada ko’p uchraydigan uchburchak mavzusiga oid ba’zi olimpiada masalalarning yechimlari keltirilgan. Bular orqali o’quvchi olimpiada masalalarini bir xil usulda emas balki, boshqacha kreativ fikrlash orqali ham yechishi mumkinligini o’rganadi.

Kalit so’zlar: Uchburchak, tengsizlik, isbot, kosinuslar teoremasi, perimetri, bissektrisa, burchak.

ABSTRACT

This article provides solutions to some Olympic problems in analytic geometry (triangles). Having familiarized themselves with the solutions to these Olympic problems, students master various methods of solving, as well as develop creative thinking.

Keywords: Triangle, inequality, proof, theorem of cosines, perimeter, bisector, angle.

KIRISH


Ushbu maqola olimpiadada ishtirok etish va g'olib bo'lish istagidagi iqtidorli talabalar uchun yaratilgan. Maqola mustaqil o'rganuvchilar uchun qulay bo'lib, undagi ko'pgina masalalarning yechimlari bilan berilgan.

Maqola orqali bilimingizni boyitib, uchburchak mavzusiga oid masalalarni osongina yecha olsangiz, olimpiadalarda g'olib bo'lsangiz, bundan xursandmiz.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

1. ABC uchburchakning AB tomoniga teng tomonli ABC_1 uchburchak shunday yasalganki, uning C va C_1 uchlari AB to'g'ri chiziqning bir tomonida joylashgan. Ushbu $|CC_1| = \frac{1}{2}(a^2 + b^2 + c^2) - 2\sqrt{3}S$ tenglikni isbotlang. Bu yerda a, b, c - uchburchak tomonlari va S - uchburchak yuzasi.

ISBOT. α orqali $\angle CAC_1$ ni belgilaylik. U holda $S_{ABC} = \frac{bc \sin(60^\circ + \alpha)}{2}$ ekanidan va ΔACC_1 da kosinuslar teoremasiga ko'ra:




$$\begin{aligned} |CC_1|^2 &= b^2 + c^2 - 2bc \cos \alpha = b^2 + c^2 - 2bc \cos(60^\circ + \alpha - 60^\circ) = \\ &= b^2 + c^2 - 2bc \left(\cos 60^\circ \cdot \cos(60^\circ + \alpha) + \sin 60^\circ \cdot \sin(60^\circ + \alpha) \right) = \\ &= b^2 + c^2 - 2bc \left(\frac{1}{2} \cos(60^\circ + \alpha) + \frac{\sqrt{3}}{2} \sin(60^\circ + \alpha) \right) = \\ &= b^2 + c^2 - \frac{2bc \cos(60^\circ + \alpha)}{2} - \frac{2\sqrt{3}bc \sin(60^\circ + \alpha)}{2} = \\ &= \frac{2b^2 + 2c^2 - 2bc \cos(60^\circ + \alpha)}{2} - 2\sqrt{3}S = \\ &= \frac{b^2 + c^2 + b^2 + c^2 - 2bc \cos(60^\circ + \alpha)}{2} - 2\sqrt{3}S = \frac{a^2 + b^2 + c^2}{2} - 2\sqrt{3}S \end{aligned}$$

Demak, $|CC_1|^2 = \frac{a^2 + b^2 + c^2}{2} - 2\sqrt{3}S$. Isbot tugadi.

2. ABC uchburchakning BD balandligi ($BD = 24$) AC tomonni A uchidan boshlab hisoblaganda 3:8 nisbatda bo'ladi. Shu balandlikka parallel va uchburchak yuzini teng ikkiga bo'luvchi kesma uzunligini toping.

YECHISH: Qulaylik uchun $AD = 3x$ va $DC = 8x$ deb belgilab olamiz.



U holda $S_{ABC} = \frac{1}{2} \cdot 11x \cdot 24 = 132x$, $S_{ABD} = \frac{1}{2} \cdot 3x \cdot 24 = 36x$ ekanligini

topish mumkin. Shartga ko'ra $S_{EFC} = \frac{S_{ABC}}{2} = \frac{132x}{2} = 66x$, bundan

$S_{BEFD} = 66x - 36x = 30x$ va $S_{BDC} = 66x + 30x = 96x$ ekanligi kelib chiqadi.

Bundan tashqari $\triangle BDC$ va $\triangle EFC$ lar o'xshash ekanligidan:

$$\frac{S_{BDC}}{S_{EFC}} = \left(\frac{BD}{EF}\right)^2 \Rightarrow \frac{96x}{66x} = \left(\frac{24}{EF}\right)^2 \Rightarrow EF = 24 \cdot \sqrt{\frac{66}{96}} = 6\sqrt{11} \text{ ekani kelib chiqadi.}$$

Javob: $6\sqrt{11}$

3. Ixtiyoriy ABC uchburchak uchun $h_a \leq \sqrt{p(p-a)}$ tengsizlikni isbotlang.

Bu yerda h_a -uchburchakning $BC = a$ tomoniga tushirilgan balandligi, p -yarim perimetri.

ISBOT. Nomanfiy bo'lgan x va y sonlari uchun ushbu

$$(\sqrt{x} - \sqrt{y})^2 \geq 0 \Rightarrow \sqrt{xy} \leq \frac{x+y}{2} \text{ tengsizlikning o'rinli ekanidan}$$


va uchburchakning balandligini topish formulasidan foydalanamiz:

$$\begin{aligned} h_a &= \frac{2}{a} \sqrt{p(p-a)(p-b)(p-c)} = \frac{2}{a} \sqrt{p(p-a)} \cdot \sqrt{(p-b)(p-c)} \leq \\ &\leq \frac{2}{a} \sqrt{p(p-a)} \cdot \frac{p-b+p-c}{2} = \frac{2}{a} \sqrt{p(p-a)} \cdot \frac{2p-b-c}{2} = \\ &= \frac{2}{a} \sqrt{p(p-a)} \cdot \frac{a+b+c-b-c}{2} = \frac{2}{a} \sqrt{p(p-a)} \cdot \frac{a}{2} = \sqrt{p(p-a)}. \end{aligned}$$

Bundan $h_a \leq \sqrt{p(p-a)}$ tengsizlikka ega bo‘lamiz. Tengsizlikda tenglik sharti $a = b = c$ bo‘lganda ya’ni, muntazam uchburchakda bajariladi. Shuni isbotlash talab qilingan edi. Isbot tugadi.

4. ABC uchburchakning ichidagi M nuqta qanday joylashganda $\frac{a}{x} + \frac{b}{y} + \frac{c}{z} = \frac{a+b+c}{r}$ tenglik o‘rinli bo‘ladi? Bu yerda a, b, c -uchburchakning tomonlari, x, y, z -mos ravishda M nuqtadan BC, AC, AB tomonlargacha bo‘lgan masofalar.

YECHISH. Quyidagi chizmadan foydalanamiz:



$$S_{AMB} = \frac{1}{2} cz, \quad S_{AMC} = \frac{1}{2} by, \quad S_{CMB} = \frac{1}{2} ax \quad \text{va} \quad S_{ABC} = \frac{1}{2} ah_a = \frac{1}{2} bh_b = \frac{1}{2} ch_c$$

ekani ma’lum. Bundan $\frac{x}{h_a} + \frac{y}{h_b} + \frac{z}{h_c} = \frac{S_{AMB} + S_{AMC} + S_{CMB}}{S_{ABC}} = 1$ ekanligi kelib chiqadi.

$$\text{U holda} \quad \frac{a}{x} + \frac{b}{y} + \frac{c}{z} = \left(\frac{a}{x} + \frac{b}{y} + \frac{c}{z} \right) \left(\frac{x}{h_a} + \frac{y}{h_b} + \frac{z}{h_c} \right) \quad \text{ko‘paytmaga Koshi-}$$

Bunyakovskiy tengsizligini qo‘llaymiz:

$$\frac{a}{x} + \frac{b}{y} + \frac{c}{z} = \left(\frac{a}{x} + \frac{b}{y} + \frac{c}{z} \right) \left(\frac{x}{h_a} + \frac{y}{h_b} + \frac{z}{h_c} \right) \geq \left(\sqrt{\frac{a}{h_a}} + \sqrt{\frac{b}{h_b}} + \sqrt{\frac{c}{h_c}} \right)^2 =$$

$$= \left(\frac{a}{\sqrt{2S}} + \frac{b}{\sqrt{2S}} + \frac{c}{\sqrt{2S}} \right)^2 = \frac{(a+b+c)^2}{2S} = \frac{(a+b+c)^2}{2 \cdot \frac{1}{2}(a+b+c)r} = \frac{a+b+c}{r}$$

Koshi-Bunyakovskiy tengsizligida tenglik sharti

$$\frac{\frac{a}{x}}{\frac{h_a}{h_a}} = \frac{\frac{b}{y}}{\frac{h_b}{h_b}} = \frac{\frac{c}{z}}{\frac{h_c}{h_c}} \Rightarrow \frac{ah_a}{x^2} = \frac{bh_b}{y^2} = \frac{ch_c}{z^2} \Rightarrow x = y = z = r \quad \text{bo'lganda bajariladi. U}$$

holda M nuqta uchburchakning bissektrisalari kesishgan nuqtasi ekanini topamiz.

Javob: Uchburchakning bissektrisalari kesishgan nuqtada joylashganda.

Mustaqil ishlash uchun misol va masalalar

5. Agar uchburchakda $36S^2 = (a^2 + b^2 + c^2)(h_a^2 + h_b^2 + h_c^2)$ tenglik o'rinli bo'lsa, uning burchaklarini toping. Bu yerda a, b, c -uchburchakning tomonlari, h_a, h_b, h_c -mos ravishda shu tomonlarga tushirilgan balandliklar, S -uchburchakning yuzi.

6. Teng yonli uchburchakning yon tomoniga o'tkazilgan bissektrisa yon tomonni uchidan boshlab AK va KC kesmalarga ajratadi. Agar $AK + BK = BC$ tenglik o'rinli bo'lsa, uchburchakning burchaklarini toping.

7. O'tkir burchakli ABC uchburchakka ichki va tashqi chizilgan aylana radiuslari mos r va R ga teng bo'lib, $\angle BAC = \alpha$ bo'lsa, uchburchakning yuzini toping.

8. Agar ABC uchburchakka tashqi chizilgan aylana markazi O va bu uchburchak medianalari kesishgan nuqtasi M bo'lsa, ushbu

$$\overrightarrow{OM} = \frac{1}{3}(\overrightarrow{OA} + \overrightarrow{OB} + \overrightarrow{OC}) \quad \text{tenglikni isbotlang.}$$

9. ABC uchburchakning ichida ixtiyoriy M nuqta olingan va bu nuqtadan AM, BM, CM to'g'ri chiziqlar o'tkazilgan. Bu to'g'ri chiziqlar uchburchak tomonlarini, mos ravishda A_1, B_1, C_1 nuqtalarda kesib o'tadi. Quyidagi tengsizlikni isbotlang:

$$\frac{AM}{A_1M} + \frac{BM}{B_1M} + \frac{CM}{C_1M} \geq 6$$

10. ABC uchburchakda $AB = c, BC = a, AC = b$ va

$\angle A = 30^\circ, \angle B = 50^\circ$ bo'lsa, a ni b va c orqali ifodalang.

REFERENCES

1. B. Kamolov, N. Kamalov. "Matematikadan bilimlar bellashuvi va olimpiada masalalari". Urganch, 2018.
2. R. Madrahimov, N. Kamalov, B. Yusupov, S. Bekmetova. "Talabalar matematika olimpiadasi masalalari". Urganch, 2014.
3. R. Madrahimov, J. Abdullayev, N. Kamalov. "Masala qanday yechiladi?". Urganch, 2013.
4. Олимбаев Т.Ф., Камолов Н. МАТЕМАТИКАДАН СИРТҚИ ОЛИМПИАДА МАСАЛАЛАРИ мавзусидаги услубий қўлланма 210 бет. УРГАНЧ 2020.



HAJMLARNI VA YUZALARNI HISOBLASH UCHUN BITTA UNIVERSAL FORMULA HAQIDA

Temur Rustabekovich Madraximov

Urganch davlat universiteti Fizika-matematika fakulteti “Matematik tahlil” kafedrası
o’qituvchisi

Islombek Farhodovich To'raxonov

Urganch davlat universiteti Fizika-matematika fakulteti “Matematik tahlil” kafedrası
o’qituvchisi

Shahzod Shuxrat o'g'li Fayzullayev

Urganch davlat universiteti Fizika-matematika fakulteti “Matematik tahlil” kafedrası
o’qituvchisi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada fazoviy jismlar hajmini va tekislikda ba’zi ko’pburchaklarni yuzini hisoblashda Simpson formulasining tatbiqlari ochib berilgan.

Kalit so’zlar: Simpson formulasi, fazoviy jism, prizma, silindr, konus, piramida, kesik konus, kesik piramida, shar, parallelogram, uchburchak, trapetsiya.

ABSTRACT

This paper describes the application of the Simpson formula in calculating the volume of spatial objects and the faces some polygons in a plane

Keywords: Simpson’s formula, spatial body, prism, cylinder, cone, pyramid, truncated cone, truncated pyramid, sphere, parallelogram, triangle, trapezoid.

KIRISH

Geometriyani o’qitishdan maqsad-tekislikdagi va fazodagi shakllarning xossalari sistemali ravishda o’rgatish va bu xossalarni hisoblash yo’li bilan yechiladigan hamda konstruktiv xarakterdagi masalalarni yechishda qo’llanish yo’li bilan o’quvchining fazoviy tasavvurlarini, mantiqiy tafakkurlarini rivojlantirish, hosil qilingan bilimlarni yer ustidagi o’lchashda, har xil qurilmalarni sirtlarini va hajmlarini aniqlashda va shuning kabi amaliy ishlarni bajarishda foydalanishni o’rgatishdir.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Sistemali ravishda masalalar yechib borish nazariyani ongli va puxta o'zlashtirishga yordam beradi, uning amaliy qiymatini ko'rsatadi, shu bilan birga masala yechish o'quvchini mantiqiy tafakkurini, ijodiy tashabbuskorliklarini, faxm-farosatlarini, tarbiyalaydi hamda ularga bir qancha zarur amaliy mahorat va malakalar beradi.

Biz geometriyadan masalalar yechish jarayonida ko'plab fazoviy jismlarning hajmini topish muammolariga duch kelamiz. Bulardan turli prizmalar, silindr, konus, piramidalar, kesik konus, kesik piramida, shar kabi jismlar ko'p uchraydi. Ma'lumki prizma hajmi $V=SH$, piramida hajmi $V = \frac{1}{3}SH$, konus hajmi ham $V = \frac{1}{3}SH$, kesik piramidani $V = \frac{1}{3}H(S_1 + \sqrt{S_1S_2} + S_2)$, kesik konus hajmi $V = \frac{1}{3}\pi H(R^2 + R \cdot r + r^2)$, shar hajmi esa $V = \frac{4}{3}\pi R^3$ formulalar orqali hisoblanadi. O'z ozidan savol tug'iladi yuqoridagi fazoviy jismlarning barchasi uchun umumiy bo'lgan formula bormi?

Bu ajoyib formula Simpson formulasi deb nomlanadi va u quyidagicha:

$$V = \frac{H}{6}(S_{quyi} + 4S_{o'rta} + S_{yuqori}),$$

bu yerda:

S_{quyi} -pastki asosi yuzi,



$S_{o'rta}$ - o'rta kesim yuzi,

S_{yuqori} - yuqori asosi yuzi,

H-balandligi (ba'zi hollarda H ni o'rniga $H_{max}-H_{min}$ ayirma olinadi).

Endi yuqoridagi jismlar hajmlarini Simpson formulasi orqali topamiz:


1) Prizma va silindr holida



$$S_{quyi} = S_{o'rta} = S_{yuqori} = S_{asos}$$

Demak $V = \frac{H}{6} (S_{asos} + 4S_{asos} + S_{asos}) = S_{asos}H$

2) Piramida va konus uchun: $S_{o'rta} = \frac{S_{asos}}{4}$, $S_{yuqori} = 0$




Demak $V = \frac{H}{6} (S_{asos} + 4 \cdot \frac{S_{asos}}{4} + 0) = \frac{S_{asos} \cdot H}{3}$

3) Kesik konus holi uchun

$$S_{quyi} = \pi R^2, S_{yuqori} = \pi r^2, S_{o'rta} = \pi \left(\frac{R+r}{2}\right)^2$$

Demak,




$$V = \frac{H}{6} (\pi R^2 + 4 \cdot \pi \left(\frac{R+r}{2}\right)^2 + \pi r^2) = \frac{H}{6} (\pi R^2 + \pi(R^2 + 2Rr + r^2) + \pi r^2)$$

$$= \frac{H}{6} (2\pi R^2 + 2Rr + 2\pi r^2) = \frac{1}{3} \pi H (R^2 + R \cdot r + r^2)$$

4) Endi fazoviy jism shar bolganda Simpson formulasi yordamida hajmini hisoblaymiz.

Sharning radiusi R bo'lsin, u holda:




$$S_{quyi} = 0, S_{o'rta} = \pi R^2, S_{yuqori} = 0, H = 2R$$

$$V = \frac{H}{6} (S_{quyi} + 4S_{o'rta} + S_{yuqori}) = \frac{2R}{6} (0 + 4 \cdot \pi R^2 + 0) = \frac{8\pi R^3}{6} = \frac{4\pi R^3}{3}. \quad \text{Demak}$$

$$\text{sharning hajmi: } V = \frac{4}{3} \pi R^3$$

5) Shar segmenti hajmini topamiz:



$$S_{yuqori} = 0,$$

$$S_{quyi} = \pi(R^2 - (R-h)^2) = \pi(2Rh - h^2),$$

$$S_{o'rta} = \pi \left(R^2 - \left(R - \frac{h}{2} \right)^2 \right) = \pi \left(Rh - \frac{h^2}{4} \right),$$

$$\text{Demak, } V = \frac{h}{6} (2\pi Rh - \pi h^2 + 4\pi Rh - \pi h^2) = \pi R h^2 - \frac{1}{3} \pi h^3$$

Endi bu formulani tekislikdagi ba'zi ko'pburchaklar uchun tatbig'ini ko'rib chiqamiz.

Simpson formulasi faqatgina fazoviy jismlar hajmi uchungina emas, bu formulaning yana bir ajoyib xususiyati



shundan iboratki undan uchburchak, parallelogramm, trapetsiyalar yuzlarini topishda foydalansa bo'ladi.

Simpson formulasi $V = \frac{H}{6} (S_{quyi} + 4S_{o'rta} + S_{yuqori})$ dan tekislikdagi yassi ko'pburchaklar uchun yuza formulalarini keltirib chiqarishda V hajmi S yuzaga almashtiramiz, S_{quyi} ni a_1 orqali belgilab quyi asosini hosil qilgan kesma uzunligi, $S_{o'rta}$ ni a_2 orqali belgilab o'rta kesma uzunligi, S_{yuqori} ni a_3 orqali belgilab yuqori kesma uzunligi deb olamiz, h –figura balandligi. U holda Simpson formulasi yuzalar uchun quyidagi ko'rinishni oladi


$$S = \frac{h}{6} (a_1 + 4a_2 + a_3)$$

bu yerda a_1, a_2, a_3 kattalaiklar kesma yoki nuqtadan iborat bo'ladi.

Dastlab figuramiz parallelogramm (kvadrat, to'g'ri to'rtburchak) bo'lganda $a_1 = a_2 = a_3$ bo'ladi va parallelogramm yuzini Simpson formulasi orqali hisoblasak quyidagiga teng bo'ladi

$$S = \frac{h}{6} (a_1 + 4a_2 + a_3) = \frac{h}{6} (a_1 + 4a_1 + a_1) = a_1 h$$

Demak, parallelogramm yuzi: $S = a_1 h$




Endi Simpson formulasini uchburchak yuzini topish uchun tatbiq qilamiz. Ma'lumki uchburchak uchun $a_2 = \frac{a_1}{2}$ (o'rta chiziq), $a_3 = 0$ bo'ladi (chunki nuqtada iborat).

U holda

$$S = \frac{h}{6} (a_1 + 4a_2 + a_3) = \frac{h}{6} \left(a_1 + 4 \frac{a_1}{2} + 0 \right) = \frac{a_1 h}{2}$$

Demak uchburchak yuzi: $S = \frac{a_1 h}{2}$

Endi trapetsiya yuzini Simpson formulasi yordamida topamiz.



Trapetsiya uchun a_2 o'rta chiziq bo'ladi, demak $a_2 = \frac{a_1 + a_3}{2}$ (o'rta chiziq) bo'lib

$$S = \frac{h}{6}(a_1 + 4a_2 + a_3) = \frac{h}{6}\left(a_1 + 4 \cdot \frac{a_1 + a_3}{2} + a_3\right) = \frac{a_1 + a_3}{2} \cdot h$$

Demak trapetsiya yuzi $S = \frac{a_1 + a_3}{2} \cdot h$ yani trapetsiyaning yuzi asoslari uzunliklari yig'indisining yarmi bilan balandligining ko'paytmasiga teng.

REFERENCES

1. B. Kamolov, N. Kamalov. "Matematikadan bilimlar bellashuvi va olimpiada masalalari". Urganch, 2018.
2. R. Madrahimov, N. Kamalov, B. Yusupov, S. Bekmetova. "Talabalar matematika olimpiadasi masalalari". Urganch, 2014.
3. R. Madrahimov, J. Abdullayev, N. Kamalov. "Masala qanday yechiladi?". Urganch, 2013.
4. Олимбаев Т.Ф., Камолов Н. МАТЕМАТИКАДАН СИРТҚИ ОЛИМПИАДА МАСАЛАЛАРИ мавзусидаги услубий қўлланма 210 бет. УРГАНЧ 2020.

STEREOGRAFIK PROYEKSIYA VA UNING ANALITIK IFODASI

Temur Rustabekovich Madraximov

UrDU-matematik tahlil kafedrası o`qtuvchisi

Islombek Farhodovich To'raxonov

Urganch davlat universiteti Fizika-matematika fakulteti "Matematik tahlil" kafedrası
o`qituvchisi

G'ulomjon Raxmatillayevich Sotliqov

Urganch davlat universiteti tayanch doktoranti

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada stereografik proyeksiyaning hossalari o`rganilib, stereografik proyeksiya va fazoda sferaga nisbatan inversiya orasidagi bog`lanishlar ko`rsatiladi.

Kalit so`zlar: Simpson formulasi, fazoviy jism, prizma, silindr, konus, piramida, kesik konus, kesik piramida, shar, parallelogram, uchburchak, trapetsiya.

ABSTRACT

This article reviews the properties of the stereographic projection and establish a connection between the stereographic projection and inversion on the scope

Keywords: Simpson's formula, spatial body, prism, cylinder, cone, pyramid, truncated cone, truncated pyramid, sphere, parallelogram, triangle, trapezoid.

KIRISH

Fazodagi figuralarning tasvirlarini yasashda biz figuralarning tekislikdagi proyeksiyalaridan foydalanishimizga to`g`ri keladi. Biror proyeksiyalashda figuraning tasvirini hosil qilish uchun fazoda proyeksiya markazi bo`luvchi nuqtani tanlash va bu nuqtani proyeksiyalanuvchi figuraning nuqtalari bilan tutashtiruvchi to`g`ri chiziqlar o`tkazish va bu to`g`ri chiziqlarning berilgan tekislik bilan kesishish nuqtalarini topish kerak. Hosil qilingan tasvir figuraning berilgan tekislikdagi proyeksiyasi deyiladi. [1,3-5]

Agar proyeksiyalanayotgan figura aylana bo`lsa, uning proyeksiyasi – proyeksiya markazi va aylana nuqtalari orqali o`tuvchi to`g`ri chiziqlardan tuzilgan sirtning berilgan tekislik bilan kesishgan chizig`i bo`ladi. Bunday sirt aylanma konus deyiladi. Bu sirtning tekislik bilan kesimi umuman olganda aylana bo`lmasligi mumkin: agar kesuvchi

tekislik konus uchidan o'tmasa egri chiziq, ellips, parabola va giperbola bo'lishi mumkin.

Ammo, shunday ajoyib proyeksiyalash borki unda aylananing tasviri har doim aylana yoki to'g'ri chiziq bo'ladi. Agar biz faqatgina biror sferada yotuvchi aylanalarni qarasaq, proyeksiya markazi sifatida esa, shu sfera nuqtalaridan birini olsak, proyeksiyalar tekisligi sifatida esa, sferaga diametral qarama-qarshi nuqtada urinuvchi tekislikni yoki unga parallel sfera markazidan o'tmaydigan ixtiyoriy tekislikni olsak yuqoridagi proyeksiyalashni hosil qiishimiz mumkin. Bunday proyeksiya stereografik proyeksiyalash deyiladi. Bu proyeksiyalash astranomiya, matematikaning turli sohalarida va geografiyada keng qo'llaniladi. [1,3-5]

Stereografik proyeksiya bu geometriyadan ba'zi yechilishi murakkab bo'lgan masalalar yechish muhim qurol bo'lgan inversiyaning hususiy holi hisoblanadi.

Stereografik proyeksiya deb sferaning biror S nuqtasidan bu nuqtaga diametral qarama-qarshi S' nuqtada urinuvchi σ tekislikka proyeksiyasi aytiladi. [4,149]


Agar σ tekislikni unga parallel biror tekislik bilan almashtirsak bu proeksiyalashning xossalari o'zgarmaydi. Bu σ ga parallel tekislik proeksiya markazidan o'tmasligi kerak. Odatda bu tekislik sifatida sferaning diametral tekisligi olinadi.

Stereografik proeksiyaning quyidagi uchta xossalarini ko'rsatamiz:


Sferada yotuvchi aylana σ tekislikka aylana sifatida, yoki aylana proeksiya markazidan o'tsa to'g'ri chiziq sifatida tasvirlanadi (2-rasm).

B) Stereografik proyeksiyada sferada yotuvchi egri chiziq orasidagi burchaklar tekislikdagi bu egri chiziqning proyeksiyalari orasidagi burchaklarga teng bo'ladi. [4,151-152]


V) Sferani qutbi orqali o'tuvchi diametr atrofida biror burchakka bursak σ tekislikda bu tekislikning sferaga urinishi nuqtasi atrofida shu burchakka burish sodir bo'ladi. [1,7-9]



1-rasm




2.2-rasm



2.1-rasm

Bu xossa bevosita sferadagi biror M nuqtani uning M' proeksiyasiga o'tish SS' diametr orqali o'tuvchi tekislikda bajariladigan va sferani biror φ burchakka burishda SS' orqali o'tuvchi tekislikning proyeksiyalar tekisligi bilan kesishgan chizig'i ham shu burchakka buriladi.

Stereografik proyeksiyada sferaning diametral qarama-qarshi nuqtalari qanday nuqtalarga proyeksiyalashini topamiz. Sferaning diametral qarama-qarshi M va N nuqtalari stereografik proyeksiyada a tekislikdagi M' va N' nuqtalarga proyeksiyalansin.



3-rasm

Agar biz sfera radiusini R orqali belgilasak, u holda

$$S'M' \cdot S'N' = 4R^2 \quad (1)$$

tenglik bajarilishini ko'rsatamiz.


Haqiqatdan ham aylananing MN diametriga tiralgan MSN burchak to'g'ri burchak bo'lgani uchun $M'SN'$ uchburchakda S burchak ham to'g'ri. SS' kesma to'g'ri burchakli $M'SN'$ uchburchakning balandligi bo'lgani uchun $S'M' \cdot S'N' = (SS')^2$ tenglik o'rinli. Bu tenglikda SS' ni $2R$ orqali belgilasak (1) tenglik hosil bo'ladi.

Endi M' nuqta σ tekislikning ixtiyoriy nuqtasi bo'lsa (S' dan farqli) M' nuqtaga biror N' nuqtani quyidagicha mos qo'yamiz: M' nuqtani S bilan tutashtiramiz, $M'S$ to'g'ri chiziqni sfera bilan kesishgan M

nuqtasini topamiz, M nuqtaga diametrik qarama-qarshi N ni topamiz. Bu bilan biz tekislikning S dan farqli ixtiyoriy M nuqtani bu tekislikning biror N nuqtasiga almashtirishga ega bo'ldik.

Stereografik proyeksiyalar yer shari sirtini tekislikka tasvirlashda ya'ni haritalar tuzishda ham foydalaniladi. Stereografik proyeksilar yordamida hosil qilingan haritalarda (B) hossaga ko'ra egri chiziqlar orasidagi burchaklar o'zining tabiiy kattaligiga teng bo'ladi.

Stereografik proyeksiyaning koordinatalarda berilgan ifodasini ham keltirib chiqarish mumkin. Buning uchun σ proyeksiya tekisligi sifatida to'g'ri burchakli dekart koordinatalar sistemasining Oxy tekisligi, hamda proyeksiya markazi S nuqta Oz o'qida joylashgan bo'lsin. Bu holda biz qarayotgan R radiusli sferaning tenglamasi $x^2 + y^2 + (z - R)^2 = R^2$ ko'rinishda bo'ladi.



4-rasm

Stereografik proyeksiya sferaning ixtiyoriy $M(x, y, z)$ nuqtasini Oxy tekisligining

$M'(x', y', 0)$ nuqtasiga o'tkazadi. Bu nuqtalar koordinatalari bog'lanish tenglamalarini keltiraylik, ya'ni $M'(x', y', 0)$ nuqtaning x', y' koordinatalarini $M(x, y, z)$ nuqtaning koordinatalari x, y, z orqali ifodasini topamiz.

Ravshanki \overrightarrow{SM} va $\overrightarrow{SM'}$ vektorlar o'zaro kolleniardir. Bundan $\overrightarrow{SM'} = k \overrightarrow{SM}$ tenglikni, hamda S nuqtaning koordinatalari $S(0, 0, 2R)$ ekanligini etiborga olib quyidagilarni hosil qilamiz.

$$\begin{cases} x' = kx, \\ y' = ky, \\ 2R = k(2R - z). \end{cases} \quad (2) \quad \text{uchinchi tenglikka ko'ra} \quad k = \frac{2R}{2R - z} \text{ bundan}$$

$$\begin{cases} x' = \frac{2Rx}{2R - z}, \\ y' = \frac{2Ry}{2R - z}, \\ z' = 0. \end{cases} \quad (3) \text{ tenglik kelib chiqadi.}$$

Yuqoridagi (3) almashtirishga teskari almashtirish ifodalarini ham keltirish

mumkin. Buning uchun (2) tenglikdan

$$\begin{cases} x' = kx, \\ y' = ky, \\ 2R = k(2R - z). \end{cases} \Leftrightarrow \begin{cases} x = \frac{x'}{k}, \\ y = \frac{y'}{k}, \\ z = 2R(1 - \frac{1}{k}). \end{cases} \quad (4)$$

tenglikka ega bo'lamiz. $M(x, y, z)$ nuqta sferaga tegishli ekanligidan, hamda (4)

tenglikdan foydalanib quyidagi $\left(\frac{x'}{k}\right)^2 + \left(\frac{y'}{k}\right)^2 + \left(2R(1 - \frac{1}{k}) - R\right)^2 = R^2$ (5)

tenglamani hosil qilamiz. (5) tenglamadan $k = \frac{1}{4R^2}(x'^2 + y'^2 + 4R^2)$ (6) tenglikni

hosil qilamiz. (6) va (4) tengliklardan

$$\begin{cases} x = \frac{4R^2 x'}{x'^2 + y'^2 + 4R^2}, \\ y = \frac{4R^2 y'}{x'^2 + y'^2 + 4R^2}, \\ z = \frac{2R(x'^2 + y'^2)}{x'^2 + y'^2 + 4R^2}. \end{cases} \quad (7) \text{ tenglikni hosil qilamiz.}$$

Quyida stereografik proyeksiyaga doir ayrim misollarni ko'rib chiqamiz.

1-misol. $x^2 + y^2 + (z - 2)^2 = 2^2$ sfera berilgan. Proyeksiyalar markazini $S(0,0,4)$, hamda proyeksiyalar tekisligi $z=0$ tekisligi bo'lsin. Berilgan sferada yotuvchi $M(1, \sqrt{3}, 2)$ nuqtaning bu proyeksiyalashdagi aksini toping.

Yechish: bu masalani yechishda yuqoridagi (4) tenglikdan foydalanamiz, ya'ni

$$\begin{cases} x' = \frac{2Rx}{2R - z}, \\ y' = \frac{2Ry}{2R - z}, \\ z' = 0. \end{cases} \Leftrightarrow \begin{cases} x' = \frac{2 \cdot 2 \cdot 1}{2 \cdot 2 - 2}, \\ y' = \frac{2 \cdot 2 \cdot \sqrt{3}}{2 \cdot 2 - 2}, \\ z' = 0. \end{cases} \Leftrightarrow \begin{cases} x' = 2, \\ y' = 2\sqrt{3}, \\ z' = 0. \end{cases} \text{ demak } M(1, \sqrt{3}, 2) \text{ nuqtaning aksi}$$

$M'(2, 2\sqrt{3}, 0)$ nuqtadan iborat.

REFERENCES

1. Н. Д. Сергеева, Б. А. Розенфельд Стереографическая проекция, изд. «Наука», Москва, 1973г.-48 стр
2. Б. А. Розенфельд, Аксиомы и основные понятия геометрии, Энциклопедия элементарной математики, кн. 4, М., 1963, стр. 23—26.
3. В. В. Прасолов. Задачи по стереометрии: Учебное пособие. –М.: МЦНМО, 2010. –352 с.
4. Я.П. Понарин. Элементарная геометрия: –Т.2: Стереометрия, преобразования пространства. –М.: Изд. МЦНМО. 2006. – 256 с. (Часть 1. Глава 8. Сфера. §5. с. 154 – 159).



ISSUES OF CLASSIFICATION OF WORD CATEGORIES IN THE UZBEK LANGUAGE

Dona Usmanova

Head of the department of English language, Fergana State University

Gulrukh Nazir kizi Shodieva

The 1st year master of linguistics of Fergana State University

ABSTRACT

According to the lexical and grammatical similarity of words, some lexical - grammatical groups are called parsing word categories. In the case of parsing words into categories, in addition to their grammatical meaning, the lexical meaning is also taken into account by the main characters. Words that have both grammatical and lexical meanings and participate in the sentence as an independent syntactic unit are called independent words. To independent words: noun, adjective, number, pronoun, verb, adverb. This article is made up of opinions and comments on the word categories and their classification.

Keywords: noun, adjective, number, pronoun, adverb, verb, sentence, word categories, Uzbek.

It is known that some independent words in our language can also be transferred to the task of an auxiliary word, having lost its independent lexical meaning in the process of speech and having become characteristic of a grammatical semantic expression. This phenomenon is referred to as grammatical in linguistics. Words that do not have an independent lexical meaning, do not fulfill the function of a sentence fragment, but serve to correlate words and sentences or to add to them additional subtleties of meaning (loading) are called auxiliary words. Auxiliary words will be three different according to the general tasks: 1) Assistant; 2) Connecting 3) Loading.

And exclamation, imitation and modal words form a separate group of auxiliary words. Because exclamation and imitation words are used both as a sentence fragment and as an independent word-sentence. At the same time, it is also able to participate in the legalization of independent words. But these words are similar to auxiliary words in that they cannot be a term of action and phenomenon, that is, they cannot express a lexical meaning.

Therefore, exclamation, imitation, modal words each form a separate category with their own characteristics.

Apparently, when parsing words into categories, first comes from the emphasis on the lexical meaning, secondly, the morphological form, the third, the feature of performing a syntactic task, the fourth, the application of the blockade (distribution). Accordingly, the present group of words in the Uzbek language: 1) independent words such as noun, adjective, number, pronoun, verb, adverb; 2) auxiliary words such as auxiliary, connecting, predicate; 3) modal words, imitation words, exclamation words, consisting of a separate group of auxiliary words. The lexical meanings of words are formed by different groups that differ among themselves according to the morphological signs and the syntactic functions performed in the sentence. The division of words into such groups according to their lexical and grammatical differences is called vocabulary. Accordingly, when parsing words into categories, the following three important signs will be the basis.

1. Words expressions lexical meaning of expression is an important sign in the division into categories. For example, the words home, earth, tree, book, Stone mean the subject in existence. It is characterized by the fact that they have a name. A number of words denote a sign of the same prepositions: color, form-appearance, taste, size-size: White, Blue, large. round, wide, like long. Also, if a number of words mean the work - action of the subject: went, wrote, read, words denote the sign of the work-action or sign: immediately, slowly, slightly, a lot, etc.

2. These features that exist in the literal sense of the word they are the main characters in the division into categories. The second and third feature in the division into categories occurs depending on the meaning side of the word. So morphological sign is also important in the allocation of Z series. This property indicates that in certain word categories there is a special system of suffixes, which is mainly inherent in this category. For example, the noun constellation is plural, agreeable. ownership, as it has its forms, in contrast to other categories, there are also diminutive-caressing forms in them. Accordingly, nouns come in the plural denote to whom the predicate is, what it looks like, species. Also, the presence of special noun-forming suffixes indicates that the noun group is a morphologically fully formed category.

In the category of verb morphological indicators are different—forms such as time, may, ratio, person-Number provide the specificity of verb. Verbs denote a person and a number. If the presence of suffixes that make up the special Fe shows that the words in this category are also fully formed for the constellation, then the presence of suffixes that form the peculiar forms of the verb is again the syntactic function of the verb.

Induction based systematic assignments: 1. Interpret the form of the name of each adjective, adverb and action separately. 2. Distinguish the forms of adjectives, compare among themselves, determine the general and different sides. 3. Distinguish the forms of adverbs, compare among themselves, determine the common and different sides. 4. Distinguish the forms of the name of the action, compare among themselves, determine the common and different sides. 5. On the basis of the cluster, make a sentence about the forms of adjective, predicate, action name.

Of the signs in the parsing of the word categories, a thousand words are associated with the syntactic function in the sentence. For example, if the head conciliator performs the function of having a horse, the locomotive comes in the functions of conciliator—handle, complement and hoi of other conciliatory horses. Syntactically, coming in the task of a sentence section is not a hardened case for a particular category of words. Indeed, the adjective comes in the task of a handle in the sentence. This does not indicate that the adjective does not perform any other syntactic task. Consequently, the adjectives are also complementary in the sentence: the adult is called the senior(proverb), has a jump: the Good Eats pilaf, the bad Eats is used in the functions of the head (proverb). It turns out that the syntactic functions of the word series will be in accordance with the lexical meaning of the words in this category. Well, in the case of parsing the word series, these three signs are indicated. But these signs are not the same in all words. For example, if the bar for the noun, then for the pronoun and number these signs are either at an extremely low level, or qualitatively as the syntactic sign is strong, then the morphological sign is not at that level.

1-Exercise. Distinguish words in the composition of the text into an independent, auxiliary and separate group of words. Summarize your views on the general grammatical properties of each word category.

"Stork mother was young. The boy was a prairie, the boy was a prairie... In one of the days, the mother-child went to the village – to distant relatives. Mother was holding a goose, often walking, and the child was screaming, watching the surrounding landscapes. It turns out that in the village store there is a giant maple, which blows half the Lightning. The boy saw the tree and began to grumble: on the overgrown branch of the Maple, the large nests were blackened, and on the nest there was a long birdhouse with a foot and a beak. The ban stopped as the child saw the miracle.

– *What is that, mommy? - said without a break from that side.*

- *Stork, my son, Stork! – mother wiped her son's head.*

- *Walk, my dear.*

The boy had never seen such a bird. The bird was standing on one leg at a time. He stopped again...”

In independent words the bar listed above has three characteristics he or she level. For example, in nouns and verbs there is a feature of application when taking suffixes of all types (word-forming, form-forming, word-changing), either in the pronoun and in the number these features are almost absent, or from independent words the pronoun is also distinguished by the fact that it cannot be a lexical term. They are used in place of nouns, adjectives, numerals in the sentence, there will be no sign of anything - the name of the event, the amount.

Independent words in the Uzbek language: noun, adjective, number, pronoun, verb, adverb. Words that do not have a lexical meaning, are used to correlate words and sentences, give them additional meaning, and are not used in the task of a sentence section, are called auxiliary words. The auxiliary words include an assistant, a fastener, a fastener, a load. Auxiliary words do not have a lexical meaning. For example, for, however, as it grows, with, and when you say do not understand anything. However, in the language system, these words also have a specific role. Here you go. they organize the interaction of words and sentences (auxiliary), interrelate words and sentences (connecting), give additional meaning to words, sometimes to the sentence (loading). Accordingly, auxiliary words are words that have their own characteristics in the language system.

Modal words. Words express the attitude of thought or being. Although modal words do not have a lexical meaning, they represent different modal meanings: affirmation, denial, assumption, assumption. In the sentence comes either an introductory word, or an introductory sentence. Modal words are close to auxiliary words in terms of the fact that they cannot be a part of speech, although they distinguish them separately from auxiliary words in terms of meaning expression (even if it is a modal meaning), task performance in the sentence (even if it is an introductory word).

Exclamation words express the feelings of the speaker. They can be an expression of them, even if they are not a term of command-cry, drive-call. For example, if the vowels oh, uf, e, eh mean pleasure, fatigue, surprise, etc., kish, pisht is an expression of driving.

Imitation words mean a conditional imitation of a sound, a sharp one. On the basis of imitation, consciousness is formed in a person. For example, the words taqir-tuqur, gup-gup, bring some understanding in the mind of a person. They come in the function

of a sentence piece in a sentence. In general, exclamation is close to independent words according to some features of the word patriot. Therefore, these words come both in the function of a sentence fragment, and in itself in the form of an independent word—sentence. But in these words, as in independent words, there are also hos signs to helpers, when the features are in full form.

In summary, the analysis of the transition of words from one category to another to interim or complete, from the point of view of linguistic, the development of Polyphony within a category of words and their place within the boundaries of the two categories, as well as cases such as the stable or transitory aspects of the categories of meaning and The interpretation of the task ranking is associated with its primary and secondary, primary and secondary, the clarification, differentiation and conscious comprehension of the chief and derivative aspects.

REFERENCES

10. Hasanov I.T. (2022) ORGANIZATIONAL BASIS OF PHYSICAL EDUCATION OF CHILDREN IN PRESCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS *Pindus Journal of Culture, Literature, and ELT* 2(6) 181-182. <https://literature.academicjournal.io/index.php/literature/article/view/434>

BOSHLANG‘ICH SPORT IXTISOSLIGI BOSQICHIDA QAYIQLARDA ESHKAK ESHISH JARAYONINI INDIVIDUAL TAYYORGARLIGINI HISOBGA OLGAN HOLDA O‘QITISH TEXNOLOGIYASI

Jasur Safaraliyevich Muratov

Toshkent viloyati O‘rta Chirchiq tumani, Bolalar-o‘smirlar sport maktabi yo‘riqchi
uslubchisi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada 13-14 yoshli baydarkada eshkak eshuvchilarni, boshlang‘ich sport ixtisosligi bosqichida qayiqlarda eshkak eshish jarayonini individual tayyorgarligini hisobga olgan holda o‘qitish texnologiyasi o‘rgatish nazarda tutilgan.

Kalit so‘zlar: Baydarkachi, eshkak eshish, texnologiya, qayiq, sportchilar, tayyorgarlik, kuch, egiluvchanlik, chaqqonlik, ixtisoslik.

ABSTRACT

This article provides for the training of 13-14-year-old jackhammers in baydarka, the technology of training taking into account the individual preparation of the rowing process in boats at the stage of primary sports specialization.

Keywords: Beaver, rowing, technology, boat, athletes, preparation, strength, flexibility, agility, specialization.

KIRISH

Dastlabki sport ixtisosligi bosqichida baydarka eshkak eshish bo‘yicha o‘quv jarayonini o‘tkazish texnologiyasi taqdim etildi va 13-14 yoshli baydarkachi eshkak eshuvchilarining o‘ziga xos individual tipomotorikasi aniqlandi.

Muammolar. Eng so‘nggi tadqiqotlar va nashrlarni tahlil qilish. Tadqiqotning dolzarbligi, xususan, kelajakda eshkak eshuvchilarni avvalgi sport ixtisoslashuvi, ularning ko‘p yillik tayyorgarligining barcha shakllari, vositalari va usullarini takomillashtirish va natijada doimiy ravishda o‘sib borayotgan sport natijalari darajasi bilan ajralib turadigan, shuningdek, eshkak eshish sport turini rivojlanishi haqida yozilgan.

Ayni paytda yetakchi mutaxassislar orasida sportchilarni tayyorlashda individual yondashuvning ustuvor ahamiyatiga doir qarama-qarshiliklar mavjud emas. Shu bilan birga, bu yondashuv, ayrim mutaxassislarning fikriga ko‘ra, sportchilarning shaxsiy va jamoaviy intilishlariga xos bo‘lgan ushbu sportning o‘ziga xos xususiyatlari bilan bog‘liq



bo'lgan yoshlar sportida nazariy rivojlanish va amaliy tadbiri sifatida o'z o'rnini egallamaydi.

Ishning maqsadi-boshlang'ich sport ixtisoslashuvi bosqichida, ularning individual tayyorgarligini hisobga olgan holda, sportchilarning o'quv jarayoni texnologiyasini ishlab chiqishdan iborat.

Tadqiqot tashkil qilish. Vazifani hal qilish uchun nazariy tahlil va sintez usullari, pedagogik, tibbiy-biologik va matematik statistika usullari foydalanildi.

Tadqiqot davomida, nazariy tahlil, pedagogik va o'z tajribasini umumlashtirish, 13-14 yoshdagi baydarkachilarni sinovdan o'tkazish orqali 8 ta nazorat mashqlaridan foydalanib, yosh sportchilarning jismoniy tayyorgarligini baholash amalga oshirildi.

Tadqiqot natijalari va ularning muhokamasi. Tadqiqot natijasida yosh baydarkachilar uchun dastlabki mutaxassislik bosqichi (13-14 yosh) o'quv-mashg'ulot guruhlarida ikki yillik chuqur o'rganishni nazarda tutgan va o'quv bu bosqichda BO'SM o'quv dasturi ko'ra 300-310 soat, bir yil ajratilgan.

1-jadval

Boshlang'ich sport ixtisosligi bosqichida yosh eshkak eshuvchilarni o'qitishning eksperimental ikki yillik davri

Tayyorgarlik bosqichlari	O'quv yili	
	Birinchi yil	Ikkinchi yil
Nazariy tayyorgarlik	10/2,27	10/2,27
Turli intensivlikdagi eshkak eshish va mashqlari:	165/37,5	183/41,5
-aerob va anaerob yuklamalar;	140/31,8	151/34,3
-anoerob yuklamalar;	16,5/3,7	20/4,5
-ayrob	8,5/1,9	12/2,5
Maxsus va umumiy tayyorgarlik mashqlari:	165/37,5	165/37,5
-kuchni rivojlantirish;	40/9,1	40/9,1
-umumiy chidamlilikni rivojlantirish;	90/20,4	90/20,4
-egiluvchanlikni rivojlantirish;	10/2,27	10/2,27
-maxsus chidamlilikni rivojlantirish;	15/3,4	15/3,4
-koordinasion qobilyatlarni rivojlantirish	10/2,27	10/2,27
O'yinlar va o'yinli mashqlar	88/20,0	66/15,0
Nazorat va tajriba mashqlari	4/0,9	4/0,9
Musobaqa faoliyati	8/1,8	12,2,7
Jami:	440/100	440/100
Eslatmalar; hisoblagichda-ajratilgan vaqt soat denominatorida-umumiy qiymatning foiz vaqti		

Yuqorida aytib o'tilganlarning barchasini hisobga olgan holda, 1-2-o'quv yilida (1-jadval) yosh eshkak eshuvchi

baydarkachilar o'quv guruhlari uchun eksperimental o'quv rejasi ishlab chiqilgan. Unda quyidagi bo'limlar mavjud: nazariy tayyorgarlik, umumiy jismoniy tarbiya, maxsus jismoniy tarbiya, raqobatbardosh faoliyat va nazorat-o'tkazish mashqlari. Umuman olganda, darslarda vosita faoliyati quyidagi tarkibiy qismlarga bo'lindi: MJT (maxsus jismoniy tayorgarliklar)-40 %, SJT (sport jismoniy tayorgarliklari)-60 %

Ikki yil ichida umumiy jismoniy tayyorgarlik yuklamalari miqdori bir xil darajada, ya'ni yiliga 165 soat davom etdi. Asosiy jismoniy fazilatlarni rivojlantirish uchun boshqa sport turlari, xususan: engil atletika, chang'i sporti, suzish, akrobatika, ochiq va sport o'yinlari, og'ir atletika elementlari (qarshilik mashqlari) mashqlari ishlatilgan. Asosiy jismoniy fazilatlarni rivojlantirish uchun boshqa sport turlari, xususan: atletika, chang'i sporti, suzish, akrobatika, ochiq va sport o'yinlari, og'ir atletika elementlari (qarshilik mashqlari) mashqlari ishlatilgan. Ushbu mashqlarning soat soni 2-jadvalda keltirilgan.

Shunday qilib, adabiyot manbalarni tahlil qilish, mukammallashtirish umumlashtirish asosida biz boshlang'ich sport ixtisosligi bosqichida yosh kayakchilar guruhlari uchun eksperimental o'quv dasturini taklif qildik. O'quv rejasi, birinchi navbatda, bolalar va o'smirlar sport maktablari to'g'risidagi Nizomga muvofiq ishlab chiqilgan bo'lib, unda faqat o'quv yili uchun umumiy soatlar, guruhlarning to'liqligi, tayyorgarlik bosqichlarida o'qish vaqti va boshqalar tavsiya etiladi.

Biroq, ushbu qo'llanma hujjatlari har bir yil uchun o'quv jarayoni yo'nalishi bo'yicha yukni taqsimlash, ushbu bosqichda o'rganish uchun asos bo'lgan o'quv davri uchun vositalar va o'qitish usullari ro'yxatini bermaydi.

2-jadval

Boshlang'ich sport ixtisosligi bosqichida yosh eshkak eshuvchilarni tayyorlash uchun ikki yillik o'quv rejasida umumiy jismoniy tayyorgarlikning mazmuni (soatlar soni)

Boshqa sport turlaridan tayyorgarlik vositalari	O'quv yili	
	Birinchi yili	Ikkinchi yili
Umumiy jismoniy rivojlanish mashqlari	41,0±1,01	41,0±0,87
Maxsus mashqlar	44,0±0,06	44,0±0,07
Suzish	10,0±0,26	10,0±0,17
Yengil atletika, chang'i sporti	20,0±0,21	20,0±0,22
Cheklovchi mashqlari	30,0±1,04	30,0±1,11
Gimnastika, akrobatika	10,0±2,25	10,0±1,75
Faol dam olish vositalari	10,0±2,25	10,0±2,01
Jami:	165,0±0,45	165,0±0,47

13-14 yoshli eshkak eshuvchilarning individual tipomotorikasini aniqlash uchun biz ushbu turdagi eshkak eshishning 42 yosh sportchini sinab ko'rdik.

Jismoniy tayyorgarlikning individual diagrammalarini tahlil qilish ulardan uch turni ajratishga imkon berdi: "kuch turlari", "quvvat turlari" va "chidamkorlik turlari".

Tadqiqotda ishtirok etgan barcha sportchilar 1000 m masofasida eshkak eshish samaradorligini aniqlaydigan jismoniy fazilatlarining ustun namoyishiga ko'ra bo'lindi: asosiy kuch sifati (shtangini ko'tarishda eng yaxshi natijalar) "kuchlanish" – asosiy chidamlilik sifati ("12 daqiqali" test uchun eng yaxshi ko'rsatkichlar yugurish) – "chidamkorlik"; chidamkorlikga oid mashqlar bajarish.

Shuni ta'kidlash kerakki, tipologiyaning turli guruhlariga mansub sportchilar 1000 m (3-jadval) eshkak eshishda turli darajadagi rivojlanish, chidamlilik va boshqa bir qator jismoniy qobiliyatlarga ega ($p < 0,05-0,001$).

3-jadval

13-14 yoshli eshkak eshuvchilarni individual tipologiyaning turli guruhlariga jismoniy tayyorgarligi ko'rsatkichlari va talabalarning t-mezoniga muvofiq ularning tarqalishining ishonchligi

Nazorat mashqlari	Kuchlanish	Chidamlilik	Garmonli	S-B	S-G	B-G
Eshkak eshish 1000 m,s	282,0±4,16	274,4±3,30	277,5±3,13	1,52	0,77	1,32
Eshkak eshish 500 m,s	118,4±2,15	122,4±2,70	114,6±2,01	1,45	0,68	2,08
Yugurish 30 m,s	3,95±0,25	4,00±0,15	3,96±0,2	2,12	0,71	2,82
Shtanga ko'tarish, vaqt soni	20,2±0,50	12,6±0,62	17,0±0,41	9,73	4,99	6,10
Oldinga egilish, sm	3,5±0,52	10,8±0,51	9,0±0,50	3,25	0,70	2,50
Uch marta sakrash, sm	798,4±2,11	765,0±1,10	799,1±2,12	14,3	0,45	14,6
Kuchlanish, kg	115,6±0,81	90,5±0,80	105,4±0,82	21,9	8,69	13,2
12-daqiqali yugurish, m	2750±8,50	3150±10,0	3000±10,5	30,4	18,8	10,3

XULOSA

Tadqiqot natijalari quyidagi asosiy bo'limlarni o'z ichiga olgan dastlabki sport ixtisosligi bosqichida yosh eshkak eshuvchilarni tayyorlash bo'yicha eksperimental o'quv dasturini ishlab chiqishga imkon berdi:

- nazariy tayyorgarlik – 2,2 %;
- aerob energiya ta'minoti rejimida maxsus tayyorgarlik–31,8 – 34,3 %, aeroboanerobda–3,7 – 4,5 %, anaerobda–1,9-2,7 %;
- asosiy jismoniy fazilatlarini rivojlantirishga qaratilgan umumiy jismoniy tarbiya – 37,5 %;
- o'yin faoliyati-20% gacha;
- raqobat faoliyati-2-3 %.

13-14 yoshdagi yosh eshkak eshuvchilarning jismoniy tayyorgarligining individual xususiyatlarini aniqlash va individual diagrammalarni tuzishda ularning uchta turini ajratish mumkin

edi: “kuchlanish turi”, “quvvatlantirish turi” va “chidamkorlik turi”, ular asosiy tadqiqotlarda eksperimental guruhlarini shakllantirishda hisobga olingan.

REFERENCES

1. Kleshnev V. Rowing Biomechanics Newsletter. №1, vol. 5, January, 2005
2. Korbut V.M., Matnazarov X.Y., Ikramov B.F. Eshkak eshish nazariyasi va uslubiyati. O’quv qo’llanma T.: 2017
3. Купреев М.В., Алексеев М.В. Методика формирования студенческого экипажа 8+ в академической гребле. Ученые записки университета имени П.Ф.Лесгафта. – 2019. - №12 (178)
4. Mambetnazarov I.M. Akademik eshkak eshishda katta ekipajni shakllantirish: xorijiy mamlakatlarning zamonaviy tajribasi. Fan sportga 2021/1. 78-84.
5. Яковенко Е.О. Обоснование подхода к формированию экипажей в гребле академической. Педагогические, психологические и медико-биологические проблемы физической культуры и спорта. 2013/12. 105-109
6. Pirnazarov Sh. A. Boshlang’ich tayyorlov guruhlarida bolalarni suzishga o’rgatishda tajriba tekshirish. CENTRAL ASIAN RESEARCH JOURNAL FOR INTERDISCIPLINARY STUDIES, (VOLUME 2 ISSUE 3 MARCH 2022) 498-509.
7. Шамсиддинов Ш.Х. Ёш сузувчиларни кўкракда крол усули орқали куч сифатларини ривожлантириш. CENTRAL ASIAN RESEARCH JOURNAL FOR INTERDISCIPLINARY STUDIES, (VOLUME 2 ISSUE 3 MARCH 2022) 510-520.
8. Pirnazarov Sh.A. Suzish nazariyasi va uslubiyati. O’quv qo’llanma. 2021 yil. 50-55.
9. Ashirboyev, I. M. (2021). Maktabgacha ta’lim tashkilotlarda sog’lom turmish tarzini yaratishda xalq o’yinlari foydalanish yo’llari. *Boshlang’ich ta’limda xalqaro baholash dasturlarini joriy etishning istiqbollari*, 15, 276-278.
10. Ashirboyev, I. M. (2022). Bolalarni jismoniy rivojlantirishning pedagogik tizimi. *Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендируй*, 1(2), 154-157.
11. Ashirboyev, I. M. (2022). Maktabgacha yoshdagi bolalarning madaniy va gigiena ko’nikmalarini tarbiyalash. *Uzacademia*, 4(1).
12. Ashirboyev, I. M. (2022). Bolalarni xalq o’yinlari vositasida jismoniy chiniqtirish. *Jismoniy tarbiya va sport sohasini rivojlantirish istiqbollari: Muammo va yechimlar*, 2, 46-48.
13. Ashirboyev, I. M. (2022). Bolalarda jismoniy rivojlantirish yo’llari. *Boshlang’ich ta’limni tashkil etishning sifat va samaradorligini oshirish masalalari*, 99-100.



ОБОСНОВАНИЕ КЛАССИФИКАЦИИ ЗАПАСОВ НАГОРНЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ С УЧЕТОМ СПОСОБОВ РАЗРАБОТКИ, ОСВАИВАЕМЫХ ОТКРЫТО-ПОДЗЕМНЫМ СПОСОБОМ

З. С. Назаров

Доцент Навоийского государственного горно-технологического университета

Ш. Т. Таджиев

Старший преподаватель Навоийского государственного горно-технологического университета

АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрены запасы, примыкающие непосредственно к предельному контуру карьера или находящиеся вблизи него и подлежащие подземной доработке. При классификации запасов месторождений, осваиваемых открыто-подземным способом, используют разные классификационные признаки: удаленность от предельного контура карьера, месторасположение по отношению к контуру карьера, способ разработки запасов и геомеханическое влияние карьерной выемки. С учетом выше сказанного разработана классификация запасов нагорных месторождений.

Ключевые слова: приконтурные запасы, прибортовые запасы, подкарьерные запасы, классификация запасов, нагорная месторождения, контур карьера, открыто-подземный способ.

ВВЕДЕНИЕ

Анализ и опыт освоения месторождений, эксплуатируемых открытым способом, показывает, что за предельными контурами карьеров практически всегда остаются некоторые запасы руды. При высокой ценности и значительных объемах они вовлекаются в разработку подземным способом.

Запасы, примыкающие непосредственно к предельному контуру карьера или находящиеся вблизи него и подлежащие подземной доработке, являются приконтурными. Удельный вес этих запасов в общих остающихся за предельным контуром карьера зависит от мощности залежей и глубины разработки открытым способом. В пересчете на физические объемы они могут достигать значительных величин и быть сырьевой базой подземных рудников.

При классификации запасов месторождений,

осваиваемых открыто-подземным способом, используют разные классификационные признаки: удаленность от предельного контура карьера, месторасположение по отношению к контуру карьера, способ разработки запасов и геомеханическое влияние карьерной выемки [1].

Поскольку положение дорабатываемых запасов относительно карьерного поля может быть различным, то степень взаимного влияния открытых и подземных работ при этом неодинакова.

ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

В работах [2, 3] запасы предлагается классифицировать на две группы: располагаемые в зоне влияния карьера и за ее пределами. Ведение подземных работ в пределах влияния карьерного пространства сопровождается развитием специфических геомеханических процессов, как в элементах систем подземной разработки, так и карьера.

Кроме этого в качестве дополнительного довода в пользу выделения этих запасов в отдельную группу служит тот факт, что эксплуатация этих участков связана с возможностью использования, элементов технологии открытого способа разработки.

В зависимости от степени взаимного влияния на устойчивость открытых и подземных выработок и особенностей технологии очистных работ запасы первой зоны целесообразно разделить на две части. Первая – приконтурные или приграничные запасы, непосредственно прилегающие к контуру карьера в бортах или дне, вторая – законтурные запасы, располагающиеся за приконтурными и отработываемые под их защитой или после приконтурных [4].

На основе проведенного анализа исследований запасы месторождения по степени влияния карьера на напряженно-деформированное состояние массива на приконтурные, при отработке которых элементы систем подземной разработки находятся в условиях повышенных сдвигающих - в бортах и сжимающих - в основании сил, и при карьерные, находящиеся в области значимого влияния карьера. Соответственно следует дифференцировать технологические решения по управлению состоянием подрабатываемого прикарьерного массива.

По месту расположения относительно карьера иногда используется деление запасов в ближней зоне на при бортовые, располагающиеся выше уровня дна карьера, и придонные - ниже уровня дна. Такое деление оправдано не только

ввиду специфики конструктивного оформления технологических схем отработки, но и связи с частой привязкой отметок этажей к предельному уровню дна карьера. Такое разделение упрощает проектирование, хотя возможны случаи, когда целесообразно выделение выемочных блоков, включающих запасы выше и ниже уровня дна карьера.

На выбор, способа освоения участков нагорных месторождений качественного состава и горно-геологических условий залегания, а также месторасположения запасов предлагается все запасы, осваиваемые, разделить на четыре группы:

- карьерные запасы, расположенные в пределах карьерного поля и ограниченные предельным контуром карьера;
- открыто-подземные запасы, осваиваемые комбинацией технологических процессов, открытых и подземных горных работ и непосредственно выходящие в предельный контур карьера;
- шахтные запасы, расположенные в пределах шахтного поля и осваиваемые подземной технологией;

Карьерные запасы подразделяются на две подгруппы:

- удаленные от контура карьера - выемка этих запасов не требует изменения традиционно применяемой в данных условиях открытой технологии;
- и приконтурные - запасы, непосредственно примыкающие к предельному контуру карьера, отработка которых требует проведения комплекса специальных мероприятий по обеспечению устойчивости бортов и безопасности ведения открытых горных работ в зоне влияния подземных.

Учитывая, что открыто-подземные запасы расположены вблизи границы зон применения, открытого и подземного способов, эти запасы принято называть переходными зонами. Открыто-подземные запасы по положению относительно дна карьера разделяются на запасы в бортах и в дне карьера.

Для разработки классификации запасов нагорных месторождений за основной признак принят способ разработки, а в качестве второстепенных - месторасположение запасов относительно контура карьера. Влияние выработанного пространства карьера нагорных месторождений на технологию работ является основным фактором.

Согласно предлагаемой схемы к классификации нагорных месторождений обрабатываемые открыто-подземным способом все запасы разделяются на два класса по месту положения относительно контура карьера: в контуре и вне контура карьера (рис.1).




Рисунок. 1. Схема к классификации запасов нагорных месторождений, осваиваемых открыто-подземным способом: 1 - запасы, обрабатываемые открытым способом разработки; 2 - запасы подземного способа (с вскрытием в пространстве и вне пространства карьера) разработки; 3 – приконтурные запасы (3а – подкарьерные, 3б – прибортовые) вне зоны влияния карьера; 4 – приконтурные запасы, переходной зоны; 5 – законтурные запасы; подкарьерные запасы, ниже уровня дна карьера.

В свою очередь, эти классы делятся на группы по способам разработки, первый - на запасы, осваиваемые открытым способом, а второй – подземным способом с вскрытием вне пространства карьера и разработка с вскрытием в пространстве карьера. Запасы подземного способа разработки предлагается делить также на две подгруппы по признаку влияния карьерного пространства и на технологию горных работ: то есть находящиеся вне зоны влияния карьера подкарьерные, и прибортовые, то есть расположенные за зоной влияния карьерного пространства.

С точки зрения проектирования систем вскрытия и технологии освоения запасов нагорных месторождений с учетом выработанного пространства карьера, а также необходимости учета выше перечисленных признаков нами разработана, классификация отработки

запасов нагорных месторождений открыто-подземным способом, по расположению относительно контура и удаленности от контура карьера (рис.2.)



Рисунок. 2. Разработанная классификация отработке запасов нагорных месторождений открыто-подземным способом

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

В связи с тем, что степень влияния на технологию подземной добычи является функцией расстояния запасов от контура и места их расположения, то подкарьерные разделяются, по первому признаку на приконтурные (переходной зоны) и законтурные - на запасы подкарьерные ниже уровня дна карьера, а по второму - на прибортовые (вне зоны влияния карьера).

Разработанная классификация отработки запасов открыто-подземным способом позволяет извлечения из недр редких металлов золоторудных нагорных месторождений принципиально отличающая от известной классификации отработки открыто - подземным способом месторождений не нагорного типа.

REFERENCES

1. Каплунов Д.Р., Калмыков В.Н., Рыльникова М.В.

Комбинированная геотехнология. - М.: Изд. дом «Руда и металлы», 2003. - 560 с.

2. Калмыков В.Н., Рыльникова М.В., Демин СБ. Обоснование рациональной технологии вскрытия и отработки законтурных запасов карьера //Ресурсосберегающие технологии при подземной отработке полезных ископаемых Севера. -Якутск: ЯНЦ СО АН СССР, 1990. - С. 102-106.

3. Черных А.Д., Брюховецкий О.С, Лосинский А.П. Доработка запасов руд ха контурами карьеров с закладкой выработанного пространства //Разработка месторождений твердых полезных ископаемых. Итоги науки и техники /ВИНИТИ АН СССР. - М., 1987.

4. Рыльникова М.В. Технология комплексного освоения месторождений комбинированным способом: Монография. - Магнитогорск: МГТУ, 1998.

5. Таджиев Ш.Т., Кобилов О.С., Жабборов О.И., Содиков И.Ю. Исследование технологических особенностей открыто-подземной разработки нагорных месторождений. //Научно-технический и производственный журнал «Горный Вестник Узбекистана». - Навои, октябрь-декабрь 2021. - № 87. - С. 29÷31.



HINDIY TILIDA SINTAKTIK SINONIMIYA

Mavjuda Kabilovna Sadikova

Toshkent davlat Sharqshunoslik universiteti

mavjuda628@gmail.com

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada hindiy tilida sintaksis doirasida sodda gaplarning o'zaro va qo'shma gap turlari bilan ma'nodoshlik hodisasi tahlil qilinadi.

Kalit so'zlar: sintaksis, sinonim, sodda gap, qo'shma gap.

ABSTRACT

This article provides an overview of syntactic synonymy in Hindi, considers a comprehensive analysis of syntactic synonyms in simple sentences, simple and complex sentences.

Keywords: syntax, synonym, simple sentence, complex sentence.

KIRISH

Sinonimlar (yunoncha "sinonimos" – bir nomli) bir umumiy ma'noga ega bo'lgan, qo'shimcha ma'no ottenkasi, uslubiy bo'yog'i, qo'llanishdagi xususiyati va boshqa belgilari bilan farqlanadigan so'zlardir.

"Sinonimlar – yaqin ma'no ifodalovchi, nutqning bir shakliga tegishli bo'lgan, tekstda bir-birining o'rnini bosuvchi, lekin morfemik tuzilish, fonetik shakl, qo'shimcha hissiy-ta'siriy bo'yoq, uslubiy jihatdan farqlanuvchi birliklardir" deb tariflaydi ingliz olimi I.V.Arnold.

Kuzatishlarga ko'ra, hindiy tilida sinonimik munosabatlar tilning barcha qatlamlarida uchraydi: leksika, frazeologiya, morfologiya, sintaksisda.

Hindiy tili sintaktik sinonimiyasi keng qamrovli, murakkab lingvistik hodisa hisoblanadi.

Bir fikrni hindiy tilida turli gap turlari orqali ifoda etish mumkin. Bunda ularning har biri alohida uslubda qo'llaniladi. Turli sintaktik sinonimlarni o'z o'rnida qo'llay bilish so'zlovchining nutq madaniyati bilim darajasi bilan chambarchas bog'liq. Qo'shma gap turlari uslubiy vosita sifatida og'zaki va yozma nutqda ham keng qo'llaniladi. Ammo og'zaki nutqda sodda ixcham gap turlari qo'llanilib, yozma nutqda esa uning murakkab keng, ko'pincha bog'lovchili ergash gap turlaridan foydalaniladi.

Sintaktik sinonimlar qatori o`zaro stil jihatdan farq qiladi. Sintaktik sinonimiya stilistikaning asosiy elementlaridan biri hisoblanadi.

Sintaksis uslubiy vosita va bo`yoqlarga boy soha hisoblanadi. Sintaktik sinonimlarda grammatik qurilish ma`no bo`yog`iga ta`sir etadi.

Hindiy tilida gap va uning bo`laklarining ma`noviy o`xshashliklari maxsus ekstralingvistik hodisalar bilan bog`liq bo`lishi va farq etilishi mumkin, masalan, zamon, nisbat, mayl va boshqalar. Ulardagi maxsus ekstralingvistik birliklar belgilab bergan o`zaro bog`liqlik umumiy ma`no orqali aks etadi.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Hindiy tilida sintaksis doirasida ma`nodoshlik, ya`ni sintaktik sinonimiya turli darajalarda kuzatiladi. Hindiy tilida sintaktik sinonimiyaning eng keng tarqalgan, barcha tillar uchun xos deb tan olingan turlari bu sodda gaplarning o`zaro va qo`shma gap turlari bilan ma`nodoshlik hodisasi hisoblanadi.

Hindiy tilida sodda gaplarning o`zaro ma`nodoshlik hodisasining ko`p uchrashining asosiy sababi shundaki sintaktik ma`nodoshlik avvalo og`zaki nutq, so`zlashuv uslubiga xosdir.

Og`zaki nutqda eng ko`p qo`llaniladigan gap shakli sodda gaplardir. Sodda gaplar sinonimiyasi gap bo`laklari, posleloglar va qo`shimchalar ma`nodoshligi hamda leksik ma`nodoshlik asosida quriladi. Sodda gaplar ma`nodoshligi nutqning ajralmas qismidir, u nutqni jozibador qiladi, takrorlarning oldini oladi. Sinonimik qatordagi har bir ma`nodosh gap so`zlovchining nutq mahorati, bilim saviyasi, kasbi va nutq vaziyati bilan bog`liq ravishda namoyon bo`ladi.

Hindiy tilida sodda gaplarning o`zaro sinonim bo`lib kelganda, ular o`rtasidagi asosiy farq uslubiy farqda ko`zga tashlanadi. Masalan:

1. आप कैसे हैं ?

क्या हाल-चाल है ?

आप का क्या हाल है ?

आपका मिज़ाज कैसा है ?

Ahvollaringiz yaxshimi?

Ahvolingiz qalay?

2. - मुझे अपने मित्र से मिलाइये

- अपने मित्र (दोस्त) से मेरा परिचय कराइये

- अपने मित्र (दोस्त) को मेरा परिचय दीजिये।

- Meni do`stingiz bilan tanishtiring.

3. बारिश हो रही है।
पानी बरस रहा है।
Yomg'ir yog'moqda.
4. अंजीर के क्या दाम हैं ?
अंजीर की कीमत कितनी है ?
अंजीर का क्या भाव है ?
Anjirning narxi qancha?
5. आपको परहेज़ करना चाहिये।
आपको पथ्य से रहना चाहिये।
Siz parhez qilishingiz kerak.
6. आकाश पर बादल आये।
आसमान पर बादल छा गये।
Osmonni bulut qopladi.

Hindiy tilida sodda gap turlari orasida uchraydigan asosiy sinonimiya turlaridan biri bir ma'noni ifodalab kelgan, shaklan turli zamonga oid sodda gaplar ma'nodoshligidir. Hozirgi oddiy zamonda kelgan sodda gap shaklan kelasi zamonda kelgan, lekin ma'no jihatdan hozirgi zamoni ifodalagan sodda gap bilan sinonim bo'lib kelishi mumkin. Yoki aksincha kelasi zamoni ifodalashda asosan kelasi zamon bilan oddiy hozirgi zamon o'zaro sinonim bo'lib kelish hodisasi ko'p kuzatiladi. Bu turdagi ma'nodoshlik grammatik ma'no asosiga quriladi, zamon shakllari o'rtasidagi ma'nodoshlik bu turdagi sinonimiyani vujudga keltiradi. Buni quyidagi misollarda ko'ramiz:

Masalan: माँ: “आओ, खाना खा लो” बेटा: “अभी जाऊँगा”।

माँ: “आओ, खाना खा लो” बेटा: “अभी जाता” हूँ।

Ba'zan yuqoridagi sodda gaplarga o'tgan zamonda kelgan, lekin ma'no jihatdan hozirgi zamoni ifodalagan sodda gap ham ma'nodosh bo'lib kelishi mumkin:

माँ: “आओ, खाना खा लो” बेटा: “अभी गया”।

(Ona: “Kel, ovqatingni yeb ol” “Hozir boraman”)

Bunday ma'nodoshlikni quyidagi misollarda ham ko'rib o'tishimiz mumkin:

1) मैं कल रात जा रहा हूँ।

Men ertaga kechqurun ketyapman.

मैं कल रात जाऊँगा।

Men ertaga kechqurun ketaman .

2) तुम नहीं जाते उनके घर ?

तुम नहीं जाओगे उनके घर ?

Sen ularning uyiga bormaysanmi?

3) गाड़ी आती होगी।

गाड़ी आ रही होगी।

Poyezd kelayotgan bo'lsa kerak.

4) वह कहाँ होगा ? क्या करना होगा ?

वह कहाँ होगा ? क्या कर रहा होगा ?

U qayerda ekan? Nima qilayotgan ekan?

5) तुम कहाँ से आये हो ?

तुम कहाँ से आ रहे हो ?

Sen qayerdan kelyapsan?

Ba'zan kelasi zamonda ifodalangan sodda gap tarkibida वाला morfemasi kelgan sodda gap bilan o'zaro ma'nodosh hisoblanadi. Masalan:

दोनों आज यहाँ ठहरनेवाले हैं।

दोनों आज यहाँ ठहरेंगे।

Ikkovi bugun shu yerda qoladi .

Tarkibida sifatdoshli birikma kelgan sodda gaplar va tarkibida ravishdosh kelgan sodda gaplar ham o'zaro sinonim bo'lib keladi. Biroq sinonim bo'lib kelgan bu turdagi gaplar o'rtasidagi ma'no bo'yog'ida farq seziladi. Masalan:

रमेश दौड़ता हुआ आया ओर मुझे एक पत्र दिया।

रमेश दौड़कर आया और मुझे एक पत्र दिया

Ramesh yugurib keldi va menga bir xat berdi.

उसने मेरे हाथ पकड़ते हुए क्षमा माँगी।

उसने मेरे हाथ पकड़कर क्षमा माँगी।

U mening qo'llarimni ushlab kechirim so'radi.

छोटा-सा कुत्ता दुम हिला-हिलाकर मालिक के पैर चाटने लगा।

छोटा-सा कुत्ता दुम हिलाते हुए। मालिक के पैर चाटने लगा।

Kichkinagina it dumini likillatib xo'jayinining oyoqlarini yalay boshladi.

Asosiy sintaktik sinonimiya turlaridan biri aniq nisbatda kelgan gap va majhul nisbatdagi gapning o'zaro ma'nodoshligi hisoblanadi. Bu turdagi sintaktik sinonimiyani hindiy tilida ham kuzatishimiz mumkin. Ko'pchilik tilshunoslarning fikricha, majhul nisbatda kelgan gapda harakat

bajaruvchisi ishtirok etsa, bu gap aniq nisbatda kelgan gap bilan o‘zaro ma‘nodosh bo‘la oladi. Masalan:

1) ये पुलाव पिताजी से पकाया गया है।

Bu palov dadam tomonidan pishirildi.

ये पुलाव पिताजी ने पकाया है।

Bu palovni dadam pishirdilar.

2) इस कालेज की इमारत मज़दूरों से बनायी गयी है।

Bu kollej binosi ishchilar yordamida qurilgan.

इस कालेज की इमारत मज़दूरों ने बनायी है।

Bu kollej binosini ishchilar qurgan.

Murakkab tugal sifatdosh aniqlovchi va kesim vazifasida kelgan gaplar hamda majhul nisbatda ifodalangan gaplar sinonim bo‘lib kelishi mumkin:

Masalan: यह पत्र आज भेजा हुआ है।

यह पत्र आज भेजा गया है।

Bu xat bugun jo‘natib yuborildi.

माँ मेरे फटे हुए कपड़े की मरम्मत कर रही हैं।

माँ मेरे फटे गये कपड़े की मरम्मत कर रही हैं।

Onam mening yirtilgan ko‘ylagimni yamayaptilar.

XULOSA

Xulosa qilib shuni aytish joizki, avvalo, sinonimlar til boyligini o‘zida namoyob etuvchi muhim til hodisasidir.

Ikkinchidan, har qanday xorijiy til, xususan, hindiy tili sinonimiyasini o‘rganish bu tilni yanada mukammal bilish, leksika hamda boshqa til birliklarini o‘z o‘rnida qo‘llash imkonini beradi.

Uchinchidan, hindiy tilda sodda gaplarning o‘zaro ma‘nodoshlik hodisasi ko‘p uchraydi.

To‘rtinchidan, sintaktik sinonimiyada sinonimik qator asosan, ikkita sinonimdan iborat bo‘ladi, ba‘zan uch yoki to‘rtta bo‘lishi mumkin.

Beshinchidan, sodda gap va ergashgan qo‘shma gap o‘zaro sinonim bo‘lib kelganda qo‘shma sodda gapga nisbatan ma‘no chuqurroq aks etishi aniqlandi.

Oltinchidan, uslubiy jihatdan sodda gap ko‘proq so‘zlashuv uslubida keng qo‘llanilsa, ergashgan qo‘shma gap rasmiy, adabiy va ilmiy uslublarda ko‘p uchrashi ma‘lum bo‘ldi.

Yettinchidan, samaradorlik jihatdan esa eng ko‘p maqsad hamda shart ergash gaplar bo‘lib chiqdi.

REFERENCES

1. Solganini T.Y. “Sintakticheskaya sinonimiya” M.,2006.
2. Tuchibayev B. “Zamonaviy o‘zbek adabiy tilida sintaktik sinonimika” T., 1988.
3. Izotov A.I. “Leksicheskaya i sintakticheskaya sinonimiya” M.,1980.
4. प्रेमचन्द “गबन”.
5. प्रेमचन्द “निर्मला”.
6. Hojiyev A. “Tilshunoslik terminlarining izohli lug‘ati” T., Fan, 2002.
7. Zogrof G.A. “Yaziki Yujnoy Azii” M, Nauka, 1990.



AMIR TEMURNING “BESH YILLIK YURISHLARI” DAVRIDA YAQIN SHARQDAGI SIYOSIY VAZIYAT

Ulug‘bek Artikbayevich Abdullayev

Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti dotsenti

ANNOTATSIYA

Tarixchilar, jumladan Hofizi Abru va Sharafiddin Ali Yazdiylar Amir Temurning 1392–1396-yillarda amalga oshirgan “Besh yillik yurishlar” haqida o‘z asarlarida malumot beradi. Yaqin Sharq mamlakatlariga qilingan bu muvaffaqiyatli yurish davomida Mozandaron, Janubiy Eron (muzaffariylar), jaloiriylar, Kichik va Katta Luriston hukmdorlari to‘la itoatga keltirildi. Maqolada Amir Temur yurishlari natijasida Yaqin Sharqdagi ijtimoiy-siyosiy jarayonlar sharq mualliflari asarlari orqali talqin qilinadi.

Kalit so‘zlar: “besh yillik yurish”, Mozandaron, Janubiy Eron, Bag‘dod, Muzaffariylar, Jaloyiriylar, Kichik va Katta Luriston.

ABSTRACT

Historians Hafizi Abru and Sharafuddin Ali Yazdi provide information in their works about the "Five-year campaigns" of Amir Temur in 1392-1396. During this successful campaign to the countries of the Middle East, the rulers of Mozandaran, Southern Iran (Muzaffaris), Jaloiris, and Small and Big Luristan were completely subjugated. In the article, socio-political processes in the Middle East as a result of Amir Temur's campaigns are interpreted through the works of eastern authors.

Keywords: “five-year march”, Mozandaran, Southern Iran, Baghdad, Muzaffaris, Jaloyirs, Small and Big Luristan.

KIRISH

Amir Temur ko‘p yillik faoliyati davomida o‘z siyosiy maqsadlarini amalga oshirish uchun kuchli markazlashgan davlat barpo etish va uni mustahkamlash yo‘lida tinimsiz kurash olib bordi. Amir Temurning Yaqin Sharq mamlakatlaridagi faoliyatiga ham bevosita yuqoridagi siyosatning mantiqiy davomi, uning tarkibiy qismi sifatida qarash lozim. Avvalo, Sohibqiron bu hududlarga qanday maqsadlar bilan kelganini aniqlash muhim. Tarixiy voqealar jarayoniga xolis yondashilsa, Amir Temur mazkur hududlarga faqat istilochilik niyati bilan kelmaganini sezish qiyin emas. Buni Gurjiston, Shom (Suriya) va Usmonli turklarga mansub yerlarni o‘z mamlakati tarkibiga

qo'shib olmagan ham ochiq ko'rsatib turibdi. Amir Temurning faoliyatiga bag'ishlangan arab, fors manbalarida uning Yaqin Sharq mamlakatlariga nisbatan olib borgan siyosati va diplomatik munosabatlari haqida qisman ma'lumotlar mavjud, lekin XX-XXI asr boshlarida yaratilgan ilmiy tadqiqotlarda bu masala yuzasidan qisqacha fikrlar mavjud, xolos. Ularni umumlashtirish va chuqur tahlil etish o'zbek davlatchiligi va diplomatik munosabatlarini yoritish, Amir Temurning sharq xalqlari tarixida tutgan o'rni va rolini belgilashda muhim ahamiyatga ega.

MUHOKAMA

Amir Temur davri tarixi haqida asar yozgan muarrixlar Hofizi Abru va Sharafiddin Ali Yazdiy 1392-1396-yillardagi Amir Temurning harbiy yurishlariga "besh yillik yurish" deb nom berganlar.

«Tavochilarg'a farmon bo'ldikim, «Atrof va javonibg'a borib cherikka jar yeturgaykim, besh yillik yarog'larini (tayyor) qilib, hozir bo'lg'aylar»[1;143]. Yaqin Sharq mamlakatlariga qilingan bu muvaffaqiyatli yurish davomida Mozandaron, Janubiy Eron (muzaffariylar), jaloiriylar, Kichik va Katta Luriston hukmdorlari to'la itoatga keltirildi. Bular orasida katta mavqega ega bo'lgan Sulton Ahmad jaloyir uzil-kesil mag'lub bo'lib, Bag'doddan zo'rg'a qochib chiqqani va Mamluk sultonlari huzuridan boshpana topgani ma'lum.

To'xtamish bilan og'ir janglar ketayotgan paytda Amir Temurning yo'qligidan foydalangan ba'zi mahalliy hokimlarda isyonchilik, bo'ysunmaslik mayli paydo bo'ldi. Endi siyosiy vaziyat o'zgarib, Eron va Yaqin Sharqda Amir Temurga qarshi kurasha oladigan kuchlar kam qolgan edi. Qamariddin boshchiligidagi mo'g'ul xonlarining qarshiligi sindirilgan, To'xtamish havfi bartarf etilgan edi. Sohibqiron qulay vaziyatni boy bermasdan, 1392-yil 7-iyunda navbatdagi "besh yillik yurish"ga o'tlanadi. Bu safardan ko'zlangan asosiy maqsad quyidagilardan iborat edi:

1. Erondagi isyonkor hokimlarni qayta bo'ysundirish;
2. Ozarbayjon va Gurjistondagi mavqeini mustahkamlash;
3. Sulton Ahmad Jaloyir va Qora Yusuf turkmanlarning hukmronligiga chek qo'yish;
4. Misr mamluklarini o'ziga tobe qilish.

Mana shu ulkan vazifani amalga oshirish avvalgi yurishlardagi kabi islom ahkomlarini mustahkamlash, karvon yo'llari osoyishtaligini ta'minlash, el-yurtga zulm qilayotgan zolim hukmdorlarni jazolash shiori ostida o'tkaziladi.

Amudaryodan o'tgan Amir Temur qo'shini dastlab Mozandaron hududlariga kirib boradi. Kaspiy dengizining janubidagi Omul va Sori viloyatlari qayta zabt etiladi[2;55]. Sori



hokimi Said Sayfiddin xotinlari bilan Xorazmga, o'g'illari Toshkentga, ba'zi yaqinlari esa Samarqandga jo'natiladi[3;20].

So'ngra Fors viloyatiga muzaffariylar ustiga yurish boshlanadi. U yerda Shoh Mansur Shoh Shujoning vasiyatiga zid o'laroq zo'rlik bilan hokimiyatni egallab olib, Sheroz qal'asini o'ziga maskan etgandi. Sheroz yaqinidagi urushda Shoh Mansur shiddat bilan jang qildi. Xatto bir gal qattiq hujumga o'tib, Amir Temur turgan joygacha bostirib bordi, ammo baribir mag'lubiyatdan qutula olmadi. U jangda halok bo'ldi[4;20]. Uning yurti va butun davlati Mironshoh mirzo ixtiyoriga berildi. Nizomiddin Shomiy bu haqda shunday yozadi: "Muhammad Muzaffarning avlodi va nabiralari u mamlakatni egallab, har biri biron shahar va mavzeda o'z nomiga sikka urdirib (ya'ni tanga zarb qilib – U.A.), hutba o'qitgan, "Yaqin qarindoshlar bir-birlariga chayondekdurlar" (degan maqol timsolida) bir-birlarining qoni, nomusi va mol-mulkiga tajovuz qilib kelayotgan edilar. Shu bois barcha raiyatlar doim turli hodisalar ostida ezilib, xorlik va ranju mashaqqat jabrini tortib, fuqaro holiga beqarorligu alg'ov-dalg'ovchilik yo'l topgan, mamlakat ishlari o'z tartibu intizomidan chiqib ketgan edi"[5;149-155]. Shu tufayli muzaffariylar jangda mag'lub bo'lgach, mamlakatning hamma katta-kichiklari Amir Sohibqiron huzuriga yig'ildilar. Raiyat va mamlakat aholisi (muzaffariylarning) zo'ravonliklari va xalqqa o'tkazgan jabru-zulmlari haqida arz qildilar. "Agar Amir Sohibqiron yana bir bor mamlakat jilovini ularning qo'liga bersalar, ularning zo'ravonlik va jabru sitam qo'lini xalq ustidan daf qilmasalar, butun aholi xorlik maydonida oyoq ostida qolib, halok bo'lg'usidir"[6;179-180]. Xalqning bu adolatli talabi qondiriladi, muzaffariylar sulolasi tugatilib, mamlakat amirzoda Umarshayxga suyurg'ol sifatida beriladi, u hokimi mutlaq qilib tayinlanadi. Sheroz lashkarining hammasi uning xizmatiga o'tadi[7;180].

Bu kezlarda Kichik Osiyo va Yaqin Sharqda siyosiy vaziyat keskinlashib bormoqda edi. Usmonli davlati hamon o'zini mustahkamlab olmagan. Sivas-Qaysari tevaragida Qozi Burhoniddin Ahmad va Usmonli davlatiga shunchaki tobe Qaramon o'g'illari, Arzinjonda Arzinjon amirlari, Marash atrofida Dulqodirlar, Kichik Osiyoning janubi sharqida Oqquyunlilar hukm surardi. Bu ulkan hududda siyosiy birlik yo'q edi. O'rta Sharqda siyosiy ta'sirga qodir birgina Mamluklar davlati bor edi, xolos. Uning ta'sir doirasi Malatiyaga qadar cho'zilganiga qaramay, ichki urushlar tufayli ancha holdan toygandi[8;180].

Turk olimi, doktor Erol Gungor ham parchalanib ketgan Kichik Osiyo (Anatoliya)da Ertene o'g'illari, Dulqodir o'g'illari, Ramazon o'g'illari, Garmiyon o'g'illari, Jondor (Isfandiyor) o'g'illari, Oydin o'g'illari, Saruxan o'g'illari, Qaraman o'g'illari, Mentesh

o'g'illari, Karasi o'g'illari, Ichki Anatoliya bekliklari kabi kichik-kichik hukmdorlar boshqaruvni egallagani, o'zaro nizolar, ichki urushlar bu hududlar aholisini og'ir ahvolga solib qo'ygani haqida yozadi[9;3].

Fors va Mozandarinni qo'lga olgan Amir Temur Yaqin Sharqdagi harbiy vaziyatdan yaxshi xabardor edi. Shuning uchun u katta qo'shini bilan 1393-yil avgust oyida Bag'dodga qarab yurdi. Bu paytlarda Arab Iroqida Sulton Ahmad jaloyir ibn Uvays hukmronlik qilardi. Bundan o'n yil avval uch yillik urush paytida u Tabrizga xujum qilib talon-taroj o'tkazgan edi. So'ng mag'lubiyatga uchrab, Bag'dodga qochib qutulgandi. Endi Amir Temur uni jazolashga qat'iy qaror qiladi. Shu kezlarda turli savdogarlar, haj safariga xohish bildirganlar hamda mamlakat aholisidan Sohibqironga ko'plab shikoyatlar tushdi. Bu Sohibqironning harbiy siyosatidagi usullardan biri bo'lishi mumkin. Ular sultonning zolimligi, karvon yo'llarida qaroqchilikni kuchaytirib yuborgani, shariat qoidalaridan chekinib, turli axloqsizliklar va ichkilikbozlik avj olganidan noroziligini bildirgan edilar[10;120-136]. Bunday shikoyatlar ham Bag'dodga qarshi yurishning tezlashishiga sabab bo'ldi.

Bu haqda Ibn Arabshoh ham qimmatli ma'lumotlar beradi: "Sulton Ahmad Iroq yerlariga egalik qilgach, jinoyatkor qo'lini cho'zib, shafqatu ezgulik qanotlarini yig'ib oldi. U o'ziga va raiyalariga zulm qilib, kechayu kunduzni jabru-jafoyu, fasod ishlar (qilish) bilan o'tkazdi. Keyin u fisqu fujurda me'yorida oshib, zohirona jinoyatlaru ochiq-oydin yovuzliklar qila boshladi. U qon to'kishni ezguliklarni talash va nomuslarni tahqirlashda vosita qildi.

Aytishlaricha, Bag'dod ahli undan nafratlanib, uning dastidan Temurdan madad so'rab arz qilganlar"[11;157-159].

Ayni shu kezlarda Amir Temurga piri Said Barakadan xat keladi. Unda: "Arab Iroqi va Ajam Iroqining qahramoni, (Ollah) ikkinchi Iroqni ham senga taqdim etdi"[12;137], – deb yozilgan edi. Bu bashorat va da'vat Sohibqironni ruhlantiradi. Dastlab Sulton Ahmad jaloyir huzuriga Bag'dod lashkarlarining qay ahvoldaligi, yurish-turishi, qudrati haqida ma'lumotlar olib kelish uchun elchi yuborishga kelishildi. Elchi Bag'doddan: "Sulton Ahmad ikki ko'zli bir bo'lak go'sht ekan" degan mazmunda xat yubordi[13;62].

Bag'doddagi siyosiy vaziyat va lashkarlarning qay ahvoldaligini yaxshilab o'rgangan Sohibqiron hujumga o'tib, sentyabr o'rtalarida shaharga yetib keladi. Ammo Sulton Ahmad Amir Temur kelishidan avval shaharni o'z holiga tashlab, g'arbga qochgan edi. U Bag'dodni tashlab chiqarkan, Dajla daryosidagi kemalarni cho'ktirib, ko'priklarni yoqib, Xilla tomoniga yo'naldi va orqasidan quvib kelayotganlardan arang qochib qutulib, Damashqqa yashirindi. Nizomiddin Shomiy Amir Temur

askarlarining jasoratini shunday ulug'laydi: "Tong otgach, lashkarlar guruh-guruh va favj-favj bo'lib yetib keldi. Muhammad Ozod mardonalik ko'rsatib suvdan o'tdi. U tomondagi kemalarni bu tomonga keltirdi. Askarlar esa kemaga qaramay, Dajla daryosidan havodagi qushdek va suvdagi nahangdek suzib o'tdilar"[14;184].

NATIJALAR

XIV asrning oxirgi choragida Yaqin Sharq maydonida muhim mavqe egallagan Sulton Ahmad bilan Amir Temur munosabatlari haqida sharqshunos S. G'ulomov maxsus bir tadqiqot e'lon qilganligini shu o'rinda aytib o'tish kerak[15;58].

Sohibqiron bu hukmdorga munosabatda ham diplomatik vositalar orqali ish tutishni afzal ko'rgan. Shoh Mansur halok bo'lib, muzaffariylar sulolasi barham topganidan keyin Amir Temur Sulton Ahmad Jaloyirni itoatga chorlab maktub yuborgan. Eron tarixchisi Abdulhusayn Navoiy tomonidan Tehronda 1963 yilda nashr etilgan «Asnod va makatiboti tarixi Iron az Teymur to shoh Ismoil» nomli to'plamdan joy olgan bu maktub mazmuni quyidagicha:

«Ahmad Jaloyir podshohona inoyatlarga sazovor, bahramand va noil bo'ldilar. Muzaffar bayroqlarimiz, g'alaba shior tug'larimiz va marhamat nishonli lashkarlarimiz Sheroz tomonga qaytdi. Nomansur Mansur qariyb o'n ming otliq askar bilan o'zini g'olib lashkarlarga qurbon etdi va changu g'ubor singari havoga tarqalib ketdi.

Bugun agar sen o'zligingni tanisang, biz ham seni va arkoni davlatingni taniymiz. Hukm shuki, (Ahmad Jaloyir) oyog'i bilan emas, boshi bilan yurib, har qanchalik tezroq arsh martabali va kayvon rutbali olampanoh dargohga yetib kelsa va borgoh tuprog'ini ko'ziga to'tiyo qilsa, shunda umid bordurkim, u cheksiz podshohona inoyatlarga musharraf bo'lgay»[16;196-200].

Ammo uzoqni ko'ra bilmagan Sulton Ahmad Jaloyir bu taklifni tamomila rad etib, Sohibqiron shaxsiga qarata o'ta qo'rs va qo'pol iboralarni qo'llagan[17;199].

Ko'ramizki, o'z siyosiy e'tiqodiga qattiq amal qilgan Sohibqiron murosa-madora yo'lini izlaydi, ammo o'z shaxsini haqorat qilinishiga, izzat-nafsi yerga urilishiga aslo yo'l qo'ymaydi. Buning ustiga Sulton Ahmad Jaloyir zulmi, yomon xulq-atvori bilan xaloyiq o'rtasida o'z qadr-qimmatini yo'qotib bo'lgan, hukmdorlikka nomunosib shaxs bo'lib qolgan edi. Bunday nomatlub kishilarni esa u yaqiniga yo'latishni xohlamas edi. Ortiqcha kibru havo Sulton Ahmad Jaloyirni mag'lub etadi. U uzoq yillar quvg'inda yashaydi. Amir Temur vafotidan keyin yana taxtni egallaydi, ammo ko'p hukm sura olmaydi. Bir vaqtlar qadrdoni, do'sti bo'lib yurgan Qora Yusuf turkman tomonidan 1410 yilda o'ldiriladi.

1394-yilda Amir Temur o'z qo'shiniga orqaga qaytishga farmon berdi, bu hol ba'zi tarixchilar qayd etganidek, Barquq armiyasidan qo'rqib, chekinish emas, navbatdagi kuchli manevr edi. U Barquq ustiga yurish boshlasa ham, Kichik Osiyoga kirsam ham o'z orqasida birlashgan kuchli raqiblar jiddiy havf solishini yaxshi anglagan edi. Mohir sarkarda bo'lgan Sohibqiron bir necha yov o'rtasida qolishni xohlamasdi. Eng qulay yo'l – bu raqiblarni yakka-yakka holda parchalab tashlab, mag'lub etish edi. Shuning uchun u eng to'g'ri yo'lni tanladi: o'z qo'shini va ulkan mamlakatiga tinimsiz tajovuz qilishdan tiyilmayotgan To'xtamishni – kuchli Oltin O'rda xonligini yo'qotishni birinchi darajali vazifa sifatida belgiladi va bu rejani muvaffaqiyatli tarzda amalga oshirdi (bu haqda alohida to'xtalamiz – U.A.). U harbiy va siyosiy jihatdan to'g'ri yo'l tanlaganini keyingi voqealar to'la tasdiqladi. Amir Temurning juda uzoqni ko'zlab, orqaga qaytganini to'g'ri baholay olmagan mag'rur, kaltabin hukmdorlar keyinchalik qattiq dog'da qoldilar[20;253-262].

1393-yil qishida Mozandarinni qo'lga kiritgan Amir Temur Kichik Osiyo va Suriya ichkarisiga yurishga hozirlik ko'ra boshladi. Kichik Osiyo va Yaqin Sharqning siyosiy tuzilmalaridagi mavjud ahvol va o'zaro nizolar unga nihoyatda qo'l kelgan edi. Amir Temurning bu o'lkalarga yurishga otlantirgan yana bir sabab shuki, u bu yerlarning katta qismi Chingizxon va o'g'illariga taalluqli deb bilar va o'zini ularning merosxo'ri deb e'lon qilgan edi.

XULOSA

Amir Temurning Kichik Osiyo va Mamluklar Sultonligi qal'alari va shaharlari yaqinida paydo bo'lgani, ayniqsa Kichik Osiyo va Suriyani qo'lga kiritishga hozirlanayotganligi xabari qo'shni davlatlarni qattiq tashvishlantirib qo'ydi. Hozirgi arab va turk manbalaridagi ma'lumotlarga ko'ra, Yaqin Sharq va Kichik Osiyo ustiga tushgan bu katta siyosiy tahlikaning oldini olishga qaratilgan ba'zi ilk harakatlar Sivas va Qohirada boshlanganini ko'ramiz. Amir Temurning harakatlarini yaqindan kuzatib turgan Qaysariya-Sivas hukmdori Qozi Burhoniddin Ahmad davlat arboblarni saroyiga yig'ib, bu tahlikaga qarshi kurash yo'llari, tadbirlarini belgilashga intildi. Majlisda Qozi Burhoniddin Ahmad bu safar temuriylar tahlikasi kuchayib borayotgani haqida batafsil so'zladi. Yig'ilgan amirlar qo'shimcha askar to'plashga, shaharlar va qal'alarni ta'mirlashga qaror qildilar. Mamluklar sultonining poytaxti Qohiraga Suriya shaharlaridagi hokimlar tarafidan yuborilgan maktublarda ham xalqning qo'rquv va hayajon ichida qolgani ma'lum qilinib, yordam so'ralgan edi. Vaziyat qaltisligini anglagan Barquq ham qo'shin majlisini chaqirdi. Yig'ilishda sulton katta qo'shin bilan yo'lga chiqish, yetarli qurol-yaroq va oziq-ovqat jamlash haqidagi taklifni

ma'qulladi. Xuddi shunday yo'l tutish haqida Suriyadagi noiblarga ham buyruqlar yuborilgandi.

Bu harakatlar davom etayotgan paytda Amir Temur, 1393-yilning oxiri 1394-yil boshida Kichik Osiyoga kirdi. Bu bilan u mazkur hududlarni egallash niyatida ekanligini ochiq ko'rsatgan edi.

REFERENCES

1. Sharafiddin Ali Yazdiy. Zafarnoma. Tarjimon Muhammad Ali Buxoriy. So'zboshi, tabdil, izohlar va ko'rsatkichlar mualliflari: Ashraf Ahmad, Haydarbek Bobobekov. Toshkent, "Sharq" nashriyot-matbaa konserni 1997.
2. Amir Temur jahon tarixida. Parij-Toshkent. "O'zbekiston" 1996.
3. Ibrohim Aka. Buyuk Temur davlati.
4. Ibn Arabshoh. 1-jild.
5. Nizomiddin Shomiy. Zafarnoma. Fors tilidan Yu. Hakimjonov tarjimasi. Nashrga tayyorlovchi A.O'rinboyev. Toshkent, "O'zbekiston" 1996.
6. Nizomiddin Shomiy. Zafarnoma. Fors tilidan Yu. Hakimjonov tarjimasi. Nashrga tayyorlovchi A.O'rinboyev. Toshkent, "O'zbekiston" 1996.
7. Nizomiddin Shomiy. Zafarnoma. Fors tilidan Yu. Hakimjonov tarjimasi. Nashrga tayyorlovchi A.O'rinboyev. Toshkent, "O'zbekiston" 1996.
8. Yasar Yucel. Timurun Ortadoğu-Anadolu seferleri ba sonuclari (1393-1402). Ankara, 1989.
9. Erol Güngör. Tarihte türkler. İstanbül, 1990.
10. Nizomiddin Shomiy. Zafarnoma. Fors tilidan Yu. Hakimjonov tarjimasi. Nashrga tayyorlovchi A.O'rinboyev. Toshkent, "O'zbekiston" 1996.
11. Ibn Arabshoh. 1-jild. – T. 1992.
12. Temur tuzuklari. O'zbek, rus, ingliz, fransuz tillarida. Akademik B.Ahmedov tahriri ostida. /Fors tilidan A.Sog'uniy va H.Karomatov tarjimasi. Toshkent, "G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti" 1996.
13. Nizomiddin Shomiy. Zafarnoma. Fors tilidan Yu. Hakimjonov tarjimasi. Nashrga tayyorlovchi A.O'rinboyev. Toshkent, "O'zbekiston" 1996.
14. Nizomiddin Shomiy. Zafarnoma. Fors tilidan Yu. Hakimjonov tarjimasi. Nashrga tayyorlovchi A.O'rinboyev. Toshkent, "O'zbekiston" 1996.
15. G'ulomov S. Amir Temur va Boyazid munosabatlari. // "Sharqshunoslik", 1996, B. 74-83. G'ulomov S. Amur Temur bilan Ahmad ibn Uvays Jaloyir munosabatlari. // "Sharqshunoslik", 1998.
16. G'ulomov S. Amir Temur va Boyazid munosabatlari. // "Sharqshunoslik", 1996, B. 74-83. G'ulomov S. Amur Temur



- bilan Ahmad ibn Uvays Jaloyir munosabatlari. // “Sharqshunoslik”, 1998.
17. G‘ulomov S. Amir Temur va Boyazid munosabatlari. // “Sharqshunoslik”, 1996, B. 74-83. G‘ulomov S. Amur Temur bilan Ahmad ibn Uvays Jaloyir munosabatlari. // “Sharqshunoslik”, 1998.
18. Abduraimov M.A. Temur va To‘xtamish. Toshkent, G‘. G‘ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti 2001.
19. Tilman Nagel. Timur-zavoyevatel i islamskiy mir pozdnego srednevekovya. Rostov-na-Donu. “Feniks” 1997.
20. Lyusyen Keren, Akmal Saidov. Amir Temur va Fransiya. Toshkent. 1996.



XALQARO SPORT FEDERATSIYALARINING TASHKILIIY-HUQUQIY ASOSLARI

Dostonbek Mahmudjon o‘g‘li Otobolayev

Toshkent davlat yuridik universiteti

”Sport huquqi” magistranti

doston.otobolaev@gmail.com

ANNOTATSIYA

Sport tashkilotlarini xalqaro va milliy tashkilotlarga bo‘lishadi. Buning sababi, shaxsning jismoniy va ma‘naviy jihatdan rivojlanishining muhim vositalaridan biri hisoblangan sportni rivojlantirish va sport sohasida xalqaro hamkorlikni mustahkamlashga qaratilgan xalqaro sport harakati ham xalqaro sport tashkilotlari yuzaga kelishi bilan tashkil etildi. Sport tashkilotlari muayyan bir davlatda ro‘yxatdan o‘tsada, xalqaro sport tashkilotga a‘zo hisoblanadi va uning huquqiy hujjatlariga amal qiladi.

Kalit so‘zlar: xalqaro, sport, federatsiya, tashkiliy-huquqiy asos.

Rossiyalik olim S.V.Alekseevning fikricha, “Xalqaro sport tashkiloti – jismoniy madaniyat va sport bo‘yicha ta‘sischi davlatlar ishtirokida tegishli huquqiy norma bilan tuzilgan butunjahon va hududiy nodavlat tashkilot” hisoblanadi.

Xalqaro olimpiya va sport harakatining xalqaro darajadagi ishtirokchilari bu, eng avvalo xalqaro va milliy sport tashkilotlaridir. Olimpiya xartiyasining 1- qoidasiga ko‘ra Xalqaro olimpiya qo‘mitasi (XOQ) olimpiya harakatining oliy organi hisoblanadi. Xartiyaning 3-qoidasi esa Xalqaro olimpiya harakatini Xalqaro olimpiya qo‘mitasidan tashqari Xalqaro sport federatsiyalari (XSF), Milliy olimpiya qo‘mitalari (MOQ), Olimpiya o‘yinlarining tashkiliy qo‘mitalari (OO‘TQ), Milliy assotsiatsiyalar, klublar, ularga tegishli shaxslar (atletlar, hakamlar, referilar, murabbiylar hamda boshqa sport mutaxassislari), shuningdek, Xalqaro olimpiya qo‘mitasi tomonidan tan olingan boshqa tashkilot va muassasalar ham tashkil etishi belgilangan.

Xalqaro sport tashkiloti tan olinishi uchun uning faoliyati Xalqaro sport tashkilotlari Nizomi talablariga javob berishi zarur. Bunday xalqaro huquqiy normalar umumiy xarakterga ega bo‘lgan va sportga oid xalqaro tashkilotlarning huquqiy hujjatlari bo‘lishi mumkin.

Alekseev xalqaro sport tashkilotlarini quyidagi asosiy guruhlariga ajratadi:

1. Umumiy xarakterdagi xalqaro sport tashkilotlari.
2. Alohida sport turlari bo'yicha xalqaro sport tashkilotlari.
3. Mashg'ulot va faoliyat sohalari bo'yicha xalqaro sport tashkilotlari.
4. Ma'lum bir taalluqlilik bo'yicha xalqaro sport tashkilotlari.

